

# Шарк юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар  
союзининг органи

ОЯЛИК, АДАБИЙ-БАДИИЙ,  
ИЖТИМОИЙ, СИЁСИЙ ЖУРНАЛ

49-ЙИЛ ЧИҚИШИ

Ўзбекистан,

Билоло

рига қа

иши шар

75. Қоғ

23,4.

л Байр

6-уй.



0828,  
АН-

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САЊАТ  
НАШРИЁТИ

1981

5

# МУНДАРИЖА

Ш. Р. РАШИДОВ. Ленинчасига ишлаш беш йиллиги . . . . .	3
С. О. Азимов. Халққа муносиб асарлар яратайлик . . . . .	8
С. Мадалиев. Излайман. Достон . . . . .	10
Н. Раҳматов. Дашт. Қисса . . . . .	14
Б. Бойқобилов. Табаррук тупроқ. Достон . . . . .	49
В. Ғафуров. Ҳикоялар . . . . .	75
Т. Ашуров. Оқ от. Ҳикоя . . . . .	87
А. Дементьев. Ғалаба кунн. Шеърлар . . . . .	91
П. Қодиров. Нажот. Қисса . . . . .	93
У. Ҳошимов. Тўйлар муборак. Драма . . . . .	131
Ҳ. Яҳёев. Янги кўшиқлар . . . . .	161
О. Юсупов. Куёшдан тушган одамлар. Фантастик қисса. Охири . . . . .	163

## ОЧЕРКЛАР

Р. Шомансурова. Доимо олдинни кўзлаб... . . . .	196
И. Фозилов. Менинг каъбам — Ватаним . . . . .	200

## САНЪАТ

М. Қодиров. Уста санъаткор . . . . .	206
--------------------------------------	-----

## МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Э. Аҳмадхўжаев. Сўз лутфида ягона Лутфий . . . . .	200
Лутфий. Ғазаллар . . . . .	202

## МИРМУҲСИН — 60 ЁШДА

С. Мамажонов. Сарҳисоб . . . . .	210
С. Мавленов. Гўзаллик шайдоси . . . . .	212
О. Ёқубов. Юксак баҳо . . . . .	215
Ғ. Каримов. Жажжи лавҳалардан йирик полотноларга . . . . .	216
Н. Фозилов. Мир ака . . . . .	218
М. Али. Етук ва фасл адиб . . . . .	219

## ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

М. Тўлаҳўжаева. Саҳна асарининг умри . . . . .	220
--	-----

## ТАҚРИЗЛАР

П. Тўраев. Меҳнатни шарафловчи тадқиқот . . . . .	227
Н. Худойберганов. Оламлардан олам яратади . . . . .	232

## ЙИЛЛАР, ФАКТЛАР, ВОҚЕАЛАР

Б. Аҳмедов. Тарихий манбалар тилга кирганда . . . . .	235
«Гулқайчи» . . . . .	238
Маданий ҳаёт . . . . .	239
«Звезда Востока» май соннда . . . . .	239

**Шароф Рашидов,**

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзо-  
лигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик пар-  
тияси Марказий Комитетининг Биринчи секре-  
тари.

# ЛЕНИНЧАСИГА ИШЛАШ БЕШ ЙИЛЛИГИ

**КПССНИНГ XXVI СЪЕЗДИДА  
СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

**У**ртоқлар! Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг давлат гимнида: «Ленин партияси — халқ кучи билан бизни коммунизм сари бошлаб бормоқда!», деган ажойиб сатрлар бор. (Қ а р с а к л а р).

Нақадар аниқ, нақадар равшан ва тўғри сўзлар! Бу сўзлар партияимизнинг қудратли ва порлоқ ақл-идроки тўғрисида, унинг халқ билан абадий ва бузилмас бирлиги ҳақида аниқ тасаввур беради. Бу сўзларда гоят чуқур маъно ва улуг ҳақиқат бор. Уларда бизнинг меҳр-муҳаббатимиз ва ифтихоримиз, виждон ва умидимиз ифода этилган. Бу сўзларда совет халқининг шонли коммунистлар партиясига чексиз иззат-ҳурмати мужассамлашган. (Қ а р с а к л а р).

Партия XXVI съездининг делегатларидан ҳар биримиз, ҳар бир совет кишиси КПСС Марказий Комитетининг ленинча доно Ҳисобот докладини тинглаб, қонуний фахрланиш туйғулари билан шу гапларни айта олади: жаҳонда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг революцион ижодкорлиги билан, буюк инсонпарварлик ғоялари ва шонли зафарлари билан тенг кела оладиган бирон бир жозибали куч йўқ. (Қ а р с а к л а р).

Бизнинг партиямиз Лениннинг барҳаёт васиятларини амалга ошириш учун фидокорона курашиб, ҳамиша ўзининг юксак тарихий жавобгарлигини билиб келди ва бундан буён ҳам билaveraди. Шунинг учун ҳам совет халқи партияга чексиз содиқ бўлиб, унинг ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўқис қўллаб-қувватламоқда. (Қ а р с а к л а р).

Леонид Ильич Брежнев: «...Партия бўлган жойда муваффақият бор, ғалаба бор!» деб жуда ҳақ гапни айтди. (Д а в о м л и қ а р с а к л а р).

Совет халқи ўтган беш йилликда социалистик жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларида партия раҳбарлигида эришган ажойиб натижалар буни жуда яққол исбот этади.

Бизнинг партиямиз ленинча анъаналарга амал қилиб, «...текширилган, қайта ишлаб чиқилган, жамланган амалий тажриба»ни ўзининг XXVI съездига олиб келди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг чуқур мазмунли докладыда жаҳондаги аҳвол марксча-ленинча таҳлил қилинди, партиянинг, ривожланган социализм жамиятининг КПСС XXV съезди қарорларини бажариш соҳасидаги фаолиятлари, якунлари аниқ-равшан кўрсатиб берилди.

Халқ бахт-саодати тўғрисида, мустаҳкам тинчлик тўғрисида гам-хўрлик қилиш, улуғ ишимизнинг ҳаққонийлиги ва галаба қозонишига чексиз ишонч руҳи билан сўғорилган Ҳисобот доклади партияни, барча совет кишиларини саксонинчи йиллардаги ҳаракатимизнинг илмий жиҳатдан асослаб берилган программаси билан қуроллантиради. Унда коммунистик бунёдкорликнинг катта, чинакам бебаҳо тажрибаси му-жассамлашгандир. Докладда баён этилган энг муҳим назарий умумлашмалар ва хулосалар бутун инсониятнинг тарихий тақдири учун катта аҳамиятга эгадир. (Қ а р с а к л а р).

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам партия XXVI съезди қарорларининг амалга оширилиши мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчи кучларни янада ривожлантиришни таъминлашига, халқ-аро майдонда СССР нинг обрў эътиборини янада юксак даражага кўтаришига астойдил аминдирлар.

Бошланғич партия ташкилотларининг яқинда ўтказилган йиғилишларида, район, шаҳар ва область партия конференцияларида, Ўзбекистон Компартиясининг XX съездида, Асосий йўналишларнинг умумхалқ муҳокамаси жараёнида КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюросининг сиёсий йўли, иқтисодий стратегияси ва амалий фаолияти яқдиллик билан маъқулланди ва қизгин қўллаб-қувватланди. (Қ а р с а к л а р).

Республикамиз меҳнаткашлари совет кишисининг бахт-саодати, социалистик Ватанимизнинг шон-шухрати, тинчлик ва коммунизм тантанаси йўлида жуда катта хизмат қилаётганликлари учун КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси ва шахсан Леонид Ильич Брежневдан чексиз миннатдор эканликларини билдирадилар. (Қ а р с а к л а р).

Биз доно назариётчи, истеъдодли ташкилотчи, замонамизнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун толмас курашчи, номи Ер қуррасининг барча қитъаларида озодлик ва бахт, адолат ва тараққиёт байроғи бўлиб қолган ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг кўп қиррали фаолиятини яхши биламиз ва гоят қадрлаймиз. (Д а в о м л и қ а р с а к л а р).

Делегат ўртоқлар! Учинчи беш йиллик йиллари мамлакатдаги барча иттифоқдош республикалар каби Ўзбекистон учун ҳам экономика, фан ва маданиятни янада жўшқин ривожлантириш, халқ фаровонлигини муттасил юксалтириш йиллари бўлди.

Республика беш йилликнинг асосий социал-иқтисодий вазифаларини муваффақиятли бажарди. Фан-техника тараққиётини белгилаб берувчи энергетика, машинасозлик, рангли металлургия, химия, газ саноати ва саноатнинг бошқа тармоқлари тез суръатлар билан ривожланмоқда. Беш йил ичида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 27,4 процент, химия саноатида қарийб 40 процент, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш 47 процент кўпайди. Беш йиллик учун белгиланган планлардан



ташқари бир ярим миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот реализация қилindi.

Капитал қурилишда сон жиҳатидангина эмас, аввало, сифат жиҳатидан ҳам ижобий ўзгариш рўй берди. Республика асосий фондларни ишга солиш юзасидан беш йиллик планни 102 процент, капитал маблағларни ўзлаштириш планини 109 процент, қурилиш-монтаж ишларини 108 процент бажарди. Утган йили битказилмай қолган қурилишни 13 процент қисқартиришга эришилди.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди, қишлоқ хўжалигини интенсивлаш изчил амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда КПСС аграр сиёсатининг амалга оширилаётганлиги республика қишлоқ хўжалигини янада юксак поғонага кўтариш, бутун аграр-саноат комплексини ривожлантиришнинг барқарор суръатларини таъминлаш имконини берди.

Республика беш йиллик даврида ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни ўртача йиллик ҳисобда тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан, топшириқда белгиланган 22 процент ўрнига 25,5 процент кўпайтирди. (Қ а р с а к л а р). Дон етиштириш 2 барабар, сабзавот-полиэ эквиваленти 1,6 барабар, ҳўл мева ва узум етиштириш 1,7 барабар ортди. Гўшт етиштириш 31 процент, сут 42, тухум етиштириш 65 процент ортди. (Қ а р с а к л а р).

Маълумки, пахтачилик — республика қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғидир. Пахта етиштиришни муттасил кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш—бизнинг энг муҳим вазифамиз, мамлакатимиздаги барча қардош халқлар олдидаги ватанпарварлик ва интернационал бурчимиздир.

Биз шу мўътабар минбардан туриб зўр хурсандчилик билан партияга маълум қиламизки, республика КПСС XXV съездида берган вадасини шараф билан бажарди. У Ватан пахтачилиги тарихида биринчи марта олти миллионли маррадан ўзиб кетди. Утган йили рекордли даражада кўп—6 миллион 237 минг тонна пахта сотилди. (Қ а р с а к л а р).

Ўзбекистон колхоз ва совхозлари ўнинчи беш йилликда Ватанга жами 28,5 миллион тонна, яъни тўққизинчи беш йилликдагига қараганда 4 миллион тонна кўп пахта топширдилар. (Қ а р с а к л а р). Пахтакорларимизнинг ана шу чўққилар сари йўли машаққатли бўлди. Табиий офатнинг шиддатли ҳужумларига қарамай, улар бардош берибгина қолмай, шу билан бирга ғалабага ҳам эришдилар, табиий офатга қарши курашда совет характерининг, социалистик турмуш тарзининг энг яхши фазилатларини намойиш қилдилар.

Пахтакор ўзининг пахта учун олиб борган жангида шонли ишчилар синфининг ишончли мададини ҳамиша ҳис этиб турди, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигининг мутахассислари, механизаторлар ва конструкторлар, авиаторлар ва қурувчилар у билан ёнма-ён бўлдилар.

Бизнинг ғалабамиз — КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати СССР даги барча қардош халқлар республикамизга бераётган ва доимо ортиб бораётган ёрдамнинг яққол кўриниб турган самараларидир. (Қ а р с а к л а р).

Ватан бизнинг меҳнатимизга юксак баҳо берди. Республика меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида эришган жуда катта муваффақиятлари, пахта, дон, сабзавот, полиэ маҳсулотлари, узум, мева, каноп харид қилиш юзасидан ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарганлиги учун Ўзбекистон учинчи Ленин ордени билан мукофотланди. (Қ а р с а к л а р).

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллик якунларини янги меҳнат чўққиларини бундан буён ҳам забт этиш имконини берадиган мустаҳкам пойдевор деб билмоқдалар.

Леонид Ильич Брежнев партия съездида қилган докладида мамлакатнинг махсус озиқ-овқат программасини ишлаб чиқиш зарурлигини алоҳида куч билан таъкидлади.

Сибирь дарёларининг сувининг бир қисмини РСФСР, Қозоғистон ва Ўрта Осиёга буриб юбориш ана шу вазифани ҳал этишга ғоят катта ҳисса қўшиши мумкин. РСФСР, Қозоғистон ва Ўрта Осиёда сугорилиши керак бўлган ўн миллионлаб гектар ерлар мавжуд. Бу ерлар бой, унумдор ерлар, қуёш нурини эмган ер, она ердир. Бунинг учун деҳқонларнинг олтин қўллари ҳам мавжуддир. (Қ а р с а к л а р).

Бизнинг съездимиз мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларини муҳокама этиб қабул қилади. Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини буриб юбориш соҳасидаги ишларни бошлаш тўғрисидаги масаланинг ижобий ҳал этилиши (ўртоқ Д. А. Қўнаев бу ерда сўзлаган нутқида шу ҳақда айтиб ўтди) сугориладиган деҳқончиликнинг янги ноёб ва ғоят унумли районини вужудга келтириш имконини беради, озиқ-овқат программасини ҳал этишга қўшилган катта ҳисса бўлади. (Қ а р с а к л а р).

Ўн биринчи беш йиллик ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини тобора ошириш беш йиллиги бўлади. Умуман республикада саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 28—31 процент ортади. Пахтакорлар «оқ олтин» етиштиришни 30 миллион тоннага етказдилар. (Қ а р с а к л а р).

Резервлардан, иқтисодий ўсишнинг интенсив омилларидан тўлиқроқ фойдаланишни, халқ хўжалигига партиявий раҳбарликни яхшилашни, ленинча иш услубини сабот билан эгаллашни ўзимизнинг бош вазифамиз деб биламиз.

Камчиликларга қатъиян барҳам бериш, «танг жойлар»ни бартираф этиш, бой табий ресурслардан оқилона фойдаланиш белгиланган планлар муваффақиятли бажарилишининг ғоят муҳим шартидир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлашда, ерларнинг унумдорлигини оширишда, маҳсулот таннархини арзонлаштиришда комплекс механизация катта ўринни эгаллайди. Унинг Ватан пахтачилигидаги роли ҳам бебаҳодир.

Бизнинг пахтачиликдаги машина-механизмларимиздан бугунги кунда кўпгина социалистик ва ривожланаётган мамлакатлар кенг фойдаланмоқдалар. Ана шу машина-механизмларга бўлган талаб-эҳтиёжлар муттасил ортиб бормоқда. Афсуски, баъзи бир тракторлар, комбайнлар, пахтачилик учун машина-ускуналарнинг қуввати ва сифати ҳозирги талабларга ҳамиша ҳам мос келаяпти, деб бўлмайди.

Мана шуни ҳисобга олиб, биз СССР Министрлар Советидан пахтачиликни механизациялашни янада ривожлантириш, шу тармоқни тобора замонавий, серунум машиналар билан таъминлаш масалаларини кўриб чиқишини илтимос қиламиз. Ватанимизнинг пахтачиликка мўлжалланган техникаси дунёда энг яхши бўлиши учун бизда ҳамма имкониятлар мавжуд. (Қ а р с а к л а р).

Ўртоқлар! Биз ҳар қандай масалаларни — катта ёки кичик, жорий ёки истиқболдаги масалаларни ҳал этишда ўз олдимизда ҳамиша ва ҳамма ишда ҚПСС Марказий Комитети, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг ва шахсан ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг буюк намунасини кўрамиз. (Қ а р с а к л а р).

Биз алоҳида мамнуният туйғуси билан шуни қайд этамизки, партияда, мамлакатда жуда соз маънавий-сиёсий муҳит, ўзаро ишонч ва ўзаро ҳурмат, кишиларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш муҳити ва шу билан бирга камчиликларга нисбатан муросасизлик, принципиал талабчанлик, Ватан олдидаги бурчни виждонан бажариш муҳити вужудга келган.

Мана шу ажойиб ленинча анъана кадрларга ишонч бахш этмоқда, ижодий меҳнат учун, коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун шарт-шароитларни таъминламоқда.

Жонажон партиянинг сиёсатига, партия Марказий Комитетининг доно раҳбарлигига астойдил, чексиз ишонган Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакатнинг барча қардош халқлари билан ягона сафда бундан буён ҳам ҳақиқат йўлидан, Ленин партияси бизни бошлаб бораётган шон-шавкат ва қаҳрамонлик йўлидан, бахт-иқбол йўлидан олға бораверадилар. (Қ а р с а к л а р).

Совет Ўзбекистони коммунистлари, барча меҳнаткашлари партиянинг улуғвор режаларини шараф билан ва муносиб равишда бажариш, ўн биринчи беш йилликни зарбдорларча ишлаш, ленинчасига ишлаш беш йиллигига айлантириш ва шу билан коммунизм қурилишига қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш учун куч ва ғайратларини аямайдилар, деб КПССнинг тарихий XXVI съездини ишонтиришга ижозат бергайсиз. (Д а в о м л и қ а р с а к л а р).

---

Сарвар Азимов,

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правление-  
сининг биринчи секретари

## ХАЛҚҚА МУНОСИБ АСАРЛАР ЯРАТАЙЛИК

Марказий Комитетнинг ҳисобот<sup>1</sup> докладида ва съезд делегатларининг нутқларида ўнинчи беш йилликда қилинган зўр ишлар ва меҳнат зафарларининг, коммунистик бунёдкорликдаги ижодий парвозларнинг жозибали манзараси намоён бўлди.

Деҳқонларимиз Ватанга совет пахтачилиги тарихида энг салмоқли қимматбаҳо «оқ олтин» хирмони — 6 миллион тоннадан кўпроқ пахта тортиқ қилдилар. Ишчилар синфи планларимизни ва социалистик мажбуриятларимизни барвақт бажариб, ҳаммамизни қувонтирди. Илм-фан, маориф, маданият залворли ютуқлар билан бойиди.

Коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳалари ва босқичларида совет адабиёти ва санъати Коммунистлар партияси билан, меҳнаткаш халқ билан ҳамшиша ҳамдам ва ҳамнафас бўлди.

Биз ижодий союз фаолиятини партиянинг салмоқдор қарорларига мувофиқ равишда ташкил этар эканмиз, ўз сафларимизда юксак партиявийлик ва принципааллик, талабчанлик ва ишонч вазиятини вужудга келтиришга интилдик. Ўнинчи беш йилликнинг ўзида Ўзбекистоннинг 60 дан ортиқ ёзувчиси ижодий муваффақиятлари учун ҳукуматнинг юксак мукофотларига, фахрий унвонларга ва адабий мукофотларнинг лауреатлари унвонларига сазовор бўлди.

«Ҳар қандай миллий маданият ўз қобигига биқиниб олса,— деб ёзади Л. И. Брежнев ўзининг ажойиб «Қўриқ» китобида,— муқаррар равишда ютқазади, бундай маданият умуминсоний фазилатлардан маҳрум бўлади». Сўнгра «Миллий анъаналар ва ўзига хослик тўғрисидаги энг муҳим масалани бачканалаштириш, этнография ва маишийлаштиришгагина боғлаш мумкин эмас», деб таъкидланади.

Ўзбекистон ёзувчилари мана шу принципаал йўл-йўриқни ҳамшиша ёдда тутадилар. Улар ўз асарларида замонамиз қаҳрамонлигини тасвирлар эканлар, шу тариқа халқ характерининг энг яхши фазилатларини интернационал совет адабиёти муштарак хазинасига қўшадилар.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Коммунистик партияси XX съездида сўзланган нутқ.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига тайёрлаган ва умумхалқ муҳокамасига қўйилган лойиҳаси барча совет кишилари қатори бизни ҳам бениҳоя тўлқинлантирди ва кўп нарсалар устида чуқур ўйлашга мажбур этди. Партия режаларининг кенг миқёси, илмий асосланганлиги, ҳаётийлиги ёзувчиларнинг ўз қуроли — бадий сўзнинг бутун воситаларини ишга солиб, шу вазифаларни амалга оширишга хизмат қилиш иштиёқини уйғотди.

Ўзбекистон коммунист ёзувчиларининг очиқ йиғилишида КПСС Марказий Комитети лойиҳаси бўлимидаги бандлардан бирини, башарти мақбул топилса, қуйидаги тахрирда баён этиш таклиф қилинди: «Мазкур лойиҳани амалга оширган тақдирдагина ўзлаштириш мумкин бўлган Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги янги ерларни ўзлаштиришга доир тайёргарлик тадбирларини планли равишда ўтказиш имкониятини таъминлаш учун Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини ўн биринчи беш йилликда Ўрта Осиё ва Қозоғистонга оқизиш соҳасидаги илмий лойиҳа ва амалий ишлар жадаллаштирилсин». Бизнинг назаримизда бу тузатиш принципиал сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эгадир.

Мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантириш учун Ўрта Осиёнинг чинакам катта потенциал имкониятлари ва табиий ресурслари бор. Шу бонсдан ҳам биз мамлакатдаги барча халқларнинг фаровонлиги тўғрисидаги ғамхўрликка асосланиб, бир вақтлар Ленин партиясининг қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш программаси нақадар зарур ва муқаррар бўлган бўлса, бу масаланинг ҳал этилишини ҳам шу қадар зарур ва муқаррар деб ҳисоблаймиз.

Яна бир масала — Орол денгизи сатҳининг пасайиб бориши масаласига тўхталиб ўтмоқчиман. Бу нарса атроф-муҳитга, Орол атрофларининг табиий потенциалига номақбул таъсир ўтказиши мумкин. Чамаси, Орол денгизи ҳавзасида сувни муҳофаза қилиш иншоотларини қуришни кўзда тутмоқ керак.

Ўзбекистонда мамлакат ёзувчилари катта отрядларидан бири меҳнат қилмоқда, истеъдодли ижодкор ёшлар орасидан муносиб ўринбосарлар ўсиб вояга етмоқда, афсуски, нашриётларнинг ишлаб чиқариш қувватлари етарли эмас. Китобхонларга зарур бўлган кўпгина китоблар неча йиллаб навбат кутиб қолмоқда. Ёзувчиларнинг янги нашриётини барпо этиш зарурати етилган.

Ҳозирги босқичдаги адабий жараённи ўрганишга ихтисослашган ва ўзининг босма органига эга бўлган илмий-тадқиқот институтини вужудга келтириш зарурати ҳам етилган.

Биз тинчлик, озодлик ва тараққиёт учун курашаётган халқларнинг хolis ниятли дўстлари ва иттифоқчилари бўлишни ўз ролимиз ва бурчимиз деб биламиз. «Прогресс» нашриётининг Ўзбекистон филиали ишини кенгайтириш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Бу филиални қайта қуриш, энг яхши бадий адабиёт асарларини ривожланаётган мамлакатларнинг тилларига таржима қилишни кўзда тутиш зарурати бор.

Социалистик Ўзбекистон ёзувчилари, адабиёти ва санъати арбоблари ўзларининг бутун илҳом, зеҳн, ақл-заковати ва маҳоратини коммунизм улуғ идеалларини рўёбга чиқаришга чорловчи бадий асарлар яратишга сарфлайдилар, деб ишонтиришга ижозат бергайсизлар (Қ а р с а к л а р).



Унда —  
     улар чопган  
                     дўнглик устида  
 Қолди оналарин жасади кули...

Тиниб ўлтирамиз.  
 Бегона хола  
 пайпаслаб, аланглаб, термилиб тикка,  
 тўқ-яшил рўмолда,  
     қилганча нола,  
 бизларни элтмоқда номаълумликка.  
 Хатар ортда қолди.  
 Болалар уйи  
 шодон қаршилади бизни.  
 Шу кўйи  
 Сўнг яшай бошладик  
 Иссиқда — нурда.  
 Биз уруш кунлари улғайдик бирдан.



У ер иссиқ эди,  
 Ниҳоят иссиқ —  
 бизни келтиришган у олис диёр.  
 Унда,  
     бесаранжом қушлар галаси —  
 тўпидан айрилиб,  
     биргина ночор  
 мусича юрарди  
     сокин, беозор.  
 Азобли кўникма —  
     ҳар кун туш пайти  
 димиққан синфни тарк этардик биз.  
 Хусусан, ортарди тунги димликда  
 Нохуш,  
     ноумидлик сингари бир ҳис.  
 Бизнинг бошимизда  
 онамиз каби,  
 Тунги энагалар,  
     ғамимизни еб,  
 ўлтириб чиқарди,  
     чўчиб, асабий  
 қичқириб, уйғониб кетмасинлар, деб.  
 Оналар меҳридан бўлсак-да маҳрум,  
 ухлатишга шошмай, бошимиз силаб,  
 қучдилар —  
     товушсиз йиғлаб —  
                     эркалаб,  
 ҳеч кимса етим деб, қилмади зуғум.  
 Бир кампир келарди гоҳо  
 мен учун.  
 Ва у ёлғизликни қарғаб, пайдар-пай,  
 узарди сарғайиб қолган узумдан.  
 Дастурхон ёзарди мен учун атай.  
 Кампирнинг боғида  
     ҳар бир дарахтда  
 мевалар бўларди ой каби бўлиқ.

Бедазорда эса, билмам, не ҳақда,  
бедана сайрарди бўлиб ва бўлиб.

Ҳаво иссиқ келди сентябрда ҳам.  
Сўнди бутоқларда тушги жазира.  
Мен,

ишга суюниб, ҳовлида, бардам,  
самавор қўйиш-ла эдим овора.  
Сўнг бир хат ўқидим зўрға ҳижжалаб...

Оддий хат эди бу,  
қисқа матнида  
маълум қилган эди кампирга майор:  
Горки қишлоғида  
ҳужум пайтида  
мардларча ўлибди  
ўғлони Ёдгор!  
Шошмай, «маросимни» сир тутди она.  
Боладай ҳиқиллаб йиғлади яна.  
Дарахт остидаги сув бошида сўнг  
ўлтирди,  
ҳеч менга ишонмасди у.  
Зорланиб турмадики, унга қийин.  
Ўғил қилмоқ бўлиб,  
қилмади ҳасрат.  
Мен ҳам мўъжизага ишониб фақат  
ҳануз ўз онамни кутдим кун сайин  
бегона меҳрга  
қилмай қаноат.



Боғларда булоқлар куйлар жимгина.  
Уйғонар сайрашиб аста қушчалар.  
Уруш ҳам тугади  
ва бу хушхабар  
юрақда тўпланган ҳасратни яна  
кучлироқ оширди тагин шунчалар...

Ранглари ўнгиди  
хатарлар йилин.  
Вақт оқартирар  
сочларни зимдан.—  
Мен қора боғични  
ташлайман юлиб  
машъум жанг қолдирган  
жароҳатимдан:—  
менинг илтижомга ҳануз бепарво,  
зангли темирлари билан қисирлаб,  
даҳшатли ўкирган  
садолар билан  
эслатиб туради уруш ўзини!  
Ҳануз чинқиради ваҳмали, машъум,  
самовот қаъридан ташланиб,  
бир зум  
ер узра сирғалиб  
тубсизлик сари,  
тагин ғойиб бўлган самолётлар.



Ҳануз  
     вайроналар  
         уюми узра  
 даҳшат учаётир  
         капалак бўлиб,  
 «Онажон» нидосин лабида тишлаб  
 болалар югурган тепалик узра...



Мен хатлар кутаман.  
 Ҳар ёққа, бетинч,  
 ҳасратли сўровлар жўнатиб, ойлаб,  
 Одамлар ҳам жавоб ёзар  
         шошилинч  
 ачиниш ҳиссини сатрга жойлаб.  
 Тунларимга эса ўрмонда, бирдан,  
 теракларга мунгли ташлаб кўз қирин,  
 боласин

    бағрига  
         босиб югурган  
 аёллар сояси кирар бостириб.  
 У соя чарх урар, ўрнимга қулар  
 ва собит қуюнга  
         айланар кескин;  
 Аёл елкасининг шаклига кирар,  
 онам кўйлагидек  
         ҳилпирар секин.  
 Унга талпинаман,  
         додлайман чўзиб,  
 лекин эшитмайман додимни ўзим...

**КУЧЛИРОҚ**  
     кўникиш,  
         сукут қонуни  
 Заминнинг тортилиш қонунидан, рост.  
 Енгиб  
     ноумидлик ва дард,  
         қайғуни,  
 чиқдим  
     қондошларни  
         изламоққа боз.  
 Қуёшдек ёруғ бир умид  
         жонимда,  
 руҳимни ёритиб, бошлайди йўлим.  
 У шундай ёруғки,  
         ўлар онимда  
 уни ўлдиролмас  
         ҳаттоки ўлим!

Мирза КЕНЖАБОВ таржимаси.

Нусрат Раҳматов

## ДАШТ

ҲИССА

### Майин ва муаттар ҳид

Трактор юриб кетиши билан бутун қиш бўйи қор остида мудраган тупроқ бағридан ўша ёқимли ҳид тарала бошлади. Бу — болалигимдан бери ҳар гал мени энтиктириб келаётган, худди жавдар ноннинг магзига ўхшаш донадор, майин ва ҳароратли тупроқ ҳиди эди. У плугнинг улкан тишлари қирқиб кетган бултурги себарга, қоқиўт илдизлари ҳидига аралашиб янада ўткирлашгандай эди.

Одатдагидек трактор орқасидан югургим, болаларга ўхшаб унинг моласига миниб олгим ва қадрдон тупроқ ҳидидан тўйиб-тўйиб ҳидлагим келаверди. Аммо ёнимда ўтирган Қурбоншо ҳам баҳорнинг сархуш тароватидан маст бўлиб, сурнайини чалиб юбориши билан фикримдан қайтдим: наво тинглашга бўлган иштиёқим устун келди. Ҳадемай дилкаш куй баҳор шабадасига қўшилиб, она-ер шарбатини сўра-сўра бўй чўзаётган майсалар бошини майингина силаб ўта бошлади. Бу ногаҳоний оҳанг асрлар бўйи ухлаб ётган Жиззах даштини уйғотаётган оташин даъватга ўхшаб кетарди.

Сурнайнинг сеҳрли қўшиғи қалбимга ҳаяжон солди, ёдимга яхши кишиларни туширди... Сўнгги ҳафтада бўлиб ўтган ногаҳоний воқеалар беихтиёр кўз ўнгимда гавдаланди.

□

Унча узоқ давом этмаган баҳслар, анча расмий савол-жавоблардан кейин бюро мени ишдан олиб, партия сафидан ўчиришга қарор қилди. Биринчи секретарь ана шу таклифни ўртага қўйиши билан бюро аъзолари мендан нигоҳларини яширганча қўл кўтариб, тасдиқлашди. Умидимнинг сўнгги риштаси узилиши билан тиззамга титроқ кирди. Ўрнимдан ирғиб турдим, аммо оёқларим гавдамни кўтаролмай букилиб кетаверди, дилимдаги сиёҳлик йириклашиб, томоғимга тиқилаётгандек эди.

— Тўхтанглар! Нимага ахир... нима учун? — дедим нафасим бўғилиб.

— Илтимос, Муродов, чиқиб турсангиз! — деди секретарь совуққина қилиб. — Биз бошқа масалага ўтишимиз керак.

Меннинг тақдиримга қандайдир лоқайд қарашларига дош беролмай, лол бўлиб турганимда, биринчи секретарга қўшилиб, бошқалар ҳам чиқиб туришимни сўрашди. Ноилож, кабинетдан чиқдим у хаёлларимни жиндек йиғиштириб олиш учун ўзимни диванга ташладим.

Во ажаб? Шунча йил бирга ишлаган, шу район деб унинг азобуқубатларини бирга тортган бюро аъзоларининг бу носамимийликларини қандай тушунмоқ керак?! Тўғри, хатоларим бор. Аммо шунчалик бешафқат бўлиш керакмиди? Йўқ, тақдирга тан бериб, сафдан индамай ўчиб кетаверадиганлардан эмасман!

Ҳадемай, бюро йиғилиши тугади ва унинг қатнашчилари худди мени илғамагандай чиқиб кетишди. Айниқса, қишлоқ хўжалик бошқармасига бошлиқ бўлиб келганимдан бери кўп масалаларда ҳамфикр бўлган, аммо шунга қарамай, ҳозиргина менга қарши қўл кўтарган иккинчи секретарь кабинетга кириши билан орқасидан эргашдим. Иккаламиз ҳам хиёл муддат гапни нимадан бошлашни билмай турдик. Ниҳоят, ҳаяжонимни босиб савол бердим.

— Бу, ўчириб юбордиларинг-ку?

— Ҳа, энди...

— Ҳеч бўлмаганда сиз бетараф қоларсиз, деб ўйлагандим.

— Бетарафларни ёмон кўраман!

— Учириб ташлаш керак эди, денг-а?

— Биласизми нима, — у сўзимни кесди, — сизни ўшанақа ишлар билан шуғулланганингиз учун эмас, шуғулланолмаганингиз учун, яъни — эпллмаганингиз учун жазолашди. Ҳидини чиқармаслик керак-да, биродар! Хотинингизни хўрлаганингиз, бошқалар билан дон олишиб юришингиз районда ҳаммага аён. Қайнотангиз бекорга шикоят ёзмаган. Биз бундай пайтда чора кўришга мажбурмиз. Бунинг устига илгари қаттиқ ҳайфсан олгансиз.

Чиқиб кетишдан бошқа иложим йўқ эди, аммо қаёққа боришимни, нима қилишимни билмасдим. Узоқ-узоқларга — етти ёт бегоналар орасига кетгим, барини бошдан бошлагим келарди.



Мирзачўл билан туташиб кетган Жиззах даштидаги янги совхоз марказини бошқача тасаввур этган эдим. Газета, журналларда сурати босилган обод, шинам посёлкалар, дарахтзорлар кўринмасди. Тайёр цемент деворлардан тикланган икки қаватли уйлар, улар ёнидан қўзиқориндай ўсиб чиққан пастак, беўхшов молхоналар, тандирлар, қорайиб кетган ғўзапоя ғарамларини, бетон ариқлар ичида эса зилол сув ўрнида шамол ўтган йил учириб келган туяқорин, оқбош каби чўл ўтларини, ариқ бўйларида эса зичлаб ўтказилган, лекин ёппасига қуриб қолган чинор, акация, қайрағочларни кўрдим ва буларнинг бари менда қандайдир нохушлик уйғотди.

— Дарахтларни кўкартиришмабди-да, — дедим мени бу ерга олиб келиб қўйган шофёрга пул узатаётиб.

— Дарахтни нима қилади? — деди у кўнглимни яна хуфтон қилиб. — Кузда томорқани йиғиштиришса, бари жўнаб кетадиган одамлар булар. Келаси йил келганлари яна дарахт ўтқазади.

«Майли, — таскин бердим, ўзимга-ўзим. — Мен ҳам бу ерда доимий эмасман: партияга тиклансам кетарман. Колхозимга, районимга керакман!»

Турар жой биноларидан бирини идорага мослаштиришган экан.

Қабулхонада одам анчагина бўлиб, улар қандайдир асабий, ҳорғин эдилар, кўпчилик бурқситиб сигарет чекарди.

Кутувчилардан директор аввал «Голодноостепстрой»да, райкомда ишлаганини, қаттиққўл, ишчан раҳбарлигини эшитиб, кайфиятим анча яшиланди. Бундай кишилар билан ишлаш, тил топиш қийин эмас. Бафуржа гаплашиш учун ҳаммадан кейин кирдим.

Тўрда эллик ёшларни қоралаб қолган, тўладан келган, ҳорғингина киши ўтирарди. У кирганимни пайқамади шекилли, қоғоздан бош кўтармади. Фурсатдан фойдаланиб, мен директорга, кабинетга бир зумгина назар ташлаб олдим. Деворга илинган Жиззах даштининг харитаси менга негадир, эндигина бир чаноғи очилган улкан кўсакни эслатди.

Саломлашгач, қаршисига ўтириб ўзимни таништирдим, чўлда ишлаш нияти билан келганимни гапирдим. Директорнинг юзида гапимни эшитишга иштиёқ борлигини ҳис қилгач, бошимдан ўтган ташвишларни ҳам яширмадим: институтни битириб, ишни бригадирликдан бошлаганимни, кейин колхозда бош агроном бўлганимни, қишлоқ хўжалик бошқармасига бошлиқ қилиб тайинлашганларини, ютуқлар ва хатоларниям айтиб бердим.

— Ничево, хафа бўлманг! — далда берди у сўзимни охиригача эшитгач! — Йигитнинг бошига нималар тушмайди. Кўриб келяпмиз барини. Орқа қилиб келибсиз — биз хурсанд! Сизга ўхшаган одамлар чўлга жуда-жуда керак!

Директор эски уфатини учратиб қолгандек, ПМКлар ёмон ишлаганидан, идора билан болалар боғчаси қурилиши уч йилдан бери судралаётгани, уй етишмаётганини ва ичимлик сув чатоқлигидан ҳасрат қилди. Бу одамнинг зиммасида чўлда пахта етиштириш билан бир қаторда катта бир оилани вужудга келтиришдек ташвиш борлигини ҳам англаб олиш қийин эмасди.

— Мен сизни бўлим бошқарувчилигига жон деб қўярдим-у, аммо райком коммунист бўлмаганларни бу ишга тасдиқламай қўйди. Шунинг учун бирор йил агрономлик қилиб берасиз. Олтинчи бўлимимиз бор: бошқарувчиси Арабов. Бу одам жуда ишчан, тажрибали, аммо ўқимаган, билим, савия чатоқ. Сизга ўхшаган бирор киши бўлимга агроном бўлса, иш яхши кетарди.

— Мен агроном бўлиб эмас, бригадир бўлиб ишламоқчийдим-да, ҳар ҳолда иш тезроқ кўзга ташланади. Биладан, чўлда бригадирлик осон эмас, аммо шундай бўлса ҳам...

Директор бир оз ўйлаб олгач, давом этди:

— Иштиёқингиз. Лекин бари бир ўша бўлимга бригадир бўласиз. Жуда кўп ишлашга тўғри келади. Чўлда, бригадир билан бўрини оёғи боқади, деган нақл бор. Тинимсиз ишлаш керак. Айниқса, ер билан одамларни жуда эҳтиёт қилиш шарт! Чунки ерни эҳтиёт қилмасангиз — шўрланади, одамларни эҳтиёт қилмасангиз — кўчиб кетишади.

— Фақат чўлда эмас, ҳамма жойда ҳам ер билан одамларни эъзозлаганинг иши ўнгидан келади, — деб директорнинг фикрини қувватладим.

— Да-а, — деди директор. — Мен сизга қоғоз ёзиб бераман, бориб Арабовга учранг. Бултур унинг айби билан томорқачилар ярмига мош экиб, шундай бегона ўтга бостириб кетган карта бор. Ушани оласиз. Кечқурун Арабов нарядга келади, мен тайинлайман. Одам билан трактор масаласини ҳам ҳал қилиб беради.

Анча энгил тортиб, ўрнимдан турдим. Хайрлашарканмиз, у қўшиб қўйди:

— Бир-икки йил ишласангиз, ҳалиги партиявий ишларингиз ҳам, ничево, ҳал бўлади. Биринчи секретаримиз олтин одам!



Дала шийпонининг бир хонасини бошқарувчи кабинет қилиб олган экан. Қирғийбурун бир одам кўкрагини столга тираб ўтирарди. Мен унинг Арабов эканлигини тахминладим. Саломимга жавобан, у ўрнидан ҳам жилмай, бармоғининг учи билан қўришиб қўяқолди. Директорнинг хатини анча маҳалгача имиллаб ўқиғач, менга ланж, ҳиссиз нигоҳ ташлади.

— Буни «ничево» ёзиб бердими?

Мен бош силкидим.

— А-а, хўжайин, кимсиз: фамилиянгиз нима, касбингиз нима?

— Фамилиям — Муродов, агрономман.

— Олий маълумотлими? — ишонқирамай сўради у.

— Ҳа, колхозда бош агроном бўлганман, бошқармада ишладим.

— Бўлмаса бизда ҳам агроном бўласиз-да,— деди у.

Бригадир бўлиб ишлаш ниятида эканлигимни унга зўрға тушунтирдим. Аммо таржимаи ҳолимга оид бошқа гапларни айтмадим.

— Бу ерга, бригадир бўламан, деган киши одамларини ҳам олиб келади. Одам чатоқ.

— Энди шу масалада ёрдамлашиб юборасиз-да.

Орага мужмал жимлик чўкди. Бурчакда ўтириб олган чўтир ҳисобчигина чаққон чўт қоқиб, сукунатни бузарди. Унинг столи билан девор оралигида эса арақ шишалари қалашиб ётарди. Ҳисобчи бутун борлиги билан ишга берилгандай бўлиб кўринса-да, бизнинг мулоқотни ипидан-игнасиғача тинглаб, таҳлил қилаётганини англаб олиш қийин эмасди.

— Хўжайин, майли, иш топиш мумкин-ку,— гапга кирди Арабов,— аммо бир нарсани ўйлаб қолдим: сиз аввал катта вазифаларда ишлаб келган экансиз, эртага мен ундай десам, сиз бундай деб турсангиз, қандай бўларкан?!

Бу гапга ҳисобчи ишшайиб кулди. Арабов унга маъноли қараб олгач, давом этди:

— Мана, бухгалтеримиз айтсин, биз бу масалада кўп адашган-да. Бир вақтлар ишдан урилиб келган бир форишлик инженерга яхшилик қиламиз деб механикликка олдик. Бир ҳафтадан кейин тракторчилар бизга бўйсунмай қўйди. Трактор билан тележка ўшанинг фармони билан тақсимланадиган бўлди. Қарадикки, бўлмайдиган, директорга айтиб, бошқа ишга ошириб юбордик.

— Ҳарҳолда, бир мақсад учун ишлагандан кейин, гапимиз ҳам бир жойдан чиқиши керак, — дедим қандайдир ўнғайсизланиб.

У ҳисобчига кўрсатма берди:

— Бу кишини рўйхатга ёзиб қўйинг, табель очинг!

— Бланка йўқ,— деди у елкаларини учуриб.

— Топинг! Бу киши Самарқанддан, ўзимизнинг хеш экан. Бригадасига ҳалиги карнайчи бола билан Акимни қўшиб ёзинг!

Шу ерда — дала шийпонида ётдим. Тонг билан уйғонганимда бошқалар ҳали ширин уйқуда эдилар. Ювиниб олиб, Жиззах даштининг сокин ва серфаёз тонгига суқ билан термилдим. Рўпарада уйлар, дарахтлар бўлмагани учун шафақранг уфқ бутун борлиги билан намоён эди. Чўлнинг бу сукунат қўшиғи сеҳрларга тўла эди. Упкамни тўлдириб-тўлдириб нафас олдим.

Чой пайтида Арабов мени Қурбоншо деган мастчоҳлик узун бўйли, мўйловча қўйган, камгап йигит билан, набирасини етаклаб олган бир оёғи ёғоч Аким билан, Темир деган тракторчи билан таништирди ва булар бригадам аъзолари эканини уқтирди.

— Кеча директор ҳам айтди, ёрдамлашинг, деди. Мана, энг яхши

тракторчини сизга қўшдим.— У Темир томонга имлади. Сўнг ўтган йили гўзапоялари билан қўшиб чалакам-чатти шудгорланган, биринчи йили-ёқ кўп жойларини сув ювиб кетган пайкал бошига олиб борди.— Ҳув анови карта билан юз гектар бўлади. Шу бугунданоқ ерни тайёрлашга киришиш керак. Эрта-индин экишга команда бўлиб қолиши мумкин. Иложи бўлса, чизелдан кўра плуг билан ағдарган тузук.

Арабовнинг бу таклифи Темирга ҳам маъқул тушди ва плугли тракторни ҳайдаб келиб, шудгорлашни бошлади.

Кўп ўтмай, трактор тўхтади. Унга ҳамоҳанг бўлаётган табаррук заминни, оппоқ тонглари, эндигина бир чаноғи очилган кўсакка ўхшаш Жиззах дашти уфқларини боядан бери мадҳ этаётган Қурбоншонинг сурнай ҳам тинди. Сарҳадсиз дашт ўзи учун мутлақ янгилик бўлган бу икки оҳангга — мотор ва сурнай овозига ташна қолиб мунгайди.

## Оқ бойчечаклар

Кечқурун бизни олиб кетиш учун тележка келди. Колхозда ва районда ишлаганимда одамларни тележкага миндиришга қаттиқ қаршилик қилиб келган бўлсам-да, бу гал Аким билан Азаматга минишга кўмаклашгач, ўзим ҳам чиқиб олдим. Тракторчи йўлдан бошқаларни ҳам миндириб олди, ҳадемай посёлкага етиб келдик.

Бу ердаги водопровод кранларида ҳали ҳам сув йўқ эди. Зовурнинг шўр, тахир сувига ювина солиб, идорага жўнадим. Идора олдида Арабов мени бўлимимиз бригадирлари — Норхўжа ота ва Ли билан таништирди, кайфиятимни сурштирди.

— Ҳозирча тузук, аммо чигит экадиган бўлсак, ўғит ташувчимиз, табелчимиз, сменада ишлайдиган тракторчимиз йўқ,— дедим.

— Табелчи керак эмас,— кибр билан сўзимни кесди Арабов.— Бўлимдаги ҳисобчи ҳаммасини қилади. Нарядларни келтириб берсангиз — бўлгани. Анови татар чолни чой қайнатишга қўйинг, тожик бола сеялкага минсин! Бу ерга қарнай чалгани келган эмас!

Ҳаммамизни директор кабинетига таклиф этишди. Баримизнинг жойлашиб олганимизга ишонч ҳосил қилган директор қўлидаги маълумотдан бош кўтармаёқ чигит экиш муддати келганига қарамай, бўлимларда ер тайёрлаш жуда суствлигини танқид қила кетди. Ундан кейин агроном чигит экиш тартиб-қоидалари хусусида гапирди.

— Бошқа гап йўқми? — йиғилишни якунлашга шошилди директор.

— Бир оғиз,— кутилмаганда қўл кўтариб қолди бўлимимизнинг кекса бригадир Норхўжа ота.— Шу — бултур хато қилдик. Район тўлгунча шудгорга рухсат бўлмади. Кўп жойларни ер музлагандан кейин ҳайдадик...

— Эшон бобо! — деб уни тўхтатди директор.— Нима қиласиз бултурги гапини гапириб?! Пайғамбар ҳам нақдини кўрган экан...

— Икки қаватли плуглар ўша музларни ағдариб ер остига ташлади. Эридимкин, деб хавотир қиляпман-да! Ҳаво қизиган билан ҳали тупроқ исмаганга ўхшайди. Бир ҳафта олдин эмас, бир ҳафта кейин. Райкомга айтилса, тушуншар...

Кутилмаганда ўртага ташланган таклиф ҳаммани ўйлантириб қўйди. Бир оздан кейин ғовур-ғовур бошланди, одамлар ўзаро баҳслашиб кетдилар.

— Диққат!— столни қалам билан дўқиллатди директор.— Бултур хато қилдик — кеч шудгорладик, аммо, ничево, экишимиз керак! Тупроқ шу ҳафтада қизиб қолади. Нима бўлса ҳам, чигит тупроқда турсин! Менимча, ёмгир ёғмаса, чигит чиримайди...

Мажлис тугади. Эрталаб чигит экиш олдидан Норхўжа отанинг кечаги гапини Темир билан Акимга айтган эдим, улар ҳам иккиланиб қолшди.

— Эшон бобо доно одам. Шундай деган бўлса, ўйлаб кўриш керак. Яхшиси, биттамит бориб хабар оламиз: ота экишни бошласа, биз ҳам бошлаймиз.

Темирнинг бу фикри маъқул тушди ва отанинг бригадасига ўзим жўнадим. Норхўжа ота увотга кичик гулдор жойнамоз тўшаб, намоз ўқирди. Даладаги хотин-халаж мени кўришлари билан ўзларини чеккага олишди. Трактор рулидаги киши менга ётсирагандек назар ташлади. Ҳамма нарса: ўғит ҳам, чигит ҳам тахт эди, аммо экиш бошланмаганди.

Ота ўрнидан қўзғалиши билан салом бердим. Мўйсафид қувониб алик олди, ҳол-аҳвол сўради ва жавобимни ҳам кутмай, тракторчига кўрсатма берди.

— Саидхон, ўғлим, қани бошладик! Ҳайданг!

— Оқ фотиҳа беринг, ота,— деди у.

Норхўжа ота қиблага ўгирилиб, ишимизга кушонш, юртимизга осойишталик, тупроғимизга барака ато этсин! — деб фотиҳа берган бўлди.

Ҳамма юзини силади. Сеялкали трактор юриб кетди. Норхўжа ота анча фурсат сукут сақлаб, унинг ортидан термилиб турди.

— Шундай қилиб, бошладингизми, ота? — дедим.

— Ҳа, энди ўғлим, ҳукми подшо — амри вожиб. Катталар айтганини қилмасак, яхши бўлмас. Ишқилиб ёмғир ёғмаса бўлгани.

— Ли ака ҳам бошладими экишни?

— Бошлаган. Лекин унинг йўриғи бошқа. Пахтани териб бўлгандан кейин, ерни шудгорлаб қўйганди. Катталар бир оз дарғазаб бўлишди, аммо индашмади.

Шундай қилиб, бизлар ҳам экишга қарор қилдик. Темир тракторни далага олиб кириши билан Қурбоншо сеялкага миниб олди. Ҳадемай тупроқда сеялка мосламасининг — кодокнинг ясси изи қола бошлади.

Ҳар бирининг шакли худди жажжи юракка ўхшаган беҳисоб чигитларни ҳали илиб улгурмаган тупроқ ўз бағрига ола бошлади. Ҳаяжонланиб бир неча қадам ичкарига кирдим-у, одатдагидай тупроқ юзини авайлаб очдим. Уруғ ўз ўрнини топганига ишонч ҳосил қилгач, тагин оҳиста устини ёпиб қўйдим.

Бу дақиқалар ҳаммамиз учун ҳам ҳаяжонли эди! Чунки тупроққа чигитнигина эмас, эзгу орзулар, ширин умидлар уруғини қадаётган эдик. Темир билан Қурбоншонинг нигоҳларида, ҳатто касалванд Акимнинг ҳазилларида шу тотли туйғу мужассам эди. Катталарнинг мамнунлиги Азаматга ҳам юққанди: ўзи билан ўзи нималарнидир гаплашиб ўтин терар, бобосига ширинзабонлик қиларди.

Биринчи кун чигит анча эрта тугаб қолгани учун ишни бир оз эрта тугатдик. Фурсатдан фойдаланиб одамлар билан гаплашгим, директор таъкидлаганидек, чўлга келишдан мақсад-муддаоларини билгим келди. Аммо бунинг ҳам иложи бўлмади: Азамат зовур ёқасидаги оқ бойчечакларни кўришга ундади.

— Энди, Азаматжон, эртага борамиз,— яна ваъда бериб қутулмоқчи бўлдим.— Бугун ҳаммамиз чарчадик.

— Эртагача тугаб қолади. Ахир, улар жуда эрта очилади-ку!

— О, сени аччигинг келди шекилли, майли юрақол, борсак борайлик.

Иккаламиз қўл ушлашиб, бир томонида қамишлар ўсиб ётган тепалик томон йўл олдик. Ҳадемай, орқамиздан сурнайнинг ҳорғин навоси бизга ҳамроҳ бўла бошлади.

— Мана шу тепаликнинг орқаси тўла оқ бойчечаклар, — сукунагни бузди жимгина келаётган Азамат қаршимиздаги тепаликка имлаб. — Биз бобом билан келганимизда оппоқ эди, биласизми нимадай, булутдай оппоқ эди. Бизни кўриб чунонам қувонишдики...

— Бойчечак ҳам қувонадими?

— Албатта қувонади. Одамни кўриши билан: «Бу кишини бултур кўргандим, шукрки яна кўрдим», деб хурсанд бўлади.

— Ким айтди буни сенга?

— Бобом. Нима, сиз ишонмайсизми?

— Йўқ-йўқ, ишонаман.

Тепалик орқасига ўтиб алламаҳалгача оқ бойчечакларни изладик. Аммо улардан нишона йўқ эди.

— Мана унинг барги! — дея қувонди Азамат.

Мен ўша томонга энгашиб, бойчечакнинг қалин ўсган баргларини кўрдим.

— Бунинг барги ҳам қувонади. Келаси йил баҳорда эртароқ келамиз, гулларини кўрамиз.

— Албатта келамиз, бойчечакларни хурсанд қиламиз, — дедим Азаматни опичиб орқага қайтар эканман.

## Файзича эмас, Файзибек

Бугун ишни анча барвақт бошладик. Экипаж қўшни пайкалга ўтгандан кейин ўғит узоқда қолди ва уни ташишга қийнала бошладик. Силлиқ целлофан халталар тобора оғирлашаётгандай эди. Лоақал яна икки киши — ўғит ташишда кўмаклашадиган ва трактор ҳайдай оладиган одам жуда-жуда зарур эди.

Тушдан кейин Арабовга учрашиб, кўмакчи сўраган эдим, кайфиятимни бузиб бёрди:

— Мени одам пабрикам йўқ-ку! Анову болани ишлатинг, ўтин териб юрибди.

— У ҳали еттига ҳам тўлгани йўқ. Уни ишлатиш гуноҳ, — деб мумкин қадар ётиғи билан тушунтира бошладим. — Бундан ташқари инструкция деган гап бор: дориланган чигитга болаларни яқинлаштириш мумкин эмас!

— Чўлда инструкция бўлмайди, хўжайин. Шунинг учун ҳам бу ерни Мирзачўл дейишади. Буни парқига бориш керак!

— Чўлда ҳам инструкция бўлиши шарт! — газабим келди. Санманга бориб қолнидан чўчиб, совхозга жўнадим. Ҳарҳолда директорга ётиғи билан тушунтирсам, ёрдамлашар...

Директор икки кундан бери идорага келмаганини эшитиб, кайфиятим баттар бузилди. Директор кабинетининг қаршисидаги кадрлар бўлими хонасида эса ўттиз ёшлардаги орнқ, кўринишидан анча чапани киши кадрлар бўлими мудри билан тортишарди.

— Мен биламан, одам керак! Нега бўлмаса, газеталарга ёзишарди?!

— Бошқа совхозларга керак, бизга эмас! — унга қулоқ солгиси келмасди мудирнинг.

— Йўқ, мен худди шу совхозда ишлайман! Бу ерга шунинг учун келдим.

— ПМКга боринг. Айни сизнинг жойингиз.

— Бормайман! Бу ердаги ПМКларнинг бирида ишлаб кўрганман. Совхозда ишлайман!

Мен бориб улар билан кўришдим ва тўғридан-тўғри ҳалиги одамга мурожаат қилдим:



— Трактор ҳайдашни биласизми?  
 — Самолёт борми, танк борми — ҳайдолмасам, Файзича отимни бошқа қўяман!

Кадрлар бўлими мудирига ўгирилиб:

— Бу кишини бизнинг бригадага беринг, тракторчига сменачи қилиб қўяйлик,— дедим.

— Бу одамни ишга ололмайман! Аввал ҳам бир ҳафта ишлаб кетиб қолганди. Толганини ичадию жанжал кўтаради. Ётиб ҳам чиққан.

— Файзибек менинг оғайним бўлади, биз бир жойданмиз, бу ерга мени орқа қилиб келган,— деб жиндек ёлғон ишлатишга мажбур бўлдим.— Ёза қолинг...

У бир оз иккиланиб турди, сўнг масъулиятни ўзидан соқит қилди:

— Бўлмаса бутун жавобгарликни бўйнимга оламан, деб тилхат ёзиб берасиз, бирор кори-ҳол қилиб қўйса, ўзингиз жавоб берасиз.

Мен рози бўлдим.

— Негодяй! Каламуш! Концелярия каламуши!... — мудирни ҳақорат қилди ташқарига чиққанимиздан кейин Файзи.

Мен индамай қўяқолдим.

Файзи ҳамма билан апоқ-чапоқ бўлиб кетди, айниқса Азамат билан жуда соҳ бўлиб олди. Сўнг чигит тугаб, бекор қолганимиздан фойдаланиб чайла ясашни таклиф қилиб қолди. Биз дарҳол ишга киришдик. Брезент, шох-шабба топдик. Кечга яқин чайла тайёр бўлди, аммо Файзи ундан қоникмади.

— Бу — бўлмайти! Эртагаёқ бузиб ташлайман! Ёзда бунинг ичига чивин кириб, қонимизни сўради. ПМҚадаги жўралардан бирорта эски вагон топиб келаман. Ҳамма ёғи ёпиқ, законна!..

Кечқурун унга ёнимдан жой кўрсатдим. Файзи хотинлар ҳақида бир талай теша тегмаган латифаларни айтгач, ётиш учун ечинди. Шунда унинг баданидаги ёзувлар диққатимни тортиди. Иккала оёғига ўзбекчалаб: «Улар чарчадилар», деб ёзилганди, кўкрагида эса ханжарга ўралган илон тасвирланган бўлиб, устига-остига русчалаб: «Ни забду мат радная» деб ёзилган, деярли ҳар бир сўзда биттадан хатога йўл қўйилганди. Қулгидан ўзимни тийдим. Файзи буни фаҳмлади.

— Сал хато ёзибди,— дедим ортиқча шубҳага бормаслиги учун.

— Ҳа, бир вақтлар хато бўлганди, энди тузатиш қийин бўляпти.

— Кадрлар бўлимидаги амаки таржимаи ҳолингизни яхши биларкан, ётиб чиққанингизгача гапирди...

— Мен ўша негодяйга ишониб, барини айтиб берган эдим, у бўлса ноғора қилиб чалиб юрибди. Қалласини оламан, аблаҳнинг!

Яна бир оздан сўнг:

— Бу, ўзлари қандай қилиб Мирзачўлга тушиб қолганлар?— деб сўрадим.

Унинг авзойи бузилди. Беҳуда савол берганимдан пушаймон бўлиб гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлгандим, улгуролмадим.

— Хато — кишининг ўзи сабаб бўладиган бахтсизлик, деган экан бир киши. Бахтсизликни сўраш эса одобга кирмайди. Кейин... ўзлари ҳам чўл қувлагани келмаган бўлсалар керак, а лаббай?! Бирор ишқал чиққандир? Ўзи Мирзачўлга яхши одамлар келмайди! Улар ўз юртига ҳам керак!

— Нотўғри! — унинг сўзини кесишга мажбур бўлдим.— Бу ерда яхши одамлар кўп!

— Яхши одамларнинг ўзи ҳаётда оз бўлади. Кишиларнинг аксарияти ўртача — сфма.

— Йўқ, ҳар бир одамнинг қалбида яхшилик, эзгулик фазилатлари бўлади. Мен бунга аминман!..

Эртадан бошлаб Файзи биз билан баб-баравар ишлайдиган бўлди.

У трактор ҳам ҳайдар, сеялкага минар, хуллас, зарур бўлган жойда тер тўкарди. Икки кундан кейин вагон-уй олиб келиш тўғрисидаги ваъдасини ёдига туширдим.

— Жон деб олиб келардим-ку, аммо чўнтагимда бир тийин ҳам йўқ. Битта-яримтасини зиёфат қилмаса, қийин...

Чўнтагимдаги сўнги пулни унга тутқаздим. Файзи кечгача етиб келишга ваъда бериб, жўнаб кетди. Аммо эртасига ҳам ундан дарак бўлмади. Файзи мени боплаб алдаб кетганлиги тўғрисидаги гап бутун совхозга тарқалди.

— Кеб-кеб Пайзичага ишонасизми?! Уни чўлда танимайдиган одам йўқ-ку! Фирт безори,— заҳарханда қилди Арабов.

Якшанба — Азаматнинг туғилган кунни эди. Буни Файзи ҳам яхши биларди. Чўнтагимдаги пулга бола учун у-бу харид қилишни кўнгилга тугиб юрган эдим. Бахтга қарши, совхоздан ҳам бир оз пул олишнинг иложи бўлмади. Ҳар қалай, шериклар менга далда беришди, харажатларни ўз зиммаларига олишди. Қурбоншо эса Азаматга кичкина ноғора ҳам олиб берди.

Якшанба кунни кечқурун ўтиришни бошлаймиз деб турганда, орқасига вагон-уй таққан катта юк машинаси шундайгина олдимизга келиб тўхтади. Шофёр қўлидаги қоғозга бир қараб олиб, сўради:

— Муродов Тельман деган киши ким?

Бегона одамдан номимни эшитиб, негадир чўчиб тушдим. Ўзимни таништирдим. У вагонеткани кўрсатиб:

— Мана бу сизга,— деди.

— Ким бериб юборди? — деб сўрадим Файзининг дарагини эшитиш илинжида.

— Прораб. Ичида одамингиз ҳам бор.

Галалашиб вагонеткага кирдик. Унда фирт маст Файзи чўзилиб ётарди. Ёнида тахминимча Азаматга атаб харид қилган янгигина велосипедча ҳам бор эди. Уни ташқарига олиб чиқдик. Файзининг бошидан бир оз сув қуйганимиздан кейингина у ўзига келди. Атрофга хира нигоҳ ташлади, тамшаниб олди.

— Так...

— Нима так?— гапга солмоқчи бўлдим уни.

— Так, сказал бедняк...

— Кейин-чи?

— Ладна, сказал, камбағал.

Кечқурун у мендан уэр сўради. Вақтида қайсидир прорабга яхшилик қилганини, ўша билан ичиб қолганини айтди, буёғини эса эслол-маслигини ҳам тан олди. Ётиш олдидан эса, гарчанд мен сўрамаган бўлсам ҳам, бутун сардафтарини варақлаб берди.

□

У ўрта мактабни битириб журналист бўлмоқчи экан. Уша пайтлари газетада мақолалари ҳам чиқиб тураркан.

Унингчи синфни битиришга бағишланган кечадан ширин орзулар оғушида қайтаётган Файзи кўчада бадмаст эркак бир аёлни дўппослаётганини кўрадию ўзини тутиб туrolмайди, ҳалиги жоҳилга шиддат билан калла солади. Бунга ҳам қаноат қилмай йиқилиб ётган галварсни боши, бўйни аралаш тепиб юборади. Мастнинг чангалидан халос бўлган аёл ўрnidан туриб одамларни ёрдамга чақиради. Ҳадемай, милиционер ҳам етиб келади. Ўз жасоратидан мамнун бўлиб турган Файзи ҳалиги аёлнинг милиционерга айтаётган гапларини эшитиб, қангу манг бўлади.

— Эрим билан кинодан келаётган эдик, қаердан ҳам мана бу

безори чиқиб қолдию эримни урди, мени зўрламоқчи бўлди, кийимларимни қаранг, дабдала қилди... Эҳ ҳозирги ёшлар...

Экспертиза ҳалиги эркак билан аёлнинг жароҳатланганини, Файзининг эса бир оз ширакайфлигини аниқлайди. Суд уни икки йил озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқаради. Булар бари етмагандек, ўзи севган ўша газета «Ўсмир нега бузилди?» деган фельетон ёзади ва Файзининг маст ҳолда безорилик қилганини таъкидлаш билан бирга унинг ўқитувчиларига ҳам дашном беради.

Ёлғиз ўғли ноҳақ қамалганини бутун қалби билан ҳис қилган муштипар она идорама-идора кўп югуради, охири прокурорнинг эшиги олда оламдан кўз юмади.

Шу-шу бўлади-ю. Файзи кўп нарсага қўл силтайдиган, сиркаси сув кўтармайдиган бўлиб қолади.

## Даштга сочилган насиба

Меҳмонлар тўрттовлон эди. Учови ўрта ёшлардаги, чорпахил, деҳқон одамлар. Уларга эргашиб олган йигитчанинг эса эндигина мўйлаби сабза урганди. Ҳаммалари тавозе кўрсатиб биз билан кўришиб чиқшди.

— Биз ишга келувдик, каттакон. — Гап бошлади уларнинг ёши каттароғи. — Бошлиққа киргандик, сизга юборди, одам керак шуларга, деди.

— Ҳа, одам керак. Хуш келибсизлар, — дедим қувониб.

Аким оға чой ташвишида бўлди. Мен меҳмонларга чўлдаги қийинчиликлар, яқин йилларда бу жойларнинг обод бўлиши хусусида гапирдим.

— Энди, каттакон, — гап бошлади меҳмонлар сардори бир пиёладан чой ичгач, — қийинчиликлардан қўрқадиган жойимиз йўқ. Оммо лекин бир нарса топиб келамиз, деб уйдан чиққанмиз. Шу томорқадан қарашиворсангиз бўлгани.

Бу одамнинг гапни бирдан томорқадан бошлаши дилимга хижиллик солди. Шундай бўлса-да, шарт-шароитларни уқтиришга ҳаракат қилдим.

— Томорқа берамиз, қарашамиз. Албатта ҳамма қатори...

— Энди чўлда нима кўп — ер кўп, — дея иккинчиси гап бошлади. — Бир томонини кўрсатиб юборсангиз мошми, қовунми экиб ташласак, кузда бола-чақанинг олдига бир нарсалик бўлиб борардик.

Бошқармада ишлаган пайтларимда район раҳбарларининг бир қисми томорқага ёт кўз билан қарар, уни эскилик сарқити, хусусий мулкчилик қолдиги деб ҳисобларди. Мен бунга рози эмасдим. Йиғилишларда устав талаби даражасидаги томорқа зарурлигини исботлаб ҳам бергандим. Шу билан бирга ортиқча томорқа зарар эканлигини, бундай пайтда колхозчи асосий кучни шахсий хўжаликка ташлаши, колхозда ёлчтиб ишламаслигини ҳам билардим. Бугунги меҳмонхонлар худди ана шу тоифадаги томорқачилардан эканлигини англаб олиш қийин эмасди. Бундай кишиларни изга солиш эса ишдан чиққан ерларни тобга келтиришдан ҳам оғирлигини билардим. Шундай бўлса ҳам яна бир бор тушунтиришга ҳаракат қилдим.

— Чўлда ер ҳисобсиз деган гап тўғри эмас. «Жиззахстепстрой» деган ташкилот бор: очган ҳар бир қарич ерини акт билан ўлчаб топширади бизларга. Ҳар сотих ортиқча томорқа фақат пахта ери ҳисобидан бўлиши мумкин.

— Ҳозир партия-ҳукуратимиз ҳам томорқага қарши эмас, — масалага ўзича тус бермоқчи бўлди суҳбатдошим. — Деҳқон пул ишлаб олсин, дейди.

— Партия-ҳукуматимиз, пахта эк, деган ерга мош эксак, бу ҳам инсофдан бўлмас.

— Энди чўлда ойлик билан тирикчилик қилиб бўлмайди-да!

— Ҳм-м...

— Бизга ойлик ҳам керак эмас, майли ведомостга қўл қўйиб бераверамиз,— шунча куйиб-пишганимга қарамай, ўзиникини маъқулларди меҳмонлар.

— Йўқ, буниси бизга тўғри келмайди! — дедим чўрт кесиб.

— Ундай бўлса, бизга ҳам тўғри келмас экан.— Яқун ясади меҳмонлар сардори.— Начора, насибамиз сочилмаган экан!

У ўрнидан туриб, Азамат билан ўйнашаётган йигитчага мурожаат қилди.

— Кетдик, комсомол!

Ҳалиги йигит ҳам йўлга отланганда қизиқиш билан:

— Ҳақиқатан комсомолмисиз? — деб сўрадим.

У бош ирғаб тасдиқлади, йўлланма билан келганини айтди.

— Комсомол йўлланмаси билан келган бўлсангиз, қолинг, сизга йстаганингизча томорқа берамиз,— деб писанда қилдим.

— Менга томорқа керак эмас, бунинг учун келганим йўқ. Йўлда буларга ҳамроҳ бўлиб қолдим, энди ажралсак яхши бўлмас.

— Булар сизга ҳамроҳ бўлишолмайди, ука! Қолинг биз билан. Бирга ишлаймиз...

Шериклари жўнаб кетгандан кейин унинг номи Мамажон эканлигини, бу йил ўрта мактабни битирганини, шеърлар машқ қилиб туришини билиб олдик.

Даштга насибаси сочилган яна бир одам шу алпозда пайдо бўлди.

Биргина Мамажон эмас, бошқалар ҳам тақдирнинг турли тақозоси билан мирзачўллик бўлиб қолишганди. Чўлда иш бошлаганимизга ҳали ўн кун бўлмаган бўлса-да, директор таъкидлаганидек, ҳар бир кишининг бу ерга келишдан мақсад-муддаоси менга аён бўлганди.

□

Аким хотини билан ўғли Ўзбекистонга эвакуация қилинганини га-лабадан кейин эшитади. Госпиталдан чиқиб, уларни излашга тушади. Аммо бирор жойдан уларнинг дарагини тополмайди. Шундай бўлса ҳам, ўттиз беш йил давомида уларни топиш илинжидан кўнгил узолмайди — излайди.

Хоразмдаги бир болалар ўйидан уруш йилларида тарбияланган болалар рўйхатини кўздан кечириб, ноумид бўлиб чиқиб кетаётганда кутилмаган ҳодиса рўй беради, бир бола югуриб келиб, унинг оёқларига ёпишганича йиглашга тушади.

— Бобожон, бобожон, менинг бобожоним! Нега мени бу ерларга ташлаб кетдингиз? Ахир, мен сизга ёрдам берардим: арранинг бир томонини тортардим, қуёнларингизга қарардим...

Бола уни кимгадир ўхшатаётганини фаҳмлаган бўлса-да, Аким ўзини тўхтатолмади: қорачиғини ёш қоплади. Бола эса ҳамон ширин-забонлик қиларди:

— Нега мени танимаяпсиз, бобожон?! Ахир, мен набирангиз Алёша-ку! Бирга оқ бойчечакларни кўргани борардик, улар ҳақида эртақлар айтиб берардингиз.

— Йўқ, сен Алёша эмас, Азаматсан! Ме-менинг Азаматим. Сени қанчалик излаганимни билсанг эди! Эҳ!..

Бир оз расмнятчилик, тортишувлардан кейин болани унга беришадди. Салкам қирқ йил илгари йўқотган боласини тагин ўша ёшида топиб олади у. Сўнг Азаматни бағрига босиб, ширин-ширин умидлар,

туйғулар оғушида жұнаб кетади. Улар учун мутлақо янги, ҳаяжонли ҳаёт бошланади: бобо билан набира доимо бирга юришар, бир-бирларига суюнишарди. Шу билан бирга Аким бир жойда узоқ яшамас, яшаса бирор ёмон одам Азаматга чол унинг ҳақиқий бобоси эмаслигини айтиб қўйишдан чўчирди. Мирзачўлга улар шу алпозда келиб қолишганди.

□

Қурбоншо билан дадасининг бир жуфт айиқлари бўларди. Ота-бола қишлоқ кезиб, шаҳар кезиб айиқларни турли кўйларга солиб ўйнатишар, одамларга завқ улашишарди. Қурбоншо сурнай қалиши билан жониворлар ўринларидан туришар, турли нағмалар қилишар, мастларни масхаралаб, рақсга ҳам туришарди.

Ҳаяжонли, серзавқ эди у кунлар.

Бултур Қурбоншонинг дадаси ногаҳонда касал бўлиб қолди, сўнг ўғлига сурнай билан айиқлардан ажралмасликни, бу касбни авлодларга ҳам қолдиришни васият қилдию ҳаётдан кўз юмди.

Меҳрибон эгасидан ажралган катта айиқ жуда хомуш бўлиб қолди ва ҳар қанча қилишса ҳам, ўйнамай қўйди. Бу ҳам етмагандек, кунларнинг бирида у йўқолиб қолди. Қурбоншо тоғу тош кезиб, уни кўп излади, лекин тополмади. Қичик айиқни ҳайвонот боғига топшириб, ўзи Мирзачўлга йўл олди.

— Аввал Норака кетай дедим-у, замин у зироатни яхши кўрганим учун Мирзачўлга келдим, — деярдди у бу ҳақда гап кетганда.

Сурнай ёки айиқ тўғрисида гап очилса, у ўзбекча ва тожикчани аралаштириб эҳтирос билан гапирар, бирор нарсдан ранжиганда эса, «Айиқ ҳеч бунақа қилмасди», деб қўйишни ёқтирарди.

□

Темирнинг эса сардафтери бошқачароқ.

У шаҳардаги гўшт комбинатининг бир оз кўрс, жоҳилроқ бошлиғи машинасини ҳайдарди. Темир бўш вақт топиши билан китоб ўқишга тутинар, китоб бўлмаганда қўлига тушган нарсани — эски газетами, бултурги календарми, пахтачилик тўғрисида рисолами — бари бир ўқиб кетаверарди.

Хўжайин Темирга иши тушган маҳали ширин сўз бўлиб қолар, иш битгандан кейин эса тагин кўрс ва жоҳил бўлиб қоларди. Нозик таъб Темир эса тишини-тишига босиб юраверарди...

Дабдурустдан иши юришиб, хўжайин юқорироқ лавозимга кўтарилади ва зудлик билан Темирнинг ҳам ишдан бўшаб келишини ўтиниб, унга жуда-жуда ўрганиб қолганини айтади. Аввалига Темир ишдан бўшайди, аммо ўйлаб-ўйлаб, Бухородан Мирзачўлга равона бўлади. Кейин, келган заҳоти унга трактор беришибди.

□

Менинг чўлга келиб қолишим кўп жиҳатдан Чаман билан ҳам боғлиқ. Фақат мирзачўллик бўлишимгина эмас, ўтмишим ва келажакимни ҳам усиз тасаввур қилолмайман.

## Чаман

Агрофакни битириб, ишни колхозимизнинг тоғ зонасидаги Баллон қишлоғида бригадирликдан бошлаганман. Бу қишлоқнинг кўпгина одамлар тоғдан лола, тоғпиёз, ва турли гиёҳлар йиғиб сотишар, колхозда эса ёлчителиб ишламасди. Шунинг учун ҳам жуда қийналиб кетганман.

Баллосоннинг табиати жуда сўлим эди. Чашмалар ва улардаги ғужгон балиқлар, пурвиқор чўққилар, анвойи атиргуллар бетакроп эдилар.

Бир кун қишлоқ пастадаги чашма бўйида бир улкан атиргул диққатини тортди. Унинг эндигина очилган гуллари сарғиш, қуёш кўрганлари эса оқиш эди. Шабада унинг муаттар ҳидини узоқ-узоқларга олиб кетарди. Гулдан бир донасини узиб, чашма томон ўгирилдим ва балиқларга нон ушатиб ташлаётган қизни кўриб қолдим. У негадир хавотирга тушиб, челақларини чаққон тўлдира бошлади.

Балиқлар ўйинини томоша қилиш илинжида унга гап қотдим:

— Нондан бир оз беринг-чи, менинг қўлимдан ҳам овқатланишармикан?

У жилмайди, ён-верига қараб олгач, нон узатди. Ноннинг бир бурдасини сувга ташлаб:

— Буларни овлашмайдами? — деб сўрадим.

— Йўқ, увол. Қишлоғимизга келган бир киши ушлаб егани учун ўлиб қолган.

Мен қаҳ-қаҳ уриб кулдим.

— У, балиқнинг ичидаги қора пардани тозалаламай еган. Тозаласа ҳеч нарса қилмасди.

Қиз кимнидир кўриб қолди шекилли, зудлик билан челақларини кўтариб йўлга равона бўлди. Суҳбатимиз шу билан узилиб қолди. Лоақал номини ҳам сўрамаганимдан афсусланиб орқасидан термилдим. У Тоғошар амакининг уйига кириб кўздан ғойиб бўлди. Қалбимда ногаҳоний бир илиқ туйғу пайдо бўлди.

Тоғошар амаки мен бригадир бўлгунга қадар овчилик қиларди: тулки, каклик овлаб сотарди. Мен инспекторларга ёзиб берган овчилар рўйхатида бу одам ҳам бор эди. Жарима тўлагандан бери овчилик қилмай қўйганди. Аммо қоматини адл тутиб юрадиган бу чайир чолнинг қайси бир ғордан мўмиё топиб сотиши тўғрисида шов-шувлар юрарди.

Шундан кейин у қизни чашма бўйида тагин икки марта кўрдим. У мени кўриши билан ловуллаб қизариб кетар, гапимиз қовушмасди. Унинг номи Чаман эканлигини ҳам бошқалардан билдим.

Ҳаловатим бузилганди. Чаман эса аксига олиб сувга ҳам аҳён-аҳёнда чиқадиган, мени кўрганда салом беришдан нарига ўтмайдиган бўлиб қолди. Бирор ой шу алпозда ўтгач, унинг уйига совчи юборишдан ўзга иложим йўқлигига ишонч ҳосил қилдим.

— Баллосонликлар бошқа қишлоққа қиз бермайди,— дебди Тоғошар чол.— Бу ердан бошқа қишлоққа чиққан қизларнинг бирортаси бахтли бўлган эмас.

Мен қаттиқ ўқиндим, лекин бари бир яна икки марта одам юбордим, аммо чолнинг жавоби ўзгармади.

Кунларнинг бирида колхозчиларимиздан бири мени никоҳ тўйига таклиф этди. Етиб борганимда тўй аллақачон бошланган, ўртага кириб олган хонандани ёш-яланг ўраб олганди. У жуда бир дилкаш қўшиқни берилиб куйларди. Ошиқнинг қалб тугёнидан иборат оҳанглар кишига завқ берар, ёдда қоларди.

Олма, олма дермисан,  
Олма берсам ермисан?  
«Олма берган кўллариңдан,  
Айланайин» дермисан?..

У кўринган теракмикан, толмикан,  
Соясида ётган бизнинг ёрмикан?  
Соясида ётган бизнинг ёр бўлса-ей,  
Мени олиб қочишга тайёрмикан?

Кўнглим қайноқ ҳаяжонга тўлди. Едимга беихтиёр Чаман тушди ва мен уни таърифлаб бўлмас бир дард билан қумсаб, излай бошладим, шу заҳоти аёллар орасида уни кўриб қолдим. «Мен ҳам Чаманни олиб қочишга тайёр бўлишим керак, иккаламиз Мирзачўлга кетамиз, ўша ерда никоҳдан ўтамиз». Миямда чақнаган бу фикрдан аввал тасалли топган бўлсам-да, кейин тагин иккилана бошладим. Никоҳдан ўтиш учун қочиш шартми? Агар Чаманни кўндиролсам, ўзимизнинг қишлоқ Советидан ҳам ўтиш мумкин-ку!

Чаман бу гал мендан ҳайиқмади, аксинча меҳр тўла нигоҳ билан термилди. Биз дилгирлик билан чашма бўйидаги гул, бугунги қўшиқ ҳақида гаплашдик. Охирида эрталаб қишлоқ Советига келишини илтимос қилдим, муҳим гап борлигини айтдим.

Эрталаб энг янги кийимларимни кийдим, сўнг шошилини чашма ёнига бориб, ўша хушбўй атиргулдан энг йиригини узиб қайтдим. Бу орада Чаман ҳам етиб келди ва мен унга биз никоҳдан ўтишимиз зарурлигини, акс ҳолда бир-биримизга етишолмаслигимизни, дадаси бошқа кишига бериб юборишини тушунтирдим. У анча иккиланиб тургач, рози бўлди.

Никоҳ дафтарчасини қўлимга олишим билан негадир кўзимга ёш қалқиб кетди. Ҳатто аттестат, диплом олганда ҳам бунчалик ҳаяжонланмаган, қувонмаган эдим. Уни авайлаб кўкрак чўнтагимга солдим.

— Ҳозирча бу менда туради,— дедим ташқари чиққач.— Тўйдан кейин эса сиз сақлайсиз.

— Мана бу гулни олинг, қуригандан кейин ўшанинг ичига солиб қўйинг, хотира бўлиб қолсин,— деди Чаман узатган гулимни қайтариб бераркан, анча очилиб.

Бирор ойдан кейин борган совчилар бизни никоҳдан ўтиб қўйганимизни айтишга мажбур бўлибди. Тоғошар амаки тутоқиб кетибди, кимларнидир қаргаб, кимларнидир ҳақорат қилибди.

Келинни олиб кетиш олдидан Тоғошар амакининг оқ фотиҳа бермаганини ҳисобга олмаганда, ҳаммаси жойида бўлди. Одамларнинг илтимос-илтижоларига қарамай, у киши бизга фотиҳа бермади. Бу ҳол менга таъсир қилган эмас, аммо Чаман бир ҳафтагача йиғлаб юрди.

— Дадам фотиҳа бермадилар, бунинг оқибати ёмон бўлади,— дедирди у нуқул.

— Бунисидан қўрқманг, Чаман, энг муҳими, биз бирлашдик. Оталар ўз фарзандларини, албатта кечирishaди. У киши ҳали меҳмон бўлиб келадилар, набираларини соғинадиган бўладилар. Мен эса сизни кафтимда кўтариб юраман. Бир умр ранжитмайман. Фарзандларимиз бўлади, қизимизни ўз севганига берамиз! Дадангиз унга оқ фотиҳа берадилар...

Шундан кейин у беихтиёр суҳбатга қизгин қўшилиб кетди.

— Никоҳ дафтарчаси билан унинг ичидаги гулни жуда эҳтиёт қиламиз, фарзандларимизнинг тўйида одамларга кўрсатамиз.

Иккаламиз болаларга ўхшаб кулдик.

Кейинчалик мен уни ўқишга қўйдим, аммо ўнинчини битирганда қўлида қизчамиз бор эди, оғир оёқроқ ҳам эди. Шунинг учун ҳам ўқишни давом эттиролмади.

— Майли, мен энди ўқиёлмайман. Энг яхши орзуларимни сизга, фарзандларимга бағишлаб қўяқоламан,— деди меҳрибонлик билан.

Бу гап менга ҳам ёқиб тушди.

□

Дадам Брест яқинида яралангандан кейин госпиталда ўзини даволаган ҳамширани — ойимни олиб қишлоғимизга қайтган. Ойимнинг асли номи Мария бўлса ҳамки, ҳамма уни Марям опа деб ҳурмат қи-

ларди. Галабадан кейин қишлоғимизда туғилган болаларнинг аксариятига онам доялик қилганди. Гарчанд у аёллардан туғуруқхонага бориб туғишни талаб қилиб юрган бўлса-да, ўзи мени шудгор ичида туққан экан. Оғир оёқ бўлишига қарамай, қўшни қишлоқда туғолмай қийналаётган бир аёлга ёрдам беришга бораётганида шундай бўлган экан. Арава шудгордан ўтаётганда, ойим аравани тўхтатишларини, яқин уйлардан бирорта аёл топиб келишларини сўрабди. Кейин онам отимни Деҳқонбой қўйишни таклиф қилган экан, аммо болаларга нуқул Мэлис, Наримон, Жонрид, Қлара сингари интернационал номлар қўйиб юрган дадам бунга рози бўлмай Тельман қўйибди.

Тупроқ бағрида туғилганим учунми ёки бошқа сабабданми, ҳайтовур шудгор оралаб юришни, трактор орқасидан югуриб, унинг мола-сига миниб олишни жуда яхши кўрардим.

Бошқармага ишга ўтдиму қоғозларга ўралашиб қолдим. Бу вақтда ота-онадан ажралгандим, Чамандан бўлак ҳеч кимим йўқ эди. Унинг колхозга — агрономликка қайтиб келишим борасидаги илтимосларига қўлоқ солмадим. Зерикадиган, кўпроқ шаҳарга — ресторанларга тушадиган бўлдим.

□

У билан кутилмаганда ресторанда танишиб қолдик. Рақсдан кейин столимга таклиф этган эдим, кўнди.

— Аввал танишиб олайлик,— дедим ҳушомад ва назокат оҳангида.— Менинг номим Тельман.

— Немисча эканда,— деди у кесатиб.

— Хўш, нима қилибди?

— Немислар болаларига Болтақул, Тешақул деб ном қўймайди-ку! Ҳа, майли, менинг номим — Чаман.

— Чаман?!

— Нега ҳайратланасиз?

— Шунчаки, ўзим...

— Сабабини айтайми? — деб сўзида давом этди жувон.— Бундай номлар жуда сийрак учрайди, бунинг устига Чаман деган қизлар жуда ўзига хос бўлади.

— Масалан,— қизиқдим, ўз Чаманимни ўйлаб.

— Ҳар хил. Масалан мен, ўзимни ҳаётга барвақтроқ келиб қолган деб ҳисоблайман. Яширмайман, одамларга ҳушим йўқ, айниқса эркак зотини жинимдан ёмон кўраман. Табиийки, кишилар ҳам бунга жавобан мени ёқтиришмайди.

— Одамлар ва ерни севмаган киши бахтиёр бўлолмайди,— дедим.

— Аксинча, одамлардан йироқ бўлган кишиларгина бахтиёрдирлар. Чунки одамлар бир-бирларининг асабларини эговлаш учун яратилганлар. Ҳозирги аср кишилари ўтмишдошларимиздек бир-бирларини қилич ёки найза билан эмас, сўз билан яралашади, сўз билан ўлдиришади.

Шу алпозда узоқ суҳбатлашдик.

— Эртага қолган жойидан давом эттирамиз, бугунга эса етади,— деди у.— Хоҳишингиз бўлса, кузатиб қўйинг.

Официантка билан ҳисоблашиб, таксида уни микрорайонга — уйига кузатдим. Хайрлашишимиз олдидан ёлғизлигини, келиб туришим мумкинлигини айтди.

Эртаси хотинимга кўйлак, шимимни дазмоллаб беришни, нозик бир меҳмон билан бўлишимни айтдим. Чаман зум ўтмай айтганимни бажо келтирди, рўмолчамга атир сепаб, пул ҳам узатди.

— Агар меҳмон уйга келсалар, мантиги кийиб қўярдим,— деди у ўша соддалик билан.



— Йўқ,— дедим,— келмайдиган меҳмонлардан, балки бу кеча мен ҳам келолмасман.

Гастрономдан майда-чуйда харид қилиб, уникига жўнадим. Қўнғироқни устма-уст босганимдан кейин Чаман пайдо бўлди: унинг юзидан хайрихоҳлик ёки нохушлик аломатларини уқиб олиш қийин эди. Ичкарида ҳамма нарса сочилиб ётганидан, пала-партишликдан мени кутмаганлиги сезилиб турарди. Тезда дастурхон тузашга кўмаклашдим.

— Нима, почча аразлаб кетганми? — деб сўрадим бу ҳақда аниқроқ тасаввурга эга бўлиш учун.

— Аразлаб эмас, батамом кетган,— деди у.— Биласизми, менинг фалсафам шунақа: инсон дунёга бир бор келар экан, у ўз ҳаётини ранго-ранг, завқли қилиб ўтказиши шарт. Бунинг учун ишни ҳам, танишни ҳам, ҳатто... эрни ҳам янгилаб туриш керак. Сўнги уч йил ичида иш жойимни уч марта, эримни икки марта янгиладим...

— Ахир, бу қанақа ҳаёт?! — ҳайратланиб сўрадим.— Дунёда оила деган муқаддас уюшма бор. Наҳотки «ҳаётга эртароқ келиб қолган одам» буни билмаса ёки тан олмаса?!

— Ҳамма нарса табииликка интилади. Жамият бошланган пайтларда оила бўлмаган. Келажакда бу ҳол такрорланса-ажаб эмас.

— Йўқ, буни тушунмасиз, ойимқиз,— дедим киноя билан.— Одамлар тагин горларга қайтиш учун дунёни ўзгартиришмаган! Улар минг йиллар давомида садоқат, вафо деган битмас-туганмас эзгуликни яратдилар!..

— Монолог ўқишга уста экансиз,— деди у анча хотиржам ва бир оз қизишиб давом этди.— Аммо сиз — эркаклар ўша садоқату вафога арзийсизларми?! Ўзлари ҳам бу ерга эзгу идеаллар учун келмаган бўлсалар керак?! Ҳозироқ хотинларига хиёнат қилишга тайёр турибдилар. Ёки ёлғонми, а?!

— Мен кетишим мумкин,— деб аста ўрнимдан турдим.

— Утиринг, йигит, уят бўлади!..

У ширин табассум қилди. Уртадаги таранг вазият анча юмшади. Мен ҳам кулдим.

— Келинг, энди баҳслашмаймиз, Чаман, яхшиси шеър ўқиймиз,— илтимос қилдим ундан.

— Начора, мен баҳслашадиган одам топдим деб хурсанд бўлган эдим. Ўзи сиз — эркаклар шунақа: ишни шеър ўқишдан бошлайсизлар.

— Об-бо!.. Тортишмаймиз, дегандик-ку!

— Майли. Дарвоқе, сиз хотинингиз ҳақида гапирмадингиз ҳам.

Мен Чаман ҳақида истар-истамас айрим маълумотни айтдим.

— Бечора аёл,— деди у,— содда экан. Бутун ҳаётини бағишлабди-я! Тезроқ боринг, кутиб қолмасин...

Дарҳақиқат, алламаҳал бўлишига қарамай, хотиним мижжа қоқмай мени кутиб ўтирган экан. Тезда овқатимни сузиб келди, аммо қорним тўқлиги учун ҳеч нарса емай ухладим.

Орадан икки-уч кун ўтгач, яна микрорайонга — Чаманникига боргим, у билан ўтиргим, баҳслашгим келаверди. Кечқурун бир шиша коньяк харид қилиб, ўша томонга йўл олдим...

Кейин, бора-бора уникида тунаб қоладиган бўлдим. Мендаги бу ўзгаришни хотиним сезмай қолмади, албатта. Анча андиша қилиб юргач, бир куни эрталаб қизчамни қўлига олиб, гап бошлади:

— Дадаси, сизда ўзгаришлар бўляпти: кечаси уйга келмаяпсиз...

— Ишни кўрмаяпсанми,— қисқа қилдим бу ҳақда бошқа гапирмаслиги учун.

— Ишингиз кўп бўлса, қийин бўлса, келинг қишлоғимизга. Бригадирми, агрономми бўлиб юрасиз. Бедазорлар, пахтазорлар оралаб юришни яхши кўрардингиз бир вақтлар, бу ҳақда шавқ билан гапирар-

дингиз. Ҳозир қўлингизга кетмон ҳам олмайсиз. Томорқани ўзим жўяк олиб, ўзим суғордим. Ўзгарманг, дадажони!

— Ўзгарганим йўқ!

— Кўзларингизда аввалги меҳр йўқ, нигоҳларингизни биздан олиб қочасиз. Сиздан шудгорнинг, беда гулининг ҳиди келиб турарди. Энди қандайдир бадбўй атирлар, ёғупалар анқийдиган бўлган.

— Кел, Чаман, шу ҳақда гаплашмайлик,— дедим ҳақиқатга яқинлашаётганидан чўчиб.

— Кечаси билан тушингизда: «Чаман, Чаман», деб илтижо қилдингиз, «Сенсиз туролмайман», деб ялиндингиз.

— Ҳа, энди ўзингга келдинг,— дедим.— Сенсиз туролмаслигимни тушимда ҳам тасдиқлабман-ку!

Орага бир лаҳза жимлик чўкди. Чаманнинг юзида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади.

— Бошқа ҳеч нарса демадимми? — сўрадим хавотирланиб.

— Йўқ, бу гапларни бошқа кишига айтдингиз. Сиз тўйдан кейин менга шунақа ширинзабонлик қилардингиз, ундан бери эшитганим йўқ.

— Тушимда эшитибсан-ку!

— Бу йўлдан қайтинг, дадажони. Мени номусларга ўлдирманг!

— Бас қил! — дедим жеркиб.

Бу гал охиргиси бўлди. Биз эндигина ётмоқчи бўлиб турганда, эшик тақиллаб қолди. Кўнглим қандайдир нохушликни ҳис қилди: тура-солиб кийиндим.

— Ўзим чиқаман,— деди Чаман, халати билан бўлиқ кўксини яшириб, ташқари чиқди.

Зум ўтмай аёл кишининг саломлашганини эшитдим. Диққат қилдим: бу Чаман-менинг Чаманим эди.

— Мана бу калитни ўша одамга бериб қўйинг, мен дадамникига кетдим! Айтинг, орқамдан бориб юрмасинлар!

Эшик ёпилди. Чаман муздек калитни кафтимга қўйди. Биз анча маҳалгача индамай ўтирдик. Кутилмаганда эшик яна тақиллаб қолди.

— Бу гал сиз чиқинг! — буюрди Чаман.

— Қандай қилиб?..

— Чиқинг!

Ташқарида қизчамни етаклаб, ўғилчамни опичиб олган хотиним турарди. У қоғозга ўралган нарсани менга узатди.

— Мана буни олиб қўйинг! Дадамникига олиб кетишга ҳам, уйда қолдиришга ҳам кўнглим бўлмади. Хайр!

— Чаман! Кечир!..

У индамай, орқасига бурилди ва жўнаб қолди. Лоақал болаларим ҳам менга талпинишмади, бегонасирашди. Ҳаётимдаги энг ноўнғай, аламли ва аянчли дақиқалар эди бу.

Ичкари кириб, қоғозни очдим. Унинг ичидан энг аввал қовжираган сариқ гул тушди, сўнг партия билетим билан никоҳ дафтарчам чиқди.

Орадан уч кунлар ўтгач, Тоғошар амакидан одам келиб, никоҳ дафтарчамни олиб кетди. У ёзган шикоят хати юзасидан райком менга нисбатан қўллаган шафқатсиз чора тўғрисида эса юқорида айтган эдим.

Инсонга жуда кўп нарса керакмас, уйда уни кимдир кутиб турса бас, деган экан бир шоир. Мен Мирзачўлда дўстларимни ҳам, севган ишимни ҳам топдим. Аммо умр йўлдошимсиз, болаларимсиз булар бари мунгли эди. Мен булоқ бўйидан ногаҳонда топиб олган ва яна ногаҳонда йўқотиб қўйган ўша Чаманимни қўмсардим.

Мен унга Мирзачўл ҳақида, оқ бойчечаклар, ажойиб одамлар тўғрисида мактублар йўлладим. Аммо уларнинг бирортасига ҳозиргача жавоб олганим йўқ.

## Чўлда нималар бўлмайди

Ғўзамиз чинбарг чиқариб, кўзни қувонтираётган бир пайтда офат рўй берди: қаттиқ дўл ёғиб, мурғак ниҳолларни нобуд қилиб кетди. Илк баҳордан бери энтикиб кутишларимиз, ҳаяжонларимиз, сарҳадсиз қувончларимиз ҳам хоки туроб бўлган эди. Ногаҳоний фалокатдан ҳаммамиз ўқиндик. Боя дўл олдидан ёмғир томчиллаганда қувонч билан қичқираётган Азамат ҳам худди катталардек камгап, хомуш бўлиб қолганди. Аким эса афсус билан бош тебратар, Файзи тинмай сўкарди.

Энди нима қилдик?

Ҳамманинг нигоҳида ана шу савол изғирди. Кишилар, гарчанд ҳеч ким хабар қилмаган бўлса-да, идора томон йўл ола бошладилар. Барча майдонларга қайтадан чигит экиш, уни ундириб олиш, қисқаси — барини бошдан бошлаш ташвиши, уқубатларнинг ваҳимаси эзарди кишини.

Идора олди гавжум эди, тўпланганлар ҳам хомуш эдилар. Бир чеккада гаплашиб ўтирган Норхўжа ота ҳамда Ли билан бориб кўришдим.

— Бирор қилиғимиз парвардигорга ёқмади, шекилли, — давом этди Норхўжа ота, — яшнаб турганди-я, жониворлар!

— Барини бошдан бошлаймизми-а? — Саволимга жавоб излай бошладим бетоқатланиб.

— Ҳозир инимиз Геннадий билан шуни гаплашаётган эдик, — давом этди эшон бобо, — мен бунақасини аввал ҳам кўрганман. Дўл ғўзанинг икки қулоғини уриб кетган, холос. Ўртадаги ўзаги соғ қолган. Шунинг учун ишловга зўр берса, туп сони бир оз кам бўлса ҳамки, яхши бўлиб кетади.

— Қандай бўларкин? — Лига ўгирилдим.

— Бу гапда жон бор, — қувватлади у. — Қани, раҳбарларнинг фикрини эшитиб кўрайлик-чи. Лекин Норхўжа ота бу гапни мажлисда ҳам айтсалар, аини муддао бўларди-да!

— Йўқ-йўқ, қўйинг! Катталар билан ўрлашиб юриш яхши эмас. Аввал бир-икки гапини икки қилганимда Арабов анча вақтгача қовоғини очмай юрди.

Идора олдига энгил машина келиб тўхтади. Ундан директор билан уч нотаниш киши тушди. Улар идорага киришлари билан беихтиёр эргашдик. Директор меҳмонларнинг бири «Жиззахстепстрой»дан, иккинчиси область қишлоқ хўжалик бошқармасидан ва учинчиси суғурта идорасидан эканлигини айтди.

— Дўл меҳнатимизни бир пул қилиб кетди, — деди директор. — Аммо ничево, умидсизлик қилишга ҳаққимиз йўқ. Мана биз комиссия билан дўл урган жойларни кўриб чиқдик: қайтадан экмасак, бўлмай-диган, ўртоқлар! Чигит бор, сеялка бор, гайрат бор! Биз ҳисоблаб чиқдик: экишни нақ беш кунда тугаллашимиз мумкин экан. Боя райкомимизнинг биринчи котибига телефон қилдим, Али Аҳмедовичнинг ўзлари келиб қолишлари ҳам мумкин, у киши қўшни хўжаликлардан сеялка, ўғит олиб бермоқчи бўлдилар.

Бўлимга қайтиб келишимиз билан Арабов ҳам бригада бошлиқлари, механизаторларни тўплаб, директорнинг таъкидларини такрорлади, сеялкаларни тақсимлади, узоғи билан беш кунда жами рапортлар унинг столида бўлиши шартлигини уқтирди.

Арабов гапини тугатиши билан Ли ўрнидан туриб ўз қарорини кўндаланг қилиб қўйди.

— Мен қайтадан экмайман! Ғўзанинг ўзаги омон қолган, ўшаларга ишловни кучайтирсак...

— Нега экмас экансиз? — Унинг сўзини бўлди Арабов.— Шунақа фикрингиз бор экан, нега боя директорга айтмадингиз?! Ҳаммаларинг шу ерда мард бўласизлар.

Унга жавобан Ли, ҳозир экилган чигит кеч пишишини, унинг ҳосили нуқул тўртинчи сортга кетишини гапирди. Арабов бунга кескин қарши чиқди ва экишни тезроқ бошлаш ҳақидаги буйруқни такрорлаб, йиғилишни ёпди.

Бригадамиз аъзолари тўпланиб, яна маслаҳатга ўтирдик.

— Шу — Норхўжа эшон бобо эксалар — экайлик, бўлмаса... — дея талмовсираб, гап бошлади Қурбоншо.

— У киши художўй одам, — деб эътироз билдирди Темир. — Катталар айтганини, албатта бажаради. Бажармасликни гуноҳ деб билади.

Бир оз баҳсдан кейин, яна қатор оралаб, соғ қолган ғўзаларни ҳисобга олдик. Дарҳақиқат, улар нобуд бўлган ғўзалардан кўпроқ эди. Шундан кейин, дадиллашиб, бўлимдан келган сеялкаларни қайтариб юбордим. Зум ўтмай жуда асабийлашган Арабов етиб келди. Уни ҳовуридан тушириш учун соғ қолган ғўзаларнинг кўплигини тушунтириш бошлаган эдим, у сўзимни кесди.

— Товба, сиз билан мен ўша областдан келганлардан кўп билмаймиз-ку? Нега мени қийнайсизлар?!

У, директорга машина юборди ва увотга мунғайиб ўтирди. Кўп ўтмай, директор ҳам етиб келди. У чарчаган, асабийлашган эди. Арабов дарҳол ҳасратларини тўкиб солди:

— Мени жуда қийнаб қўйдиларинг, директор бобо. Иши ўнгидан келмаса, буларнинг бари кўч-кўронини кўтариб, жўнаб қолади. Пахта-ни эса мендан талаб қиласиз. Шундай бўлгандан кейин мен билан ҳам маслаҳатлашиш керак-да!

— Нимани маслаҳатлашмадик? — деб ҳеч нарсага тушунмаган директор ҳорғин нигоҳларини унга қадади.

— Корейс бригадирни бошқа бўлимга ўтказиб беринг, дедим — кўнмадингиз, мана бу кишини, — у мени имлаб кўрсатди, — ҳеч маслаҳат қилмай бизга ишга юбордингиз. Мана, икковлари ҳам экмаймиз, дейишяпти. Билмадим, нима фойдаси бор экан бу гапларнинг?!

— Нега экмайсиз? — деб бир оз қаҳр билан сўради директор менга ўгирилиб.

— Биз ҳисоблаб чиқдик...

— Ҳисоб-китобнинг кераги йўқ! — сўзимни кесди у. — Бузиб қайтадан экасиз! Буйруқ муҳокама қилинмайди!

У шошилич машинасига ўтириб, изига қайтаётганда, узоқдан «Волга» кўринди. Директор машинасидан тушиб, келаётган кишини кутди. У — Али Аҳмедович эди.

Секретарь ҳаммамиз билан, ҳатто Азамат билан ҳам кўришди, сўнг директорга юзланди.

— Идорада кутаман дегандингиз-ку?

— Қутиб тургандим, Али Аҳмедович, бу ерда бир жанжалли масала чиқиб қолган экан.

— Қанақа масала?

— Ничево, ўзимиз ҳал қилдик. Мана бу киши сал тушунмай, экишдан бош торган эканлар...

Биринчи секретарь менга бошдан-оёқ разм солиб:

— Нега бундай қарорга келдингиз? — деб сўради.

Мен боя директорга айтолмаган ҳисоб-китобларимни бу кишига обдан тушунтирдим, комиссия икки ёнбарги шикастланган ғўзаларни нобуд бўлдига чиқариб, нотўғри қилганини айтдим. Бунга жавобан Али

Ахмедович фамилиямни, номимни сўради, ён дафтарчасидан «М» ҳарфини топиб, ўша саҳифага қайд қилиб қўйди. Сўнг пахтазор оралади, биз унга эргашдик.

— Норхўжа ота экяптими, йўқми? — деб сўради у бир оз ичкари кириб, гўзаларни кўздан кечиргач.

— Экяпти,— ҳозиржавоблик қилди Арабов.

— У кишини бир кўрсак бўладими?

Зум ўтмай, Норхўжа отани эргаштириб келишди. У аввал биринчи секретарга тавозе билан қўл чўзди, уни узоқдан-узоқ дуо қилди. Секретарь ҳам ҳамма қатори юзини силаб қўйди. Шу ҳолнинг ўзи ҳам тарафг вазиятни анча юмшатди.

— Экяпсизми, ота? — деди Али Ахмедович.

— Экяпман, отажон!

— Мана бу киши — ўртоқ Муродов экмаса ҳам бўлади, деяптилар-ку?!

— Тўгри айтадилар, отажон! Экмаса ҳам бўлади!

— Ундай бўлса, нега экяпсиз?

— Энди хафалашмайлик дедим...

— Экманг!

Норхўжа ота шуни кутиб турган эканми, ўгирила солиб бригадасига югурди. Ҳадемай унинг даласида трактор овози тинди. Али Ахмедович биз билан хайрлашди ва директорни миндириб, жўнаб кетди.

— Так, сказал бедняк,— сукунатни бузди Файзи.— Шундай қилиб биз ютиб чиқдик.

— Нимани ютдинг? — деб ёқинқирамай, бунинг устига сен-сенлаб сўради Арабов.— Ахир, жўжани тирамода санамайдами? Ё унгача бу ерда турмаслигингга кўзинг етиб қолдими?!

— Йўқ, тураман! Ҳайдаса ҳам кетмайман! Чунки бу ерга лўлининг эшагини суғориб, пулини олгани келган эмасман.

Бу гап негадир Арабовни тутақтириб юборди.

— Сенга ўхшаган қамалиб келган қаланғи-қасанғидан лўли минг марта афзал! Падарналат!

Файзи жавобан нимадир демоқчи бўлганди, мен уни огоҳлантирдим ва нари олиб кетдим. Унинг гапидан Арабовнинг бунчалик қаҳрланишининг сабабини кейин Аким гапириб берди. Маълум бўлишича, Аким аслида лўлилардан бўлиб, шу ерда мардикорлик қилиб юрганда директоримиз уни ишга жалб қилган экан. Яхши ишлагани учун аввал бригадир, сўнг бўлим бошқарувчиси қилиб кўтаришибди. Файзи шунга ишора қилиб, ҳалиги мақолни келтирган экан. Унга Арабовдан кечирим сўрашини тайинламоқчи эдим, аммо кечқурун қаердандир ичиб олган Файзи кутилмаганда Арабовга ташланиб қолди. Биз уларни ажратдик.

— Сен палакатни қаматмасам, одам эмасман! — деб бақирди Арабов овозини баралла қўйиб.

Эртасига Файзини ишдан бўшатиш ҳақида директорнинг буйруғи чиқди. Кечиришларини сўраб, қабулига кирган эдим, у ётиғи билан гап бошлади:

— Мана, шароитингизни ҳисобга олиб, сизни катта умидлар билан ишга олдик. Энди сиз ҳам бизнинг фикримиз билан ҳисоблашиб иш тутишингиз керак, оғайни! Узингиз ўйлаб кўринг: Арабов ким? Файзича ким? Бирини совхознинг бўлим бошқарувчиси, ҳар йили планни бажарадиган чўлқувар, иккинчиси — бетайин одам. Биз ўз кадрларимизни қандайдир безори одамлар оёғи остига ташлаб қўймаслигимиз керак-да!

Файзи биз билан хайрлашиб, йўлга отланаётганда Азамат ҳўнграб йиғлашга тушди, унга илтижо қила бошлади:

— Кетманг, Файзибек тога, кетманг!

Менинг ҳам кўзимга ёш қалқди.

— Кетманг,— дедим беихтиёр болага қўшилиб,— қайтинг, Файзибек. Майли, ишлайверинг. Биз маошимиздан иш ҳақингизни тўғрилаб берамиз.

— Томорқа ҳам экиб берамиз,— қўшилди Қурбоншо.

Файзи алланечук бўлди. Бир оз сукут сақлаб тургач, деди:

— Менга маош ҳам, томорқа ҳам керак эмас! Сизлар бўлсаларинг, сизлар ҳайдамасаларинг бўлгани.

Ҳаммамизнинг руҳимиз енгил тортди. Мен Қурбоншога ўгирилдим:

— Қани, укам, сурнайни олинг. Эзилиб кетдик-ку! Азаматжон, сен ҳам ногорангни ол, акангга жўр бўл.

Жиззах дашти узра янги бир наво янгради. Оппоқ ва беғубор дашт тонги, қир ортидаги бойчечаклар, бирон бор менга тик гапирмаган Чаман, беғуноҳ жигаргўшаларим кўз ўнгимда намоён бўлдилар. Қўнгил жомига ҳузурбахш бир туйғу қуйила бошлади.

## «Айиқ ҳеч ҳам бунақа қилмасди»

Сувдан кейин пайкалларни чунонам бегона ўт босиб кетдики, уларни йўқотишни ўйлагандаёқ кишини ваҳима босарди. Янгидан ўзлаштирилган бу майдонларда шўра, итузум, семизўт, ғумай сингари бегона ўтлар қаердан, қачон пайдо бўлгани кишини таажжубга соларди. Бунинг устига ҳаво иссиқлиги учун бўлса керак, гербицидлар ҳам таъсир қилмай қолганди.

Культивациядан кейин ҳаммамиз кетмонни олиб далага чиқдик. Тушга яқин жуда ҳолдан тойдим, олдингиларга етиб оламан деб, нафасим тиқилиб қолаверди, қўлларим қавариб, белимга оғриқ кирди. Сўнгги йилларда идора ишларига ўралашиб, қўл меҳнатидан анча чиқиб қолганим сезиларди. Акимнинг чойга чақирishi жонимга оро кирди, шийпонгача зўрға бордимув увотга чўзилдим. Бошқалар ҳам чарчаган эдилар.

— Меҳнат — маймунни одам қилди, дейишади, лекин меҳнат одамни тағин маймунга айлантириши мумкин экан,— деди Темир.— Дам олиш, ўқиш нималигини билмай ишлайверсанг, ҳар бало ҳам бўласанда!..

□

Чопиқни тугатиб бўлим идорасига келсам, ҳисобчимиз (Файзининг таъбири билан айтганда — Чўтирбоев) мени кўриши билан ҳужжат тайёр бўлганини, аъзоларнинг маошини олиб кетишим мумкинлигини айтди. Аксариятимиз пулсиз қолиб қийналаётганимиз учун қувондим. Бунинг устига биринчи маошнинг ўзига хос гашти ҳам бўлади. «Рўйхатга Файзини ҳам киритган бўлишсин-да», деб ўйладим. Ахир, биз билан баббаравар ишлаганидан ҳамма хабардор-ку!

— Булар ким? — деб сўрадим ҳамон нигоҳларини мендан узмай турган ҳисобчидан.

— Булар — ҳалиги уч киши. Келишганди-ку... Арабов айтди,— дудқланди у.

Тушунавермаганимдан кейин бир чеккага тортиб, булар бир ой илгари Мамажон билан келган «томорқачи»лар эканлигини шипшиди.

— Демак, булар — ўлик жонлар? — дедим киноя билан.

— Ҳа, энди ҳамма жойда бор гап, шунча жойдан умид билан келиб ишляпмиз.

— Тўғри, тўғри,— бир оз чекидим, юрагидаги гапни очикроқ, батафсилроқ айтиб олиши учун.

Вазиятдан алданган ҳисобчи очилиб кетди.

— Сиз шу учтага қўл қўйиб берсангиз бўлгани. Учаламиз оламиз — мен, сиз, Арабов. Лидан бошқа ҳамма бригадада бор гап. Болачақа дегандай...— яна ишшайди у.

— Мен бола-чақани ҳаром пул билан боқишга ўрганмаганман,— ҳужумга ўтдим.— Менинг-ку бригадамда бўлмайди, аммо бўлимда ҳам бунақа ҳаромхўрликка йўл қўймайман!

Орага ноқулай жимлик чўкди. Ҳисобчи ғазабга минди.

— Шунақа ҳалоллик қилсам, партияга тиклашади, деб ўйлайсизми?! Овора бўласиз!..

Бу одам аслида катта камомад қилиб қамалиб чиққанини, энди эса ҳамма жойда «шахсга сизинишнинг қурбони» бўлганини айтиб юрганини эшитган эдим. Гапи суяк-суягимни қақшатиб юборгани учун мен ҳам ўша томонига ишора қилдим.

— Дунё шунақа, биров партиявий жазо олади, биров шахсга, э, кечирасиз, пулга сизинишнинг қурбони бўлади.

Гапимни тугатдим у пачакилашиб ўтирмаслик учун чиқиб кетдим. Сўнг маошга Темирни юборишга тўғри келди. Баримиздан оз-оздан чеклаб Файзига ҳам мояна тўғриладик. Аммо у олишга кўнмади. Жону ҳолига қўймаганимиздан кейин сдди-ю, тантанавор эълон қилди.

— Майли, олганим бўлсин, лекин бугун ресторанда сарфлаш шарти билан...

Район ресторани архитектура жиҳатидан анча дид билан қурилган бўлса-да, ичкаридаги жиҳозлар, хизмат кўлами оддий ошхонаникидан кам фарқ қиларди. Хўранда кўп, овқат тури кам, музика йўқ.

— Мана шу ерда ўтирамыз,— деди Файзи болаларга хос кувонч билан бўш столини кўрсатиб. Сўнг қўшни столга ишора қилиб қўшиб қўйди: — Мана, эстрада ансамбли ҳам шу ерда экан.

У ерда сочлари елкаларига тушган тўрт-беш ўсмир ўтирар, бурқситиб сигарет чекишар, олдилари шишага тўлиб кетганди. Ўзларининг шовқинлари камлик қилгандай магнитофонлари ҳам Батуми ҳақидаги аллақандай қўшиқни такрорларди:

Ой Батуми, жан Батуми  
Славный город мой родно-о-ой...

Мен бир оз хавотирландим: «Мабодо Файзи кайф қилиб, булар билан жанжаллашиб қолса...» Аммо бошқа бўш ўрин ҳам йўқ эди.

Ҳадемай, бизнинг ҳам кайфимиз ошиб, болаларга ўхшаб қичқира бошладик. Файзи эса ҳеч нимага эътибор бермай, эҳтирос билан гапирарди.

— Биз эркаклар шунақа: ҳаммамиз ҳам хотинларнинг хушрўй бошларини бағримизга босиб, майин сочларини силашни, муаттар ҳидларидан маст бўлишни яхши кўрамыз. Ҳаммамиз шунақамиз! Мирзачўлнинг шуниси ёмонки, бу ерда хотинлар жуда оз. Шундай катта ресторанга ҳам бештагина аёл кирибди. Булар ҳам эгалик.

— Орамизда ўсмирлар бор, тарбиясини бузиб қўйманг,— деб ярим ҳазил, ярим чин маънода Қурбоншо томон имладим.

Файзи қаҳ-қаҳ отиб кулди. Қурбоншо ни қучоқлаб, ялина бошлади.

— Жон дўстим, битта сурнай чал! Утиниб сўрайман.

— Чал-чал! — деди Темир ҳам.

— Қандай бўлади? — хавотирланиб мен томон ўгирилди Қурбоншо.

— Чалинг, азизим! Жуда дилкашидан чалинг! Муҳаббат ҳақида бўлсин: йнгит қизни севади, аммо отаси унга беришга рози эмас. Шунда қиз йнгитдан бўлиб қочишини илтижо қилиб сўрайди...

Ёдимга биринчи муҳаббатим — Чаманим тушиб, уни таърифлаб бўлмас дард билан қўмсай бошлаган эдим. Бу таклифни ҳам шунинг учун киритгандим.

Сурнай аввал дудуқланди, сўнг менга таниш, қадрдон наво янгради. Залдаги ғала-ғовур тинди, атроф сокинлик касб этди. Сурнай қалбларни забт этарди.

У кўринган теракмикан, толмикан?  
Сосясида ётган бизнинг ёрмикан?  
Сосясида ётган бизнинг ёр бўлса,  
Мени олиб қочишга тайёрмикан?

Олма, олма дермисан,  
Олма берсам ермисан?  
«Олма берган қўлларингдан,  
Айланайин» дермисан?

Наво авжга чиқиши билан аввал мастлар, сўнг ширакайфлар ва хушёрлар ҳам туриб рақс қила кетдилар. Аёллар ҳам қимтиниб, ўринларидан қўзғалишди. Официантларнинг пушти рангда бўялган лаблариди табассум пайдо бўлди, ошпазлар ҳам ишларини қўйиб залга чиқдилар. Сурнай ҳамон ўша ошиқ оҳу зорини куйлар, қалбларни ларзага солар, энг эзгу ва нозик туйғуларни жунбушга келтирар эди.

Бундай ҳаяжонли дамларда шундай сеҳрли чолғуни, дилкаш наволарни бизга мерос қолдирган боболарга бош эггиси, таъзим қилгиси келарди кишининг.

Қурбоншо сурнай чалишдан тўхтади. Навога қониқмаган, ташна одамлар норози оҳангда қичқира бошладилар.

— Нима бўлди?

— Чалсанг-чи.

— Бояги куйни чал!

Қўшни столдаги узун сочли йигитчалардан бири Қурбоншога яқинлашди, чўнтагидан юз сўмлик чиқариб унга узатди.

— Мана буни ол, «Батуми»ни чал, у куйни қўй!

Мен юз сўмлик пулни ҳали кўрмаган эдим, аммо шунга қарамай, у худди ютуқ чиқмаган лотереядай сўниқ бўлиб кўринди. «Ишқилиб Қурбоншо пулни олиб қўймасин, ишқилиб ўша куйни чалмасин», деб ўйлардим ўзимча. Ҳар қалай айтганимдек бўлди: Қурбоншо унга ёвқараш қилиб:

— Айиқ ҳеч ҳам шундай қилмасди! — деди.

Шу пайт қутилмаган ҳол рўй берди: Файзи ҳалиги кишининг қўлини орқага итарганиди, у силтаб ташлади. Файзи эса бунга жавобан унинг башарасига тарсаки тортиб юборди. Зум ўтмай, шериклари туриб Файзига ташландилар. Нимадир синди, кимдир дод солди, залда қий-чув, саросималик бошланди.

Файзи ўзини йўқотиб қўймади: чекиниб бурчакка борди ва яқинлашган рақибини мушти, оёғи, боши билан уриб йиқитаверди. Шундагина унинг муштлашишга суяги йўқлиги, бу борада тажрибаси етарли эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

Ниҳоят, Темир иккаламиз Файзининг икки қўлидан маҳкам ушладик. Бу вазиятдан фойдаланган рақиблардан бири Файзига мушт тушириш учун югуриб келди, аммо унинг мушти мўлжалга тегмади: қаредандир пайдо бўлган Қурбоншо уни бир уриб қулатди. Ҳалигилар Файзини қўйиб, Қурбоншога ташландилар. Қурбоншо аввал чекинди, сўнг йиқилди. Биз Файзини қўйиб юборишга мажбур бўлдик. У рақибларни ресторандан қувиб чиқарди.

— Тезроқ бўлинглар, энди биз ҳам қочишимиз керак! — шоширдим ҳамроҳларимни, милиционер келиб қолса, Файзи учун кўнгилсиз-



лик бўлишидан чўчиб. Тезда официантларни рози қилдик, Аким билан Азамат учун майда-чуйда харид қилиб орқага қайтдик.

Эрталаб яна ўша машаққатли «марафонча югуришни» давом эттиришга тўғри келди. Тушга яқин Қурбоншо хижолатпазлик билан ва мени ҳайратга солиб, илтимос қилиб қолди:

— Ака Тельман, кечирасиз, рухсат берсангиз, шу эшон бобонинг бригадасига ўтмоқчийдим-да. Ўша киши билан ҳам ишлай дегандим...

— Нега? Бизни ташлаб-а?!

— ...

— Айиқ ҳеч ҳам бунақа қилмасди, — дедим мен ҳам.

## Одамлар

Бўлим коммунистлари йиғилишнинг кун тартибига уч масала: суғориладиган ерлардан унумли фойдаланиш, газета мақоласини муҳокама қилиш ва қандайдир шахсий иш киритилганди. Бўлим партия ташкилотининг секретари биринчи масала бўйича сўзни Арабовга берди. У тўпланганларга бирма-бир кўз югуртириб чиққач, бепул ва бемуддат бериб қўйилган майдонлардан самарали фойдаланиш ҳар бир деҳқоннинг бурчи эканлигини гапирди, совхоз ва бўлимда қилинаётган яхши ишларни мақтаб:

— Ана шу масалада баримиз Норхўжа отадан ўртак олишимиз шарт, — деди у. — Бу киши симёғочларнинг остини ҳам кетмон билан юмшатиб чигит экади, зовур бўйларига уруғ қадайдди. Биз лотоклар атрофини тўрт-беш метр бўш қолдиришга одатланганмиз. Ота эса ўша ерларни ҳам юмшатиб, қовун, ошқовоқ экади. Бу кишининг чўнтагида ҳаммиша тўрт-беш хил уруғ бўлади: пайкал четларига маккажўхори билан кунгабоқар қадайдди, бу билан — ҳам гармселнинг йўлини тўсади, ҳам ҳосил олади.

Иккинчи масала ҳам биринчисига анча яқин эди. «Қишлоқ ҳақиқати» газетасида босилган «Ихтисослаштириш — чеклаш эмас» сарлавҳали мақолада Мирзачўлдаги янги совхозларни фақат пахтачилик бўйича ихтисослаштириш бирёқламалик эканлиги ёзилганди. Бу хўжаликлар болалар боғчалари учун сут ва тухумни шаҳар бозорларидан харид қилаётганлиги нормал ҳол эмаслиги, ана шу хўжаликларда ички эҳтиёжларга яраша товуқ ва сигир боқиш зарурлиги таъкидланганди.

Иккала масала юзасидан музокаралар жуда қизғин ўтди. Сўз олганлар иккала масаланинг ҳам гоят муҳим эканлигини таъкидладилар, ўз мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Учинчи масала юзасидан сўз олган агрономимиз бригада бошлиғи Андрей Лининг ножўя ҳаракати — бригадага тегишли минераль ўғитни қўшни совхозга ошириб юборганини гапириб, унинг бу қилмиши қаттиқ партиявий жазога лойиқ эканлигини айтиб қолди. Лидек деҳқоннинг ўғитни бошқа томонга ошириб юборганига ишонгиси келмасди кишининг. Ҳайратим ошиб турганда, ҳар қалай, батафсилроқ гапириб бериш учун унинг ўзига сўз бериб қолишди.

— Ҳозир тупроқни муҳофаза қилиш тўғрисида яхши гаплар бўлди, — ўзбекчалаб секин гап бошлади у. — Маълумки, минерал ўғитларнинг йигирма беш-ўттиз проценти тупроққа ҳазм бўлади, холос. Хўш, унинг қолгани-чи? Йиллар ўтавериб, улар тўпланаверса, тупроқ майиб бўлиб қолмасмикин?! Бу ерларда биздан кейинги авлодлар ҳам деҳқончилик қилади-ку! Замон ҳар қанча тараққий этган билан деҳқончилик йўқолмайди. Шунинг учун минерал ўғитни қўшни совхоздан бир томорқачига маҳаллий ўғитга алмаштириб олдим. Ҳозир селитра ўрнига ҳам гўнг соляпмиз.

Музокара авж олиб кетди. Одамларнинг бир қисми Лини маъқул-ласа, бир қисми айбларди.

— Гўннга нима етсин?! — деди йиғилишларда нуқул жим ўтиради-ган Норхўжа ота. — Тупроқни тобга келтиради-ку!

— Селитра-чи? — унинг сўзини кесди Арабов,

— Тупроқни бир оз нашавандроқ қилиб қўймасмикин?

— Нима деяётганингизни биласизми? Андрей Ли катта сиёсий ха-тога йўл қўйган. Гап шу ҳақда боряпти. Давлат бизга ишониб топшир-ган ўғитни бошқага оширсак, сиёсий хато бўлмайдими?! Гапни чўзиб ўтириш ортиқча: мен унинг ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан хайфсан эълон қилишни таклиф қиламан!

Бундан атиги бир неча дақиқа илгари тупроқ ҳақида доно, бамаъ-ни гаплар гапирган Арабов кўз ўнгимда яна жоҳиллигига қайтди. Чи-даб туролмадим:

— Мен қаршиман! Қаршиман! Чунки...

— Бир минут, — сўзимни кесди Арабов, сўнг мени биринчи бор кўраётгандай бошдан-оёқ разм солиб, заҳархандалик билан давом эт-ди. — Сиз қандайга қарши бўласиз?! Ахир, коммунист эмассиз-ку?! Ўчириб ташлашган-ку! Овоз бериш ҳуқуқидан маҳрумсиз, оғайни! Уму-ман, сизнинг бу йиғилишга киришингиз хато!

Кўз ўнгим қоронғилашди...

У парторгимизга қараб давом этди:

— Шахсий иш кўриладиган йиғилишни ёпиқ қилиб ўтказиш керак, токи тасодикий кишилар кириб қолмасин!

Масала овозга қўйилди. Одамларнинг бир қисми у томон, бир қис-ми бошқа томон бўлиб турганда Арабов ҳам қарши қўл кўтарди ва улар кўпчиликни ташкил этишди. Шу ерда туриб, тупроқни, ажойиб инсонни ҳимоя қилолмаганим аламли эди.

## Болаларга ўхшар катталар

Ғўза қийғос гулга кирган дамларда, субҳидам чоғлари Қурбоншо ўз-ўзидан йўқолиб қоладиган, сўнг кўп ўтмай унинг сурнайи Норхўжа отанинг катта пайкали томондан нола қиладиган бўлди. У аввалгидек завқ-шавқ билан эмас, таърифга сигмас дард тўла бир туйғу билан куйларди...

Хув лоток ариқдан нариёғи сарҳадсиз чўл. У ерда сарсари қумлар дуч келган нарсани ўз қаърига олади. Иссиқдан саксовуллар букчайиб қолган. Йўловчининг ташналикдан қақраб кетган лабларига қум ёпиш-ган. Ана, унинг истиқболидан катта чашма чиқди, чашма ичида балиқ-лар ўйнаб юрибди. Бир соҳибжамол қиз уларга нон ташламоқда. Йўқ, бу чашма эмас, бу қиз эмас — сароб, сароб, сароб!... Сурнай навосидан шуларни уқиш мумкин эди бу гал.

— Қурбоншо — ошиқ! — Темир биринчи бўлиб шундай хулосага келди.

— Бу кимсасиз чўлда кимга ошиқ бўлиши мумкин? — ажабланди Файзи.

Лекин, оқибатда Темир ҳақ бўлиб чиқди. Қурбоншо Норхўжа ота-нинг набираси — Саидхўжанинг қизини яхши кўриб қолганлиги кўпчи-лигимизга аён бўлди-қолди.

Гарчанд «хўжалар бошқаларга қиз бермайди», дейишган бўлиш-са-да, ёз кунларидан бирида Темир иккаламиз Норхўжа отаникига сов-чи бўлиб бордик. У киши ташрифимиздан қувонди, ўзи ҳам тавозе би-лан хизмат қила бошлади.

— Қиз боланинг инон-ихтиёри отасида бўлади,— деди мақсадимизни айтиб, анча сукут сақлаганимиздан кейин, сўнг ўглини чақириб, бизнинг муддаомизни унга тушунтирди. У ҳам анча жим ўтирди, сўнг дадасига ҳавола қилди:

— Ихтиёр ўзингизда.

— Йўқ, ўзингиз гапиринг, ўғлим, ўзингиз.

Бошқа гап бўлмади. Ноқулай вазиятга Темир яқун ясади.

— Майли, сизлар маслаҳатлашиб олингизлар, биз уч-тўрт кундан кейин келармиз. Улар тўртинчи боришимизда рози бўлишди. Бунгача Қурбоншонинг ўзини, авлодларини обдан суриштиришди. Биз ҳам тўй тарадудини бошлаб юбордик. Директор билан ишчилар комитетига бир неча бор кириб, ўз номимга икки хонали уй олдим. Кейин уни келин-куёв учун жиҳозладик. Аммо тўйни бошлаймиз, деб турганда ишқал чиқиб қолди: бўлимимизга вакил қилиб юборилган район физкультура ва спорт комитетининг раиси узил-кесил қарши туриб олди.

— Ҳой, каллаларинг ишлайдими?— деярдн у бизга тўнглик билан.— Ҳозир тўй пайтими?! Далада иш қайнаб ётибди-ку!

Биз ана шундай бўлишидан чўчиб, бир ҳафта давомда учинчи суғоришни тугаллаб, культивацияни ҳам ўтказиб қўйгандик. Бегона ўтни ҳам битта қўймай йўқотгандик. Бизнинг гўзамиз бошқа бригадалардан тузук эканлигини Фозиловнинг ўзи ҳам эътироф этган эди. Лекин уни ҳеч кўндириб бўлмас, илтимос-илтижоларга ҳеч қулоқ солмасди. Арабов ҳам уни қўлларди.

— Ҳа, энди ўртоқ Пазиловни район юборган, бу кишига қулоқ солмасак бўлмас.

Баримизнинг кайфиятимиз бузилди.

□

Менга қолса, вакилликни аллақачон тугатиб юборган бўлардим. Мана шу Фозилов мисолида ҳам бу усул аллақачон эскирганига ишонч ҳосил қилиш қийин эмас. У баҳордан бери бўлимга келади, далама-дала кезиб юради, айрим пайтларда ётиб ҳам қолади. Аммо енгил атлетика бўйича мутахассис бўлган бу одамнинг бизга қандай фойдаси тегиши мумкинлигини ҳеч ким аниқ билмайди.

Яқинда Арабовникида бўлиб ўтган латифасимон воқеадан кейин бу одам энди жўнаб кетади деб ўйлагандим, аммо ундай бўлмади. Ҳар эрта туриб бадантарбия қиладиган Фозилов ўша кунн Арабовни ҳам югуришга мажбур қилибди. Бошлиқларга сўзсиз бўйсунишга одатланган Арабов унинг олдига тушиб чопа кетибди. Арабовнинг хотини туйқусдан уларни кўриб, қўрқиб кетибди. Меҳмон эримни қувиб юрибди, деб ўйлабди-да, бояқиш аёл нима қилишини билмай, дод солибди.

Бу гап ўша куннёқ совхозга тарқалди: одамлар Фозиловни кўрган-да кинояли куладиган бўлдилар, лекин у буларга эътибор бермай вакилликни давом эттираверди.

Самарқандда вакиллик пайтимда мен ҳам бир бор шундай ноқулай вазиятда қолиб, вакиллик менга анча қимматга тушганди. Район биқинидаги бир колхозга вакил эдим. Раиснинг ишига кўп аралашмай даштга — чорвадорлар ҳузурига кетардим: уларга озми-кўпми кўмагим тегарди. Уша кунн бир чўпонникида ётиб қолишга тўғри келганди. Ухлаш олдидан ташқарига чиққандим, бўрибосар менга қараб ириллади. Уй эгаси итни урушган киши бўлиб, унга бақирди.

— Жот, Жўлбарс, аканг бўлади!

Нарироқда қўл юваётган ферма мудирн «пиқ» этиб кулди. Шундан кейин ҳарчанд сиполик қилса ҳам, кулгиси қистаётганини яширолмасди... Эртасиёқ менинг «ака»лигим одамлар оғзига тушиб кетди.

Ноилож биринчи секретарга кириб, мени вакилликдан озод қили-

шини сўрадим, бошқармада ишлар кўпайиб кетганини важ қилдим. У гапимга қулоқ солди, лекин ўзиникини маъқуллади:

— Бу гаплар бари тўғри-ю, аммо вакил бўлиш керак!

Мен индамай чиқиб кетдим, аммо колхозга ҳам бормадим. Бир ҳафтадан кейин бюрода менга ҳайфсан эълон қилишди.

□

Фозиловга яна бир бор учрашиб, дала ишларини охирига етказганимизни обдан тушунтирдим, ётиғи билан тўйга рухсат беришини илтимос қилдим.

— Булар бари тўғрику-я, аммо ҳозир тўй пайти эмас! — деди у бизнинг ўша секретаримизга ўхшаб.

— Тўй пайти қачон бўлади? Бирор ерда белгиланган муддати борми? — деб аччиқландим.

— План тўлганда! Қишда!

— Сиз яшаётган район марказида ёзда қилишади-ку! Даштда ишлаганнинг гуноҳи нимада?!

Сўнг саволимга ҳам жавоб кутмай, чиқиб кетдим. Ўша кунёқ одамларни тўйга хабар қилдик. Ҳадемай, бошқа бўлимлардан, ҳатто қўшни совхозлардан ҳам меҳмонлар келишди. Норхўжа отаникига йўл олдик.

— Қани эшон бобо, битта оқ фотиҳа беринг-чи? — деб илтимос қилиб қолди кимдир келинни машинага ўтқазганимиздан кейин.

Мен негадир сесканиб кетдим. Ногаҳоний бир хавотирланиш билан атрофга аланглаб, мўйсафидни излай бошладим. У қудалар ҳалқасини яккакифт бўлиб ёриб чиқдию фотиҳага қўл кўтарди.

— Илоҳи омин, қўшгани билан қўша қарисин, ували-жували бўлсин!

— Оллоҳу акбар! — гувиллади оломон.

Машъал ёқиб, ёр-ёр айтиб, қайтдик.

Шундай қилиб, келинли бўлиб қолдик. У ўзи билан бизнинг муҳимизга ажиб ўзгаришлар олиб келди: энди Файзи сўкиниб гапирмас, ҳамма тозалик, саранжомликка, одобли бўлишга интиларди.

Кўп ўтмай, келин жону-қолимизга қўймай киримизни ювиб берадиган, кийимларимизни дазмоллайдиган, Азаматимизга қарашадиган, унга ўқиш-ёзишни ўргатадиган бўлди. Биз ҳам уни эъзозлардик, албатта.

— Менга қара, Қурбон,— деярди, ҳар замонда Файзи,— мабодо сен синглимизни — Истатхонни хафа қилиб қўйма! Яхши бўлмайди!

□

Вакилнинг гапини ерда қолдирганимиз исиз кетмади. Ой охирида совхозда Али Аҳмедович иштирокида бўлган йиғилишда Фозилов сўз олиб, совхозда ғўза парвариши ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, айрим пайкалларни ўт босгани, терим машиналари ремонтни бошланмаганини танқид қилди ва шунга қарамай, айрим ўртоқлар тўйгарчиликка йўл қўйганликларини гапириб ўтди.

— Гап ким ҳақида кетяпти, очиқроқ айтинг? — деб унинг сўзини бўлди биринчи секретарь.

Гап мен ҳақимда эди, албатта. Шунинг учун юрагим шувиллаб кетди, вужудимга титроқ кирди.

— Муродов деган бригадир бор — Арабовнинг бўлимида — жуда ўзбошимча.

— Муродов шу ердами, ўрнингиздан турунг-чи! — мурожаат қилди Али Аҳмедович ва қўзғалишим билан давом этди.— Ҳозир тўй пайтими? Ҳамма ёқни ўт босган, ҳашарот кўпайган...

— Биз ўтдан тозаладик, ҳашаротни ҳам йўқотдик, Али Аҳмедович. Битта никоҳ тўйимиз бор эди, ўтказиш зарур бўлиб қолди.

— Виктор Михайлович, бригадир тўғри айтяптими? — мурожаат қилди секретарь бугун бўлимимизда текшириш ўтказган қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош агрономига.

— Тўғри, ўтдан, ҳашаротдан тозалашибди.

— Бригадада ҳосил тўплаш қалай?

— Яхши! Бўлак ерлардагидан битта-иккита ортиқ.

Аслида Али Аҳмедовичнинг ҳам кайфияти жойида эмасди. У бизларни роса уришгани келганди. Лекин ҳозирги вазият буни тақозо қилмай қолди.

— Майли,— деди у ишимизнинг яхшилигига ишонч ҳосил қилгач.— Қойил қилиб қўйган бўлса, тўйини ҳам қилаверсин! Келин-куёвга уй бердингизми? — тагин директорга ўгирилди у.

— Йўқ.

— Авансчи, отпускаи-чи?

— Йў-ўқ.

— Тўйларига ҳам бормагансиз, шундайми?

— Имкон бўлмади, Али Аҳмедович.

— Ана шунинг учун ишингиз ўлда-жўлда, расво...

Биринчи секретаримиз мени қўйиб директоримизни уришганидан хижолат бўлдим. Йиғилиш тугаб, ҳамма тарқагач, узр сўрадим.

— Ничево, ничево, бунақа гапларни кўп эшитганмиз! Аммо ростини айтганда, раҳбарлик йилдан-йил қийинлашиб кетяпти. Ҳайронман, охири нима бўлади. Бугун қон босимим икки юзга етиши аниқ.

Унга ачиндим. Далда бериш учун бисотимдаги энг яхши гапларни саралаётганимда яна бир тўда одам жанжал билан кириб келди. Менинг чиқиб кетишдан ўзга чорам қолмаганди.

## Даштдаги қабр

Мамажоннинг «Тушқунлик» деган шеъри менга маъқул тушмади.

— Шеър кишини тушқунликка чорлашини истамасдим,— фикримни яширмадим.— У қалбларга завқ, жасорат бахш этсин. Ахир, одамлар энг оғир дамларда ҳам қўшиқ айтиб курашга борганлар.

— Аким амаки йиғлаяпти,— деди у жавобан.— Жуда дардли йиғлаяпти. Шунини кўриб ёздим.

— Нега йиғлайди Аким оға?

— Азамат касал бўлиб қолгани учун Қурбоншоникада ётибди. Дўхтур эртагача тузалади, дегани учун сизга айтмаган эдик...

Ёзаётган нарядларимни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, ўша томонга йўл олдим. Тўрт томонига келинлик либоси илинган хона ўртасида, оппоқ чойшаблар орасидан боланинг дардли инграши эшитилиб турарди. Унинг ёнида ўтириб олган Аким овоз чиқармай йиғлар, Истатхон эса беморга нимадир пиширар, у ҳам жуда хомуш эди.

Чойшабни пастроқ туширдим: Азаматнинг юзи шишиб кетган, кўзлари кўринмасди.

— Балки бирор нарса чаққандир? — Савол назари билан қарадим атрофдагиларга. Садо бўлмагач, Файзини қайтадан докторга юбордим. Азамат ҳамон инграр, вужуди ёнар, томири зарб билан тепарди. Истатхондан уялганидан бўлса керак, ўзини йиғидан тийиб турарди.

Фельдшер лоқайдгина ҳарорат ўлчагич қўйди, сўнг грелка қўйилса, ўтиб кетиши мумкинлигини тахминлади. Аммо барча чора-тадбирларимизга қарамай, шиш соат сайин йириклашарди. Хавотирланиб райондан «тез ёрдам» чақирдим.

Азаматнинг ёнига, мenden ташқари Аким билан келин ҳам чиқди. Жўнашимиз олдидан эса шофёр билан докторнинг қаршиликларига қарамай, жуда хомуш бўлиб қолган Файзи ҳам чиқиб олди, сўнг ҳарчанд қилсак ҳам қайтиб тушмади. Машина район маркази сари йўл олди.

Бу ердаги хирург, тери остида йиринг пайдо бўлганини айтиб, тезда область марказидаги шифохонага олиб бориш зарурлигини уқтирди. Уни тагин ўша машинага ўтказгандик, шофёр фақат район территориясида хизмат қилишини айтиб, узр сўраган бўлди. Бош врач ҳам уни маъқуллади, бунинг устига бензин йўқлигидан анча шикоят қилди. Бу гапни эшитиб Файзининг кўзлари жуда бежолашди, юзида аввалги ёввойи аломатлар пайдо бўлди, кутилмаганда кабинадан узун бигизсимон очқични олиб, шофернинг биқинига тиради.

— Ҳайдайсан, аблаҳ! Бўлмаса ёриб ташлайман! Укамга бирор кори ҳол бўлса, барингни бошингни оламан!

«Тез ёрдам» область шифохонаси томон олиб кетди. Йўлда оғриқ кучайди, шекилли, Азамат ҳўнграб йиғлашга тушди, кўп ўтмай, хириллаб қолди, ҳаммамизга илтижо қилиб ёрдам беришимизни сўрай бошлади.

Докторлар беморни зудлик билан операция хонасига олиб кирдилар. Азамат катталардек васият қилар, ўлиб қолишини айтиб, бобосини эҳтиёт қилишимизни илтижо қилиб сўрарди. Уни койиб бердим-у, кўзларимга ёш қалқиб кетди. Азаматни олиб киришлари билан Аким ҳам ҳолсизланиб қолди, киприклари орасида ёш ялтиради. Файзи иккаламиз қўлтигидан суяб ташқарига — тоза ҳавога олиб чиқдик, ўриндиққа ўтқиздик. Истатхон унга муздай сув тутди.

— Мenden рози бўлинглар,— кутилмаганда васият қилишга тушди Аким ога ҳам.— Сизларни яхши кўрардим! Жуда яхши кўрардим... зўрға топгандим. Азаматимни сизларга топширдим. Андрей Лидан йигирма сўм олиб протезимни янгилаган эдим, маошимдан уни рози қилиб қўйинглар! Яқинроқ кел,— дея бу гал негадир сен-сенлаб менга мурожаат қилди у.— Сенинг ўша кенг пешонангдан бир ўпай! Менинг ўша йўқотган ўғлим жуда ҳам ўхшарди-да сенга... Қирқ йил ахтардим-а... ёғоч оёқ билан. Эҳ!... Файзижон, сени ҳам бир ўпай...

Аmmo у Файзини ўпишга улгуролмади: унга қараб интилган боши пастга осилиб қолди. Мен бу мусибат зарбига дош беролмай, ўкириб йиғлаб юбордим. «Бу ёруғ дунёга келиб нима кўрди бу шўрлик? Нима, нима?!» Бошимда нуқул шу фикр чарх урар, ҳадеб йиғлагим келарди.

Истатхонни Азамат билан қолдириб, орқага қайтдик. Кўп ўтмай, одамлар тўпланишди. Норхўжа ота баримизга қора чопон топиб кийгизди. Оғамиз билан видолашиш учун одамлар ҳамон оқиб келар, биз уларни кўрмасдик, фақат илғардик, холос.

Совхоз лойиҳасида қабристон кўзда тутилмагани учун анча баҳс бўлди, сўнг менинг таклифим билан ўша қадрдон тепалик ёнбағридан жой тайёрлашди. Минг-минг ҳасрат, аламлар билан оғамизни тупроққа топширдик. Усиз оғир, жуда оғир эди бизга. Нақадар меҳрибон эди. То чой ичиб бўлмагунча ишга чиққани қўймасди, вақтида овқатга чиқмасак, дам олмасак, асабийлашаверарди. Аким оғасиз Мирзачўл хувиллаб, мунгайиб қолгандай эди.

Норхўжа отанинг маслаҳати билан оғанинг йигирмасида халққа ош бердик. Бобосининг вафотидан ҳали беҳабар Азамат тузалгандан кейин Истатхон уни олиб келди ва Аким ога хотираси учун қора кийди. Ўша кун Азаматни етаклаб ҳали нами қочмаган қабр бошига олиб бордим ва уни бағримга босиб тўйиб-тўйиб йиғладим. Бу ҳолдан ажабланган бола мени овутишга киришди.

— Йиғламанг, амаки. Катталар йиғламаслиги керак!.. Энди ҳеч

йигламайсиэ-а? Биз бу ерга баҳорда келамиз, оқ бойчечаклар қувонишади....

Ўша ҳафта район газетасида Мамажоннинг Аким оғага бағишланган «Ёғоч оёқ» сарлавҳали шеъри босилди. Бу шеър, негадир бир ўқишдаёқ хотирамга кўчди.

Ундов белгисига ўхшаш-у, бироқ  
Мазмунида бир олам сўроқ:  
Қайда кесилгансан, ҳей мажруҳ оёқ?  
Нечун кесилгансан, ҳей мажруҳ оёқ?  
Не учун, не учун буюк бўлса ҳам,  
Шундай бир ёғочга суянар одам?  
Нечун??  
Нечун??

## Ҳосил

Одатда терим олдидан далалар ўзига хос сокинлик касб этади. Она ер ҳансираб нафас олади, унинг хушбўй ҳиди яна ҳам муаттарлашади. Бундай пайтда бригадир, агрономлар ҳосилни қайта-қайта ҳисобга олиш, чамалаб кўришдан чарчамайдилар.

Пахтакор нафасини ростлаб олиш учун бир лаҳза тин олади. Бу вазиятдан фойдаланиб, биз ҳам бир ҳафта дам олишга қарор қилдик. Қурбоншо хотини билан Мастчоҳга, Мамажон Тошкентга равона бўлди. Мен Азаматни эргаштириб, Самарқандга жўнадим.

Шаҳар бозоридан майда-чуйда харид қилиб, колхозимиз йўлидаги боқатда турганимда, енгил машина ёнгинамга келиб тўхтади. Дадам билан кўп йиллар бирга ишлаган раисимиз Мирзахўжаев машинадан тушиб, мени ўпа кетди.

— Худди дадангни кўргандай бўлдим, ўлай агар-а,— лаби-лабига тегмай гапирарди у.— Қадди-қоматинг, туришинг — раҳматликнинг худди ўзи.

Аввал Азаматни ўтқизиб, кейин ўзим кабинага кирдим. Мирзахўжаев ишим, бригадам, одамларимни сўради.

— Бари аъло!— деб жавоб бердим.

— Ундай бўлса яхши, бўтам. Оиланг тузук, хотининг колхозга ишга чиқяпти, болаларинг ҳам яхши. Қайси куни хотинингга анча насихат ҳам қилдим. Энгилган бошни қилич кесмайди. Бир учраб, кечирим сўрасанг, ярашишга ҳам кўнгли йўқ эмасдай...

Бола-чақам борасидаги сўзни орзиқиб кутаётган эдим: вужудим билан қулоқ тутдим.

— ...Лекин қайнотанг жоҳил одам. Ўн йил илгари колхозга ишга чиқинг, дегганим учун ҳозиргача мен билан гаплашмайди.

— Хотинимга бир неча хатлар ёздим, аммо жавоб бўлмади. Болаларимни жуда соғинганман.

— Назаримда, қайнотанг ўша хатларни хотинингга бермаса керак. Қаттиқ кек сақлайди у. Энди, коллектив нималигини билмаган, ерга ишламаган одам-да!

Раис мени Баллосонга — ўша таниш чашма бўйида қурилган икки қаватли меҳмонхонага олиб борди. Анча букчайиб қолган ёввойи атиргул, зилол чашма, ўйноқи балиқлар хотиралар бўёгини янада қуюқлаштирар, кўз олдимда сувга чиққан Чаман бутун борлиғи билан намоен бўларди. Раис нуқул раҳбарликнинг қийинлашиб бораётгани, одамлар нозиклашаётганини гапирар, менинг хаёлим Чаман, болаларим билан банд эканлигини, ҳар дақиқада уларни учратишга интизор бўлаётганимни ҳис этмасди.

Кечкурун ёлғиз қолиб ногаҳоний учрашув умидлари билан қиш-

лоқ томон кўтарилдим. Баллосон ўзгарган, кўпчилик пастга кўчиб тушган, юқорида эса яккам-дуккам оилалар қолганди. Таниш дарвозага кўзим тушиши билан ҳаяжоним ошиб кетди, вужудимга сирли титроқ кирди, юрагим қаттиқ ура бошлади. Эшикни аввал аста, сўнг қаттиқроқ тақиллатдим. Ҳаяжондан тиззаларимга титроқ кирди. Оёқ товушлари эшитилди ва бахтга қарши қайнотам пайдо бўлди.

— Ассалому алайкум, ота!— дедим эҳтиром билан. Лекин унинг тунд қиёфасида заррача ўзгариш сезмадим.

— Менинг эшигим номаҳрам учун ёпиқ,— деди у.

— Ахир, мен қандайига номаҳрам бўлай? Бу даргоҳда хотиним, бола-чакам бор-ку! Биз ҳали никоҳдамыз-ку!

— Шариятда қирқ кун хотини билан бўлмаган эр ундан ажралган ҳисобланади. Бундай пайтда аҳли мусулмон қайтадан хутба ўқитади.

— Бўпти, биз ҳам шундай қиламиз,— дедим илинж билан.

— Шундай қиламиз?— сўради у кинояомуз.— Сизга ўхшаган бетаиндан зўрға қутулдик-ку!...

Чол эшикни зарб билан ёпди.

Баллосонда қиладиган ишим қолмаганди. Танишлар билан чалачулпа хайрлашдим. Азаматни эргаштириб қадрдон Мирзачўл томон йўл олдим. Бахтга қарши бу ерда ҳам кўнгилсизликнинг устидан чиқиб қолдик. Арабов мени кўриши билан сўрамай кетганим, одамларга ҳам жавоб берганим учун жанжал кўтарди. Асабим таранглашиб тургани учун мен ҳам тарс-турс жавоб қилдим.

Ниҳоят, у хулосага келди:

— Сиз билан ишлашим жуда қийин бўляпти, оғайни,— деди.— Директорга айтмай, бу ерда ё сиз турунг, ё мен, биттамызни олмаса қийин бўладиганга ўхшайди.

Арабов бу гапни беҳудага айтган эмасди. Кейинги пайтларда иккаламыз кўп тўқнашадиган, зиддиятга бориб қоладиган бўлгандик. Бундан ўн кунча илгари ҳам мен совхоз ишчилар комитетининг раиси билан гаплашиб, Файзини ишга тиклагандим. Арабов бунга қарши барча чораларни ишга солди, лекин адолат олдида бўйин эгишдан ўзга илож тополмади. Ундан кейин эса Темирни бошқа бригадага ўтказишга ҳаракат қилди, лекин табиийки, Темир бунга кўнмади.

— Мен Мирзачўлдан ҳеч қаёққа кетмайман!— дедим кескин.— Зўрға топдим бу жойни.

— Бўлмаса ўрнимни берай— олинг! Мақсадингиз ҳам шунақа бўлса керак ўзи?

Шу пайт дефолиация қиладиган самолёт устимизга учиб келаётганини кўриб дуч келган томонга яшириндик. Ҳадемай, гўзанинг беғубор баргларига тумандек бўлиб заҳар қўнди, атрофни жуда бадбўй ҳид қоплади. Биз ҳар томонга тарқалдик.

Терим олдидан мени директор чақиртириб, райком шаҳардан келган бир диктор билан такси шофёрининг машинада пахта териш ташаббусини маъқулламоқчи бўлганини, улар бизнинг бригададан териши лозимлигини айтди. Бундай ташаббуслар тўғрисида газеталарда ҳам ўқигандим — рози бўлиб қўя қолдим. Аммо бригадамыздагилар бу гапдан ранжишди.

— Йил давомида азобини тортдик, энди териш олиш ҳам қўлимиздан келади,— деб куйинларди Темир.— Файзи иккаламыз смена қилсак, бир ҳафтада йиғиштириб оламиз! Ўзимиз тоза терамиз. Агар ҳашарга келиш иштиёқлари баланд бўлса, марҳамат: пахта ортувчилар, тарозибонлар, тўкилган пахтани терувчилар керак!

Шунингдек, у янги терим машинасини тасодифий кишиларга бериш нотўғрилигини, улар машинани бир йилда ишдан чиқариб қўйиши мумкинлигини миямга қўйди.



— Бўпти,— дедим охирида.— Ўзларинг терасизлар!

Эрталаб бу гапни Арабовга айтган эдим, у тутақиб кетди.

— Ие, сиз қизиқ одам экансиз-ку! Райкомга қарши чиқасизми, райкомга-я?!

— Бригада шундай қарор қилди.

— Бу қарорни менга эмас, директорга, райкомга бориб айтинг. Узи сиз шунақа: фақат ишқал чиқариб турасиз.

Директорни идорадан тополмадим. У районга кетган экан. Машина тўғри келиб қолдию мен ҳам ўша ёққа жўнадим. Райком биноси олдида тасодифан Али Аҳмедовични кўриб қолдим ва у мени эски қадрдонлардек қўлтиқлаб кабинетига олиб қилди. Букчайиб қолган бир кампир ҳам кириб пенсияси ҳал бўлмаётганлиги, бунинг устига армиядаги набираси хат ёзмаётганлигини ҳасрат қилиб қолди. Али Аҳмедович мени қўйиб, кампирга мурожаат қилди:

— Қани, менга дафтарчангизни беринг-чи?

Кампир анча имиллаб нафақа дафтарчасини топди. Секретарь унга кўз югуртириб кулиб юборди.

— Эна, сиз адашибсиз, қўшни райондан экансиз. Совхозларингиз бошқа районга ўтиб кетган.

— Билмасам, бир марта келувдим, ишимни ҳал қилиб берувдингиз, айланай. Барака топинг...

Али Аҳмедович бир оз ўйланиб тургач, қўшни районга телефон қилди ва кампирнинг пенсиясини ҳал қилиб беришларини сўради.

— Эна, пенсиянгиз ҳал бўлди, боринг!

— Ҳа, айланай, неварам-чи?...

— Қани адресини беринг-чи?

Кампир адресни тополмади. Секретарь янаги сафар келганда олиб келишни тайинлади. Кампир чиқиб кетиши билан мен чигит эрта экилган майдонларда ғўза барги тўкилганини хабар қилдим, эртага теримга тушишимизни, шунингдек, ҳалиги ҳашарчилар масаласида бригадамиз аъзоларининг қарорини гапирдим.

— Майли, маслаҳатлашамиз, ҳали бу ташаббус маъқулланган эмас, деди Али Аҳмедович ва бу йилги режаларни суриштирди.

— Гектаридан ўттиз центнерга етказамиз, план юз эллик бўлади,— дедим ишонч билан.

У қувонди, Норхўжа ота, Ли бригадаси, уларнинг кайфиятини суриштирди ва охирида уларга салом айтишимни сўради.

Совхоз идорасида Арабов билан директор мени хуноб бўлиб кутиб ўтиришган экан. Райкомда бўлганим, Али Аҳмедович билан келишганимни айтганимдан кейин Арабов Сулаймоновга сирли қараб қўйди.

— Райком — коммунистлар штаби, шундайми?— деди вазминлик билан директор.

— Шундай!

— Шундай экан, сизни у ерга бориб кираверишингиз одобдан эмас-да.

— Бу киши партиядан ўчирилганини ҳамиша унутиб қўяди,— фурсатдан фойдаланиб, заҳрини сочди Арабов.

Бошимга тушган мусибатни биринчи бор юзимга солаётган эмасди у. Ҳар қандай душман қалъанинг омонат жойини излаганидек бу одам ҳам ана шу нозик, дардли туйғумга тегарди.

— Вақти келиб билетни қўлимга оламан,— газабимни босолмадим.— Надоматларингиздан ўргилдим! Садқаи...

— Бўлди, деяпман! Теримни қачон бошлайсиз?— Вазиятни юмшатишга уринарди директор.— Сиздан сўраяпман?!

— Эрта саҳар билан.

- Саҳарда шудринг-бўлади, шпинделга ёпишади.  
 — Уёғини Темир билади,— дедим.  
 — Бригадангиздан Темир термайди,— деди директор яна бир оздан сўнг.— Бу йил группа усулида терамиз. Темир ҳам группага қўшилиб, аввал Ленинг пахтасини теради, кейин сизга ўтишади.  
 Идорадаги гапдан бригадамиздагилар тагин ранжишди.  
 — Хўш, нима қилибди? Лидан кейин иккинчи бўлиб бажарамиз.— Қўндиришга ҳаракат қилдим уларни.— Биз группа усулига қарши чиқолмаймиз-ку!  
 — Файзи иккаламиз бир нарсага келишиб қўйгандик-да,— қандайдир «сир»ни ошкор этишга қийнала бошлади Темир.  
 — Хўш?  
 — Теримга яхши ҳақ тўлашади: бир нарса ишлаб, Аким оғамизнинг қабрига тош қўйдирмоқчидик-да...  
 — Бу яхши гап, аммо нега энди фақат икковларинг қилишларинг керак?! Биз ҳам ҳисса қўшамиз. Кузда ҳаммамиз яхши ҳақ оламиз. Ўша ҳисобдан ўзим Самарқандда ясашиб келаман. Анча вақтдан бери ўйлаб юрибман.

Бирор ҳафтадан кейин машиналар Ленинг бригадасидан бизга ўтди. Механизаторлар чаоқлар юзидаги шудринглар буғлангунга қадар шпинделларни ювиб, бункерларни тозалашди. Сўнг ҳаммамизни ҳаяжонга солиб пайкалга киришди. Ҳаммаёқни тракторларнинг шовқуни тутиб кетди.

Атиги беш кунда биринчи терим охирига етди ва шу билан план ҳам бажарилди. Иккинчи теримдан кейин эса далаларда қип-қизил гўзапоялар қолди, холос. Жуда қисқа дамларда мажбуриятни ҳам удалаб, йил бўйи қилинган серташвиш, тинимсиз дамларга яқун ясадик. Баримизнинг ҳам шодлигимиз беқиёс эди. Кечқурунлари Қурбоншо куйларида. Мамажон шеърларида, Азаматимизнинг шўх кулгиларида бу қувонч барқ урарди. Мирзачўл кузи ҳам унинг баҳоридек мунаввар, унинг файзли оқшомлари эса қадрдон, дилкаш бўлиб қолганди баримизга.

Далани ҳосилдан тозалаган бўлсак-да, анча маҳалгача шудгорга рухсат бўлмади. Шунинг учун қарийб бир ой вақтимизни самарасиз ўтказиб юбордик. Бу масалада Али Аҳмедовичга кирсам, ишим юришиб кетиши аннқ эди-ю, аммо Арабовнинг таъна-надоматларидан чўчиб, индамай юравердим.

Терим ва шудгордан кейин чўлда яна парокандалик бошланди. Айримлар курорт, санаторияларга йўл олдилар, баъзилар кўчиб кетиш ташвишига тушдилар.

## Баҳордан баҳоргача

Қишининг ўрталарига бориб, директорнинг кўмаги билан бутун бригада аъзолари учун путёвка олдим ва биз Қора денгиз соҳилига йўл олдик.

Бу ердаги хушқомат сарвлар, тўлқинлари тош қирғоқларни бетиним ювиб турадиган сарҳадсиз денгиз, ундаги улкан кемалар фавқуллода ҳаяжонли; табиати, иқлими дилкушо эди. Лекин шуларнинг баърига қарамай, ўн-ўн беш кундан кейин зерика бошладик. Биринчи бўлиб Истатхон бобосини қўмсади. Тушларимизга ташвишларга тўла Мирзачўл кира бошлади. Азамат кўпроқ оқ бойчечаклар очиладиган вақт яқинлашганини гапирар, Темирда ўқтин-ўқтин соғинч ҳислари акс этар, мен эса «ички бир қўмсаш билан буғи чиқиб турган она ерни, ўша мунис Чаманимни, болаларимни соғинардим.

Мирзачўлга қайтиб келганимизда қорлар эриб, атрофдан баҳор ҳиди анқиб қолган эди, замин хамирдай кўпчиб ётарди. Бизни кутиб олган биродарлар бир қатор янгиликлардан воқиф этишди. Арабов бир кечада кўчиб кетибди, унинг қаерга, нега кетгани, маълум эмас экан. Фақатгина Қарши даштига кетгани ҳақида эҳтимоллар бор экан, холос. Ачинарлиси шуки Норхўжа ота ҳам Сурхондарёга кўчиб кетибдилар, бу ерда Саидхон қолибди. Али Аҳмедович эса ўн кундан бери мени суриштираётган экан, келишим билан унга киришимни тайинлабди.

Уша кеча тушимда Норхўжа отани кўрдим. У киши чопонини елкага ташлаб жўнаб кетаётган эмиш. «Тўхтанг, ота,— илтижо қилибман у кишига.— Ахир, нега кетяпсиз? Чўлни обод қилдик, куёвли бўлдингиз, кетиб қолсангиз, бизга ким маслаҳат беради?!». «Мен эски ерман, сизлар — янги ер, шунинг учун гапимиз бир жойдан чиқмайди», дермиш у киши чопонини йўл бўйидаги акацияга илиб. «Йўқ-йўқ, айтганларингизни барини қиламиз: мана бу акацияни ҳам олиб ташлаб, ўрнига марвартак тут экамиз, тупроқнинг ҳар сиқимини сиз айтгандан зиёда қилиб авайлаймиз. Қолинг, эшон бобо». У киши бошини сараксарак қилиб кетаётган пайтда қаёқдандир автомат тириллаб қолибди ва Норхўжа ота кулаб тушибди. Ерданга югурсам, қаршимда автомат тутган Арабов пайдо бўлибди. У менга қараб тинимсиз ўқ узар, аммо ўқ кор қилмасмиш. «Қўйинг, биродар,— дебман унга қараб.— Менга ўқ тегмайди, мен ўлмайман! Керакман-да, одамларга, заминга... Дарвоқе, сиз билан ҳамзаминмиз-ку! Бизни шу ер яратди ва қачонлардир ўз бағрига олади». Шу пайт бечорага раҳмим келиб кетибди. «Лоақал бирорта ўқи тегса нима қиларкин-а?» деб ўйлармишман ўзимча. «Мен ўлардим-у,— дебман унга қараб,— аммо Азаматжонга сўз бериб қўйганман-да: биз бирга оқ бойчечакларни кўришимиз керак. Оғамизнинг қабрини ҳам ҳали знёрат қилганимиз йўқ. Бунинг устига кўп вақтдан бери Чаманни, болаларимни кўрган эмасман...»

Уйғониб кетдим. Негадир автомат ҳамон тирилларди. Бир лаҳзадан кейин унинг овози трактор мотори товуши билан ўрин алмашди; ўрнимдан қўзғалмай, алламаҳалгача тушимни эсладим. Қизиқ!..

Али Аҳмедовичга учраш учун эрталаб йўлга чиқдим. Районга борадиган машина бўлавермагач, йўловчи тракторга қўл кўтардим ва унинг баланд тележкасига миниб олдим. Тракторчи бола тезликни кўшди ва тележка қаттиқ силкиниб, ўрнидан жилди.

Одатда катта, сёрқатнов кўчалар яқинлашганда тезлик сусайтирилиши, ҳайдовчи ён-теграсига қараб олиши лозим эди, аммо ундай бўлмади, тележка кўз очиб юмгунча кўчанинг ўртасига чиқиб қолди ва ўнг томондан келаётган юк машинаси унга келиб урилди. Қаттиқ қарсиллаган товушни, кимнингдир додлаганини эшитиб қолдим, холос. Қолганини эслолмайман.

□

Кўз ўнгимдан энг аввал оқ, сарғиш ёввойи атиргулларнинг хира тасвири пайдо бўлди, кўп ўтмай улар оқ бойчечакларга айланиб қолди. Ана шу бойчечаклар билагимдан ушлаб қаёққадир тортаётгандай бўларди. Кўп ўтмай улар ҳам туманга, булутга айланди; бир оздан кейин эса яна тиниқлашиб, равшанлашиб, оппоқ халатга айланиб қолди.

— Сиз айтган тоза мумиё менда бор, мана у,— деди аёл киши, унинг товуши жуда қадрдон эди.

— Ҳа, ҳақиқий тоза мумиё экан,— деди билагимни қисиб олган иккинчи аёл.— Буни қаердан олгансиз?

Жавобан иккинчи аёл пиқиллаб йиғлашга тушди. Унинг ўксиши ҳам менга таниш, жуда танишдай эди.

— Нега йиғлаяпсиз? Хафа бўлманг, албатта тузалади,— далда бериши унга.

Бирданига бу ўксиш Чаманники эканлигини билиб қолдим.

— Чаман, Чаман!..— дедим алаҳлаб. Шундай дедим-у, вужудимга зирқираб оғриқ кирди.

— Лаббай, лаббай!— деди у йиғидан тўхтаб.— Шу ердаман...

— Келибсанда-а?! Кечирдингми?! Қандай қилиб, нега...

— ...

— Ташқарида одамларим бўлса чақир, тириклигимни айтиб улардан суюнчи ол! Улар — яхши одамлар!..

Палатага одамлар киришди, пешонамдан ўпишди. Миям чайқалиб икки кундан бери алаҳлаб ётганимни, тракторчи бола нобуд бўлганини, менинг эса қовурғам билан ўнг қўлим синганини маълум қилишди. Чаманга ўша куни телеграмма беришган экан... Йўлга тушибди. Икки кундан буён қошимдан жилмай турган экан у.

— Азаматжон!— дедим боланинг ўксиётганидан кўнглим бузилиб.— Хафа бўлма, мен тузаламан, биргалашиб оқ бойчечакларни кўргани борамиз.

— Мен бордим,— деди у бир оз сукутдан кейин.— Улар очилибди. Сизга ҳам олиб келдим.

У қўйнидан эндигина лаб очган гул чиқарди ва авайлаб менга узатди. Шу пайт қўлим мажруҳлиги ёдига тушди. шекилли саросималанди, сўнг уни кўкрагим устига қўйди.

— Али Аҳмедович келяптилар!

Ҳамширанинг бу хитобидан ҳамма саросимага тушиб қолди. Доктор кишилардан чиқиб туришларини илтимос қилди, зудлик билан чойшабларни тузатиб чиқди. Ҳадемай, бош врачимиз елкасига халат ташлаган секретарни эргаштириб палатага кирди. У салом берди ва каравотим устига энгашди.

— Тельманжон, яхшимисиз? Нима бўлди?

— Сал...

— Наҳотки тележкага миниш мумкин эмаслигини билмасангиз?!

— ...

— Омон қолибсиз, шунинг ўзи бахт!

Фурсатдан фойдаланиб, врач анча тузалганимни, қон қуйишганини гапирди.

— Мен сизни яна бир янгилик билан табриклагани келгандим,— давом этди биринчи секретарь.— Бригадангизда Аким деган киши бор экан.

— У киши вафот этдилар.

— Шундайми? Э-э, бечора! Шу одам сизни партияга тиклашларини сўраб, Марказий Комитетга хат йўллаган экан. У ердан бизга хат келди. Бюро сизни тиклади! Табриклайман!

У чўнтагидан қип-қизил муқовали билет чиқарди.

— Менинг қўлларим ишламайди. Уни Чаманга беринг, яхши сақлайди,— илтимос қилдим биринчи секретардан.

— Яхши, яхши. Мана, келин, биз хўжайинингизни тикладик!

— Биз ҳам уни шу ҳафта ичи тиклаймиз,— сўз ўйини қилди бош врач.

Тўпланганлар чеҳрасида табассум пайдо бўлди. Улар эшикни очишлари билан баҳор шабадаси палатага кўпчиган тупроқнинг кўк-лам исига қоришган ёқимли ҳидини олиб кирди.

Таниш ва қадрдон ҳиддан энтикиб кетдим.



Барот Бойқобилов



ДОСТОН

*Сен — менинг имоним...*

Саодат қутлаган табаррук тупроқ,  
Мен сендан бир лаҳза тушмадим йироқ.

Меҳринг ўти ёнди доим қонимда,  
Жон каби асрадим сени жонимда.

Кўзим гавҳарига қорачиғ бўлдинг,  
Қалбим оташлаган пора чўғ бўлдинг.

Сен зиё бахш этдинг менинг кўзимга,  
Фикрат шуъласини сочдинг сўзимга.

Тилимни шеър билан ошна этдинг сен,  
Дилимни ғазалхон чашма этдинг сен.

Сен билан кўринди дунё жовидон  
Ва сирли туюлди ер билан осмон.

Кафтимга қўйдинг-да бир ҳовуч юлдуз,  
Юлдуздек порлатдинг, мен чексам не сўз!

Гўё кўкдан узиб олиб офтобни  
Қалбимга яширдинг ўтли китобни.

Шу китобни элга ўқитмоқ учун  
Бағримдан шеър бўлиб чақнайди учқун.

Жисмаро жонимда ёниб аланга  
Бир лаҳза ҳаловат бермайди танга.

Ҳар тонгни янги шеър билан кутаман  
Ва қондош элимга тухфа этаман.

Бу — сенинг инъоминг, сенинг  
илҳоминг,

Бу — сенинг имонинг ва эҳтироминг.

Қаддимни чинордек сен қилиб баланд  
Сабру сабот бердинг тоғларга монанд.

Бердинг меҳру шафқат, оқибат, имон,  
Садоқат ўтига йўғрилмиш виждон.

Ёр этдинг қалбимга севги, вафони,  
Ёт этдинг севгимга ҳижрон, жафони.

Бошингни баланд тут дея эл аро  
Юзимни эл аро қилмадинг қаро.

Эзгуликни айлаб умримга шиор  
Кўнгил осмонини этдинг беғубор.

Эътиқод дурини сочиб йўлимга,  
Хизматга чорладинг буюк элимга.

Адолат байроғин тут, дединг, юксак,  
Жанговар сўзингдан барқланди юрак.

Илҳом булоғидан ич, дединг, қониб,  
Шеър ишқида ўтгай, юрагинг, ёниб,

Тилсимдек кўнгиллар қулфини очиб,  
Мурувват гавҳарин ўт, дединг, сочиб.

Ёмондан қоч, дединг, яхшига ёндош,  
Мунофиқ кимсага бўлма ҳеч йўлдош.

Дўстингман, деса гар ишонма зинҳор,  
Ифвогар тилида илон заҳри бор.

Шифо топмоқ мумкин заҳри илонга,  
Бедаво — ифвогар заҳари жонга.

Яхшилар кўп, дединг, ёмонлар-чи кам,  
Лек ҳар шаклга кирса, қўрқ дединг  
одам.

Угитларинг бўлиб менга раҳнамо  
Қулоғим остида янграр доимо.

Бошимга ҳаттоки келса-да қилич,  
Сенинг айтганингдан чиқмагайман ҳеч.

Сен буюк бахт бериб, эй она тупроқ,  
Толемни этдинг кун каби порлоқ.

Сен — йўлчи юлдузим, кўрар кўзимсан,  
Сен — менинг қўшигим, юрак сўзимсан.



Аждодлар топинган қасри — Регистон,  
Самарқанд шаҳрининг қалби —  
Регистон!

Регистон чорлади шаҳримга яна,  
Муқаддас ўт солди бағримга яна.

Кучоқ очди яна менга Зарафшон,  
Қалбда жўшди яна завқу ҳаяжон.

Дилрабо мавжлари қилиб пўртана  
Инжуларин сочди пойимга яна.

Яна тахтиравон кўприкдан ўтдим,  
Яна севинч ёшин киприкда тутдим.

Феруза гумбазлар порлаб маёқдай,  
Бағрига имлади менга муштоқдай.

Ифтихор ўтида ёнгандек қалбим,  
Она юрт меҳрига қонгандек қалбим,

Шукуҳ бирла ўтдим Бибихонимдан,  
Ҳол сўриб неча дўст, қадрдонимдан.

Замонлар ақлини олган Регистон,  
Қалбимга суронлар солган Регистон

Кўркида кўринди янги бир жаҳон,  
Кўринди толеи кулган бир инсон.

Ақл булоғидан сув ичгандир у,  
Сув ичиб, жўшгандир қалбида орзу.

У юртнинг ташвиши, дарди-ла яшар,  
У қадам қўйган ер гул бўлиб яшнар.

Элнинг шодлигига ул бўлиб ҳамдам,  
Бошга тушган дардни кўради баҳам.

Юрт обод бўлсин деб, бўлсин деб эл  
шод,

Нақшин кошоналар ул этар бунёд.

Элнинг дастурхонин қилгали тўкин,  
Она ер қалбига ул солар тўлқин.

Ер қалбин тинглаган фидойи жон у,  
Ер тилини билган бобо деҳқон у.

Зарафшон сувига бўлиб бош мироб,  
Дала-даштни этди сув билан сероб.

Бир қатра сувни ҳам кеткизмай бекор,  
Табаррук тупроққа бахш этди виқор.

Ер гуллаб яшнади унинг қўлида,  
Хазина юз очди юрган йўлида.

Мангу шоддир ундан Регистон ҳатто  
Чунки унга қайта жон этди ато.

Ҳар гишту тошида кўриб бир дoston,  
Уйга ботди ҳар гал беором инсон.



Ҳаёт чанг-ғубори қўниб асрлар,  
Асрларга маёқ бўлмиш қасрлар,

Жонқуяр инсондан кутарди нажот,  
Кутарди мурувват, кутарди ҳаёт.

Тупроққа кўмилмиш сангин пойдевор  
Кўркидан сўнгандек ҳашаму виқор,

Мусаффо оламдан бўлмай баҳраманд,  
Зиндонда ётарди мисли занжирбанд.

Қифтида Шердорни тутиб нолаваш,  
Улуғбек сингари маҳзун, жафокаш,

Бошида кўтариб Тиллакорини,  
Йиллаб кутар эди халоскорини.

Нақшин пойдеворлар гунгу лол эди,  
Тупроқни чангаллаб, бағри ол эди.

Уч улкан мадраса туриб юзма-юз  
Дардини ичига ютганди, афсус!

Дилкушо саҳнини қоплаб зулматдай,  
Рухсорин яширган қора чимматдай,

Асрлар тўзони тош бўлиб қотмиш,  
Насллар фиғони ёш бўлиб қотмиш.

Регистон тунда хаёлларга ғарқ  
Инсоннинг чақнади фикратида барқ.

Бу барқ шуъласидан ёришди кўнгли  
Ва тунда қайтмади уйига мунгли.

Бу барқ — Регистоннинг нидоси эди,  
Буюк меъморларнинг садоси эди.

### *Тўфонли хаёллар*

Регистон — Самарқанд кўрки, савлати,  
Аждодлар мероси, буюк давлати.

Самарқанд шухрати, шони — Регистон,  
Самарқанд юраги, жони — Регистон!

Регистон — Самарқанд мулкига  
Регистон — башарни лол этган <sup>сайқал,</sup> ҳайкал!

У — ўзбек халқининг ифтихоридир,  
Дунёни лол этган ихтиросидир.

Кимки гард кўндирса элнинг фаҳрига,  
Ул учрар шу элнинг ғазаб, қаҳрига.

Кимки эл фахридан артса гардини,  
Бошига кўтаргай эл ўз мардини.

Эл олқаса, толе кулгай бошингда.  
Эл қарғаса, офтоб сўнгай қошингда.

Элнинг олқишига сазовор инсон  
Қалбига ўт ёқар ҳамон Регистон.

Ҳамон хаёлини банд этган фикрат  
Заковат кўкида учар барқсуръат.

Мозийнинг қадрига етмаган башар  
Элу юрт олдида бўлгай жавобгар.

Аждодлар меросин улуғлаган жон  
Келажак боғида яшар беармон.

Буюклар олдида кимки эгса бош,  
Ўзи ҳам уларга бўлгуси сафдош.

Кимки шавкат қўшса эл шавкатиға,  
Мангу фарзанд бўлура мамлакатига.

Улуғ аждодларга топинган инсон  
Эл аро қадрини топура бегумон.

Ким ҳаёт боғида бўлса гар меъмор  
Авлодлар у билан этгай ифтихор.

Шу сабаб Регистон қисмати бугун  
Оташин юракда қўзғатди тўлқин.

Регистон келмаса агар аслиға,  
Эл қандай боқади улуғ наслиға?

Шу савол олдида бергали жавоб  
Ул ўқиб чиқмади қанчалаб китоб.

Сухбат қурди олим, меъморлар билан,  
Муҳандис, сангтарош, гулкорлар билан.

Таъмирчи усталар ундан шод бўлди,  
Гўёки янги бир кўшк бунёд бўлди.

Регистон бўлсин деб яна навқирон,  
Яна юз очсин деб қадимий майдон,

Мадрасалар саҳнин, пойдеворини  
Урта асрларнинг кўрк, виқорини

Қилмоқчи бўлишди тупроқдан холи,  
Очилсин деб унинг кўркам жамоли.

Лек баъзи олимлар ўйга толдилар,  
Ҳайрат бармоғини тишлаб қолдилар.

Тупроқнинг тагида не сирлар пинҳон?  
Жавоб бера олмас бунга бир инсон.

Майли, тош пойдевор емагандир лат,  
Лек гишталари озор кўргандир албат.

Регистон тупроғи олинса агар  
Буюк обидалар кўрмасми зарар?

Қолаверса яна ЮНЕСКО ҳам бор,  
Халқаро миқёсда сўзлашмоқ даркор.

Уртага қўйилди икки хил савол,  
Масала ечилмай қолди шу аҳвол.

Регистон нидосин тинглаган инсон  
Икки оташ аро урарди жавлон.

Икки ўт тобора олиб аланга  
Шуъласин сочарди сирли оламга...

Кунлар ўтди турна каби тизилиб,  
Ойлар ўтди ойдин кўзи сузилиб.

Шунда у фикрини этгали исбот,  
Ўзи ҳақлигига ишонгандан бот,

Маслаҳат сўради кекса меъмордан  
Ва унинг сўзидан чиқди хумордан.

Меъмор ўзи мазкур ишга бош бўлди,  
Регистон қошида кўзу қош бўлди.

Мадраса саҳнидан танлаб ўн газ ер  
Синаб кўрди меъмор, тўкди манглай  
тер.

Навқирон ёшларни ёнига олиб,  
Мозийнинг бағрига гўё қўл солиб,

Неча кун тупроққа кўз нурын тўкди,  
Ҳар қарич ер учун қаддини букди.

Чертиб кўрди замин юрак торини,  
Сирли оҳангига берди борини.

Мунгли қўшиғидан титраб кетди у,  
Тупроқни ҳовучлаб, бир-бир титди у.

Геолог дафъатан топганидек кон,  
Доктор ўлик танга берганидек жон,

Космонавт заминга қўнгандек омон,  
Онаизор фарзанд кутгандек шодон,

Тўзонли асрлар ол этагидан  
Қутлуғ излар пинҳон тупроқ тагидан

Бир гиштин растанни топди-да меъмор,  
Табаррук заминни ўпди бахтиёр.

Кўз ёши тупроққа қоришиб кетди,  
Кашфидан кўнгли ҳам ёришиб кетди.

Тўфонли хаёллар тарқаб бошидан,  
Давлат қуши учиб ўтди қошидан.

Унга лол боққанда ақл лочини,  
Тун қиздай таради қора сочини.

Тун сочин бир учи теккандай ерга,  
Шом қўнди, зор бўлиб бир тола нурга.

## Ҳайратли ҳикматлар

Буюк кашфиётга ўзи ишонмай,  
Растага боқди у кўзлари қонмай.

Оташга айланди томирда қони,  
Ларза солди танга юрак тугёни.

Намли киприкларин артиб беозор,  
Боладай энтикиб севинчдан меъмор,

Растани тозалаб асрий тупроқдан,  
Бир нидо келгандек йироқ-йироқдан,

Регистон қалбига қулоғин тутди,  
Ифтихор кўшида ўзин унутди.

Раста қисматидан хаёлга ботди,  
Жумбоқлар бағрига ўзини отди.

Сеҳрли ғишларга тикилди синчков,  
Бир фикр айтишга кўнгли бермас дов.

Раста қай асрга экан дахлдор,  
Унда қай замоннинг сўнмас муҳри бор?

Ё нурли бир тонгда чеккали рақам,  
Улуғбек қўйганми саҳнига қадам?

Ялангтўш Баҳодир бўлиб ҳукмдор  
Ёдгор қолгандами ё ундан Шердор?

Ё ўша закий қалб бериб борини  
Бунёд этгандами Тиллакорини?

Бу савол олдида ожиз қолди у,  
Жавобин тополмай, ўйга толди у.

Сўнгра бир газ қадар очилган раста  
Юзини тупроқ-ла бекитди аста

Ва ажиб сурур-ла секин қўзғолди,  
Обкомнинг биноси сари йўл олди.

Меъморни танирди обкомда ҳамма,  
Биринчи секретарь йўқ эди аммо.

Бир оз кутди уни, дилида ҳамон  
Ғаройиб туйғулар урарди тугён.

Бир пайт кириб келди секретарь  
шаҳдам,  
Меъморнинг қалбига ёққан каби шам.

Секретарь кўзидан ёғиларди нур,  
Руҳида кезарди шавқли бир сурур.

У шодон қутлади меъморни ногоҳ,  
Қайдан бўлди дея секретарь огоҳ,

Меъмор қотиб қолди — кўзида ҳайрат,  
Сўзлашга тили лол — сўзида ҳайрат.

Сўнг эса жилмайиб боқди юзига,  
Кўзлари тўқнашди чақноқ кўзига.

Секретарь бағоят шод-хурсанд эди,  
Топилмиш раста-ла фикри банд эди.

Чунки у райондан қайтаётган чоқ  
Фурсати бўлса-да тигиз ва қайноқ,

Меъморлар ишидан олгали хабар  
Регистонга бир бор ташлади назар.

Ёш меъмор йигитлар ўзида йўқ шод,  
Юксак бир минора қилгандек бунёд,

Қафтга қўндиргандек кўкдан юлдузни,  
Яратиб қўйгандек тундан кундузни,

Севинчин ичига сиғдиrolмасдан,  
Кўзлари ўткирроқ бўлиб олмосдан,

Суюнчи сўргандек секретардан худ,  
Навқирон қалбидан янграб шўх суруд,

Ой ҳусн бўлгандек фараҳли тунга,  
Ғишт раста топилди дейишди унга.

Очгандек минг йиллик тарих кўзини,  
Тупроқдан тозалаб раста юзини,

Намойиш этдилар, тўлиб-тошдилар,  
Гўёки энг баланд тоғдан ошдилар.

Секретарь тиз чўкди, сезмасдан ўзи  
Ва ғиштин растага михланди кўзи.

Дафъатан киприкдан ёш думалади,  
Кифтидан босган тоғ гўё қулади.

Растага тикилиб, дил оловланди  
Ва севинч ёшлари дурдек товланди.

Ҳақиқат тантака қилмоғи даркор,  
Бу йўлда адолат бўлғай байроқдор.

Мазкур ҳикмат бўлиб ёдида такроп  
Хаёл уфқларин ёритди шароп.

Арғувоний ғишдан қилинмиш раста,  
Унинг қўли теккач, бўлиб ораста,

Кўзига кўринди ғишлар муқаддас,  
Қалбида кўзғолди олий бир ҳавас.

Намоён бўлдими табаррук излар  
Севинчдан порлади ўт бўлиб кўзлар.

Улуғбек излари балки бу излар,  
Бу излар балки у ҳақида сўзлар.

Навой изларин муҳри борми ё,  
Абулайс изларин сеҳри борми ё?

Бу тупроқ тагида не сирлар пинҳон,  
Кўз билан кўролган эмас бир инсон.

Қатлам-қатлам тупроқ олинса агар  
Ғаройиб кашфлардан берурми хабар?..

Секретарь ғарқ бўлиб нурли хаёлга,  
Боқарди растага — рухсори олга.

Юзма-юз турганда узоқ асрлар,  
Умид кўзин тикмиш унга қасрлар,

Ҳайратли ҳикматлар сўзлагани ё  
Китобин очдими сеҳрли дунё!

Секретарь лол эди, паришон эди  
Ва лекин фикрати ганжфишон эди.

Келажак уфқини кўриб олдиндан,  
Шод эди Регистон истиқболдан.

### *Саодатли орзулар*

Регистон саҳнидан топилмиш раста  
Улуғбек асрига эди пайваста.

Донишманд меъморлар қароридир бу,  
Тош билан урса ҳам синмас бу кўзгу.

Бу кўзгу ақлнинг кўзи демакдир,  
Бу кўзгу донолар сўзи демакдир.

Бу кўзгуга боқди шубҳаланса ким,  
Қим тупроқ тагида бор деса тилсим.

Барчаси не бўлса унда намоён,  
Ҳайрат чорбоғида келтирди имон.

Ҳатто ЮНЕСКОнинг олимлари ҳам  
Бу кўзгу тасвирин, дейишди, кўркам.

Вале баъзилари бўлмади рози,  
Исбот талаб қилди дил эътирози.

Зиён кўргай деди обидалари,  
Тошдан эмас, ахир, гилмоя бари.

Қай кўзга ёқмайди ушбу манзари,  
Бу — кўзнинг қораси, кўзнинг гавҳари.

Қош қўяман дея чиқармайлик кўз,  
Балки ортиқчадир бу хусусда сўз.

Бу жаҳон мулкидир, жаҳон ганжидир,  
Дунёга бергусиз инсон ганжидир.

Бу ганжга ҳеч кимса эмас дахлдор,  
Бу ганжда жумлаи жаҳон мулки бор.

ЮНЕСКО рухсати бўлмаса агар,  
Таъмирга ҳуқуқ йўқ, дейишди, улар.

Секретарь баҳслашди меъморлар билан,  
Олиму мухандис, саркорлар билан.

Яна ўз фикрига қилгали иқроп  
Регистон растаеин кўрсатди такроп.

Мана арча-арча ўша ғишт раста,  
Наслига Улуғбек тутган гулдаста.

Растанни қопламиш уч газча тупроқ,  
Пойдеворлар эса кўмилмиш мутлоқ,

Шу йўсинда ҳаёт этса гар давом,  
Юз йилдан сўнг эса ортиқча калом.

Жафокаш мадраса, минораларни,  
Тўзонларда қолган дилпораларни

Яна қуюн босар, босар чанг, тўзон,  
Дилафрўз жамоли бўлажак хазон.

ЮНЕСКО берса гар рухсати олий,  
Регистон бошида жилмаяр толе.

Етказмай заррача захмат ва зиён,  
Таъмир этмакликка комилдир имон.

Ушанда қаддини ростлаб Регистон  
Кўркам жамолини этур намоён.

Оёғин кишандек қисган тупроқни,  
Замини кўркини тўсган тупроқни

Ботмон-ботмон олиб, берурмиз оро  
Ва элга жилмаяр гулшанлар аро.

Регистон кўринар бор бўйи билан,  
Жаҳонга боқар ўз обрўйи билан!

Қанча зўр берса ҳам баҳс, тафаккурга,  
Олимлар келмади яхлит фикрга.

Аммо фурсат берди ўйлаб кўрмакка,  
Тупроқ қатламини синаб кўрмакка.

Яна аросатда қолди бу жумбоқ,  
Бир и ундоқ деди, бириси мундоқ.

Секретарь бўлмади лекин хотиржам,  
Марказкомдан сўнг бор сўради ёрдам.

Биринчи Секретарь ҳузурида у,  
Кўзларида порлаб ўтли бир орзу

Регистон қисматин бир-бир сўзлади,  
Меъмор чол кашфидан масрур сўзлади.

Ул топган растанинг ғиштин ниҳоят  
Шодон узатди ул... кўзларда ҳайрат!

Биринчи Секретарь ғиштни олди-да,  
Мамнун нигоҳ билан боқиб қолди-да,

Мийиғида аста жилмайиб қўйди,  
Бир бориб кўрмакни кўнглига тугди.

Раста суратига солганда назар  
Ўнгида жонланди бир ажиб манзар.

Қалбига ўт солди жўшқин ёшлиги,  
Ёшлик тонгидаги ўт-оташлиги.

Самарқандда таҳсил кўрган кунлари,  
Регистон қошида турган тунлари,

Юлдузли осмонга боққани завқнок,  
Илҳом дарёсида оққани шавқнок,

Шеър билан тонгларни бедор кутгани,  
Кўнгил жавоҳирин элга тутгани,

Фидойи бўлгани юрт хизматига,  
Сазовор бўлгани эл ҳурматига

Қалбида қўзғатиб ажиб бир туйғу,  
Регистон гиштига тўймай боқди у.

Ва деди: санъатни ким этса қадр,  
Эл унга меҳридан қургай зўр қаср.

Бу гишда асрлар ҳикмати пинҳон,  
Пинҳон ҳикматларга тўла Регистон.

Регистон муҳтождир зеб, оройишга,  
Ҳозир ўрни эмас сизни койишга.

Мен учун азиздир юртда ҳар даргоҳ...  
Тонг билан Самарқанд бўлу  
қароргоҳ...

Секретарга айтиб дилдан гашаккур,  
Шуълабахш сўзлардан қалб тўла  
сурур.

Ушалган сингари энг олий орзу,  
Қанот боғлаб чиқди Марказкомдан у.

## Юлдузли соатлар

Баҳор қучоғида гўзал Самарқанд,  
Саодат ўғлига кўзи орзуманд.

Қалбида олий бир ҳаяжон яшар,  
Зарафшон мавжидек шодлиги тошар.

Регистон кўкидек бағри мусаффо,  
Жаннат боғларида сайр этар сафо.

Нозик адо гуллар елда нозланар,  
Булбуллар чаҳ-чаҳлаб тонгдан соз  
чалар.

Гунчалар лабидан олгани ўпич  
Болари парвона, капалак бетинч.

Чинорлар шоҳида қушлар нағмасоз,  
Чор атрофда янграр латиф бир овоз.

Наво тўлқинида чулғанмиш шаҳар,  
Висол офтобидан чўғланмиш шаҳар.



Шаҳар келинчакдек табассум қилмиш,  
Ойнадек йўлларга сувлар сепилмиш.

Диллари беғубор самарқандликлар,  
Ҳаётдан бахтиёр самарқандликлар

Мўътабар меҳмоннинг йўлига муштоқ,  
Интизор кўзларда ёнар қўшчироқ.

Секретарь қалбида буюк бир ҳавас  
Меъмор чол кашфидек яшар муқаддас.

Самарқанд кўкида чарх урганда «Як»,  
Дилларда ўтланди олий бир тилак.

Улуғ манглайида кун балқиб гўё  
Сиймосидан ёғиб қалбларга зиё,

Биринчи Секретарь — қутлуғ қадам зот,  
Табаррук тупроққа таъзим этди бот.

Кучоғин кенг очиб эл кўтиб олди,  
Юракларда шодлик наҳри қўзғолди.

Одамлар гул тутди, тутди нону туз,  
Шаҳримиз пешкаш, деб, айтишди нек  
сўз.

Нажиб зот кўксига қўйиб қўлини,  
Дўст-ёрга узатиб ҳурмат гулини,

Самарқанд элига йўллади салом,  
Йўллади юракдан ўтли эҳтиром

Ва шаҳдам отланди Регистон сари,  
Кўзин сеҳрлади шаҳар манзари.

Хароб Бибиҳоним унга айтиб роз,  
Асрлар қаъридан чиқарди овоз.

Поёндоз тўшади Тошкент кўчаси,  
Гул бўлиб очилди орзу ғунчаси.

Регистонда уни қутлади меъмор,  
Қутлади инженер, олим, бинокор.

Қўл бериб, улардан бир-бир ҳол сўрди,  
Меҳрибон кўзларда иштиол кўрди.

Бахтли чеҳралардан яшнаб дил боғи,  
Қалбларга нур сочиб меҳр чироғи

Регистон қасрига ўтли тикилди,  
Аждодлар қошида таъзимга келди.

Ранго-ранг кошона қилиб табассум  
Гўёки у билан этди такаллум.

Меъмор чол қилгали кашфин намоён,  
Шодон таклиф этди Улуғбек томон.

Биринчи Секретарь мамнун йўл олди,  
Ғишт раста қошида ҳайратда қолди:

Кўзида шарора, қалбида денгиз,  
 Шуурида чақмоқ, фикрида юлдуз!  
 Жисмида аланга, чеҳрасида нур,  
 Манглайида офтоб, руҳида сурур.  
 Тиз букиб, растани сийпалаб кўрди,  
 Гўё асрий гиштлар ҳолини сўрди.  
 Акс садо бергандай олис бир дунё  
 Кўнгил кошонасин айлади рўшно.  
 Секретарь сўзлади, сўзлади меъмор,  
 Инженер сўзлади — кўзларда шарор.  
 Жон қулоғин тутди ҳаммасига у  
 Ва боқди замонлар ҳамласига у.  
 Саодат чироғи чарақлаб ёнди,  
 Олти асрлик чанг, тўзон тарқалди.  
 Бу чароғ ёритди фикрат субҳини,  
 Қалит бўлиб очди диллар қулфини.  
 Бу чароғ ёнарди унинг қалбида,  
 Бу чароғ порларди мозий қасрида.  
 Меъмор кашфига нур сочди бу чароғ  
 Ва бахт эшигин ланг очди бу чароғ.  
 Бу чароғ нуридан мунаввар раста  
 Келажак қалбига бўлди пайваста.  
 Бу чароғдан балқиб мулки самовот  
 Меъмор чол кашфи ҳам ростлади қанот.  
 Биринчи Секретарь қутлаб уни шод,  
 Айлади асрлар мушкулин кушод:  
 — Бу раста мозийдан қутлуғ бир ёдгор,  
 Арзийди халқимиз этса ифтихор.  
 Улуғбек қадами теккандир балки,  
 Навоий фахр ила ўтгандир балки.  
 Балки олий мақом ушбу иморат  
 Саҳни тилсимлардан бўлса иборат.  
 Тилсимлар кўзини очмакка бугун  
 Элу юрт қудрати етади бутун.  
 Аҳдингиз юракда қатъий бўлса гар  
 Регистон жамоли тезда ўзгарар.  
 Кўнгилда қолмасин олий муддао,  
 Марказком сизларга бўлур раҳнамо!  
 Тиллардан ёғилди олқиш, ташаккур,  
 Дилларга йўғрилди шукуҳ ва сурур.  
 Меъмор чол қалбида ҳайратли олам,  
 Бошидан дур сочди саодатли дам.  
 Обком секретари ўзида йўқ шод,  
 Ёлқинли нигоҳдан дил боғи обод.  
 Шу нигоҳ тушсин деб Шердорда эса  
 Намойиш этилди янги лойиҳа:



Бу — қадим Регистон истиқболидир,  
Буюк мадрасалар кўрк — жамолидир.

Лойиҳа мақсадин сўзлади меъмор,  
Келажак юз йилни кўзлади меъмор.

Юрт сардори эса жилмайиб шодон  
Кўркам лойиҳага бағишлади жон

Ва этди таҳсинга сазовор таҳрир,  
Меъморлар бўлишди унга муҳаррир.

Қимки Регистон-ла тақдири туташ  
Қалбида ловуллаб ёнди зўр оташ.

Регистонга боқиб толе қуёши  
Кўкка етди гўё Самарқанд боши!

### *Собит қадамлар*

Регистон ороми бузилди ногоҳ  
Ва асрий уйқуси узилди ногоҳ.

Тонг билан қалбига тушди ғалаён,  
Тонг билан бағрига қўл солди инсон.

Шердор кўксидаги шердай паҳлавон  
БЕЛАЗу КАМАЗлар уришди жавлон.

Собит қадам филдай экскаваторлар  
Тонг билан майдонда гўё солди жар.

Регистон мардона ишга қўзғалмиш  
Ва шодон халойиқ бағрида қолмиш:

Бириси инженер, бириси меъмор,  
Бири археолог, бири бинокор.

Бириси наққошу бири таъмирчи,  
Бириси ишчию бири тарихчи.

Бириси масъулдир, бири ўткинчи...  
Вале барча қалбнинг бирдир илинжи.

Бу илинж — Регистон қалбига туташ,  
Бу илинж — Регистон қалбида оташ.

Регистон қисмати — замон қисмати,  
Мозий қадрин билган инсон қисмати.

Регистон қисмати — Ватан қисмати,  
Навойи васф этган чаман қисмати.

Регистон қисмати — менинг қисматим,  
Менинг қисматим бу — сенинг  
қисматинг!

Қисматинг оқ бўлсин, деб, она халқим,  
Чироқ қилиб унга қалбимни ёқдим.

Регистон деганда тикдим жонимни,  
Жон билан асрадим шараф-шонимни.

У — менинг ғурурим, у — фахрим  
менинг,  
У — менинг сурурим, у — бахтим  
менинг.

У — менинг ҳаётим, у — меҳрим  
менинг,  
У — менинг қўшиғим, у — шеърим  
менинг.

Регистон кўркига гар қўнса ғубор  
Киприк билан олиб, этдим беғубор.

Регистон солсин деб жаҳонга довруғ,  
Меъморлар кўзига бўлдим қорачиғ.

Бирор мадрасасин кўчса кошени,  
Ерга тушмасин деб тутдим бошимни.

Улуғбек минори оғанида сал  
Кифтим билан суяб қолганман бир гал.

Тиллакори ичра урдиму жавлон  
Азалий кўркини этдим намоён.

Шердор манглайда сўнганида ҳал  
Меҳрим бўёғидан берганман сайқал.

Қалбим Регистонга посибон этдим,  
Бошига офтобни соябон этдим.

Аждодлар руҳига қилиб қасамёд  
Сўздан қасри олий айладим бунёд.

Меъморлар номини чулғаб оташга,  
Қалбини машъалдек кўтардим бошга.

Регистон бошида кулганда толе,  
Оромбахш эсганда наврўз шамоли,

Бахтиёр ҳалойиқ сафида шодон  
Нурли истиқболга боқдим беармон.

Самарқанд меъмори иш боши эди,  
Олиму усталар йўлдоши эди.

Собит қадамидан хурсанд эди халқ,  
Қутлуғ ишига жон пайванд этди халқ.

Мен ғурур отида урардим жавлон,  
Ифтихор ўтида ёнар эди жон.

Бир йилни десак гар улкан бир китоб  
Ҳар куни бир варақ — зиёбахш офтоб.

Регистон очгунча ҳусну жамолин,  
Намойиш этгунча кўрку камолин

Икки улкан китоб битилди гўё,  
Ҳар варағи зар-ла тикилди гўё.

Ҳар сатри — топилдиқ янги бир раста,  
Растага терилмиш ғиштлар ораста,

Эл битган китобнинг ҳарфлари эрур,  
Ҳар ҳарфдан сочилур саодатбахш нур.

Эл кўз қорачиғи — ноёб китоблар  
Гўё келажакка этмиш хитоблар.

Ким бўлмоқ истаса ундан баҳраманд  
Йўлига муштоқдир шаҳри Самарқанд!

### Нурли нидолар

Регистонга чўкмиш фараҳли оқшом,  
Миноралар тутмиш юлдузларга жом.

Тун қизи — ой боқди кийиб тиллақош,  
Севинчдан тирқиарар кўзларидан ёш.

Келин бўлиб тушмиш Самарқандга ул,  
Юзида табассум, қалбида ғулу.

Регистонда кўриб элни шодумон,  
Ёр-ёр айтиб гўё узатар осмон.

Юлдузлар рақс этар ой теграсида,  
Тўй қувончи янграр само сасида.

Баҳраманд бўлгани нурли тилсимдан  
Меҳмонлар жам бунда етти иқлимдан.

Бунда жам ЮНЕСКО вакиллари ҳам,  
Пойтахтнинг нозик таъб фозиллари  
ҳам.

Обком секретарин қувончи чексиз,  
Меъмор чол кафтига қўнгандай юлдуз.

Карнайчилар чиқиб минораларга,  
Садоси етсин деб ситораларга,

Еру кўкка ларза солиб, жар солар  
Ва элни Регистон қошига чорлар.

Карнай садосини эшитганки жон,  
Қалбида чўғланиб ўтли ҳаяжон,

Даста-даста бўлиб яқин-йироқдан:  
Даҳаю маҳалла, гузар, қишлоқдан

Регистон қасрига талпинар эди,  
Минорлар маёқдай товланар эди.

Бутун халқ чиққанди катта сайилга,  
Ҳар лаҳза тенг эди гўёки йилга.

Кўчалар тошқинли сойга ўхшарди,  
Қизларнинг жамоли ойга ўхшарди.

Башар денгизидай чайқалар майдон,  
Шод элдан лол эди бугун Регистон.

Эл эса кўз узмай қасри олийдан  
Мангу хурсанд эди ўз толеидан.

Янги хиёбонни сайр этиб хандон  
Ҳаёт шаробидан маст эди ҳар жон.

Кумуш фавворалар оқ алангадай,  
Самога отилар бир лаҳза тинмай.

Арғувон растадан лол эди кўзлар,  
Регистон кўркидан ол эди юзлар.

Сирли томошага бўлиб интизор  
Юраклар гупиллаб урар беқарор.

Неон чироқлари сўнди-да ногоҳ  
Тун солди Регистон қўйнига нигоҳ.

Само келинчаги лол боқди қиё  
Ва тинди юлдузлар «ёр-ёри» гўё.

Прожекторлар ёнди гўёки машъал  
Ва берди Регистон қасрига сайқал.

Халойиқ ичига ютиб нафасин  
Жон билан тинглади аждодлар сасин:

«Самарқанд қалбиман, мен —  
Регистонман,  
Сенинг аждодингман, меъмор  
инсонман!

Мен — тошга жон берган наққоши  
аъзам,  
Мен — нақшга ҳал берган заргари  
аълам.

Гилмоя асрорин кашф этган жонман,  
Турфа кошинларга жон берган қонман.

Мен — қасри олийни яратган башар,  
Мен — нақшу нигорда порлаган анвар.

Ҳайратли чизмалар муҳандисиман  
Ва ҳунар мулкининг бир қомусиман.

Самарқанд қалбиман, мен —  
Регистонман,  
Сенинг аждодингман, ботир инсонман.

Бошимдан кечмади не-не савдолар,  
Бошимга ёғмади не-не балолар.

Жанглар гирдобига отланган чоғим,  
Жон каби асрадим кўзу қароғим.

Ғанимлар бошимга тош отганида,  
Диёнат ганжини йўқотганида

Спитамен руҳи мададкор бўлди,  
Муқанна эркимга халоскор бўлди.

Саодат яловин кўтариб баланд,  
Мен жангга отландим сарбадор монанд.

Саккокий қаламин олиб қўлимга,  
Улугбек донғини ёйдим элимга.

Адолат изладим Навоий мисол,  
Шам бўлиб бағримда нурланди иқбол:

Бобирдек нолаваш ўтдим даврондан  
Ва фарёд айладим эркисиз замондан.

Май деб менга оғу узатди ганим,  
Мирзобек сингари ўт олди бағрим.

Машриққа дарс бердим Абулайс бўлиб,  
Ишқдан фарёд этдим гоҳо Қайс бўлиб.

Дашту биёбонни этгали обод  
Оби ҳаёт бердим гоҳ бўлиб Фарҳод.

Муҳандис Муҳаммад Исфаҳонийман,  
Гўримири сингари умри боқийман.

Мен — Шердор меъмори  
Абдужабборман,  
Ялангтўш Баҳодир амрига борман.

Масжиди Жомеъга бўлиб мубошир  
Ҳунари туфайли топмаган қадр

Хожа Жалолиддин Маҳмуд Довудман,  
Амир амри бирлан бўлдим нобуд ман.

Мен — устод Шамсуддин,  
Шоҳизиндаман,  
Муҳаммад Табризий янглиғ зиндаман.

Кўҳакдек тўлғониб ўтди замонлар,  
Ушалди дилдаги орзу-армонлар.

Иқбол қуёшидан бўлиб баҳраманд  
Истиқболга этдим жонимни пайванд.

Бу кунга зор ўтди азиз салафлар,  
Сизга, озод наслим, шону шарафлар!

Самарқанд қалбиман, мен —  
Регистонман,  
Сенинг аждодингман, озод инсонман!»

Нурли нидолардан тўлғонди қалблар,  
Ҳаяжон ўтига чулғанди қалблар.

Нур ўйнар гоҳ Шердор, Улуғбекда гоҳ,  
Гоҳ Тиллакорига қадалар нигоҳ.

Мадрасалар бир-бир сўзлаганида,  
Ғам-алам даштида бўзлаганида

Қалбларда қўзғалар фахр ва алам,  
Қорачиғлар ёнар гўё икки шам.

Аждодлар кўзидек порлаб кўзлари,  
Томошага чиқар кўк юлдузлари!

Самарқанд келини — ой боқар мамнун,  
Регистон кўркидан қалбида учқун!

## Пайваста чинорлар

Самарқанд шаҳрида кўпдир чинорлар,  
Барча дарахтлардан хўбдир чинорлар.

Чинорлар минг йилни кечирган бошдан,  
Чинорлар жони лек қаттиқдир тошдан.

Тош ҳам минг йил турса яксон бўлади,  
Чинорлар минг йилга посбон бўлади.

Чинорлар сув ичар тоза булоқдан,  
Илдизи жон олар она тупроқдан.

Она тупроқ фарзандлари чинорлар,  
Тоза булоқ дилбандлари чинорлар.

Чинорлар илдизи теран бўлса гар  
Узоқ умр кўрар, дейди кексалар.

Аҳли Самарқанд ҳам чинорга монанд,  
Она тупроғига қалбидир пайванд.

Жони ҳам туташдир ўша тупроққа,  
Қони ҳам туташдир ўша тупроққа.

Ўша тупроқ берар унга куч, мадор  
Ва умрин этади минг йилга пойдор.

Ўша тупроқ билан қадди баланддир,  
Ўша тупроқ билан егани қанддир.

Вале Самарқанднинг икки чинори  
Барча чинорларин кўрки, виқори.

Бу икки чинорнинг умри пайваста,  
Қошида не зотлар бош эгар аста.

Ўша чинорларга этгали таъзим  
Регистон қошига отландим маъсум.

Янги растага лек қўйганда қадам,  
Тўрт азим чинорни этдим мукаррам.

Бири — Эргаш Жуманбулбул ўғлидир,  
Бири — Фозил Йўлдош, қалби  
чўғлидир.

Бири Ислом шоир, бириси Пўлкан,  
Лек бари Самарқанд элига ўғлон.

Эргаш Жуманбулбул келмиш  
Кўрғондан,

Ислом шоир эса Оқтош томондан.

Фозил Йўлдош ўғли Лойқадан келмиш,  
Қатағон бағрида Пўлкан туғилмиш.

Эл кўнглидан гавҳар терган шоирлар  
Ва ўзига қайтиб берган шоирлар,

Мармар шоҳсупада ўлтириб шодон,  
Балки тўқишмакда янги бир достон.



Қўлларда дўмбира, бармоқлар ўйнар.  
Нозик торни чертиб, бармоқлар куйлар.

Бургут кўзли Булбул юзлаб дostonни  
Ёд билмиш, ҳайратга солиб жаҳонни.

Минглаб байтни асрар кўз қорасидай,  
Жон мулкида сақлар дил порасидай.

Бир дoston бошласа тушганда оқшом,  
Тугамас, ҳаттоки тонг берса салом.

Минг кеча, минг кундуз куйлаши мумкин,  
Сел бўлиб, эл дардин сўйлаши мумкин.

Ҳофизаси баланд, қамрови кенгдир,  
Шеърят мулкида Гомерга тенгдир.

Шоир ўтмиш унинг етти авлоди,  
Булбулдан мангу шод эмиш аждоди.

Ул айтган дostonлар эл аро мумтоз,  
Бутун Шарқ мулкида бергандир овоз.

«Кундуз билан Юлдуз», «Холдорхон»,  
«Далли»,  
«Кунтуғмиш», «Равшан»га эл дейди:  
Балли!

«Ўртоқ Ленин» эса ўзи бир жаҳон,  
Дунё турганича янграр бу дoston!

Фозил Йўлдош ўғли берса гар садо  
Узига этарди оламини шайдо.

Акс садо берарди унга тоғу тош,  
Тонг эмас, саҳарда турарди қуёш!

Пойига зарини сочиб Зарафшон,  
Қўшиқ куйлар эди тунлар беармон.

Назм майдонида Алпомиш эди,  
Сўзида ҳайратли ўт ёнмиш эди.

Куйчи хаёлининг уфқи бесарҳад,  
Бу уфқ парвозга чорлайди абад.

У дoston сўйласа диллар сел бўлмиш,  
Ҳатто душманига ғаним эл бўлмиш.

«Алпомиш», «Интизор», «Малика айёр»,  
«Ширин билан Шакар», «Рустамхон»,  
«Ёдгор»,

Ёдгор бўлиб қолди куйчидан бизга,  
Биздан мерос қолар авлодимизга.

Мана, Ислом шоир, Назар ўғли бу,  
Наҳрипай мавжидек қалбида орзу.

Халқ мулкини асраб келар дилида,  
Дилида не бўлса, янграр тилида.

Қўлида булбулдек сайрар дўмбира,  
Эл орзусин куйлаб, яйрар дўмбира.

Фанимга нафрати сел бўлиб тошар,  
Қарнабу Нурота тоғларин ошар.

Минг йил муқаддам халқ айтган  
достонлар,  
Жангга кириб, омон қайтган достонлар

Безади шоирнинг кўнгил қасрини,  
Мадҳ этди шоирнинг бахтли асрини.

«Орзигул», «Зулфизар билан  
Авазхон»,  
«Бахтиёр авлодлар», «Гули хиромон»

«Тинчлик жарчиси»дай оламни кезар  
Ва куйчи қалбидай элларга сўзлар.

Муҳаммадқул Жомрот ўғли Пўлкан —  
бу,

Халқимиз қалбида яшайди мангу!

У жўшиб куйлади, ёниб куйлади,  
Ҳаёт чашмасидан қониб куйлади.

Муқаддас бу чашма обиҳаёти  
Пўлкан саодати, Пўлкан баёти.

Пўлкан қалби шеър у достонга кондир,  
Пўлкан қалби қўшиқ айтган уммондир.

У куйласа, кўкдан тушар парилар,  
У куйласа, ёшаради қарилар.

Тоғдан тушар Жайрон, Пўлкан  
куйласа,  
Олам боқар ҳайрон Пўлкан куйласа.

Пўлкан куйлаб, мамнун боқди асрига,  
Достонларин мерос қилди наслига.

Пўлкан айлаб ҳаёт боғини обод,  
Қолдирди ўзига муносиб зурёд:

Умарқул ҳам борди ота изидан,  
Амирқул ҳам борди бобо изидан.

Ота-ўғил Пўлкан қўлин тутишди,  
Бугун элда шоир бўлиб етишди.

Чинорлар қошида сақлаб эҳтиром,  
Садоқат мулкида кўрсатиб киром

Шоирлар боғини сайр айладим,  
Бу турфа гулзордан нурланди қалбим.

Самарқандда томир отган ижодкор,  
Ё унинг нон-тузин тотган ижодкор

Қамоли ҳурматин келтириб бажо  
Назмини мраммарга этмишдир иншо.

Бир-бир ўқиб чиқдим, хаёлга толдим,  
Нафосат оламин бағрида қолдим.

Мени ҳам ёд этиб аҳли Самарқанд,  
Меҳримни жонига этгандек пайванд

Шеъримни мрамарга ўйиб ёзмишлар,  
Зарҳал ҳарфлар билан суйиб ёзмишлар.

Ташаккур, эй юртдош дўстларим Сизга,  
Ташаккур, юракдан ҳурматингизга!

Хаёл дарёсида сузиб беармон  
Йўл олдим пайваста чинорлар томон.

Бу юксак чинорлар, беш аср, мана,  
Саодат боғида қилур тантана.

Сув ичиб, икки эл қалб булоғидан,  
Нур олар, икки эл қалб чироғидан.

Икки эл боғида отиб чўнг томир,  
Юксалди мисоли Зарафшон, Помир.

Икки элни элтиб офтобга пешрав,  
Қўнмади чинорлар шохига қиров.

Аср ўтган сайин бўлиб навқирон,  
Авлодлар қалбига солмишлар туғён.

Дўстлик қудратини қилиб намойиш,  
Садоқат қасрига бермиш оройиш.

Чинорлар кўтариб дўстлик туғини,  
Дунёга сўйламиш эл доврўғини.

Бу дўстлик нуридан қалблар мунаввар,  
Бу дўстлик бузилмас, абадий яшар.

Жаҳонда бор экан ўзбек ва тожик,  
Бу дўстлик бошларда порлаган тождек.

Бу дўстликка бўлиб буюк байроқдор.  
Бизни олға бошлар икки ижодкор:

Бириси — Навоий, Жомийдир бири.  
Наслидан мамнундир икки шеър пири!

### *Сен ~ менинг маконим*

Табаррук тупроққа қилиб қасамёд  
Содиқ фарзанд бўлиб қолдим умрбод.

Умрбод чиқмадим айтган сўзидан,  
Умидим узмадим нону тузидан.

Қалбимда муқаддас меҳрин ардоқлаб,  
Шарафли фарзандлик бурчимни оқлаб,

Хизматига доим шай бўлиб турдим,  
Қадру камолим шу заминда кўрдим.

Буюк инсонларга ватан бўлган ер,  
 Буюк дostonларга чаман бўлган ер,  
 Мени ҳам тебратди ўз бешигида,  
 Ешлигим қутлади бахт эшигида.  
 Гўдаклик чоғимда қўлимдан тутди,  
 Болалик боғига шод олиб ўтди.  
 Юлдузли осмонга қилиб маҳлиё  
 Ой билан сўзлаш деб ундади гўё.  
 Бошимдан ўтганда оппоқ булутлар,  
 Тоғлардан учганда ёвқур бургутлар  
 Кипригим самога камондек отди,  
 Қалбимда ажойиб ҳислар уйғотди.  
 Турналар солганда кўкда арғимчоқ,  
 Боғларда чарх урдим мисли арғимоқ.  
 Усмирлик фаслидан гуллар терганда,  
 Булоқлар қўшиғин тинглаб турганда,  
 Чўққидан новвотдай қор эриганда,  
 Тоғлар уйқусини этганда канда,  
 Ирмоқдан дарёлар бўлганда пайдо,  
 Чинорлар кўркига боққанда шайдо,  
 Баҳор тўшаганда қирмизи гилам,  
 Ениқ ҳаяжонга тўлганда сийнам,  
 Бағримни лолазор этганида ол,  
 Сочини ювганда сувга мажнунтол,  
 Кўзимдан учқунлар сачраганида,  
 Сўзимдан учқунлар сачраганида  
 Ўзимга хилват бир маскан изладим,  
 Шеър бўлиб янгради айтган сўзларим.  
 Уйимизга туташ беҳудуд боғлар,  
 Боғларга маҳлиё сарбаланд тоғлар,  
 Ўзанига сиғмай оққан анҳорлар,  
 Гулдастага ўхшаш юсак чинорлар,  
 Қўклам либосини кийган далалар,  
 Бағри қон солланиб турган лолалар,  
 Бодроқдай гуллаган зардолизорлар,  
 Нафармон кўйлакли шафтолизорлар,  
 Табиат дуторин чертган шабада,  
 Қўзиқорин янглиғ пакана сада,  
 Ҳаёт қўшиғини айтган булбуллар,  
 Борлиқни безаган минг турли гуллар,  
 Чумолидек тиним билмас одамлар,  
 Далага ошиққан шаҳдам қадамлар  
 Сехрли кўринди менинг кўзимга,  
 Қалб қулоқ солмади айтган сўзимга.

Энди ҳар нарсада бир ҳикмат кўрдим,  
Энди ҳар нарсада бир хислат кўрдим.

Узугинг кўзига гавҳар Кенагас,  
Умрим тулпорига сарвар Кенагас

Дунёнинг жаннати бўлиб туюлди,  
Булоқлар қалбимга келиб қуюлди.

Булбуллар куйига бўлиб таржимон,  
Сукутли тоғларга тикилдим ҳайрон.

Ургутсой садосин тинглаб беором,  
Чинорларга бердим тонг билан салом.

Тугёнли туйғулар бағрида қолдим,  
Қалбим оташланиб, хаёлга толдим.

Ҳисларим шеър бўлиб тўкилди шунда,  
Табиат китоби ўқилди шунда.

Ут бўлиб порлади шунда Самарқанд,  
Бағрига чорлади шунда Самарқанд.

Эй, она тупроғим, табаррук тупроқ,  
Эй, орзу тоғида порлаган чироқ!

Саодатли тонгда сени ўйладим,  
Фароғатли тунда сени куйладим.

Энг мушкул кунларда сенга топиндим,  
Энг ёруғ тунларда сени деб ёндим.

Юрагим илҳомга зор бўлган онлар,  
Юрагим илҳомга ёр бўлган онлар,

Мен сенинг бағрингдан хилқат изладим,  
Мен сенинг бағрингдан ҳикмат  
изладим.

Сен мушфиқ қўл билан силаб пешонам,  
Меъмордек тикладинг умр кошонам.

Ёшлик тонгларимда бўлиб бир қуёш,  
Сен этдинг, онажон, илҳомга йўлдош.

Шеър билан безадинг умр дафтарим,  
Шарафга буркадинг сурур дафтарим.

Сен ҳаёт китобин ўргатдинг менга,  
Сен илм чашмасин кўрсатдинг менга.

Сен бошлаб мозийдан узун ҳикоя,  
Аждодлар руҳига солмадинг соя.

Самарқанд тарихин сув қилиб ичдим,  
Минг йиллар нарига қуш бўлиб учдим.

Утмиш фарёдидан бағрим доғланди,  
Разолат тунида дил оловланди.


Яна Регистонга келиб қўндим мен,  
Тошқин дарё бўлсам, аста тиндим мен.

Боқиб мадрасаю минораларга,  
 Аждодлар мероси — бу сийму зарга,  
 Ғубордан пок этдим кипригим билан,  
 Кўзимдан нур тутдим кипригим билан.  
 Кипригим билан мен таъмир айладим  
 Хароба бағрини маъмур айладим.  
 Эй, муқаддас замин, эй, азиз тупроқ,  
 Бошимизга сира тушмасин фироқ.  
 Сен — менинг маконим, қутлуғ бешигим,  
 Сен — дунё боғини очган эшигим.  
 Сен — мушфиқ онасан, мен — фарзандингман,  
 Пойтахтда бахт топган Самарқандингман.  
 Сен — менинг муқаддас она тилимсан,  
 Она тилни берган туққан элимсан.  
 Она тилим билан тоғдир кўкрагим,  
 Она тилим билан урар юрагим!  
 Сен билан мен доим этдим ифтихор,  
 Сен билан бахтимни қилдим барқарор.  
 Сен билан бошимни баланд тутдим мен,  
 Сен билан ғамлардан омон ўтдим мен.  
 Ҳаёт мактабида сен бердинг таълим,  
 Мен учун сен мангу, буюк муаллим.  
 Сенда ичдим илҳом чашмасидан мен,  
 Вале қонмай, ҳамон ташнасиман мен.  
 Сенда мафтун боқдим юлдузли тунга,  
 Шу тунлар етказди шарафли кунга.  
 Сенда шоир бўлиб элга танилдим,  
 Бугун яна сенга таъзимга келдим.  
 Бир умр бахт билан мен бўлиб йўлдош,  
 Бағрим ичра ёнмиш шеър деган оташ.  
 Уч азиз фарзандга отаман бугун  
 Сен берган бахтдану умримдан мамнун.  
 Буюк умид билан бошин силайман,  
 Кун-тун дуо қилиб, умрин тилайман.  
 Билсанг, улар сенга бир жигарбанддир,  
 Жонлари жонингга туташ фарзанддир.  
 Сен билан мен каби қилиб ифтихор,  
 Бу ҳаёт боғида яшар бахтиёр.  
 Мен эса умримни сенга бахш этдим,  
 Қалбингга, онажон, шеърим нақш этдим.  
 Эй, менинг бахтимга яралган тупроқ,  
 Қуёш каби бўлсин толеинг порлоқ!  
 Сен — ризқу рўзиму нону насибам,  
 Онажон, сенгадир ушбу қасидам!

Самарқанд — Тошкент  
 1980 йил, июль-ноябрь



Вали Гафуров



# Садоқатли ЁР

## УЧ ҲИКОЯ

Ишдан келишим билан телефон жиринглаб қолди. Трубкадан наманганлик танишимнинг овози қулоғимга чалинди.

— Қаердан гапиряпсиз, Юсуфжон?— деб сўрадим.

— Тошкентдан... Тезроқ келинг, Хадрадаги фонтан ёнида кутаман.

Бир оз кечикиб бўлса ҳам, Юсуфжон тайинлаган жойга етиб келдим.

— Бу кеча Жанггоҳда бўламиз,— деди у сўрашиб олганимиздан кейин.

Наманганнинг мана мен деган артистлари билан аскиячилари келишиб, Пушкин паркида катта концерт беришини радиодан эшитгандим. Юсуфжон билан паркка кириб бордик. Соя-салқин хиёбонлар гавжум, бир оз эрта бўлганлиги учун томошабинлар сайр қилишмоқда. Ошхонаю чойхоналар одамга тўла. Ёнз ҳам тамадди қилиб олиш мақсадида ошхона томон бурилдик. Башанг кийиниб уч-тўрт яшар қизчаларини етаклаб келишаётган эр-хотин ёнида Юсуфжон тўхтади. «Ҳамиджон, дўстим!», дея қичқириб йигитни қучоқлаб олди. Икки дўст бир-бири билан қучоқлашиб, сўрашишди. Юсуфжон дўстининг қўлини қисиб туриб:

— Айбга қўшмайсан, бу — келинимиз Хулкар эмасмилар?— деди.

— Ҳа-ҳа, худди ўзи!— Ҳамид бир олам қувонч билан яйраб жавоб берди.

— Хайрият, оёққа туриб кетибсиз,— Юсуфжон Хулкарга қараб шундай деди. Сўнгра Ҳамиддан сўради:— Чортоқ сувининг шарофати бўлса керак-да, шундайми?

— Ҳа, дўстим, маслаҳатинг учун сендан миннатдоримиз.

Узоқ гаплашишганидан сўнг эр-хотин уни уйларига таклиф қилишди. Юсуфжон эртага боришга ваъда қилиб хайрлашди.

Эртаси ишдан кейин Юсуфжон билан Ҳамидникига бордим. Зиёфатдан кейин Юсуфжон:

— Дўстим,— деди Ҳамидга мени кўрсатиб.— Ҳаваскор ёзувчилардан. Ҳулкар билан қандай танишганликларингни батафсил гапириб берсанг? Эҳтимол...

— Қандай бўларкин,— Ҳамид бир оз ўйланиб тургач, розилик билдирди.

Ҳулкар келтирган кўк чойни бир-икки қайтариб тиндиргач, пиёларга қўйиб қўлимизга узатди-да, ҳикоясини бошлади.



Ҳарбий хизматда Юсуфжон билан бирга бўлганман. Қисмимизнинг ёқилғи сақланидиган оғбори Тисса дарёсининг шундоққина қирғоғига жойлашган. Мен постда турибман. Шўх дарёнинг қирғоққа шиддат билан урилиб оқишига тикилиб туриб, ўйга толибман. Ногоҳон сувда кўйлакка ўхшаш бир нарса, сўнг одам оёғи кўрингандек бўлди. Автоматимни дарахт шохига илиб, ҳайқириб оқаётган дарёга ўзимни отдим. Дам ўтмай ҳалиги оқиб келаётган одамнинг белидан қучиб, қирғоққа олиб чиқдим. Саккиз яшарлардаги қиз бола экан. Оғзидан ютган сувларини оқизиб, қўлларини ҳаракатга келтирдим, сал ўзига келди. Ана шу арзимас хизматим учун полкимиз командири барча жангчилар ўртасида мени табриклаб, бир ойлик отпускаи эълон қилди. Ҳарбий хизматга мослашиб қолган эканман. Уйга қайтганимдан кейин бир неча кун кўника олмай юрдим. Тўғри, икки-уч кун бирмунча дуруст бўлди. Қўни-қўшнилари, қавму қариндошлари, ёру биродарлар келиб тургани учун унчалик билинмади. Аммо, кейинги кунларим зерикарли ўта бошлади. Армияга олингунига қадар ўзим ишлаган заводга бориб, дўстлар билан бир кун бўлдим. Яна борсам, уларни ишдан кўярдим.

Шундай қилиб, отпускамнинг ўн бешинчи куни ҳам ўтди. Кўп қаватли уйнинг бир хонасида эрталабдан ёлғиз қолдим. Ота-онам ишга, укаларим ўқишга жўнаб кетишган. Беҳуда кўча айланишни ёшлигимдан ёқтирмайман. Жавондан китоб олиб, ҳар кунгидай яна ўқишга тушдим. Тушдан кейин толиқиб, уйку элитган экан, нариги хонада эркакларнинг шўх кулгисини эшитиб, уйғониб кетдим.

Эшикни шартта очиб ҳамкасб дўстим билан нотаниш бир йигит кириб келди.

— Тур ўрнингдан, каравот қучоқлаб ётиш учун отпускаи келганмидинг, беморлардек кундуз куни ухлашни ким ўргатди сенга?

Тоҳир дағ-дағ қилиб, тепамга келди-да, оёғимдан тортиб, каравотдан ағдариб юборди. Нотаниш йигит қувноқ экан. Аҳволимни кўриб, Тоҳирга қўшилиб роса кўлди. Бу қўпол ҳазилдан жаҳлим чиқмади, аксинча ўрнимдан турдим-да, дўстимни қучоқлаб олдим.

— Қани, кийин, кетдик!— деди Тоҳир буйруғомуз.— Дўстим билан таниш, исми Баҳодир, бугун унинг туғилган куни. Таклиф қияпти.

Ўзимда йўқ севишиб кетдим. Дам ўтмай солдатчасига ювиниб-кийиниб дўстларимга қўшилдим. Баҳодир шаҳар чегарасидан сал нарида — Эркинда турар экан. Ҳовлига киришим билан барқ уриб очилиб ётган хилма-хил анвойи гулларга кўзим тушиб, баҳри дилим очилиб кетди. Гулларга суқланиб тикилар эканман, ҳавасим келди. Баҳодир гуллар олдидан кета олмай қолганимни сизди шекилли, бир дона атир гулни авайлаб узди-да, қўлимга тутқазиб, ичкарига бошлади. Айвонга кўтарилиб, чап томондаги хонага кирдик.



Баҳодирнинг онаси билан йигирмаларга кирган бир қиз ўтирарди. Хола ўрнидан ирғиб турди. Тоҳир икковимизни бир-бир бағрига босиб қуюқ сўрашди. Қиз эса ўрнидан турмади. У ўтирган куйи бир оз қимирлаб қўйди-да, салом бергач, бошини қуйи солганча ўтираверди. Пайт пойлаб, қизга разм солдим. Ейсимон қоп-қора қошлари, оқ олмадек тиниқ юзлари менга танишдек кўринди, аммо эслай олмадим. Очиғини айтганда, қизнинг турмай ўтиравериши гашимни келтирган эди. Ичимда, одобсиз, дедим-у, қайта қарамай қўйдим.

Баҳодир ичкари уйга бошлади. Стол устидаги альбомни биз томон суриб: «Томоша қилиб туринглар, мен жиндек ойимга ёрдамлашиб юборай», деб чиқиб кетди.

Тоҳир билан альбомни варақлай бошладик. Суратдагилар кимлар, қаерда олдирилган, қанақанги маросимда — ҳамма-ҳаммасини менга дўстим бирма-бир тушунтирарди. Бирдан студентлар даврасида рақсга тушаётган қизнинг сурати диққатимни тортди. Тоҳир кўрсатгич бармоғини суратга нуқиб:

— Разм сол-чи, танирмикансан?— деди.

— Йўқ, танимайман,— дедим.

Кейин у янги варақни очиб, раққосанинг катта қилиб олдирилган суратини кўрсатди.

— Буни ҳам танимайсанми?— деди. Суратдаги таниш сиймо хотирамдан кўтарилган...

Суратда акс эттирилган қиёфага тикилиб турарканман, бирдан юрагим жиз этиб:

— Бу ўша... ўша Ҳулкар-ку!— деб юбордим.

— Топдинг, дўстим. Ҳозир Ҳулкарлар уйда ўтирибсан. Биласанми шуни?— деб сўради у.

— Анави... бояги қиз Ҳулкарми?

— Ҳа-да! Ўрнидан турмаганлиги учун ранжиганингни сезувдим. Аммо, дўстим, сен ундан ноўрин ранжидинг. Ҳулкарнинг дарди оғир. Яқин бир йилдан бери шундай бўлиб қолган.

— Нега?— ҳаяжонланиб сўрадим мен.

— Оёғи оғир эмиш. Ҳовлига ҳам холамнинг ёрдами билан тушиб чиқади.

— Қаратишмадими?

— Қаратишмаган докторлари ҳам, табиблари ҳам қолмади, нажот йўқ,— деб жавоб берди Тоҳир.

Бош бармоғимни тишлаганимча анграйиб қолдим «Наҳотки шундай қиз оёқсиз бўлиб қолса? Эҳ, аттанг!»

Дўстим яна нималардир деди, аммо гапини англай олмадим. Совуқ хабар мени қарахт қилиб қўйган эди.

Юсуфжоннинг хабари бор, мен унга ҳаммасини гапириб берганман, армияга олинмасимдан икки йил муқаддам Тоҳирнинг опаси узатилаётган тўйга таклиф этилган эдим. Ҳулкарнинг рақсга тушиб, қўнғироқдек овозда ашула айтиб, қизлар мажлисини қизитаётганини кўриб, ўшандаёқ шайдоси бўлиб қолган эдим.

Ҳулкарнинг театр институтида ўқиётганини эшитиб, йўлини пойлайдиган бўлдим. Ҳар гал дугоналари билан учратаман. Чақириб олишни ўзимга эп билмай, бир чеккада қолиб кетардим. Ниҳоят, дардимни Тоҳирга айтишга мажбур бўлдим. Чунки унинг опаси шу институтнинг юқори курсида ўқирди. Ҳулкар билан учрашувимга опаси ёрдам берар, деган умидда эдим. Афсуски, умидим пучга чиқди.

— Овора бўлма, дўстим,— деди Тоҳир дардимни эшитиб бўлгач.— Унинг йигити бор. ТошДУнинг юридик факультетида ўқийди.

Ҳафсалам пир бўлди. Ўшанда ҳам худди шундай ўкинч билан бармоғимни тишлаб қолганим эсимда. Шундан кейин қанчалар оғир

бўлмасин, Хулкарнинг йўлини пойламай қўйдим. Чунки бошқа иложим йўқ эди.

— Камбағални туянинг устида ҳам ит қошибди, деган мақолни эшитганмисан?

Дўстимнинг саволи хаёлимни бўлиб юборди.

— Ҳа, нима эди?— Кўзимни қизнинг суратидан узиб, Тоҳирга қарадим.

— Хулкарнинг дарди оғирлашиб, борган сари йигити ундан узоқлаша бошлади. Бир-икки келиб хабар олган бўлди-ю, кейин бутунлай унутиб юборди,— деб қолди Тоҳир.

Оқибатсиз студентга нисбатан ғазабим қайнаб, бехосдан:

— Давом эт!— деб ўшқириб юборибман.

Тоҳир мийғида кулимсираб:

— Секинроқ,— деди-да, давом этди — Шу қишда Баҳодирни йўқлаб келган эдим. «Уни кўриб турасизми?», деб сўраб қолди Хулкар. Йўқ, деб қўя қолдим. Елғон гапирдим. Шундай демасдан бошқа иложим ҳам йўқ эди. Узи билан ўқийдиган бир қиз билан топишиб олганини яхши билардим. Ҳатто кўчаларда ўша қиз билан қўлтиқлашиб юрганини ўз кўзим билан кўрганимни ҳам Хулкардан яширдим. Сиз уни эмас, ўзингизни ўйланг, энг муҳими, руҳингизни туширманг. Ҳозирги медицина учун бунақанги дардни даволаш ҳеч гап эмас, фақат озгина вақт талаб қилинади, дедим,— дея гапини тугатди Тоҳир.

Хулкарга раҳмим келиб кетди. Ирғиб ўрнимдан туриб, унинг олдига чиққим келди. Аммо ҳар хил андишага бориб, фикримдан қайтдим. Лекин бари бир Хулкар хаёлимдан кетмай қолди. Утиришни паршонхотирлик билан ўтказдим. Дўстларнинг қизгин суҳбатлари ҳам, аскияю айтилаётган ашулалар ҳам, чалинаётган дилрабо куйлар ҳам қулоғимга ёқмасди.

Отпускамнинг иккинчи ярмини кайфиятим бузилган бир ҳолатда нохуш ўтказдим. Отам билан онам аҳволи руҳиятимни кўриб, сўраб суриштиришса ҳам, улардан сир тутдим. Чунки, улар ўртанаётган қалбимга тасалли бериш ўрнига койиб ташлашлари аниқ эди. Хизматни тугатиб, уйга тезроқ қайтишимни кутиб, тўйни бошлаб юбориш тарадудида юришарди. Қиз ҳам топиб қўйишган. Очиғини айтсам, ойимнинг диди чакки эмас. Қизнинг бўйи-басти, ҳусни жамоли жуда зўр. Маълумоти ҳам дуруст, педагогика институтида ўқир экан. Отпускага келган кунимнинг учинчи куни ойим бўлғуси келинини менга кўрсатди. Шу куни бирга кинога тушдик. Ақлу фаросати ҳам жойида. Қизни кузатиб, уйга келганимда ойимнинг: «Қалай, ёқдимиз?» деб берган саволига «дуруст, бўлади» деб жавоб қайтарган эдим.

Самолётга билет олган куним ўн саккизинчи автобусга ўтириб Эркин томон йўл олдим. Гўё Баҳодирда иши бор одамдек ҳовлига тўғри кириб бордим. Хулкар гуллар ёнидаги бир кишилик сим каравотда ёнбошлаб ётган экан.

— Қелаверинг, ассалому алайкум, Ҳамид ака,— деди.

Хулкар оғриқ оёқларини зўрға йиғиб, жилмайган куйи мени қарши олди.

— Утираверинг, Хулкархон, безовта бўлманг,— дедим-да, ҳол-аҳвол сўрашиб, сал нарида турган курсини келтириб, ёнига ўтирдим. Биринчи гал келганимда Хулкарни тезда таний олмаганимнинг сабабини энди пайқадим. Дард бечора қизнинг этини кемириб, гулдек қиройини сўлдириб юборибди. Уша тунда мени шайдойи қилган тим қора оҳу кўзлар ғам-ғуссага тўлган, мунгли боқиб турарди. Рангидан қон қочиб чакқалари ичига ботган, юпқа, нафис лаблари беморларникидек пўст ташлаб қовжирган.

— Баҳодир йўқми?— деб сўрадим.

— Авлиёотада зўр табиб бор, деб эшитдик. Баҳодир акам ўша томонга кетувдилар,— дея жавоб қилди Ҳулкар.

— Бугун қайтадимиз?— сўрадим мен.

— Билмадим, Ҳамид ака, мени маъзур тутинг, чой дамлаб, сизни меҳмон қилолмайман, ойм ҳам йўқ эдилар,— деди маъюс бир оҳангда Ҳулкар.

— Ҳечқиси йўқ, безовта бўлманг. Отпускам тугади. Индинга жўнайман. Хайрлашиб кетай, деб келувдим.

— Соғ бориб, саломат қайтинг.

Унинг самимий илтифотидан кейин ичимдагина айтиб қолгим келди.

— Ҳулкархон, мени ҳеч кўрганмидингиз?— деб сўрадим.

У мийиғида кулимсираб қўйди. Шундан билдимки, кетидан соядек эргашиб юрганганимни пайқаган экан. Дадилроқ гаплаша бошладим.

— Ўшанда, Ҳулкархон, балки пайқагандирсиз, Тоҳирнинг опасининг тўйида сизни учратиб қолганимдан бери ҳушим ўзимда эмас. «Қизлар сеҳргар бўлади», дейишар эди, шу гап рост экан.

— Ҳали ҳам ҳушсиз юрибсизми?— деди Ҳулкар.

— Мен учун қанчалар оғир бўлса ҳам: «Тоҳир-Зухраларнинг Қоработири бўлиб қолмай», деб орқага қайтишга мажбур бўлганман.

— Ҳали ҳам орқага қайтганимча тураверинг, Ҳамид ака.

— Нега энди? Тоҳирдан ҳамма гапни эшитдим. Орқага қайтиш йўқ...

Ҳулкар дардини ўртага солиб, ҳар қанча қаршилик кўрсатса ҳам, ўжарлик қилиб туриб олдим. Кўз ёшларидан ювилаётган сўлғин юзларини рўмолчам билан артаётим, қасам ичдим:

— Қайтиб келганимдан кейин умримни сизга багишлайман. Тошкентда тузалмасангиз Москва, Ленинградгача олиб бораман. Албатта, шифо топасиз, ишонинг, Ҳулкархон!— дедим.

Ҳулкар йиғидан тўхтади. Қалб амри билан бераётган ваъдаларим уни бир оз юмшатгандай бўлди. Шундан кейин сал кўнглим тинчиб жўнаб кетдим. Қисмимга етиб бориб хизматимни давом эттира бошладим. Дам олиш куни Тиссада чўмилиб, казармага қайтаётганимизда Юсуфжонга Ҳулкар тўғрисида гапириб бердим. Шунда у: «Чортоқдаги санаторияга олиб бор, тузалиб кетади», деди. Кейин оёқ-қўли ишламай қолган онасини Чортоқнинг шифобахш сувидан тузалиб кетганини тўлиб-тошиб гапириб берди. «Оборганим бўлсин. Ҳа, албатта, Чортоққа олиб бораман!» деб кўнглимга тугиб қўйгандим ўшанда.

Армия хизматини тугатиб, уйга қайтдим. Ҳулкар илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам шу аҳволда эди. Авлиёталик табиб ҳам тузата олмабди. Заводимга қайтиб, ишни бошлаб юбордим. Биринчи маошимга обком профсоюз орқали иккита путёвка олиб, Ҳулкар билан онасини Чортоқ санаториясига олиб бордим. Уларни ванна яқинидаги олтинчи корпусга жойлаштиришди. Шу корпуснинг Муҳаррамхон ҳамда Отагинам деган докторлари билан гаплашиб, Ҳулкарга алоҳида эътибор бериб туришларини ўтиниб сўрадим. «Отагинам» ҳар гапида шу гапни қўшиб айтгани учун санатория ходимлари бу докторни «отагинам» лақаби билан аташар экан. Муҳаррамхон билан Отагинам Ҳулкарга албатта яхши қараяжакларини ваъда қилишди.

Бу орада отам билан онам тўйни бошлаш тараддудига тушиб қолди. Қаршилик кўрсатдим. Уйимизда тинчлик бузилди. Жума куни ишга отланаётганимда масалани кўндаланг қўйишга тўғри келди. «Уйланмайман, гап шу!— дедим.— Мажбур қилсанглар, бошимни олиб кетаман».

Ишдан кейин Наманганга учдим. Ҳар жума шундай қиламан, жума куни кетиб, душанба куни ишга етиб келаман.

Хулкар уйга бир оз шифо топиб қайтди. Энди у ҳовлига бемалол тушиб, ҳасса ушлаганча гуллар атрофида сайр қила оладиган бўлганди. Муҳаррамхон билан Отагинамларнинг маслаҳатлари бўйича Хулкар уйда ҳам даволанишни давом эттирарди. Келаси йили у яна Чортоққа борди. Бу гал анча дуруст бўлиб қайтди. Энди қўни-қўшниларникига ҳассасиз чиқадиган, ҳатто гузарга бориб, у-бу харид қилиб келадиган бўлди. Лекин ҳали ҳам кўп юра олмасди. Яна путёвка топиб, учинчи марта Чортоқда даволатдик. Шундан кейин у деярли соғайиб кетди. Уйга қайтганида отам билан онамни қўярда-қўймай уникига олиб бордим. Хулкарни кўргач, онамнинг ҳам ишқи тушиб қолди. «Уғлимни кўндира олсам, қуда бўламиз», деб холамга гапирган экан, холам гапни чувалаштириб ўтирмай: «Ҳамиджон аллақачон қизининг қулоғини тишлаб қўйган, эҳтимол, бўлғуси келинингизни кўрсатгани сизларни олиб келгандир», деб жавоб қилибди.

Икки қуданинг мақсади бир ердан чиққач, ўша кунидеъ фотиҳа қилиниб, онам оқлик ўраб келди. Кейин тўй... Мана, шунга ҳам беш йил бўлиб ўтди.

Ҳамиднинг ҳикояси тугади.

— Отангга раҳмат...— деб Юсуфжон бир оз гурунглашиб ўтиргач кетишга рухсат сўраб, ўрнидан турди.

Шу вақтда қўшни хонадаги пианинодан дилрабо куй янграб қолди. Дам ўтмай, Хулкарнинг паст, лекин жуда майин овозда айтаётган ашуласи қулоққа чалинди. Уччовимиз ҳам нафасимизни ичимизга ютиб, тинглай бошладик.

Ширин сўз, барно йигит,  
Тилингда болиг борму,  
Тилингда болиг борму?  
Шайдоларинг мунча кўп,  
Ёки иқболиг борму?..

Хулкарнинг ўта жозибали, ўйноқи оҳанг билан айтаётган ашуласига маҳлиё бўлиб қолибман. Юсуфжон бирдан хаёлимни бўлиб:

— Қўшиқнинг ёқимли чиқиши, ҳар жиҳатдан куйловчининг соғлиғига, қалбининг беғуборлиғига, кенглиғига ҳам боғлиқ экан,— деди.

Мен беихтиёр мамнунлик билан бош ирғаб қўйдим. Сўнг Ҳамиджон билан Хулкархонларга бахт доимо ёр бўлишини тилаб хайрлашдик.



## Дўст ЖАНГ

Ватан урушида кўзидан айрилиб қайтган ошнам — Зотов Константин Васильевичнинг уйига бордим. У, ёши олтмишлардан ошган, қотма гавдали бир кишини менга таништириб:

— Бу — жангчи дўстим Холмурод Қосимов бўлади,— деди.

Холмурод ака жуда очиқ кўнгил, хуштабиат одам экан. Бирпаснинг ўзидаёқ қадрдон, сирдош дўстлардек бўлиб қолдик. Суҳбат мавзумиз фронт хотираларига кўчганда Холмурод акадан:

— Дўстим сизни разведкачи деб таништирди, агар бемалол бўла, ўзингиз қатнашган жанг тафсилотларидан бир-иккитасини гапириб берсангиз,— деб илтмос қилдим.

Холмурод ака илтмосимни рад этмай, дўстим Зотов билан бирга фронтнинг олдинги маррасида ва душманнинг орқа томонида олиб борган муҳим операцияларидан бирини гапириб берди.

— Гомелнинг ўрмонзорларидан бирида мудофаада турар эдик. Тунги разведкадан қайтганимдан бери блиндаждан чиқмай, дам олмақдаман. Шеригим Зотов ёнимда. Вақт тушдан оғган бўлишига қарамай, ҳали уйғонгани йўқ. У табиатан серуйқу эди. Бирорта жанговар топшириқ берилмагунча кўзини очмайди. Мен эсам унинг аксиман. Суткалаб ухламаган бўлсам ҳам, бари бир озгина мизғиб олдимми — вассалом, уйқуга тўйган кишидек тетиклашаман-қоламан. Мана, икки соатдан бери Костянинг хуррагини эшитавериб, тинкам қуриди. Эрмак учун уйдагиларга, дўстларга, кейин... яна бир кишига,— у жилмайиб қўйиб,— хат ёздим,— деди-да, гапини давом эттирди.— Сўнгра батальон котибига элтиб бериш учун блиндаждан чиқдим. Хатларни унга топшириб, ертўлага қайтгим келмади. Жуда катта жарликнинг ўнг томонидаги тош кўчадан бир километрча нарида кумушдек ялтираб ётган кўлга боргим келди. Кўл четида ёнбошлаб қармоқ ипининг қимирлашини кутиб туриш қандай роҳат бағишлайди кишига. Бундан ташқари, ёз кунларида муздек сувда мириқиб чўмилишга нима етсин! Утган ҳафта Костя билан бирга бориб чўмилган эдик. Кейин кўл атрофидаги қалин тўқайзордан ўнтача ўрдак отиб, дўстларимизни роса меҳмон қилгандик. Ешлигим голиб чиқдимми ёки куннинг иссиғи мени беихтиёр ўша томонга етакладими — ишқилиб, автоматимни елкамга осиб, жарликка тушиб кетдим. Лекин кўлга етиб бориш насиб қилмади. Не азоблар билан жарнинг нариги қирғоғига чиққанимда Костянинг овози қулоғимга чалинди. У жар ёқасидан туриб: «Орқанга қайт!» деб бақирарди. Жар ичидаги паст буталарни оралаб, орқамга қайтдим.

— Штабга чақиришаяпти, топшириқ бор эмиш,— деди Костя.

Мен унга яқинлашарканман, хаёлимдан: «Яна разведкага кетсак керак, разведка планларини пухта ўрганишимиз учун топшириқ эртароқ берилаётган бўлса эҳтимол», деган фикр ўтди.

Йўқ, ўйлаганимдек бўлиб чиқмади. Батальон командири капитан Ярослав ўртадаги бетараф майдоннинг жарликка келиб туташган ғарбий қисмида жанговар постда туришимизни топширди. Бир неча ойдан бери душман истеҳкомларини ёриб, жанговар топшириқларини бажариб келаётган, ҳар гал разведкадан қайтишида ўзи билан бирга дурустроқ «тил» тутиб келаётган шеригим Костя учун бу галги топшириқ шунчаки ўйинчоқдек бўлиб туюлди. У жилмайиб: «Ўртоқ капитан, у томонга,— боши билан немислар томонини ишора қилиб,— юбораверсангиз дурустроқ бўлар эди», деди.

— Жангчи Зотов, бир оз дам олинг, ҳали у томонларга жуда кўп ўтасиз,— деб капитан кетишга рухсат берди.

Қош қорайганда икки дўст жарликдаги сўқмоқ йўлдан илгарилаб кетдик. Бетараф майдоннинг жарликка туташган еридаги иккита окопга етиб келиб, чўкка тушидик. Атроф қоп-қоронғи, осмонда чарақлаб турган сонсиз юлдузларнинг кумушранг нурлари ер сатҳини ёритишга ожизлик қилади. Ўнг қанотимиздаги душман томонга чўзилиб кетган жарлик қандайдир ваҳимали бир сирдан дарак бераётгандек икковимизнинг ҳам фикримизни чулғаб олган. Жарликдаги майда буталар; сассиқ алап, қўнғизтароқ ва шунга ўхшаш ўсиқ ўтлар гоҳо кўзимизга жонли маҳлуқдек, айримлари эса эҳтиётлик билан қадам босиб келаётган немис солдатига ўхшаб кўринади. Боядан бери кўзини жарликдан узмай ётган дўстим кўл силтаб, мен томонга ўгирилди-да, махорка

ўрай бошлади. У: «Шу ҳам жанговар топшириқ бўлдими, тонг отгунча ёрилиб кетасан киши», деб нолий бошлади.

— Шошилма, насибангга лойиғи чиқиб қолар,— деб қўйдим мен.

У бир оз ўйланиб турди, сўнгра: «Тўғри айтасан, кутилмаган бу жимжитлик беҳуда бўлмаса керак. Душман одатда бирор шумликни бошлашдан аввал шунақанги «тинчлик» ўрнатади. Бу — бизни чалғи-гиш бўлса керак», деди.

Дарҳақиқат, жанг майдонидаги ўша кунги тун бошқа тунлардан тамомила фарқ қиларди: узоқ-узоқлардан аҳён-аҳёнда қулоққа чалинаётган тўп овозларини ҳисобга олмаганда, тинчлик даврини эслатувчи тунлардан бирига ўхшарди.

Жанговар постга етиб келганимиздан бери душман томонидан бирорта шарпа эшитганимиз йўқ. Туни билан гумбурлаб турадиган замбарак ва миномётларнинг даҳшатли овозлари нима учундир эшитилмасди. Ипга чизилган маржондек осмонга кўтарилаётган пулемёт ва автоматларнинг алангали ўқлари билан фронт чизиғини дам-бадам титкилаб турадиган прожекторнинг узун «тили» шу вақтга қадар ишга туширилгани йўқ. Душман мудофаасидан муттасил эшитилиб турадиган шовқин-сурон ўрнини чигирткаларнинг чириллаши билан жанг майдонининг ҳар ер-ҳар еридан эшитилаётган қурбақанинг қуриллаган овози эгаллаган. Костя кўзини жарликдан узиб: «Хайрли бўлсин» деди-да, шинелига бошини ўраб, махоркасини тутатди... У ҳали чекиб бўлганича йўқ эдики, бетараф майдон устида душман самолёти пайдо бўлди. Самолёт ярим доира ясаб парашютсимон ракета ташлади. Чўгдек ёниб аста-секин пастга тушиб келаётган ракета биздан юз метрча нарини кундузгидек ёрита бошлади.

— Қани, юр, яширинайлик, иккинчи ракета биз томонга ташланса керак,— дея Костя ўзини жарликка урди. Унинг кетидан мен югурдим.

Самолёт бетараф майдоннинг устидан яна доира ясаб ўтди-да, тагин жарлик устига ракета ташлади. Шундан сўнг ракеталар то ерга тушиб сўнмагунча душман самолёти атрофни кузатган кўйи тепамиздан учиб ўтди. Ракеталар сўниб, атрофни яна сукунат босди. Ўрнимдан туриб окопимга қайтмоқчи эдим. Костя тўхтатди. Чунки ракета ташлаган душман учувчисининг нишонга олган ерлари ўққа тутилиши табиий эди. Кўп ўтмай, дўстимнинг хаёлидан ўтган фикр тасдиқланди. Душманнинг миномёт ва замбараклари тилга кириб, жанг майдонини даҳшатга сола бошлади. Чинқириб учаётган мина ва снарядлар бетараф майдоннинг ғарбий қисмига тушиб ёриларди. Боя биз ўтирган окоп атрофида бир неча ўнлаб портлаш овозлари ва буталарнинг қарсиллаб синиши ярим соатча давом этди.

Сўнг яна тинчлик ҳукм сура бошлади.

Биз окопимиз томон юрдик. Жар ичидаги сўқмоқ йўл бирпаснини ичидаёқ ғўристон сатҳга ўхшаб уйдим-чуқур бўлиб қолибди. Синган буталарнинг шохлари сўқмоққа кўндаланг тушиб ётарди. Юриш қийинлашар, биз эса тобора илгарилаб борардик.

Окопимизга етиб келиб, икковимиз ҳам ҳайратдан ёқамизни ушлаб қолдик. Чунки окопимиз ўрнида каттагина ҳовуз пайдо бўлиб, унинг ғарбий қирғоғи жарликка туташиб кетган эди. Афтидан, парашютсимон ракета ташлаган душман учувчиси окоплардан хавотирланган бўлса керак. Костя иккимиз қулайроқ жой топиб кузатишга киришдик. Жар ичидаги қулаб ётган буталар ҳалок бўлган жангчиларни, портлашдан ҳосил бўлган чуқурлар эса улар учун тайёрланган қабрларни эслатарди. Дафъатан димоғимга қон ҳиди урилгандек бўлиб, тиззаларимда билинар-билинемас титроқ пайдо бўлаётгандай туюлди. Костя менга бетараф майдоннинг текислик қисмини топшириб, ўзи жарликни кузата бошлади. У мандан илгари фронтга келган, менга нисба-

тан жангда кўзи пишган уста разведкачи ҳисобланарди. Бунга ўзим ҳам бир неча бор иқроор бўлганман. Разведкамиз даврида унинг бутун вужуди кўз ва қулоққа айланиб кетади шекилли. Мен эшитмаган нарсани у дарров пайқар ва тезда бирор чора топиб, ҳужумга ўтар эди. Хуллас, у билан уюштирилган разведкамиз фақат ғалаба билан тугарди.

Мен ўзимга бириктирилган майдонни синчиклаб кузатганимдан сўнг душман томондан кўзимни узмай, беихтиёр хаёлга толибман. Бир пайт душман томондан бир бедананинг сайрагани эшитилди. Бедана сайроғини жуда яхши кўраман. Уйимизда ҳамиша беш-ўнта сайратма бўларди-да. О-о, мазал.. Костянинг елкасига туртиб: «Уни қара-я, ўта тез экан. Қани энди тинчлик даври бўлганда ҳозироқ тутиб олардим», деб қулоғига шивирладим. У жавоб бермади. Кўзини жарликдан узмай, шохларни, тарвақайлаб ётган ҳар бир бутани, ўсиқ ўт-ўланларни синчиклаб кузатарди.

Шу вақтда осмонни ларзага солганча бир неча оғир бомбардимончи самолётларимиз бетараф осмон устидан учиб ўтиб, душманнинг орқа томонига йўл олди. Немислар худди ухлаб қолгандек самолётларимизга эътибор беришмади. Душман чизигидан бирорта ўқ овози чиқмагач, Зотов менга ўгирилиб: «Беданани унут! Ҳушёр бўл, жангда эканлигини унутма. Жанговар постдасан-а! Секундни бой бердингми — тамом, мағлубиятга учрайсан. Душманнинг макрини сезаётган бўлсанг керак», деди.

— Ҳа,— дея яна боягидек пичирлаб жавоб бердим. Бир оздан кейин душман чизигининг шарқий қанотида ғовур-ғувур тўполон бошланди. Кейин отишмалар... Бир-иккита мина ҳам ёрилди.

Костя бирдан елкамга туртиб ўзига қаратди-да: «Шайлан, бедана тутадиганга ўхшаймиз. Эҳтиёт бўласан, акс ҳолда у сени тутиб олади», деди.

Шу пайтда душман томондаги жарлик ичида тошга урилган ниманингдир бўғиқ овози қулоғимга чалинди. Ҳуркиб кетган икки бедана пириллаганча учиб жарликнинг у томонига ўтиб кетди. Зотов чап қўлини елкамга ташлаб: «Овимиз бекорга кетмайдиганга ўхшайди», дея шивирлади.

Икковимиз ҳам бугалар орасига беркиниб олдик. Кўп ўтмай, душман разведкачилари кўзга чалинди. Улар эҳтиёт бўлиб қадам ташлашарди. Костя қоронғилик ичида шарпадек келаётган разведкачиларнинг нечта эканини пайқабди шекилли, учта бармоғимни ушлаб қўйди. Дарҳақиқат, улар учта экан. Олдингиси бўйдор, кенг яғринли бўлиб, автоматини жанговар ҳолатда ушлаб келмоқда. Душман разведкачилари уйдим-чуқур сўқмоқ йўлдан яқинлашиб келиб, бизга беш метрча қолганда тўхтадилар. Даҳшатли олишувни сезиб, юрагим гупиллаб кетди, тиззамнинг титроғи кучайгандек бўлди. Бу нимаси, қўрқув аломатими?! Наҳотки қўрқаётган бўлсам?..

Ё ҳаёт, ё ўлим жанги яқинлашмоқда. Гулларга бурканган гўзал Фарғонам, ота-онам, ака-укаларим... Ҳамма-ҳаммаси кино лентасидек кўзим олдидан ўта бошлади. Улар: «Ҳушёр бўл, ёлғиз эмассан, мададқоринг мана биз бор», деб огоҳлантиришаётгандек бўлишарди. Шунда, фақат иродани қўлга олиб, фурсатдан тўғри фойдалана олсам бас, деган фикр хаёлимдан кечди. Бояги бўйдор бошлиқ жарликка ташлаб кетган чуқурлик ва унинг атрофларига разведкачиларга хос зийраклик билан кўз гууртириб чиқди. Йўлнинг хавфсизлигига ишонч ҳосил қилгач, шерикларини илгари бошлади. Шу вақт душман томонига ўтиб кетган бояги бомбардимончи самолётларимизнинг овози эшитилди.

Разведкачилар эҳтиёткорона юришда давом этишарди. Уччовлари

худди соқов кишилардек бир-бирлари билан гаплашмас, керак бўлиб қолганда имо-ишоралар билан бир-бирларининг фикрини тезда тушунишарди.

Разведкачилар бошлиғи менинг рўпарамдан икки қадам ўтди. Унинг ўрнини иккинчиси, кейин учинчиси эгаллади. Учиб келаётган самолётларимизнинг қудратли овози қўл келиб қолди. Фурсаддан фойдаланиб, буталар орасидан секингина сирғалиб чиқдик. Самолёт моторларининг бир текисда гувиллаши шох-шаббаларнинг шитирлашини босиб кетди. Шу сабабли разведкачилар бизни сезишмади. Костя турган еридан мушукдек сапчиб, иккинчи разведкачининг устига тушди. Шу пайт мен учинчи разведкачини йиқитиб, томоғидан бўғдим. Костя иккинчи разведкачининг биқинига ханжар уриб, биринчисига қарши отланди. Разведкачилар бошлиғи дафъатан берилган ҳужумдан эсанкираб, орқасига ўгирилиши биланоқ Костянинг автомат кўндоғдан зарб еди, лекин йиқилмади. Бўйига яраша кучи ҳам бор экан, Костянинг зарбасидан бир оз гандираклаб, ўзини тутиб олгач, қарши ҳужумга ўтди. Икки разведкачи бир-бирлари билан олишиб, қулаб ётган бута устига ағдарилди. Қарасам, аҳвол чатоқ. Тагимдаги чала ўлик душманнинг бўғизидан қўлимни олиб, Костя томон югурдим. Шоҳлар орасида икки разведкачи бир-бирининг бўғзига чанг солганча олишарди. Костяга кўзим тушдию жон-жаҳдим билан душманнинг бошига тепдим... Бир оздан кейин Костя ўзига келди. Разведкачилар бошлиғини ҳайдаб кетдик. Тушга яқин полк командири икковимизни ҳузурига чақириб табриклади. Кейин билсак, ўша кеча соат уч яримда танк қўшинларининг дивизия командири генерал Кузмин жарнинг у томонидаги тош йўлдан ўтиши керак экан. Немис разведкачилари генерални қўлга тушириб олиб қочишлари керак экан. Орадан уч кун ўтгач, генерал Кузминдан табрикнома олдик.

Биз учала собиқ жангчи дўстларнинг суҳбатимиз тонггача давом этди. Ушандан буён орадан кўп йиллар ўтиб кетди. Узимнинг жанговар йилларимни эсласам, негадир дўстимнинг тунги олишув ҳақидаги хотираси бот-бот ёдимга тушади...



# ОТА

## Бурчи

Узоқ йиллик қадрдонимнинг уйидаман. Шинам ясатилган хонада Асқарали икковимиз чойхўрлик қилиб ўтирибмиз. Суҳбатимиз корхона ишлари устида борарди. Асқарали билан бир корхонада йигирма йилдан кўпроқ бирга ишлашиб, қадрдонгина эмас, ҳатто туғишгандек бўлиб кетганмиз. У қўли гул ишчи. Аслида у чилангар-водопроводчи эди. Қайси бир техника билим юртида ўқиб, шу касбнинг мутахассиси бўлиб корхонага келган. Асқарали ўзининг касби билан чекланиб қолмай, иш даврида бошқа ҳунарларга ҳам қўл уравергани туфайли «универсал» ишчига айланиб кетган. Корхонада монтажлардан бирими, токарни ёки машиналарни созловчи устами ишга чиқмай қолса, каттаконлар доимо Асқаралини чақириб илтимос қилишар эди. Асқарали



эса бўйин товламай зарур ерга борардию ишни юргизиб юборарди. Шу туфайли уни фақат корхона маъмуриятигина эмас, барча ишчилар ҳам жуда ҳурмат қилишарди.

Эсимда 1960 йил эди, ўша даврда барча корхоналарда ихтирочилик таклифларини кенг йўлга қўйиш авж олиб кетди. Бизнинг корхонамизда ҳам янгиликлар излаб топиш қизғин тус олди. Бош инженер раҳбарлигида ташкил этилган ихтирочилик комитети янги техникани текшириб кўрарди. Қелтирилаётган иқтисодий фойда ёки ишчилар кучини энгиллаштириш, вақтни тежаш, маҳсулот сифатини яхшилаш каби фойдали томонларни ҳисоблаб чиқиб, мукофотлар белгилашар эди.

Асқарали ўша кезларда анча-мунча янгиликлар кашф этган ишчилардан бири бўлиб қолганди. Лекин кишининг қўли ҳар гал баланд келиб омади чопавермас экан. Бир гал у қаттиқ қаршиликка дуч келгани ёдимда. Ҳозир у ўшанда тушқунликка тушиб юрган кезларини эслаб, менга ҳикоя қилиб бермоқда. Унинг бу воқеани эсга олишига тўрдаги бурчакда турган телевизор сабабчи бўлди. Телевизор боятдан бери болалар учун фильм кўрсатаётган эди. Фильм концерт бошланди. Экранда Асқаралининг театр институтини тугатиб, санъаткор бўлиб кетган Муборак исмли қизи кўринди. У «Шаҳло» куйига шунчакам рақсга тушардики, гапириб беришга тил ожизлик қилади. Асқарали икковимиз кўзимизни экранга қадаганча маҳлиё бўлиб қолдик. Муборак раққосалик санъатини бекаму-кўст ўрнига қўйиб рақсга тушарди. Гўёки, экран саҳнасида Асқаралининг қизи эмас, афсонавий фаришта қанот қоқаётгандек туюлиб кетди менга. Рақс сирларини мукамал ўзлаштириб олган қиз саҳнага файз киритиб ўйнаётганини кўриб беҳосдан: «Отангга раҳмат!» деб юбордим.

Ҳа, Асқаралининг қизи шунчаки раққоса эмас, туғма истеъдодли эгаси эканлиги унинг ҳар бир ҳаракатидан шундоққина сезилиб турарди. Гўё музыка ҳам Муборакнинг санъатига итоат этаётгандек эди...

Бир пайт музыка тугади. Муборак ним таъзим қилиб, кўздан ғойиб бўлди.

— Кимлигини пайқадингизми?— деб даъфатан сўраб қолди Асқарали.

— Қариб кўздан қолди деяпсизми? Ахир, бу қизимиз Муборак-ку!

— Ҳа, Муборак у,— дея давом этди Асқарали.— Ундаги бу талант ҳали ёшлигидаёқ, яъни айтмоқчиманки, нонни «нанна» деб, йиғлаб ошини ичадиган ёшиндан бизга маълум бўлганди. Агар хотирамдан кўтарилмаган бўлса, тўрт-беш ёшларда эди ўшанда у. Мен ишдан ҳориб қайтиб ёнбошлаб ётган эдим. Телевизорда қанақадир куй таралаётган эди. Муборак завқдан тўлиб-тошиб бир четда ўйинга тушаётган экан. Чарчоқнинг зўриданми ёки хаёл эртанги ишлар тўғрисидаги режаларга олиб кетдими — билмадим, Муборак ўйинга тушаётганини пайқамаган эканман. Югуриб келиб бўйнимга осилди.

— Ада, ада, ўйнаганимни кўрдингизми? Яхши ўйнадимми?— деб қувонч билан сўради.

Нохуш ҳайрон бўлиб:

— Қачон ўйнадинг, қизим, кўрмапман?— дедим.

— Ҳозир ўйнадим-ку, нега қарамадиз?— деди у ўксиниб.

— Хаёлим бошқа ерда эди, қизим,— дедим.

Муборак бўйнимдан қўлини тортиб олиб, тескари қаради. Мен унга эътибор бермай, корхонада рўй берган машмашаларни фикран хаёлимдан ўтказишда давом этавердим. Бир маҳал қулоғимга Муборакнинг пиқ-пиқ йиғиси эшитилгандек бўлди. Шу заҳотиёқ хаёлим бузилиб кетди. Қизимни бағримга олиб, кўз ёшларини рўмолчамга арта туриб сўрадим:

— Ким сени хафа қилди? Нега йиғлаяпсан?

Ажабо, жуда қизиқ жавоб олдим!

— Сиз, сиз хафа қилдингиз!..— деди у.

Қизимнинг ушбу жавоби мени ўйлантириб қўйди. Оилада мен каттаман, яъни бошман. Фарзандларимнинг келажагига жавобгарман. Уларнинг ҳавасларига, иштиёқларига эътибор бериб бориш бурчим эмасми? Қорхонада эса директор ҳамда бош инженер... Улар менинг охирги ихтиройимга эътибор бермай қўйганлари учун қанчалар эзилиб, охир-оқибат ҳаммасини енгиб чиқдим, негаки, ихтиройим корхонага катта иқтисодий фойда келтиришига уларнинг ўзлари ҳам ишондилар.

Хўш, энди бу мурғаккина Муборакка келсак, у нима қилиши керак? Ота бўлиб унинг ҳаракатларига эътибор бермасам, куртак отаётган орзуларига бефарқ қарасам; мен ўша бошлиқларга ўхшаб ҳеч нарса-нинг фарқига бормайдиган бир одам бўлиб қолмадиммикан?..

Шундан кейин қизимнинг орзу ҳаваслари тўғрисида кўпроқ бош қотиришни дилимдан ўтказдим. Шу вақтга қадар ўз орзу ва умидларимни ўйлаб, фарзандларим билан ишим бўлмай, асосий бурчимни унутиб қўйган эканман. Қизимнинг тескари қараб, ўксиниб йиғлашлари менга шу сабоқни берди.

Уша кундан бошлаб қизчамизнинг орзусига эр-хотин қанот бўлдик. Қизимиздаги санъатга бўлган иштиёқ кун сайин ўсиб авж олди. Мактабдаги бадний ҳаваскорлар тўғарагида қатнашди, кейин институтга ўқишга кирди. Мана энди устозлар тарбиясида вояга етиб, халқимиз санъатини саҳнада намоиш қилувчилар сафидан ўрин олди. Қизимнинг орзулари бекаму кўст ушалишида ота сифатида ўзимнинг ҳам ҳиссам борлигидан фахрланаман, севинаман...

Қуёш ботиб, тун чойшаби борлиқни чулғай бошлади. Ўрнимдан аста турарканман:

— Қани энди, бошқа оталар ҳам сиз сингари тўғри тушуниб, фарзандлари орзусининг ушалишига астойдил ҳисса қўшсалар...— деб, дўстимга миннатдорчилик билдириб хайрлашдим.

Тўхташ Ашуров



### ҲИКОЯ

**Ш**авони кесиб, қанотларини қоқиб келган олақарга терак шо-  
хига қўнди. Бир ҳовуч қор уюми дувиллаб ерга тушди.  
Қаҳратон қиш кезлари. Гап-гаштак, тўй-маросим авж олган. Уч  
кундирки, тонгдан шоми ғарибонгача Хўжаобод қишлоғини карнай-  
сурнай овози тутади. Бугун, тонг ёришмасдан, кўчаларни от туёқлари-  
нинг дупур-дупури босиб кетди: сувсар телпак кийган, баъзилари шоҳи  
белбоғ билан пешоналарини танғиган йигитлар эгар устида қия ўти-  
риб отларини йўрғалатиб борарди. Отлар оғзидан чиққан ҳовур худ-  
ди булут парчасини эслатади...

Отлиқлар Оқ мачит қири томон оқиб борарди. Бу ерда катта бе-  
дапоя бор. Матҳолиқбой ўғлини уйлантиряпти. Бугун у улоқ беряпти.  
Олдиндан узоқ-яқинга хабар қилинганидан олис вилоятлардан ҳам  
улоқчилар келишяпти. Катта совринлар ажратилган.

Бедапояда тумонат одам. Қишлоқнинг каттадан-кичиги шу ерга  
кўчиб чиққан. Қимматбаҳо чакмон, тўн кийган улоқчилар ўртада от-  
ларини совитиб, кўз-кўз қилиб юришибди. Улар сафига шу қишлоқлик  
Дўстали ҳам келиб қўшилди. Унинг остида оқ от, эгнида малла бўз тўн,  
бели чилвир билан боғланган, бошида эски қулоқчин. Оқ от, қўйиб  
берса, кўкга учаман деб турибди. Отга ҳамманинг ҳаваси келади. Дўс-  
тали улоқчилар тўдасига қўшилганда, оломон денгиздек бир чайқалиб  
тин олди. Одамлар орасида шивир-шивир бошланди:

— Улоқни, албатта, Дўстали олади.

— Ҳа.

— Оти омон бўлса, бўш келмайди, азамат.

— Уни бир бойга юзта отга алмаштирмаганмиш...

Йиғилганлар улоқ бошланишини бетоқат кутишарди.

Бедапоянинг бош томонига иккита сўри бирлаштирилиб қўйилган.  
Унда пўстинларига ўралишиб қишлоқнинг казо-казолари ўтиришибди.  
Ниҳоят, улар улоқни бошлашга фотиҳа беришди.

Отларнинг дупур-дупури, одамларнинг қийқириқлари далани ларзага келтирди.

— Дўстали, бўш келма! Қўймайсан, Дўстали!— бақириб-чақирарди оломон.

Унинг оқ оти мисоли қанот боғлагандек учади. Тўдага ўзини уради, ёриб, улоққа интилади. Дўстали уни эгарга ўнгариши билан от учиб кетади.

Атрофдан:

— Яша, Дўстали!— деган қийқириқлар эшитилади.

Дўстали улоқни учинчи марта оқсоқолларнинг оёғи остига келтириб ташлади. Улар қовоқларини уюб, ўлганининг кунидан соврин уза тишди.

— Бўлди, бас қил, Дўстали, бошқалар ҳам умид билан келишган,— деди бойлардан бири.

Улоқ яна ўртага ташланди. Оқ от ҳамон тўдага интилади. Бойнинг гапи оғир ботган бўлса-да, Дўстали кўнглига олмади. «Нима, мен соврин учун улоқ чопаяпманми? Депсиниб тўдага интилиб турган отнинг жоловини бўшатди. Оқ от юзлаб отлар тўдасини ёриб, яна улоққа ташланди. Ана, улоққа яқин қолди. Дўстали улоқни оламан деб энди энгашганида, чап тиззаси жиз этди. От олдинги икки оёғини кўтариб, наъра тортиб юборди. У ёнидаги бир тулки телпакли бойвачча отга пичоқ урганини пайқаб қолди. Пичоқ отнинг қаптолини тилиб ўтиб, Дўсталининг чап тиззасига тақалган эди.

Бойвачча қочди. Дўстали уни зумда қувиб етди. Елкасига қамчи туширди:

— Номард!

Тўс-тўполон бўлиб кетди. Қазо-казолар, улоқ ололмайд армонда қолганлар бойвачча тарафини олишди. Оломон ларзага келди: «Ҳеч бўлмаса улоқда ҳақиқат бўлсин!»— деб гулдиради.

Дўсталининг бир-икки яқинлари ўртага тушди.

— Қўй, Дўстали, булар билан тенг бўлиб нима обрў топардинг. Уйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан,— дейишди улар.

Отнинг қаптолидан оқаётган қон товонига сизиб тушди. Дўсталининг улоққа келгани ҳам бурнидан чиқди. Отига юраги ачиди. Ахир унинг шу отдан бошқа суянадиган, дардлашадиган нимаси бор?

У уйга дилтанг қайтди. «Номард, отда нима айб? Диёнати йўқ одам шунақа ҳиёнат қилади. Бу бойларда ор-номус, гурур ҳам йўқ. Бўлмаса, ҳамқишлоқлари ютса, мағрурланишмайдими?»

Отдан кўп қон кетганди. У бўшашиб қолди. Дўсталининг кўзига от бир зумда озиб-тўзиб кетгандек кўринди. Дўстали ҳар куни бир дўппи ўрик данагини қўрга кўмиб, чақиб, мағзини тошга суриб, ёғини чиқариб, уни отнинг ярасига сураверди. Жароҳати бита бориб, сағрилари яна йилтиллаб, олдинги ҳолатига кела бошлади. Илк баҳор. Даррахтлар энди куртак ёза бошлаган пайт. Наврўз байрами муносабати билан қишлоқда катта пойга бўлармиш, пойгада қатнашсамми-йўқми, деб ўйланаётган Дўстали бостирма остида турган отига бир қараб қўйди. Отга меҳр-муҳаббати уни Оқ мачит томон ундарди. Мабодо пойгада қатнашмаса, оти камситилгандек бўларди.

Отини силаб-сийпалади. Бошини унинг бўйнига қўйди. У билан пинҳона гаплашгандек бўлди. Устига эгар урилганда, от гўё севинганидан депсиниб қўйди. Дўстали миниши билан у қишлоқ кўчаларидан йўрғалаб, эгасининг мақсадини пайқагандек Оқ мачит томон елиб кетди.

Пойга бошланишига оз қолди. Уттиздан ортиқ от саф тортиб турибди. Мана, чопишга рухсат берилди. Отлар ўмровларини чиқариб

олдинга интилишди. Улар жон-жаҳдлари билан бир-бирларини қувиб ўтиш пайида бўлишарди. Чавандозлар отларнинг бўйинларига ёпишиб олишганга ўхшайди. Баъзилари жиловни бўшагиб, отларни ўз ҳолига қўйишган, баъзилари шошиб отни қамчилайди; яна бирлари жиловни сал тортиб боришарди. Отлар ҳансирайди. Гоҳ у, гоҳ бу чавандоз бир-бирини қувиб ўтади. Дўстали ўртада от тизгинини тортиб боряпти. Оқ от гўё эгасининг бу қилмишидан норози. Нега ўз ихтиёрига қўйиб бермайди. Ҳаммасини ортда қолдириб кетган бўларди-я! Қанақалигини бошқаларга бир кўрсатиб қўярди. Нега ундай қилади?

Олдинги қаторга тўрт отлиқ ўтди. Улар хавфсираб орқага қараб қўйишди. Оқ от учаман деб турибди. Аммо жилови тортилган. Дўстали бундоқ қараса, оқ шоҳидан ятак кийган бир йигит тўриқ отини оқ отга ёндаштириб келяпти. Таниди: Миркомилбойнинг ўғли Миробид бойвачча!

— Дўстали ака, ҳой Дўстали ака,— деди у ҳансираб.

— Лаббай, бойвачча.

— Агар менга йўл берсангиз, юзта олтин танга бераман, бермаган номард.

Дўсталининг бошидан биров бир челақ муздек сув қуйиб юборгандай бўлди. Узини аранг босди. «Вой, бойвачча тушмагур-ей, пойгада ҳам оти қолиб пулига ишонади-я. Назаримда, у ҳозир ҳам от эмас, пулни миниб чопаяпман, деб ўйлаётган бўлса керак. Улар сувга чўкаётганда ҳам ҳойнаҳой, пулга осилишса, ажабмас». Дўстали индамади. Отнинг жиловини бўшатди. Ихтиёри ўзига берилган от учиб кетди. Ҳадемай яна олдинга ўтиб олди. Атрофдан:

— Яша! Қўймайсан, Дўстали!— деган овозлар эшитилди.

Оқ от бошқаларни анча орқада қолдириб кетди. Ана, у маррани босиб ўтди. Ундан кейин яна бир йигит. Учинчи бўлиб Миробид етиб келди.

Миробид отдан тушибоқ, дандон сопли пичоғини қинидан шартта суғурди. Одамлар бир зум ҳайратда қолди. У отига устма-уст пичоқ санчди. От олдинги икки оёғини осмонга кўтарганча кишнаб юборди, сўнг сакраб-сапчиб, пишқириб йиқилди. Ярасидан отилиб қон чиқарди. Бойвачча ғазаб билан оломон орасини ёриб чиқаркан, ҳамма унга чўчиб йўл бўшатарди. Миробиднинг ранги ўчган, дир-дир титрарди. У қўрқиб кетган отасига рўпара келиб, ҳаммасига у айбдордек, унга захрини сочиб:

— Кимсан Миркомилбой бўлатуриб, бир ялангоёқчалик отимиз бўлмаса... Э!..— дедию қўл силтаб чиқиб кетди.

Отаси унинг кетидан мулзам тикилиб, нимадир деб ғудранди. Дўстали қараса, соврин берадиганларнинг қовоғидан қор ёғяпти. Уларнинг бири кесатиб:

— Бир марта қолиб берсанг нима қиларди, Дўстали, яхшимас...— деди. Пойгани ҳар қандай ғирромликдан холи билган Дўсталининг зардаси қайнаб, совринни ҳам олмай, даврадан чиқиб кетди...

Кечки пайт. Дўстали уйи олдида, супадаги пўстакда минг бир ямоқ қуроқ болишга ёнбошлаб ўтирибди. Ичига чироқ ёқса ёришмайди. Чуқур хаёлга чўмган.

Бир вақт қийшиқ дарвоза «ғийқ» этиб очилгандек бўлди. Дўсталининг хаёли бўлинди. Эринибгина ўша томонга қайрилди. Қаради-ю, ўрнидан туриб кетди. Ҳовлига кимхоб чопон кийган Миркомилбой кириб келарди. Унгими, тушими?! Наҳотки, унинг уйига Миркомилбой кирса? У турган ерида қўлларини қовуштириб, каловланиб қолди. Миркомилбой унинг рўпарасига келди.

— Қадамларига ҳасанот, келсинлар, тақсир,— деди Дўстали атрофга олазарак боқаркан. У шу дамда бойнинг остига солгани дуруст-

роқ нарса қидирди-ю, тополмади. Пўстакка ўтиринг дейиш яна ноқулай. У устидаги тўнини ечиб супага солди.

— Марҳамат, ўтиринг, бой ота. Айбга буюрмайсиз...

Бой омонат ўтирди. У кулиб турарди. Бу пайт Дўсталининг қай аҳволга тушганини фақат ўзи билади.

— Ўзинг ҳам ўтир,— деди бой ҳамон қўл қовуштириб турган Дўсталига мийиғида кулиб.

Дўстали бойнинг қаршисига омонат чўккалади. Бой юзига фотиҳа тортди:

— Омин, биз келдик, бало келмасин. Гап бундай, Дўстали. Кўп марта катта-кичикни ўртага қўйдим, кўнмадинг. Мана, катта бошимни кичик қилиб ўзим келдим. Бугунги аҳволни ўзинг кўрдинг. Отингни бермасанг бўлмайди. Биламан, унинг хуштори кўп. Ўзинг ҳам яхши кўрасан. Бошқа иложи йўқ. Елғиз ўғлим, от жинниси. Майлига, ўрнига отларимдан йигирматасини ўзинг танлаб ол.

Дўстали жимиб қолди. Шу дамда дарёга чўкиб кетаётгандек нафаси қисарди.

— Хўпми, розимисан, Дўстали?— унга ўткир кўзларини тикди бой.

Дўстали отига бир қаради-ю, дадиллашди:

— Мени кечиринг, бой ота. Киши ўз фарзанди ё қадрдон дўстини бировнинг йигирмата эмас, юзлаб фарзанди ёки дўстига алмаштирадим? Ҳеч қачон! Менинг бор-йўғим шу. Шу билан овуниб юрибман.

Бойнинг қовоқлари осилди, қошлари чимирилди.

— Намунча махтадинг. Боши осмонга етса ҳам, бир ҳайвонда бу!...

— Кечиринг, бой ота. Мен бу таклифингизга кўнолмайман. Кечиринг...

Бойнинг кўзлари олайди. Қошлари кетма-кет учди. Ўрнидан туриб, этагини зарда билан қоқди. Чиқиб кетар экан, бостирма тагида қулоқларини динг қилиб турган отга бир назар ташлади ва:

— Энди ўзингдан кўр, яхши гапга кўнмадинг. Нокасинг нимаси бор — темир тароғи, деб шуни айтадилар-да!— деди.

Эртасига тонгда Хўжаобод қишлоғи бўйлаб бойўғли овозидек нохуш хабар тарқалди. Тунда кимдир Дўсталини чавақлаб кетибди. Оқ от йўқолган эмиш. Қишлоқнинг каттадан кичиги қотилни қарғади. Ҳамқишлоқлари Дўсталининг тобутини қабристонгача елкама-елка кўтариб боришди. Жасадни лаҳадга қўйиб, устига тупроқ тортган ҳам эдики, ғайри табиий кишнаб, оқ от қабристонга чопиб келди. Уни ҳамма таниди. Бу ўша — Дўсталининг оти. У қаердандир тизгинини узиб қочиб келганди. От қабр атрофини гир айланди. Қабр тупроғини ҳидлади. Бош томондаги тупроқни туёғи билан аста титди. Ҳамма ҳайратда: от йиғларди. Ҳа, от йиғларди. Ноҳақлик, айрилиқ тилсиз ҳайвонни ҳам хун-хун йиғлатаркан. Отга ачинмаган, унга раҳми келмаган одам қолмади. Одамлар қабристондан қўзғолганда, от ўрнидан турди. Одамларни бир-бир ҳидлади. Қайтиб келиб, яна қабр тупроғини ҳидлади. Қулоқларини чимирди. Кейин худди қутургандек кишнаб-кишнаб қабристондан қаёққадир чопиб кетди...

...Эртасига одамлар яна қабристонга тобут кўтариб келишди. Тобут устига гилам, кимхоб чопон ёпилган. Тобутда Миркомилбойнинг ёлғиз ўғли Миробид ётарди. Уни оқ от олиб қочиб, ўлдирганмиш. Бойваччани дафн қилаётган вақтда қабристонда яна оқ от пайдо бўлди. Бу сафар у одамларга парво ҳам қилмади. Унинг ёнига боришга ҳеч кимнинг юраги дов ҳам бермади. От Дўсталининг қабрини ҳидлаб-ҳидлаб, бошини эганича жим турарди. Одамлар қабристондан чиқиб кетишганда ҳам оқ от ўрнидан қўзғалмади...

Андижон.



Андрей Дементьев

# Замандашлар Кўни

Б. Н. Полевойга

— Ҳамшира, сен нега йиғладинг?  
Унут энди комбатни, ётар!..  
— Ҳа, ҳа, ётар, балки, билмадим.—  
Ва айбдордек табассум ётар.

Завқланиб ҳам ғам чекиб нигун,  
полкдош дўстлар устивор, ғолиб,  
ўтирарди кафедра бугун  
ўз ёдининг меҳмони бўлиб.

Бир чеккада улар бешовқин,  
юз ўгириб жами нарсдан,  
жанг-жадалда айтган қўшиғин  
куйлашарди даст овоз билан.

Сўнгра туриб, стаканларда  
ичишади жимгина, беун,  
Россияда, бошқа юртларда  
ҳалок бўлган жангчилар учун.

Ёнларида қиларди байрам,  
фахр этиб ҳам ғам чекиб бари,  
уруш нима — асло кўрмаган  
ўғли ёки набиралари.

Шунда кимдир илтижо ётар,  
даст овоз-ла айбдордек нигун:

— Хув бурчакка қаранг —  
жангчилар!  
Кўтарайлик, жангчилар учун!..

Сакраб туриб ўрнидан бари  
ўша стол қошига борар —  
жангчилар ҳам ўз қадаҳларин  
чўқиштирар чин қалбдан такрор.

Сўнгра жуфт-жуфт бўлишиб, улар  
ўзни бунда ҳукмрон сезиб,  
«барыня»га тушар меҳмонлар,  
ва ўйин ҳам кетади қизиб.

Ҳамширани кимдир ногаҳон  
давра томон бошларкан шу дам,  
гурсиллайди беҳудуд завқдан  
оёқлари остида пол ҳам.

Ҳамшира-чи, бир зум жим туриб,—  
қизишаркан йигит тобора,—  
йигирма беш ёшга яшариб,  
сузиб кетар издиҳом аро.

Унга шундай туюлар бирдан,  
қаердадир учрашган улар:  
ё қуршовдан чиқишган бирга,  
ўша қаро, даҳшатли кунлар

ё опичлаб уни мардона,  
олиб чиққан жанг майдонидан.  
Бироқ йигит тамом бегона  
ва ёш эди икки бор ундан...

Ҳамма нарса кетди қоришиб,  
Кексалик ҳам, ёшлик ҳам шу чоғ.  
Ҳамширанинг кўнгли ёришиб,  
завқига ҳеч йўқ эди адоғ.

Тинмас собиқ жангчилар рақси,  
дуч келишиб йўлда ногаҳон  
етмишинчи йилнинг бўлғувси —  
солдатлари — болалар билан.

Рақс тушаркан, уруш ҳам гўё  
тинган эди шу дам, шу муддат.  
Дунё узра бир лаҳзагина  
ҳоким эди гўё сукунат.

## Эски Қрим

*Маринага*

Грин уйи ёпиқ — қулф турар:  
бемаҳалда келдик ҳойнаҳой.  
Яшил ҳилқат ичра қарғалар  
неларнидир қағиллар тинмай.

Грин уйи соқитдир бу дам,  
хаёл асир этади мени.  
Кўргандайин бўлдим ойнадан  
унинг маъюс табассумини.

Бўлмас унинг ёнига ўтиб,  
қўриқлашар биздан Гринни.  
Гўё девор турар эслатиб,  
бундан қирқ йил бурунги кунни...

Яхшиларга минг раҳматки, бас,  
эшикдан қулф олинди охир!

Уни севган ёлғиз биз эмас,  
у, деб ҳамон ўртарлар бағир.

Пастаккина уйга кирамиз,  
қашшоқлик ва сукутдан хира —  
ёдгорликдай турибди ҳануз  
шамлар тўзган қоғозлар узра.

Барчасида — тарих, цитата,  
бирортасин ўзгартмоқ — душвор!  
Унинг ўлмас руҳи олдида  
ҳаммамиз ҳам эдик гуноҳдор!

Чунки жуда кам яшади у,  
чунки жуда яшади қашшоқ.  
Чунки, дўстлар, ўша ол елкан  
ташланмасди кўзларга ҳар чоқ.

## Лермонтовнинг бувиси

Елизавета Алексеевна Арсенева  
ҳасратида куйди набирасининг...

Машъум тўрт йил  
кўксин чок этиб,  
юрагини ёндирди унинг.

Миша учун қанча қилди ибодат!  
Набирага берди бутун меҳрини.  
Лекин худо унга қилмади шафқат,  
эшитмади оҳу зорини.

Спасни хонадан қўяркан олиб,  
оллоҳдан у буткул эди норизо.  
Қалби Машуқ узра оҳ-фарёд солиб,  
деди: «Сақлолмадинг нечун, эй худо?!»

Кўксида қўрғошин, оғир тобутда  
Лермонтов уйига қайтди сўнгги бор.



Ғамдийда Россия қишлоқларида  
тун бўйи тинмасдан ёғиб чиқди қор.

Хотинлар ув тортиб, тўқдилар кўз ёш.  
Кутгани чиқаркан тоқ бўлиб тоқат,  
шу асно ўзига тилади бардош:  
«Худойим, тўзим бер, дод солмай  
фақат!!»

Неча йил йироқда яшаркан, дунё  
борлигин банд этиб, эслолмаган у...  
Ва энди холига ачиниб гўё  
бувисин қошига қайтганди мангу.

## Муסיқа

Анатолий Алексинга

Шафқат ҳамшираси ўзинг — мусиқам...  
Тегрангда эҳ қанча мусибатлар бор.  
Майли, ранжимасин ҳеч кимса сендан,  
ҳозир ўйнаб-кулмоқ биз учун душвор.

Бевалар ғамига ўзинг шериксан.  
Иккинчи қаватда яшаркан мискин,  
ўша аёл билан бирга йиғлайсан...  
Шундан сўнг юрагинг топади таскин.

Ўзгалар ғамидан қочмагил, шошма!  
Билмасман, тугарми бу шўриш, ғамлар?  
Одамлар илиқ бир меҳрга ташна,  
одамлар эзгулик истар шу қадар!

Тўкилган қонлар-у, ғамдан бағри хун  
Еримиз ётибди бамисли бемор.  
Муסיқа, сен ўзинг бошида тўргин,  
майлига, қўшигинг эшитсин такрор!

Биламан, қўшиқ-ла ўзгармас дунё,  
қайтадан қурмоқ ҳам эмасдир мумкин.  
Бироқ сен куйлагин... сўнг баҳо берар,  
кейинроқ тушунар қўшигинг Замин!

## Тошкентга мактуб

Бизда ҳануз далада қор кўп.  
Сизда эса тераклар кўм-кўк.

Бизда ҳануз изғирин, совуқ,  
илитмайди офтоб уйимни.  
Шаҳар ҳануз ташлагани йўқ  
ўз устидан иссиқ кийимни.

Бугун бари бошқача сизда —  
токи кўкдан ергача кўклам.  
Ҳар янги уй остонасида  
яшнаб турар зангор кўкалам.

Бизда ҳануз ер ўхшар тошга.  
Сукут ичра ётар ўрмонзор.  
Табассуминг юбор эсдаликка,  
ахир, сиздан бошланар баҳор.

Амирқул ПУЛКАН таржималари.



Пиримқул Қодиров

# НАЖОТ

## АФСОНА-ҲИССА

I

Б аҳор охирида қолаётган кунларда шаҳзода Абусаид қирқ йигити билан овга чиқди. Утлар бўлиқ, лолақизғалдоқлар гулини тўккан. Қирларда пичан ўраётган деҳқонлар сурнай ва ноғора чалиб бораётган отлиқларга қайрилиб қарайдилар. Шунда шаҳзоданинг чинқироқ овозли жарчиси одамларни огоҳлантиради:

— Ҳов, халойиқ, эшитмадим дема, шаҳзода Абусаид ҳазратлари ов қиладиган жойга яқин келма!.. Кимда-ким шаҳзоданинг ов қилишига халақит берса боши балога қолади, моли талонга тушади! Ҳов, тоғлардаги чўпонлар, қирлардаги деҳқонлар! Эшитмадим деманглар!..

Шаҳзода Абусаид ўйноқи чавқар отда атрофига синчиклаб кўз тикади, лекин буталар устига қўниб сайраётган зарғалдоқлар ва осмонда ғужур-ғужур қилаётган тўрғайлардан бошқа бирон жонзот кўринмайди. Шаҳзода ёнидаги йигит оғасига буюрди:

— Жарчини жим қилинг! Ов деб оламга шовқин солади, бу ёқда биронта бедана ҳам учрамайди!

Йигит оға отига қамчи босиб, жарчи томон елиб кетди. Зум ўтмай жарчининг овози ҳам, ноғора ва сурнайлар ҳам жим бўлди.

Шаҳзоданинг авзойи ёмонлигини кўрган йигит оғаси орадаги губорни ҳазил-мутойиба билан тарқатмоқчи бўлди.

— Раҳим гапдон, — деб жиккак навкарга кинояли кўз ташлади. — Бу атрофда тувалоқ кўп деган эдинг, бир ўқ отсанг булутдай ёпирилиб учади, деб бизни ишонтирган эдинг.

— Тувалоқ бўлмаса қирғовул бор, — деди Раҳим жиккак. — Ану

дарёнинг бўйидаги қамишзорга борайлик, кўрасиз, шаҳзодам. Тўқайда қирғовуллар қумурсқадай қайнаб ётибди.

— Қирғовул тўқайда эмас, сенинг оғзингда қайнайди, холос!— деди йигит оғаси.

Бу гапга мулозимлар кулмоқчи бўлишди, лекин шаҳзода Абусайд ҳамон қовоғини очмай жим бормоқда эди, шунинг учун ҳеч ким баралла кулишга журъат этмади.

Чўтир бир мулозим ўзича «ух» тортиб:

— Бу қирларда мен калтакесакдан бошқа нарсани кўрганим йўқ,— деди.— Қалтакесак — бехосият, афти совуқ нарса. Бу ёғи кун кеч бўляпти. Ану тўқайда аждарҳо — илонлар бор эмиш. Ундан кўра қасрга қайта қолайлик, шаҳзодам!

— Ашурваҳима яна дийдиёсини бошлади, — деди йигит оғаси. — Бунинг гапига кирсак, қуруқ қайтамиз. Шаҳзодам, рухсат беринг, мен йигитлардан ўнгасини ёнимга олиб, тўқайни бир оралаб чиқай. Раҳим гапдон айтган қирғовуллар борми, йўқми, бир кўрайлик.

— Аммо сурнай билан ногора бошқа чалинмасин!— буюрди шаҳзода. — Бор ов ҳам шовқинда бекиниб олади.

— Доно гапни айтдингиз, шаҳзодам!— қувониб хитоб қилди Раҳим жиккак.

— Ҳа, агар, — таҳдид билан деди шаҳзода, — тўқайда ҳам ов учрамаса, Раҳим гапдоннинг жазосини бермоқ керак. Оёқ-қўлини боғлаб ташлаб кетамиз, қурт-қумурсқага ем бўлиб ётади.

— Улдийг, Раҳим!— деб шипшиди Ашур. Ранги ваҳимадан оқариб кетган Раҳим гапдон эса тепага қараб илтижо қилди:

— Э, яратган эгам, ўзинг нажот бер!

Йигит оға бошлиқ отличлар қамишларни шалдиратиб тўқайни оралаб кетдилар. Бир вақт дарё суви ялтираб кўринди. Сув бўйидаги ўтлоқдан кулранг-қизғиш рангли бир кийик қочганини йигитлар кўриб қолишди.

— Шаҳзодам!— қичқирди йигит оға.— Кийик бор экан! Дарё томондан келинглари! Тезроқ! Биз бу томондан қувамиз! Тез!

Жажжи шохлари бор, йирик кўзлари тимқора кийик бир тўп қамишларни ёриб ўтди-да, ўтлоқ яйловга қараб қочди. Буни энди шаҳзода ҳам кўрди. Энг учқур от шаҳзоданинг тагида эди. У бошқалардан тезроқ от чоптириб бориб, кийикнинг олдини тўсиб чиқди.

Нариги томон дарё. Орқадан йигит оға бошлиқ отличлар учиб келмоқда. Фақат ўнг ёқдаги қамишзор панароқ эди. Кийик ўзини ўша томонга ташлади.

— Ашур, Раҳим! Қамишзор томондан келинглари!— деб буюрди шаҳзода.

Ун чоғлиқ отлич ўзини қамишзорга уриб, кийикни яна яланг ўтлоққа қочиб чиқишга мажбур қилди. Кийикнинг атрофини отличлар тутиб кетди.

— Шаҳзодам, энди бу кийик биздан қочиб қутулолмайди! Уқ отинг!

Шаҳзода олтин қиличини қинидан суғураб экан:

— Мен буни қилич билан оламан!— деди.

Кийик ўзини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ташлар, лекин отличлар ҳалқасидан чиқиб кетолмай, яна орқага чекинardi.

— Шаҳзодам, қаранг,— деб қичқирди йигит оғаси.— Кийикнинг қулоғида бир нарса йилтираяпти!

Кийик ҳуркиб, сакраб шаҳзода томонга яқинлашганда Раҳим-жиккак ҳам:

— Э, ана, қулоғида сирғаси бор!— деди.— Ёқут кўзли сирға чўғдай ёниб турибди!

— Ё тавба! Кийикнинг ўзи ҳам шундай чиройлики, қонини тўкишга одамнинг қўли бормади!

— Шаҳзодам, бу кийикда бир ҳикмат бор!

— Ҳа, рост, буни тириклай тутмоғимиз керак!— деб шаҳзода Абусаид олтин қиличини қинига қайтариб солди.— Йигитлар, сиртмоқларингни қўлга олинглар! Кийикнинг атрофини ўраб, ҳалқани сиқиб келаверинглар!

От дупури орасидан овчиларнинг:

— Ҳушёр бўл! Ўтказма!

— Сен томонга сакради!

— Сиртмоқни ишлат!— деган хитоблари эшитилиб турарди.

Шунда шаҳзода Абусаид овчиларига яна бир нарсани тайинлади:

— Кимки кийикнинг бўйнига сиртмоқ солса чилвирни қаттиқ тортмасин, бўғиб ўлдириб қўйса жазо олади!

— Бош устига, шаҳзодам!

— Кийикни тирик тутамиз!

Кийик йигит оғаси томонга қараб сакради. Аммо овчилардан беш-ўнтаси унинг йўлини тўсиб чиқишга улгурдилар.

— Билиб қўйинглар!— деди шаҳзода йигитларига.— Енларингдан сакраб ўтиб кетса кейин тутиш маҳол! Агар кимда-ким кийикни ёнидан ўтказиб юборса чолворини ечиб ерга ётқиздираман, думбасига қирқ қамчи урдираман!

Бу гапдан овчи йигитлар янада ҳушёр тортдилар.

Раҳим ваҳима Ашур гапдонга қараб:

— Ўлдинг, Ашур!— деди.— Орамиздан ўтиб кетса!.. Қирқ қамчи-я!

Думбанг тити-пити бўлиб кетади!

— Худо сақласин! Шаҳзодам, биз даврани торайтириб, кийикни сиз томонга суриб бораверамиз. Сиртмоқни ўзингиз ташланг!

Шаҳзода Абусаид эгарининг қошидаги сиртмоқни қўлига олди. Унинг қирқ йигити кийикни шаҳзода томонга суриб келди.

— Ана сакради!..

— Шаҳзодам!..

Кийик шаҳзодага томон дадил сакрар экан, йирик-йирик қора кўзларидан шундай бир сеҳрли олов чақнадики, Абусаид бир лаҳза ўзини йўқотиб қўйди. Сўнг то ҳушини йиғиб, қўлидаги сиртмоқни овининг бўйнига ташлагунича кийик шаҳзода минган отнинг тумшуги тагидан ўқдай отилиб ўтиб кетди.

— Шаҳзодам, сизга не бўлди? Шундай узангингиз олдидан ўтиб кетди-я!

— Кийик мени бир бало қилди!— деди шаҳзода яниб.— Ўзим ўтказиб юбордим-а!

Йигит оға отининг жиловини бўшатар экан:

— Кўплашиб қувлайлик, етамиз!— деди.

— Йўқ, сиз тўхтанг!— деди шаҳзода.— Мен ўзим тутиб келаман!

Ҳеч ким менга эргашмасин! Мен бир ўзим тутиб келмоғим керак! Менинг жазойим шу! Қатъий буйруғим ҳам шу. Ҳеч ким менга эргашмасин!

Шаҳзоданинг буйруғини сўзсиз бажариб ўрганган йигитлар овда қизишиб ўйноқлаётган отларини куч билан тисариб, тўхтатдилар. Шаҳзода Абусаид эса чавқар бедов отига қамчи босиб, узоқда элас-элас кўзга ташланиб қочаётган кийикнинг изига тушди.

Кун кеч бўлиб қолган, офтоб узоқдаги қорли тоғлар ортига оғиб тушиб кетмоқда эди. Кийик ўша тоғ этагидаги қалин ўрмонзорга қараб учиб боряпти. Лекин шаҳзода Абусаиднинг оти ҳам учқур бедовлардан эди, ортда қолган йигитлар шаҳзоданинг кийикка тобора яқинлашиб бораётганини кўриб турардилар.

— Бу ерда аграйиб тургандан кўра, шаҳзоданинг кетидан бора-верайлик, — деди Ашур гапдон.

— «Эргашманглар» деб буйруқ бердилар, — эътироз қилди йигит оғаси. — Сўзини икки қилсанг яна балога қоласан!

— Лекин сиз Қамолхон подшонинг буйруғини ҳам унутманг, бек. Бугун эрталаб подшо ҳазратлари бизга нима деган эдилар? «Елғиз ўғлимни аввал худога, кейин сенларга ишониб топширдим, агар шаҳзодага бирон шикаст етса, ҳаммангни дорга остираман» деган эмасмидилар?

Бу гапдан кейин йигит оғаси ҳамма овчиларни эргаштириб, шаҳзоданинг кетидан от қўйиб кетди ва уни узоқдан кузатиб бора бошлади.

Кийик тоғ этагидаги ўрмонзорга яқинлашганда шаҳзода уни қувиб етай деб қолди. Шу пайт ўнг томонда бир сувсиз жилға кўринди. Кийик ўзини жилғага ташлади. Буни кўрган Ашур ваҳма:

— Об-бо, чатоқ, бўлди-ку! — деди. — Уша томонда одамхўр арслон бор деб эшитган эдим.

— Отга қамчи босинглар! — буюрди йигит оғаси. — Шаҳзодани қутқариб қолмасак ўзимиз ўламиз! Тезроқ!

Ов қизиғи билан хавф-хатарни ҳам унутган ўн олти ёшлик шаҳзода кийик қочган жилғага от сакратиб тушди. Йигитлари яқин борганда шаҳзода кийикка етиб, унинг бўйнига сиртмоқ ташлади.

Шу пайт жилғадаги ўнгир ичидан ваҳимали бир наъра эшитилди. Ўнгирнинг қоронғи пучмоғидан ҳўкиздай катта бир арслон отилиб чиқди-ю, кийикнинг бўйнига илинган сиртмоқни ўткир тиши билан узиб ташлади.

Сиртмоқдан бўшаган кийик бир сакраб жилғанинг нариги ёғидан юқорига чиқди. Жилғанинг бошқа томонида — тепада учта отлиқ кўринди.

Жилға ичида эса шаҳзода Абусаид қилич яланғочлаб, сиртмоқни узган арслонга ҳамла қилди. Чавқар от пишқириб, арслондан ҳуркандай бўлиб, ўзини орқага ташлаган эди, шаҳзода қиличининг орқа томони билан отнинг сағрисиغا уриб «чу-чу!»лади. Қалтак еб ўрганмаган бедов от олдинги оёқларини кўтариб, кишнаб, арслон томонга сакради. Арслон ҳам бўкириб, шаҳзоданинг қаршисидан чиқди. От арслоннинг устидан сакраб ўтаётганда шаҳзода пастга энгашиб, қилич сермади. Ўткир қилич олд оёқларини кўтариб сакраган арслонга қарсиллаб урилди. Арслоннинг ўнг оёғи тиззасидан шартта қирқилиб кетди, тирноқлари ўсиқ улкан панжа ўт-ўланлар орасига чаппа бўлиб тушганини шаҳзода ҳам кўрди.

— Энди бошингни кесаман сен йиртқичнинг! — деб шаҳзода Абусаид отини орқага буриб, яна арслонга яқин кела бошлади.

Уч оёқда чўлоқланиб қолган арслон аввалгидан баттар наъра тортиб, орқага тисарилди, кесилган олд оёғини оғзига яқинлаштирди, қонли ярани тили билан бир-икки ялаган эди, шу заҳоти янги панжа, янги тирсақ ўсиб чиқди.

Тепадаги уч йигитнинг бири:

— Ҳой, шаҳзода, арслоннинг бўйнига уринг! — деб қичқирди. — Бу жодугар арслоннинг жони бўғзида! Бошқа жойи ярадор бўлса тили билан ялаб тузатаверади!

Шаҳзода арслоннинг жодуси борлигини эшитиб, саросимага тушиб қолди. Лекин унинг остидаги бедов от аввалгидай шаҳдам эди, арслоннинг устидан иккинчи марта сакраб ўта бошлади. Шаҳзода от устида энгашиб туриб, арслоннинг бўйнини мўлжаллаб қилич сермади. Аммо қилич арслоннинг елкасини тилиб ўтди. Арслон бошини тез ўгириб, елкасини бир ялаб, қонини тўхтатди-да, отнинг орқасидан

ҳамла қилди. У орқа оёқларига кўтарилиб, олдинги икки панжаси билан отнинг сағрисиغا шундай қаттиқ урдик, от ўмови билан ерга қулаб кетди. Эгар устида ўтирган шаҳзода Абусаид отнинг боши устидан ошиб, ерга учиб тушди.

Жилға тепасида бунни кўриб турган йигит оғаси, Раҳим ва Ашурлар:

— Шўримиз қуриди!

— Шаҳзодадан айрилдик!

— Дорга осиладиган бўлдик!— деб қий-чув қилишди.

Жилғанинг нариги томонида турган уч оғайнининг каттаси Тўлан ботир эса отини пастга сакратиб тушди:

— Ҳей, одамхўр арслон, шаҳзодага тегма, кучинг бўлса мен билан олиш!— деб қичқирди.

Ерга йиқилган шаҳзода Абусаид қиличини қўлидан тушириб юборган эди. Арслон от устидан сакраб ўтиб, ханжардай тишларини шаҳзодага ботирмоқчи бўлиб яқинлашди. Шаҳзода «энди тамом бўлдим!» деб жонидан умидини узди. Бироқ арслон шаҳзодага оғиз солмоқчи бўлиб турганда Тўлан ботирнинг шамшири йиртқичнинг бошига келиб тушди.

Ўткир тиг суякка қарсиллаб урилганини ҳамма эшитди. Аммо биринчи зарба бу жодугар арслоннинг бошини кеса олмади, фақат уни бир гандираклатди-ю, бутун ғазабини Тўлан ботирга йўналтиришга мажбур қилди.

Тўлан ботир отини чу-чулаб, яна арслонга яқинлашди, энгашиб унинг бўйнига қилич урмоқчи бўлганда, арслон олдинги икки панжасини йигит минган отнинг ўмовига уриб, уни ағдариб юборди. Тўлан ботир йиқилаётган отнинг устидан ерга чаққонлик билан сакраб тушди ва ўзини катта бир дарахтнинг панасига олди. Арслоннинг қудратли панжалари дарахтга зарб билан урилди-ю, уни қарсиллатиб синдириб юборди. Тўлан ботир синган дарахтнинг шохлари орасидан қилич яланғочлаб чиқди-да, ўткир тигни арслоннинг ёлдор бўйнига урди. Бўғзи қирқилган арслон хириллаб тўхтаб қолди. Қиличнинг иккинчи ва учинчи зарбасидан унинг улкан боши танасидан жудо бўлиб, ерга юмалаб тушди.

Шаҳзоданинг мулозимлари энди тепадан жилға ичига тушишга журъат этдилар.

— Шаҳзодам, худо сизни бир асради.

— Туринг ўринингиздан!

— Эгамга шукр!— дейишиб, ранглари бўздай оқариб кетган, ҳалигача титроғини босолмай қалтираётган Абусаидни ердан турғазишди ва кийимига илашган хас-хашакларни қоқа бошлашди.

— Лекин мен ўлсам, сенлар ҳам тирик қолмас эдиларинг,— деди шаҳзода ноқулай аҳволни енгиллаштиргиси келиб.

Ашур гапдон:

— Рост айтасиз, шаҳзодам,— деди.— Агар сизга шикаст етса, отангиз бизни дорга осар эдилар. Мана бу ботирга раҳмат, ҳаммамизни нақ ўлимдан олиб қолди!

Йигитларнинг кўзи совут ва дубулға кийган девқомат Тўланга тикилди:

— Сизни бу ерга худо етказдими, а, йигит?— деди шаҳзода мулойимлик билан. — Бу яхшилигингизни подшо отам эшитсалар албатта мукофот олгайсиз.

— Бу арслонда менинг қасдим бор эди,— деди Тўлан ботир.— Бу жодугар арслон қанча одамларнинг ёстиғини қуритган, қанча қизларни сеҳрлаб ташлаган эди. Шаҳзода, боя сиз қувган кийик ҳам шу жодугар арслоннинг сеҳрига учраган бегуноҳ бир қиз эди.

— Айтмоқчи, қани ўша кийик?— деб шаҳзода атрофга аланглади.

— Шу вақтгача кийик турармиди!— деди йигит оғаси.— Кетиб қолди.

Шу пайт жилға тепасидан қиз боланинг нафис жаранглаган овози келди:

— Мен ҳали кетганим йўқ. Мен ўз халоскорларимга раҳмат айтиб кейин кетмоқчиман.

Тўлан ботир қизни таниб, унга қараб талпинди:

— Санобар, мен йўқотган Санобар, сенмисан?

— Ҳа, менман, Тўлан оға! Бу жодугар арслон мени боғбон отамникидан ўғирлаб кетиб, кийикка айлантириб қўйган эди. Фақат қулоғимдаги сирғаларим аслидай қолган эди.

Йигитлар қизга тикилиб қараб, бояги кийикнинг қулоғидаги ёқут сирғаларни унинг қулоғида кўриб танидилар.

— Сиз боя кийик эдингиз. Энди қандай аслингизга қайтдингиз?— ҳайрон бўлиб сўради шаҳзода.

— Арслон ўлди-ю, жодуси тамом бўлди, шунинг учун мен аслимга қайтдим!

— Во ажабо!— деди шаҳзода.— Хайриятки боя қамишзорда сизга қилич чопмаган эканман!

— Бунинг учун мен сиздан ҳам миннатдорман, шаҳзодам. Мени тириклай тутаман деганингиз жонимга оро кирди!

— Ҳа, лекин,— деди Раҳим гапдон,— Сизни деб шаҳзодам ўзларини шунча хавфу хатарга дучор қилдилар. Энди сиз бу яхшилиқни унут-массиз, ойимқиз?

— Буни ҳеч вақт унутмайман,— деб қиз нафис эгилиб, шаҳзодага таъзим қилди. Сўнг у Тўлан ботирга юзланди:— Сиз жодугар арслонни ўлдириб, мени аслимга қайтардингиз. Шаҳзодани ҳам сиз нақ ўлимдан олиб қолдингиз, унинг менга қилган яхшилигини сиз қайтардингиз. Энди мен сизнинг ихтиёрингиздан, Тўлан оға!

Санобар ўнг қулоғидаги ёқут сирғани олиб, икки қўллаб Тўлан ботирга тутди:

— Мана шу сирғага қўшиб мен сизга ўз ихтиёримни топшираман! Олинг!

Тўлан ботир бир тиззасини ерга қўйиб, сирғани икки қўллаб қизнинг қўлидан олди-да, эъозлаб қўзларига сурди:

— Санобар, сенинг бу совғангни мен кўз қорачиғимдай асрайман,— деб секин қўйнига солди.

Қиз унга илтижо билан қараб:

— Энди мени ота-онамнинг олдига элтиб қўйинг,— деди.

— Жоним билан!— деб Тўлан ботир отини етаклаб қизни унга миндирмоқчи бўлди.

Шунда шаҳзоданинг ишораси билан йигит оға:

— Тўхтанг, Тўланбой!— деди.— Бу кийик-қизни аввал биз топган эдик. Энди ота-онасига элтиб топшириш ҳам бизнинг бурчимиз эмасми?

— Йўқ, сизнинг бурчингиз — шаҳзодани қўриқлаб эсон-омон саройга етказиб бориш!

— Шаҳзодам овга чиққан эдилар, энди саройга қуруқ қайтадиларми?

— Начора! Бўлган воқеани подшога айтиб берсаларингиз, шаҳзоданинг соғ-саломат қайтганларидан ҳам хурсанд бўлсалар керак.

Шаҳзода Абусаид Тўлан ботирга қараб:

— Сиз ҳам биз билан бирга юринг!— деди.— Ҳазрат отам сизни бек қилади, лавозим беради.

— Таклифингиздан миннатдорман, шаҳзодам. Лекин, кўриб туриб-

сиз, мен ҳозир ёлғиз эмасман. Аввал Санобарни уйларига элтиб қўяй.

— Санобар бошига ёпинчиқ ташласин-у, биз билан юраберсин. Саройда уни ҳам иззат-икром билан кутиб оладилар.

Тўлан ботир Санобарга савол назари билан қаради. Бу орада Тўлан ботирнинг укалари Уктам ботир ва Кенжа ботирлар ҳам уларнинг ёнига етиб келдилар.

Санобар шаҳзода билан подшо саройига борса у ердан қайтиб чиқолмаслигини сезди.

— Шаҳзодам, мен аввал ота-онамнинг олдига борай,— деди қиз мулойим товуш билан.— Онам мени йўқотгандан бери йиғлайвериб, кўзи кўр бўлиб қолган. Тезроқ бориб онайизоримни юпатай! Ижозат беринг!

— Бўлмаса Санобарни ота-онасининг олдига Тўлан ботирнинг укалари олиб бориб қўйсин!— деди шаҳзода.— Тўлан ботир, сиз биз билан бирга юринг, мукофот оласиз!

Уч оғайни орасида энг зийраги бўлган ўн беш ёшлик Кенжа ботир акасининг подшо саройида бирон балого учраши мумкинлигини сезди ва Тўлан ботирга «кўнманг!» дегандай имо қилди.

— Мени афв этинг, шаҳзода,— деди Тўлан ботир.— Биз уч ака-укамиз, отамиз Алп чўпондан оқ фотиҳа олиб узоқ саёҳатга чиққанмиз. Санобарни элтиб қўйиб сафаримизни давом эттираемиз. Дунё кўриб дунё кишиси бўлмоқчимиз. Уч оғайни бир-биримиздан ажралмаймиз деб аҳд қилганмиз. Менга шундай илтифот кўрсатганингизнинг ўзи ҳам катта мукофот, шаҳзода. Энди ижозат беринг, биз йўлимиздан қолмайлик.

Шаҳзода Санобардан ажралиши муқаррарлигини сезиб, қиз томонга аламли бир назар ташлади-да:

— Сўзимиз инобатга ўтмаса нима ҳам қиламиз,— деди.

Тўлан ботир отининг сағрисиغا тўнини тўшаб, унга Санобарни ўтказди, ўзи бир сакраб эгарга минди. Икки отлиқ укаси унинг икки ёнини олди. Уччалови шаҳзода ва мулозимлари билан хайр-хўшлашиб, тоғ бағридаги қишлоққа қараб кетдилар.

Шаҳзода бор-будини олдирган одамдай руҳи тушиб, бўшашиб туриб қолди.

Унинг чавқар оти шернинг зарбасидан майиб бўлган, ўрнидан туролмай уялаб ётар эди. Шаҳзоданинг отбоқари етовдаги саман отнинг эгар-айилларини созлади, чавқар отнинг олтин юганини олиб, саманнинг бошига кийгизди, кумуш сувлигини отнинг оғзига солди. Сўнг бу отни шаҳзодага кўндаланг қилиб, узангидан тутиб турди.

Шаҳзода Абусаиднинг рангидан қони кетган, оёқ-қўлида дармон йўқ, узангига оёқ қўйиб, эгарга чиқишга ҳам кучи етмади, уни икки йигит қўлтигидан кўтариб, отига зўрға миндирдилар.

— Арслон билан олишиб чарчабсиз, саройга қайтиб бориб дам олсангиз, ўтиб кетади,— деб йигит оғаси унга йўл-йўлакай тасалли бериб борди.

## 2

Ҳашаматли саройнинг тилла билан зийнатланган ўймакор кўшқида шаҳзода Абусаид бир ҳафта кўкрагини ерга бериб ётди. Саксон ёшлик подшо Камолхон ёлғиз ўглининг арслон билан олишиб тирик қолганидан аввал суюнди, кейин Абусаиднинг рангини олдириб қўйгани ва руҳи сўниклигини кўриб, ҳавотирга тушди. «Арслон жодугар экан, ҳамла қилганда шаҳзода ёмон кўрққан», деб, уни мамлакатнинг нафаси ўткир эшонларига ўқитди. Бу ҳам кор қилмади. Шаҳзода дуруст



овқат емай кун сайин озиб кетаверди. Шундан кейин Камолхон энг ишонган вазири Зухурбекни ишга солди:

— Табиб топасизми, фолчи чақирасизми, нима қилиб бўлса ҳам, ўғлимнинг кўнглидаги дардини билиб беринг, кейин биргалашиб дармонини излаймиз,— деди.

Вазир Зухурбек кечаси шаҳзода ухлаганда унинг хонасига махфий пойлоқчи қўйиб қўйди. Бу пойлоқчи шаҳзоданинг гоҳ тушида, гоҳ ўнгида ух тортиб: «Санобар... Тўлан ботир... мени ерга киргиздиларинг! Мени шарманда қилдиларинг!» деб фиғон чекканини эшитиб қолди. Бу гап Зухурбекка етказилди. Вазир шаҳзода билан овга чиққан йигитларни чақириб, улардан воқеанинг бутун тафсилотларини сўраб олди. Шундан кейин Камолхоннинг олдига кириб муфассал ахборот бердида, охирида ўз хулосасини айтди.

— Ҳазратим, нима қилиб бўлса ҳам, ўша Тўлан ботирни топиб, ўғлингизга хизмат қиладиган мулозимларнинг ёнига қўшиш керак. Ушанда шаҳзоданинг кўнглидаги алами бир даража пасаяди. Кейин Санобар деган қизни саройга келтириб, ўғлингизга олиб бериш керак. Ушанда бутунлай тузалиб кетади.

— Жаноб вазир. Тўлан ботирни топтириб келсак бўлар-у, лекин мен шаҳзодага қаёқдаги боғбоннинг қизини қандай олиб бераман? Шаҳзодага қўшни мамлакатнинг подшоси қизини бермоқчи эди-ку! Подшо турганда, боғбонга қуда бўламанми?

— Эй, ҳазратим, шариятнинг йўли кўп! Бир эркакнинг тўртта хотин олишга ҳаққи бор. Ҳозирча боғбоннинг қизини шаҳзодага вақтинчалик хотин-жория қилиб никоҳлатайлик. Ортиқча тўй-даҳмаза ҳам қилиб ўтирмаймиз. Элга овоза бўлиб юрмасин. Беш-олти ой кўнгилихушлик қилгандан кейин шаҳзоданинг ўзи ҳам совийди. Ана ундан сўнг боғбоннинг қизини ҳарамдан чиқариб, канизакликка берамиз. Шаҳзодани қўшни подшонинг қизига уйлантирамиз. Тўй-ҳашамнинг каттасини ўшанда қиламиз.

Камолхон вазирнинг бу маслаҳатини маъқул кўрди ва Санобарнинг отасига совчи юборди. Бироқ Санобарнинг боғбон отаси қизини Тўлан ботирга унаштириб қўйганини, энди фотиҳани бузолмаслигини айтиб, подшо совчисидан узр сўради.

Камолхон подшо бу узрни қабул қилмади, боғбон қизини зўрлаб олиб келиш учун икки юз навкар ва битта соянон арава юборди.

Бироқ подшонинг навкарлари боғбоннинг ўзини ҳам, қизи ва оиласини ҳам қишлоқдан топа олмадилар. Уч оғайни ботирлар уларни бир кечада аллақайда кўчиртириб олиб кетишган, ҳозир улар ҳаммаси тоғдами, ўрмондами, ғордами, қаерда яшириниб юрганини ҳеч ким билмас эди.

Икки юз навкарга бош бўлиб кетган понсад подшо саройига қуруқ қайтганида, Камолхон, ойнаванд уйда камалак рангли тўтиқушга дон бермоқда эди. Понсад подшо ҳузурига кирганда тиз чўкиб, ер ўпди-да:

— Ҳазратим, оёғингиз теккан тупроқни кўзларимга суртай, қулингизга маслаҳат беринг,— деди.

— Яна қандай маслаҳат керак?

— Ҳалиги боғбон қизи-ю, бола-чақаси билан қишлоқдан қочиб кетибди. Уч оғайни... қароқчилар уларни ўз ҳимоясига олибди.

— Нега қидириб топмадинг? Ё мен ўзим бориб қидирайми?

— Ҳазратим, қидириб топсак, ҳалиги уч қароқчи қаршимиздан чиқса...

— Бошини ол учаласининг ҳам! Жазосини бер!

Шу пайт қафасдаги тўтиқуш шанғи товуш билан:

— Ҳазратим, уч оғайни билан уришманг!— деди.— Ёмон бўлади!

Уришманг!

Камолхон тўтиқушнинг айтгани тўғри чиқишига кўп марта амин бўлган эди. Шунинг учун бир лаҳза ўйланиб қолди. Понсад фурсатдан фойдаланиб:

— Ҳазратим, бу уч қароқчига жангда бас келиш қийин,— деди.— Навкарларингиз бекорга ҳалок бўлиб кетмасин! Бошқача йўл тутаю.

— Бошқача йўлинг қанақа, қани айтчи?

— Бу уч йигитнинг ота-онаси тоғ ичидаги бир қишлоқда туради. Ўзи асли камбағал бир чўпон бўлган. Мол боқиб юриб минг қўйли бойга айланган. Кейин шу қўйларини сотиб, ўғилларини мадрасада ўқитган, яхши жангчиларни пулга ёллаб, қиличбозлигу, тирандозлигу, чавандозликни ўргатган.

— Камбағалдан бой бўлган бўлса, бизга солиқни ҳам дуруст тўламаган. Солиқни яхши тўласа қўйи мингтага етармиди? Уша жойнинг мингбошиси билан ўлпончисини ёнингизга олинг. Бориб, ота-онасини мажбур қилинг, ўғилларининг адабини берсин! Боғбоннинг қизини қишлоғига элтиб қўймагунча тинчитманг!

— Доно тадбир топдингиз, ҳазратим! Бу бебош йигитларни ота-оналари орқали албатта қўлга оламиз!

Понсад подшонинг оёғи тагидаги ерни яна бир ўлди-да, орқаси билан юриб, хонайи хосдан чиқиб кетди.

### 3

Арчазор тоғ дарасида шарқироқ сой бўйида Чўпон отанинг катта ҳовлиси, отлар боғланган бостирмаси, сигирлар боқиладиган молхонаси ва қўйлар турадиган иккита катта қўраси бор эди. Понсад бошлаб борган икки юз навкар, мингбоши ва ўлпончилар кечки пайт итларни акиллашиб, қўйларни маъратиб, ҳовли ва қўраларга бирдан бостириб кирдилар.

Оқ соқоли кўкрагига тушган, қизил ирғай таёққа суяниб турган етмиш ёшлик чўпон ота:

— Ҳой, мусулмонлар, ўлпон керак бўлса молимизга қараб олинглар, ушур закотларни ҳам берганман, мана, мингбоши айтсин!— деди.

Понсад заҳарханда қилиб:

— Ҳей, сен, айёр чол, мингбошини ҳам алдаган экансан!— деди.— Сурув-сурув қўйларни тоғда яшириб боқиб, бой бўлиб, қутуриб кетган экансан!

— Меҳнатим билан бой бўлганман!— деди чўпон ота.— Унта қўйни яхши боқиб, мингтага етказганман!

— Ана ўша мингта қўйнинг пули қани? Сотиб тилласини қайси сандиққа яширгансан?

— Мен тилла йиққаним йўқ, топганимни ўғилларимга сарфлаганман. Уларнинг овқатига пулни аямадим, ҳаммасининг илиги тўла, ўзи бақувват бўлиб ўсди. Энг яхши муаллимларга ўқитдим, оқ-қорани таниб, билимдон бўлишди. Энг яхши отлар, энг зўр қурол-яроғлар олиб бердим, ҳаммаси ботир бўлиб ўсди.

— Ўғилларингизга шунча нарса ўргатиб, фақат одоб ўргатмаган экансиз-да, ўтоғаси!— деди мингбоши.— Подшо ҳазратларининг олдида беодоблик қилишибди, сиз билан биз ҳозир ана шунинг касофатига қолиб ўлтирибмиз.

— Ўғилларим қанақа беодоблик қилибди, жаноб мингбоши? Тўнгич ўғлим Тўланбой подшонинг арзанда шаҳодасини арслоннинг чангалидан қутқариб қолгани беодобликка кирадими, ҳали? Яхшиликнинг қайтгани шуми?

— Катта кетманг, мунча, ўтоғаси! Тождорлар худойи таолонинг ердаги вакили ҳисобланади. Шаҳзода Абусаидга нажотни худо ўзи юборган, сизнинг ўғлингиз шунга бир сабабчи бўлган.

— Албатта, ҳар иш худодан!

— Ўғлингиз шуни айтиб, камтарлигини кўрсатса олам гулистон эди! Бунинг ўрнига у ҳам «мен шаҳзодани қутқардим» деб мақтанибди.

— Жаноб мингбоши, менинг ўғилларим бунақа мақтанчоқликни билмайди! Шаҳзоданинг ўзи «Қийқни мен тирик тутаман» деб мақтанибди. Тутолмагандан кейин уятга қолибди. Мен ҳаммасини эшитдим! Менинг ўғилларим тўғри сўзликка ўрганган, улар хушомад қилишни билмайди. Шаҳзода бўлса хушомадга ўрганган. Менинг ўғилларим хушомад қилмагани учун шаҳзода хафа бўлган.

Понсад дарғазаб бўлиб:

— Ҳали сен беодоб ўғилларингни бизнинг улуг шаҳзодамиздан баланд қўймоқчимисан?!— деди.

— Менинг ўғлим тенги йигит экансиз, понсад жаноблари, мени сенсираб гапириш сизга ярашармикин? Шаҳзода Абусаид подшо оиласида туғилган, насл-насаби биздан юқори, ҳозирги мавқеи ҳам менинг ўғилларимникидан юз қарра баланд. Шундай бўлгандан кейин шаҳзодага муносиб аслзода қизлар, маликалардан топиб берсаларинг бўлмайдими? Боғбоннинг қизи менинг ўғлимга кўнгили берган, фотиҳа бўлган. Бу фотиҳани бузиш мусулмончиликка ҳам тўғри келмайди-ку!

— Сен бизга мусулмончиликни ўргатма! Ҳар бир мусулмон ўз подшосининг фармонини сўзсиз бажариши керак. Подшо ҳазратларининг фармони олийлари шулки, ўғилларинг дарҳол ўша боғбонни қизи билан бирга қишлоғига элтиб қўйсин. Кейин учови ҳам подшонинг ҳузурига етиб борсин, шаҳзодага навқар бўлиб хизмат қилсин!

Чўпон ота кўкрагини ирғай таёғига тираб ўйчан жавоб берди:

— Бундан ўн кун олдин ўғилларимга оқ йўл тилаб, учовини узоқ сафарга жўнатган эдим. Ўз бахтларингни ўзларинг топинглар, деган эдим. Шундан бери уларни кўрганим йўқ, қаерда юрганларини билмайман!

— Биласан! — деди понсад. — Ҳозир ўзинг айтдинг, ўғилларинг билан шаҳзоданинг орасида қандай ҳангомалар бўлганини эшитган экансан. Демак, уларнинг қаердалигини биласан!

— Мен бу ҳангомани бошқа одамлардан эшитдим. Ўғилларимни ўн кундан бери кўрганим йўқ.

— Фармони олийни бажармайсанми?

— Бажаролмайман!

— Билиб қўй, — таҳдид қилди понсад, — фармонни бажармасанг молинг таловга тушади, ўзинг ҳам омон қолмайсан!

— Лекин буни ўғилларим эшитса, сен ҳам тирик қолмайсан, понсад!— деди Чўпон ота.

Понсаднинг кўзлари косасидан чиққудай бўлиб чақчайди. У ёнида турган тўрт йигитига буюриб, Чўпон отанинг қўлларини орқасига боғлатди. Сўнг қолган навқарларига фармон берди:

— Бор молу мулкни мусодара қилинглари! Қўйларини қўралардан ҳайдаб чиқинглари! Йилқилари ҳам, қорамоли ҳам подшониники бўлади. Ҳей, ўнбоши, сен навқарларинг билан уйларни тинти, сандиқларни очинглари, олтин-кумушини мусодара қилинглари!

Бостирмаларда безовта қилинган отлар кишнашиб, сигирлар мўърашиб, хоналарда хотин-халажлар дод солиб, қий-чув, тўполон кўтарилди.

— Вой, ноинсофлар, келинларга атаб йиққан тақинчоқларни нега оласанлар?!

— Подшоликка ўтади ҳаммаси!

— Подшоларинг шу бозбандга зор бўлиб қолдими, а?! Шу гиламчани ҳам қўймайсанларми, назари пастлар?! Ҳой, дадаси, ўғилларингизга нега хабар бермайсиз? Тўлан ботир қани? Уктамжон, Кенжажон қани?! Келиб буларнинг жазосини бериб қўйса бўлмайдими?!

— Кўнгилни кенг қил, хотин!— деди қўллари боғлоқлик Чўпон ота.— Ўғилларимиз бу назари пастлардан қасд оладиган кун келиб қолади!

— Вой, булар нега сизнинг қўлингизни боғлайди? Сизни банди қилиб олиб кетмоқчими?

Кампир қўлига ошпичоқни олиб, чолининг қўлига боғланган йўғон арқонни кесмоқчи бўлиб кела бошлади. Шунда навкарлардан бири ошпичоқни кампирнинг қўлидан тортиб олишга интилди. Кампир ошпичоқни бермаган эди, уни итариб юбориб, ерга йиқитди ва йиқилиб ётган жойида ошпичоқни қўлидан тортиб олди. Кампир дод солиб йиғлаб юборди. Бунни кўрган Чўпон ота йўғон арқонни узгудай бўлиб, қўлларини таранг тортиб, ҳалиги навкарга ташланди, лекин йўғон арқон узилмади, навкар унга чап бериб, толон-торож бўлаётган уйга кириб кетди.

— Кексайиб кучдан қолибман-да! Шу арқонни узолмадим-а! Илгари бундай арқонларни бирпасда узиб ташлар эдим, Алп чўпон деб ном чиқарган пайтларим бўлса, бу нокасларни ер тишлатар эдим!

Кампир ерда йиғлаб ётиб:

— Ўғилларимнинг қадри ўтди!— деди.— Вой-дод! Ботир ўғилларим жазоларингни берсин сенларнинг!

Толон-торож тугагандан кейин понсад чўпон отани ҳам қўли боғлоқлигича ҳайдаб кетмоқчи бўлди. Шунда мингбоши понсадни бир четга тортиб:

— Буларнинг ўғиллари ўчакишса ёмон қилади,— деди.— Уч оғайнига минг навкар ҳам бас келолмайди, жаноб понсад!

— Чини биланми?

— Ҳа, мен кўрганман уларни. Ғазабидан худо сақласин. Ўчакишса ҳар қандай одамни ҳам хароб қилади. Сизнинг ҳам бола-чақангиз бордир. Бор-будини мусодара қилдингиз. Ҳозирча шунинг ўзи ҳам катта жазо. Энди бу чолнинг хунига қолиб ўтирманг.

Понсад уч оғайнига ҳеч ким бас келолмаслигини бошқалардан ҳам эшитган эди. Оталарини қутқариш учун бугун йўл тўсиб чиқишлари ва қасд олишлари мумкинлигини ўйлади-ю:

— Ўжар чол, фармони олийни бажармаганинг учун адабингни единг!— деди.— Бу гал жонинг омон қолади! Аммо ўғилларингга шунни етказки, агар Камолхон ҳазратлари билан ўчакишадиган бўлишса, подшо қўшини тўпу тўпхонаси билан келиб, мана бу уйлариингнинг кулини кўкка совуради. Унда ўзинг ҳам, ўғилларинг ҳам минг азоблар билан ўлдириласанлар!

Чўпон ота бору будидан айрилса ҳам, ўзи ҳибсдан қутулиб қолгани учун бир қадар енгил тортди. Талончилар узоқлашгандан кейин хотинига:

— Бери кел, кампир,— деди.— Бош омон бўлса дўппи топилар, кўп куюнма!

Кампир ғира-шира қоронғиликда арқоннинг тугунини пайпаслаб топиб, чолининг қўлини ечар экан:

— Тезроқ ўғилларингизга хабар беринг!— деди.— Бу талончиларнинг йўлини тўсиб чиқиб, бисот-бағалларимизни қайтариб олсин!

Чўпон ота арқондан увушган билагини уқалаб:

— Ҳали шошма, кампир,— деди.— Бундай ишда етти ўлчаб бир кесган маъқул. Ўғилларинг бизни талаган икки юз навкар билан жанг қилса подшонинг аллақанча одами ўлади. Навкарда нима айб! Бизга

ўхшаган одамларнинг болаларини подшо хизматига олиб, навкар қилган. Қанча уйлар азодор бўлади. Бизниг ўғилларимиз буларнинг қонини тўккани билан нарёқда подшонинг яна минг-минг аскар-ю тўпу тўпхонаси қолади. Уч-тўрт кун ўтмасдан бутун қўшинини, ўғилларимизга қарши отлантирса нима қиламиз? Могу дунёдан кўра бизга ўғилларимизнинг жони азиз эмасми?

— Вой, энди буни ўғилларимиздан яшириб юрасизми?

— Вақти келганда ҳаммасини айтамыз, кампир. Ҳозир вақти эмас. Улар ўша боғбоннинг қизини олдирмай юра турсин. Кейин бир гап бўлар. Номард понсад! Ўғилларимиз омон бўлса, мен унинг шундай жазосини берайки, дунёга келганига пушаймон бўлсин!

Чол-кампир бир-бирини суяб, тўс-тўполон бўлиб ётган уйларига қараб кетишди.

#### 4

Ҳар қаноти бир қулоч келадиган қора бургут баҳайбат тош зовлар ва учмалар устида парвоз қилади. Икки томони тик қоятошлар билан ўралган тор даранинг тегидан тоғ дарёси гувиллаб оқиб ўтади. Битта одам зўрға сўғадиган тош сўқмоқ бош айланарлик баландликдан эгилиб-буралиб ўтади. Бу сўқмоқдан от миниб ўтиш ҳам хатарли. Шў сабабли уч оғайни ботирлар отларини етаклаб, олдинма-кетин тизилиб бормоқдалар. Сўқмоқ қоялар орасидан ўтиб, дарё устига туртиб чиқиб турган улкан тош супага келди-да, узилди. Дарёнинг нариги қирғоғидаги харсангтошлар ҳам шў ерда бериги қирғоққа анча яқинлашиб келган эди. Орада тўрт-беш қулоч келадиган масофа бор. Бериги тош супадан нариги харсанглар устига фақат кийиклар ва уларнинг энг дадил такалари сакраб ўтар эди. Шунинг учун бу ерни Та-касақратки деб атар эдилар.

Подшо уч оғайни ботирларни ва боғбоннинг қизини топиб келишга юборган понсад мана шу ерга келганда дарёдан ўтишнинг иложини тополмай орқага қайтган эди. Довюракроқ навкарлардан бир-иккитаси «уч оғайни ўтган жойдан биз нега ўтолмас эканмиз!» дейишиб, таваккал қилиб зовдан от сакратишган, лекин нариги қирғоққа отларининг фақат олдинги оёқларигина етиб боролган, орқа оёқлари баҳайбат ўнгирга тушиб кетган отлар устиларидаги чавандозлари билан бирга беш терак бўйи баландликдан пастга қулаб тушган, баданлари тошларга урилиб, жон аччиғида чинқирган товушлари ўнгир ичидан бўғиқ акс-садо бериб, ҳаммани ваҳимага солган эди. Уларнинг дабдала бўлган жасадларини ўнгир тагидан олиб чиқишнинг ҳам иложини топишолмаган, фақат тезоқар дарё битта отнинг ўлигини уч чақирим наридан қирғоққа чиқариб ташлаганини кўришган эди.

Уч оғайни ботирлар дарёнинг нарёғидаги арчазор ичида боғбоннинг қизи Санобарга ва унинг ота-онасига ўтов тикиб беришган, ўзлари улардан анча беридаги чодирда кўриқчилик қилишар эди.

Бугун эрталаб Кенжа ботир уйқудан туриб хомуш бўлиб юрди.

— Ҳа, ука, сенга нима бўлди?— деб сўради Тўлан ботир.

— Отам билан онам тушимга кирибди. Қийимлари йиртиқ. Отамнинг эғнида увода тўн. Онам «Бери кел» дегандай қўл сермайди. Олдига борай десам оёқларим қимирламайди. Гапирай десам тилим айланмайди.

— Ота-онамиз тинч бўлсин-да!— деди Уктам ботир.— Анчадан бери хабар олганимиз йўқ.

— Мен бир уйга бориб келайми, ака?— деди Кенжа ботир.

Тўлан ботир шу кичик укасининг куйгунчак эканини, ота-онасини тез-тез соғинишини биларди.

— Майли, юр, сени Такасақраткигача кузатиб қўяйлик,— деди Тўлан ва учови ҳалиги тор сўқмоқдан дарё лабига яқинлашди. Шу пайт дарёнинг нариги томонидан йиғи-сиғи, дод-вой товушлари эшитилди.

— Дод, уйимиз куйди!

— Гулдай фарзандимдан айрилдим!

— Уч оғайни ботирлар! Ёрдам беринглар!

— Қутқаринглар!

Ботирлар отларига дарҳол миндилар ва Такасақраткидан от сакратиб ўтиб, овоз келаётган жойга етиб бордилар.

Йигирма-ўттиз эркак-аёл, қари-ёш тоғ этагидаги қишлоқдан куйиб-пишиб кўтарилиб келган эдилар. Ҳансираб, энтикиб, воқеани айтиб бердилар.

Улкан бир аждаҳо бугун эрталаб тоғдаги ғордан ўрмалаб чиқиб, қишлоққа тушиб борган, хунук, қалдироқ товуш чиқариб, оғзидан олов пуркаб, уйларни ёндириб юборган. Одамлар кўчага қочиб чиққан. Дадилроқ йигитлардан бир-иккитаси қўлига ўқ-ёй олиб, узоқдан ўқ отиб кўрган. Лекин аждаҳонинг баданидан ўқ ўтмас экан, устида зирҳли пўлатга ўхшаган йилтириқ пўсти бор экан. Қишлоқнинг энг довиюрак йигити қилич яланғочлаб унинг бўйнига тиг уриш учун яқинига борган экан, аждаҳо оғзидан олов пуркаб, бечоранинг кийимларини ёндириб юборибди, олов йигитнинг баданини ҳам куйдирибди, бечора тил тортмай ўлибди. Уч-тўртта одам болта кўтариб аждаҳонинг орқасидан борган экан, думини хода қилиб, шундай урибдики, болта кўтарганларнинг иккитаси таппа-тахт йиқилиб жон берибди. Шундан кейин одамлар чекка-чеккага қочиб:

— Вой бу аждаҳога нима керак ўзи?!— дейиша бошлабди.

Аждаҳо бирдан тилга кириб, баҳайбат товуш билан:

— Менга Муаттар қиз керак!— дермиш.— Заргарнинг қизи Муаттар чиқиб елкамга минсин! Мен уни ғорга олиб кириб кетаман!

Уч оғайнидан ёрдам сўраб келган одамлар орасида ўша қизнинг отаси бўлган машҳур заргар ҳам бор эди:

— Тўланжон, ёлғиз қизим Муаттарни шундай ваҳимали аждаҳога қандай бераман?!— деди.

— Қишлоғимизнинг энг чиройли, энг ақлли қизи ўзи шу Муаттарда!— деб бир аёл ҳам йиғлаб гапирди.— Муаттарни подшонинг энг бадавлат вазири ўзига келин қилмоқчи эди!

— Ундай бўлса, вазирдан ёрдам сўранглар!— деди Тўлан ботир.— Навқари кўп, бир қисмини юборсин!

— Э, юборган навқарини аждаҳо тутдай тўкиб ташлади!— деди заргар.— Олдидан келса оловини пуркаб ёндиради. Орқадан келса думи билан уриб ўлдирди. Умрим бино бўлиб, бундай қўрқинчли балони кўрганим йўқ!

— Вазирнинг ўғли бирон чора тополмадими?— сўради Уктам ботир.

— Уша навқарларни вазирнинг ўғли бошлаб келган эди-да! Аждаҳо эллик-слтмишта навқарини нобуд қилгандан кейин вазирнинг ўғли қолган-қутган одамлари билан жуфтаси ростлаб қолди. Ҳозир подшонинг қўрғонида бекиниб ўтирган бўлса керак.

— Бу аждаҳо менинг ўттиз ёшлик ўғлимни ўлдирди!— деб йиғлади бир чол.— Невараларим етим қолди!

— Менинг уйимни куйдирди!

— Қизга раҳмларинг келсин, уч оғайни ботирлар!

— Муаттар қизимни қутқаринглар!

— Жодугар арслонни сиз енггаң экансиз, Тўлан ботир! Нажотни сиздан излаб келдик!

— Илоҳим барака топинглар!

Бу гапларни айтиб йиғлаётган бечора одамларнинг аҳволига қараб чидаб туриб бўлмас эди. Кенжа ботир акаларига қараб:

— Шу хизмат мендан бўлсин!— деди.

— Мен турганда сен шошма,— деди Уктам қовоғини уйиб.

Тўлан ботир укаларини бундай хатарли балого юборишга кўзи қиймай:

— Ҳар қалай, менинг ёшим каттароқ,— деди.— Ўзим бормасам бўлмас.

Уктам ботир эътироз қилди:

— Ака, сиз бу ерда қолиб, қайлиғингиз Санобарни қўриқланг! Энди мен ҳам ўзимни хавф-хатарга солиб синаб кўрай. Навбатни менга бериш!

— Майли, Уктам ука, энди сен ўз бахтингни синаб кўр! Лекин аввал қўшхонага қайтайлик, ўқ ўтмайдиган, оловда ёнмайдиган зирҳли кийимларингни кийгин!

Ботирлар тез қўшхоналарига қайтиб, Уктамга зирҳли кийим ва дубулға кийдирдилар, отига ҳам оловда ёнмайдиган жул ёпдилар. Кейин Уктам ботир кўп ўтиб ўрганиб қолган Такасақраткидан саман отини сакратиб ўтиб, пастда аждаҳо тўс-тўполонини чиқарган қишлоққа етиб борди.

□

Бу орада Муаттар қиз юм-юм йиғлаб, аждаҳонинг олдига чиққан, ҳамқишлоқларини омон қолдириш учун ўзи аждаҳо билан бирга горга кетмоқчи бўлаётган эди. Қизнинг онаси юзларини тирнаб қонатиб юборган, ҳамқишлоқларига қараб:

— Вой, инсоф қилинглар, Муаттарни бу ниятидан қайтаринглар!— дерди.

Қишлоқнинг энг обрўли мўйсафиди:

— Тақдирга тан бермай илож қанча!— деди.— Бу аждаҳо ҳамма-мизни ўлдириб, қишлоққа ўт қўйгандан кейин ҳам бари бир муродига етади.

Аждаҳо ёғланмаган араванинг ғилдирагидан чиқаётгандай нохуш овоз билан:

— Ҳа-ҳа, Муаттар қизни бермасаларинг ҳаммангни ўлдираман!— деди.

— Мен шундай қизимни кўра-била аждаҳога қандай бераман?! Ундан кўра мени ол, аждаҳо! Мени егин, майли!

Муаттар дод солиб, онасига қараб югурди, уни қучоқлаб туриб:

— Йўқ, йўқ, аяжон, сиз ўзингизни қурбон қилсангиз фойдасиз!— деди.— Ундан кўра сиз тирик қолинг! Менинг тақдирим шу экан!

— Ундай дема, болажоним! Йў-ўқ! Шошма, Муаттарим, мен сенинг дийдорингга тўйиб қолай! Шошма!!

Шу пайт зирҳли кийимлари офтобда ялт-юлт қилаётган Уктам ботир қишлоққа от чоптириб кириб келди.

— Ҳей, мечкай аждаҳо! Сенинг кучинг хотин-халажга етдими? Зўр бўлсанг майдонга чиқ! Мен билан олиш!

Уктам ботир аждаҳонинг ёнидан от чоптириб ўтар экан, қўлидаги найзани тўғри унинг бошига мўлжаллаб отди. Найза аждаҳонинг бошига қарсиллаб урилди, унинг пўлатдай қалин терисига озгина ботди-ю, илиниб туриб қолди. Аждаҳо оғриқ зарбидан бир силкинди, оғзидан олов пурқаб, отлиқнинг кетидан ҳамла қилди. Тўлан ботир қишлоқ ичида тўхтамай, атайлаб уйлар ва кўчалардан наридаги яланг-ликка от чоптириб чиқди.

Аждаҳо унинг кетидан лапанглаб, кўча чангитиб борар экан, қай-

та-қайта бош силкитиб, терисига илиниб қолган найзани ахийри тушириб юборди. Найза кирган жойдан қопқора қон сирқиб чиқди.

— Қиличим сенинг қонингга ташна, яқинроқ кел, мечкай!— деб Ўктам аждаҳонинг устига от солди.

Ўктам ботирнинг оти сакраб ўтаётганда аждаҳо отнинг кўзига оғзидан олов пуркади. От бир лаҳза оёқ тагини кўрмай қолди. Иккинчи сакрашда аждаҳонинг думига яқин бориб тушди. Аждаҳо думи билан отнинг олд оёқларига ва ўмровига шундай қаттиқ урдики, от мункиб кетди. Ўктам ботир қўлида яланғочланган қиличи билан отнинг бошидан ошиб ерга учиб тушди. Буни кўрган одамлар қўрқиб:

— Во-оҳ!— деб юборишди. Аммо Ўктам ботир отдан бунақа йиқилганда ўзини қандай тутиш кераклигини кўп машқ қилган эди. У бошини авайлаб, ўнг елкасини бўз ерга тўғрилаб йиқилди-ю, лекин бир ўмбалоқ ошиб, яна оёққа туриб кетди. Бу орада аждаҳо думини яна бир силкитиб, Ўктамни ерга қапиштирмоқчи бўлди. Аммо Ўктам ўткир исфаҳон қиличини икки қўллаб олдинга чиқарди-ю, тигини аждаҳонинг зарбасига тўғрилади. Аждаҳонинг думи Ўктамга тегишдан олдин қиличнинг тигига келиб урилди. Бу урилиш зарбининг зўрлигидан аждаҳонинг думи шартта қирқилиб, узилиб тушди. Аждаҳонинг тиг қирққан ярасидан қон шариллаб оқа бошлади. Баҳайбат махлуқ думи қирқилган калтакесакдай кичрайиб қолди. Аммо унинг қаҳру ғазаби аввалгидан баттар ошди. Бор кучини тўплаб, бошини Ўктам томонга силкиди-ю, оғзидан олов пуркади. Ўктам ботир бу олов ичида бир лаҳза кўринмай кетди. Ҳамма уни олов аралаш тутун ичида куйиб кетади деб қўрқди. Бироқ Ўктамни ўтда куймайдиган зирҳли кийимлар сақлаб қолган эди. Фақат борлиғи чўғдай қизиб нафас олиши кийинлашди. Шундай бўлса ҳам, Ўктам қўлидаги қилични баланд кўтариб, аждаҳонинг бўғзига куч билан тиг урди. Ўткир исфаҳоний қилич аждаҳонинг олов чиқадиган кекирдагини кесиб ўтди. Аждаҳо уни думи билан урай деса, думи йўқ, оловда ёндирай деса қирқилган кекиртагидан вишиллаб ҳаво киради-ю, лекин олов чиқмайди. Ўктам ботир пайтдан фойдаланиб, аждаҳонинг бўйнига яна бир қилич урди-ю, тандирдай катта бошини шарт кесиб туширди.

Одамлар чопачопа Ўктамга яқинлашар эканлар:

— Бир балодан қутулдик!

— Аждаҳо ўлди!

— Шерюрак ўртанча ботирга минг раҳмат!— деб қичқира бошлашди.

Худди шу аснода кўча чангитиб от чоптириб келаётган мулозимлар кўринди.

— Э, вазири аъзам Зухурбек-ку! Эгилинглар! Таъзим қилинглар!

Кекса бир чол истар-истамас таъзимга эгилар экан, ёнидаги деҳқонга шивирлади:

— Булар доим ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир!

— Ҳа, хатар ўтгандан кейин кўкрак кериб келишини қаранг!

Зухурбек оқ отининг олтин юганини тортиб, тўхтатди, кумуш узангиларга оёғини тираб қаддини баланд кўтарди:

— Халойиқ, бу аждаҳо ҳужумини ким даф қилди?

Заргар кўпчиликнинг орасидан олдинга чиқди:

— Бек жаноблари, Чўпон отанинг мана шу ўртанча ўғли Ўктам ботир жонимизга ора кирди!

Ўктам ботир қилични ўт-ўланга артиб, шошилмай қинига солмоқда эди. Вазир унинг ҳам таъзим қилишини кутди, лекин Ўктам ботир вазирга эътибор бериб қарамади ҳам. Вазир уни кўриб турган бўлса ҳам, ўзини кўрмаганга солиб:

— Хўш, Ўктам ботир деганларингиз ким ўзи?— деди.



— Мен!— деб Уктам ботир одамлар олдида одоб сақлаб, ўнг қўлини кўксига қўйди.

— Боракалло, йигит!— деди Зухурбек.— Мен шу ишни сенга буюрмоқчи бўлиб келган эдим. Амримизни олдиндан сезгандай яхши адо этибсан, катта даргоҳларга келин бўладиган Муаттар бонуни қутқарибсан. Бунинг учун мен сенга битта от анжоми билан мукофот бермоқчиман.

Зухурбек орқароқда турган мулозимлар томонга ўгирилди. Улардан бири етовдаги кўримсизгина тўриқ отни Уктам ботирга томон олиб бориб, юганини унга тутқизди:

— Марҳамат, олинг!

Уктамнинг боя аждаҳо билан олишувда мункиб йиқилган бедов оти аллақачон ўрнидан туриб кетган, ёш ўспирин уни жиловидан олиб, эгасининг олдига олиб ҳам келган эди. Зухурбек берган от Уктамнинг ўз отига яримта ҳам келмас, чиройли бедов ёнида хунук бир қирчанғига ўхшаб кўринар эди. Буни сезган одамлар бир-бирларига қараб, вазирнинг устидан кулиб юбордилар. Уктам ботир ҳам кинояли кулимсираб:

— Жуда, сахий экансиз, вазир жаноблари, раҳмат!— деди.

Заргар кўпчиликдан уялгандай бўлиб:

— Мен Уктам ботирга бутун молу дунёмни, олтин кумушларимни берсам ҳам оз!— деди.

— Дадажон, шошманг, — деди Муаттар. — Уктам ботир мени нақ ўлимдан олиб қолди. Дадам ясаган мана шу гавҳар узукни мен сизга совға қиламан, Уктам ботир. Мен шу узукка қўшиб ўз ихтиёримни ҳам сизга топшираман!

Уктам ботир Муаттар томонга бораётган эди. Зухурбек отини гижинглатиб.

— Шошманглар!— деди.— Муаттар бону, сен бир четда одоб сақлаб тургин. Сен бизга келин бўладиган қизсан. Уктамга хизматига яраша ҳақни биз сенинг отанг иккаламиз берамиз!

Шунда Муаттарнинг онаси аёллар тўпидан туриб қичқирди:

— Жаноб вазир, биз ёлғиз фарзандимиз Муаттар билан аждаҳога ем бўлишимизга сал қолди! Шундай пайтда сизнинг ўғилчангиз жонини ховучлаб қочиб кетди! Ўзингиз ҳам қорангизни кўрсатмадингиз! Уктам ботир қилган яхшилик — ҳақ тўланадиган хизмат, холосми? Йўқ, қизим Муаттар тўғри айтди, биз Уктам ботирга жонимизни, жаҳонимизни берсак ҳам арзийди! Уктамжон, қизимнинг қўлини қайтарма, гавҳар узугини ол!

Зухурбекнинг ёнидаги мулозимлардан бири:

— Олмай тур!— деб хитоб қилди.— Ҳей, жаноб заргар, сиз ҳам, хотинингиз ҳам Зухурбек жанобларидай вазири аъзамга қуда бўлсаларинг жон демайсизларми? Ахир бу одам орқали обрўларинг осмонга кўтарилади-ку! Эл-юрт орасида иззат-икромда бўласизлар-ку.

— Эй, бу иззат-икромнинг охири вой, мен ҳаммасини биламан,— деди заргар.— Вазири аъзамнинг ўғиллари, албатта, битта хотинга қаноат қилмайди, ҳадемай қизимнинг устига икки-учта кундошни олади. У кундошлар вазирнинг ўзига ўхшаган казо-казоларнинг қизи бўлса, Муаттарни талоқ қилдириб, чўриликка беришлари ҳам ҳеч гап эмас. Саройда заргар бўлиб ишлаганимда мен бунақа ҳодисаларни кўп кўрганман. Ундан кўра бизга мана шу Уктам ботирдай меҳнаткаш одамнинг боласи куёв бўлгани яхши. Муаттар қизим, сенинг қўлинг-даги гавҳар узукни мен ўзим ясаган эдим. Буни Уктам ботир менинг ҳам мукофотим деб билсин!

Уктам ботир Муаттарнинг олдига келиб, бир тиззасини ерга қўйган ҳолда унинг совғасини икки қўллаб олди:

— Мен бу совғани кўзларимга суртаман, доимо жонимнинг қатида асрайман!— деди-да, қизнинг ўзига ва ота-онасига таъзим қилди. Зухурбек ачиқ билан отига қамчи урди-ю, бутун мулозимлари ва навкарларини эргаштирганича, қишлоқдан от чоптириб чиқиб кетди.

## 5

Вазир Зухурбек заргардан ва уч оғайнилардан қандай ўч олишини саройга қайта-қайтгунча ўйлаб борди. Кўпни кўрган бу қув одам шундай арслон ва аждаҳони енгган, эл орасида шунчалик эътибор қозонган ботирларни йўқ қилиш осон эмаслигини биларди. У подшонинг бутун қўшинини барча тўпу тўпхоналари билан уч оғайнига қарши отлантирсагина мақсади амалга ошишига кўзи етарди. Аммо Камолхон подшони бунга кўндириш осон эмас эди, чунки атрофда ташқи ёвлар ҳам кўп, қўшин чегараларни қўриқлаш билан банд. Подшони нариги уч оғайнига қарши солишда унинг ёлғиз ўғли аламзада Абусаид ёрдам бериши мумкин эди.

Шунинг учун Зухурбек пойтахтга қайтгандан сўнг энг аввал шаҳзода истиқомат қиладиган тиллакори кўшкка кирди. Ҳовлисида фавворалар отилиб турган, оро берилган чаманзориди товуслар юрган, хилват гўшаларида булбуллар сайраган улкан чорбоғ бутун хизматкорлари билан шаҳзода ихтиёрига берилган эди. Лекин шаҳзода ўша жодугар арслонга дуч келган кундан бери чорбоғ сайрига чиқмас, кўшкнинг қоронғи бир хонасида кўкрагини ерга бериб ётар эди.

Зухурбек Абусаид ётган хонага таъзим қилиб кирди-ю:

— Шаҳзодам,— деди.— Энди мен ҳам сизнинг кўйингизга тушдим. Бу баттол уч оғайни мени ҳам эл орасида шарманда қилди.

Шаҳзода ётган жойидан вазирга ғамгин кўз югуртирди. Зухурбек ҳам уятга қолиб қаттиқ изтироб чекаётгани важоҳатидан сезилиб турарди. Шаҳзода титроқ лабларини очиб:

— Нима бўлди?— деди.

Шунда Зухурбек аждаҳо қишлоққа қандай ҳужум қилганидан тортиб, унинг дастидан нечта навкар ўлгани, қанча уй куйганигача, охири Уктам ботир бу аждаҳони қандай ўлдириб, вазирни бўлажак келиннидан қандай маҳрум қилганигача — ҳаммасини бир-бир айтиб берди. Унинг ҳикояси давомида шаҳзода ўрнидан туриб ўтирди, кўзларида қизиқишга ўхшаган бир ифода пайдо бўлди, оёқ-қўли жонланиб қолди. Юзини ишқаб, воқеанинг баъзи тафсилотларини сўраб олди:

— Қиз узукни нима деб берди дедингиз? Ҳа, ихтиёрини шу узукка қўшиб топширдими!.. Хўш, Уктам узукни қандай қилиб олди? Кўзига суртиб, бир тиззасини ерга тираб... Ҳа-ҳа...

Шаҳзода Абусаид неча кунлардан бери энди биринчи марта мийиғида кулиб қўйди. Жодугар арслон билан олишган кунини унинг бошига тушган маломат худди ўша тарзда Зухурбекнинг бошига тушгани, вазир ҳам ўшанчалик ўсал бўлгани шаҳзодага қутилмаган даражада таскин бера бошлади. Уни шунча кундан бери тегирмон тошидай эзиб ётган ўсаллик энди гўё унинг устидан нари кетиб, вазири аъзамнинг боши узра айланмоқда эди! Шаҳзода энди унинг ҳолатига четдан қараб, бирдан енгил тортган ва ҳатто кулгиси ҳам келган эди. Шаҳзода Абусаид тетик товуш билан:

— Жаноб вазир, сиз энди менга астойдил ҳамдард бўлибсиз,— деди.

— Ҳа, шаҳзодам, мен бу бераҳм дарднинг давосини сиз билан бир-

га қидирай деб келдим. Наҳотки таги паст бир чўпоннинг ўғиллари бизни шунчалик ерга уриб, ўзлари осмонда бемалол юраверса?

— Осмонга қўлимиз етмайди, шекилли-да?

— Э, агар подшо ҳазратлари бизнинг додимизга етсалар, у авбошларни бир кунда нес-нобуд қилиш мумкин!

— Падари бузрукворим бир понсадини икки юз навкари билан ўша авбошларга қарши юборган эдилар-ку. Ҳеч иш чиқмапти-да?

— Битта понсад эплайдиган ёв эмас булар. Такасақраткидан ўтолмай, уч оғайнининг ота-онаси турган қишлоққа бориб, мол-ҳолини мусодара қилиб келибди. Бу ҳаммаси у авбошларга чивин чаққанчалик ҳам таъсир қилган эмас.

Шаҳзода ўйланиб туриб:

— Ҳа, буларга жиддий чора кўрилмаса, эртага бутун авомни орқаларидан эргаштиради, подшо отамнинг тахтига ҳам хавф солишлари мумкин,— деди.

— Жуда доно фикр айтдингиз, шаҳзодам. Энди кўкракни захга бериб ётишни бас қилинг. Туриб, жанговар кийимларни кийинг. Бир-галикда подшо ҳазратларининг ҳузурларига борайлик.

Абусайд хизматкорларини чақириб, энг яхши кийимларини кийди, энг яхши отини эгарлатди, сўнг Зухурбек билан бирга подшо саройига йўл олди.

Камолхон ўзининг хонайи хосида яхши кўрган тўтиқуши билан гаплашиб турганида, башанг кийинган, қилич таққан ўғли кириб келди:

— Эй, хайрият, шаҳзода тузалиб кетибди!— деб Камолхон ўғлини бағрига босди. Шунда шаҳзоданинг анча озиб, елкалари пуч бўлиб қолганини сизди.

— Ҳазратим, мени интиқом туйғуси оёққа турғизди!— деди шаҳзода.

— Қанақа интиқом?

— Вазири аъзам ташқарида рухсати олийга мунтазир бўлиб турибди, мумкин бўлса, чиқиртирсангиз.

Подшо қарсак чалиб, вазир Зухурбекни чақиртирди. Шаҳзодани ўнг томонига, вазирни чап томонига ўтказиб, гап нимадалигини бирма-бир сўраб олди.

— Авом халқ бугун шаҳзода билан вазирдан кўра қаёқдаги чўпоннинг ўғилларини кўпроқ эъозлайдиган бўлса, эртага нима аҳволга тушаркинмиз, шаҳаншоҳим?— деб вазир куюниб савол берди.— Мен-ку, бир қулингизман, бундай беҳурматликни ичимга ютиб кетавераман. Лекин шаҳзодамнинг сарғайиб кетган юзларига бир қаранг.

— Биз бу чўпонбаччалардан қасос олмоғимиз керак, дадажон!— деди шаҳзода.— Барча қўшин тўпу тўпхонаси билан уларга ҳамла қилиши лозим. Ушанда авом халқ ҳам давлатингизнинг қудратини яна бир марта ўз кўзи билан кўриб, попуғи пасайиб қолади. Акс ҳолда эрта-индин бутун авом ўша уч оғайнига эргашиб, ҳокимиятингизга қарши исён кўтариши мумкин!

Камолхоннинг энг қўрқадиган нарсаси — халқ исёни эди. Уғли билан вазирининг фикрларига қўшилгиси келиб:

— Бу авбош оғайнилар топиб бўлмайдиган жойларда яшириниб юрганмиш-ку,— деди.— Юборган навкарларимиз Такасақраткидан ўтолмай қайтиб келибди.

— Тоғдан айланиб ўтадиган йўлни қўшинга мен кўрсатаман,— деди вазир.— Дарёнинг устига муваққат кўприк қурдирамиз. Фақат сиз фармони олийга имзо чекиб, қўшинга буйруқ берсангиз бўлди, шаҳаншоҳим!

Подшо ўтирган кўйича қарсак чалиб, қўшиннинг саркардаси —

синоҳсоларни чақиртирди. Орага тушган бир лаҳзалик жимликда тўтиқушнинг баланд товуши эшитилди:

— Ҳазратим! Уч оғайни билан жанг қилманг! Емон бўлади! Жанг қилманг!

Подшо иккиланиб қолди.

— Бу тўтига шу гапларни ким ўргатган, ҳазратим?— деб шаҳзода энсаси қотиб сўради.— Аввалги гал ҳам тўти шу гапни айтиб, сизни иккилантириб қўйган эди.

— Мен бу тўтини кўп синаганман, шаҳзода,— деди Камолхон.— Бу бир нарсани сезмаса шундай демайди.

— Лекин мен, ёлғиз ўғлингиз, кўп нарсани сезибгина қолмай, чўпонбачаларнинг шунчалик жабрини тортмоқдаман-ку! Наҳотки тўтининг бир гапи сиз учун менинг жонимдан азиз бўлса?

— Нима, чўпонбачалар сизнинг жонингизга ҳам қасд қилмоқдаларми, шаҳзодам?— деб сўради Камолхон.

— Ҳа, менинг жоним ҳозир қил устида турибди, ҳазратим! Агар ўша авбошлар тоғдаги яшириниб юрган жойида йўқ қилинмаса, бир кун эмас бир кун бизнинг жонимизни олиш учун пойтахтга ҳам келади! Мен бунга аминман!

— Мен ҳам худди шу фикрдаман!— деди вазир.

Таъзим қилиб кирган синоҳсолар ҳам вазир Зухурбекнинг таъсиридаги киши эди. Уч оғайнига қарши юриш қилишни у ҳам ёқлаб чиқди.

Уй тўридаги тўти яна бир марта:

— Уч оғайнига қарши жанг қилманг, ҳазратим! Емон бўлади, жанг қилманг!— деб такрорлади.

Лекин энди бу сўзлар Камолхоннинг гашини келтирди. У яна қарсак чалиб, хизматкорни чақирди-ю, тўтини қафаси билан бошқа узоқроқ хонага олиб чиқиб қўйишни буюрди.

Шундан кейинги маслаҳат ва фармони олийга биноан эрталабдан минг-минглаб отлиғу пиёда аскарлар саф-саф бўлиб, янги юришга тайёрлана бошлади, тўплар ва уларнинг ўқлари қалъадаги тўпхонадан олиниб араваларга ортилди. Тоққа юборилган қурувчилар Такасақраткининг нарёғидан айланиб ўтиб, аравалар ўтишига қулай бўлган бир жойни танлашди ва ўрмондаги энг баланд арчаларни қирқиб олиб, муваққат кўприк ясашга киришдилар.

Тўплар ортилган аравалар кўприк битгунча дарё бўйида бир неча кун туриб қолди.

## 6

Камолхоннинг салтанатига ҳужум қилишни анчадан бери кўнглига тугиб юрган Қирондев ер тагида пайт пойлаб ётган эди. У подшонинг қўшинидан тап тормас, фақат унинг тўпу тўпхонасидан қўрқар эди. Чунки уни оғир тўпларнинг ўқиғина ярадор қилиши, ҳатто ўлдириши мумкин эди.

Мана энди подшонинг тўплари қалъадаги тўпхоналаридан олиниб, уч оғайнига қарши отиш мақсадида араваларга юкланган пайт Қирондев учун жуда қулай туюлди.

Бир кун саҳар пайти шамол туриб, дарахтлар сингудай эгилди, чанг-тўзон кўтарилди. Ер қаъридан чиқиб келган зўр бир ҳаракат борлиқни титратиб юборди. Улкан харсанг тошлар тепадан шақир-шуқур юмалаб туша бошлади. Дарё ва кўлларнинг сувлари чайқалиб қирғоқларини босиб кетди. Тўплар ортилган аравалар ўздан-ўзи нари бориб, бери кела бошлади. Кейин текис бўз ер қоқ ўртасидан шишиб кўтарилиб, тарс ёрилиб кетди-ю, ундан уч бошли баҳайбат Қирондев чиқиб келди. Гавдаси минорадай баланд, елкаси тоғ ўрка-

чидай кенг. Бу елкада бир эмас учта бош уч томонга таҳдид солиб туради. Бир боши бургут, бир боши тимсоҳ, бир боши бадбашара одам. Яғринида ҳар бири уч қулочдан келадиган иккита бургут қанотлари бор. Одамнинг қўлларига ўхшайдиган, лекин юқорига чўзса энг баланд чинорнинг учига етадиган қўлларида жувоз кундадай каттакон гурзи. Филнинг оёғидай йўғон оёқлари ёнида тирноқлари ханжардай ўткир соҳибчангал бургут панжалари ҳам бор. Орқасида эса йўғон, ғадир-будур, узун тимсоҳнинг думи ерга судралиб боради.

Қирондев ерни зилзила пайтидагидай ларзага келтириб ёриб чиққандаёқ подшо аскарларининг юраги бўшроқлари кўрқиб тахта бўлиб қолди, сал дадилроқлари қуролларини қўлларига олиб, отларига мина бошлашди. Қирондев бир депсиниб, бургут қанотлари ёрдамида осмонга учди-ю, отланаётган навкарлардан беш-ўнтасини думи билан уриб йиқитиб ўтди. Тепароққа ўрнатилган чодирга қўлидаги улкан гурзиси билан бир урган эди, чодир қоғоздай ғижимланиб, ичидаги одамларни босиб тушди, лашкарбоши йиқилган чодирга ўралиб қолиб, ўрнидан туролмай типирчилади.

Буни кўрган минглаб аскарлар тумтарақай бўлиб қоча бошладди. Қирондевининг одамниқига ўхшаган бошидан қалдироқ товуш эшитилди:

— Камолхоннинг аскарими бу ё қурт-қумурсқами! Ха-ха-ха! Ҳаммангни йўқ қиламан!

Шу пайт тўпчиларнинг саркардаси сал ҳушини йиғиб, аравадаги тўпларни отишга тайёрлаш ҳақида буйруқ берди.

У замоннинг тўпларини тўпхонада турганда отиш осонроқ эди. Аммо аравада юрганда бу тўпларни отишга тайёрлаш ва нишонни мўлжалга олиб, қувурни унга қаратиб тўғрилаш кўп вақт талаб қилар, чақмоқ чақиб, пилтани ўт олдириш ҳам тез бўладиган иш эмас эди. Тўпчилар аравалардаги тўпларни отишга тайёрлаётганларини Қирондев узоқдан кўрди. Бургут қанотларини тез-тез сермаб, тўпчиларнинг устига учиб борди. Тўпчилар шоша-пиша тўпларни ерга туширдилар, уларнинг қувурини Қирондевга тўғрилаб, пилтани чақмоқ билан ёндирмоқчи бўлдилар. Лекин бу орада Қирондев уларнинг тепасига учиб келишга улгурди, қўлидаги йўғон гурзисини тўпчиларнинг бошига урди. Думи билан тўпчиларнинг юзбошисини уриб, ағанатиб юборди. Тўп қувурига ўқ солаётган бир йигитнинг кўзини бургут тумшуги билан чўқиб кўр қилди. Буни кўрган бошқа тўпчилар араваларини ташлаб қочишга тушдилар.

Қирондев тўплар ортилган араваларни дарёга томон суриб бориб, бирин-кетин сувга ағдариб ташлади.

— Ха-ха-ха!— деб тоғларни ларзага келтириб, қалдироқ товуш билан кулди.— Мана энди Камолхон подшо мен билан урушга кўрсин!

Қирондев Камолхон подшонинг тўрт томонга тарқаб қочаётган аскарларини қувиб кетди.

Бу аскарлар орасида Қирондев ҳалок қилган ўртоқларининг қасдини олишга интилиб, девга узоқдан найза отаётган ёйига, ўқ ўрнатиб учираётган дадил йигитлар ҳам бор эди. Аммо узоқдан отилган оғир найзалар гоҳ ерда қуюндай чопаётган, гоҳ осмонда бургут бўлиб учаётган Қирондевга етиб бормас эди. Харсанг тош орқасига беркиниб, девнинг яқин келишини пойлаб туриб отилган бир ёй ўқи Қирондевининг узун думига келиб санчилди. Лекин унинг тимсоҳона териси шунчалик қалин эдики, ёй ўқи тешиб ўтолмади. Одам кўкрагига ўхшаш кўкраги эса қалин кигиз билан ўраб ташланган, узоқдан отилган ёй ўқлари девнинг кўкрагига теккан пайтда ҳам шу кигизга ўралиб туриб қолар, кейин дев қаттиқ бир силкинса тешиб кетар эди.

Қирондевга ўқ отган ҳар бир навкар аёвсиз таъқибга учрарди.

Қоятош устига қочиб чиқса, дев бургут қанотлари билан кетидан учиб чиқар ва бургут панжаси билан бир тегиб, пастга ағанатиб юборар эди. Уқ отган навкар дарёга қочиб кирса, Қирондев ҳам дарёга ўзини ташлар, тимсоҳ бўлиб сузиб, қочган йигитнинг кетидан етиб борар, ваҳимали тимсоҳ огзини очиб, икки қатор ўткир тишлари билан ўз қурбонини ғажиб ташлар эди. Буни кўрган бошқа навкарлар Қирондевга ортиқча қаршилик қилмай, подшо қалъасига қараб қочдилар. Олдинроқ борганлар қалъага кириб, бўлган воқеани қалъадагиларга айтиб бердилар. Қирондевининг даҳшатини эшитган Камолхон қалъа дарвозаларини тезда беркитишни буюрди. Кейин қолган навкарлар қалъага ҳам киролмай, бири чўлга, бири ўрмонга қараб қочди.

Қирондев улкан қанотларини сермаб, қалъа дарвозалари устидан ошиб ўтди-ю, подшо саройи қаршисидаги энг баланд муғ — қадимий тепалик устидаги гумбазга чиқиб наъра тортди:

— Эй, Камолхон, яхшиликча таслим бўл!

Подшонинг қўриқчи йигитлари пастдан туриб, баланд муғ устига қўнқайган Қирондевга палахмон тоши отиб кўрдилар. Лекин пастдан муғ тепасига чиқиб боргунча кучи кетиб, секинлаб учган палахмон тошлари девга ҳеч бир зарар етказмади. Дев бу тошлардан бирини илиб олиб, уни отганларнинг ўзларига қайтариб урди-ю, яна бир неча кишини нобуд қилди.

— Тўпларнинг қадри ўтди-да!— деди Камолхон соқолини юлиб.— Тўпларим тўпхонасида турганда Қирондев менга яқинлашмас эди!

— Ҳазратим, энди бу дев билан муроса йўлини изланг!— шивирлади Зухурбек.

Шундан сўнг Камолхон вазирни орага қўйиб, Қирондевининг мақсадини сўради.

— Мақсадим катта!— деб Қирондев муғ устидан бутун қалъа эшитадиган қилиб хахолаб кулди.— Мен подшонинг ўн беш ёшлик қизи Юлдузхонга ошиқман! Лекин Юлдузхон малика бўлгани учун фақат тожу тахти бор подшога тегади. Шунинг учун мен Камолхоннинг тожу тахтини ҳам эгалламоқчиман. Яхшиликча шу шартимни қабул қилмаса подшони ҳам ўлдираман! Қаршилик қилган ҳамма одамни қираман. Юлдузхон қучоғимга кирмагунча қўймайман!

Бу сўзларни эшитган Юлдузхон гулзор орасидан югуриб чиқиб, подшо отасига илтижо қилди:

— Ҳазратим отажон! Мени бу учбошли девга берманг! Мен унинг қучоғига кирадиган бўлсам ўзимни ўзим ўлдираман!

Суюкли қизининг нидосидан юраги эзилган подшо вазир Зухурбекка қараб:

— Қандай кунларга қолдик!— деди.— Наҳотки бирон нажот йўли топилмаса?!

Зухурбек овозини пасайтириб:

— Вақт керак, шаҳаншоҳим!— деди.— Юлдузхон Қирондездан муҳлат сўрасинлар! Ҳеч бўлмаса бир ҳафта муҳлат берсин!

Бу фикр подшога ҳам, Юлдузхонга ҳам нажот берадигандек туюлди.

— Бир ҳафта эмас, қирқ кун!— деди Юлдузхон.— Яна қирқ кунгина умр кўрай! Кейин пешонамда бори бўлар!

Подшо вазирга юзланди:

— Қирондевга айтинг! Қизим унинг шартини қабул қилади, фақат тўй тайёрилиги учун қирқ кун муҳлат сўраймиз!

Зухурбек овозини баланд қўйиб, муғ устидаги девга бу гапларни айтар экан, унинг ҳар бир сўзини қалъадаги бутун аҳоли ҳам жим туриб эшитди.

— Қирқ кун?! Ха-ха-ха!— деб масхара қилиб кулди Қирондев.— Мен бир ухласам уч ой ухлайман. Яқинда уйқудан турганман, энди уч ой ухламай ҳаммангни қираман! Мени бекорга Қирондев демаганлар! Агар Юлдузхон тезроқ менга хотин бўлмаса қўрғондаги фуқаронгни қиришга тушаман, подшо. Қирқ кунгача мамлакатингда тирик одам қолармикин? Кейин сен тўйга кимни чақирасан?!

Бу гапларни эшитиб турган қалъа аҳолиси орасидан йиғи-сиғи товушлари эшитилди. Мўйсафидлардан бир қанчаси подшога мурожаат қилиб:

— Ҳазратим, халқни ҳам ўйланг!— дейишди.— Фуқаро қирилиб кетса хизматингизни ким қилади?!

Подшо яна вазир орқали Қирондевга мурожаат қилди:

— Қирқ кун кўп бўлса, бир ҳафта муҳлат берсин!

— Бир кунга муҳлат бераман!— деди Қирондев.— Эртага шу пайтгача кутаман! Эртага Юлдузхон қучоғимга кирмаса, кейин ҳамманг жонингдан умидингни узавер!

— Хўп денг, шаҳаншоҳим!— шивирлади вазир.— Бир кун ҳам ҳарна!

— Майли, эртагача қўрғондан чиқиб турсин!— деди подшо вазирга.

Юлдузхон уввос солиб йиғлай бошлади. Қирондев эса подшо оиласининг аянчли аҳволидан хахолаб кула-кула, муғ устидан тушиб, қўрғон деворидан учиб ўтди. Сўнг атроф қишлоқлардаги одамларнинг бирини бургут оёғи билан тепиб, иккинчисини думи билан уриб йиқитиб, учинчисини гурзиси билан уриб пачақлаб қирғинни давом эттирди.



Подшо Қамолхон вазири, ўғли ва қизи билан хонайи хосга қайтиб кириб, саросима бир аҳволда:

— Энди нима қиламиз?— деди.— Бу Қирондевга фақат тўпу тўпхона бас келар экан. Тўпхоналаримиз турибди. Бирон жойдан тўп топиб бўлармикин?

Лекин бор тўпларнинг ҳаммаси ўшанда араваларга ортиб кетилган ва Қирондев томонидан йўқ қилинган эди. Подшо тўп ясайдиган усталарни чақиртирди. Бироқ улар бир кунда тўп ясаб улгура олмасликларини, тўпларнинг маъданини эритиб, қолипларга қуйиб совутиш учун камида бир ҳафта-ўн кун кераклигини айтишди.

— Шунча тўпларим бор эди. Сенлар бошига етдиларинг-а!— деб Қамолхон вазири билан ўғлини уришиб кетди.— Қаёқдаги боғбон билан заргарнинг қизини деб, мени уч оғайни билан ёв қилдиларинг! Қасофатсанлар! Қалтафаҳмсанлар! Уша тўтиқушчалик ҳам ақлларинг йўқ! Қайта тўтиқуш тўғри айтган экан! Ҳей, хизматкор! Тўтиқуш қани? Тўтиқушни олиб кел!

Хизматкор тўтиқушни қафаси билан кўтариб келиб, аввалги жойига — хонайи хоснинг тўрига осди. Қамолхон қафасга яқинлашиб:

— Тўтиқуш, аҳволинг дурустми?— деди.— Нега индаймайсан? Илгари кўрган заҳотинг «ассалом» дер эдинг, энди нега жимсан? Мендан хафамисан? Лекин ҳозир гина қиладиган пайт эмас, тўтиқушим! Ҳаммамизнинг жонимиз қил устида турибди! Қирондев бир кунга муҳлат берди! Эртага шу пайтда бу тожу тахт, хонайи хос ҳаммаси Қирондевга қолса сен нима қиласан, тўтиқуш? Қирондев сени ҳам бургут тумшуғи билан бир чўқиб ўлдириб ташламайди дейсанми? Ёки тимсоҳ оғзини очиб, бир ямлаб ютишига ишонмайсанми? А, тўтиқушим? Бир оғиз сўзла!

Тўтиқуш бирдан тилга кирди. Одатдаги баланд, шанғи товуш билан:

— Уч оғайнини чақиринг!— деди.

— Рост, ўшалардан бошқа илинж қолмади, ҳазратим!— деди Юлдузхон.

— А?— деб Камолхон ўғли билан вазирининг юзига тикилди:— Сенлар уч оғайнини ҳам менга ёв қилиб қўйгансанлар-ку? Вазир аъзам, сизнинг гапингизга кириб, Чўпон отанинг молу мулкини талатган эдим-а. Энди унинг ўғилларини қайси юз билан ёрдамга чақираман?

— Уч оғайнилар ҳам бизга ўхшаган одам боласи-да,— деди шаҳзода Абусаид.— Қирондеври кўрдик-ку. Бунга одам боласи бас келолмайди.

— Уч оғайнилар жодугар арслон билан даҳшатли аждаҳога бас келишибди-ку!— деди Юлдузхон.

— Мен бу чўпонбаччаларга ялиниб обрўйимни тўккунча, кечаси секин қалъадан чиқиб қочишни афзал кўраман!— деди шаҳзода.

— Синглингиз билан мени Қирондеврнинг чангалига ташлаб қочмоқчимисиз?— ўсмоқчилаб сўради Камолхон.

— Бирга қочайлик, демоқчи эдим, дадажон! Мени тўғри тушунинг!

— Лекин сиз яна калта ўйламоқдасиз. Қирондев кечаси ухламайди. Қочсак бургут қанотлари билан бирпасда қувиб етади! Ана ундан кейин мени ҳам, шаҳзодани ҳам, вазирни ҳам тилка-пора қилиб, Юлдузхонга етишади, тожу тахтни ҳам эгаллайди!

— Бу хато йўлдан бизни худо қайтарсин, ҳазратим!— деди Зухурбек.— Қирондеврнинг даҳшати-ю, нақ ўлим таҳликаси олдида уч оғайнидан тортган азиятимиз ҳам аҳамиятсиз кўриняпти. Ахир, Камолхон шаҳаншоҳнинг ўғлидек улуғ шаҳзодага ўша борбоннинг қизидан ҳам кўҳлироқ қизларни топиш мумкин-ку. Мен ўзимнинг ўғлига ҳам ўша заргарнинг қизидан яхшироқ қаллиқлар тополмайманми? Жонимиз қил устида турган пайтда ўткинчи иззат-нафсни унутайлик, ҳазратим, Чўпон отадан мусодара қилинган мол-ҳолни битта қолдирмай қайтарайлик. Уч оғайнининг ота-онасига озор берган понсад билан ўлпончи бу нарсаларни қайтариб олиб борсин-у, оёқларига йиқилиб узр сўрасин!

— Мана бу — доно маслаҳат!— деди Камолхоннинг бирдан чеҳраси очилди.— Жаноб вазир, бу ишни мен сизга топшираман. Дарҳол ўша понсад билан ўлпончини топиб, тун қоронғисида Чўпон отанинг қўрасига етиб боринг. Битта молни иккита қилиб қайтарсангиз ҳам майли, чолнинг кўнглини олинг-у, ўғилларини Қирондеврага қарши олантиринг!

Чўпон ота билан унинг ўғилларига бунчалик илтифот кўрсатилишидан норози бўлаётган шаҳзода Абусаид:

— Вазир аъзам, наҳотки сиз шу чўпонбаччаларнинг Қирондеврага бас келишига ишонсангиз?— деди.

Вазир тезда жавоб беравермагач, Юлдузхон:

— Мен ишонаман!— деди.— Жаноб вазир, уч оғайнига менинг номимдан айтинг, агар бизни шу балодан халос қилсалар, мен шоҳ қизи бўлсам ҳам, умр бўйи уларнинг хизматини қилишга тайёрман!

Маликанинг бу гапларидан шаҳзоданинг нафрати келиб, афтини буриштирди. Вазир аввал Юлдузхонга жавоб бериб:

— Маликам, карам қилдингиз, мен бу сўзларингизни уч оғайнига албатта етказдираман,— деди. Сўнг шаҳзоданинг қулоғига шивирлади:— Уч оғайни Қирондеврага бас келса — яхши, жонимиз омон қолади, нарёғида яна бирон йўлини ўйлаб топамиз. Агар уч оғайни Қирондеврага бас келолмай ҳалок бўлса, унда сизу биз шу чўпонбаччалардан ҳам қутуламиз! Емонми?



Шаҳзоданинг энди сал чеҳраси очилди.

— Душманни душманга қарши солиш — доно тadbир, жаноб ва- зир. Тўғри, улар бир-бирини нобуд қилса, биз муродга тезроқ етамиз.

— Ахир, бу Қирондев чўпонбаччаларнинг бирини ўлдирса-ю, ик- кинчисини майиб қилса ҳам майли-да, биз учинчисини қайириб оли- шимиз осон бўлади.

Вазир Зухурбек мана шу ният билан йўл тайёрлигини кўра бош- лади.

## 7

Қирондевининг зилзиласи Такасакраткининг тепасида осилиб тур- ган тошлардан бир қанчасини қулатганда уч оғайни арчазор ўрмон- да ов қилиб юрган эди. Тўлан билан Уктам битта кийик, Кенжа ўнга яқин каклик отишган эди. Овга берилиб қизишган Кенжа:

— Тоғнинг юқорироғига чиқайлик, мен ҳам битта кийик отай!— деди.

Уктам ёйини елкасига осди-да, Тўланга қаради:

— Қўшхонадагилар нима бўлдийкин, ака?

Икковининг ҳам хаёли қаллиқлари Санобар билан Муаттарга кетди. Кенжа буни сезиб кулди:

— Қўшхонадагиларнинг ёнларида ота-оналари бор-ку. Ё соғиниб қолдиларингизми?

— Сен бунинг нималигини бошингга тушганда биласан, ука,— деди Уктам.

— Ҳа, ахир, бечора қизлар дугоналаридан айрилиб, ўрганган жойларидан узоқда — ўрмонда юришибди,— деди Тўлан.— Ота-она- лари ҳам қувғинга учраганларидан хафа.

— Қачонгача шунақа қилиб юрамиз энди?— сўради Уктам.

— Отамнинг олдига бориб бир маслаҳат сўрашимиз керак,— деди Кенжа.

— Юринглар, аввал қўшхонага қайтайлик. Зилзила бўлди. Чо- дир-ўтовларга ҳеч нарса қилмагандир-у, лекин тошлар қулаб тушиб, қўшхонадагиларни қўрқитган бўлиши мумкин.

Уч оғайни овларини отларига ортиб, Санобар ва Муаттарлар тур- ган кенг дарага қайтиб келдилар. Муаттар билан Санобар ўтовлари- дан чиқиб, уларнинг йўлига кўз тикиб турган экан.

— Зилзиладан қўрқдиларингми, Санобар?— деб сўради Тўлан.

— Пастда зилзиладан ҳам баттар бир бахтсизлик бўлаётганга ўх- шайди,— деди Санобар.— Қулоғимга ёмон товушлар эшитилляпти, Тў- лан ака. Бир маҳлуқ нуқул наъра тортади. Одамлар жон аччиғида чинқиради. Ана, ҳозир ҳам эшитдим!

— Менга унча эшитилмаяпти!— деб қўйди Муаттар.

Тўлан ҳам қулоқ солиб кўрди-ю, пастда тоғ дарёсининг шовул- лашидан бошқа нарсани эшитмади.

— Менинг қулоғим шунақа сезгир!— деди Санобар.— Бир вақт- лар кийик бўлиб, яна аслимга қайтганимдан бери одамлар эшитмай- диган товушларни ҳам эшитаман.

— Тўлан ака, бўлмаса мен Такасакраткидан нарига ўтиб, паст- даги қишлоққа бориб келай. Сиз Уктам акам билан шу ерда бўлиб турунгизлар.

Кенжа атайлаб акаларини қаллиқлари билан яккама-якка қол- диргиси келиб шундай демоқда эди. Тўлан укасининг ниятини ёқти- риб кулимсиради-да:

— Майли, боргин-у, лекин тез қайтгин,— деди.— Унгача биз

кийик гўштидан битта қовурдоқ тайёрлаб турамыз. Қани, Уктам, сен кийикни терила<sup>1</sup>.

— Муаттар, юринг, биз ўчоққа ўт қўйиб, қозонни осайлик,— деди Санобар.

Улар иш билан овуниб, қўрқувни унутгандек бўлдилар.

□

Кенжа ботир Такасақраткидан нарига ўтгандан кейин Санобар айтган хунук товушлар, қий-чув, йиғи-сиғилар унинг қулоғига ҳам эшитила бошлади. У бунинг сабабини билолмай яна сал пастга тушганди, қаршисидан кийимлари йиртилган, юзлари тирналган иккита навкар чиқди. Булар Қирондевнинг даҳшатида қочиб қутулган подшо навкарлари эди. Улар Кенжага Қирондев ерни ёриб чиққан пайтда қандай зилзила бўлгани-ю тўпларни қандай дарёга улоқтирганини, юзлаб навкарлар қанақа қилиб жон берганини бир-бир айтиб беришди.

Қирондев подшонинг қўрғонини ҳам тўс-тўполон қилиб чиққанини, Камолхон унга қарши ҳеч қандай чора тополмай, бир кунга муҳлат сўраганини, Қирондев ҳозир атроф қишлоқларда одамларни қириб юрганини эшитган Кенжа бу махлуқни ўз кўзи билан кўриб қўйгиси келди-ю, узоқдаги қишлоққа томон отини елдириб кетди.

Қишлоқ уйларидан йиғи-сиғи, аза товуши эшитилмоқда эди. Қирондев ўлдирган навкарларнинг бир қанчаси маъна шу қишлоқнинг йиғитлари эди. Ота-оналари йиғлаб-сиқтаб уларни дафн қилмоқда эдилар. Шаҳар томонга бориб келган одамлар Қирондевнинг қўрғон атрофидаги қишлоқларни вайрон қилиб, бегуноҳ одамларни ўлдираётганини айтиб бердилар.

Кенжанинг хаёли кекса ота-онасига кетди. Уларнинг қўраси тоғ этагида бўлса ҳам, бу ердан қўра подшонинг қўрғонига яқинроқ эди. Қирондев ўша ёқда қутуриб қирғин қилиб юрган бўлса, тентираб Чўпон отанинг қўрасига бориб қолиши ҳам мумкин. Кенжа ботир ота-онасини тушида увада кийимларда кўрганини яна бир эслади-ю, отини орқага бурди, тезлик билан акаларининг олдига қайтиб бориб, бутун воқеани айтиб берди.

Тўлан ботир Санобар билан Муаттарга қараб:

— Биз энди ота-онамиздан хабар олмасак бўлмайди,— деди.— Сизлар шу ерда қоласизларми?

— Узоқдаги хунук наъра ва шовқин-суронлар ҳамон қулоғига эшитилиб турган Санобар ваҳимали тоғ дарасида Тўлан ботирсиз қолишни истамас эди. Қизнинг боғбон отаси ҳам:

— Тўланжон, бизни энди қишлоғимизга элтиб қўйинлар,— деди.— Биз подшо билан вазирдан қочиб бу ерга келган эдик. Ҳозир Камолхон ўзи билан ўзи андармон экан. Бизнинг қишлоғимиз подшонинг қўрғонидан жуда узоқда. Балки Қирондев биз томонларга бормас. Мабодо боши оғиб бориб қолса ҳам, эл-юрт билан бирга бўлганимиз яхши.

— Бу ёғида элнинг бошига нима тушса, биз ҳам шуни бирга баҳам кўрамыз,— деди Муаттарнинг заргар отаси. У ҳам ўз қишлоғига қайтишни истаб турарди.

Шундан кейин уч оғайнилар уларни бедов отларига мингаштириб, Такасақраткидан нарига ўтказдилар. Кейин уларни етовдаги отларига миндириб, қишлоқларига элтиб қўйганларича кеч кириб қоронғи тушиб қолди. Тун қоронғисида улар отларини елдириб, ўз қишлоқлари томон шошилдилар.

<sup>1</sup> Терилаш — терисини шилиш.

Тун ярмидан оғанда уйларига яқинлашиб, ҳовлида машғалалар ёниб турганини, бир талай отлиғу пиёда одамлар борлигини кўришиб, ҳайрон бўлдилар.

Ака-укалар ҳовлига секин кириб борганларида, вазири аъзам Зухурбек отидан тушиб, Чўпон отанинг олдида қўл қовуштириб турганини, понсад билан ўлпончи эса отанинг оёғига йиқилиб, бир нарсалар деб ялинаётганини кўришди. Нарироқда ботирларнинг оналари олдида икки-учта оғзи очилган катта сандиқлар кўринар, уларнинг ичида шохи-атласлар, аёлларнинг олтин-кумуш тақинчоқлари кўзга ташланарди.

Уч оғайнилари ўртага чиққанларида ота-оналари уларни кўриб:

— Ўғилларим!

— Болажонларим!— деб қучоқ очиб кела бошладилар. Улар кўришиб, омонлашгунларича вазир ҳам, бошқалар ҳам жим, одоб сақлаб турдилар. Кейин чол-кампир бўлган воқеани гоҳ дарғазаб бўлиб, гоҳ кулиб айтиб бердилар.

Шундан сўнг вазири аъзам:

— Биз беҳабар эканмиз, шаҳаншоҳ хабар топиб, айбдорларни жазоладилар,— деб гап қўшди:— Барча мол-ҳолларни, битта игна ҳам қолдирмай, қайтариш ҳақида буйруқ бердилар, мана, мен ўзим Қирондев даҳшат солиб, одамларни қираётган жойлардан чиқиб келиб, фармони олийнинг бажарилишини назорат қилмоқдаман. Мана бу понсад билан ўлпончи сизларнинг ота-оналарингизга озор беришган экан. Қўлларини боғлатиб, ота-оналарингнинг оёқлари тагига ташладик. Подшо ҳазратлари айтдилар: агар Чўпон ота буларнинг қонидан кечсалар тирик қолишади, бўлмаса, ўзларини дорга осиб, мол-мулклари таланади, дедилар.

Қўллари орқаларига боғланган понсад билан ўлпончи энди ака-ука ботирлар томонга бурилишди, тиз чўккан кўйларича ялинишди:

— Бола-чақаларимизга шафқат қилинглар, ботирлар!

— Етим кўпаймасин!

Тўлан ботир отасига қараб паст товуш билан:

— Дада, бу подшо-ю, вазирлар нечук мунча юмшаб қолишибди?— деди.

— Э, ўғлим, Қирондев буларни ҳушёр тортдирганга ўхшайди.

Ботирларнинг онаси тиз чўкиб турган понсадга қараб:

— Шунчалик ҳолинг бор экан, ўша куни мени навкаринг итариб йиқитганда нега шафқат қилмадинг? Нега чолимнинг қўлларини боғлатиб бизни хор қилдинг?!— деди.

— Мен аҳмоқлик қилган эканман, онажон, мени кечиринг!

— Қўй, йилқиларни ҳам қайтаришдими?— деб Кенжа ботир қоронғида дуруст кўринмаётган қўра томонга ишора қилди.

— Ҳаммасини битта қолдирмай қайтарипти!— деди кампир.— Сўйиб еганларининг ўрнига ўрин олиб келибди.

Чўпон ота мийиғида кулди-ю:

— Энди, майли, ўғилларим келганидан кўнглим йиғиб кетди,— деди.— Эгилган бошни қилич кесмас дейдилар. Агар понсад билан ўлпончи бизга қилган ёмонлигини бошқа ҳеч кимга қилмаслигига вазир жаноблари кафолат берсалар, биз буларнинг гуноҳидан ўта қоламиз!

— Мен кафолат бераман!— деди вазир.

Ўлпончи йиғламсираб:

— Бас, мен шу ўлпончиликни ташлайман!— деди.— Мен ҳам мол боқиб, ер ҳайдаб, пешона терим билан кун кўраман!

Понсад ҳам бир нарсалар деб, катта ваъдалар бера бошлаган эди, шу пайт қалъа томондан қишлоққа бир талай одам дод-вой со-

либ кириб келди-ю, ҳамма ёқни говур-гувур босиб кетди. Шу говур орасидан:

— Уч оғайни ботирлар қаерда?— деган нидо эшитилди.

— Чўпон отанинг ҳовлиси шуми?

— Ҳа, шу, келинглар. Нима бўлди?

— Бу Қирондев элни қириб йўқ қилиб ташлади-ку! Ботирлар жонимизга ора кирмасмикин?

Ботирларнинг онаси ўғилларини бу балодан асрагиси келиб:

— Подшога арзга бормадиларингми?— деди.— Подшомиз халқдан шунча ўлпон олиб, шунча кўп аскар боқяпти! Шунча полвонлари бор, тўпу тўпхоналари бор!

— Эй, кайвони, Қирондев тўпларни сувга чўктириб ташлади, аскарларни қириб, тумтарақай қилиб юборди!— деди вазир.

— Подшонинг ботир ўғли бор эмиш!— бўш келмади она.— Сизнинг ҳам ўғлингиз бордир! Улар нега майдонга чиқмайди?

— Улар майдонга чиқса, бекорга ҳалок бўлиб кетади! Қирондеви фақат сизнинг баҳодир ўғилларингиз даф қилиши мумкин!

— Мен Қирондевга ем бўлсин деб бола ўстирганим йўқ! Бир парча этни ўстириб катта қилиш осонми?

Уч оғайнидан нажот излаб келган одамлар орасида ёши юздан ошган кекса бир одам бор эди. Ҳассасига суяниб машъала ёруғига чиқди:

— Кайвони, фарзанд сизники, бу рост! Шундай ботир ўғиллар ўстирган ота-онага балли. Лекин «яхши йигит билан яхши от — элники» деган нақл бор. Элнинг бошига оғир кун тушди. Одамлар бу девнинг дастидан қирилиб кетяпти. Ўғилларингиз шундай пайтда элнинг жонига ора кирмаса қандай бўларкин?

— Ахир, Қирондев подшонинг тахтичи оламан деяётган эмиш-ку. Подшога тахти керак бўлса дев билан ўзи олишсин-да!

— Э, хотин,— деб Чўпон ота гапга аралашди.— Бу подшолар доим бошқаларни балогардон қилиб уришади. Подшо жангга кирса ҳам, ҳаммадан кейин киради. Унгача юрт қирилиб тамом бўлади! Халқнинг бошига кулфат тушганда ўғилларимиз четга чиқиб турса яхши бўлмас дейман.

Онаизор кўзига ёш олди-ю:

— Иложим қанча!— деди.

— Онажон, кўп хавотирланманг,— деди Кенжа ботир.— Сизнинг меҳрингиз, отамнинг меҳри бизни ҳар қандай балодан асрайди. Насиб қилса энгиб чиқамиз!

Уч оғайнилар ота-онанинг оқ фотиҳасини олдилар. Юз ёшлик кекса мўйсафид ҳам эл-юрт номидан уларга омад тилади. Бу тилакка вазир ҳам, қўли ечилиб, анча ўзига келиб қолган понсад ва ўлпончилар ҳам қўшилдилар.

Йигитлар энг ўткир қилич ва ханжарларини тақишиб, энг яхши совут, дубулғаларини кийишди, қалқонларини қўлга олишиб, эгарларининг қошига энг бақувват сиртмоқларини илишди.

Оналари ичкаридан учта бутун нон олиб чиқди:

— Болаларим, шу нондан бир тишлам-бир тишлам энглари!— деди.— Қолганини қайтиб келиб егулик қилсин!

Ботирлар бир тишламдан еган учта кемтик нон уйда қолди.

## 8

Уйқу билмай, туни билан қишлоқларни кезиб юрган Қирондев гоҳ бургут бўлиб чинқирар, гоҳ одам овози билан наъра тортар, зўр гурзиси билан уйларни уриб йиқитар, харобалар ичидан қочиб чиқ-

қан одамларга тимсоҳ думи билан зарба бериб ағанатарди. Аёллар ва болаларнинг ўлим талвасасида аччиқ дод солгани уч оғайнига эшитилди.

— Ака, бу дев билан мен бир олишиб кўрай,— деди Уктам ботир. Кенжа ботир эътироз қилди:

— Сиз аждаҳо билан олишдингиз. Энди навбат меники.

— Лекин бу девни битта одам эплаши қийин,— деди Тўлан.— Қара, бунинг учта боши бор. Бу ўзи асли учта бало бирикиб, пайдо бўлган маҳлуқ.

— Ака, мен ҳам бахтимни синаб кўрай, ахир. Сизларга муносиб ука бўлишим керак.

— Лекин орамизда энг чаққонимиз ҳам ўзингсан, Кенжа,— деди Уктам.— Бу дев билан олишиш учун кучдан ҳам кўпроқ чаққонлик керак.

Тўлан ботир хуржунидан ғалати бир дубулға олди.

— Бўлмаса, Кенжа, ука, бошингга мана бу дубулғани кий. Кўзни бекитиб турадиган олмос кўзойнаги бор. Бургут кўзингни чўқимоқчи бўлганда тумшуғи синсин!

— Хўп, ака!— деб Кенжа акаси берган дубулғани бошига кийди.

Уктам ботир хуржунидан калта сопли ойболта олди.

— Кенжа, сенинг икки қўллаб қилич чопадиган одатинг бор. Агар қиличинг бирон сабаб билан иш бермай қолса мана шу болтани ишлатасан. Пўлатни ёғдай кесадиған ўткир тиғи бор.

— Хўп, ака,— деб Кенжа ўртанча акаси берган болтани белидаги энлик камарига сопи билан қистириб қўйди.

Тўлан укасига битта маслаҳат берди.

— Бу дев билан очиқ чўлда олишасан. Дарёга яқин борма, тимсоҳ бўлиб сувга тортиб кетади. Тоққа ҳам ёндошма. Қоятошга чиқиб қолсанг бургут бўлиб тепиб қулатади. Биз ҳу ана шу текисликда кузатиб турамыз. Сен Қирондевни ўша ерга бошлаб чиқ. Лекин бир нарсани билиб қўй: агар бу уч бошли бало сени шошириб қўйганини кўрсак, биз ҳам учовлашамиз.

— Ҳа, оғайни-оғайнига шундай пайтда керак,— деди Уктам ботир ҳам.

— Аввал қараб туринглар-чи,— деди Кенжа ботир.— Мен бир ўзимни синаб кўрай!

— Хўп, бор ука! Енгину, енгилма!

— Омин!

Улар юзларига фотиҳа тортдилар. Сўнг Кенжа ботир зирҳли жул ёпилган саман отини чоптириб, харобалар орасида одам овлаб юрган Қирондевга яқинлашди:

— Ҳей, қотил! Кучинг бегуноҳ бола-чақага етдими? Тенгинг билан олишаман, десанг берироқ кел!

Осмонда ўн уч кунлик тўлин ой нур сочиб турарди. Қирондев ой ёруғида дубулғаси ялтираган хипчагина ўспиринни кўрди-ю:

— Хо-хо-хо!— деди.— Сен жинқарча, мени ўзингга тенг кўрасанми? Қанотимни бир сермасам, шамолига учиб кетасан-ку.

Кенжа ботир чаптастик билан ёйидан ўқ отди. Ўқ Қирондевининг хурпайган қанотига шундай зарб билан урилдики, майда патларидан бир қанчаси тўзғиб ерга тушди.

— Қани, серма қанотингни, қонхўр!— қичқирди Кенжа.

Дев унга қараб интилди.

Кенжанинг учқур оти текис чўлда ҳар қанча тез чопса ҳам, Қирондев бургут қанотлари ёрдамида уни қувиб етди.

— Сен болани бир тепиб ерга киргизиб юбораман!— деб Қирондев юқоридан пастга шўнғиди.

Қилич яланғочлаб бораётган Кенжа ботир отининг жиловини қўйиб юборди-ю, қилични икки қўллаб боши устига кўтарди ва унинг ўткир тиғини Қирондевининг зарбасига рўпара қилди.

Қирондевининг бургут панжалари Кенжанинги бошига тегишдан олдин қиличнинг тиғига урилди-ю, шарт-шарт қирқилиб тушди. Қирондев оғриқдан дод деб юборди. Қанотларини асабий сермаб, Кенжанинги устидан яна бир айланди-да, тимсоҳ думини силжитиб, уни отдан уриб йиқитишга интилди. Кенжа чаққонлик қилиб эгардан пастга эгилди, оёқларини узангига тираган ҳолда, отнинг қорни остига эгилиб тушди. Тимсоҳ думи бўш эгарга шарт этиб урилганда отни гандираклатиб юборди, аммо жонивор бедов тўрт оёғини тўрт томонга кериб, йиқилмай қолди. Кесилган бургут панжаларидан қон оқаётган Қирондев ғазабли наъра тортиб, йўғон оёқларини ерга тиради. Кенжа бошини отнинг тагидан чиқаришини пойлаб туриб, бургут тумшуғи билан унинг кўзини чўқиди. Бургутнинг тумшуғи дубулғанинги қаттиқ пўлатига қарсиллаб тегди-ю, дарз кетди. Бунинг оғриғидан Қирондев яна бир дод солди. Кенжа шу аснода пастдан қилич солиб, унинг бургут бошини шартта кесиб ташлади. Девнинг бургут қанотлари ҳам шалпайиб тушди. У энди учолмайдиган бўлиб қолди.

Лекин ҳали девнинг иккита боши бутун, қўлида жувозкундадай гурзиси турарди. У тимсоҳ оғзини катта очиб, Кенжанинги қилич тутган қўлини билагидан тишлаб олди. Кенжа қўлига ҳам зирҳли енглик кийган эди, тимсоҳнинг тиши унинг этига ўтмади. Лекин йиртқичнинг зўр жағи билакни зирҳли енгликка қўшиб шундай қисдики, Кенжанинги қўли жонсизланиб, қиличи панжасидан тушиб кетди.

Пайтдан фойдаланган Қирондев гурзисини кўтарди. Агар бу ўн пудлик гурзи Кенжанинги тепасига тушса дубулғасига қўшиб бошини мажақлаб ташлаши аниқ эди. Шунда Тўлан ботир билан Уктам ботир укаларига ёрдамга этиб келдилар. Тўлан эгаридаги сиртмоқни қўлига олиб, узоқдан девнинг қўлидаги гурзига ташлади. Гурзининг боши чўқморга ўхшаш катта ва ғадир-будир бўлгани учун сиртмоқ унга тез илинди. Гурзи пастга тушаётганда Тўлан ботир сиртмоқни ўзига қаратиб силтаб тортди. Гурзининг зарбаси дев мўлжаллаган жойга тушмади. Гурзи айланиб бориб девнинг тимсоҳ думига урилди. Дев оғриқдан яна бир наъра тортди. Пайтдан фойдаланган Кенжа ботир чап қўли билан белидан ўткир болтани олди-ю, девнинг тимсоҳ бошига урди. Болта зўғатасигача тимсоҳнинг бўйнига ботиб кетди, лекин тимсоҳнинг боши узилиб тушмади. Кенжа болтани тортиб олиб, иккинчи зарбани бераётганида, девнинг учинчи боши ишга тушди. Сиртмоққа илиниб қолган гурзи энди иш бермаслигини сезган дев узун қўлларини бўшатиб Кенжанинги бўйнига ёпишди. Девнинг инсон бошига ўхшаш боши пастга эгилди, унинг катта очилган оғзида, ханжардай ўткир, узун, сап-сарик тишлари кўриниб кетди.

Совут кийган Кенжа бошини буриб у ёқ-бу ёққа қарай олиши учун бўйнида озгина очиқ жой қолган эди. Қирондев ўткир тишларини Кенжанинги бўйнидаги ана шу очиқ жойига ботирмоқчи бўлди, уни ғажиб, бўғиб ўлдиришни мўлжаллади.

Шу пайт Уктам ботир узоқдан девнинг бошига сиртмоқ ташлади. Сиртмоқ девнинг бўйнига тушиб, унинг ўзини гиппа бўғиб олди. Кенжанинги бўйнига ханжардай санчилмоқчи бўлаётган йиртқич тишлари муаллақ бўлиб осилиб қолди. Уктам ботир унинг бўйнига солган сиртмоқ қаттиқ тортилганидан сўнг девнинг нафаси қайтиб, қўлларини Кенжанинги бўйнидан олди-ю, сиртмоққа ёпишди, уни узмоқчи ёки бўйнидан чиқариб ташламоқчи бўлиб, филникидай йўғон оёқларини ерга тиради, жон-жаҳди билан шундай силтандики, сиртмоқнинг нариги учини маҳкам тутиб турган Уктам ботир эгарда ўтирган жойидан кўтари-

либ, отининг бўйнига сурулиб келди. Уктам сиртмоқни эгарнинг учи-га ҳам боғлаган эди. Дев жон ҳолатда иккинчи марта сиртмоқни тортган эди, эгар қийшайиб, отнинг айили узилиб кетди. Дев учинчи марта силтанса Уктам ботирни отидан судраб ерга йиқитиши ёки сиртмоқни узиб қутулиб кетиши мумкин эди.

Қирондев сиртмоқ билан андармон бўлиб қолган пайтда Кенжа ботир ерда ётган қиличини олди-ю, девнинг сиртмоқ тушган бўйнига бор кучи билан урди. Девнинг боши ерга юмалаб тушди. Унинг тимсоҳ боши болта билан яраланган бўлса ҳам, ҳали узилиб тушмаган эди. Кенжа ботир чаптастик билан сермаган қиличнинг навбатдати зарбаси девнинг тимсоҳ бошини ҳам кесиб ташлади. Қирондевининг баҳайбат катта гавдаси ерга гурсиллаб йиқилди-ю, ҳамма ёқни ларзага келтирди. Тоғ тепасидан тошлар қулаб туша бошлади. Дарё сувлари чайқалиб, қирғоқларига тошиб чиқди. Одамлар:

— Яна зилзила бўлди!

— Қоч, том босиб ўласан!— деб қичқира бошладилар.

Қирондев ўлим талвасасида ерни қаттиқ тепиб, ёриб юборган эди.

Унинг гавдаси ерга йиқилиб тушганда бу ёриқ каттариб-каттариб, ахийри, девнинг жирканч мурдасини кесик бошлари билан бирга қаърига тортиб кетди.

## 9

Эл-юрт Қирондездан қутулгани ҳақидаги хушxabарни махсус одам қалъа ичида яшириниб турган Камолхонга ва унинг яқинларига етказди:

— Девнинг уч бошини ҳам Кенжа ботирнинг ўзи кесди. Лекин юраги ҳам отнинг калласидай бор экан. Бўлмаса ўн беш яшар йигит-а! Қўрқмасдан бир ўзи шундай балойи-азимга рўпара бўлди-я! Аммо акалари ҳам қойил қилишди. Дев енгай-енгай деганда бир ҳимо билан сиртмоқ ташлаб, укаларининг жонига ора киришди. Иноқлик, меҳроқибат мана бунақа бўлар экан-у! Э, шаҳаншоҳим, сиз бу йигитларга ҳар қанча марҳамат кўрсатсангиз арзийди!

Камолхон хизматкорларига:

— От келтиринг!— деб буюрди.— Бутун аркони давлат ҳам отлансин. Биз ҳаммамиз уч оғайни ботирларни табрик этгани борамиз.

Вазир подшога икки букилиб таъзим қилар экан:

— Шаҳаншоҳим, бир оғиз арзим бор,— деди.

— Сўзланг, вазир аъзам.

— Ота-боболардан қолган удумга биноан жангдан сўнг ботирлар ўзлари подшо ҳузурига келиб мукофот олар эдилар-ку!

— Ҳали кейин уларни мукофот олиш учун чақирамиз,— деди Камолхон.— Ҳозир шундай ботирликлари учун бориб табрик айтиш биздан лозим. Қизим Юлдузхон, қаердасан?

— Ҳазратим, мен шу ерданман. Рухсат берсангиз мен ҳам сиз билан борай.

Тантилиги тутиб турган Камолхон:

— Рухсат бериш ҳам гапми, қизим!— деди.— Иложи бўлса, Кенжа ботирга берадиган энг қимматбаҳо совғангни ҳам олиб юр!

— Жоним билан!

Подшо ўзининг мулозимлари-ю, аркони давлати билан саройдан чиқиб, қалъа ташқарисидаги сердарахт бир қишлоқда дам олаётган уч оғайни сари бораётганда чиғдовул деб аталадиган қўриқчилари унга йўл очиб:

— Халойиқ, пўшт, подшо ҳазратлари аъёнлари билан келяшти-

лар, йўлни бўшатишлар, кўчаларга сув сепинглар, чанг чиқмасин!— деб боришди.

Уч оғайни ботирдан беҳад миннатдор бўлган эл-юрт дарё бўйига улар учун чодир тикиб, қўй сўйиб, ош дамлаб, бисотида бор ноз-неъматларини дастурхонларга қўйиб, зиёфат бермоқда эдилар. Подшо ясан-тусан одамлари, отлари билан яқин келганда дарё бўйида хизматда бўлган одамлар уларга пешвоз чиқдилар. Чодир ичидаги уч оғайнилар ҳам ташқарига чиқиб, қўлларини одоб билан кўксиларига қўйиб турдилар. Камолхон анча нарида отдан тушди, аъёнлар ҳам истар-истамас пиёда бўлиб, ботирлар томонга кела бошладилар. Камолхон одамларига ишора қилиб, уларни орқароқда қолдирди-да, ўзи уч оғайни ёнига келди, уларни бир-бир бағрига босиб табрик айтди. Кенжа ботирни эса қучоқлаб пешонасидан ўпди.

— Қирондевинг уч бошини ҳам сиз кесибсиз, Кенжа ботир!

— Менга акаларим ёрдам берди. Мен акаларимнинг шогирдиман, холос.

— Бундай камтар шогирдга таҳсин айтамиз. Устозларидан ўзган шогирд бизга фарзанд бўлишга муносибдир! Қизим Юлдузхон! Бери кел.

Юлдузхон яқин келиб:

— Шердил ботирлар, мен шоҳ қизи бўлсам ҳам сизларнинг қаршингизда ер ўпиб таъзим қилишга тайёрман!— деди-ю, келинлардай паст эгилиб, пешонаси ерга теккудек бўлиб таъзим қилди.— Кенжа ботир, аввало сиз мени Қирондевинг даҳшатли қийноқларидан қутқардингиз! Сиз бўлмасангиз мен ҳам, отам ҳам, бошқа қанча одамлар ҳам тирик қолмас эдик! Шунинг учун мен умрбод сизнинг хизматингизни қилишга тайёрман! Мана шу олтин билакузукни гавҳар кўзлари билан бирга сизга тақдим қиламан!

Ун тўрт ёшлик Юлдузхон ўн тўрт кунлик ойдан ҳам гўзалроқ эди.

Сўзлаётганда унинг майин ва ёқимли овози Кенжани элтиб қўйгандай бўлди. Кўз кўзга тушганда қизнинг нигоҳидаги олов Кенжанинг қалбида аланга бўлиб ёнгандай, вужудини қиздириб юборди! Кенжа қизнинг совғасини олиш учун унга томон икки қадам ташлади:

— Олинг!— нозланиб ийманиб деди Юлдузхон.— Шу гавҳарларга қўшиб мен сизга ўз ихтиёримни ҳам топшираман!

Кенжа ботир қиз қаршисида бир тиззасини ерга қўйиб, чап кўли кўксига, ўнг кўли билан гавҳар билакузукни Юлдузхоннинг кўлидан олди-ю, кўзларига сурди:

— Маликам, мен бу совғангизни умрбод кўз қорачиғимдай асрайман!

Кенжанинг одоби ҳам, сўзлари ҳам подшога жуда ёқиб тушди:

— Кенжа ботир, менинг лашкарбошим Қирондев билан жангда ҳалок бўлган...

Сезгир Кенжа подшонинг ниятини пайқаб қолди:

— Ҳазратим, агар шу уч оғайнидан биримизни лашкарбоши қилмоқчи бўлсангиз, бу ишга энг муносиб одам бизнинг катта акамиз Тўлан ботирдир,— деди.

Бу гапга дарҳол Уктам ботир ҳам бош ирғаб қўшилди. Вазир билан шаҳзода Абусаид безовталаниб қолишди.

— Ҳазратим, бундай катта муаммоларни саройда шошилмай ҳал этганингиз маъқулроқдир,— деди вазир подшога икки букилиб.— Энди уч оғайниларни саройга таклиф қилсак!

Подшо орқасига ўгирилиб, барча беклари ва аъёнларининг истаги ҳам шундай эканини сизди. Аъёнлар — подшонинг суянган тоғлари эди, ҳар ишда уларнинг ҳам кўнглидагини ҳисобга олиш Камол-



хонга одат бўлиб қолган эди. Шунинг учун Тўлан ботирни лашкарбоши қилиб тайинлашни кейинга қолдирди, лекин битта нарсани ҳозироқ аниқ айтгиси келди:

— Жаноби вазири аъзам, сиз биздан вакил бўлиб бориб, уч оғайни ботирларни Қирондевга қарши жангга даъват этганингизда ваъда бергансизки, агар бу йигитлар бизни ўша балойи азимдан халос қилсалар, уч оғайнидан бири қизимиз Юлдузхонга уйланиб, бизга куёв бўлади. Бутун эл-юрт,— деб, подшо овозини кўтариб, атрофдаги халойиқ ҳам эшитадиган қилиб гапирди,— огоҳ бўлсинки, биз ўша ваъдамизга содиқмиз. Уктам ботир билан Тўлан ботирнинг қаллиқлари бор экан. Энди биз қизимиз Юлдузхонни Кенжа ботирга никоҳлаб бериш ниятидамиз!

Кенжа ботир, қўли кўксига, подшога енгил бир таъзим билан миннатдорчилик билдирди.

— Ҳазратим,— деб Тўлан ботир подшога мурожаат қилди:— Бизга шунчалик ҳурмат билдириб, инимизни куёв қилмоқчи эканингиздан жуда хурсандмиз. Фақат бир андишамиз бор: биз аслзода эмасмиз, чўпон оиласидан чиққанмиз.

— Бугун аслзода бўлмасангиз, эртага бўласиз! деди саҳийлик қилгиси келиб турган Камолхон.— Мактаб-мадраса кўрган мулла йигит экансизлар. Қани, саройга юринглар. Мен таклиф қиламан. Ғалаба шарафига уч кун зиёфат бермоқчиман!

Тўлан ботир яна қўлини кўксига қўйиб, подшога бу илтифотлари учун ҳам ташаккур айтди-ю:

— Бизга бир кун муҳлат берсангиз,— деди.— Отамиз билан кўришсак, у кишининг розиликларини олсак.

— Маъқул фикр!— деб подшо махсус топшириқларни бажарадиган ясовул томонга ўғирилди:— Менинг шоҳона отларимдан бирини етаклаб, дарҳол Чўпон отанинг ҳузурига бориңлар! Уни шу отга миндириб, иззат-икром билан ўғилларининг олдига олиб келиңлар. Аввал, дийдор кўришсинлар, ундан сўнг, эртага, уч оғайнилар ўз оталари билан бирга саройга марҳамат қилсинлар!

— Бажонидил!— деб бу таклифни Кенжа ботир ҳам қабул қилди.

Фақат ўртанча Уктам ботир гапга қўшилмай жим турар, унинг авзойидан қандайдир бир кўнгилсизликни олдиндан сезаётганга ўхшарди.

## 10

Подшо саройида ғалаба куйлари янграйди, миноралар устида қўш карнайлар, қўш ноғоралар чалинади. Қалъа дарвозалари ланг очик, кирди-чиқди бемалол. Баланд овозли жарчилар нортуяларга миниб, кўчаларда, майдонларда халойиқ тўпланган ҳамма жойда шаҳаншоҳнинг фармонини эълон қиладилар:

— Эшитмадим деманг, халойиқ! Аъло ҳазрат Камолхон уч оғайни ботирларга доноларча йўл-йўриқ кўрсатиб, ёвуз Қирондев устидан улкан ғалабага эришдилар! Шунинг шодиёнасига улғу подшоҳимиз элга уч кеча-кундуз тўй берадилар. Барча фуқаро, етти ёшдан юқори ҳамма эл-улус ўз маҳаллаларида тортиладиган ошдан баҳраманд бўлсинлар! Барча беклар, аъёнлар, аркони давлат шоҳ саройида бўладирган базми жамшидга марҳамат қилсинлар!

Кўчалардан савлат тўкиб ўтаётган беклар, амирлар кўпчиликка эшиттириб:

— Омон бўлсин голиб шаҳаншоҳимиз Камолхон!

— Қирондевни енгининг доно йўлларини ўйлаб топган Камолхон ҳазратлари мингга кирсинлар!— деб олқиш айтадилар.

Аъёнлар биладиларки, халойиқ тўпланган жойларда подшонинг яширин одамлари — хуфялари қаландару дўкондор ёки бошқа турли қиёфаларга кириб юрадилар ва кўчада эшитган гапларини саройга бориб айтадилар.

Бундан беҳабар содда одамлар кўнгилларида борини бири-бирларига тўкиб соладилар:

— Э, тавба, ғалаба келтирганлар — уч оғайни ботирлар эди-ку! Аъёнлар нега уларнинг ғалабасини подшога олиб берапти!

— Булар ана шунақа! Доим тайёрига айёр бўлиб ўрганган!

— Лекин подшо ҳам оғир пайтда шу уч оғайнини ишга солиб ақлли иш қилган-да.

— Агар ақли бўлса, подшо доим мана шу уч оғайнига суянсин! Бу юрган вазиру аъёнлари бир пулга арзимади. Элнинг бошига кулфат тушганда биронтаси юрак ютиб майдонга чиқмади. Бу аъёнлар фақат ўзим бўлай дейди. Халқнинг жонига фақат уч оғайнига ўхшаган мардлар ора киради!

— Рост! Агар менинг қўлимда бўлса, шуларнинг бирини подшо, бирини вазиру, бирини лашкарбоши қилиб кўтарардим.

— Мунча қаттиқ кетманг, йигит! Бу сўзларингиз саройга етиб борса уч оғайнига яхшилик эмас, ёмонлик қилиб қўясиз!

— Келинлар, қўйинлар, шу гапларни бас қилайлик!

Шаҳар дарвозаси томондаги халойиқ бирдан тўлқинланиб қолди:

— Ана, уч оғайни ботирлар келяпти!

— Қани, қани?

— Олдиндаги мўйсафид ким бўлди?

— Оталари-да! Йигитлигида бу одамнинг Алп Чўпон деган номи бор эди. Полвонликда ҳам, ботирликда ҳам Алп Чўпонга ҳеч ким бас келолмаган.

— Ўғиллари отага тортган экан-да! Қаранг, учаласи ҳам бири-бирдан дуркун, бири-бирдан кўҳлик!

— Туф-туф де! Кўзинг тегмасин азаматларга!

Бутун қалъадаги халойиқ йўлнинг икки четига шундай ғужғон бўлиб йиғилдики, ботирларнинг ўтиши ҳам қийинлашиб қолди. Шунда шаҳар ҳокими навкарлари билан олдинга чиқиб меҳмонларга йўл очиб бора бошлади.

Атрофдаги одамлар ботирларга гуллар билан бирга олқиш ёғдирдилар.

— Оталарингга раҳмат, уч оғайни ботирлар!

— Илоҳим дунё тургунча туринлар!

— Шундай ўғил ўстирган Чўпон ота омон бўлсин!

Чўпон ота ҳам, унинг ўғиллари ҳам ўнг қўлларини кўксиларига қўйиб, ўнгу сўлдаги одамларга қуллуқ қилиб ўта бошладилар.

□

Саройда ботирлар шарафига катта зиёфат тайёрланмоқда. Мамлакатда бор энг яхши нозу неъматлари, майлар — ҳаммаси муҳайё этилган. Бугунги базм завқини олдиндан ҳис қилиб, кайфияти кўтарилиб бораётган подшо Камолхон ўзининг хонайи хосидан гуллар чаман бўлиб турган боққа чиқди. Атрофдан зафар куйлари, карнай-сурнайлар, ноғоралар товуши, сарой аҳлининг:

— Голиб подшоҳимиз Қамолхон ҳазратлари мингга кирсинлар!— деган олқишлари эшитилиб турарди.

Боғда булбуллар ва беданалар бири қўйиб, бири сайрар, қушлар нағмасини яхши кўрадиган Қамолхонга бу ҳам ғалаба табригидек эшитиларди. Ўзининг доно йўл тутганига, уч оғайнига яхши раҳнамолик қилгани учунгина Қирондев енгилганига Қамолхоннинг ўзи ҳам тобора қаттиқ ишонмоқда эди.

Боғда шундай қушлар тўлиб-тошиб сайраётганда тўтиқуш жим тургани билиниб қолди. Подшо йўлкадан келар экан, қаршисидан икки букилиб таъзим қилиб чиққан вазирга мурожаат қилди:

— Вазири аъзам, нега тўтиқуш жим турибди?

— Буни тўтиқушнинг ўзидан сўрайлик, ҳазратим.

Улар иккови тўтиқуш жим турган қафасга яқин келдилар. Тўтиқуш подшодан бир оғиз илиқ сўз кутар эди. Ахир «уч оғайнини ёрдамга чақиринг» деган маслаҳатни подшога тўтиқуш берган эмасмиди? Вазир ўшанда нималар деган эди? Лекин Қамолхон ҳозир уни унутганмиди, ёки эслагиси келмасмиди? Агар эсласа тўтиқушни подшодан донороқ деб тан олишга тили бормасмиди? Ҳар қалай Қамолхон қафасга яқин келиб:

— Ҳа, менинг сеvimли тўтиқушим? Нега жим турибсан?— деди.

Тўтиқуш «сеvimли» деган сўздан бир қадар кўнгли ийиб:

— Шаҳаншоҳим, ғалаба муборак!— деди.

— Баракалло, тўтиқушим! Бу ғалабада сенинг ҳам ҳиссанг бор!

— Раҳмат, ҳазратим!— деб тўтиқуш энди астойдил қувонди.

— Ҳозир менинг кўнглим ниҳоятда шод. Тўтиқуш! Қани энди ёшроқ бўлсаму, жононлар билан кайф-сафо қилсам! Саксонга бориб қолдим. Афсус, минг афсус, кексалик ўзини кўрсатяпти. Тўтиқушлар уч юз йил яшар эмишлар! Уларда бир юз эллик-икки юз ёш ҳам йигитлик саналар экан! Шунинг учун менинг сенга ҳавасим келади, Тўтиқушим!

— Мен қафасдаман-да, ҳазратим! -- деди тўтиқуш. — Бўлмаса сизга одамни яшартириб, умрини уч юз ёшга етказадиган мўъжиза мевадан келтириб берардим!

— Бунақа мева қаерда бор экан, тўтиқушим? Мен одам юборай!

— У меванинг қаердалигини одам зоти билмайди. Ҳиндистон ўрмонларида менинг икки юзу эллик ёшга кирган донишманд отам борлар. Сизни ёшартирадиган мевани ана ўша зот топиб берадилар. Агар мени қафасдан бўшатсангиз бир ҳафтада бориб, мўъжиза мевадан олиб келаман.

— Вазири аъзам, тўтиқушни қафасдан бўшатайликми?

— Ҳазратим, сиз неки десангиз биз учун вожиб. Аммо мен, қулишгиз, шуни биламанки, қафасдан бўшаган қуш ўз ихтиёри билан қафасга зинҳор қайтиб кирмайди!

— Ундан чиқди, тўтиқуш мени алдамоқчи экан-да?

— Ҳазратим, сиз бу вазирга кўп ишонманг!— деди тўтиқуш.— Агар шу вазирнинг гапига кирганингизда уч оғайни билан жанг қилар эдингиз. Оқибати нима бўлишини бугун тасаввур этсангиз керак?

Вазир подшонинг ғазабидан қўрқди, айни вақтда, бу тўтиқушнинг узоқроқ кетишини истаб қолди. Чунки тўтиқуш нуқул уч оғайнининг тарафини олади, подшони уларга яқинлаштиришга интилади. Бу кетишда Зуҳурбек вазирлик лавозимидан ҳам ажраб қолиши мумкин.

— Ҳазратим, мен қафасга қайтиб кирмайди деб бошқа қушларни айтдим. Аммо ўттиз йилдан бери сизнинг тарбиянгизни олган бу тўтиқуш бошқача! Бунинг сизга садоқати чексиз. Мана, мен сизга қанчалик содиқ бўлсам, тўтиқуш ҳам шунчалик содиқ! Чунки сизни

яқиндан билган одамгина эмас, ҳатто қуш ҳам чин дилдан кўнгил бериб, яхши кўриб қолади!

Подшо ўз хотирасидан бу гапга битта исбот ҳам топди. Бир марта тўтиқушнинг қафаси тасодифан очилиб кетган, тўтиқуш боққа учиб чиққан, лекин Камолхон буни кўриб қолиб, «Жойингга қайт, тўтиқушим, сен менга кераксан, мени ташлаб кетма!» деб илтимос қилганда тўтиқуш қафасга қайтиб кирган эди.

— Тўтиқушим, мен сенга ишонаман!— деди.— Уттиз йилдан бери бирон марта ёлгон сўзлаган эмассан. Бир ҳафтагача мен сени соғиниб қоламан! Лекин ўша мўъжиза мева учун мен сенга жавоб бераман! Вазири аъзам, қафасни очинг!

Тўтиқуш қафасдан «пир» этиб учиб, беҳи шохига қўнди:

— Раҳмат, шаҳаншоҳим! Мен ота-онамни кўриб, ўша мўъжиза мевадан, албатта, олиб келаман!

— Хайр, тўтиқушим!

— Хайр!

Тўтиқуш учиб кетгандан сўнг подшо бир оз маъюсланиб, боғдан хонайи хосга қайтиб кирди. Ҳаял ўтмай бу хонага ясовул кирди-ю, айғоқчи — хуфялар амири билан шаҳзода Абусаид шаҳаншоҳ қабулига мунтазир эканликларини айтди. Подшо уларнинг киришига рухсат берди.

Хуфялар амирининг қўлида бир даста қоғоз, кўриниши жуда ташвишли:

— Ҳазратим, фуқаронинг кайфияти бузуқ!— деб гап бошлади амир.— Мана, йигирма беш хуфя ҳаммаси мазмунан бир-бирига ўхшаш ахбори махфий келтирган.

Хуфялар амири қўлидаги қоғозларни икки қўллаб таъзим билан подшога тутди. Подшо майда ҳарфлар билан битилган маълумотномага тикилиб қаради, аммо кўзи ўтмади.

— Қўзойнагим йўқ, шаҳзода, сиз ўқинг-чи.

Шаҳзода Абусаид маълумотномани қўлига олиб, уларга кўз югуртирди-ю:

— Ҳазратим, бу ерда беодоб гаплар битилган, ўқишга тилим бор-майди,— деди.

— Уқинг, майли, ҳаммасини билмоғимиз керак.

— Мана, тимнинг тагидан уч оғайни ботирлар ўтаётган пайтда авомнинг айтган сўзлари. Кулол Рўзибой айтади: «Нега бу жарчилар подшони ғалаба қилди деб юрипти? Ғалаба уч оғайни ботирники-ку!» Унга этикдўз Маҳкам сариқ жавоб беради: «Э, бу подшолар доим ботирларнинг ғалабасини ўзлариники қилиб ўрганиб қолган.»

— Аблах, этикдўз!— деб подшо қўлларини мушт қилди.

Абусаид ўқишда давом этди:

— Мана, уч оғайнилар бозор майдонидан ўтаётганда бўлган гаплар. Темирчи Собир айтади: «Асли ўзи давлатни мана шу уч оғайни бошқариши керак. Бири подшо, бири вазир, бири лашкарбоши бўлса арзийди». Унга мисгар Абдураззоқ қўшимча қилади: «Кенжа ботир подшога кувё бўлар экан-ку! Акаси лашкарбоши бўлса, иккови бир-галашиб, тожу тахтни ану ношудлардан тортиб олиши ҳеч гап эмас!»

Подшо қалтираб, оёғида туролмай қолди.

Уғлига:

— Бас!— деб бақирди. Ясовулга:— Ҳассамни бер!— деб буюрди. Ясовул дарҳол подшонинг олтин қопланган ҳассасини қўлига берди. Бирдан кексалиги билиниб қолган Камолхон ҳасеага суюниб, тахтига чиқиб ўтирди.

— Жаноб амир, ўша аблах этикдўз ҳам, темирчи ҳам, мисгар

ҳам тутиб келинсин! Менга қарши шундай ёмон гаплар айтганларнинг тиллари кесдирилсин!

— Беш устига, ҳазратим, буйруғингизни дарҳол бажо келтирмаман. Лекин мана бу ахборотларда бундан ҳам ёмон гаплар айтган одамлар бор!

— Ҳаммасини тутиб зиндонга ташланг! Авом ичида юрадиган хуфяларни қўпайтиринг! МуддARRису муллолар нима демоқдалар? Улардан ҳам хабардор бўлинг! Бизга қарши айтилган биронта сўз жазосиз қолмасин!

Амир бу фармонларни бажариш учун орқаси билан юриб чиқиб кетди. Подшо вазирни чақирди:

— Жаноби вазир, шаҳрингиздан фулунинг ҳиди келмоқда-ку. Қандай чора кўрмоқдасиз?

— Ҳазратим, халқни ўша уч оғайни билан унинг отаси қўзғатиб қўйди. Сиз дарё бўйига бориб уларни махсус табриклаб келганингиз, малика Юлдузхонни Кенжа ботирга узатмоқчи эканлигингиз уларнинг обрўсини ошириб юборди.

— Вазири аъзам, биздан олдин сиз ўзингиз Чўпон отанинг қўрасига бориб, уч оғайнини Қирондевга қарши отлантириш учун қандай ваъдалар берганингиз эсингиздан чиқдимиз? Мен энди ўша ваъдаларни бажармасам, эл-улус олдида бебурд бўлмайманми?

Шаҳзода Абусаид отасига енгил бир таъзим билан мурожаат қилди:

— Шаҳаншоҳим, сиз улуг бир давлат тепасида ўлтирган ҳокими мутлоқсиз. Чўпонзодалар ҳар қанча... (Уч оғайнига бахиллиги чексиз бўлган Абусаид уларни «ботир» деб атагиси келмай, бошқа сўз қидирди!) — улар қанчалик ғолиб келмасин, сизнинг қўл остингизда зафарга эришдилар. Ҳамиша одат шулки, катта ғалабалар аввал саркардалар номи билан тарихга киради. Ахир ўша уч оғайнига сиз саркарда бўлдингиз! «Енгсангиз куёв қиламан» деб, сиз уларни илҳомлантирдингиз! Демак, ғалаба сизники!

— Зафарни худо сизга ато қилди, уч оғайни бир сабабчи — иж-рочи бўлди, холос! — деди вазир ҳам.

Бу гапдан подшоҳнинг қадди яна тикланди. Юзидаги ажинлари ҳам анча текисланди. Сийрак оқ соқолини силаб туриб:

— Уч оға-иниларнинг ўзлари қандай фикрда эканлар, шунини билмадингизми, вазири аъзам? — деди.

— Афсуски, уларнинг фикрлари ҳам сиз жазога буюрган темирчию кўлолларнинг фикрига яқин.

— Сиз буни қаердан билдингиз?

— Уларни бирга кузатиб келган шаҳар ҳокимидан эшитдим. Уч оғайни жуда мағрур, ўзлари ҳақида фикрлари ниҳоятда баланд. Сиз тантилик қилиб, дарё бўйига бориб уларни табриклаганингиз-у, оталарига махсус от юбориб таклиф қилганингиздан димоғлари янада баланд кўтарилган.

— Сал уларнинг ҳовурини босиб қўймоқ керак, ҳазратим, — деди Абусаид. — Менда бир таклиф бор. Бугун оқшомги зиёфат пайтида кўпчиликнинг олдида уч оғайни ҳам, уларнинг оталари ҳам шаҳаншоҳимизнинг оёқлари тагидаги ерни ўпиб садоқат изҳор қилсинлар!

Камолхон мағрур уч оғайнини кўз олдига келтирди-ю, иккиланди:

— Кўнишармикин?

— Мен кўндиришга интилиб кўрай, — деди вазир. — Уларни Катта боғдаги махсус меҳмонхонага жойлаштирганмиз. Ҳамма гапларини қўшни хонада ўлтириб эшитиш мумкин. Агар кўнишмаса қандай эътирозлар қилишади? Ғалаба тўғрисида нима дейишади? Шаҳаншоҳга

муносабатлари қалай? Буни ҳаммасини сиз, шаҳаншоҳим, ўз қулоғингиз билан эшитишингиз мумкин.

Қамолхон бунга рози бўлар экан:

— Фақат бир нарсани унутманг, вазири аъзам,— деди.— Уч оғайни билан ёвлашиш керак эмас. Уларнинг куч-қудратини кўрдик. Бутун қора халқ улар томонда.

Вазир маккорона кулимсираб:

— Сиз ўз қудратингизга ҳам ишонинг, ҳазратим,— деди.— Уч оғайни бизга тутқич бермай тоғу чўлда юрганда қўлимиз калталиқ қилган эди. Аммо улар ҳозир саройда, дарвозалари бекиқ қалъа ичида. Бу ерда сиз олий ҳукмронсиз, сиз нима десангиз сўзсиз бажарадиган минглаб махфий одамларингиз бор.

— Рост, биз саройда уч оғайнини шунга мажбур қилайликки, авом халқ олдида подшо ҳазратларининг иззат-ҳурматларини бошларига кўтаришсин, ғалабага подшо уларни илҳомлантирганига яланг-оёқларни ҳам ишонтиришсин. Ана ундан сўнг хуфялар келтиргандақа иғво гаплар ҳам ўз-ўзидан босилади.

Подшо бу маслаҳатни ҳам маъқул кўрди. Шундан сўнг вазир уч оғайни тушган меҳмонхона томонга йўл олди.

(Давоми келгуси сонда)

Ўткир Ҳошимов

# ТҮЙЛАР МУБОРАК

ИККИ ПАРДА ТҮРТ КҮРИНИШЛИ

САТИРИК КОМЕДИЯ

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

МЎМИНЖОНҚОБУЛОВ — институтнинг бўлим мудир.  
НЕЪМАТИЛЛА — ходим, Мўминжоннинг дўсти.  
ЛАТИФЖОН — ходим, Мўминжоннинг дўсти.  
МАДИНА — студент.  
КИМЁХОЛА — Мадинанинг холаси, официантка.  
НАРИМОН — ошхона мудир.  
ОПА — институт директори.

Воқеа бизнинг кунларда бўлиб ўтади.

## Биринчи кўриниш

Саҳна кўндалангига иккига бўлинган. Битта хона Мўминжонники, иккинчиси ходимларники. Уртада эшик бор. Мўминжоннинг хонасида стол, телефон. Ходимларнинг хонасида иккита стол, битта симга уланган иккита телефон.

Мўминжон ўз хонасида Мадинанинг суратига термилиб ўтирибди. Орачора хўрсиниб қўяди. Шу пайт ўлгудек калтак еган, ҳаммаёғи дабдала бўлиб кетган Неъматилла билан Латифжон инқиллаб кириб келишади. Неъматилланинг шими йиртилган: ит талаган.

Неъматилла. Вой бошим!

Латифжон. Вой белим! Супургисининг дастаси темирдан бўлганми, нима бало!..

Неъматилла. Вой! Итини айтмайсанми, итини?! Чегарадан олиб келганми, эшикдан киришинг билан, «қўлингни кўтар», дейди-я!

Латифжон. Оҳ!

Мўминжон (*чўчиб, ўрнидан туради*). Нима бўлди?

Неъматилла. Ул бўлди!

Л а т и ф ж о н . Дард бўлди!

Н е ъ м а т и л л а (*Ўтирмоқчи бўлади. Аммо, оғриб, туриб кетади*).  
Вой-вой. Қапгирини белкуракдан ясаган шекилли, бошимни шудгор қилиб юборди-ку!

Л а т и ф ж о н . Вой белим! Нима қасдинг бор эди бизда-а?

Н е ъ м а т и л л а . Шундан бошқаси қуриб қолганмиди-а?

М ў м и н ж о н (*энтикиб*). Мадина!

Н е ъ м а т и л л а . Командировкага бормаям ўл, Мадинани кўрмаям ўл! Совчиликка юбормаям ўл! Қай гўрда кўра қолдинг ўшани?

М ў м и н ж о н (*ўз хаёли билан*) Вокзалда.

Л а т и ф ж о н (*алам билан*). Биламан! Ёмғир ёғиб турувди.. Вой, белим!

Н е ъ м а т и л л а . Ҳа, майдалаб ёмғир ёғиб турувди. Вой, бошим! Эгниларида плашлариям бор эди.

М ў м и н ж о н . Японский!

Л а т и ф ж о н . Қўлида соябони ҳам бор эди.

М ў м и н ж о н . Японский.

Н е ъ м а т и л л а . Сочини чиройли причёска қилиб олган эди.

М ў м и н ж о н . Японский.

Н е ъ м а т и л л а . Э, Япониянгдан ўргилдим. Вой бошим!

М ў м и н ж о н (*ширин хаёл билан*). Кейин вагонга чиқдик. Уям чиқди, менам чиқдим. Битта купега кириб қолдик. Уям кирди, менам кирдим. Кейин ўтирдик. Уям ўтирди, менам ўтирдим. Уям менга қаради, менам унга қарадим... Ойим раҳматли айтардилар; қиз болани кўзида ажинаси бўлади. Яқинига борсанг, бошинг айланиб қолади, дердилар. Рост экан, ўзидан-ўзи бошим айланиб кетовурди, оёқларим қалтираб кетовурди, кетовурди. Уям индамади, менам индамадим. Кейин бир-биримизга тикилиб ўтириб, тонг оттирдик.

Л а т и ф ж о н . Биламан, биламан, Тошкентга келганда, поезддан тушаётганда, вой белим... поезддан тушаётганда, у айтди: «Яхши йигит экансиз, танишиб қўяйлик,— деди.— Отим Мадина», деди.

М ў м и н ж о н . Мадина!

Н е ъ м а т и л л а . Сен бўлсанг икки марта учрашдингу бизни совчиликка юбординг. Вой бошим! Энди, менга қара. Мўминжон, жон дўстим, сен эсли-ҳушли йигитсан-а?

М ў м и н ж о н . Мадина!

Н е ъ м а т и л л а . Қимсан — каттакон инженерсан-а? Бутун бошли институтнинг бўлим мудирисан-а?

Л а т и ф ж о н . Шуни айтгин. Шунисини айтгин! Ўн беш кун командировкага кетганида қанақа тўполон бўлиб кетганини айтгин!

М ў м и н ж о н . Мадина!

Н е ъ м а т и л л а . Э, шошмасанг-чи! Ўн беш кун йўғингда ҳаммаёқ остин-устин бўлиб кетди. Одамлар телефон қилавериб жинни қилиб қўяй деди. Опани биласан-ку, опани! Сиқиб қонимизни ичди. Менга қара, жон дўстим, бир марта сўзимизга киргин, уйланмагин!

Л а т и ф ж о н . Хотинни бошингга урасанми? Йигирма тўққиз йил хотинсиз юрган одам эндиям ўлмайсан-ку!

Н е ъ м а т и л л а . Сен билмайсан, хотиннинг турган битгани ғалва бўлади. Ана, ишонмасанг, Латифжондан сўра. Айт, Латифжон, дардингни тўкиб сол, дўстим.

Л а т и ф ж о н . Агар-чи, вей, мен-чи, вей, қайтадан тугиладиган бўлсам, хотин зотини кўрсам, ўн километр наридан қочган бўлардим. Худо ҳаққи! Айниқса, мана шу ўзимни хотиним бор-ку, ўзимни хотиним, шуни кўрсам, минг километр наридан қочган бўлардим!

Н е ъ м а т и л л а . Ана, эшитдингми, ана! Мени хотиним-чи, уйга



борсам, қилдирмаган иши қолмайди. Юмуш қилавериб-қилавериб до-мохозяйка бўп кетдим. Фақат туғиб беришим қолди.

Л а т и ф ж о н. Хотиним-чи, вей! қирқта шайтонни рўпарасига ўт-қазиб олиб, чиллаёсин қилиб ташлайди. Уйланганимдан кейин уч кун-гача тиззамда ўтириб юрди! Тўртинчи куни қанақа қилиб лип этиб бошимга чиқиб олганини ўзимам билмайман. Вой, белим!

Н е ъ м а т и л л а. Ана, эшитиб қўй, ана!

М ў м и н ж о н. Мадина!

Н е ъ м а т и л л а. Биринчидан, эркинг йўқолади. Сен илм одами-сан. Мажлис бор, илмий совет бор. Беш минут кеч қолсанг, ёқангни ҳидлайди. Ҳам ичган-ичмаганингни билиб олади, ҳам қанақа атир ҳи-ди келаётганини суриштиради.

Л а т и ф ж о н. Дам олиш кунинг ҳаром бўлади. Эрталабдан қў-лингга сумка тутқазиб, бозорга гириллатади.

М ў м и н ж о н. Мадина!

Н е ъ м а т и л л а. Э, яна гапиради-я! Қанақа ғалчасан ўзи? Ҳеч бўлмаса бизларни ўйла. Сен уйлансанг, институтдаги ишни ким қи-лади?

М ў м и н ж о н. Мадина!

Хонага опа киради. Қўлида карнай қилиб ўралган қоғоз — чизмалар бор. У ёқ-бу ёққа аланглайди. Латифжон билан Неъматилланинг қиёфасини кўриб ҳайрон бўлади. Утиринглар, деб имо қилади. Неъматилла билан Латифжон илжайиб таклифни рад этишади. Аммо опа қатъий имо қилганидан кейин иккаласи ҳам минг азоб билан афтини буриштириб ўтиради.

О п а (*Латифжоннинг тепасига келиб, чизмани очади, чизмада катта қилиб «Мадина» деб ёзилган*). Нима бу?

Л а т и ф ж о н — (*чизмадаги ёзувни ўқиб*). Мад... Мад... (*Елка-сини қисади*.)

О п а (*бошқа чизмани очиб*). Буниси-чи?

Л а т и ф ж о н (*кўзи олайиб*). Мад... Мад...

О п а (*жаҳл билан Неъматилланинг олдига боради*). Мана бу нима деяпман?

Н е ъ м а т и л л а. Мад... Мад... Мадина.

Мўминжон томонга қарайди. Мўминжон ўрнидан туриб кетади.

О п а. Сув омборининг лойиҳасида Мадинага бало борми?

Н е ъ м а т и л л а. Опажон... Оп-оп-опажон. Мен ёзганим йўқ. Улай агар, ёзганим йўқ.

Л а т и ф ж о н. Менам ёзганим йўқ, опажон. Мен чизаман.

О п а (*гоҳ Латифжонга, гоҳ Неъматиллага қараб*). Узларинг-ку, Мўминжон Қобулович ўн беш кун йўқлигида хемирининг ишини эп-лолмадиларинг.

М ў м и н ж о н. Опажон, мен...

О п а (*Мўминжонга*). Буларнинг танобини тортиб қўйишни эп-лол-масангиз, менга айтинг, мясорубкадан ўтказиб чак-чак қилиб ташлай! (*Неъматилла билан Латифжонга*) Ишлаш керак!

Чиқиб кетади.

М ў м и н ж о н. Мен ёзгандим...

Н е ъ м а т и л л а. Менга қара, калламга бир фикр келиб қолди. Уйлангинг келяптими? Жудаям уйлангинг келяптими? Ана, опани об қўя қол. Нима қипти, эсли-ҳушли, бутун бошли институтнинг дирек-тори. Ўзи кобра бўлсаям, сени ҳурмат қилади. Улай агар, эрга тегса-чи, заҳарлигиям босилади. Мени айтди дерсан, уч кунда босилиб қо-лади. (*Мўминжон алам билан юзини буради*.) Хафа бўлдингми? Нима қилай, дўстим. Мадинани холаси сенга бермайди. Билдингми? Мил-лионерга беради!

Л а т и ф ж о н. База мудирига беради!

Н е ъ м а т и л л а. Менга қара, бор ана, менинг жиянимни олиб қўя қол. Яқинда институтни битирди. Мана бундай қиз. Сочи белига тушади.

Л а т и ф ж о н (*қиқирлаб кулади*). Вой белим! Сочи белига тушармиш. Қўрганман, таги билан қирдириб ташлаган. Парик кийиб юради. Қулранг парик. Яхшиси, сени ўзим куёв қиламан. Қайнсинглимни олиб бераман. Божа бўламиз.

Н е ъ м а т и л л а (*масхара қилиб кулади*). Божа бўлармиш! Ҳозир хотинингни нима деяётгандинг? Таппи-таппидан узоққа тушмайди!

М ў м и н ж о н. Мадина!

Л а т и ф ж о н. Яна гапиради-я! Вой қанақа одамсан ўзи? Тўй қанақа бўлишини биласанми ўзи?

Н е ъ м а т и л л а. Бошига тушмаганидан кейин қаёқдан билди бу. Қани айт-чи, тўйни қанақа қилмоқчисан ўзи?

М ў м и н ж о н. Тўйними? (*Ҳаяжонланиб.*) Мен одамларга таклифнома тарқатмайман. Мўминжон уйланаркан деб эшитган узоқ-яқин дўст-биродарлар ўзи келаверади! Қариндош уруғлар йиғилади. Сурнай чалинади. Сенлар «Тўйлар муборак»ни айтасан.

Н е ъ м а т и л л а (*гапни бўлиб*). Пулинг борми?

М ў м и н ж о н. Бор мана! (*Чўнтагидан пул чиқаради.*) Мана! (*Тортмадан чиқаради.*) Бу ёқда ҳам бор.

Л а т и ф ж о н (*санаб*). Бори шуми?

М ў м и н ж о н. Ҳа? Етмайдими? (*Чўнтагидан танга чиқариб қўяди.*) Мана!

Н е ъ м а т и л л а. Нима бу! Тўйга йиққанингми ё обед пулими?

Л а т и ф ж о н. Сен ҳали эл олдига дастурхон ёзиб хурсандчилик қилсак, шу тўй деяпсанми? Мингта даҳмазаси бор. Аввало қалин тўлайсан!

М ў м и н ж о н. Елғон! Қалин йўқ бўлиб кетган.

Н е ъ м а т и л л а. Урнига сут пули чиққан. Уни...

Л а т и ф ж о н. Тўлайсан!

Н е ъ м а т и л л а. Саконта қариндош-уруғига сарпо учун...

Л а т и ф ж о н. Тўлайсан!

Н е ъ м а т и л л а. ЗАГСга...

Л а т и ф ж о н. Тўлайсан!

Н е м а т и л л а. Ресторанга.

Л а т и ф ж о н. Тўлайсан!

Н е ъ м а т и л л а. Қелиннинг ўзига...

Л а т и ф ж о н. Тўлайсан!

М ў м и н ж о н (*талмовсираб*). Қанақаси? Демак... Демак, мен ўз қувончимни сотиб олишим керак. Тўйимда бўладиган табассумни, севинчни сотиб олишим керак. Демак, она сути ҳам сотилади. Шодлик сотилади, бахт сотилади. Бундан чиқди, муҳаббатнинг ўзиниям сотиб олишим керак. Ўз муҳаббатимни ўзим сотиб олишим керак. (*Секин, алам билан.*) Уят эмасми? Қачон, қаерда ёзилган бу қоида?

Л а т и ф ж о н. Ҳеч қачон, ҳеч қаерда.

Н е ъ м а т и л л а. Одамлар ўйлаб топган. Яна янгисини ўйлаб топнишяпти.

М ў м и н ж о н (*бирдан бақириб*). Ишонмайман! Елғон! Мадина унақа эмас. Мадина ўзини сотмайди.

Н е ъ м а т и л л а. Балки Мадина унақа эмасдир, лекин холасини кўрганмисан? Кимё холани кўрганмисан? Одам эмас, аждар-ку бу. Аждар!

## Иккинчи кўриниш

Кимё холанинг уйи. Яхшигина жиҳозланган. Гардероб, китоб жавони бор. Кимё хола хокандоз, супурги, швабра, оташкуракларни йиғиштириб, жаҳл билан жавраяпти. Мадина бир чеккада шумшайиб турибди.

Кимё хола. Падарингга лаънатлар! Совчиликни ким қўйибди сенларга! Аввал ботинқангни богичини тақшни ўрган. Автобусга осилиб келганини ўз кўзим билан кўрдим-а!..

Мадина (*йиғламсираб*). Нима қилиб қўйдингиз, хола? Нима қилиб қўйдингиз?!

Кимё хола. Ҳа, мен сенларга космический кораблда кел деяётганим йўқ, самолётда кел деяётганим йўқ, ҳеч бўлмаса «Волга»да кел. Ҳа, ана «Жигули»да кел! Кимга оғиз солаётганингни биласанми?!

Мадина. Нима қилиб қўйдингиз, ахир?! Ҳеч замонда совчиларни ҳам уриб ҳайдайдими одам?

Кимё хола. Урганим йўқ! Урганим йўқ! Қапгир тегиб кетди. Битта каратэ қилувдим (*қилиб кўрсатади*) буль-буль-буль... Мультфильм бўпкетди.

Мадина (*йиғлаб*). Каратэ эмиш..

Кимё хола. Аввалига яхшиликча тушунтирдим. Ҳой опоси айлансин, тенг тенги билан. Мадина сизларнинг тенгингиз эмас, дедим. Тушунмайди. Низачто тушунмайди. У десам, у дейди, бу десам, бу дейди. Олий маълумотлигини пеш қилади.

Мадина. Олий маълумотли бўлса, ёмонми?

Кимё хола. Олий маълумотлилик амал бўптими? Дарахтни бир тепса, юзта диплом ёғилади. Ким айтади сени современий қиз деб. Умр бўйи ранги чиқмайдиган ўқитувчини нима қиласан?

Мадина. Ким айтди сизга ўқитувчи деб.

Кимё хола. Ўқитувчи бўлмаса олимдир, аспирантдир, интеллигентми ишқилиб? Битта шунақа аспирант бор эди, озиб-ёзиб ресторанга кириб қолса, нуқул пьуре ерди. Оповси айлансин, сизам бундоқ одам бўлиб, табака енг, антрикот енг десам, эй опа, илм қиламиз, деб ошқозондан айрилганмиз, дерди. Любой таксист ўшанақа олимнинг инженерингни бола-чақаси билан қўшиб боқади, тушундингми!

Мадина. Эртага менам инженер бўламан-ку!

Кимё хола. Сени йўригинг бошқа. Диплом олсанг бўлди! А вообше, энг қашшоғи инженер бўлади. Ресторанга кирса, чеккароққа ўтиришни мўлжаллаб туради. Аввалига музикани ёмон кўради булар, деб юрардим. Гап бошқа ёқда экан. Музикага яқин ўтирса, ҳисоб-китобдан янглишиб кетишдан қўрқаркан. Счётга қараб тийинтийинигача санаб беради, бечоралар.

Мадина. Ҳақорат қилманг! Бировнинг касбини ҳақорат қилманг!

Кимё хола. Ҳақорат қиламанми, йўқми бари бир, шунақа иш борки, ўтирган жойидан игнадек тешик очиб бўлмайди. Шунақа жой борки, туя сиғиб кетадиган туйнук очиб қўйсанг ҳам, ҳеч кимнинг иши йўқ. Доход ўзидан-ўзи оқиб келаверади.

Мадина (*жаҳл билан*). Минг марта айтганман! Қинғир йўл билан пул топиб, кечаси алаҳсираб чиқадиган одамларингизни жиним суймайди.

Кимё хола. Хотиржам бўл! Алаҳсирамайди. Шунча пул топишни билган одам алаҳсирамаслик йўлини ҳам тўғрилиб қўяди. (*Бирдан овози ўзгариб*.) Менга қара, жон болам. Мен сени бахтингни ўйлашимни биласан-а? Йўқ, ростини айт. Биласан-а? (*Мадина индамай*

бош силкиб қўяди.) Ана, баракалла. Мен сенга шунақа мировой куёв топганманки, шунақа законний куёв топганманки, бир кўришда ўзингга бўшашиб кетасан.

М а д и н а (*сергакланиб*). Ие, гап бу ёқдами ҳали?

К и м ё х о л а. Вой менга қара. Тегмасанг ҳам майли. Аввал бир кўргин.

М а д и н а (*ишонч билан*). Холажон, ўзингизни қийнаманг, менинг танлаганим бор.

К и м ё х о л а (*бирдан ўзига келиб*). А?

М а д и н а. Ўзингизни қийнаманг. Холажон... Бояги совчилар келди-ю, ўшалар...

К и м ё х о л а (*бақириб*). Вой, бояги крахаборларми?! Қаёқдан пайдо бўлди?

М а д и н а (*ўйчанлик билан*). Вокзалда...

К и м ё х о л а. Нима?

М а д и н а. Ёмғир ёғиб турувди.

К и м ё х о л а. Нима, нима?

М а д и н а. Битта вагонга чиқдик... Менам чиқдим, уям чиқди.

К и м ё х о л а. Нима дединг? Тегишдими?

М а д и н а (*ҳамон ўша ўйчан овозда*). Битта купега кирдик. Менам кирдим, уям кирди.

К и м ё х о л а. Тегдими?

М а д и н а. У менга узоқ тикилиб қолди. Менам унга тикилиб қолдим. Бир-биримизга тикилиб, тонг отгирдик.

К и м ё х о л а. Вой, купега кирмай оёқлари синсин! Вой, тикилмай кўзлари тешилсин! Вой, мен айтувдим-а, практикангга юбормайман, девдим-а! (*Бирдан йиғлаб*.) Онагинанг раҳматли сени менга топшириб кетувди-я!..

М а д и н а. Холажон! Нима кераги бор бунақа ваҳималарни.

К и м ё х о л а (*қулоқ солмай*). Ўз қўлимда жон бераётганида айтувди-я, сен менинг единственний жигаримсан, мана шу қизимнинг орзу-ҳавасларини ўзинг кўргин, девди-я!..

М а д и н а. Етиларига зўрға етиб боргандингиз, шекилли.

К и м ё х о л а. Ўлмасидан бир йил олдин васият қилганди. Вой энди нима қиламан, жигарим! Мани айбим йўқ, жигарим! Паблату бўлсаям институтга олиб кирдим, ўқитдим, жигарим.

М а д и н а. Ўз кучим билан кирдим-ку!

К и м ё х о л а (*қулоқ солмай*). Арвоҳларинг чирқиллаяптими, жигарим! Нима қилай, жигарим, мени айбим йўқ, жигарим! (*Шифтга имо қилиб*.) Тш... Ана! Арвоҳ капалик! Онангни арвоҳи анави ерга келиб қўниб турибди. Онангнинг арвоҳини чирқиллатма (*ўзича фотиҳа ўқийди*).

М а д и н а. Бошимни қотирмасангиз-чи!

К и м ё х о л а (*бирдан жазаваси тутиб*). Йўқми? Шундоқ меровой йигитни кўрмайсанми? Йўқми? Еқаман! Ҳаммасига ўт қўяман! (*Гардеробни очиб, латта-путталарни улоқтириб ташлайди*.) Керакмас! Энди ҳечам керакмас! Менгаям керакмас, сенгаям керакмас. Менам ўт қўяман, сенам ўт қўясан!

М а д и н а (*қўрқиб*). Хола! Холажон!

К и м ё х о л а. Вой, мени қўйвор. Гугурт қани? Гугуртни топ! (*Чўнтагидан гугурт қидириб топади. Еқади-ю, пуфлаб ўчириб, четга улоқтириб юборади*.) Еқмасам отимни бошқа қўяман! (*Ўзини у ёқ-бу ёққа ташлаб йиғлайди*.) Кўриб турибман, арвоҳларинг чирқиллаяпти, жигарим! Вой жигарим! Вой сердцям! (*Бирдан юрагини чангаллаб қолади*.)

М а д и н а (*типирчилаб дори қидиради*). Холажон...'

Қимё хола. Вой сердцам! Овора бўлма... Валакардин йўқ. Вой! Чоп, Хадичаникига чоп. Уям сердечный, дориси бордир.

Мадина чопиб чиқиб кетади. Қимё хола дик этиб ўрнидан туради. Телефон қилади.

Ҳой, Бону, ўзингизмисиз? Наримонхон қаёқда юрибди бир ҳафтадан буён? Чимкентга кетувди? Э, гўшга бало борми? Ҳамма ёқни гўшти чиқиб турибдию ўзи. Нима? Бизникига келяптими?.. Бўпти, шошиб турибман. Кейин гаплашамиз.

Трубкани кўйиб, жойига ўтиради. Мадина дори олиб киради.

Вой сердцам!

М а д и н а. Мана, холажон! (Дори ичиради.)

Қимё хола. Барака топ, қизим! (Йиғламсираб.) Беш кунлигим борми-йўқми, менам ойингга ўхшаб ўламан-кетаман. Мен сени бахтингни ўйлагандим. Майли, кимни хоҳласанг, мен мешайт қилмайман... Манавиларни йиғштириб олақол. Эшикли уй... Биров келиб қолса, уят бўлади.

Мадина нарсаларни йиғштириб, ичкари кириб кетади.

Н а р и м о н (иккита пакет кўтариб киради. У жинси шим, водолазка кийиб олган). Ассалому алайкум, аяжон!

Қимё хола. Ие, ие, Наримонхон, ваалайкум ассалом! (Қўлидан пакетни олади.) Овора бўпсиз-да.

Н а р и м о н. Кечирасиз, аяжон, бир минут (Эшик ортида ғойиб бўлиб яна иккита пакет олиб киради.) Ассалому алайкум, аяжон.

Қимё хола. Вой-бу! Нима қилардингиз шунча нарсани (Пакетларни олади.)

Н а р и м о н. Кечирасиз, бир минут. (Чиқади. Яна иккита пакет кўтариб киради.) Ассалому алайкум, аяжон!

Қимё хола (оғзи қулоғида). Ваалайкум ассалом, (ичкарига) ҳой, Мадинахон, чиқсанг-чи, бу ёққа. Меҳмон келиб қолди. (Мадина чиқади.) Вой, Наримонхон, қайси шамол учирди, қоқиндиқ?

Н а р и м о н. Ҳа, энди аяжон, бизни унча-мунча шамол ўрнимиздан қимирлата олмайди. Бўрон учирди, аяжон, бўрон!

Қимё хола. Вой, современный ёшларам шунақа бўладими? Танишмайсизларми бундоқ.

Н а р и м о н (қўл чўзади). Ассалому алайкум. Наримонхон.

М а д и н а (қўл чўзиб). Мадина!

Қимё хола. Вой, мен ҳозир... Партнихага кўйлак буюриб қўювдим.

Чиқади.

М а д и н а. Хола...

Қимё хола. Ҳозир, болам, ҳозир.

М а д и н а (оҳиста). Наримон ака... Тушунган йиғит экансиз, мен сизга бир нарсани айтиб қўймоқчийдим...

Н а р и м о н (бепарволик билан). Шошманг, Мадинахон, шошманг! Ҳали кўп гаплашамиз. Вазангиз борми?

Мадина ижирганиб ваза олиб чиқади. Наримон пакетдан олма, анор олиб вазага солади. Яна бир пакетдан шоколад, шампан, коньяк чиқаради.

М а д и н а. Биласизми... Мен сизга бир нарсани...

Н а р и м о н. Шошманг, дедим-ку жонидан. Ҳали кўп гаплашамиз, деяпман-ку! Аввал манавиларни тартибга келтириб олайлик. Бундай одамларга ўхшаб ўтирайлик (бир пакетдан гўлдаста олади). Об-

бо! Болаларга айтувдим, Алайскийдан олларинг, девдим. Бешёғочдан олибди-да. Арзонига югурган-да. Ҳа, майли. Қани гулдон олиб чиқинг.

Мадина жаҳл билан гулдон олиб чиқади.

Раҳмат. Мана шу ерда тура қолсин. Гулдаста жудаям ўртада туриши шарт эмас. Стол атрофида ўтирганларнинг дийдор кўришишига халақит бермаслиги керак. Энди рюмкаларни олиб чиқсангиз!

Мадина. Наримон ака...

Наримон. Хўп денг, энди. Стол безатишни бир кўрсатиб қўяй.

Мадина қадаҳларни олиб чиқади. Наримон шоколаднинг зарини чиқаради. Бирпасда столни безатиб ташлайди.

Катта банкетларда, Мадинахон, хўрандаларга ичкиликни официант қуяди. Қим нима ичгиси келса, ўшанга мос қадаҳни ўз олдига суриб қуяди. Масалан, коньякка кичик рюмка, винога каттароқ, шампанга бокал. Мана бундоқ (*қилиб кўрсатади*). Марҳамат, хоним, ўзларининг кўнгиллари нима тусайди?

Мадина. Наримон ака... Кечирасиз. Мен сизга бир нарсани...

Наримон. Оббо! Бунақа нарсаларни озгина ичиб гаплашадими-да.

Мадина (*ундан ақл чиқмаслигини билиб, кескин бурилади*).

Мен чойга қарай. (*Ошхонага чиқади*.)

Наримон (*китоб жавони олдига келади*). Вой-бу, Мадинахон! Шунча китобни ҳаммасини ўзингиз ўқиганмисиз?

Мадина (*ошхонадан туриб жаҳл билан*). Ҳа, шундоқ бўлган.

Наримон. Тагинам миянгиз суйилиб кетмаган экан-да. Аммо менам ўқишни яхши кўраман. Ишимиз нозик. Баъзан кечалари уйқум ўчиб кетади. Шунда ётволиб ўқийвераман, ўқийвераман. Ун беш минутда ухлаб қоламан. Менга қаранг, Мадинахон. Шунча китоб бор-у, нега «кулинария» йўқ.

Мадина (*ошхонадан туриб*). Энди бўп қолар.

Наримон. Олинг, албатта, олинг. Хотин кишининг пазанда бўлгани яхши. (*Китоблардан бирини олиб ўқийди*.) «Сопромат». Нима дегани бу, Мадинахон? Битта шунақа китобнинг ўзидан олтитасини нима қиласиз? Макулатурага топширинг. «Три мушкетёр»ни оласиз. «Три мушкетёр» жа зўр китоб-а?

Мадина. Зўр, зўр!

Наримон. Бу... китобларни муқоваси мебелга подсвет эмаску? Ўзгартириш керак. Чиқинг ахир бу ёққа.

Мадина (*ошхонадан туриб*). Ҳозир...

Наримон (*стулга ўтириб, силкитиб кўради. Залга қараб*). Пухта! (*Ошхона томонга*) Мадинахон, бу гарнитурлар Руминскийга ўхшайди-а? Бешёғочдан олганмисизлар?

Мадина (*ошхонадан*). Шунақа шекилли.

Наримон. Устига қанча бергансизлар?

Мадина. Билмайман.

Наримон (*столни чертиб кўради. Залга қараб қўлини «мих» қилиб кўрсатади. Ошхонага қараб гапиради*). Аммо сал уриниб қопти.

Мадина. Билмадим.

Наримон. Бу... сўрагани айби йўқ, аямлар йигирма йил ишладилар шекилли, ресторанда?

Мадина (*ошхонадан туриб*). Йигирма олти йил.

Наримон. Омон бўлсинлар! Илоё омон бўлсинлар! (*Залга қараб*) Аяда пул кўп. 26 йил официантлик қилади-ю, кўп бўлмайдами? (*Ошхонага*) Мадинахон, ёшлариям элликка чиқиб қолди, шекилли?

Мадина. Қирқ саккиз.

Наримон. Ие, уни қаранг! Жудаям ёш кўринадилар. Худо умр берсин (*залга қараб*). Эрта-индин пуф деса, кетди-да. Қарабсизки, учта хона бизники. У ёқдаги участкани дача қилиб қўямиз (*Ошхонага*). Нимадан қуяй, Мадинахон. Коньякми, шампанми?

Мадина. Ичмайман!

Наримон. Қўйсангиз-чи, ҳозир ичмайдиган қиз борми?

Мадина. Сиз ҳам ичманг, рулдасиз.

Наримон. Ие, рулда эканлигимни қаёқдан билдингиз? Ўзингизам девор бўлмаса кўчани кўрасиз, шекилли.

Мадина. Ҳа, кўзим шунақа ўткирроқ.

Наримон (*залга қараб*). Кўзларингдан аканг! (*Ошхонага*). Коньяк ичиб қўя қолинг. Юзта пайғамбардан, битта худо яхши (*Иккита бокалга коньяк қуяди. Кейин Мадинага мўлжалланган бокалга шампан аралаштиради. Залга қараб*). Йўли шу-да! Тез олади.

Мадина ясағиб чиқади. Унинг найрангини пайқаб қолади.

Наримон. Келинг, мана шуни олинг (*Мадинага бояғи бокални узатади*). Шуни олинг. Бола бўлиб қўлим қайтмаган.

Мадина иккиланиб туради-да, бир қарорга келиб, қадаҳни олади.

Қани, олайлиг-у, олдирмайлик!

Мадина (*ичмай туриб*). Биронта музика-пузика бўлсамиди...

Наримон. Ҳозир ёсть қиламиз-да. Модний музикаларни ҳам-маси бизда-да.

Пакетдан магнитофон олади. Мадина кўлида бокаль билан рақс тушади. Наримон шилқимлик қилиб белидан тортади. Мадина унинг оёғини қаттиқ босади.

Наримон (*афти буришиб*). Оёқ...

Мадина (*билмаганга олиб*). Қанақа оёқ?

Наримон. Юрадиган... Илтимос, алоҳида-алоҳида тушиб қўя қолайлик.

Мадина. Йўғ-э, бирга тушаверамиз.

Танца туша туриб, кўлидаги коньякни Наримоннинг гарданидан куйиб юборади. Наримон кўзи олайиб, илондек тўлғаниб кетади.

Наримон. Вой, вой!

Мадина. Ие...

Наримон (*афтини буриштириб*). Вой, нима қилдингиз?

Мадина. Кечирасиз... Қўлим титраб кетди. Ҳаяжонлансам, шунақа қўлим титрайди.

Наримон. Нима бало, унча-мунча олиб турасизми?

Мадина. («Йўқ» деб бош чайқайди. Унинг водолазкасига қараб) Узр, Наримон ака. Шундоқ польский водолазкангиз...

Наримон (*йиғламсираб*). Итальянский.

Мадина (*унинг шмига қараб*). Эсизгина, итальянский джинсингизга ҳам тегибди-ку.

Наримон. Американский (*орқасини ўгириб маркасини кўрсатади*).

Мадина. Вой жуда чатоқ бўлди-да. (*Бирдан Наримоннинг оёғи остига қараб*) Нима қиляпсиз, Наримон ака!

Наримон (*эсанкираб*). Шампанский бу, синглим, шампанский...

Мадина. Ечинг.

Наримон. А?

Мадина. Ечинг дейман!

Наримон (*илжайиб*). Шимимниямми?

Мадина. Шимингизниям.

Наримон (*илжайиб*). Қандоқ бўларкин?

М а д и н а. Яхши бўлади. Қайтага бемалол ўтирасиз.

Наримонни ваннага киритиб юборди. Наримон аввал водолазкасини, кейин шимини узатади. Мадина бутомондан, Кимё холанинг халатини узатади.

Н а р и м о н (*ваннадан туриб*). Женский-ку!

М а д и н а. Бори шу-да! Энди нима қилдик?

Н а р и м о н. Э, бўлди. Йўлини топдик. Ташвиш қилманг. (*Халат кийиб чиқади*). Ярашибдими? Ие? Нимани ҳиди чиқяпти? Вой-бу, бир нима куйиб кетяпти-ку.

М а д и н а. Вой, эсим қурсин, овқат бошлаб қўювдим-а...

Н а р и м о н. Бизга қўйиб бермайсизми, бунақа ишларни. Биз-да, любой овқатни сайратворадиган. Ошхона қаёқда?

Мадина кўрсатади. Наримон чиқиб кетади. Ошхонадан туриб гапирди.

Чумчуқ сўйсаям қассоб сўйсин! Вой-бў, Мадинахон, картошканиям ҳўкизнинг терисини шилгандай арчибсиз-ку. Ия! Қозоннинг қулоғига-ча ёғ тўлдириб қўйибсиз-ку!

М а д и н а. Билмасам, доим овқатим шунақа ёғли бўлиб кетади.

Н а р и м о н. Одам биронтасини яхши кўриб қолса, овқати ёғли бўлади. Бундан кейин, худо хоҳласа, нуқул ёғ ичида юрарканмиз-да.

М а д и н а гап орасида шоша-пиша Наримоннинг кийимларини ваннахонага киритиб кўяди. Узи шошиб, китобларини сумкага жойлайди.

М а д и н а. Овқат пиширишга ҳеч уқувим йўқ-да. Бунга қаранг, бефстроган деган овқат одамнинг исмидан олинган экан. Яқинда билибман.

Н а р и м о н (*ошхонадан туриб*). Ҳа-да, Мадинахон! Бефстроганни Бефстроган деган одам кашф қилган. Сосиска энг аввал Францияда чиққан. Яна бир хил овқат бор. Хачапурни деган. Грузинларники. Еганмисиз?

М а д и н а. Йўғ-а... Бари бир ҳеч қайси овқат ўзимизнинг паловга етмайди. Палов жуда бошқача овқат-да. Айниқса, биров пиширгани маза бўлади.

Секин эшикни очиб, чиқиб кетади.

Н а р и м о н (*ошхонадан чиқиб келади*). Ия, нимасини айтасиз, Мадинахон? Палов бундан роса 1231 йил илгари кашф қилинган. Александр Македонский Ўзбекистонга келганида паловни еб: ие, дунёда бунақа овқат ҳам бор экан-ку, деган экан. Нега кулмайсиз, Мадинахон! Мадинахон? Мадинахон!

У ёқ-бу ёққа аланглайди. Ваннахонага кирадю, алам билан додлаб катта тоғора кўтариб чиқади. Сувга бўктирилган кўйлак-шимини чўзиб томоша қилади.

Ие, Қартошкани сувига бўктириб кетибди-ку! Ҳой қиз, отинг нимамайди! Нима қиб қўйдинг!

Тоғорани кўтариб ваннахонага кириб кетади. Шу пайт эшик кўнғироғи жиринглаб қолади. Наримон чўчиб тушади. Кўнғироқ яна жиринглайди. Наримон қаёққа қочишини билмай қолади. Энди эшикни кимдир муштрай бошлайди. Наримон титраб-қақшаб яқин боради.

Н а р и м о н (*титраб*). Қимди?

К и м ё х о л а (*овози*). Очинг дейман!

Н а р и м о н. Вой, ая...

К и м ё х о л а (*овози*). Очинг дейман!

Н а р и м о н (*илжайиб*). Ая... Ая... Аяжон...

Кимё хола аввал Наримоннинг ўнг томонига ўтиб қарайди. Кейин чап томонига ўтиб қарайди. Кейин атрофини айланиб чиқади. Сўнгра дастурхонга, оғзи очилган ичкиликларга қараб, бирдан кўзи олайди-ю, ҳиқичоқ тутта бошлайди.

Н а р и м о н. Ая, аяжон...



Эсанкираб халат чўнтагига қўл суқади. Кимё холанинг каттакон сийнабанди чўзилиб чиқади. У Кимё холани беихтиёр сийнабанд билан елпий бошлайди. Кимё хола Наримоннинг башарасига қараб бирдан қичкиради.

Кимё хола Дод! Войдод!

Наримон. Ая, аяжон...

Кимё хола (*пешонасига шапатилаб.*) Вой пешонам! Вой шўр пешона бўлмай ўлай (*Наримоннинг қўлидан сийнапўшни юлиб олади. Сийнапўшни юзига босиб йиғлай бошлайди*). Вой шарманда бўлде-е-ем! Вой бу пазорга қандай чидайман (*Наримонни сийнапўш билан бўғи бошлайди*). Мен современин бўлганим билан бунақа қипялан-ғоч бўлиб олгин деганим йўқ эди-ку! Қирчинингдан қирқилгур!

Наримон (*лапанглаб қочади*). Ая! Ая деяпман!

Кимё хола. Нима ая! Тўлаб бер қизни! Тўлаб бер деяпман! Нима қип қўйдинг қизимни?

Наримон (*йиғламсираб*). Мен эмас, жиянингизни ўзи мени шунақа қилиб қўйди-ку!

Кимё хола. Ҳо-о-! Мендан қутулиб бўпсан, қани қизим? Қаёқда ётибди?

Аланглайди. Шиддат билан каратэ қилишга тушади. Наримон додлаб қочади.

## Учинчи кўриниш

Биринчи кўринишдаги манзаранинг ўзи. Ўз хонасида Мўминжон бошини чангаллаб ўтирибди. Неъматилла билан Латифжон ўз хонасида. Уларнинг телефони муттасил жиринглайди.

Латифжон. Ол!

Неъматилла. Ўзинг ол!

Латифжон. Сенинг галинг, ол! Кеча охиргисини мен олганман.

Неъматилла (*олади*). Ҳа! Нима дейсиз? Ҳа, институт! Мўминжон Қобулович керак бўлса, ўзига қилинг! Телефонни узиб қўйган бўлса, мен нима қилай?!

Жаҳл билан трубкини қўяди. Телефон яна жиринглайди. Энди Латифжон олади.

Латифжон. Ҳа! Академиядан? Мўминжон Қобулович йўқ. Билмайман!

Қўяди, яна жиринглайди.

Неъматилла. Алло! Министрликдан бўлса нима қилай?!

Қўяди, яна жиринглайди. Латифжон олади.

Латифжон. Билмайман! Мен Мўминжон Қобуловичнинг хотини эмасман!

Қўяди, яна жиринглайди. Неъматилла олади.

Неъматилла. Ҳа! Қим?

Бирдан бўшашади. Трубкини кўтариб ўртадаги эшикни муштрай бошлайди. Мўминжон шошилмасдан очади. Неъматилла телефонни узатади.

Дирекциядан сўрашяпти.

Мўминжон. Мадина! (*Қарс этиб эшикни ёпади.*)

Латифжон (*телефонга*). Мадина! Ие, кечирасиз! Мўминжон Қобулович «Мадина» деяптилар (*трубкини қўяди*). Нима қилдик энди-а?

Неъматилла. Билмадим, билмадим. Ҳамма ишнинг расвоси чиқяпти-ку! Бошим қотиб қолди. (*У ёқ-бу ёққа юриб ййлайди. Бирдан.*) Эврика! Топдим.

Латифжон. Нима?

Неъматилла. Сен — Мадинасан!

Латифжон (*кўзи олайиб*). Нима!

Неъматилла. Сен — Мадинахонсан!

Латифжон. Нима қилай? Мўминжонга тегайми?

Неъматилла. Йўқ, аксинча! Алоқани узасан! Холаси Мадинани Мўминжонга бермаслиги аниқ, тўғрими? Энди Мадинани Мўминжон билан гаплаштирмаслигим аниқ.

Латифжон. Хўш?

Неъматилла. Энди бир амаллаб Мўминжоннинг кўнглини совитиш керак, тўғрими?

Латифжон. Хўш?

Неъматилла. Шу, телефон қиласан. Совчиларингиз бошингиздан қолсин, алвидо, дейсан. Тамом.

Латифжон (*қўл силтаб*). Бўлмайти, эплломайман.

Неъматилла. Бўлади! Эплайсан! Эсингдами, янги йил балида Қорқиз бўлиб чиққандинг. Қани, энди ол!

Латифжон. Лекин, билиб қўй, бир нарса бўлса, ўзинг жавоб берасан!

Неъматилла. Албатта, иккаламиз жавоб берамиз!

Латифжон (*трубкани кўтариб, овозини ингичка қилиб, машқ қилиб кўради*). Неъматилла ҳам бошқа трубкани олиб, эшитиб туради). Мўминжон ака...

Неъматилла. Бўлмайти, ингичкароқ!

Латифжон. Мўминжон ака!

Неъматилла. Янаям ингичкароқ.

Латифжон. Мўминжон ака...

Неъматилла. Йиғламсираб гапир. Укинч оҳанги бўлсин.

Латифжон (*йиғламсираб*). Мўминжон ака...

Неъматилла. Ана! Баракалла! Энди шошмай тур.

Эшикни гурсиллатиб ура бошлайти. Мўминжон шошилмай келиб очади.

Мўминжон. Нима дейсан?!

Неъматилла (*чайналиб*). Шу... биттаси телефон қилувди. Мадинаман, деди шекилли...

Мўминжон (*бирдан ҳуши жойига келиб*). Нима?! Қани?

Неъматилла. Биз билан гаплашгиси келмади. Тезроқ телефонингни ула. Ҳозир кўнгироқ қилади.

Мўминжон ҳовлиқиб телефонни улайди. Неъматилла ўртадаги эшикни бекитиб, Латифжонга имо қилади. Латифжон Мўминжонга кўнгироқ қилади. Неъматилла эшитиб туради.

Латифжон (*ингичка товушда*). Алло! Мўминжон ака...

Мўминжон. Мадинахон! (*Энтикиб*). Мадинахон! Овозингизга нима қилди?

Латифжон. Шамоллаб қопман. (*йиғламсираб*). Бўлди! Отимни атаманг. Совчиларингиз бошингизда қолсин.

Мўминжон. Мадина!

Латифжон. Бўлди! Ҳеч нима керак эмас. Иккинчи мени безовта қилманг!

Мўминжон (*ёлвориб*). Мадина! Шошманг.

Латифжон. Қўйинг! Биз бир-биримизга муносиб эмасмиз.

Мўминжон. Шошманг.

Латифжон. Алвидо, орзу-умидларим, алвидо муҳаббатим!

Трубкани шарақ этиб қўяди. Неъматилла кўлини «мих» қилиб кўрсатади.

Мўминжон. Мад... Мад... (*бўшашиб ўтириб қолади*).

Неъматилла. Ана, бўларкан-ку! Тамом! Энди унутади (*Бориб эшикка қулоқ солади*).

Латифжон. Нима қиляпти?

Неъматилла (*елкасини қисиб*). Жим-жит (*эшикни очади*). Тинчликми Мўминжон? Мўминжон, дўстим, нима бўлди сенга?

Мўминжон. Ўзимни ўлдираман. Ўлдираман!  
 Латифжон. Эсингни едингми? Жиннимисан, вей? Дунёда қиз  
 қуриб қоптими?

Мўминжон. Йўқол!  
 Неъматилла (Латифжонга). Йўқол дегандан кейин, йўқол!  
 Мўминжон (Неъматиллага). Сенам йўқол! Ҳаммасини  
 сенлар расво қилдинг (бақариб.) Йўқол!

Икковини чиқариб эшикни қулфлаб олади.

Латифжон. Чатоқ бўлди-ку! Энди нима қиламиз. Бу тентак  
 ўзини-ўзи ўлдиришдан ҳам тоймайди. Чинакамига яхши кўриб қол-  
 ган.

Неъматилла. Чатоқ бўлди. (ўйланиб.) Яна телефон қилма-  
 санг бўлмайди.

Латифжон. Сўкади-да!  
 Неъматилла. Сўкмайди. Ўзи ўлай деб турибди-ку! Шошма,  
 аввал гап ўргатиб чиқай. Бир-икки марта қизлар билан гаплашиб  
 юрибдими бу!

Бориб эшикни муштлайди. Мўминжон алам билан келиб очади.

Мўминжон. Тинч қўясанми-йўқми? (Унинг ёқасига ёпишади.)  
 Ҳаммасини сенлар қилдинг. Совчиликка борма йўлларинг! Ҳаммаси  
 тамом бўлди!

Неъматилла. Шошма! Қиз боланинг шунақа аҳмоқона ноз-  
 лари бўлади. Ҳали яна телефон қилади.

Мўминжон. Қилмайди.

Неъматилла. Қилади! Мен бир нарсани билмасам гапирмай-  
 ман. Мана, байрам келяпти, у бу совға қилмайсанми? Майли-да, атир-  
 ми, рўмолми, туфлими...

Латифжон бу хонадан телефон қилади. Трубкани Неъматилла олади.

Неъматилла. Алло, ким бу?

Латифжон (ўз овозида). Ўв, аҳмоқ, менман!

Неъматилла. Ҳа, Мадинахонмисиз!

Мўминжон (трубкани юлиб олади). Мадинахон!

Латифжон (ингичка овозда). Мўминжон ака.

Мўминжон. Мадинахон, ўзингизмисиз?

Латифжон. Ўзим, Мўминжон ака, ўзим. Холамлардан зўрға  
 қутулиб чиқдим. Ҳали сал кўнглим тўлиб турувди, шунга сизни хафа  
 қилиб қўйдим.

Неъматилла бериги хонага чиқиб, бошқа трубкани кўтаради.

Мўминжон. Мадинахон, сиздан битта нарса сўрасам хафа  
 бўлмайсизми?

Латифжон. Вой, нимади?

Мўминжон. Йўқ, аввал айтинг, хафа бўлмайсизми?

Латифжон. Майли сўрай қолинг.

Мўминжон. Сиз қанақа атирни яхши кўрасиз?

Латифжон. Менми? «Шипр»ни!

Неъматилла уни туртади. «Жинни» деб бошига нуқиб кўрсатади.

Неъматилла (қаттиқ пичирлаб). Аҳмоқ, французкий демай-  
 санми?

Мўминжон. «Шипр».

Ҳайрон бўлади: аммо қоғоз-қалам олиб ёза бошлайди.

Латифжон. Французкий-да, янги чиққан.

Мўминжон (*ёзади*). «Французкий шипр». Айтинг-чи, нечанчи туфли киясиз?

Латифжон. Менми? (*Оёғига қараб*) Мен 45 ботинка кияман.

Неъматилланинг кўзи олайиб кетади. Латифжон тушуниб қолади.

Йўғ-е, 37! Кўйлагимнинг ёқаси 45. Аския қилдим.

Мўминжон (*ёзиб олади*). 37. «Кўйлакнинг ёқаси...»

Латифжон. Вой, униси керакмас.

Мўминжон. Подёми қанақа?

Латифжон. Ниманинг подёми?

Неъматиллага имо қилиб «нима дей» деб сўрайди.

Мўминжон. Оёғингизнинг подёми-да.

Неъматилла (*пичирлаб, шошиб*). Етти-етти.

Латифжон (*Яхши эшитмайди*). Етмиш етти!

Неъматилла бошини чангаллаб қолади.

Неъматилла (*пичирлаб*). Бўлди, расво қилдинг. Трубкани қўй.

Мўминжон. Қаердан қўнғироқ қиляпсиз, Мадинахон?

Латифжон. Яқин.

«Нима дей», деган маънода Неъматиллага қарайди.

Неъматилла (*ҳовлиқиб*). Ошхона...

Латифжон. Ошхона бор-ку, ўшанинг олдидан.

Мўминжон (*ҳовлиқиб*). Диетический ошхонанинг ёниданми?

Ҳозир тушаман.

Латифжон. Йўқ, керакмас.

Мўминжон. Қетдим (*трубкани қўяди*).

Латифжон (*Неъматиллага*). Чатоқ бўлди-ку!

Неъматилла. Диетическийга бало бормиди. Диетический институтнинг ҳовлисида-ку!

Латифжон. Оғзимга бошқа гап келмаса нима қилай!

Мўминжон ҳовлиқиб чиқиб кетади.

Неъматилла (*Унинг йўлини тўсиб*). Ие, бормисан, огайни! Қоринлар пиёзнинг пўстига айланиб кетди-ку!

Латифжон. Боядан бери телефон қилсак, доим банд. Бир овқатланиб келайлик.

Неъматилла (*тантана билан*). Бир диетический овқат ейлик!

Мўминжон (*Типирчилаб*). Менинг қорним тўқ. Мен овқат емайман. Менинг қорним ёрилиб кетай деяпти!

Учовлашиб парданинг олдига чиқишади. Мўминжон бўйини чўзиб, у ёқ-бу ёққа қарайди.

Неъматилла. Қимни қидиряпсан, дўстим?

Латифжон. Менга айт, менинг кўзим ўткирроқ.

Мўминжон (*бирдан бақириб*). Қачонгача менга эргашиб юрасанлар! Ўз ҳолимга қўясанми-йўқми?

Уларни итариб юбориб, залга тушиб кетади.

Латифжон. Энди нима қиламиз? Ҳозир кутиб-кутиб қайтиб келади-да, яна расво бўлади.

Неъматилла. Э, мениям бошим қотиб қолди.

Шу пайт ҳар хил қутилар, қоғозга ўроғлиқ атласни беўхшов кўтарган Мўминжон зал ўртасидан чиқиб келади. Ўз хонасига югуради.

Латифжон. Бозор қилиб кепти-ку!

Неъматилла. Олган босоножқаси ўн йил илгари модадан қолиб кетган-ку!

Л а т и ф ж о н . Атласни кўрдингми? Мактаб қизлари киядиган атлас.

Мўминжон ўз хонасида. Қутилардан бирини очиб босоножжа чиқаради. Бир қоғоздан кизил атлас чиқаради. Тагин бир қоғоздан «Шипр»ни олади. Ҳидлаб кўриб бурнини жийиради. Туфлини артиб кўксига босади. Неъматилла эшикдан мўралайди.

Н е ъ м а т и л л а . Мўминжон... Мўминжон...

М ў м и н ж о н (*жеркиб*). Нима дейсан? Қани, нима дейсан?!

Н е ъ м а т и л л а . Вой-бу, мунча? Бозор катта-ку!

Неъматилла билан Латифжон нарсаларни кўра бошлайдилар.

Н е ъ м а т и л л а . Вуй, манови атласнинг зўрлигини! Қаёқдан топдинг, оғайни!

М ў м и н ж о н . Жойига қўй!

Л а т и ф ж о н (*туфлини олиб*). Қутичага ўхшайди-я! Мениям хотиним шунақасини қидириб юривди!

М ў м и н ж о н . Жойига қўй!

Н е ъ м а т и л л а . Кимга ўзи?

М ў м и н ж о н (*секин*). Эгаси бор.

Н е ъ м а т и л л а . Ие?

Л а т и ф ж о н . А?

Н е ъ м а т и л л а . Телефон қилдимиз?! Ана, айтмовдимми? Телефон қилади дедимми — дедим.

М ў м и н ж о н . Қани, бўлди, чиқ икковинг ҳам! (*Иккаласини ҳайдаб чиқаради. Эшикни қулфлаб қўяди. Унинг телефони жиринглайди. Мўминжон трубкани ҳовлиқиб олади*). Мадина! (*Энсаси қотиб, жойига қўяди*).

Кейин ҳар гал телефони жиринглаганида олиб, гапирмасдан кўяверади. Энди бу хонадаги телефон жиринглайди. Неъматилла олади.

Н е ъ м а т и л л а . Алло? Мўминжон Қобулович қўйиб қўйса мен нима қилай?!

Жаҳл билан жойига қўяди. Яна жиринглайди. Латифжон олади.

Л а т и ф ж о н . Лаббай! (*Жаҳл билан*.) Нима қилайлик? Қани айтинг, нима қилайлик?! Мўминжон Қобуловичга шунақа қилгин деб ўргатиб қўйибмизми!

Кўяди.

Н е ъ м а т и л л а (*бош чайқаб*). Бўлмайди! Яна телефон қилмасанг бўлмайди. Бу ёқда ўзининг жони қийналаяпти, бу ёқда иш қолиб кетяпти.

Л а т и ф ж о н . Тагин Мадина бўламанми?

Н е ъ м а т и л л а . Бошқа илож йўқ.

Л а т и ф ж о н . Бор-э, нима дейман?

Н е ъ м а т и л л а . Ҳали ўртоқларингиздан уялиб қочиб кетдим, дейсан. Сизни соғиндим, тушларимда кўриб чиқаман, дейсан. Хуллас, амаллайсан-да.

Латифжон телефонни бурайди. Неъматилла ҳам эшитиб туради. Мўминжон олади.

Л а т и ф ж о н (*ингичка овозда*). Мўминжон ака, яхши ўтириб-сизми?

М ў м и н ж о н . Қаёққа кетиб қолдингиз, Мадинахон?

Л а т и ф ж о н . Анови иккита ўртоғингизни бошлаб тушдингиз-ку!

М ў м и н ж о н . Мен бошлаб тушганим йўқ, ўзлари эргашиб тушишди. Улгудек бефаросат-да, булар.

Н е ъ м а т и л л а (*Латифжонга пичирлаб*). Тушни айт, тушни. Хурсанд бўлади.

Л а т и ф ж о н . Биласизми, Мўминжон ака, холам мени уйга қамаб қўйганларидан кейин сизни ҳар куни туш кўрдим. Тушимда доим осмонда учиб юрасиз...

М ў м и н ж о н (*оғзи қулоғида*). Раҳмат, Мадинахон. Менам сизни туш кўрувдим-у, айтишга уялиб турувдим.

Л а т и ф ж о н . Вой, жудаям уяладиган туш бўлса, айтмай қўя қолинг.

М ў м и н ж о н . Жудаям уятлимас. Тушимда-чи, ойм раҳматли сизнинг қўлингизга қип-қизил олма бериб кетибдилар.

Л а т и ф ж о н . Вой, қаёқдан билибдилар? Олмани бирам яхши кўраман-ей!

М ў м и н ж о н . Тушда кўрган олма нима бўлишини биласизми, Мадинахон?

Л а т и ф ж о н . Вой, нима бўлади?

М ў м и н ж о н . (*Ўзи ҳам уялиб*). Фарзанд!

Л а т и ф ж о н . Вой!

Қорнини ушлайди. Неъматилла мембранани босиб, маза қилиб кулади.

М ў м и н ж о н . Тағин-чи, Мадинахон, бир эмас, иккита олма берибдилар. Сиз иккаласиниям дарров-дарров еб олдингиз.

Л а т и ф ж о н . Вой ўлай! (*Энди телефонли қўли билан ҳам қорнини ушлайди. Ўз овозида гапириб юборади*). Мен Ҳасан-Ҳусан туғармишман! Вой, менга қара, нега энди мен туғишим керак экан? Э, олманг ўзинга сийлов-э! Тушинг билан қўшмозор бўл-э!

М ў м и н ж о н . Алло, Мадинахон, Алло!

Л а т и ф ж о н (*телефонга*). Э, қўйинг-э!

М ў м и н ж о н . Кечирасиз. Мадинахон, яна хафа қилиб қўйдимми? Кўрган тушимни айтдим-да. Илтимос, айтинг, қаердан гапиряпсиз, айтинг?!

Л а т и ф ж о н . Яна ўртоқларингизни бошлаб тушасиз-да.

М ў м и н ж о н . Эндиям эргашсин-чи! Ҳаммасини расво қилган шулар ўзи. Иккаласи бир-биридан баттар. Совчиликка борганда кўргандирсиз. Анави каттароғи бор-ку, оти Неъматилла.

Л а т и ф ж о н . Неъматилла? (*Немаътиллага имо қилиб кулади*.) Ушанинг оти Неъматиллами?

М ў м и н ж о н . Ҳа-да! Кўрдингизми юришини, кўрдингизми, худди бузоққа ўхшайди.

Л а т и ф ж о н (*ҳузур қилиб кулади*). Тўппа-тўғри айтдингиз. Худди бузоққа ўхшайди! (*Неъматилланинг қўзи олайиб кетади*.) Шунча пайтдан буён нимага ўхшайди деб юрардим. Қаранг, худди бузоққа ўхшаркан!

Неъматилла алам билан уни туртади.

М ў м и н ж о н . Иккинчисини айтмайсизми, иккинчисини, Латифжонни.

Л а т и ф ж о н (*бирдан дами ичига тушиб*). Анави чиройликки-на, келишгангина йигитми?

М ў м и н ж о н . Ия, нимаси чиройли. Сиз узоқдан кўргансиз. Яқинроқдан қарасангиз, уч кун бюллетень қилиб ётасиз!

Л а т и ф ж о н (*бўшашиб*). Йўғ-э, жудаям унчаликка ўхшамайди-ку.

М ў м и н ж о н . Бурнини кўрдингизми, бурнини.

Л а т и ф ж о н (*ўзининг бурнини ушлаб кўриб*). Кўрдим. Бурнига нима қипти.

Энди Неъматилла кула бошлайди.

М ў м и н ж о н . Нима қиларди. Бир қарич келади!

Л а т и ф ж о н (*қаричлаб кўриб*). Жудаям унчалик эмас-ку.  
М ў м и н ж о н. Қулоғига эътибор бердингизми, қулоғига! Ҳар биттаси шапалоқдек келади.

Л а т и ф ж о н (*қулоғини ўлчаб кўради*). Қулоғиям нормалний, шекилли?

Неъматилла ҳузур қилиб кулади.

М ў м и н ж о н. Анави Неъматилласи бузоқ бўлсаям, сал-пал калласи ишлайди-я, буниси нақ ҳўтикчанинг ўзгинаси!

Л а т и ф ж о н (*алам билан*). Нима? Ҳўтик? Ким ҳўтик?

М ў м и н ж о н. Ким бўларди, Латифжон-да! Агар эндиям йўлимни тўсса, икковини ҳам ўлгудек дўппослайман. Қаердасиз, Мадинахон?

Л а т и ф ж о н. Йўқ, аввал сиз айтинг, ким ҳўтик? Нега энди ҳўтик бўларкан. Нега ҳақорат қиласиз? Нима ҳаққингиз бор?

М ў м и н ж о н, Ие, нима деяпсиз, Мадинахон? Мен анави йўлимни тўсган хираларни айтаяпман. Куйиб кетганимдан айтяпман. Қаердасиз, ҳозир бораман!

Л а т и ф ж о н. Керакмас! Ҳеч нима керакмас! Фирт жинни экансиз. Аҳмоқ.

Трубкани қўйиб қўяди.

М ў м и н ж о н. Алло! Мадинахон. Алло!

Бошини чангаллаб ўтириб қолади. Сакраб ўрнидан туради. Бояги латта-путта, туфли кутиларни олади. Шиддат билан ўртадаги эшикни очиб чиқади.

М ў м и н ж о н. Ма, ол заҳарингга! Ҳаммаси сенларга!

Нарсаларни ўртага қўяди.

Неъматилла. Ҳой оғайни, нима бўлди ўзи?

М ў м и н ж о н. Ул бўлди! Дард бўлди! (*Йиғламсираб*.) Ҳаммаси тамом бўлди, билдингми? Менга эргашиб бало бормиди сенларга?! Умрида диетический овқат емайдиган очофатлар, заҳарингга сомсами, баломи еб қўя қолсаларинг ўлармидиларинг! (*Неъматиллага*.) Нега бузоққа ўхшаб бўзраясан? (*Латифжонга*.) Сен-чи! Нега ҳўтикка ўхшаб қулоғингни динг қилиб турибсан?

Л а т и ф ж о н (*тўнғиллаб*). Яна ҳўтик дейди-я!

М ў м и н ж о н (*нарсаларни сочиб юборади*). Ана, билганларингни қил. Ўликларингга буюрсин!

Хонасига кириб кетади.

Неъматилла. Шошма, оғайни. Ҳозир тушунтирамиз.

М ў м и н ж о н. Йўқол деяпман! (*Эшикни беркитиб олади*.)

Неъматилла (*стол устида, ерда сочилиб ётган нарсаларни олади, ўйланиб*). Асли бу нарсалар сенга тегишли, Латифжон. Хизматини қилгандан кейин совғасиниям оласан-да. (*Қовоқ тумшуғи уйилиб ўтирган Латифжоннинг тепасига келади*.) Қани, бир ўлчаб кўрайлик-чи.

Пошнаси баланд туфлини Латифжоннинг оёғига ўлчайди. Елкасини қашлаб қўяди.

Аттанг, кичикроқ экан. Оёқ масаласида ўзлариям-а? Синглим...

Л а т и ф ж о н. Э, бор-э!

Неъматилла. Буниси нима экан? Ия, кофта-ку, қани-қани? (*Елкасини ўлчаб кўради*.) Ия, буям кичкина-ку. Майли, зиёни йўқ, хотин киши битта туққанидан кейин чўқади. Ушанда қуйиб қўйгандек лоп-лойиқ келади-да.

Л а т и ф ж о н (*кўзи олайиб ўрнидан туриб кетади*). Нима?!

Неъматилла. Ия, бу ёқда антиқаси бор экан-ку.

Кийимлик ағлосни Латифжоннинг елкасига ташлайди. Бир қоғознинг қатини очади. Тўла комплектли ич кийим чиқади. Неъматилла бир қўлида ич кийим, бир қўлида «Шипр» билан Латифжоннинг тепасига келади. Худди шу пайт Мўминжон хонасидан чиқади. Неъматилла билан Латифжон уни кўрмай қолишади. Мўминжон икковини қўриб тўхтаб қолади. Булар уни пайқамайдилар.

Оҳ-оҳ-оҳ! Манавини кийгизи-и-иб қўйсам. Манавини та-қ-и-иб қўйсам!

Л а т и ф ж о н (*додлагудек бўлиб*). Нима?! Йўқол! Ҳаммаси сендан чиқди. Ҳаммасини сен бошладинг!

Н е ъ м а т и л л а. Нега энди! Ўзинг эмасми телефон қилиб (*овозини ўхшатади*). «Мўминжон ака, яхшимисиз, мен — Мадинаман», деган. «Оёғимни размери 45, бўйнимни размери 37» деган. Сенми-менми?

Бирдан Мўминжонга кўзи тушади. Мўминжон қотиб қолган. У секин Латифжонни туртади. Латифжон бурилиб, Мўминжонни кўради-ю, қочиб қолишни мўлжаллайди.

М ў м и н ж о н (*ўзига келиб*). Ҳали шунақами?

Н е ъ м а т и л л а. Мўминжон... Мўминжон... Мўминжон... (*Тисарилади.*)

М ў м и н ж о н. Шунақами ҳали? Шунча пайтдан буён мени...

Л а т и ф ж о н (*дудуқланиб*). Мўм-мўм... Мўм-мўм... Қоб... Қоб... Қоб... Қоб...

Н е ъ м а т и л л а. Мўминжон... Мўминжон... Ҳозир ҳаммасини тушунтираман.

М ў м и н ж о н. Мана тушунтир! Мана!

Т у ф л и ч и отади. Латифжон ўзини эшикка уради.

Н е ъ м а т и л л а. Шошма, жинни бўлма!

М ў м и н ж о н. Мана сенга. Мана сенга! Мана! Мана!

Ҳамма нарсани тепкилаб ташлайди. Неъматилла қочади. Мўминжон хонасига кириб, эшикни қулфлаб олади. Стол олдида бориб бошини чангаллаб ўтиради. Шу пайт бериги хонага кўзойнакли Опа киради. Ивирсиб ётган нарсаларга ҳайрон бўлиб қарайди.

О п а. Жинни бўлганми булар!

Бориб Мўминжоннинг эшигини итариб кўради. Хонани яна кўздан кечиради. Мўминжоннинг хонасида тўнғиллаётган овозни эшитиб, телефонни бурайди. Мўминжон Латифжон деб ўйлаб баттар жаҳли чиқиб кетади.

М ў м и н ж о н (*ўзича*). Яна шулар! Майна қилмоқчи! (*Трубкани юлқиб олади.*) Ҳа!

О п а. Қобуловмисиз!

М ў м и н ж о н. Ҳа, Мўминжонман! Эринг йўқлигини биламан. Аммо сенга эр бўлолмайман.

О п а. Алло, нима гап ўзи? Эрим бор-йўқлиги билан нима ишингиз бор.

М ў м и н ж о н. Мен сенга эр бўлолмайман, деяпман, тушундингми? Энди бошқасини қидир. Билдингми?

О п а. Вой, нима деяпсиз ўзи?

М ў м и н ж о н. Яхшиси, эълон бер. Менга эр керак, дегин. Бўйбастни фалонча бўлсин, оғирлиги пистонча бўлсин, дегин!

О п а (*сочини юлиб*). Нима-нима! Бу қанақа аҳмоқлик!

М ў м и н ж о н. Битта эълон берсанг, йнгирмата эр югуриб келади. Иложи борича аҳмоқроғидан танлагин. Қанча овсар бўлса, шунча яхши, ўзингга мос тушади.

О п а. Учир овозингни, ярамас!

М ў м и н ж о н (*кулиб*). Ҳаҳ-ҳа! Алам қилдими? Эрга тегсанг, аламинг босили-и-иб қолади.

О п а (*сочини юлиб*). Нима-нима? Нима дединг?!



**Мўминжон** (*баттар кулиб*). Иложи бўлса-чи, бир йўла иккита эрга теккин, хўпми?

**Опа** (*бошига мушглаб*). Трубкани жойига қўй дейман, аҳмоқ! Уруғингни ўйнатиб юбораман!

**Мўминжон**. Ўйнатасан, ўйнатасан! Қобра опа бор-ку, ўшанга айтсам, ўзингни уруғинг ўйнаб кетади. Кўзойнагини ечиб қўйиб, бир чақса, тил тортмай ўласан!

**Опа** (*ўз-ўзини уриб*). Ким Қобра? Ким иккита эрга тегаети? Войдод! Бу гапларга қандоқ чидайман!

Трубкани қўяди. Урнидан турмоқчи бўлади-ю, столга мук тушиб, ҳушидан кетади.  
Мўминжон хонасидан ғазаб билан чиқади.

**Мўминжон**. Мана шунақа бўлади. Бировни алдаш мана шунақа бўлади.

Бирдан опани кўради-ю, кўзи олайиб кетади. Бошини чангаллаб қолади. Кейин хонасига киради. Ҳаммасини тушунади-ю, мук тушиб ҳушидан кетади. Бу хонага Неъматилла билан Латифжон кириб келади.

**Латифжон** (*опани кўриб*). Ие?

**Неъматилла** (*Мўминжонни кўриб*). Ия!

Латифжон опага, Неъматилла Мўминжонга югуради.

**Латифжон**. Кўзингизни очинг, жон опа...

**Неъматилла**. Ўзингни бос, жон дўстим. Мадинани сенга обермасам, отимни бошқа қўяман.

ПАРДА.

## ИККИНЧИ ПАРДА

### Тўртинчи кўриниш

Иккинчи манзаранинг ўзи. Кимё хола стол-стулларни авайлаб артиб, жавраяпти.  
Мадина диванда китоб ўқиб ўтирибди.

**Кимё хола**. Ёлғиз синглимининг биттаю битта қизи, дедим. Етимлиги билинмай қўяқолсин, дедим. Одамларга ўхшаб орзу-ҳақас кўрсин, дедим. Бу бўлса падвадит қилиб ўтирибди мени!

**Мадина**. Нима қипман, холажон, нима қипман?

**Кимё хола** (*масхара қилиб*). «Нима қипман, нима қипман!» Наримонхондек йигитни, бутун бошли кафенинг завстоловойини қипланғоч ечинтириб қўйиб, тагин нима қипман, дейди-я!

**Мадина**. Ажаб бўпти! Биров унга ечинсин дептими?

**Кимё хола**. Ия, рўпарасида симпатичний бир қиз кўзини сузиб, ечи-и-инг, деб турганидан кейин йигитам эри-и-иб кетади-да!

**Мадина**. Менга-чи, холажон, худди ўша дуч келган қизга эри-и-иб кетмайдигани керак! (*Ичкарига кириб кетади.*)

Эшик қўнғироғи жиринглайди. Кимё хола очаети-ю, кўрқиб орқасига тисарилади. Аввал Неъматилла, кетидан Латифжон бостириб кириб келишади. Ҳар иккаласи ҳам таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетган. Неъматилланинг кўзида қора кўзойнак, мексиканча сомбреро, панчо кийиб олган. Латифжон хорижий кийимда, қўлида портфель. Улар бостириб келаверади, Кимё хола чекинаверади. Охири тап этиб стулга ўтириб қолади. Неъматилла стулга ўтирмоқчи бўлади. Аммо жирканиб чўнтагидан оппоқ рўмолча чиқаради. Стулни, столни артади. Рўмолчани улоқтириб Кимё хола-нинг рўпарасига ўтиради. Латифжон эса қўлини чўнтагига тикиб, ҳуштак чалиб хонада юра бошлайди. Кимё хола-нинг капалаги учиб кетади.

**Неъматилла** (*дағдаға билан*). Хэлло!

**Латифжон**. Салом!

Кимё хола (*дудуқланиб*). Ассалом алайкум (*Ичкарига*.) Мад-  
Мадинахон!

Латифжон келиб ўтиради. Бурнини жийиради. Стол-стулларга имо қилиб, Неъматил-  
лага... «қалай» дегандек қарайди. Неъматилла мутлақо ярамайди, деган маънода то-  
моқ қоқади, сомбреросини ечиб, стол устига қўяди. Мадина чиқади. Уларни таниб,  
тўхтаб қолади:

Кимё хола (*қўрқиб*). Мадинахон, танийсанми?

Мадина. Ҳайронман, кўзимга иссиқ кўрнинишяпти-ю...

Латифжон. Утиринг! (*фотиҳага қўл очишади. Мадинага*.)

Қани!

Мадина (*Кимё холага*). Қани!

Кимё хола аланглайди. Неъматилла Латифжонга ўзинг бошла дегандек, имо қилади.

Латифжон (*бақириб*). Илоҳи омин!

Беихтиёр Кимё хола ҳам фотиҳага қўлини очади. Латифжон узундан-узоқ дуо ўқийди.  
Орада «Омин, илоҳи омин» деб туради. Кимё хола икки-уч марта юзига фотиҳа ҳам  
тортиб юборади. Аммо меҳмонлар ҳадеганда фотиҳа тортишмайди. Ниҳоят, фотиҳа  
ўқилади.

Латифжон. Омин, облоҳу акбар.

Кимё хола. Мен... танимайроқ турипман. Ким керак эди сиз-  
ларга?

Неъматилла (*жеркиб*). Нима?

Кимё хола (*дами ичига тушиб*). Хуш кепсизлар, оповси, қа-  
дамларингга ҳасанот. Танигандек бўп турипман-у...

Латифжон (*уйларга имо қилиб*). Бу... Мазаси йўқ-ку! Мабодо  
адашиб кириб қолмадикми?

Неъматилла (*димогдорлик билан тўнғиллаб*). Шу!

Латифжон. Сиз Кимё аямисиз?

Кимё хола. Шундоқ, оповси айлансин, шундоқ! (*Илжайиб*.)

Қақ раз сиз айтган одам мен-да! Буни қаранг, бизни йўқлайдиган  
одамлар ҳам бор экан.

Латифжон (*Мадинага*). Сиз Мадинахонсиз?

Мадина (*кулиб юбормаслик учун кафти билан оғзини тўсиб*).  
Тўғри, худди шундоқ.

Латифжон (*уйларга яна имо қилиб*). Жудаям эллипс-ку! Хў-  
жайин бунчалик хароб эканини билмаганмилар дейман-да?

Неъматилла. Старт!

Латифжон (*қўрқиб*). Хўп бўлади, хўп! (*Кимё холага*) Ишга  
кириш, деяптилар. Энди бўладиган гапни гаплашиб олайлик. Гап бун-  
доқ. Бизни хўжайин юбордилар. Замлари (*Неъматиллага имо қилади*)  
билан мени юбордилар. Вакил қилиб! Ўзлари келмоқчийдилар-у, янги  
дачаларига музхона қурдираётган эдилар. Шунини ўз кўзим билан кў-  
риб келмасам бўлмайди, дедилар.

Кимё хола (*ҳеч нимага тушунолмай*). Қанақа дача, оповси?

Неъматилла (*жеркиб*). А?

Кимё хола (*бўшашиб*). Дачалари борми дейман?

Латифжон. Дачалари эмас, янги дачалари деяпман-ку. Ке-  
лингга атаб янги дача қўраптилар.

Кимё хола. Узр, оповси, одамни ёши бир жойга борганидан  
кейин хиёл анақароқ бўлиб қоларкан. Серцамниям мазаси йўқроқ.  
Бундай тушунтириб гапирсангиз, оповси? Қанақа хўжайин, ўргилай,  
қанақа вакил?

Неъматилла. Танбур!

Латифжон. Ана! Замнинг жаҳллари чиқяпти. Боядан бери қу-  
лоғига танбур чертаяпмизми, деяптилар. Нимасини тушунмайсиз? Хў-  
жайин шофёрлари билан дачани кўргани кетдилар, тушундингизми?

Кимё хола. Тушундим, оповси, тушундим.

Л а т и ф ж о н . Бизни вакил қилиб юбордилар. Тўй масаласини гаплашиб келларинг, дедилар, тушундингизми?

К и м ё х о л а (ҳеч балога тушунмагани офтидан кўриниб туради). Ҳа-ҳа, тушундим, оповси. Ҳа, Мадинахон, акаларингни шляпасини олиб қўй. (Мадина олади.) Эҳтиёт қил, қизим. Қимматбаҳо шляпалар-а бу. Эҳтиёт бўл. (Мадина олиб чиқади). Сўрагани айби йўқ, оповси, бу хўжайинларинг ким бўладилар, нима иш билан занми қиладилар? Врачми, инженерми...

Н е ъ м а т и л л а (ўрнидан туриб кетади). Врач!

Л а т и ф ж о н (ўрнидан туриб кетади). Нима? Инженер? Сиз бизни ким деб ўйлаяпсиз? Аллақанақа юз сўм оладиган врач, 90 сўмга тирикчилик қиладиган инженер... Шуларга вакил бўламизми биз.

К и м ё х о л а (чехраси ёришиб). Вой бир сўрадим қўйдим-да, олим-полимми деб.

Л а т и ф ж о н . Нима? Олим! Йигирма йил ўқиб дўкончининг пулини тополмайдиган олимга вакил бўлдикми биз?!

Н е ъ м а т и л л а (Латифжонга). Аллес!

Л а т и ф ж о н . Хўп, кетдик. Омин! (Кимё хола фотиҳага қўл очади). Облоҳу акбар! (Кимё хола фотиҳа тортади.) Кетдик!

К и м ё х о л а (йўлини тўсиб). Ҳай-ҳай, ўргилай, ўтиринглар. Билмасдан оғзимдан чиқиб кетди.

Л а т и ф ж о н . Олим қаёқда-ю, сиз қаёқда! Ким айтади сизни ўттиз йил официанткалик қилган современи хотин деб?

К и м ё х о л а . Вой, биларкансиз-ку, оповси. Мен ҳозир сапсем хушимдан айрилиб қолдим. Ҳой, Мадинахон, чой опчиқмайсанми, қизим! (Йигламсираб.) Нима қилай, оповси. Ёдғизгина синглимнинг биттагина боласи. Синглим раҳматли, жойинг жанатда бўлгур жон бераётганида айтган: «Мана шу биттаю-битта қизимни сенга топширдим», деган.

Л а т и ф ж о н . Аммо бахтингиз бор экан! Пешонаси ярақлаган хотин экансиз! Биласизми, хўжайинимиз қанақа улуғ одам! Кечирасиз-у, келин ойимиз ҳам офатижон эканлар-да! Шундоқ одамни шайдо қиптиларми, демак, бир гап бор.

Н е ъ м а т и л л а . Гипербола!

К и м ё х о л а . Лаббай? (Латифжонга қарайди.)

Л а т и ф ж о н . Сизни неча марта эрга теккан деб сўраяптилар.

К и м ё х о л а . Вой, бир марта, оповси. Атиги бир марта-я! Эрим ўқитувчи эди. Ўзи хэмирини топмасаям, сенинг топганинг ҳаром деб ажрашиб кетган. Ушандаям бошқа турмуш қурмадим. Серцам кўтармади.

Л а т и ф ж о н . Хўп, демак, тўй умрда бир марта бўладиган савдо. Шунақами?

К и м ё х о л а . Албатта, оповси, албатта. Илоё биттаси билан қўша қарисин.

Л а т и ф ж о н . Хўп, қанча қалин берайлик?

К и м ё х о л а (овозини пасайтириб). Вой, қалин деманг-а! Қалин эскилик сарқити-я. Мадинахон эшитиб қолса, ёмон бўлади-я. Сут ҳақи денг, оповси. Мен Мадинахонни эмизмасам ҳам, она ўрнида оналик қилиб келяпман. (Чайналиб.) Энди... Сут ҳақи от билан туя бўлармиди? У ёқда анави фотиҳа қип қўйган қудаларнинг қарзи бўйнимда турибди...

Л а т и ф ж о н . Бўпти! Гапни айлантириб нима қиласиз, ая! Уннинг берсак етадимми?

Н е ъ м а т и л л а . Ун икки!

Л а т и ф ж о н . Ана, ўн икки минг экан.  
 К и м ё х о л а (*ўрнидан туриб кетади*). Ҳой, Мадинахон, қаёқда-  
 сан, қизим? Ошга уннамайсанми? Акаларинг толиқиб қолди-ку.  
 Л а т и ф ж о н . Демак, масала ҳал!

Мадина чиқади.

М а д и н а . Ҳозир олов ёқаман, холажон.  
 Л а т и ф ж о н . Бир минутга кетмай туринг. (*Кимё холага.*) Тўй  
 умрда бир марта бўладиган савдо. Тўғрими?

К и м ё х о л а . Тўппа-тўғри!

Л а т и ф ж о н . Демак, тўйни қанақа ўтказиш керак?

К и м ё х о л а . Законний қилиб ўтказиш керак. Дўст-душманнинг  
 кўзини ўйнатадиган қилиб ўтказиш керак! Минг раҳмат сизларга.

Дарров дастурхон безаб ташлайди. Неъматилла маза қилиб овқатланаверади. Латиф-  
 жоннинг икки кўзи овқатда, аммо ноилож — иши кўп.

Н е ъ м а т и л л а . Улча!

Л а т и ф ж о н . Хўп бўлади, хўп.

Портфелини очиб, бичиқчиларнинг рулеткаси, турли асбоблар олади. Рулеткани  
 олиб Мадина томон юради.

Хўш... Ҳозир кун салқин. Келин шамоллаб қолмасликлари учун никоҳ  
 кўйлагини айиқнинг терисидан тиктираминз!

Н е ъ м а т и л л а . Оқ!

Л а т и ф ж о н . Оқ айиқ экан!

Мадинанинг у ёқ-бу ёғини ўлчабга тушиб кетади.

М а д и н а (*қаршилик қилган бўлиб*). Вой нима қиялпсиз? (*Кула-  
 ди.*)

К и м ё х о л а . Жим тур! Ўзингдан катта бир иш қилганда, жим  
 тур! Меникини ўлчаб қўя қолинг. Размеримиз бир хил.

Л а т и ф ж о н (*Мадинага шивирлаб*). Мўминжоннинг олдига тез-  
 роқ бормасангиз, иш чатоқ. Ўзини осмоқчи. Илтимос, тезроқ боринг!

Мадина розилик билдириб бош силкийди.

К и м ё х о л а (*бирдан эсига тушиб.*) Вой, менга қаранг, оқ айиқ-  
 нинг терисини қаердан оласизлар?

Л а т и ф ж о н . Яна гапиради-я! (*Кўлини осмонга бигиз қилиб.*)  
 Бахтингиз бор экан, дедим-ку. Биласизми, куёвингиз қанақа улуғ  
 одам, қанақа улуғ одам!

Мадина кулади. Латифжон ўлчаганларини ёзиб олади.

18, 72, 61...

Н е ъ м а т и л л а . Радиограмма!

Л а т и ф ж о н . Хўп бўлади! (*Кимё холага.*) Аппарат!

К и м ё х о л а . Қанақа аппарат, оповси!

Л а т и ф ж о н . Телефон!

К и м ё х о л а . Мана, жоним, мана!

Л а т и ф ж о н (*телефонни бурайди*). Алло! Овчилар жамиятими?  
 Ҳа, мен! Шамол экспедициясига радиограмма юборинг. Зудлик билан  
 битта оқ айиқ терисини посылка қилишсин. Лаббай! Шахсан Мўмин-  
 жон Қобуловичнинг топшириғи. Беш яшарлик айиқ бўлсин. Бўлмаса  
 етмайди.

К и м ё х о л а . Тўғри, ортганини шапочка қиламиз.

Л а т и ф ж о н . Хўш, бошга тақадиган фатаси... (*Блокнот варақ-  
 лайди.*)

Н е ъ м а т и л л а . Жаннат!

К и м ё х о л а . А?

Л а т и ф ж о н . Жаннат қушининг патидан бўларкан. Хўжайин  
 Австралияга симпозиумга борганларида ўшанақа патдан бир жуфти-  
 ни олиб келганлар. Хўш... Шуба... Зебранинг терисидан!

Неъматилла. Кения!

Латифжон. Ҳа, Кения зебрасининг терисидан.

Кимёхола (*қулоғини динг қилиб*). Нима дедингиз, оповси?

Латифжон. Нима, ёмонми? (*Мадина кулади.*)

Кимёхола. Ёмон эмас-ку, тушунолмайроқ турипман, оповси.

Латифжон. Ия, яна гапирди-я! Мен сизга нима деяпман. Қуёвингиз қандоқ улуг одам! (*Телефонни бурайди.*) Алло! Ательеми? Бу... Мўминжон Қобуловичнинг закази нима бўлди? Билиб қўйинг, бир парчаси йўқолса ҳам, бошингиз билан жавоб берасиз. Мўминжон Қобулович ўз қўллари билан отган зебра-я бу! Хўш, туфлиси... Тимсоҳнинг терисидан!

Неъматилла. Конго!

Латифжон. Хўп бўлади. (*Кимёхолага.*) Конго дарёсида яшайдиган тимсоҳ бўлиши керак экан. Сиз ҳеч тимсоҳнинг терисидан этикча кийганмисиз?

Кимёхола. Йўғ-а, оповси. Ҳеч киймагандим.

Латифжон. Умрда бир марта бўладиган тўй. Бир тимсоҳ сапожки кийиб қолинг. (*Югуриб келиб унинг оёғини ўлчади.*) Вой-бу! Оёқ масаласиям бор экан ўзи. Бутун бир тимсоҳнинг бошини ейдиган бўлдингиз!

Кимёхола. Сердцам слабий-да, оповси. Шунга оёғим шишиб кетган.

Латифжон (*телефонни бураб*). Алло! Анави... Мўминжон Қобуловичнинг особий закази нима бўлди? Ҳа, тимсоҳ. Йўқ, иккита тикасиз. (*Мадинага.*) Сизники 37, а? (*Мадина бош силкиб тасдиқлайди.*) Туфлининг размери 37. Яна битта сапожки. Размери 43!

Кимёхола (*телефонга бақириб*). Вой, 39, айланай! Фақат қўнжини кенгроқ қилишсин.

Латифжон. 39 экан. Хўш... Тақинчоқ масаласи... Бриллиант комплект. (*Мадинанинг бармоғига қараб.*) 18 экан.

Кимёхола. Меники 20.

Латифжон. Бир минут, аяжон, бир минут! (*Телефон қилади.*) Алло! Заргарлик магазиними? Анавидан об қўйганмисан? Нима? Танимадинг? Қишда 12 йилга қия бўлиб кетаётганингда кимнинг оёғига йиқилиб борувдинг? Мен худди ўша Мўминжон Қобуловичнинг помошниги бўламан! Манави бошқа гап. Размери 18. Йўқ, 1 минг 300 сўмлигини хотинингга оберасан. Бизга 4 минг сўмлиги керак. Келин нозик жойдан.

Неъматилла. 4 минг 400!

Латифжон. Ҳа, 4.400 сўмлиги экан.

Кимёхола. Шу кунларда мениям жуда мазам йўқ. Давлениям баланд. Японский тилла билак узук бўларкан. Давленияни стабилний қилади, дейди.

Латифжон (*эшитмаганга солиб*). Хўш, никоҳ маросими...

Мадина яна кафти билан оғзини тўсиб кулади.

Неъматилла (*жиддий*). Кузат!

Латифжон. Хўп бўлади, хўп. (*Мадинага.*) Узр, келинойи, сиз шошиб турганга ўхшайсиз. Пастда қора «Чайка» турибди.

Мадина. Холам рухсат берармиканлар. Анча кундан бери...

Кимёхола (*унинг гапини бўлиб*). Бу акаларинг бир нарсани билмаса гапирмайди. Айланиб кел дегандан кейин айланиб кел! Қора «Чайка»га чиқиб-чиқиб ол. Ўзинг ҳам анчадан бери уйдан чиқмай, сиқилиб кетдинг.

Латифжон (*эшик томонга бошлайди*). Илтимос, келинойи, тўйдан кейин бизни унутмайсиз-да, а? Хўжайинга бир оғиз айтиб қўя-

сиз. Бизниям бундай повишения қилиб, а? (*Шивирлаб.*) Иложи бўлса, Мўминжонни шу ерга бошлаб келаверинг. Бу ёғини биз пишитиб қўямиз. Фақат бизнинг бу ердалигимизни айтманг. (*Пастга қараб.*) Ҳой, Акбар! Келинойингни ташлаб, дарров қайт!

Мадина чиқади.

Кимё хола. Бу япон тушмагурлар жуда ҳунарманд бўларкан-да.

Л а т и ф ж о н. Бир минут, дедим-ку, аяжон, бир минут. Ҳали сизга гал келади ўзи. Хўш, никоҳ масаласи. (*Телефон қилади.*) ЗАГС-ми? Мўминжон Қобулович келаси якшанба кuni ўтадилар. А? Нима қиласиз расмиятчилик қилиб? Биламиз, кимларни без очерёд ўтказишингизни! Лаббай! Яшиги билан обориб берамиз.

Н е ъ м а т и л л а. Уч яшик!

Л а т и ф ж о н. Ҳа, уч яшик. Ҳа, энди, ичмасангиз, одатдагидек магазинга топшириб, пулини олиб қўя қоласиз-да. (*Кулади.*) Кино турганда сураткашнинг нима кераги бор.

Кимё хола. Вой, ЗАГСдан ўтишни кинога олишадими?

Н е ъ м а т и л л а. Сепарат!

Кимё хола (*Латифжонга*). Нима дедилар?

Л а т и ф ж о н. Сепарат сулҳ. Тарихий ҳужжат бўлиб қолади де-яптилар. Чол-кампир олтин тўй қилишаётганида неварачевараларига қўйиб беришади.

Кимё хола. Вой бахтингдан ўргилай, қизим! (*Кўзига ёш олиб.*) Шу кунларни онагинанг кўрса, юраккинаси қоқ айрилмасмиди?

Л а т и ф ж о н (*жеркиб*). Тўйни азага айлантирмоқчимисиз энди.

Н е ъ м а т и л л а. Меню!

Л а т и ф ж о н. Ана! Яна жаҳллари чиқяпти. Ундан кўра, менюни келишиб олайлик.

Н е ъ м а т и л л а. Тандир!

Л а т и ф ж о н. Лаббай? Хўп, тандир кабоб бўлса, тандир кабоб-да. (*Кўнғироқ қилади.*) Ўрмон хўжалигими? (*Кулиб.*) Дарров танийсиз-а... Бойсундан бир машина арча шох олиб келасиз. Саксовул ҳам сизнинг зиммангизга. Тўёнангиз шу.

Кимё хола. Мана буни яхши ўйлабсизлар. Семиз қора қўчқорнинг гўштидан пишган тандир кабоб қандоқ яхши. Шундоқ ейишингиз билан димоғингизга гуп этиб арчанинг ҳиди урилади.

Н е ъ м а т и л л а. Антилопа!

Кимё хола (*Латифжонга*). Лаббай?

Л а т и ф ж о н. Антилопа дегани эшитганмисиз? Ўзи ўртачароқ сигирдек келади-ю, қуёндек сакраб юради. Ана ўшанинг гўштидан емапсиз, дунёга кемапсиз! (*Телефон қилади.*) Алло! Бизга холодильникларнинг худоси керак. Ўзларими? Салом, салом. Қалай, ўғилча ўқишни битирай деб қолдиларми? Аспирантура? Бу ёғигаям хўжайинга илтимос қиласиз-да. Дачаларини ағдар-тўнтар қилиб ташлабсиз-ку. Антилопа свежий турибдими? Яшанг! Тандирнинг тепасида ўзлари ўтирадилар-да.

Кимё хола. Ростини айтсам, шунча йил кўпчилик орасида юриб, бунақа орзу-ҳавасли одамларни биринчи кўришим. Минг раҳмат.

Л а т и ф ж о н. Ие, нима деяпсиз ҳали? Тўй кечаси, биласизми, нима қиламиз? Полвонларни чақириб, кураш туштирамиз! Кўчага дор қуриб, дор ўйнатамиз. Қўшнинг ҳовлисига чурвақа болаларни тўп-лаб. «Ну погоди»ни қўйиб берамиз!

Кимё хола. Йўғе, майда-чуйда болаларни кўпайтириб нима қиласиз. «Ну погоди»ни ўзимиз кўраверамиз.

Неъматилла. Гипноз!

Латифжон. Хўп бўлади. (Телефон қилади). Алло, циркми? Ҳалиги гипнозчилар группаси қаерда? Гастролда? Шу ишингиз учун биласизми Мўминжон Қобулович сизни нима қиладилар! Ҳа, бу бошқа масала. (Неъматиллага.) «Тўйдан уч кун илгари айтсанглар, чақиртириб келамиз», дейишди. (Кимё холага.) Айниқса, биттаси зўр-да. Хоҳлаган одамни бундай-бундай қилиб (Кимё холанинг рўпарасига келиб қилиб кўрсатади) маймунга айлантириб қўяди.

Кимё хола (чўчиб). Йўғ-э, ўлар энди одам маймунга айланса.

Латифжон. Майли, ўша кун сизга рўпара қип қўяман! Бояги холодильникларнинг худоси бор-ку. Уша бир ойдан буён хўжайиннинг дачаларини илма-тешик қилиб труба ўтказаяпти. Тўй кун ҳавлини музлатиб, фигурний катания қиламиз. Келин билан куёв фигурний катания учади.

Кимё хола қувониб, ўзича фигурний катания уча бошлади.

Неъматилла. Чал!

Латифжон. Ана ундан кейин қарс-бадабанг базм бошланади.

Портфелидан магнитофон чиқаради. «Лазги» оҳангиде кўшиқ янграйди.

Йигит боши соғ бўлса,

Чилдирма-ю, чилдирма,

Участкалик ҳам бўлар,

Чилдирмангни чалдирма.

Машиналик ҳам бўлар,

Уйнаб турган опангни

Хотинчалик ҳам бўлар,

Эрчасига билдирма,

Бўй-бўй-бўй, қора кўз...

Бўй-бўй-бўй, қора кўз...

(Кимё хола ўйнаб кетади).

Кимё хола. Эрчаси бўлса билади-да. Кўкариб чиққанига ўн беш йил бўлган.

Опажону опажон,

Эризни ҳақи борми?

Бўйрада қоқи борми?

Бўй-бўй-бўй, қора кўз.

Мунча менга қарайсиз

Кимё хола (харсиллаб). Юрагим уриб кетди-я. Слабий-да, ўргилай.

Латифжон. Тўйдан кейин куёв билан келин никоҳ сафарига чиқишади. Биласизми, қаёққа?

Кимё хола. Қора денгизга!

Латифжон. Йўқ.

Кимё хола. Францияга!

Латифжон. Йўқ!

Кимё хола. Америкага!

Латифжон. Йўқ! Филиппинга. Тасадай манубе қабиласига. Биласизми, бу қанақа қабила. Ун минг йил илгари инсониятдан ажралиб кетган. Яқинда топилган. Хўжайин сизниям обкетадилар.

Кимё хола. Қошқийди-я, кўрмаган жойларни кўриб келардим.

Неъматилла. Қалтакесак!

Кимё хола (Латифжонга). Нима дедилар?

Латифжон. Бугундан бошлаб калтакесак ейшни машқ қиларкансиз. Тасадайлар нуқул калтакесак ейди. Кейин яланғоч юришга ўрганинг. Тасадайлар кийим кийган одамни ёмон кўради.

Кимё хола (айнаб). Ешларни ичида нима бор менга.

Неъматилла. Имзо!

Латифжон. Хўп бўлади, хўп! (Қоғоз олади.) Энди, аяжон, биз элчимиз. Хўжайин улғу одам. Ишни пишиқ қиладилар. Тўйни шунақа ўтказишимизга розимисиз?

Кимё хола. Розиман, оповси, минг марта розиман!

Латифжон. Бўлмаса, шунга қўл қўйиб юборасиз.

Неъматилла. Учта!

Л а т и ф ж о н . Уч жойига экан. Мана, мана, мана. (*Кимё хола қўл қўяди.*) Энди, аяжон, эртага аёл совчиларам келишади. Сиз уч марта келишмагунча дарров розилик бериб юборманг.

Н е ъ м а т и л л а . Етти!

Л а т и ф ж о н . Етти марта экан. Таомили шунақа-да!

К и м ё х о л а . Тушундим. Ҳаммасини законний қиламиз!

Л а т и ф ж о н . Энди, аяжон, рост вакил бўлгандан кейин зимма-миздаги баъзи ишларни бажаришимиз керак. Сўраганнинг айби йўқ. Тўйга тайёргарлигингиз қанақа?

К и м ё х о л а . Ҳаммасини законний қип қўйганман. Кўрсатайми? А, кўрсатайми?

Н е ъ м а т и л л а . Компетенция!

К и м ё х о л а . Нима дедилар?

Л а т и ф ж о н . Кўриш бизнинг компетенциямизга кирмайди, деяптилар.

К и м ё х о л а . Кўрсатаман, оповси, кўрсатаман. Нима, сизлар бегонамидингиз.

Ичкарига кириб кетади. Латифжон югуриб келиб ўзини овқатга уради.

Л а т и ф ж о н (*Неъматиллага*). Менгаям қолдир, очофат! Обед пайти ўтиб кетди. Қорним таталаб кетаяпти!

К и м ё х о л а (*ичкаридан биллур вазалар, қадаҳлар олиб чиқади, столга териб қўяди*). Манавини «Алмаз»дан олганман. Бунисига тўрт соат очеред турганман. Манавини... (*Латифжон портфелидан комертон чиқаради. Бир вазага қарс этиб туширади. Комертонга қулоқ солади. Кимё хола ҳам энгашиб қулоқ солади. Латифжон яна бир марта қарс этиб туширади*). Ҳой, секинроқ, оповси, 90 сўмга олганман-а.

Л а т и ф ж о н (*яна бир марта уриб қулоқ солади*). Ким айтди шу матаҳни хрустал деб?

К и м ё х о л а . Ўз қўлим билан «Алмаз»дан олганман-а! Настоящий чешский

Л а т и ф ж о н (*суриб қўяди*). Тўғри, чешский. Чешский шиша. Хрустал эмас! 17 сўм туради.

Иккинчи вазани қарс этиб туширади. Кимё хола юрагини чангаллаб қолади, уни ҳам нарига суради.

Икки пулга қиммат.

К и м ё х о л а . Вой, таниш одамдан олганман-а, оповси!

Л а т и ф ж о н . Чайқовчи энг аввало танишини алдайди-да. Ас-бобимни кўриб турипсиз-ку. Қайси мол тоза, қайси қалбаки шундоқ айтиб беради. Ишонмасангиз, ўзингиз уриб кўринг!

Латифжон вазаларни уриб-уриб ҳаммасини яроқсизга чиқаради. Кимё холанинг кўзи олайиб кетади.

Бўлмайди! Ҳаммаси қалбаки. Хўжайин олдида шарманда бўласиз. К и м ё х о л а (*қўлини мушт қилиб*). Кўрсатиб қўяман! Яшшамагур чайқовчи! Қаматиб юбормасам, отимни бошқа қўяман!

Н е ъ м а т и л л а . Хансю!

К и м ё х о л а (*кўзи олайиб*). Нима! Нима деяптилар?

Л а т и ф ж о н . Япониянинг Хансю оролида чинни заводи бор. Шуни айтяптилар. Бундай қиласиз, ая. Бунақа майда-чуйда нарсаларни матаҳ деб юрманг-да, ўшанақа битта японский сервиз олинг. 48 персонли. Ўзининг баҳоси 1200 сўм туради. Бир ярим мингларга бериб қолса, ажабмас.

К и м ё х о л а . Вой, оповси, бунақа камёб молни қаёқдан топаман. Сизларга ўхшаб менинг таниш-билишим бўлмаса. Ҳозир ҳамма ёқ поблату-ку!



Л а т и ф ж о н . Хўжайинга ялиниб кўрайлик-чи, балки пулини берсангиз, ўзлари топишга кўнадиларми? Ҳали бошқа сепларни аҳволиям шунақадир? .

К и м ё х о л а . Йўғ-э, ҳаммасини законний қип қўйганман.

Л а т и ф ж о н . Законнийга ўхшамаяпти-ку. Қани, опчиқинг-чи.

Кимё хола кириб-чиқаверади. Атлас, бахмал, кўрпа-ёстиқларни чиқариб ташлайди.

К и м ё х о л а . Мана, айланай, мана. Ҳаммасини ўз қўлим билан қавиганман.

Л а т и ф ж о н . Йўқ!

(Кўлидаги таёқча билан худди минани текширгандек кўрпачаларни нуқиб-нуқиб кўради. Кўрпада ҳидлаб, ёстиқни эшитиб текширган бўлади. Ижирганиб бош чайқайди.)

К и м ё х о л а . Вой, ҳа?

Л а т и ф ж о н . Бўлмайди! Пахтаси иккинчи сорт. Авра-астариям эскириб кетган. Хўжайиннинг жаҳли чиқади.

К и м ё х о л а (аччиқланиб). Нега эски бўларкан? Нега эски бўларкан-а? Ўз қўлим билан қавиганман-а!

Л а т и ф ж о н . Шовқин солманг, ая, шовқин солманг! Уят бўлади-я. Биз бир элчимиз. Сизнинг гапингизни куёвга, куёвнинг гапини сизга айтамыз. Вазифамиз шу. Бунақа йигирмата кўрпанинг нима кераги бор. Яхшиси, битта бўлсин-у, оригинал бўлсин. Энди бундай қиласиз; қоракўл теридан кўрпа қоплайсиз.

Н е ъ м а т и л л а . Сур!

Л а т и ф ж о н . Ана, сур бўлиши керак экан.

К и м ё х о л а . Нима? Битта шубасининг ўзи бир ярим минг туради-ку. Кўрпага етадиган қоракўлни қаёқдан оламан. Бутун бошли сурувнинг териси кетади-ку!

Н е ъ м а т и л л а . На чора, аяжон! Ўзбекистонда қоракўл сероб. Ичига ғознинг патидан соласиз.

Н е ъ м а т и л л а . Еввойи.

К и м ё х о л а (жеркиб). Нима?

Л а т и ф ж о н . Еввойи ғознинг патидан соласиз, деяптилар. Хонаки ғоз пати сифатсиз. Тез қуртлаб кетади.

К и м ё х о л а (жаҳли чиқиб). Қим айтади шу гапни? Қим?!

Л а т и ф ж о н . Хўжайин айтдилар, тушундингизми. Бунақа нарсаларни сиз биласизми, хўжайин биладиларми?

К и м ё х о л а . Э, хўжайиннингизни иштаҳаси бунча карнай?

Л а т и ф ж о н . Энди, аяжон, ўзингиз айтдингиз. Тўй умрда бир марта бўладиган савдо. Паст кетманг-да, энди! Куёвнинг сарпоси ҳам шу аҳволда бўлса, шарманда бўлдик деяверинг!

Кимё хола жаҳл билан уйга киради. Тугун кўтариб чиқади. Латифжон билан Неъматилла кўйлакни у ёққа, дўппини бу ёққа ажратишади. Охири Латифжон туфлини томоша қилади. Тагига чертиб кўради.

К и м ё х о л а (жеркиб). Ҳа, буям ёқмадимми?

Л а т и ф ж о н . Гап ёқиш-ёқмаслигида эмас.

К и м ё х о л а . Ҳа, нимада бўлмаса?

Л а т и ф ж о н . Ҳар кимнинг ихлос қўйган нарсаси бўлади. Хўжайин туфлини яхши кўрадилар. Аммо бунақасини эмас.

Н е ъ м а т и л л а . Анаконда!

К и м ё х о л а (жеркиб). Нима дейди?!

Л а т и ф ж о н . Аждар деяптилар. Кубада танишингиз йўқми?

К и м ё х о л а . Э, Чирчиқдаям йўқ!

Л а т и ф ж о н . Уша ерда... Анаконда деган илон яшайди. Бўғма илон, узунлиги 6 метр. Шундан биттагинасини топтирасиз. Терисдан

бир жуфтгина туфли тиктирасиз. Размери 41 бўлсин. Ола-була туфли оёқда чиройли туради-да.

Қимё хола. Ҳо-о-о! Ола-була туфли кийгилари кеп қолдими хўжайинингизни?

Неъматилла. Фил!

Латифжон. Ана, пошнаси филнинг суягидан бўлиши керак экан. Едирилмайди-да!

Қимё хола. Ҳо-о-о! Филнинг суягидан бўлсинми? Мабодо филни ўзи керакмасми?

Латифжон. Паст кетманг-да, аяжон! Паст кетманг! Шундоқ улуг одамни куёв қилиясиз. Тўй умрда бир марта бўладиган савдо бўлса. Одам топган-тутганини тўйга яратиши керак-да. У ёғини сўрасангиз, сиз тимсоҳ терисидан сапожка кийганингизда бизни хўжайин аждар терисидан битта туфли кийсин-да. Агар келинга олган гарни-турингиз шу бўлса, кечирасиз-у, икки пулга қиммат.

Неъматилла. Маклос-Қанапаклос!

Қимё хола. Нима-нима!

Латифжон. Қора дарахт. Индонезияда ўсадиган қора дарахт бор. Гарнитурини ўшандан қиласиз. Ёнмайдиган дарахт.

Қимё хола. Ҳой, менга қара. Хўжайинингни кўнгли яна нималарни тусайди. Яна нималарни тусайди-а?

Неъматилла. Масай!

Латифжон. Танзанияда Масай деган қабила бор, келин томон куёвга албатта арслоннинг терисидан камар қилиши керак. Кўнгил-да, кўнгил! Хўжайин шунақа камар таққилари келяпти.

Қимё хола. Ҳой, менга қара. Хўжайинингга янги чиққан «Москвич» оберайми?

Латифжон. Керакмас. Хўжайинда эски «Москвич»дан тортиб «ГАЗ—24» гача, «Победа»дан тортиб «Жигули»гача ҳаммаси бор. Хўжайин машина спортига қизиқадилар.

Неъматилла. «Мерседес бенс»!

Латифжон. «Мерседес бенс» фирмасида чиққан битта пойга машинаси оберамасиз. Соатига минг километр босади-да, ўзиям.

Неъматилла. Хобби!

Латифжон. Хобби-да, хобби! Хўжайиннинг хоббиси шу.

Қимё хола. Вой, хўжайинингни ўша хоббиси чириб тушсин. Вой ўша хоббиси ириб тушмаса, розимасман. Қани, бир каратэ қилмасидан туёғингни шиқиллатиб қол-чи!

Икки ўртоқ хавотирга тушиб қоладилар. Чеккароққа қочиб, сир бой бермай, «Хужум»ни давом эттиришади.

Латифжон. Ие, қаёққа борамиз. Тўй умрда бир марта бўладиган савдо бўлса! Одам топган-тутганини тўйга яратиши керак бўлса!

Қимё хола. Ҳой, ҳозир сердчам ёмон бўп қолади. Сезиб турипман. Ҳозир ёмон бўлади.

Латифжон. Инсон орзу-ҳавас кўриши керакми-йўқми?

Қимё хола (юрагини чангаллаб). Керакмас! Орзу-ҳавасларинг бошингда қолсин!

Латифжон. Ҳеч ким кўрмаганини кўриш керакми-йўқми?

Қимё хола. Айтдим-ку! Ҳеч нима керакмас дедим-ку!

Латифжон (бидирлаб). Катта олгандан кейин катта берасиз-да. Олиш ёқади-ю, бериш ёқмайдами? Тўй деган умрда бир марта бўлади.

Қимё хола. Шу гапни ўйлаб топганини уйига ўт тушсин, бўлди-ми?! Хони-мони куйиб, алангаси осмонга чиқсин, қутулдимми?! Бор, орқа-олдинга қора тош!

Неъматилла. Интеллигент!

Л а т и ф ж о н. Ия, хўжайиннинг яна битта топшириғи эсдан чиқибди-ку! У киши айтгандилар, қайнонам интелегентний бўлиши керак, дегандирлар (*Кимё холани амаллаб ўтқазиб, кўзини йириб кўради.*) Плюс икки! Кўзойнак тақсангиз, интелегентний бўласиз.

К и м ё х о л а. Ҳой, нима қилияпсан? Умримда кўзойнак таққан эмасман. Ҳой, нега кўзимга қўлингни тикқасан? (*Ўрнидан турмоқчи бўлади.*)

Л а т и ф ж о н. Яхшилик ёқмаган банда экансиз-да, тинч ўтирсангиз-чи! Кўзойнак таққингиз келмаса, ойнасини синдириб ташлаб, бандини тақиб юраверасиз-да. Ҳақиқий тилла. Буям бир ҳавас-да.

К и м ё х о л а. Ҳавасларингга ўт тушсин! Вой катта тўйни орзу қилган ниятига етмасин! Қўйвор!

Н е ъ м а т и л л а. Сана!

Л а т и ф ж о н. Оғзингизни очинг! Ия, очинг деяпман! Хўжайиндай улуғ одам қайнонам тилла тиш қўйсин дейдилару сиз ноз қиласизми? (*Тишини санайди.*) Ўттизта экан. Ёши эликка кириб, ақл тиши чиқмаган одамни биринчи кўришим.

Н е ъ м а т и л л а. Ўттиз икки!

Л а т и ф ж о н. Майли, ўттиз иккита заказ қилаверамиз. Бари бир ҳаммасини суғуриб ташлаб қўйма тиш қўяди-ку!

К и м ё х о л а. Нима? Вой, менга тиш керакмас! Кўнглим ағдарилиб кетди! Қўйвор, яшамагур! Ҳозир каратэ қип ташлайман!

Л а т и ф ж о н. Ҳеч нима қилмайди. Намунча қўрқасиз? Ҳаммасини бирданига суғурмайди. Бешта-бештадан суғуриб, ўрнига тилла тиш қўяди.

К и м ё х о л а. Нима? Менга сапсем тиш керакмас. Соппа-соғ тишимни нимага суғуртирарканман!

Н е ъ м а т и л л а. Маржон!

(Латифжон Кимё холанинг бўйнига рулетка ташлайди.)

К и м ё х о л а. Войдод! Нимага бўғасан?! Йигит ўлгур. Қўйвор деяпман!

Л а т и ф ж о н. Учиринг овозингизни-э! Хўжайин Океаниядан акула тишидан маржон опкелганлар. Шуни тақиб юрасиз.

К и м ё х о л а. Дод! Маржонинг бошингда қолсин.

Н е ъ м а т и л л а. Теш!

Л а т и ф ж о н. Бурун...

Портфелини титкилаб пахта, бинт, узун бигиз чиқаради; кўтариб Кимё холанинг тепасига боради.

К и м ё х о л а. Нима? Нимани тешади?

Н е ъ м а т и л л а. Йод, Қон...

Л а т и ф ж о н. Ие, йод эсдан чиқибди-ю! Қон кўп кетади-да энди. Кимё хола. Нима қилмоқчисан? Войдод! Манавилар мени ўлдирмоқчи. Дод! (*Телефонга ёпишади.*)

Л а т и ф ж о н. Ваҳима қилманг-э, қанақа одамсиз ўзи! Хўжайин сизга атаб Ҳиндистондан олтин булоқи олиб келганлар. Бурнингизни тешамиз. Маза қилиб тақиб юрасиз.

К и м ё х о л а (*типирчилаб*). Олтинларинг бошингда қолсин! Вой! Вой сердцам! Вой, ростданам сердцам! (*Ҳушидан кетади.*)

Л а т и ф ж о н. Уф! Тамом бўлдим!

Ўтириб пешонасининг терини артади.

Н е ъ м а т и л л а. Уф, адо бўлдим! (*Бошини чангаллайди.*) Обке, сув-пув обке!

(Латифжон ошхонага кириб сув олиб чиқади. Қўли титраб йўл-йўлакай ичади. Неъматиллага ҳам ичиради. Икковлари ўтириб дам олишади.)

Холанггаям бер. Тавбасига таянгандир, бечора!

Латифжон Кимё холага амаллаб сув ичиради.

Кимё хола (*аввал бир кўзини, кейин иккинчи кўзини очади: йиғламсираб*). Ҳалиям шу ердამисан? Ҳалиям даф бўлмадингми?

Латифжон (*ўзгариб пиёлани стол устига қарс этиб қўяди*). Қаёққа бораман! Контрактга қўл қўйиб қўйган бўлсангиз!

Латифжон. Уч жойига қўл қўйгансиз (*Кўрсатади*). Мана, Халтаева, Халтаева, Халтаева!

Кимё хола. Халтаева эмас, Холтоева, даф бўлгур!

Латифжон. Қаёқдан биламан. Халтаева деб ёзибсиз-ку. Сизнинг қўлингизми, ахир? Бунинг отини документ деб қўйибди.

Кимё хола (*бирдан жазаваси тутиб*). Мен документингни бекор қиламан! Мен бунақа тўй қилмайман!

Латифжон. Қиласиз!

Кимё хола. Қилмайман.

Латифжон. Қиласиз.

Кимё хола (*тепиниб*). Қилмайман! Ер ютгур, қилмайман! Мен современий хотинман. Қизимни ўзининг танлаганига бераман!

Шу пайт хонага Мадина билан Мўминжон кириб келади.

Ўз суйганининг қўйнига олмадек соли-и-б қўяман!

Бирдан Мадина билан Мўминжонга кўзи тушади.

Мана, мана шу йигитга бераман!

Латифжон. Берасиз-а, берасиз?

Кимё хола (*бирдан Мўминжонни бағрига босади*). Вой, келдингми, болагинам. Вой, холагинанг бўйларингга тасаддиқ, келдингми, келдингми-а?!

Неъматилла. Шунга берасизми?

Кимё хола (*тантана билан*). Шунга!

Латифжон. Шунга-я?

Кимё хола. Худди шунга! Бунинг туришини қара. Қоматларини қара, камтарлигини қара! (*Яна Мўминжонни қучоқлайди*.) Вой, холагинанг бўйларингга тасаддиқ. Шунча пайдан буён қаёқларда юрувдинг, болажоним!

Шап-шап ўлади. Неъматилла билан Латифжонни каратэ қилмоқчи бўлиб, ҳужумга ўтади. Латифжон билан Неъматилла қоча туриб бидиллаб гапирадилар.

Латифжон (*қизишиб*). Бермайсиз!

Кимё хола. Бераман!

Неъматилла. Бермайсиз!

Кимё хола. Бераман! Худди мана шу йигитга бераман.

Неъматилла. Шунга-я?

Кимё хола. Худди шунга!

Латифжон. Мана шунга-я?

Мўминжон (*бирдан жазаваси тутиб*). Янами? Тинч қўясанларми-йўқми? Ўз ҳолимга қўясанми-йўқми?

Неъматиллага ташланади. Неъматилла билан Латифжон ўзини эшикка урадилар. Йўл-йўлакай гапиришади.

Неъматилла. Бахтли бўл, дўстим.

Латифжон. Бахтли бўл!

Кимё хола. Ҳа, қочмас экансан-а! (*Орқасидан мушт ўқталиб*.) Хаҳ, хўжайининг бошингда қолсин. Орзу-ҳавасларингга ўт тушсин! Кел болам, битта ўпай! Яна битта ўпай! (*Мўминжонни қучоқлаб*.) Илоё, ували-жували бўлинглар.

Сурнай садоси, «Тўйлар муборак» кўшиғи янграйди.

ПАРДА.

Ҳайдар Яҳёев

## Янги қўшиқлар

### Оразинг

Оразинг олдида гулнинг гул жамоли лол, дедим,  
Ҳам бари бўстон чиройи қатраи мисқол, дедим.

Оҳ, эсиз, гул барги сўлгай, гул жамоли сўлмасин,  
Гул чиройингни санам, кўз мардумида қол, дедим.

Қатраи оби-зилолинг юз уза гоҳи равон,  
Гарчи инжудир алар, алвон юз узра ол, дедим.

Дил дедиким ушбу ганжда — қанча озору алам,  
Менга дил ранжини қолдир, ганжини сен ол, дедим.

Сўрсалар, Яҳё, на деб, бу қилмишингни боиси,  
Ер ашкин рашку ҳижрон бобидан тимсол, дедим.

### Зеболик айлар ёрига

Ҳар санам меҳрин бериб, зеболик айлар ёрига,  
Ҳамдаму ҳамдил бўлиб, шайдолик айлар ёрига.  
Бу муҳаббатдан нишонким — васли бор, ҳижрони бор,  
Гоҳи ноз бирлан боқиб, танҳолик айлар ёрига.

Ҳам назокат риштасига боғлаган туйғуларин  
Дилда пинҳон сақлабон, донолик айлар ёрига.  
Рашк ўти ёнса агар дунё кўзига тор ўлур,  
Гарчи у умрин тикиб, рўшнолик айлар ёрига.

Асрабон дил гавҳарини ўзгадин, бегонадин,  
Гоҳ санамлик, гоҳ дўстлик, ошнолик айлар ёрига.  
Жону дилдан ёзса Яҳё дилрабосин мадҳ этиб,  
Ул санам гул рамзи-ла барнолик айлар ёрига.

## Хаёлингиз

Тингланг, куйим банд айласин бир дам хаёлингизни,  
Тасвир этолмас ҳеч ғазал гулгун жамолингизни.  
Маъюс нигоҳингиз мени ошифта ҳол этди,  
Чорасиз қолдим кўриб мен икки ҳилолингизни.

Висол чоғида сўзга очилмайди ғунчадек лаблар,  
Билмадим, айтурмисиз ҳеч менга саволингизни?  
Офтоб қаро этганмикин, гўзал, ёки табиат,  
Юз узра — зар ошён аро бир нуқта холингизни.

Мужгонларингиз саф бўлиб, пинҳон этур ҳар вақт,  
Шахло кўзингиз айтгувчи асрору ҳолингизни.  
Борлиқ чамани ичра муаттар гулдир ўзингиз,  
Яҳё мудом шайдо бўлиб, куйлар жамолингизни.

## Рубоилар

□  
Еру осмону ҳаётга қанча қўйсам эътиқод,  
Партиямга эътиқодим еру осмондин зиёд.  
У ҳақиқатким кишига бергувчи бахту нажот,  
Партиям ҳақким, ҳақиқат кенг жаҳондай барҳаёт.

□  
Меҳр қўйса ким ҳунарга, меҳр ато айлар ҳунар,  
Ким саботу қунт этур, ўздин ризо айлар ҳунар.  
Бахт топгай ҳар киши юртимда иш-меҳнат билан,  
Меҳнату роҳатни доим жо-бажо айлар ҳунар.

□  
Сўз бериб, сўзида турмаслик ёмон,  
Хастанинг ҳолини сўрмаслик ёмон.  
Ошнолар ёнидин мағрур ўтиб,  
Дўстлар дийдорини кўрмаслик ёмон.

□  
Муҳаббатнинг гашти ниҳон гул атрининг бўйида,  
Фақат олий тилак мавжуд ишқ аҳлининг ўйида.  
Маҳбуб ёлғиз садоқат-ла ўз ёрини ўйласа,  
Ошиқ ёнур ҳар лаҳзада маҳбубасин кўйида.

□  
Юлдузларнинг асрорини сўрдим юлдуз ўзидан,  
Гарчи юлдуз боқди менга дилрабонинг кўзидан.  
Фалак ўзи билармикин юлдузларнинг саногин,  
Кўплар учун тақдир бино бўлмиш юлдуз сўзидан.

□  
Назм аҳли дерки, қалбда сўнмас зиё бўлармиш,  
Ишқ аҳлининг кўзида ишқдан жило бўлармиш.  
Дилдор кўзига қўнса рашку ҳасад қароси,  
Билинги, у бир умр бошга бало бўлармиш.

## ҚУЁШДАН ТУШГАН ОДАМЛАР

ҚИССА

11

**Т**уронбек ёлғиз қолган пайтларида ватандошларининг тақдирини кўп ўйларди. Чунки ўз тақдирини ҳал қилишида бу муҳим масала эди. Агар улар омон қолган бўлсалар, Туронбек, шакшубҳасиз, уларга қўшилиш йўлларини излаши керак. Агар, улар Эя айтганидек, қирилиб кетган бўлса, унда туанакаликлар ишончини кўпроқ оқлаб, уларнинг ичига кириб олиши керак эди. Кўп кунлик ўйлар ва мантиқий хулосалардан кейин у ватандошларининг тириклигига ишонч ҳосил қилди. Бунга Никоранинг хатти-ҳаракатлари, Дьюстеллнинг уни кўрганда бирдан севиниб: «Сиздақаси менга Атаульпадан ҳам муҳимроқ эди», дейиши ва ниҳоят ўзига кўрсатилаётган диққат-эътибор бунга далил эди. Туронбекни қандайдир қурол қилиб ишлатмоқчи эканликлари аниқ. Бу қурол фақат ерликларга қарши бўлиши мумкин.

Туронбек, тараққиёт даражаси ерликларникига тенг бўлган туанакаликларнинг техникаларига ўзини ҳаддан зиёд лол қолаётгандек қилиб кўрсатганидан, Эя мағрурланиб кетиб, Янги Туанаканинг деярли ҳамма тешик-тирқишларини кўрсатиб чиқди.

Туронбек қочиш имконияти туғилганда вездеходда ҳам, сувда юривчи мезоскафдан ҳам фойдаланиши мумкинлигини ўйлаб қўйди. Лекин қаёққа? Бу саволга ҳам ўйлаб-ўйлаб, манай деган қабилани нишонга олди. Бунга биринчи сабаб — манайларнинг мингапумоларга душманлиги ва туанакаликларга бўйин эгмаганлиги эди. Агар ерликлар макон топган бўлсалар, шубҳасиз, манайлар билан бирга бўлардилар. Манайларнинг қаердалигини эса фақат хизматкор қиз Тихимейдан сўраб билиш мумкин эди.

Тихимея билан гаплашиш имкони ҳам туғилавермади. Эя Туронбекни бир дақиқа ҳам ёлғиз қўймасди. Айниқса супуриш-сидириш ёки овқат келтириш вақтида Тихимея билан бирга кирар, Туронбекни олиб чиқиб кетарди.

Лекин эгасининг минг пойлагани, ўғрининг бир пойлагани, деган-

<sup>1</sup> Охири. Боши ўтган сонда.

ларидек, у Тихимея билан гаплашиш чорасини топди. Энг қизиғи шуки, бунга Фувапролджнинг ўзи ёрдам берди. Одатдагидек Туронбек Эя билан нонуштага ҳозирлик кўришаётган, Тихимея эса дастурхон тузатаётган эди. Бирдан хонага ўрнатилган микрофондан Фувапролдж Эяни чақириб қолди.

Тихимея дастурхон тузаб йўлакка чиқиши билан Туронбек унинг кетидан отилди-да, тўхтатди. Туронбек хонада гаплашишса микрофонлардан кимлардир эшитиши мумкинлигидан шундай қилди.

— Тихимея,— деди у секин,— сендан бир нарсани сўрамоқчи эдим.

— Йўқ, жаноб Туронбек, хўжайин сиз билан гаплашишимни ман қилган!

— Тихимея, мен фақат, уйингга боришни истайсанми, агар хўжайиндан рухсат олиб берсам уйга бора оласанми, деб сўрмоқчиман.— Туронбек нозик жойидан ушлаган эди. Тихимея пиқ этиб йиғлаб юборди-ю, шундай деди:

— Ҳа, онамни жуда кўргим келади.

— Агар бир ўзингни чиқариб юборишса кета оласанми?

Тихимея анчадан кейин ўзини босиб, тасдиқ маъносида бош ирғади.

— Айт-чи, Тихимея, манайлар қишлоғи мингапумоларникидан узоқми?

— Катта сув бўйидан ўн кун юрилса, оқар сув қуйиладиган жой келади. Агар шу ердан оқар сув тепасига қараб беш кун юрилса, мингапумолар маконига борилади. Агар оқар сув қуйилмай яна икки кун катта сув ёқалаб юрилса, манайлар макони келади.

— Тихимея, агар мен сенга, Атаульпанинг болаларини олиб бирга қочамиз, десам кўнармидинг?

— Йўқ, йўқ, йўқ. Хўжайин бари бир топиб олади. Кейин ўтхонага юборади.— Тихимея алданганини билди.— Менинг сиз билан гаплашишим мумкин эмас. Хўжайин жазолайди. Сиз билан гаплашганимни айтманг!

— Бўпти, сен ҳам айтма!

Шу пайт йўлакнинг охиридан Эянинг шарпаси келди. Тихимея тезгина бурилиб кетди, Туронбек эса чаққонлик билан хонасига кириб эшикни ёпди.

## 12

Ҳаммаси кўз очиб-юмгунча содир бўлди. Добронравов билан Кодзо Охиси жавоб бермай қўйишди. Алоқада ўтирган Раманажунанинг сўнги эшитган овози Кодзонинг ҳушимдан кетяпман, дегани бўлди. Кўп чақириқлардан кейин объективизор йўналтирилганда, вездеход ёнида беҳуш ётган Виталий Альфредовични кўришди, холос.

Яхши Умиддан вездеходда етиб келишганларида Добронравовнинг гажиб ташлаган юзидан қон тирқираб оқиб турарди. Уни авайлаб дарҳол вездеходга олишди-да, Мирослав Яхши Умидга олиб кетди. Кодзо Охисини бирор соатдан кейин йўлдан икки юз қадамча четдаги жарлик орасидан топишди. Уни йиртқич қиймалаб ташлаган, танаси аллақачон совиб қолган эди...

Тун яримга бориб қолганига қарамай ҳамма оёқ устида. Кодзонинг ўлими қалбларни аёвсиз тирнарди. Виталий Альфредовичнинг ҳар икки кўзини йиртқич ўйиб олган бўлса ҳам, юзидаги тилинган жойлари хавфли эмас, тез кунда оёққа туриб кетарди.

— Лаънати қанақа йиртқич бўлди, ўлжасини ўлдирса-ю, ҳеч ерига тегмай кетаверса? — хаёлга чўмган Денисинг овози бўғилиброқ чиқди.— Бу жойда бир сир бўлиши керак.



— Йиртқич ҳайвон ҳужум қилганига менинг ҳам ақлим бовар қилмаяпти,— жавоб берди Вероника.— Чайналган этларни текшириб кўрганимизда металл тиш билан ғажиб, металл тирноқлар билан тилинганини аниқладик. Кейин ақлга сиғдириб бўлмайдиган жойи шуки, йиртқич ҳужум қилишдан олдин нима биландир ҳушсизлантириб олган.

— Мана шу ерда жумбоқ ечиладиганга ўхшайди,— Денис шахдам ўрнидан туриб кетди.— Сирли маҳлуқ икки оёқли маккор одамдан бошқа нарса эмас. Мантиқий мулоҳаза қилиб кўрайлик, маҳлуқнинг биринчи ҳужуми бизга хайрихоҳ манайларга қаратилди. Бизга нафрат билан қараётганларнинг биттасига ҳам тегмади. Ва ниҳоят, пайтини топиб, Кодзо Охиси билан Виталий Альфредовичга ҳужум қилди.

— Бу ишлар туанакаликлар қўлидан келаётган бўлса-чи?

Мирославнинг саволи ҳаммани ўйлантириб қўйди. Бир оздан кейин Зайдоний бу фикрни рад этди:

— Туанакаликларнинг анойи эмасликларини унутмаслик керак,— деди у салмоқлаб.— Агар уларнинг оёғи бу томонга етганда маҳаллийларга ҳужум қилиб, ивирсиб юришмасди. Улар биринчи навбатда бизга шикаст етказишга уринган бўларди... Нима бўлса ҳам, эртароқ унинг пайдан тушиш керак.

Юракни эзувчи сукунат бошланди. Бошини кўтармай ўтирган Анна индамай, гавдаси силкиниб-силкиниб йиғлар, кўз ёшларини кафтининг орқаси билан сидириб ташларди. Денис икки қўлини чўнтагига олиб асабий у ён-бу ён юрди-да, дераза олдига келиб узоқ тикилиб қолди:

— Вероника,— деди у паришон ҳолда,— шу билан Виталий Альфредович кўрмайдиган бўлиб қоладими?

— Ҳа, унга бошқа кўз қўйишдан бошқа чора йўқ.

Нигоҳлар маъноли тўқнашди.

— Мен,— деди Раманажуна томоқ қириб ҳаммани ўзига қаратаркан тўлқинланиб,— бошлиғимизнинг кўзсиз қолганини билганимдаёқ бир кўзимни унга олиб қўйишларини дилимга тугиб қўйган эдим. Ҳозироқ тайёрман.

— Сизни бир минут ҳам иш жойингиздан ажратиб бўлмайди,— эътироз билдирди Зайдоний.— Нозик асбоблар билан муомала қиласиз. Мен...

— Йўқ!— қичқирди Анна ҳўнграб.— Бирортангизга қўшилмайман! Менинг фарзандлик бурчим бор!

— Бу тўғрида беҳуда баҳслашасизлар,— деди Вероника ўз одатича мулойим оҳангда.— Аввал биологик томондан текшириб кўришга тўғри келади. Ундан кейин кимнинг илтимоси бажарилиши маълум бўлади.

## 13

Виталий Альфредовичга Мирославнинг бир кўзи олиб қўйилди. Бир ҳафтадан кейин иккови ҳам оёққа туриб кетди. Шу кунни учта муҳим воқеа рўй берди. Биринчиси, шу икки касалнинг бутунлай тетикланиб, соғайиши бўлса, иккинчиси, ҳамон манайларни қийратиб турган сирли маҳлуққа қарши овга чиқишга қарор қилинди. Учинчи воқеа эса, кечқурун овга чиқиш олдидан, разведкага кетган Элдорнинг қайтиб келиши эди. Элдор бошлиқнинг юзидаги чандиқ ва Мирослав икковларининг ёшланиб турган биттадан кўзларини кўриб ҳайрон қолди.

— Мусибат, Элдор,— деди Виталий Альфредович лаблари титраб,— йиртқич ҳайвонлар ҳужумига дуч келиб қолдик. Кодзо Охисидан жудо бўлганмиз. Сиз хотиржам дамингизни олаверинг. Биз «йиртқични» қўлга туширмақчимиз.

Элдор «Яхши умид»да хотиржам ўтиришни хаёлига келтира олмасди. У бирпасда ювиниб, соқолини олиб, тайёр бўлиб чиқди:

— Мен билан келган манайлар-чи, қолишаверсинми? Кўпчилик бўлсак...

— Йўқ,— рад этди бошлиқ,— уларни аралаштирмаймиз. Шубҳаланган жойимиз бор.

Қоронғи зимистонлигида пухта қуролланиб олишган изқуварлар йўлга тушишди. Ноктовизор атрофни кундузгидай кўрсатиб турар, шлемфонда бир-бировларининг нафас олишларига эшита олишар, қибланамолар қаерда кетаётганларини кўрсатиб турарди. Анна объективизорда кузатишни давом эттира бошлади. Микрофон олдидаги Виталий Альфредовичнинг диққати изқуварларда.

Биринчи бўлиб Элдор хабар берди:

— Қишлоқ четига етиб келдим. Манайлардан иккитаси менга яқинроқ келиб, орқага қайтишди. Ўзимни уларга сездирмадим.

— Уларнинг қўлида нимаси бор экан?

— Найзалардан бошқа нарса йўқ.

Денис Вогеннинг овози эшитилди:

— Адир олдига етиб келдим. Эски ўзандан ўтаверайми?

— Якка ўзингиз олислаб кетибсиз. Уша атрофда айланиб туринг-чи.

— Виталий Альфредович, мени эшитинг,— ахборот берди Зайдоний,— манайлар ов қиладиган жойга етиб келдим.

— Ҳеч қанақа шарпа йўқми?

— Ҳозирча тинчлик.

— Эҳтиёт бўлиб кузатишни давом эттиринг. Айтмоқчи, ҳамманглар бир-бирларингни яхши эшитяпсизларми?

— Жуда яхши.

Вақт ўтиб борар, тонг яқин қолаётганига қарамай изқуварларнинг «ови» бароридан келавермасди. Бошлиқни уйқу ўз домига ола бошлади:

— Вероника,— деди у радио орқали,— уйқуни қочирадиган бирор нарса беринг.

— Ҳозир.

Вероника кишининг фикрини тиниқлаштирадиган ичимлик олиб кирганда бошлиқда уйқудан асар қолмаганди.

— Элдор, Зайдоний, Воген,— ҳовлиқиб сўради у,— қайси бирингизнинг олдингизда шарпа сезиляпти?

— Менинг олдимда,— жавоб берди Зайдоний,— атрофимда майда жониворлар изғишиб юришибди.

— Эҳтимол, улар йиртқичнинг таъқибидан қочиб юргандир?

— Йўқ, уларнинг ўзи ҳамла қиладиган кўринади. Тишларини иржайтириб, пишқириб қўйишяпти-ку.

Зайдоний гапи тугар-тугамас Элдорнинг овози эшитилди:

— Виталий Альфредович, қандайдир қоранинг мен томонга яқинлашиб келаётганини кўриб турибман.

— Ҳозир қаердасиз?

Манайлар қишлоғидан берироқда, жарликка яқин жойда.

— Ҳушёр бўлинг. Йиртқич шу атрофга ўрганган кўринади,— тайинлади бошлиқ ва бошқаларга мурожаат қилди.— Ҳамманглар Элдор қаердалигини билиб олдингларми?

— Билиб турибмиз,— жавоб берди улар.

— Анна, дарҳол Элдор турган жойни топ.

— Ҳаракат қиляпман.

Орадан бир неча дақиқалар ўтиб, Элдорнинг ҳовлиққан овози эшитилди:

— Виталий Альфредович, тушуниб бўлмайдиган жумбоқ: локаторнинг шкаласи менга яқинлашаётган қорада металл борлигини кўрсатяпти.

— А?! Ундай бўлса лаънати махлуқнинг олдидан чиққанингиз аниқ. Сизни гап билан чалғитмаслик учун бошқа гапирмайман. Сизлар,— бошлиқ аллақачондан бери вездеходда тайёр турган Мирослав ва Раманажунага буюрди.— Тезлик билан Элдорнинг олдига етинглар.

— Хўп бўлади,— жавоб беришди улар.

— Денис, Фотех, эшитяпсизларми, Элдор турган жойга шошилинг,— бошлиқ ҳаяжонланганидан ваъдасини унутиб, Элдорни гапга тутди.— Нима бўляпти?

— Қорага ўзим яқинлашяпман.

...Элдор ҳамон бир фикрга келолмасди. Кўринган қоранинг на одамлигини, на ҳайвон эканлигини ажрата оларди. Унинг бадани майин жун билан қопланган, тўрт оёқлаб эпчиллик билан ҳаракат қиларди. Ҳатто қалин буталар олдидан чиқиб, ёнлаб юрганда калта қайрилган думи баралла кўриниб кетарди. Чуқурликдан ҳатлаб ё кўлмак сув устидан чопқиллаб ўтганда расмана одам. Қўлида тўппончага ўхшаган нарса бор, бошида серқубба худди аппаратга ўхшаб кетадиган қалпоқ кийилган.

Махлуқ дарахт орқасига чўнқайганича икки олдинги оёғига тиралиб, жойидан қимирламай қўйди. Элдор уни баралла кўринадиган жойдан нишонга олмоқчи бўлиб ўрнидан қўзғалди-ю, қаддини тиклар-тикламас йиқилиб тушди.

— Элдор! Элдор! Сизга нима бўлди? Нега индамайсиз? Мирослав, Раманажуна, мунча имиллайсизлар! — ҳаяжон чулғаб олган бошлиқнинг саволлари тугамасди. Шу пайт объективизордан Элдорни топганда Аннанинг чинқириғи эшитилди:

— Махлуқ Элдорни тагига босиб олди! Элдор!

Ҳаммадан олдин Элдорга яқинлашиб қолган Зайдоний жар тепасига чиқди-ю, аламидан сочларини юлаёзди. Элдор қимирламай чўзилиб ётар, махлуқнинг қораси кўринмасди. Зайдоний Элдорнинг кўкрагига қулоғини тутди, юраги уриб турганлигидан бир оз кўнгли таскин топиб, ўрнидан турди.

— Нима бўлибди?— ҳовлиқиб сўради Виталий Альфредович.

— Кийимлари йиртилган, жароҳати оғир эмас.

Шу орада аввал Мирослав, кейинроқ Денис Вогенни олиб Раманажуна етиб келди. Воген Элдорга, кейин ўртоқларга бир-бир назар ташлаб деди:

— Шунча одам қўлдан чиқариб ўтирибмиз-а!..

— Беҳудага вақтни ўтказманг! — бошлиқнинг овози жаранглади.— Йиртқич денгиз томонга қочиб боряпти. Денис, сиз Элдорнинг олдида қолинг. Вездеходдагилар икки томондан, Зайдоний эса тўғри денгизга қараб борсин.

Изқуварлар денгизга яқинлашганлари сари йўл оғирлаша бошлади. Улкан харсангтошлар ҳар қадамда учрар, ағанаб кетиши мумкин бўлган қияликлардан юришга тўғри келарди.

Улар не машаққат билан денгиз қирғоғига чиқиб бордилар, лекин махлуқнинг қораси кўринмасди.

— Эҳтиёт бўлинглар,— огоҳлантирди Виталий Альфредович,— махлуқ қоя устидаги катта тош орқасига ўтиб кетди.

Вездеходлар олдинга ўтди. Зайдоний ҳам улардан бирини паналаб тошга яқинлаша бошлагандиларки, махлуқ бир сакраб тик қоя устига ўтди-да, қирқ-эллик метрча баландликдан қулочини ёзиб ўзини сувга отди. Нуротарлар ишга тушди. Лекин уни йиқита олдиларми-йўқми, билинмасди.

— Нима қилишимизни буюрасиз? — сўрашди бошлиқдан.  
 — Зайдоний, — Виталий Альфредовичнинг асабийлашгани овоздан сезиларди, — Мирославнинг вездехода айланиб денгиз бўйига тушиб, бир оз кутинглар. Раманажуна, дарҳол Элдорни етказиб келинг!  
 Сирли махлуқ денгизга фарқ бўлганича кетди. Мирослав ва Зайдоний кун тик келиб қолган паллада Яхши Умидга бўшашиб кириб келишди.

## 14

Икки кундан бери қутурган бўрон тиним билмайди. Осмон чанг, тўзонга тўлиб кетган. Мис баркашдай қизариб турган қуёш кўнгилларга алланечук ғашлик солиб турарди.

Тушга яқин момақалдироқ гумбирлаб, челақлаб қуйгандек ёмғир ёғди. Чамаси икки соатчадан кейин ёмғир бирдан тўхтади, булутлар тўзиб, кулиб боққан қуёш яна оламни илиқ бағрига олди.

Экспедиция қатнашчилари энди ташқарига чиқшган эди, тўқай ичидан ҳаллослаб келган манай дарвоза олдидан овозининг борича уларни чақира бошлади. Аввал Денис, кейин Виталий Альфредович ва Зайдонийлар шошиб унинг олдига боришди.

— Менинг чайламга жинлар тўлиб олиб, уй ичиларимни қийнапти. Отам ўлди! Сизлар яхши одамсизлар, мени ўлимдан сақлаб қолгансизлар. Ёрдам беринглар! Хотиним... болаларим...

— Қанақа жин, отанг қандай ўлди? — сўради Виталий Альфредович.

— Бирпасда ўлди, бадани сув бўлиб оқиб кетди-ю, қоқ суяги қолди. Бунақасини ота-боболаримиз ҳам кўрмаган экан!

Ёрдам одамлари бир-бирларига таҳликали нигоҳ ташлаб, туриб қолдилар.

— Буниси қандай гап бўлди? — Зайдоний бошлиққа қаради.

— Қандай бўларди, зудлик билан ёрдамга боришдан бошқа чора йўқ, — Виталий Альфредович манайга юзланди. — Сен қабила бошлиқларидан рухсат сўрадингми? Сени улар юбордими, ўзинг келдингми?

— Йўқ-йўқ, мени ҳеч ким юбормади. Сизларнинг яхши одам эканликларингни биламан. Ёрдам беринглар.

— Унда ишимиз чатоқ, — бошлиқ қўлини ёзиб икки ёнига шап этиб урди. — Борганимиз билан бизни қўйишмайди!

Манай ялина бошлади:

— Ахир нима қилай, Шомжун аскарларни олиб мингапумолар тарафга кетган. Даман Дарайга бу ҳақда гапирсам шу ондаёқ ўлимга буюриши мумкин. Ёрдам беринглар! Отам... болаларим!

— Бўпти, кетавер! Тайёргарлик кўриб орқангдан етиб борамиз.

Манай кўзида ёш билан бош силкий-силкий орқасига қайрилиб чоппиб кетди.

Вероника билан Денис Воген қишлоққа етиб келишганда, ҳар бир чайла олдига ёқилган гулханлардан ҳаммаёқни тутун босиб кетганди. Саросимада, у ер-бу ерга йиғилган манайлар вездеходга, енгил скафандр кийган Ёрдамларига илтижо, баъзилари эса қаҳр билан қарашарди.

— Қасаллар қаерда? Ким бизни бошлаб боради? — шошиб сўради Вероника бир тўда манайлардан.

— Ҳу, чеккадаги чайлада, — қўлини чўзиб кўрсатди улардан бири. Узларинг бораверасанлар.

Денис Воген ва Вероника шошиб чайлага киришганда чол ўлиб

ётар, ўн ёшлар чамасидаги бола ва ўндан кичикроқ қиз оғриқдан ўзини билмай тўлғонарди. Юзини даҳшат босган аёл ҳозирча соғлом бўлган икки боласини елкасидан ушлаб деворга суянганча сўррайиб турарди. Манайнинг ўзи эса йўқ эди.

— Қандай овқат еган эдинглар? — сўради Вероника.

— Ҳар доим еб юрган овқатимиз, — аёлнинг овози аранг эшитилди.

— Нима бўлганини бир бошдан айтиб бер-чи.

— Чайлага ҳаммадан кейин мен келдим, — аксириб олиб гап бошлади аёл. — Анави эшик олдида ётган суяклар қайнатам бўлади. Айтишларича, у даладан қайтаётиб, бизлардан хабар олиб кетай деб келган экан. Келса, чайлада Даман Дарай турган экан. Унинг келиб қолганига қоҳиннинг жаҳли чиқиб кетибди-да: «Уғлининг чайласига ёмон жинлар тўлиб қолган экан, ҳайдаб бўлмасимдан келиб қолдинг. Мана энди пешонангдан кўраверасан?» — деб кетиб қолибди.

Аёл ҳўнграб йиғлаб юборди. Вероника ағанаб ётган касалларни ҳам, соғларни ҳам эмлаб, соғларни чайладан чиқариб юборди. Мурда этидан жиндек олиб, ихчам электрон микроскопда текширишга киришди. Сўнг ваҳима босиб Денисга бир қараб қўйди ва шлемофоннинг тугмасини босиб, «Яхши умид»га хабар қилди:

— Виталий Альфредович, аҳвол жиддий. Бизга маълум бўлмаган касаллик бошланган. Шартли қилиб уни қора вабо деб атасак бўлади. Пакетдаги бинолардан бирини, «А-5» эмидан яна йигирма қути, ўттизтача йиғма каравотларни тезлик билан етказишларингга тўғри келади. Йўлга чиққанлар тўла муҳофазаланиб олсинлар. Нарсаларни қишлоқ четида қолдирсинлар. Буёғига ўзимиз ташиб оламиз.

— Озчилик қилмайсизларми?

— Йўқ, ҳозирча Денис Воген иккимиз уриниб кўрамиз. Айтмоқчи, Виталий Альфредович, Яхши Умидда ҳозирдан бошлаб тиббий комбинезонларсиз юриш мумкин эмас. Маҳаллийлар билан, келди-кетдини тўхтатасизлар. Гапингиз бўлмаса, алоқани узаман.

— Ишларингизда муваффақият тилайман.

— Раҳмат.

Яхши Умиддан етказилган юкларни Денис вездеходда қишлоқдан четроқдаги дарахтзор олдига ташиб олди. Бу орада яна икки-уч чайлада вабо бошланди. Қути ўчган манайлар ёрдам беришни ё бир ёққа кетишларини билишмас, Денис билан Верониканинг куйиб-пишиб иш-лашларига қарахт ҳолда қараб турардилар.

Денис ва Вероника терга пишиб, полимер уйни тиклаб бўлишди. Ҳоналарга юкларни ташиб киритишаётганларида юзидан заҳар томган Даман Дарай оҳиста босиб келди-да, Денисга ўқрайди:

— Бу нима қилганларинг? Манайлар юртига ҳеч кимдан сўрамай уйларингизни қурапсизлар? Еки бизларни бу ердан ҳам безитмоқчи бўляпсизларми?

— Биласизми, авлиё, — энсаси қотиб жавоб берди Денис Воген. Яна бир фалокатнинг ёқасида турибмиз. Агар унинг олди тезлик билан олинмаса, бу жойда на манайлардан, на қимирлаган жон эгасидан асар қолади.

— Манайлар тўғрисида азият чекмасанглару ўзингларни сақлаб қолиш учун дарҳол орқага қайтиб кетсанглар қандай бўларкин? Бу ерда мен борман. Хоҳласам ёмон жинлар бу атрофга йўламайди!

Вақтни олиб ишдан қўяётган Даман Дарайни Денис шундай ёмон кўриб кетдики, унга бақириб беришдан ўзини зўрга тийди:

— Бу касаллик сизни ҳам аямайдигани! Ундан кўра бизга ёрдам беринг. Биринчидан, қўлдаги гўдаклардан тортиб кексаларгача тиббий кўрикдан ўтиши керак! Иккинчидан, ким қаерда оғриб қолган бўлса, тўғри бизга келиб учрашишлари шарт эканлигини тайинланг. Қўни-қўш-

ниларникига кириш-чиқишлар тўхтатилиши зарур! Соғ одамларингиз бизга ёрдам берсин!

— Йўқ! — бақирди Даман Дарай.— Ҳеч қайси манай сизларнинг буйруқларингизни бажармайди! Ҳамма фалокатлар сизлар келгандан кейин бошланяпти. Сенларга айтадиган гапим шу: нарсаларингни йиғиштириш-да, келган жойингга йўқол!

Қоҳин ғудраниб йўлга тушди. Денис билан Вероника унинг гапларига аҳамият бермай, палаталарни жиҳозлашга тушдилар.

Шу куни кечгача ва кечаси билан Ер одамлари тиним билмади, лекин натижа йўқ даражада. Дори-дармонлар беморларнинг умрини бирмунча узайтирса-да, ўлимдан сақлаб қола олмас, қабила қоҳинидан мадад кутган беморлар эса қора вабони тарқатиб юришар, касаллар билан соғломларнинг аралашмасликларига эришиб бўлмасди. Касалхонадан ҳеч ким ўз оёғи билан чиқмай, фақат мурдалар чиқиши манайларнинг оз бўлса-да, Ер одамларига бўлган ихлосини қайтариб қўйди.

Тонг отиб қолган эди. Тўсатдан бошланган ғала-ғовурни эшитиб аввал Денис, орқадан Вероника югуриб ташқарига чиқишди. Найза, гавронли бир неча манайлар уларга ташланиб, кўз очиб-юмгунча дарахт танасига боғлаб қўйишди. Сўнг ичкарига ёпирилиб кириб, беморларни дуч келган жойидан судраб чиқа бошладилар.

— Касалларга тегманг! — жон-жаҳди билан қичқирди Вероника.

Манайлар на ерликларнинг илтимос, тушунтиришларига парво қилишар, на беморларнинг фарёдига қулоқ солар, баттар хуружга кириб, касалхонага ўт қўйишга киришиб кетгандилар. Қуруқ шохларга ўт илашиб, аланга энди кўтарила бошлаганда аллаким қишлоқ томондан томоғини йиртиб бақириб келаверди:

— Даман...— деди хабарчи жони ҳалқумига тиқилиб.— Даман Дарайга ҳам ёмон жинлар ёпишиб олибди. Чайласининг олдида терга ботиб буралиб ётибди!

Ҳамма лол бўлиб қолди.

## 15

— Бу нима қилиқ? — гезарди Фувапролдж хонага Эя кириб келиши билан.

— Мен асиримизга қандай жойга ўрнашганимизни, қудратимиз нималарга қодир эканлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлган эдим.

— Шу билан ундан сир тутишимиз керак бўлган нарсаларни ошкор қилиб қўяётганингизни ҳам биласизми?

Эянинг жилмайиб турган юзи бирдан бўзрайди.

— Кўп ҳам анқов эмасдирман.

— Анқов эмасмиш! Ахир тутқинликда ётган ҳар қандай гўл одам ҳам бундай пайтларда фаросатсизлик қилиб турмаса керак?

— Йўқ, Туронбек сиз айтган одамлардан эмас. У қочиб қутулишини ўзига ор деб биладиган мағрур одам.

— Ҳи,— ишшайди хўжайин,— аёл зотига мағрур, қомати келишган йиғитлар бўлса ақлу ҳушини йўқотади-қўяди. Иккала қулоғингиз билан яхшилаб эшитиб олинг, хоним, иккинчи марта бунақа ўзбошимчаликни ман этаман! Боринг!

Эя чиқиб кетгач, Фувапролдж оёғини чалиштириб стол устига узатди. Трубкасини тутатди. Шу пайт хонада бирдан қўнғироқ жиринглади. Фувапролдж экран тугмасини босиб, ёрдамчисини чақирди:

— Гоуд, нима гап?

— Дьюстелл келди! — деди шошиб ўрнидан тураркан, қувноқ кайфиятда.

— Намунча ўпкангизни қўлтиқламасангиз, менга олиб беринг.

Экранда сувда чайқалиб турган мезоскаф кўринди. У шлюзга киргач, юқори кўтарилди. Ундан Дьюстелл ва Кекидолар чиқишди. Бошларидан шлемларини олиб одатича чаққонлик билан оёқ жуфтлашдида, қўлларини юқори кўтаришди:

— Салом, жаноб Сурбасакен!

— Салом,— орага жимлик чўкди. Чамаси Дьюстелл гапни нимадан бошлашини билмас эди.

— Мен кутяпман,— деди асабийлана бошлаб Фувапролдж,— натижа нима бўлганини билмоқчиман!

— Улардан хотиржам бўлинг,— Кекидо аралашди гапга.

— Эшитаман, давом этинг,— бақирди Фувапролдж.

— Даман Дарайни қўлга олгандан кейин...

— Нега Шомжунни эмас, Даман Дарайни?

— Шомжун келгиндиларга сотилиб бўлган экан. Унга ишонгим келмади.

— Хўш, кейин...

— Учасини чайнаб басарладим. Келинбезаклар ишга тушиб, касаллик хуружга кирган. Қолганлари ҳам бу чоққача қирилиб бўлди деяверинг.

Фувапролдж трубкасини тутатиб жим қолди. Унинг назарида бактериялар Ер одамларини қириб ташлаган, шу ондаёқ санитария отряди жўнатиб ҳаммаёқни хавфсизлантиради-да, кўкрагидан босиб турган тоғдан қутулади.

— Хўш, билайлик-чи,— сўради хўжайин,— ажал уругини келгиндилар баданига қандай илаштира олдинг?

— Уни мен эмас, Даман Дарай ишлатган.

— Қандай бўлди? Келгиндилар қишлоққа келганда ишлатганми ёки турган жойига қўйиб юбориб кетаверганми?

— Гапига қулоқ солмай қўйган манайларга ишлатишдан бошлаган. Кейин улардан душманзимизга юққан.

— Аҳмоқ! — столни муштраб ўрнидан туриб кетди Фувапролдж.— Ахир уни фақат келгиндиларгагина ишлатишни, хавfli нарса эканлигини қайта-қайта тайинлаган эдим-ку?!

— Бизга бу касалликдан қутулиш қийин эмас, деганингизга...

— Қуроллар-чи? Сенда бор нарсалар билан беш-олти киши эмас, юзлаб одамларни жойлаш мумкин эди-ку?

— Ҳаммасини битта қўймай қирадиган вақтга келганда қуролим ишламай қўйди. Сувда сузадиган уйга қайтишга мажбур бўлдим.— Кекидо қочиб қутулганини айтиб юборишдан ўзини аранг тутиб қолди.— Сувдаги уйга кирганимда Душтил жаноблари яна қайтиб қуруқликка чиқишимга рухсат бермадилар.

— Сиз, жаноб Дьюстелл, намунча жонингиз ҳалқумингизга тикил-маса? Касаллик мезоскафгача етиб келмагандир?

— Тўғри, мен шошганим йўқ,— кўзини лўқ қилиб жавоб берди Дьюстелл,— Бактерияларга қарши эм олиш хаёлимизга келмабди.

— Хўш, келгиндилардан неча киши омон қолди? — хўжайин Кекидога кўзини қадади.

— Уч-тўрт киши.

— Аниғи?

— Тўрт эркак, икки аёл.

— Уларнинг биттаси қолса ҳам дунёни остин-устун қилиш қўлидан келади,— деди Фувапролдж.

— Жаноб Сурбасакен,— совуққонлик, айни бир вақтда ғурурланиб давом этди Кекидо.— Ҳамма кулфатлар келгиндилар туфайли эканлигини одамларга сингдирдим. Бундан ташқари ўзимга яқин қабиладош-

ларимни қайраб қўйгандим. Келинбезаклардан қутулиб қолганда ҳам оломоннинг ғазабидан қутулиб қололмайди.

«Бепарво бўлишим асло мумкин эмас, — ғижиниб хаёлидан ўтказди Фувапролдж тумтайиб. — Эртагаёқ бор кучни ташлаб, операцияга ўзим раҳбарлик қиламан».

— Бўпти: дамингизни олинг! Эртага яна сафарга отланасиз. — Фувапролдж микрофондан Эяга буюрди. — Хоним, буларни тиббий кўрикдан ўтказинг.

## 16

Коҳиннинг ўзи «жинлар» қўлига тушиб қолиши манайларнинг ўта-касини ёриб юборган эди. Улар ҳайрон бўлиб туриб қолдилар.

— Ечиб қўйинглар бизни! — қичқирди Вероника. — Унга ёрдам бериш керак! — Манайлар саросимага тушиб қолгандилар. Улардан бири келиб арқонларни ечиб ташлади. — Утни ўчириглар.

Вероника касалхонадан сумкасини олиб чиқиб, коҳиннинг чайласига томоё чопиб кетди. Денис бошлиқ манайлар ўтти ўчиришга киришишди. Инқиллаб ётган касаллар ичкарига олиб кирилди. Денис эшикни қулфлади-да, Верониканинг олдига шошди. У коҳиннинг чайласига етиб келганда Даман Дарай оламдан ўтган, қоқ суякка айланган эди. Бу воқеанинг устига ҳориб-чарчаб, Шомжун бир нечта жангчилари билан келиб қолди. Атрофдан қути ўчган одамлар аста-секин тўплана бошладилар.

Қабила пуштипаноҳининг жасади манайлар одатига кўра ўтда куйдирилиб, чайласининг ўрнига дафн қилиниши керак эди. Мурдага қилинадиган расм-русмлар ўтказилиб, қабр тайёр бўлишини кутиб турардилар. Бирдан чайла ичидан кетма-кет қичқириқ эшитилди. Тўпланиб турган манайлар гуриллаб қочиб беришди. Рангида қони қолмаган гўрковлар ташқарига ўқдай отилиб чиқдилар.

— Келинбезаклар... — деди улардан бири энтикиб, — қаранглар, ҳаммаёқни босиб кетди.

Шомжун қизиқсиниб, чайла ичига киришга жазм қилди. Тўрдаги нимқоронғиликда хилма-хил рангда товланган тукли қуртлар тупроққа қоришиб ғивирлашар эди.

— Мана бу жойдан чиқди, — қўлини чўзиб кўрсатди гўрков. — Қўлимдаги чўққи тош бир нарсага урилди. Кейин ярқ этди-ю, ҳаммаёқни келинбезаклар босиб кетди.

— Умримда бунчалик кўп келинбезакларни кўрмаганимдан қўрқиб, қичқириб юборибман, — қўшиб қўйди иккинчиси.

— Бошқа ҳеч нарса йўқ эканми? — сўради Шомжун.

— Қаттиқ нарсалар кўпга ўхшайди.

Чайланинг кунгай томонини очиб юборишгач, ичкари ёришиб кетди. Гўрковлар эҳтиёткорлик билан чуқурни қазишда давом этдилар. Улар келинбезаклар тўла яна иккита қора шиша топдилар. Кейин чуқурни ҳар қанча кенгайтиришмасин, бошқа нарса чиқмади.

— Бўлди, — деди қўл силтаб Шомжун, — энди ҳеч нарса чиқмайди. Гўр ҳам жуда чуқур бўлиб кетди. — У келинбезаклар тўла шишалардан бирини олиб, ерликларга изоҳга тутинди. — Бу қуртларни биз келинбезаклар, деймиз. Никоҳ тўйларида ҳар ким топганича олиб келиб келиннинг бошига қўйиб юборади.

— Шунча келинбезак бу ерда нима қилади? — елкасини қисиб қўйиб сўради Денис Воген.

— Эҳтимол, Даман Дарай никоҳ тўйларига ғамлаб қўйгандир. У бировларга совға улашишни яхши кўрарди.



— Бунақа шишаларни қаердан олади?  
 — Нима бўпти, сизлар турган жойда ҳам кўп-ку.  
 — Биздагига сира ўхшамаюпти-да. Шуниси бошни қотириб турибди.

— Туанакаликлар ташлаб кетишган жойдан топиб олишган бўлса-чи. Ана, қаранг, чайланинг томида ҳам биттаси турибди.

— Буниси ҳам қизиқ, — нимадандир гумонсираган Денис атрофни синчиклаб кўздан кечира бошлади.

— Шишалардан биттасини олсам майлими? — Шомжундан илтимос қилди Вероника.

— Майли-майли, ҳаммасини ола қолинг.

— Йўқ, менга шуниси бўлади.

Вероника шишани олиб касалхонага физиллади. Унинг хаёлидан Даман Дарай қора вабога йўлиқишида келинбезакларнинг алоқаси йўқмикин, деган гумон нари кетмасди. Гумони тўғри чиқди, ҳашарот танасида қора вабо микроблари тўлиб ётарди. Вероника нарсаларни апилтапил йиғиштириб, чайла томон чопди.

Қудратли қоҳин хоки тупроқ аралаш кўмилиб, одатларига кўра чайлага ўт қўйиб юборгандилар. Алангани ўра олган ноғорачилар ва бошқа манайлар «қочган, бекиниб қолган жинлар» ёниб кетсин учун рамзан уларни алангага «ҳайдар»дилар. «Ҳой, қаёққа қочасан?» «Орқангга қайт!» — деган бақирришлар ноғораларнинг овозига қўшилиб қулоқларни қоматга келтирарди. Шомжун мотам сукутида. Денис эса юракка қил сиғмай турганида бошланган томошани лоқайдлик билан кузатар эди. Вероника югуриб келганича Шомжуннинг қўлидаги шишани тортиб олиб, оғзига қаради-да, очилмаганидан кўнгли тинчиб сўради:

— Қолганлари қани? — Урмалаб юрганлари?

Шомжун ҳайрон бўлиб, чайла томонни кўрсатди:

— Ана, ҳаммаси ёниб кетди. Териб олганимизда бўлармиди?

— Ҳеч ким қўлида ушлаб кўрмадимми? Келинбезакларда қора вабо тарқатадиган жинлар бор. Бирор киши қўлини теккизган бўлса, айтиши керак.

Дениснинг кўзи чаноғидан чиқаёзди. Ишонқирамаган Шомжун пинагини бузмай жавоб берди:

— Шундай мотам пайтида уни қўлга олиш кимнинг кўнглига сизгарди.

Вероника Шомжуннинг гапи билан хотиржам бўлиб қолмади. Атрофда ўт илашмай қолган жойларнинг ҳаммасини титиб юборишди.

— Қабиладошларингиз касалларга ва касалхонага яна ҳужум қилишмасмикин? — сўради Вероника чуқур устига тупроқ тортиб бўлишганда.

— Энди хотиржам ишлайверсангиз бўлади, — афсуслангандай бош чайқаб қўйиб жавоб берди Шомжун. У тўполонни қоҳин бошлаганига шубҳа қилмасди.

— Шундай қилинг, — илтижо этди Вероника, — жуда оз вақт қолди. Қора вабога қарши янги яратилган эмлар, тугал синовдан ўтсин. Кейин у бизга хавфли бўлмай қолади.

## 17

Фувапролдж Кекидо бош кийимидаги жажжи автомат аппарат сураат туширган микроленталарни экранга солиб кўздан кечирмоқда эди, ҳовлиқиб Гоуд кириб келди:

— Муҳим хабар, жаноб Сурбасакен, — деди у қувончдан кўзлари

чақнаб.— Атаулпанинг изидан тушганлар қайтиб келишди. Қаердалигини топишибди.

— Топишибди?!— Фувапродж лабини буриштириб тутақиб кетди.— Ахир уни топган ландавурлар нега ўзини тутиб келмабди? Қани улар?

— Эя тиббий кўриқдан ўтказсин, олиб киради.

Хиёл ўтмай Гоуд кўзлари ичига тушиб, офтобда қорайиб кетган разведка бошлиғи билан кириб келди.

— Ёнингиздаги манайлар қаерда қолди? — сўроққа тутди Фувапродж уни.

— Ташқарида.

— Ҳаммаси қайтиб келганми, бирортаси қочиб кетмадими?

— Йўқ, ҳаммаси қайтган.

— Ҳм-м, марҳамат, эшитаман.

— Чиндан ҳам Атаулпа одам етолмайдиган бир жой топган...

— Одам етолмаса, Атаулпа қандай етибди?— разведка бошлиғининг гапини бўлди хўжайин. Сўнг бир оз давом этган сукутдан кейин писанда қилди.— Қулогим сизда!

— У биз маъдан олаётган коннинг кунчиқиш томонидаги Ёмондаранинг тепасидаги қоя ғорига бекинган. Ғорга қайси томондан борилсада, кафтдек кўриниб туради. Хужум қилмоқчи бўлганларни даф қилиш учун Атаулпага биргина тошни тепиб юбориш кифоя.

— Ўзи холосми?

— Унинг ёнида яна уч киши бор. Чамамда у кондаги назоратчиларимизга хужум қилиб, ишлаётганларни озод қилмоқчи. Аммо кон билан ғорнинг ўртасидаги дарадан қандай ўтишига ақлим етмади.

— Даранинг нариги томонига вертолёт қўна оладими?

— Эҳтиётлик билан қўндирса бўлади.

Фувапродж пешонасини кафтига тираб ўй сўриб кетди.

— Атаулпанинг ишига халақит бермаймиз,— деди бир оздан кейин бошини кўтариб.— Хотиржам кон томонга ўтаверсин. Кейин, олдидан сиз, орқадан Дьюстелл ва Кекидо йўлини тўсиб чиқасизлар.

— Жуда яхши режа,— деди Гоуд. Разведка бошлиғи ҳам бу фикрга қўшилди.

— Падарига лаънат, ўша Дьюстелл ва Кекидони,— деди Фувапродж разведка бошлиғи чиқиб кетгач Гоудга,— ишни чала қилиб қайтганлар.— У Атаулпанинг пайдо бўлиб қолиб, эртага Ердан келганларни охиргисигача қириб ташлаш операциясининг кечикканидан жаҳли чиққан эди. Иккинчи томондан эса, Ердан янги экспедиция келиб қолишидан чўчир эди. Унгача орадаги бўш вақтдан фойдаланиб, Туронбек орқали муҳим бир радиограммати Ерга узатиши керак эди. Лекин қандай қилиб Туронбекни қўндирса экан...

□

— Сурбасакеннинг оламшумул ғалабаси учун,— Гоуд биринчи қадаҳни баландпарвоз оҳангда айтди,— энг муҳими, сафимизга Ер одами қўшилгани учун. Марҳамат, жаноблар!

Ҳамма бир кўтаришдаёқ қадаҳларни охиригача бўшатди. Туронбек Эя узатган қадаҳни бир тотиниб ўртага сўриб қўйди.

— Бу қанақаси бўлди, жаноб Туронбек? Ёки сизга бошқасидан қуяйми? Наҳотки биз билан вақтичоғлик қилмасангиз?

— Кечирасиз, жаноб Фувапродж, майхўрликка унча ихлос қилмаганман.

— Яхши эмас, биз маишат билан бўлсагу сиз қараб турсангиз. Марҳамат, кўнглингиз ёқтирган овқатдан олинг.

Қадаҳлар жаранги бир неча бор такрорланиб, пойма-пой гаплар ав-

жига чиққанда кимдир, туанакаликлардан бири чайқалиб келиб, Туронбекнинг елкасига чанг солди:

— Ма, ич! — деди у тўкилавериб тагида икки-уч ҳўплагина қолган қадаҳни тутиб. — Менинг қўлимдан олмай кўр-чи!

Бу қилиқдан Туронбекдан бурун Фувапролджнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Йўқотинг! — жеркиди у боя Гоуд билан келган икки кишига, — ўзингиз ҳам гумдон бўлинг: — хонада тўрт киши: Эя, Гоуд, Фувапролдж ва Туронбек қолишди. — Унинг одобсизлигидан вақтида огоҳ бўлмаганим учун афв этгайсиз, жаноб Қаҳҳоров. — Фувапролдж қўлида қадаҳ олиб Туронбекка юзланди. — Қани марҳамат, икковимиз биттадан қадаҳни уриштириб оламизми? Ахир юрагимизда борини гаплашиб олмақчи бўлган эдик-ку.

— Бусиз ҳам гаплашса бўлаверади, жаноб Сурбасакен.

— Ихтиёрингиз, — зўраки тиржайди Фувапролдж ва Гоудга нимагадир ишора қилди. Гоуд аввал микрофон орқали Тихимеяни чақириб дастурхонни йиғиштиришни буюрди ва кайфи борлигидан бир оз чайқалиб бориб, деворга ўрнатилган экранни бурай бошлади. Чийиллаган, гувиллаган овозлар ўрнини мусиқий оҳанг эгаллади. Экранда гоҳ кўришиб, гоҳ йўқолиб кетаётган тасвирлар тиниқлашди. Қўлида микрофон ушлаб турган туанакалик экранда кўриниши билан:

— Мана, диққат билан кузатинг, — деди тиржайиб. — Махсус сиз учун ташкил қилинган репортаж. Қаранг, оламнинг бир бурчагидан олиб кўрсатиляпти-я! Ҳозир сиз менинг ватаним кўчаларидан бирини кўриб турибсиз.

«Салом, буюк фазогашта жаноб Фувапролдж Сурбасакен! — репортер икки букилиб таъзим қилиб давом этди. — Салом, Гоуд Голлс жаноблари! Салом, маликам Эя!»

Кўчалардан гизиллаб ўтаётган хилма-хил машиналарнинг ҳисоби йўқ. Қаторлашиб кетган осмонўпан биноларнинг охири тугамайди. Соясалқиндаги ўриндиқларда одамлар гавжум. Кексалар ором оғушида ёшлар ёнидагилардан заррача тап тортмай қучоқлашиб, ўпишиб ўтиришибди.

Репортёр айланиб бориб хушманзара боғ ичига кирди. Фавворалардан сув отилиб турибди. Чаманзор орасидаги йўлкаларда гоҳ оқ танли, гоҳ қизил танли балоғатга етган қизлар, сарвиқомат жувонлар кўриниб қолади. Оператор уларни яқин келтираркан, ҳар қайсиси ўзи уддалаганча нозу ишвалар билан ҳусн-жамолларини намоиш қилишга бошлайдилар. Рамзий бўсалар ҳада қилиб, гўё орқаларидан интилишга даъват қилгандай узоқлашиб борадилар-да, кўздан ғойиб бўладилар. Улар ярим яланғоч, заррин либослари қуёш нурида товланиб, кўзларни қамаштирарди.

— Мана бу жой сизга аталган, — Фувапролдж турли кинофильмлардан қирқиб, тўқиб-чатиган репортажидан асирини ўзига оғдириб олганига гумон қилмасди. — Ҳеч ким сизнинг оромингизни бузишга журъат қилолмайди. Ҳозир экранда кўринган хонимлардан истаганингиз билан айш-ишратда бўлишингиз мумкин. Бошқа эҳтиёжларингиз тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

— Жаноб Сурбасакен, мени тутқунликда ушлаб туриб, жаннат инъом қилаётганингиз сабабини билсам бўладими? — сўради Туронбек.

— Тутқунлигингиз вақтинча, — кулимсираб туриб жавоб берди Фувапролдж. — Қолганлари эса сиз билан яхши муносабатда бўлишга интилиш, холос.

— Мен тайёрман, муддаонгизни эшитаман!

— О-о, жаноб Туронбек, бунақа жиддий тутманг-да, ўзингизни! Баъзи қизиқтирган маълумотларни билмоқчиман, холос.

— Масалан?

— Коинотнинг бир бурчидан йўл топиб кела олганингиздан фан ва техникангиз қанчалик тараққий қилганини тасаввур қила оламан. Лекин охири хатар билан тугаши мумкин бўлган сафарга таваккал қилганинглар сабабини билсам бўладими?

— Жуда бўлади, жаноб Сурбасакен. Биз бошқа галактикада ақлли, ҳатто ўзимизга ўхшаган мавжудотлар борлигига шубҳа қилмасдик ва улар билан дўстона алоқа ўрнатишга интилиб келардик. Сиз — Зумрад деб атаган сайёрадан радиосигналлар тарқалаётганини билиб қолдик-да, тараққиётга эришган одамлар юбораётганига гумон қилмаганимиздан йўлга чиқдик.

— Албатта, албатта,— Фувапролдж тасдиқлагандай бош силтаб давом этди.— Лекин, кўрдингизки, сизларни бу ерда хуш кўришмас экан. Бу эса томонларни бир-бирига душман қилиб қўйиши ҳам мумкин. Инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат эканлигини тан оласизми?

— Буниси ҳар кимнинг дунёга қайси кўз билан қарашига боғлиқ бўлса керак. Лекин ишонинг, жаноб Сурбасакен, бизларнинг ёмон ниятимиз йўқ.

— О, Туронбек, ўзингизни фаришта қилиб кўрсатяпсизми? Иккинчидан, биз эмас, мен денг, чунки сиз бир ўзингиз қолдингиз.

Фувапролджнинг бу гапидан Туронбекнинг дили вайрон бўлаёзди. Унинг кўз олдидан қадрдон ватандошлари бир-бир ўта бошлади. Фувапролдж пайтдан фойдаланиб қолмоқчи бўлди:

— Арзимас бир илтимос — мана бу радиограммати ўз тилингизга таржима қилиб Ерга узатсангиз. Балки махфий кодларингиз бордир. Олдиндан огоҳлантириб қўйганим жониз бўлар: бошқа ёққа бураман, деб овра бўлманг, электрон таржимон аппаратларим сизни ноқулай аҳволга солиб қўямасин,— Фувапролдж йўқ таржимон аппарат тўғрисида ёлғон гапирганига заррача тап тортмай радиограммати Туронбекка узатди.

«Азиз ватандошлар,— дейилганди радиограммада,— коинотдан олинган радиосигналлар бизни алдади. Одамлар яшайдиган сайёра топилмади. Фазовий кемамиз энергияси тугаб, ҳавоси заҳарли ўлик сайёрага тушиб қолдик. Бизни муқаррар ҳалокат кутяпти. Бу ерга бошқа экспедиция уюштиришдан натижа чиқмайди. Охири имкониятлар воситасида сўнги радиосигналларимизни жўнатяпмиз. Алвидо...»

Туронбекни қалтироқ босиб, варақни Фувапролджнинг олдига ташлади.

— Ҳа, камчилиги бор эканми?— ўзини билмасликка олди Сурбасакен.

— Мен бундай ёлғон радиограммати узатолмайман.

— Уринсиз қайсарлик қилмаяпсизми? Фазовий кемангиз қандай зарбага дуч келганини унутмасангиз бўларди. Мен сизнинг тақдирингиз тўғрисида жон куйдирияпман. Ҳаётингизни ўйланг, келажагингизни ўйланг.

— Наҳотки, хиёнат, тубанлик билан кўрган умрни ҳаёт деб ўйласангиз! Агар истасангиз, мен бор гапни рўйрост узатишим мумкин. Фувапролдж тутақиб; ўрnidан туриб кетди.

## 18

Вероника касалхонага қайтгач, бошини чангаллаб узоқ вақт ўтириб қолди. Қасалхонага ўт қўймоқчи бўлган маҳаллийларнинг газаб чақнаган кўзлари назаридан нари кетмас, судрашиб олиб чиқиб ташланаётган беморларнинг дод-фарёдлари ҳамон қулоғида жаранглаб

турарди. Даҳшатли қора вабо эса осонликча енгиладиган кўринмасди. Унинг юраги ҳаяжон билан тепмоққа бошлади. Вероника герметик шкафта турган қора шишалардан бирини олиб оғзини очди ва қисқич учидан келинбезаклардан бирини олиб, сесканиб турганига қарамай, бўйнидан қўйиб юборди. Муздай жирканч қурт оҳиста ўрмалаб сийна-сига тушганда уни олиб шиша ичига солди.

Кечга яқин қора вабо Вероникани қийнамоққа бошлаганда, хонага Денис кириб келди. Кўзига Вероника бошқачароқ бўлиб қолгандай кўринди.

— Жуда чарчаганга ўхшаймиз-а?— жилмайди Вероника ҳайрон бўлиб қараб қолган Денисга.— Ҳечқиси йўқ. Ишларимиз юришиб кетса, кўрмагандай бўламиз-қоламиз.

Денис ўйчан бош қимирлатиш билангина жавоб қилди.

— Энди бир-биримиздан узоқроқ туришга тўғри келади. Сиз синовдан ўтган эмлар билан даволашни давом эттириб турасиз. Мендан хавотир олмасангиз бўлади.

Денис маъюс чиқиб кетди.

Орадан икки кун ўтгандан кейин Вероника ўзини осойишта тутишга ҳаракат қилиб, ётган жойида бошлиқ билан радио орқали боғланди:

— Салом, Виталий Альфредович, ҳаммаларингизнинг аҳволингиз, кайфиятларингиз?

— Раҳмат, яхши. Ўзингиз? Жуда ҳам чарчаган кўринасиз?

— Ҳа, лекин бундан бу ёғи кўнгилдагидай боришига амин бўлаверинг.— Миннатдорман, азизим, ҳамма оғирликни сизларга ташлаб қўйганимиз учун узр сўрайман. Бизга хизмат бормиди?

— Ҳа, Аннанинг бу ерга келишига тўғри келиб қолди.

— Сизга бир нима бўлдими?—шошиб сўради бошлиқ.

— Иш кўпайиб кетди. Менга ёрдамлашиб юборса деган эдим. Айтмоқчи, келишида менинг чамадонимни ола келсин.

— Хўп бўлади, Вероника. Анна ҳозироқ етиб боради.

— Раҳмат. Хайр.

Сафдошлариғи соғиниб қолган Анна майдонда кутиб турган Денис билан қучоқ очиб кўришди-да, Верониканинг кўринмаганидан юраги орзиқиб, унга қаради. Денис индамай бош эгди. Анна шошиб касалхонага кириб кетди.

Вероника илгариги Вероника эмас. Чаросдай кўзлари ичига тушиб, ёноқ суяклари чиқиб қолган, ранг-рўйидан адашган, аммо руҳан тетик эди. Аннани кўриши билан жилмайиб ўрнидан туришга ҳаракат қиларкан, Анна энгашиб уни бағрига олди:

— Нега шу аҳволга тушгунча хабар қилмадингиз?— сўради у кўришиб бўлгандан кейин.

— Ҳаммасининг ҳам мавриди бор, Аннагинам. Мана энди дадил ҳаракат қилаверса бўлади,— Верониканинг юзи ёришиб давом этди:— Анави шкафтаги эмлар янгидан яратилди. Тайёрлаш усулини касалхона кундалик дафтарига ёзиб қўйганман. Энди қора вабо қўрқинчли эмас.

Анна шкафтаги «А-6»дан тортиб, «А-10»гача устидаги қоғозларга ёзилган шишаларни диққат билан кўздан кечириб чиқди.

— Улар ҳар хил-ку. Қайси бири билан даволанади?

Вероника хаёлга ботди. «А-10» эмини ўзида синаб кўрган эди. Нима қилсин? Ошкор қилса, Анна фиғон кўтаради, айтмасликнинг иложи ҳам йўқ эди.

— «А-10» синовдан ўтганича йўқ. Сабр қилишга тўғри келади,— деди у ўзини хотиржам кўрсатиб.— Мен ўрнимдан туриб кетсам, на-тижа маълум бўлади.

— А...

— Ҳаяжонланма, азизам, бошқа чора қолмаган эди.

— Ахир,— Анна дод солиб юборишдан аранг ўзини тутиб турарди,— ахир «А-9» эми асосий дори бўлиб қолган экан, нега уни қўлламадингиз? Оқибатини ўйламадингиз?

— Уйладим, Анна, ўйлаганман. Лекин қора вабога қарши қайси бири самаралироқ эканини бир соат, ақалли бир минут олдин аниқлаш қанчадан-қанча одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиши мумкин эканлигини ҳам ўйладим-да.

— Нима десангиз ҳам тажрибани ўз устингизда бошлаганингизга қўшила олмайман.

— Нима қила олардинг,— Вероника қалин қошини чимирди,— анатомик жиҳатдан одамга яқин ҳайвонни топиб, унинг устида тажриба ўтказишга вақт керак. Беморлар устида тажриба ўтказиш бирор можарога сабаб бўлиши аниқ. Аслида ҳаёт бор экан, хавф ҳамиша йўлдош, азизим. Энди сен ишни тезлаштиравер. Мендан хавотир олма. Тақдир кулиб боқса, ажаб эмас... Мен энди бир оз дам олай.

Анна маъюс чиқиб кетаётганда Вероника альбомни қўлига олиб варақлай бошлаганди... Орадан ярим соатларча ўтиб, кўнгли тинчимаган Анна хабар олгани кирганида Верониканинг қўллари шалвираб осилиб қолган, рангида қони қолмаса-да, оғир меҳнатдан сўнг ором олаётгандай осойишта, юзидаги илиқ жилмайишнинг излари ҳали сўниб битмаган эди. Сийнасида варағи очиқ қолган альбомнинг бир томонида турмушга чиққан куни Шевкет Дамиржи билан бирга тушган суратидан табассум-ла боқиб турарди.

— Вероника!— қичқириб юборди Анна ва ўзини унинг устига отди. Верониканинг совий бошлаган қўлларини юз-кўзига суртаркан, фарёди оламини тутган эди.— Азизам Вероника! Нега? Нега энди...

## 19

Хона қоронғилашди. Экранда Кекидо пайдо бўлди. У бутунлигича шилинган ҳайвон терисига бурканиб, махлуқ қиёфасига кирди. Бош кийимига ўрнатилган жажжи аппаратларни ишга солиб кўрди. Кейин оғир нарсалар билан тўлдирилган халтасини елкасига осиб, устидан камарини тортиб боғлади. Халтасидан йиртқич ҳайвонларнинг ўткир тишли жағига ўхшаб кетадиган қайчунусха асбобни олиб, бир-икки очиб-ёпиб кўрди.

— Бу душманни якка тартибда йўқ қилишнинг мукамал воситаси,— изоҳ берди Фувапролдж.— Қўлда ясалган металл жағ. Одамнинг валломати ҳам йиртқич ҳайвон чайнаб ташлаганига гумон қилмайди. Мен баллистик ракета, вертолёт қилиб ўтирмадим, осонгина ҳад қилиш йўлини тутдим. Энди асабингизни маҳкамроқ тутинг, Туронбек. Ҳаяжон ичидан бирор ноҳўя ҳаракат қилиб, бошингизга кулфат ортириб қолманг демоқчиман.

Экранда туанакаликлар жазо отрядининг кирдикорлари бирма-бир ўта бошладди. Махлуқ қиёфасидаги Кекидо Кодзо Охиси ва Виталий Альфредовичга ҳужум қилган пайтда Туронбек ўрnidан туриб кетаёзди, аммо бир илинж уни тутиб турарди. У оқибат нима билан тугаганини билишни истарди. Фувапролдж Элдорнинг йиқилганини кўрсатиб, экранни ўчирди. Хона ёруғ нурга тўлди. Туронбек бошини чангаллаб олган эди. У қаттиқ ларзага тушган бўлса ҳам, ватандошларининг маълум қисми тириклигини, уларнинг курашаётганлигини сезиб, таскин топди. Нима қилиб бўлса ҳам уларга ёрдам бериши, ҳеч бўлмаса ўзининг шу ердалигини, тириклигини етказиши керак. Уларнинг кура-

шаётганлигига эса, Эянинг оғзидан чиқиб кетган «сизлар», Кекидонинг ҳаммани ўлдиролмагани, (агар ҳаммани ўлдирганда туанакалик лентани узмаган бўларди), Фувапролджнинг ракеталарни ишга сололмаётгани гувоҳ. Демак, ҳимоя воситалари ҳам ишга тушган. У, албатта телеграммани узатади. Лекин ўзига керакли жойигача... Фувапролдж уни ўз ҳолига қўйиб трубкасини тутатар, асирида қаршилик кўрсатишга мажол қолмаганилигига шубҳа қилмасди. Шунда ҳам Туронбекни бир йўла гангитиб қўймоқчи бўлди ва хийла давом этган сукутдан кейин гина қилгандай пўнғиллади:

— Эҳ, Туронбек, Туронбек, ёш боладан асло фарқингиз йўқ-а...

Шу пайт шошиб кирган Гоуд унинг фикрини бўлди:

— Радист ҳам кетаман деб оёғини тираб турибди,— деди у.

— Қаерда у?

— Аллақачон чамадонларини кўтариб, учиш майдонига бориб олган.

— Ҳм-м, қайсарлар, шартнома муддати тугади-да, Фувапролдж уларнинг чўнтагини бир умрга етгудек сармоя билан тўлдириб қўйди! Кимнинг бошини силасанг, охирида юзингга оёқ қўяди, лаънатилар!..

У бир зум тараддудда қолди. Туанакага қайтаётганлар нохуш гап кўтариб бориши асло мумкин эмас эди. Ҳали унинг иши кўп одамга тушади.

— Агар унга ҳам рухсат бериб юборсак, ишини эплаб турасизми?— сўради у Гоуддан. Гоуд начора, дегандай елкасини учирди.

— Қийинчилик кўпга бормаса керак. Эрта-индиндан эскадрилья келишини кутяпмиз-ку.

— Бу дейман,— хўжайиннинг юзига табассум ёйилди,— ўз ишингиз устига комбинат инженерлиги, радистлик, маъмурий ишлар. Сиз ҳам кетаман деб оёқ тирасангиз, ким билан қоларкинман.

— Хотиржам бўлинг. Жаноб Сурбасакен қаерда бўлса, Гоуд ҳам ўша ердан қолмайди.

— Миннатдорман. Унда Туанакага жўнайдиганларга хотиржам оқ йўл тилаб қолаверамиз. Утиринг, Гоуд!

— Объективизор олдида ҳеч ким қолмади, жаноб Сурбасакен.

— Бирпасга ҳеч нарса қилмайди. Эскадрилья етиб келса биз бир неча марта кучайиб кетамиз.— Фувапролдж Туронбекка мурожаат этди.— Бир овқатланмаймизми, жаноб Туронбек.

Туронбек мажолсиз бош ирғади. Унинг дилида режалари аниқланган бўлса ҳам, у ўзини ҳамон иккиланаётгандек тутар, Фувапролджга кўзидаги қатъийликни кўрсатмасликка тиришарди. Хонага нозу таманно билан Эя, кейин Тихимея кириб келди.

— Шундай гўзал аёлни бириктириб қўйибману, жаноб Туронбек, сиз бўлсангиз энди ҳеч қайтиб бормайдиган ватанингизни ўйлайсиз.

— Энди бошқача бўлади, жаноб Сурбасакен,— жавоб берди Туронбек иштаҳа билан овқатланар экан.

— Албатта, шундай ҳузурдан мен ҳам юз ўгирмаган бўлар эдим.

— Аёлларга нима,— кўзини сузди Эя,— кайфи-сафо, олдинда қора кунлар йўқлигига ишонч бўлса бўлди.

Хонада кулги кўтарилди.

— Истагингиз жуда ажойиб!— деди Фувапролдж Туронбекнинг иштаҳа билан овқат ейишидан кайфи чоғ бўлиб. Коинотнинг олис жойларидаги одамлар билан дўстона алоқа туттиш... Бу жуда-жуда олижаноблик! Лекин яна қайтараман, мезбоннинг кўнглини билмай туриб, меҳмон бўлиш ҳам одобдан бўлмаса керак. Фикримга қўшила-сизми?

— Менга бари бир, — деди Туронбек истеҳзоли кулиб, — одам одамни хуш кўрмаслиги мумкинлигига ишонмайман.

— Сиз менга қанчалик ишонмасангиз, мен ҳам сизга шунчалик таажжубланияпман, жаноб Туронбек. Агар Туанакадаги етти устуннинг бири бўла туриб, Зумрад бутунлигича ихтиёрингизда бўлганда, албатта, бундай демаган бўлардингиз.

— Демак, бир дунё таъсирингизда-ю, иккинчиси қўлингизда?

— Худди шундай, агар Зумрадда ишларим яхши кетса, Туанакадаги мендан бошқа олти одамни ҳам четга суриб, ўзим танҳо қоламан.

— Борди-ю, ўн саккиз минг оламнинг ҳаммаси сизнинг чангалингизга тушиб қолса-чи?

— Чакки бўлмасди.

— Шунчалик экан, худо бўлинг-қўйинг-да.— Туронбек истеҳзоли ҳазил қилди.

— Афсуски, бу мавҳум нарса. Аввал ниятларим тантана қилаверсин, худолар ҳам менинг эҳсонимга маҳтал бўлиб қолаверади.

— Ҳеч ақлимга сиғдира олмаяпман, жаноб Сурбасакен.

— Ҳўш, нимасига тушунмайсиз?— иягини олдинга чўзди Фувапролдж.

— Бир вақтда бир оёғингизга иккита кийим киясизми?

— Йўқ,— Фувапролдж ўзини аранг кулгидан тўхтатди.

— Бирваракайига иккита қошиқ оғзингизга сиғадими?

— Й-йўқ, фақат битта.

— Ёки бир ўзингиз бир вақтда иккита каравотда роҳатлана оласизми?

Сурбасакен шарақлаб кулиб юборди.

— Жаноб Туронбек, нималарни валдираяпсиз?

— Валдираш эмас, ҳаққоний гап. Ахир бир кишидан ортиқ ебичолмасангиз, кия олмасангиз, икки каравотда бирданига ёта олмасангиз, бир ярим оламга чанг солишнинг нима ҳожати бор?

Эя аввал Туронбекка, сўнг хўжайинига ялт этиб қаради. Хўжайини дудуқланиб, қизара бошлаган эди.

— Гап буёқда денг, — деди кўзларини пирпиратиб. — Ўзлари-чи? Ўзга оламда бекорга сандироқлаб юрмагандирлар?

— Сандироқлашнинг сабабини боя айтдим, жаноблари. Фель-атворимни билмоқчи бўлсангиз менга битта қошиқ етади. Пойабзални ҳам оёғимдаги йиртилгандан кейин янгисига алмаштираман.

— Унда ҳаёт ҳақиқатини билмас экансиз,— таъкидлади Фувапролдж.— Одамзоднинг кўзи фақат тупроққагина тўяди!— Ҳа, фақат тупроққа! Тирик одам ҳеч қачон тўплаган бойлигига қаноат қилиб турмайди. Қалай, бундан ортиғи эзмалик бўлар?

— Ҳа, энди сизни тушунаётганга ўхшайман,— жаноб Сурбасакен.

— Агар сиз Зумрад қанчалар бойликка кон эканлигини билганингизда эди!— Фувапролджнинг кўзида аланга ловиллади.— Ҳозирнинг ўзигача Туанкага жўнатган хом ашёларим ҳар қандай сайёрани энергия билан таъминлай олишига, агар менга қарши турса, кулини совришига етади.

Туронбек қаршисидаги одамнинг нақадар разиллигини энди билаетгандай унга бақрайиб қолди.

— Сизларнинг орага суқилишингиз,— пинагини бузмай давом этди Фувапролдж,— режаларимни бир оз кетга сурди. Лекин эндиликда, Ердан келганларни йўқ қилиб юборганим учун ҳеч қандай ташвишсиз мақсадларимни амалга оширавераман, Зумраднинг битмас бойликлари Туанакага оқаверади... Мени яна бир нарса ташвишлантиряпти — бу Ердан сизларни қидириб келиши мумкин бўлган экспедициялар. Жаноб Туронбек шу дили ғашликни йўқотишга ёрдам берсалар, биз ҳам қарздор бўлиб қолмас эдик.



Туронбек бепарво оҳангда бош қимирлатди. Фувапролдж бундан илҳомланиб, мурувват, эҳсонларни ёғдира бошлади:

— Сиз бизнинг илтимосларимизни ерда қолдирмаганингиздай, биз ҳам ваъдаларимиз устидан чиқишга ҳаракат қиламиз. Хоҳласангиз, умрингизни Туанакада роҳат-фароғатда ўтказасиз. Хоҳласангиз, Зумраддаги корхоналаримнинг бирига хўжайин қилиб қўяман. Ишчи кучи тўғрисида бош қотиришнинг ҳожати йўқ. Қўл билан бажариладиган оғир меҳнатларни қабила одамлари бажараверади. Зумрад эса келгусида сиз ва мен каби олий ирқлилар ватани бўлиб қолади!

— Жуда дангалчи экансиз, жаноб Сурбасакен,— деди Туронбек мийғида кулиб,— кўнглингиздагини сира яширмай очигини айтиб қўя қоляпсиз.

— Ҳа, одатим шундай. Бошини силаб, оғзидагини тортиб олмайман. Тилёғламалик қилиб, дабдабали сўзлар билан бошини айлантирмайман,— Фувапролдж завқ ва надомат билан давом этди.— Агар худо менга яна юз йил умр берса, қанчадан-қанча олий мақсадларимни амалга оширган бўлардим. Минг-минг афсуслар бўлсинки, умр жуда-жуда қисқа.

— Бундай умрнинг қисқалигига шукр қилса бўлади.

— Аскияга ўктамроқ кўринасизми, Туронбек?

— Бор гапни айтяпман-да.

— Чамамда пачакилашиб кетаётганга ўхшаймиз. Асосий мақсадга ўтайлик, радиограмма кутяпти.

— Мен тайёрман, дедим-ку.

— О ,сизни табриклайман! Мана бу ақли бор одамнинг гапи! Марҳамат, аппаратлар олдига ўтинг,— Фувапролдж Эяга юзланди.— Тихимеяни чақиринг, бу ерни йиғиштириб олсин.

Туронбекнинг оёғидаги кишан эркин юришга қўймасди, Сурбасакен ёрдамчисига тантанавор оҳангда буюрди:

— Ҳозироқ олиб ташланг. Шуни унутмангки, маслакдошимиз Туронбек Қаҳҳоровга кўрсатиладиган ҳурмат бундан буён Сурбасакенникидан кам бўлмайди!— Фувапролдж охириги гапини айтаётганда Тихимея кириб келди. Туронбек кишан қисиб қўйган оёғини силаётганда Фувапролдж ёрдамчисига бошқа тилда тайинлади:

— Тағин бу гапларни рост деб ўйламанг, жаноб Гоуд. Фақат иш битгунча кўрсатиладиган мурувват бўлади. Мана бу жоҳилга ҳам тайинлаб қўйинг.— Фувапролдж Тихимеяга ишора қилди.

— Тушунаман, жаноб Сурбасакен,— айёрона кулди Гоуд.

Туронбек уларнинг гапини тахминан тушунса ҳам, парво қилмай, аппаратлар олдидаги креслога ўтди. У фақат бир нарсани ўйларди, «Туронбек Қаҳҳоровга кўрсатиладиган ҳурмат Сурбасакенникидан кам бўлмайди», деган гапни Тихимея эшитганмикин йўқми? Чунки бу унинг тузиб қўйган режалари учун жуда муҳим эди.

— Бизнинг техникамиз сизга қийинлик қилмаса керак,— Гоуд бир бошдан таништириб чиқди.— Энди бошлайверсангиз бўлади.

Туронбек юрагининг гупиллаб уриб кетаётганини босиш учун бир оз тин олди. Кейин бошлади:

— «Яхши умид» учувчиси Туронбек Қаҳҳоров хабар қилади!..— «Яхши умид» учувчиси Туронбек Қаҳҳоров хабар қилади...

Унинг кўзи радиограмма текстида, аммо бутун бўлган воқеаларни узатмоққа бошлаганди. Шу пайт тўсатдан сирена овози турди. Бу овоз шунчалик кучли эдики, у ҳаммаёқни ларзага солди. Бу энг хавфли вазиятда чалинадиган сирена эди. Аввал Гоуд, унинг кетидан Эя, бир оздан кейин эса, сирена тинавермагач, жони ҳалқумига тиқилган Фувапролдж ташқарига отилди.

Туронбек шартта ўрнидан туриб, Тихемеянинг хонасига югурди. Лекин эшикка етар-етмас унинг ўзи кириб келиб қолди.

— Улар қаёққа кетишди?— сўради Туронбек.

— Атаульпа конга хужум қилиб, назоратчиларни қириб ташлабди. Шунини тутиш мақсадида бўлсалар керак.

— Тихемея,— деди Туронбек мингапумо тилида,— менга яхшилаб қулоқ сол. Сен ҳозир Атаульпанинг болаларини олиб мен билан қочасан!

Тихемея Туронбекнинг бирдан унга яқин тилда гапираётганидан меҳри товланиб, кўзига ёш қалққан бўлса ҳам қочиш сўзидан қўрқиб кетган эди:

— Қаёққа?

— Қаёққа бўларди, манайлар юртига-да. У ерда бизнинг одамлар бор.

— Йўқ,— ғамгин бош чайқаб пичирлади чўри қиз,— бу тош уйнинг ҳеч қаеридан чиқиб кетиб бўлмайди. Хўжайин осмонга чиқсанг — оёғингдан, ерга кирсанг — қулоғингдан тортади.

— У ёғидан хотиржам бўл. Сенга айтганман-ку, бизнинг одамлар туанакаликлардан кучли, деб. Тез бўл, у ердан эса сен хоҳласанг ўз қабиладошларинг ёнига кетасан. Бундай қулай пайт умрингда иккинчи марта келмайди.

— Йўқ,— деди Тихемея қўрққанидан титроқ босиб,— қочиб кетолмаймиз. Кейин хўжайин ҳаммамизни тутиб олиб ўлдиради.

— Тентак!— бақирди Туронбек.— Ҳали эшитдингми, Сурбасакен нима деди? Менга кўрсатиладиган ҳурмат унинг ўзиникидан кам бўлмаслиги керак!

Тихемея жавдираб, нима қилишини билмай қолди.

— Тез бўл, Тихемея!— Туронбек яна бақирдишга мажбур бўлди. Бечора чўри қиз беихтиёр унга бўйсунди. У ўз хонасига кириб, Атаульпанинг болаларини етаклаб чиқди.

Туронбек зудлик билан болаларнинг каттароғини қўлтиғига олди, иккинчисини Тихемеяга тутқазиб, уни етаклаганича денгизга чиқадиган йўлакдан оёғини ерга теккизмай олиб кетди.

## 20

Тўполон босилавермагач, доимий таҳликада юрувчи Фувапролдж юраги ҳовлиқиб, Туронбек якка қолаётганига ҳам қарамай ташқарига чопган эди.

Конда ишлаётганларга қўйилган бош назоратчи аъзойи бадани моматалоқ бўлиб, деворга суяниб турарди. Унинг ёнида ёлланган маҳаллийлар уч-тўрт киши тақдир қандай боқишини билмай жавдираб турардилар. Гоуд, Дьюстелл, Кекидо ҳам шу ерда бўлиб, худди айб ўзларида бўлгандек хўжайинга тик қаролмасдилар.

— Хўш, қандай жасорат кўрсатганингни билмоқчиман,— Фувапролдж титраб назоратчига яқинлашди.— Турқинга қараганда яхшироқ ийланган кўринасан?

— Мен кон и-ичида эдим,— дудуқланиб гап бошлади назоратчи,— Б-бирдан қичқириқни эшитиб кон оғзига югурдим. Устимга ташланган ваҳшийлар билан олишиб кетдим. Улар кўпчилик эди, мени жарликка улоқтириб юборишди.

— Бошқа назоратчилар-чи?

— У-уларни камондан йиқитиб, найзада тилиб ташлашган экан.

— Мана бу лаънатилар қаерда эди?— хўжайин ёлланган маҳаллийларга ишора қилди.

— Кимдир: «Атаульпа-а!»— деб бақиргандаёқ тум тарақай қочиб кетишган.

— Лапашанглар, сен бузуқиларнинг дардинг нимада бўлганини яхши биламан. Ҳар биттанга ўзим тайинлаганман-а, эҳтиёт бўл, ҳужум хавфи бор деб!..— Фувапролдж Гоудга ўгирилди.

— Бор одамни қўйганман,— шошиб ўзини оқлашга киришди ёрдамчиси.— Учувчи фазовий кемани кўздан кечираётган эди. Дьюстелл билан Кекидога эртага разведкага чиққунларича иш тайинламаслигимни буюргансиз.

— Ҳм-м,— Фувапролдж бир эмас, икки хатога йўл қўйганлигини ҳозиргина пайқади. У Туронбек билан суҳбатлашаётганда объективизордан кон ва бошқа шубҳали жойларни кузатиб турган Гоудни олди-га чақириб олган эди. Қолаверса, Атаульпанинг шижоатини ҳисобга олмаганди. Бунчалик тез ҳужумга ўтишини хаёлига келтирмаган эди. У зарда билан тупуриб, назоратчига ўқрайди:

— Атаульпа қайси томонга қочди?

— Емондарага тирмашаётганларини кўриб қолдим.

— Сиз,— Гоудга қўлини силтаб буюрди Фувапролдж,— дарҳол кема учувчисини олиб, вертолётда қочоқларнинг орқасидан қувинг. Дьюстелл, сиз Кекидо билан вертолётда Емондаранинг нариги томонига қўниб, йўлини тўсинг. Қандай қилиб бўлса ҳам Атаульпани тирик тутасизлар! Тушундингларми, тирик тутасизлар!

Шишадай ярқираган вертолётлар ҳавога кўтарилиб, Емондара томон учиб кетди. Фувапролдж уларнинг орқасидан бир оз қараб туриб Туронбек ёнига қайтди.

Алоқа хонасида ҳеч ким йўқ, қисқа-қисқа радиосигналлар эшитилиб турарди. Сигнал бугун-эрта Туанакадан келадиган эскадрилья ҳақидаги хабар эканлигига гумон қилмаганидан ичи ёришиб кетди, аммо уни ҳам эшитиб ўтирмай, магнитофонга улаб, яна йўлакка чиқди. Туронбекни хуфиёна иш қилаётган гумон қилиб, айб устида қўлга туширмоқчи бўлди. Оёқ учида Тихимея ётоғи олди-га келиб эшикни бирдан очди-ю, оғзи очилганича қолди. Қидирган одамлари йўқ, бунинг устига, Атаульпанинг болалари ҳам кўринмасди. Югуриб ҳамма хона ва йўлакларни айланиб чиқди. Лекин ҳеч кимни тополмади.

Фувапролдж ўйланиб қолди. Туронбекнинг қочгани аниқ, лекин қайси йўлдан? Унинг эсига бир нарса келиб, шошиб ичкарига кирди. Экранда денгизга чиқадиган йўлни кузатаркан, гумони ҳақиқат бўлиб чиқди. Сув оладиган хона атрофидаги эшиклар очиқ қолган, мезоскаф эса кўринмасди.

Фувапролдж экранни денгизга тўғрилаб ярим соатча қидиргандан кейин мезоскафни топди. Тихимея Атаульпанинг болаларини бағрига босиб ўтирар, Туронбек эса тинмай радиоалоқа ўрнатишга тиришарди.

— Жаноб Туронбек, мен сизни одобсизлик қилмасиз, деб ўйлагандим. У ёқларда нима қилиб юрибсиз?— сўради ўзини осойишта кўрсатишга уриниб.

Туронбек экранга бир қараб қўйди аммо эътибор бермади.

— Агар томоша қилиш ниятингиз бўлса, орқангизга қайтинг. Антика сув ости жойларига ўзим олиб бораман.

— Ҳозир қайтаман, «Яхши умид», «Яхши умид», мен Туронбекман. Эшитяпсизми? «Яхши умид», «Яхши умид», мен Туронбекман. Эшитяпсизми?»

— Жаноб Туронбек, бекорга овора бўляпсиз. Орқангиздан вертолёт юборишимга тўғри келади. Дарҳол қайтинг, мени тушунапсизми?

— Бир уриниб кўрай-чи.

Фувапролдж зўраки қиҳқиҳлади:

— Еш болага ўхшайсиз-а, ўзингизни қийнаб нима қиларкинсиз?!

Туронбекнинг бутун диққати ҳамон радиода эди. Фувапролдж ўзини тутиб туrolмай овозини баландлатди:

— Нега қайсарлик қиялпсиз, Қаҳҳоров? Мен сиз билан ҳазиллашаётганим йўқ!

Шу пайт, радиодан Виталий Альфредовичнинг овози эшитилди:

— Туронбек, азизим, ростдан сизмисиз?

— Виталий Альфредович, отахоним, менман. Бизни тезроқ қутқаринг!— ҳаяжондан қичқириб юборди Туронбек ва экранга қаради.— Мен ҳам ҳазиллашаётганим йўқ, жаноб Сурбасакен, кўрдингизми?

— Ҳа-ҳа! Қочиб қутуламан денг!

— Албатта, шундай қилишдан бошқа иложим қолмади. Бугун эса қулай пайт келиб қолганга ўхшайди.

— Билиб қўйинг, еттигача санайман. Шунда ҳам орқангизга қайтмасангиз, мендан яхшилик кўрмайсиз!

Экранда ракета-снарядларнинг сафи кўринди.

— Бир... Икки...

— Виталий Альфредович, тезроқ бизларни топинг. Ҳозир бизга ракеталар отилади!— Туронбек бақирди.

— Биз деганингиз ким, кимларни отади? Яна ким билан гаплашяпсиз?

— Кейин, Виталий Альфредович, кейин тушунтираман, тезроқ ҳимоя доирасига олинг.

— Уч... Тўрт...

— Ҳозир, Туронбек. Топдим, топдим овозингиз қаердан чиқаётганини. Ун саккиздан кейин сизга ҳеч ким пишт деёлмайди.

— Жаноб Сурбасакен,— Эянинг чийилдоқ овози эшитилди,— тез бўлинг! Зум ўтмай улар кўринадиган радиоусдан чиқиб кетишади.

— Биладан!— Фувапролдж қочоқларни тирик қўлга туширмоқчи эди, узокроқни мўлжалга олиб, санашни ниҳоясига етказди.— Етти!

Оламни ваҳимага тўлдирган ракета-снарядларнинг чинқириғи кетма-кет уланиб, мезоскаф атрофидаги сувларни осмонга шопира бошлади.

Мезоскаф иллюминатори тешилиб, тизиллаб сув кира бошлади. Тихимея стол устига ирғиб чиқиб, кафти билан отилиб кираётган сувни тўсиб қолмоқчи бўлди. Лекин сув босими ундан кучли бўлгани учун уст-бошини шалаббо қилиб, отилиб турарди. Туронбек бирор чора кўргунча бўлмай, автомат ишга тушиб мезоскафни сув юзасига чиқариб қўйди. Туронбек асбоблар қутисини ахтараётиб қутқарувчи чамбарак, резина қайиқларни топиб олди.

Экрандан Фувапролдж таҳдидли оҳангда буюрди:

— Ҳозироқ қайтинг! Қаршиликни тўхтатинг!

— Бунисини ҳам яхши ўйлашган,— деди Туронбек,— Тихимеяга маъқуллагандай бош силтаб.— Ҳозир жаноб Сурбасакен, ҳозир. Ахир чўкмайдиган бўлиб олайлик.

Чамбарак, қайиқ ўз-ўзидан дамланди, эшаклар ҳам қайиқ ўртасига боғланган ҳолда сузишга тайёр турарди. Туронбек ҳаммаларига қутқариш чамбарагини қўлтиғидан ўтказиб, аквалангларгача тортиб боғлаб қўйди. Фувапролдж унинг таъзирини емаганини тушунди.

— Энди ўзларингиздан кўринглар. Алвидо, жаноб Туронбек,— у қаҳ-қаҳ отиб, торпедо-ракеталарни тўғри мезоскафга йўналтирди. Лекин экранни кузатиб ўтирар экан, ҳеч қандай портлаш рўй бермаганини кўриб, алангаси чиқиб кетди. Қочоқларни узлуксиз ўққа тутаркан, нима бўлаётганига ақли етмасди. Энди снарядлар портламас, қаерга кетгани кўринмай зим-зиё кетаверарди.

— Тушуна олмаяпман,— Фувапролдж тинкаси қуриб, ёнида сўрайиб турган Эяга ҳорғин назар ташлади.— Азбаройи худо, тушунол-

маяпман. Наҳотки ишонган одамларимдан бирортаси снарядларни ишдан чиқариб қўйган бўлса?!

— Бўлмаган гап, жаноб Сурбасакен,— тасалли берди Эя.— Одамларингизнинг ҳаммаси сизга содиқ. Лекин улар ерликларнинг ҳимоя доирасига киргандир.

Фувапролдж нима қиларини билмай гаранг туриб қолди. Кейин ўзининг таҳликада эканлигини яшириш учун Эяга тўнғиллади:

— Боя Туанакадан сигнал келаётганди. Янги эскадрилья жўнатишган бўлса керак. Магнитофонга улаб қўйган эдим. Ушани олиб келинг.

Эя чиқиб кетиб, бир оздан кейин кафтдек магнитофонни олиб келди. Фувапролдж лентани қайта айлантириб, эшитди-да, дик этиб ўрnidан туриб кетди.

— Аблахлар,— деди у осмонга мушт ўқталиб. Кейин Эяга бақирди,— Гоудни чақиринг! Тезде етиб келсин.

— Операцияга юборган эдингиз-ку, уни. Дьюстелл бошқарсинми?— сўради Эя.

— Э, операцияга бало борми? Тезроқ чақиринг! Дьюстеллга топширсину тезроқ қайтсин!

## 21

Элдор ярадор бўлгани учун жанговар отрядга Мирослав бошлиқ этиб тайинланганди. Элдор келтирган маълумотга қараганда, туанакалик назоратчилар одамларни конга олиб тушиб ишга солиб қўйганларидан кейин соя-салқин жойда ичкилик қилишар ва ёлланган маҳаллийлардан бир-иккитасига ичириб эрмак қилиб ўтиришар экан. Туанакаликларга ҳужум худди ана шу ердан бошланиши керак бўлиб, режа қуйидагича эди: назоратчиларни асир қилиб, улардаң ҳамма маълумотлар олинади. Улардан бирини эса, гўё ҳаммани асирлардек Янги Туанакага олиб боришга мажбур қилинади. Кириб олишгандан кейин... нуротар тўппончалар ўлдиролмайдиган даражада бирдан ишга тушади.

Бу иш асосан Мирослав бошлиқ — Қанзар ва яна олтита манай йигитларнинг зиммасида эди. Лекин Янги Туанакага киргунча, тузалса, Элдор ва қўли бўшаса, Денис ҳам қўшилиши керак эди.

Отряднинг йўлга чиққанига бир ҳафтадан ошганди. Илгаригидек радиоалоқа қилинмас, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иложи борича кўринмай олға юриларди.

Конларга етиш учун бир кунлик йўл қолганди. Кун тиккага келган, ҳаво дим. Дам олган разведкачилар хурракни авжига чиқаришарди. Навбатчиликда турган Мирослав дурбинда атрофни кузата туриб икки юз метрча наридаги бутанинг шохи сирли равишда ликиллаётганини кўрди. Аста келиб Қанзарни уйғотди.

— Ҳа, тинчликми?

— Яқингинамизда одамми, ҳайвонми борга ўхшайди.

Қанзар аланглаб атрофни кузатгач, бирдан бошини елкасига қисиб ўтириб олди:

— Ана,— деди қўлини узатиб,— ҳу ана, одам экан.

— Қаерда? Мен кўрмаяпман-ку.

— Унг томонимиздаги буталар орасини яхшилаб қаранг, майда шохчалар силкиниб турибди. Мен бир кишини олиб унга бошқа томондан яқинлашаман. Якка бўлса йиқитамизу судраб келамиз. Сиз шу жойда туринг.

Қанзар шерикларини оҳиста туртиб уйғотди. Улар икки томондан

номаълум одамга яқинлаша бошладилар. Шу орада силкиниб турган шохчалар йўқолиб қолди. Мирослав сабри чидамай, ялангликлардан югуриб иккинчи бутазор орқасига ўтаётганда шундай боши узра ғувиллаб ўтган камон ўқи бориб дарахт танасига санчилди. Мирослав беихтиёр ўқ келган томонга ўгирилди. Бошига шохчалар боғлаб олган алаким уни яна камондан нишонга олмоқда эди. Мирослав ўзини панага олди. Иккинчи ўқи ҳам хато кетган нотаниш одам ўзини Мирославнинг устига отди. Анчайин олишувдан кейин Мирослав рақибини юзтубан ётқизиб, қўлини орқасига қайирганича устига миниб олди. Тагида ётган одам куч тўплаб қутулишга уринар, иложини қила олмагач, тинкаси қуриб жим қоларди. Охири қутулишга ақли етмагандан кейин: «Тел-па-сан!»— деб шеригини чақирди. Ен томондан қадам овози эшитилди. Мирослав нуротарни тўғрилаб, ўша томонга ўгирилган эди. Канзар йигитлари кимнидир боғлаб олиб келаётганини кўриб тинчланди. Қўли боғлиқ одам Телпасан эди. У Мирославга ғажиб ташлагудек ўқрайди-да, Канзардан сўради:

— Бу ким?

— Қуёшдан тушган одамлардан,— кулимсираб жавоб берди Канзар.

— Мен,— деди Телпасан тутақиб, боғлиқ қўлларини ечиш тарадудидида тўлганар экан,— сен манайларнинг ёвузликларингни яхши биламан. Агар бунинг қуёшдан келгани рост бўлса, сен ғаламислар йўлдан оздиргансанлар. Қара, тагига босиб олганини!

— Оғзингга қараб гапир,— деди Канзар қошларини чимириб,— у ўзини ҳимоя қилган, холос.

— Сен ростдан Қуёшдан тушган одамларданмисан?— сўради Телпасан Мирославдан.

— Ҳа, — деди Мирослав.

— Туронбекни биласанми?

— Туронбек?!— Мирослав қандай қилиб асирини қўйиб юбориб Телпасан олдига етиб борганини билмай қолди.— Туронбек дейсанми? Қаерда у? Тирикми?

Телпасан ерга қаради.

— Уни туанакаликлар олиб кетишган.

Мирослав умиди пучга чиққанидан бўшашиб, мингапумога тикилди:

— Туанакаликларга уни ким тутиб берди?— у умрида биринчи марта кўраётган Телпасанни дўст ё душманлигини билмоқчи эди.— Балки сенинг одамларингдир?

— Уйлаб гапир! Инимдан ортиқ одамни душманимга тутиб берманми?— Телпасаннинг кўзида ёш қалқиди.

— Агар сен Туронбекнинг ҳақиқий дўсти бўлсанг, кўз ёшинг билан эмас, кучинг билан уни озод қилишга ёрдам берасан.— Мирослав унинг елкасига уриб қўйди. Телпасан ғурур билан тикланди.

— Ўзларинг бу томонда нима қилиб юрибсизлар?— сўради Канзар.

Телпасан қирпичоқ бўлиб келган манайларга сирини эмас, тўғриликча гапни айтишга ҳам тоқати йўқ эди. Лекин қуёшдан тушган одамнинг улар билан биргалигидан истар-истамас жавоб берди:

— Қондаги мингапумоларни озод қилишимиз керак.

— Ҳамманглар шуми, ё сизлардан бошқалар ҳам борми?

— Бу ерда икковимиз. Сенга нима ғами тушиб қолди?

Канзар масхара қилгандай кулиб юборди:

— Тагин ўқ-ёй, найзанг билан алвастиларни келган жойигача қувиб юрмагин!

Телпасаннинг жаҳли чиқиб кетди:

— Сен мақтанчоқ манай, бурнингни кўп кўтарма,— деди босиқ оҳангда.— Мард бўлиб майдонга чиққанлар қўлида нима бор, неча киши эканлигига қараб турмайди! Билмоқчи бўлсанг, сенлардан қирқ баробар, эллик баробар кўпмиз. Сенлар алахситмаганларингда бу чоққача шерикларимизга етиб олган бўлардик. Тўрт кундан бери сенлардан кўнгил тинчиб ажралиб кетолмаяпмиз. Чунки сен манайсан, мен мингапумоман!

— Беҳуда ҳадиксираяпсан, Телпасан,— Мирослав унинг елкасига қўл ташлади.— Биз ҳам конга кетяпмиз. Туанакаликларни бебошликдан тийиш, Туронбекни озод этиш учун! Ишонасанми?

— Мен қуёшдан тушган одамларнинг гапига шубҳа қилмайман.

— Яхши,— унинг имоси билан манайлар Телпасаннинг қўли боғланган арқонни ечиб ташладилар...— Энди қўлингни бер,— икки қўллаб мингапумонинг қўлини сиқаркан давом этди Мирослав,— ҳозирдан бошлаб орамизда сен — манай, мен — мингапумо деган гап йўқ! Ҳаммамиз бир-биримизга туғишган оға-инилармиз.

Телпасаннинг кўзида ёш қалқиди.

Энди отряднинг режаси бир оз ўзгарганди. Атаульпа ва унинг одамларини қўшиб олиш керак эди. Телпасан билан Атаульпа кондан берироқдаги катта ғор олдида учрашишмоқчи бўлишган экан. Манзилга етиб келишганда Телпасан индамай ғор томон чиқиб кетди. У кетиши билан осмонда вертолёт пайдо бўлиб, улар устида у ёқ-бу ёққа уча бошлади. Ҳамма яшириниб олди. Вертолётдагилар шубҳали нарса топишолмади шекилли, секин Ёмондара томон узоқлашишди.

Телпасан ваҳима билан тушиб келди:

— Чамамда бир ишқал бўлганга ўхшайди,— деди у таҳликали кўзларини ғордан узмай.— Лаънати Никоранинг кўзини шамғалат қилишга вақт кетгазиб, сал кечиккандик белгиланган муддатдан. Чамамда, Атаульпа мени кутиб турмай белгиланган муддатда ўзи ҳужум қилганга ўхшайди. Бўлмаса, туанакалик алвастилар бу томонда беорга изғишмасди.

Режа бузилган эди. Мирослав ўйланиб қолди.

— Сенингча, энди нима қилсак бўлади?— сўради у Телпасандан пешонаси тиришиб.— Тўғри конга бораверайликми ёки Ёмондарага ўтамизми?

— Ёмондарага бораверамиз,— чўрт кесди Телпасан.— Атаульпа ғолиб бўлса ҳам, енгилган бўлса ҳам ўша ёққа чекинган.

Отряд қоронғи тушганда Ёмондара орқасига қўнган вертолётга яқин бориб тўхтади. Хабар олгани кетган Телпасан анча ҳаяллаб алламаҳалда қайтиб келди. У вертолётда одам йўқлигини, икки киши эса, афтидан, вертолёт ичидагилар, Ёмондаранинг энг қулай йўлини эгаллаш учун тирмашиб чиқаётганини айтди. Мирослав Қанзар бошчилигида отрядни вертолётни эгаллашга юборди. Ўзи эса Телпасан билан юқори кетган икки туанакаликларнинг изидан тушди.

Улар эҳтиётлик билан тепага чиқиб бориб бир харсанг панасига ўтириб, тин олдилар. Мирослав гира-шира тонг огушидаги Ёмондарани кузатар экан, Телпасан жим, дегандек қўлини ушлади. Тепаликдаги сайҳонликка бир одам тирмашиб чиқа бошлади. У гавдасини энди тиклайман деганда, тўсатдан мункиб кетиб, жарликка юмалади. Уни нуротардан йиқитишгани аниқ эди. Бир оз туриб, жарликдан яна бир одам пайпасланиб тирмашиб чиқди-да, у ҳам энди тикланаман, деганда яна йиқилди. Мирослав билан Телпасан чиқаётган одамларнинг ён тарафида турганлари учун бу мудҳиш воқеани аниқ кўриб турардилар. Лекин отаётганларни кўриб бўлмаганидан улар на ёрдам бера олар ва на огоҳлантира олардилар. Чунки сал ножўя ҳаракат қилсалар, ўзлари нишонга айланишлари мумкин эди.

Жарликдан яна бир одам чиқа бошлади. Тонг анчайин оқариб қолганлигидан унинг ниҳоятда бақувват, қорувли одам эканлигини кўришди. Телпасан яна Мирославнинг қўлини ушлаб, секин шивирлади: «Атаульпа».

Атаульпа шерикларига қараганда анча эҳтиёткорлик қилди.

У тепаликка бир сакраб чиқди-да, беш-олти думалаб, кичикроқ бир харсангтошга етиб олди. Шу ётганча у ўн минутча қимирламади. Мирослав билан Телпасан ҳам қимир этишмасди. Ниҳоят, Атаульпа аста-секинлик билан эмаклаб, Мирослав ва Телпасан турган қоя томон кела бошлади. Ораларидаги масофа эллик метрча қолганда Атаульпа сакраб туриб югурмоқчи бўлди-ю, мункиб кетиб йиқилди. Мирослав Телпасанни ушлаб қолмаганда у ҳам ирғиб ёрдамга отилаёзди. «Кутиш керак», буюрди Мирослав шивирлаб.

Бир оз туриб Атаульпага қандайдир одам эҳтиёткорлик билан яқинлаша бошлади. Қўлида нуротар тўппонча бўлган бу одам тўхтаб-тўхтаб Атаульпанинг олдига етиб келди-да, энгашиб кўриб, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Жаноб Душтил, чиқаверинг. Айёр боаб қўлга тушди!

Бу Кекидо эди. У зудлик билан ёнидан арқон чиқариб Атаульпани боғлай бошлади. Унинг олдига Дьюстелл ҳам етиб келди.

— Лаънати вертолётимизнинг пастга қўнганини билмай қолган. Бўлмаса инидан чиқмай ётаверарди,— деди қаҳ-қаҳ уриб Кекидо.

— Хўжайиннинг мукофотига кўмилиб қолдинг, исқирт манай,— жавоб берди Дьюстелл.

Шу пайт Телпасан чидаб туролмади. Шарт сакраб туриб бақирганча Кекидо томон югурди. Мирослав ҳам чиқишга мажбур бўлиб, нуротардан Дьюстеллни йиқитди. Саросимада қолган Кекидо шеригининг йиқилганини, Телпасаннинг ва Мирославнинг югуриб келаётганини кўриб, ўзини қия жарликка ташлаб, қочиб қолди. Мирослав билан Телпасан сайхонлик четига келиб, ўрмонзор жарликни узоқ кузатишди. Тиқ этган шарпа эшитилмасди.

— Нима қилдинг ўзи, ахир қўлингда тўппонча бор-ку,— жаҳл билан деди Мирослав.

— Мени кечиринг,— бошини эгди Телпасан.— Ғазабим қайнаб эсимга ҳам келмабди бунингиз. Бўғиб ўлдирмоқчи эдим сотқинни.

...Отряд қоқ пешингача қора терга тушиб икки юз нафарча келадиган кон ишчиларини текис жойга олиб ўтиб, қатор ётқизиб қўйишди. Атаульпани бўшатиб, у боғланган арқон билан Дьюстеллни боғлашди. Қочоқлар ўзига кела бошлашди. Кўпчилиги қимирлашга мажоли йўқ ётар, тетиклари ҳам кўзлари киртайиб бошларини аранг кўтариб ўтирардилар. Ҳаммадан кейин ҳушига келган Атаульпа юзини эзгилай-эзгилай, бошини кўтарди. Дьюстеллга сув ичираётган Мирославга кўзи тушиб қолиб, ўрнидан даст туриб келди ва элтанг-телтанг қадам босиб уларга ташланмоқчи бўлди. Яхшиям Телпасан унинг олдини тўсиб чиқди:

— Эсингни едингмий Атаульпа? Бу қуёшдан тушган одамлардан!

— Нега мингапумоларнинг жаллодига меҳрибонлик қиляпти?— у яна Мирославга ташланмоқчи бўлди.

— Ўзингни бос,— бақирди Телпасан уни маҳкам қучиб.— Агар шу бўлмаганда сен аллақачон алвастиларнинг маконида боғлиқ ётган бўлардинг!

Атаульпа атрофига қаради. Манайлар билан мингапумоларнинг ҳамжиҳатликда ўтиришини кўриб, тушми ё ўнгми эканлигини ажратолмай қолди. Лекин шу пайт Дьюстеллга кўзи тушиши билан яна газабдан қалтираб кетди. Юзидан қаҳр ёғилиб, кўзлари чақчайди.



Олдида турган одамларни ёриб жаҳл билан қадам ташлади ва худди чайнаб ташлайдигандай тишларини қисирлатиб, туанакаликка ёпишди.

Кўкрагидан чангаллаб, бир силташ билан бошидан юқори кўтарди-да, наъра тортганича қоя четига чопиб, Ёмондарага улоқтириб юборди. Қулоқни битиргудай чинқириқ, думаланган тошлар гулдуросига қўшилиб ҳаммаёқни босиб кетди. Бу ишнинг бир зумда бўлганидан Мирослав ҳеч нарса қилолмай қолди.

Орага жимлик чўкди:

— Телпасан,— чақирди Мирослав,— унга айтиб қўй! Токи операция тугагунча бундай ўзбошимчалик бўлмасин,— кейин эса қолганларга мурожаат қилди:— Ҳозир зудлик билан жойимизни алмаштиришимиз керак. Кекидо хабар бериб қолса туанакаликлар ўт ёғдиради.

Ҳамма йўлга тушди. Ярадорлар бир ёққа, Мирославнинг отряди эса Янги Туанакага йўл олди. Фақат Атаульпа отрядга қўшиб олинди.

## 22

Гоуд билан учувчи Янги Туанакага етиб келганда кеч кириб қолган эди. Тутунга тўлган хонада Фувапролдж столга энгашиганича бошини чангаллаб ўтирар, Эя эса карахт ҳолда тикка қотиб қолганди. Гоуд хонадаги тартибсизликдан ҳуши учиб, эшик олдида туриб қолди. Бир оздан кейин хўжайин бошини кўтарди ва Туанакадан келган телеграммани Гоудга сурди:

— Уқинг!

«Жаноб Фувапролдж Сурбасакен!— хитоб билан бошланганди радиограмма.— Илтимосингизга биноан ҳарбий ва техникавий эскарля парвоз қилишга тайёрланган эди. Лекин сизнинг у ердаги олиб бораётган ишларингиз ҳақидаги нохуш хабарлар оммага тарқалиб, ялли норозилик ва қаршиликларга дуч келди. Эндиликда ҳеч қандай илож қўлимиздан келмаслигини билдириб...»

— Бас! Қолганини тушуниб олгандирсиз?— Фувапролдж Гоуднинг қўлидан радиограммани юлқиб олиб, майда-чуйда қилиб йиртаркан, бақйришга бошлади:— Бу омма-помманинг иши эмас, дўстларим бўлмиш Олтиликнинг уюштиргани! Лаънатилар! Сенлар ҳали қараб тургин! Ҳаммангни, ҳа ҳаммангни тупроққа қориштирганим бўлсин! Мен энди...

Фувапролдж хонани қуюндай кезиб, охири ўзини креслога ташлади.

— Қайтишимиз керак, Гоуд, қайтишимиз! Ҳа-ҳа-ҳа! Шундай бўла қолсин! Шундан бошқа тўғри йўл йўқ! Мен аввал ҳаммасининг кўзини мошдай очиб қўяман! Кейин... Кейин мухтасар қилиб, қайта бошдан иш бошлайман!

Фувапролдж муштини пешонасига тираб жим бўлиб қолди. Аллавақтдан кейин бошини кўтариб ёрдамчисига ишшайди:

— Утираверасизми, жаноб Гоуд Голес?

— Нима демоқчи эканлигингизни била олмаяпман, жаноб Сурбасакен.

— Ҳа, яна такрорлашим керакми? Майли, учувчига тайинланг, кемани ҳозирласин. Ўзингиз бор одамни олиб, Туанакага олиб кетилдиган юкларни жойдайсиз,— «бор одам» фақат ўзлари эканлиги эсига тушди.— Сиз — Эя икковингиз! Айтмоқчи, назоратчининг аҳволи қандай?— Эяга ўғирилди хўжайин.— Ишга ярагудай ҳоли борми?

— Ҳали кўзларини очмаяпти, одам бўлмаса керак.

— Лаънати!.. Турдик, жаноблар, вақтимиз зиқ.

Фувапролдж ўзи олдинга тушиб, омборхонадан нималар олинишни бирма-бир кўрсатиб чиқди. Булар асосан қимматбаҳо тошлар эди. У омборхонадан чиққанда дераза томондан аллакимнинг қичқирган овозини эшитди. Фувапролдж овозини таниб, дарвозага югурди. Дарвоза қаноти очилиши билан ичкарига ўқдай отилиб кирган Кекидо унинг оёғига йиқилди:

— Хўжайин, хўжайин... Атаўльпани ушлаган эдик. Уни судраб келаётганимда... жаноб Душтил...

— Майли, майли, тур ўрнингдан,— мулойим гапирди хўжайин.

Кекидо хўжайиндан бунчалик меҳрибончилиқни кутмаган эди, мулойим гапдан сўнг таъзирини ейишга ишонганидан ўзини оқлашга ури-нарди:

— Мингапумолар, манайлар, уларга қуёшдан тушганлар бошлиқ. Нуротардан йиқитишди жаноб Душтилни.

— Дьюстелл-пьюстеллинг билан басир бўл!— овозини баландлатди хўжайин.— Майли, деяпман-ку! Тур ўрнингдан, юк ташиётганларнинг олдига бориб қарашиб юбор.

Хўжайиннинг эркалатгандай елкасига қоқишидан жон кирган Кекидо ирғиб турди-да, омборхонага чошиб кетди. Фувапролдж дарвоза қанотини қулфлаб, бир-бир босиб кема олдига келиб тўхтади.

— Жаноб Сурбасакен, кемамиз кўтарадиган юк жойланиб бўлди,— ахборот берди Гоуд.

— Контейнерлардан қолмадимиз?

— Иккита қолди.

— Уни ҳам юкланг.

— Кемамиз кўтарила олмаслиги мумкин. Юк максимум миқдорга етди.

— Ваҳима қилманг. Ҳар қандай техник ҳисобда ҳам бирмунча имкониятлар қолдирилган бўлади.

— Ҳали экипаж турибди.

— Йложи бўлмаса, мени ташлаб кетаверасизлар! Тушундингизми? Айтмоқчи, ҳаммаёқ радиосигнал орқали портлайдиган қилиб миналансин! Кекидонинг гапидан хабарингиз бордир?

Гоуд хаёлчан бош ирғаб, яна омборхонага тушиб кетди. Фувапролдж соатига қараб қўйди-да, вездеходга ўтириб, комбинатга ўзи мина қўйиб келди. У қайтиб келганда Гоуд билан Кекидо маъмурий бинони ҳам миналаб бўлиб уни кутишар, беш юз метрча наридаги фазовий кема учишга шай ҳолда гувилларди. Эя эса тақинчоқларини олиш учун ичкари кириб кетганди. Фувапролдж вездеходдан тушиши билан нимадандир хавотирланиб Кекидо унга ялина бошлади:

— Хўжайин... сизлардан қолиб кетсам, на манайлар, на мингапумолар омон қўйишади. Этларимни бурда-бурда қилишади. Кўзларимни ўйиб, тилимни кесишади. Сизга садоқат билан хизмат қилдим, яна умрим борича ҳар қандай хизматингизга тайёрман...

Фувапролдж чўнтагидан энг ишончли қуроли — кафтга сиғадиган тўппончани олиб, Кекидонинг миясидан қаторасига ўқ узди. Кейин Гоудга ўгирилди.

— Энди сиз билан хайрлашадиган соатимиз келди, жаноб Гоуд,— деди мулойим оҳангда.

— Қандай? Мен билан?!

— Ҳа. Сизга ўхшаганлардан миллион баробар ортиқ турадиган юкларим турганда, афсуски!.. Яхши қолинг!

Гоуднинг лаънат ўқимоқчи бўлган оғзи очилганича қолди. Кетма-кет узилган ўқдан ер тишлади. Фувапролдж тўппонча турган қўлини чўнтагига солиб, Эяни чақира бошлади. Лекин Эя ичкаридан туриб, Фувапролджнинг қотиллигини кўрган ва даҳшатдан қотиб қол-

ганди. Ташқарига чиқса унинг бошига ҳам Гоуднинг кунни тушиши мумкинлигини, лекин бир ўзи қолиб кетса... Шу фикрлардан карахланган Эя анча турди, Фувапролджнинг уни чақирганини ҳам, бино томон юрганини ҳам, кейин нимагадир қўл силтаб, югуриб вездеходга ўтирганини ҳам, фазовий кеманинг учиб кетганини ҳам олис бир тушни хотирлаётгандек кўриб турди. Бир оздан сўнг у ғайриинсоний чинқириқ билан бинонинг ертўласига югурди. Миналарни хавфсизлантириб, бир сиқим симни қўлида ушлаганча уларга қараб турди-да, ҳушидан кетди.

Кема анча юқорилагандан кейин, Фувапролдж алоқа хонасига чиқиб Янги Туанакани топди. Кейин ҳар бирининг тўлқинини эшитиб кўриб, бир-бир сигнал бера бошлади. Аввал комбинатни, кейин омборхонани портлатди. Маъмурий бинонинг навбати келганда бетига заҳарханда югурди. Бир зумда кўз олдига Эяни келтирди-да, унга ҳам сигнал берди. Лекин аппарат портлашни қайд қилмади. У ўзига ишонмай объективизорни маъмурий бинога тўғрилади. Енидаги омборхона ва комбинатдан портлашлардан ойналари чил-чил бўлган, мўртроқ жойлари бир оз шикастланган маъмурий бино типпа-тик турарди. У яна портлаш сигналини юборди. Лекин натижа чиқмади. Жаҳли чиққанидан кетма-кет сигнал юборар экан, учувчининг таҳликали овози эшитилди:

— Жаноб Сурбасакен, тезроқ!..

Фувапролдж учувчи хонасига отилиб кирди-ю, бақрайганча қолди. Баландликни кўрсатувчи шкала миллари орқага қайтмоқда, фазовий кема тезлигини йўқотаётган эди. Фувапролджни даҳшат босиб, учувчига қаради.

— Юк оғир, — жавоб берди учувчи.

— Энергияни бор бўйича бер!

— Бердим. Ўтказгичлар қизиб кетиб, қайтага камайтириб қўйяпти. Тезлик билан юкларни ташлаш керак.

Фувапролдж яна аппаратларга қаради. Энди унга ҳаммаси ваҳимали бўлиб кўринарди. У дам бўзрайиб, дам тиржайиб учувчига яқинлаша бошлади. Учувчи хўжайиннинг авзойидан бир қисм юкларни автомат орқали ташлаб юборади-ю, фазовий кема бемалол йўлда давом этади, деб ўйлаганди. Лекин у адашди, Фувапролдж яланг кўйлақда ўтирган учувчига тикилиб туриб, бирдан катапультани ишлатиб юборди. Катапультга учувчини итқитиб юбориши билан оғзи йиртилгудай бўлиб қаҳ-қаҳ урди. Ўзи учувчининг ўрнига ўтириб, кемани бошқарар экан, унинг тамом ишдан чиқа бошлаганини тушунди. Шаҳд билан ўрнидан туриб, юкларни итқитувчи автоматлар ёнига борганда, кема у ёқ-бу ёққа шох ташлаётганини сизди. Энди бефойда эди. У ақлдан озиб, қаҳ-қаҳ уриб, автомат тугмаларини боса бошлади... Туанакага йўл олган кема ҳўштак чалгандек овоз чиқариб, Зумраднинг тоғларига қулади. Узоқлардан қаттиқ портлаш эшитилди.

## 23

Тихимея билан Атаульпанинг болаларини Яхши Умидга келтиришгандан кейин Туронбек сабри чидамади. Виталий Альфредовични жонҳолига қўймай рухсат олди-да, вездеходга ўтириб Мирослав отряди томон юрди. Сурункасига бир кеча-кундуз йўл босиб Емондарага яқинлашганда Виталий Альфредович уни Янги Туанакадаги фалокатдан огоҳ қилди. Зудлик билан янги Туанакага ўтишни, Мирославни ўша ерда кутиб, миналардан огоҳлантиришни буюрди.

Мирославнинг отряди портлаш овозларини эшитиб, бир тоғнинг

этагидаги ўрмонзорда писиб ўтиришарди. Шу пайт тўсатдан нарироқдаги ялангликдан вездеход чиқиб тўғри улар томон кела бошлади. Маҳаллийлар қочишга шайланишди. Мирослав вездеход Яхши Умиддан эканини айтиб тинчлантирди. У ёрдам келиши мумкинлигини ўйларди-ю, ammo шундай келиб тўхтаган вездеходдан Туронбек тушиб келишини ҳеч ўйламаганди.

— Туронбек!— бақириб юборди у.

— Мирослав!

Ватандошлар қучоқлашиб, болалардай ерга аганаши кетишди. Хийла вақтдан кейин туришди-ю, яна ташна нигоҳлар бир-бирига тикилганича қолди. Мирославнинг чап кўзи шиша эканлигини пайқаган Туронбек, уни яна қучмоққа бошлаганда Телпасан қўлидан тортди:

— Салом, Қуёшдан тушган одам, саломатмисан!

— Телпасан!

Икковлари қучоқлашиб кўришгач, Телпасан ёнида илжайиб турган одамга имо қилди:

— Таниб қўй, Атаульпа деганлари мана шу одам бўлади.

Атаульпа Туронбекни бағрига босиб маҳкам қисди. Кўзида битмас-туганмас меҳр алангаланаркан:

— Сенга минг-минг раҳмат, қуёш одами,— тўлқинланиб миннатдорчилик билдирди,— сенинг Телпасанга ўргатганларингни мингапумолар ҳеч қачон унутмайди.

...Отряд Янги Туанакага тонг отганда кириб келди. Улкан бинолар ям-яшил боғ-роғлардан иборат бўлган бу макон ҳозир харобазордек эди. Туронбек, гарчи огоҳлантирилган бўлса ҳам аҳволни кўриб, бунинг Янги Туанака эканлигига ишонмай қолганди. Отрядни ташқарида қолдириб, минатопар асбоблар билан Туронбек ва Мирослав қуролланиб бино қолдиқлари томон юрдилар, Мирослав омборхона харобаларини, Туронбек эса сақланиб қолган маъмурий биноларни текширмоқчи бўлди.

Миналар, албатта, ертўлаларга қўйилишини билган Туронбек ғира-шира ёруғлик сизиб турган ертўлага тушар экан, қаршисида сочлари тўзиган, кийимлари дабдала бўлган қиёфанинг пайдо бўлганидан бир сапчиб тушди. Нуротарни тўғрилаб, ўзини панага олди. Алвасти қиёфа овоз берди:

— Салом, Туронбек...

Бу Эя эди:

— Салом,— Туронбек Эяга пешвоз чиқди.— Бу ерда нима қилиб юрибсиз?

— Мени ташлаб кетишди. Улдирмоқчи бўлишди.— Эя вазмин гапирарди.

Туронбек бир зум ҳайрон бўлиб туриб қолди.

— Ўзингиз нима қилиб юрибсиз? Мени излаётган бўлсангиз керак?

— Мен миналарни зарарсизлантirmoқчиман.

— Миналар зарарсиз. Мен... Мен хизматингизга тайёрман. Менга хизмат буюрмайсизми?

— Йўқ,— деди Туронбек, кейин қўшиб қўйди.— Айтмоқчи, ўзингизни эпакага келтириб, ювиниб-тараниб тепага чиқинг!

— Тушунаман,— деди Эя маъюс жилмайиб.

Туронбек бино фойесига чиқиб, ўзини креслога ташлади. «Қизиқ, Фувапродж Эяни нега ташлаб кетди экан?»— дея ўйларди. Ун беш дақиқадан кейин Эя чиқиб келди. У энг яхши кўйлагини кийган, пардоз-андоз қилган, худди никоҳга тайёрлангандек эди. Чехраси сўниқ бўлишига қарамай илгаригидек гўзал ва мафтункор Эя эди.

— Нега қараб турибсиз? Мен тайёрман,— маъюс жилмайди у.

— Гапингизга тушунмадим.

— Қаршинғызда халоскор фаришта эмас, ашаддий душманинғиз турибди. Қанақасига ўч олмоқчи бўлсанғиз...

— Эя, нималарни валдираяпсиз?!

— Мен бир вақтлар сизнинг ўлиб кетишинғизга бефарқ қарабгина қолмай, ҳисса қўшишга тайёр эдим. Агар Фувапролдж буюрганда бунинг уддасидан чиқардим ҳам. Энди омад сизга кулиб боқди. Қийнаш билан армондан чиқасизми ёки бир лаҳзадаёқ жонимни олиб, кўнглинғизни тинчитасизми, ихтиёринғиз.

— Эя!— овозини баландлатди Туронбек.— Сизнинг кечаги Эя эмаслигинғизни биламан. Гуноҳинғиз учун мени қотиллик қилади, деб ўйламанг!— Қолаверса, сиз буйруқ билан иш қилганинғизни, Фувапролдж ишларига қарши бўлганлигинғизни ҳам биламан.

— Сизнинг юрагинғиз дов бермаса, минглаб қабила қасоскорлари бор. Улар сизга ўхшаб пайсалга солиб ўтиришмайди.— Эя ўзини ўлимга тайёрлаганлиги кўриниб турарди.

— Бекорчи гаплар билан бош оғритмай ташқари чиқайлик.

— Маҳаллийлар ёпирилишиб келиб қолишса-чи?— Эя қизариб ерга тикилди.

— Улар сиз ўйлаган ёвуз одамлар эмас. Эгилган бошга болта кўтармайдилар.

— Мени ҳимоя қиласизми?— ялтоқланиб жилмайди Эя.

— Ҳарҳолда қараб турмасман.

Ташқарига чиқиб отрядга яқинлашганларида Туронбек Эяни елкасидан қучиб олди. Буни кўриб Атаульпанинғ Эяга нисбатан ғазаби икки баробар ошиб кетди. Айниқса унинг Қуёшдан тушган, ўзи учун пирдек бўлиб қолган Туронбекнинг меҳрини оғдириб олганини кечиролмайдиғандек. Лекин... иложсиз эди. У ғазабини ичига ютиб, Эянинг олдига бир-бир босиб келди-да, ўзи чала билган туанака тилида сўради:

— Меники хотин қани? Амана?

— Улган,— ердан бош кўтармай жавоб берди у.

— Болалар?

— Болаларни мен Тихемея билан бирга олиб, Яхши Умидга олиб кетганман.

Атаульпа унинг елкасига кафтини қўйиб сиқди.

— Хотинимнинг жасадини нима қилишган экан?

— Урмонга олиб бориб кўмиб қўйилган,— жавоб берди Эя.

Атаульпа индамай Эя кўрсатган томонга юрди. Бошқалар унинг орқасидан эргашдилар. Атаульпа қабрга етиши билан ўзини унинг устига ташлади:

— Бахт қушим! Вафодорим! Мени деб сен...— у ўзини тутолмай ҳўнграб юборди. Мирослав ва Туронбек бир қучоқдан гул териб келиб қабр устига қўйишди. Телпасан ўз одатларига кўра тиз чўкиб, хийла вақт бош эгиб тургандан кейин ўрнидан оҳиста қўзғалиб, йўлбошчисининг қўлидан тортиб турғизди. Атаульпанинғ кўзидан ёш дув қуйилиб тураркан, ёнидаги халтасининг бурчагидаги ёнар тошларни сиқимлаб олди ва қабр устига сочиб юборди. Қабр устида мард аёл Амананинғ гўзал ва улугвор сиймоси нуру дурларга кўмилиб кулиб тургандай эди.

Одамлар сукутда, Атаульпа қабр устидан жилишни хаёлига келтирмасди.

— Юр,— деди Телпасан йўлбошчисига,— бечоранинғ оромда ётган жонини кўп безовта қилма. Тириклигида қийналгани ҳам етади.

Ҳаммалари хомуш, орқаларига қайтишди.

Эя керакли нарсаларни олиб чиққач, ҳаммалари вертолёт ва вездеходларда Яхши Умид томон йўл олишди.

## 24

...Манайлар қишлоғида янгича яшаш учун кураш бошланиб кетганди. Янги бинолар қад кўтараётганди. Зайдонийнинг «академия»сида машғулотлар жадал суръатда борарди. Соқоли чиққан талабалар оддий саводсизликни тугатишу жисмоний тарбия ва трактор ҳайдашга-ча шундай шахд билан киришардики, баъзан муаллимларини шошириб қўйишарди. Зайдоний, Денис Воген ва Анналарнинг қўли-қўлига тегмасди. Мирослав ва Туронбек бошлиқ одамлар Яхши Умидга етиб келгач, манайлар қишлоғида кенгаш ўтказишга қарор қилинди.

Фазогашталар, манайлар ва мингапумолар маъмурий бинонинг катта залига тўпланишди. Атаўльпа тиззасидаги болаларининг бирини қўйиб, иккинчисини ўпади, бошларини силаб эркалаб қўяди. Болаларнинг чеҳраси гулдай очилиб кетган, шодон қиқирлашиб кулишарди. Шомжун ҳаяжонда, манайлар билан мингапумоларнинг бундай апоқ-чапоқ ўтиришини хаёлига ҳам келтирмаганидан нима қилишини билмайди. Атаўльпага меҳрибончиликлар кўрсатади.

Ҳамма йиғилиб, Виталий Альфредович энди маъруза бошламоқчи бўлганди, бир варақ қоғоз тутган Раманажуна залга хурсанд кириб келди.

— Виталий Альфредович!— деди говурни босиш учун овозини баландлатиб.— Она-Еримиз биз билан алоқаси узилиб қолгандан кейин «Дельфин» космомобилида қидирув отряди жўнатган экан. Мана бу радиограмма улардан. Яна ўн икки соатдан кейин денгиз соҳилига қўнишадиган бўлди,— Раманажуна қоғозни бошлиққа узатиб, биродарлари билан кучоқлашиб кетди...

Кенгашдан кейин Туронбек ўз хонасига чиқди. Унинг назаридан Иван Сидорович, Вероника, Кодзо Охисилар ҳамон нари кетмасди. Одам бундай пайтларда беихтиёр нима биландир овунишга, мажруҳ юрагига малҳам топишга ҳаракат қилиб қолади. У электроорганда «Муножот»ни чалиб ўтирганда Эя кириб келди.

— Ажойиб машшоқ экансиз,— деди у дераза олдида дилрабо куйни тик туриб тинглаб.— Умримда бунча ҳиссиётларга тўла оҳангни эшитмаганман.

Туронбек бепарво бош силкибгина қўя қолди. Қоронғи тушиб бо-раётган эди. Урнидан туриб чироқни ёқди.

— Утиринг, Эя,

— Йўқ, мен тик туравераман. Сиздан бир гап сўрамоқчи бўлиб киргандим — Эя илтижоли қараб қўйди.

— Марҳамат.

Эя қўлидаги сўлиб қолган гулга қарагани сари баттар юраги сиқилар, гапни нимадан бошлашни билмасди.

— Кенгашда қандай гаплар бўлди, билсам бўладими?— деди ниҳоят ўзини дадил тутиб.

— Ўзингиз нимага қатнашмадингиз, таклиф этилган эдингиз-ку?

Эя индамади. Асабий ҳолда бармоқларини букиб-ёзар, ёноқлари лолақизғалдоқдай қизариб кетган эди. Туронбек гапида давом этди.

— Ердан келадиган эскадрильяларни тезлатиш тўғрисида ҳамма-нинг фикри бир бўлиб чиқди.

— Эскадрилья?— Эянинг бадани жимирлашиб кетди.— Унда нималар келтирилади?

— Нима бўларди, Ердаги хўжалик аҳамиятига эга бўлган экин уруғлари, чорва ҳайвонлари, завод-фабрика ускуналари, тракторлар келтирилади.

— Менинг тўғримда-чи, кенгаш қандай фикрга келганини айтиб беролмайсизми?— зўраки жилмайди Эя.

— Инон-ихтиёрингиз ўзингизда. Кенгаш шундай қарорга келди. Ҳа, айтмоқчи, мен Туанака билан ҳам алоқа ўрнатиб, дўстона муносабатлар олиб бориш ҳақида таклиф киритгандим. Кўпчиликка маъқул бўлди, лекин Шомжун билан Атаульпа қаршилик қилишди. Бу... кейинчалик бари бир бўлади. Хавотир олманг.

Эя ялт этиб Туронбекка қаради-ю, юзини олиб қочиб, кафтлари орасига олди. Нозик бадани силкиниб-силкиниб йиғларди. Хийла вақтдан кейин ўзини босиб бошини кўтарди:

— «Дельфин» келгач, тез орада Ерга қайтармиш, деб эшитдим, ростми?— сўради нимадандир ҳадик олгандай.

— Ҳа, қайтади. Бизларни олиб кетади.

— Бизлар деб кимларни айтяпсиз?

— Тиббий комиссия Виталий Альфредович, Мирослав ва менинг соғлиғимни қониқарсиз топди.

— Қолишни илтимос қилиб кўрмадингларми? Саломатлигингиз ёмон эмас-ку, унча-мунча касалингизни шу ерда тузатса ҳам бўлар,— Эя ўзи даволай олишига шама қилди.

Туронбекнинг кўзи Душтилниг нуротардан берган зарбасидан кейин хиралашиб, узоқни кўролмай бораётган эди. Лекин шу топда офиз очгиси келмади.


— Кенгаш қарор қилгандан кейин гап қўшишга ўрин қолмайди.

— Кейин қайтиб келасизми?— сўради Эя.

— Албатта келишга ҳаракат қиламан. Ҳамроҳларим орасида бирор ишни уддалаганимча йўқ...— Сиз-чи, биз билан Ерга кетмайсизми? Эя чуқур хўрсиниб, вазмин бош чайқади:

— Мен бадномман,— деди пичирлаб.— Умрим борича жабрдийдаларга хизмат қилиб, кўксимдаги доғни ювишим, Туанакада фақат Фувапролджларгина яшамаслигини кўрсатишим керак. Шуларни қилмасдан қаерга ҳам борардим...

Улар ташқарига чиқдилар. Яхши Умиднинг нурга кўмилган майдонида Виталий Альфредович, Шомжун ва Атаульпа нима ҳақдадир жиддий суҳбатлашмоқда эдилар. Зайдоний, Телпасан, Кәнзар ва ўндан ортиқроқ маҳаллийлар бошлиқларнинг гапини диққат билан тинглаб, кўз узмасдилар. Туронбек бир зум қараб тургач, Эяни бошлаб улар томон юрди.



## ОЧЕРКЛАР

Раҳима Шомансурова

# ДОИМО ОЛДИНИ КЎЗЛАБ...

Рақон қишлоғидаги «Москва» колхозининг тарих музейига киришингиз биланоқ, танбур навоси сизни ўз оғушига олади. Ана шу мусиқа остида ўтмишга саёҳат қиласиз. Деҳқоннинг йиртиқ чопон, гўжа ош, омон, бўйинтуруқ, кетмондан иборат аянчи қисмати билан танишасиз. Айтишларича музейнинг шу бўлимларини тўлдириш, яъни «жонли гувоҳ» — экспонатларни топиш жуда қийин бўлибди. Халқ янгиликка ўч бўлади. Айниқса, бу янгиликнинг ижодкори ўзи бўлгач, эскиликнинг тимсоли бўлган нарсаларни тез унутаркан. Музейда ҳам айнан шуни кўриш мумкин.

Кейинги залларда эса янги ҳаёт яратувчилар, давр суръатини жадаллатаётганлар билан бирма-бир танишиб борасиз. Улардан талайгинаси хотин-қизлар. Мана Меҳринисо Қаюмова — Рақоннинг биринчи муаллимаси, қишлоқда биринчи бўлиб Ленин ордени билан тақдирланган аёл. Мана Робинисо Ҳасанова — у ҳам янги ҳаёт учун, колхоз тузуми учун курашган. Фотима Галимованинг жасорати ҳам уларникидан оз эмас, у қишлоққа келган биринчи ҳамшира. Иноятхон Ғаниева моҳир пиллакор сифатида танилди. Тожиҳон Эркабоева ҳам меҳнатдаги алоҳида жасорати учун Ленин ордени билан тақдирланди. Аёллар... Аёллар. Уларнинг ҳаёти, меҳнатдан топаётган шухрати билан танишиб туриб, беихтиёр, ўзингни улар ўрнига қўйиб кўргинг келади. Қалб торларини чертсанг-у садосини эшитсанг. Мана шундай меҳнатқаш, заҳматқаш кўҳна заминда яшаётганимдан, озми-кўпми она ерни яшнатишаётганимдан, одамларга нафим тегаётганидан, олдинга томон интилаётганимдан фахрланаман дейишяпти улар.

Рақонга қадам ранжида қилган мавлоно Муқимий ана шундай жўшқинликини кўрмади. Шунинг учун табиатига шайдо бўлган ҳолда бу қишлоқнинг аҳолиси ҳақида даври каби шикаста қалами билан:

Озодадин тўпори кўп,  
Дукчисидин аттори кўп  
Чойхўридан кўкнори кўп.  
Бир раста носу банг экан

деб ёзади. Барча кўрган-кечирганларининг ҳаммасига ўртаниб «Дунё қурулгон дор экан» деб хулоса ясади.

— Шоир Ойдиннисо опага ўхшаш аёлларни кўришга муяссар бўлганида байтларини бошқача ёзган, уларни шу аёл қалбидек оддий, содда аммо улўғворлик туйғуси билан нурафшон этган бўларди, — дейди менинг ҳамроҳим, район газетасининг ходими Озодахон Омонова мени ўтмишга бўлган қисқа, аммо оғир саёҳатдан қайтаргандек.

— Ойдиннисо?

— Ҳа, мана у кишининг сурати!

Суратдаги йирик келбатли, ширмой юзли аёлнинг кўзлари дадил, самимий ва очиқ кўнгиллик билан боқиб турибди.





Пилла мавсумидан кейин янгитдан кўкарган тут новдалари, ариқнинг нариги ёғидаги олтин ранг бугдойзор саратоннинг иссиқ шабадасида бир меъёрда чайқалади. Баркашдек қуёш юзга олов пуркайди. Аини пайтда ариқ бўйидаги сўлим толларга, шигил райхонга қараб киши ҳовурдан тушади. Айтишларича, райхонни Ойдиннисо опанинг ўзи эккан экан. Шундай жойлаштириб экибдики, шийпон яшил камар билан боғлагандек бўлибди. Қаёққа қараманг, райхоннинг хуш бўйи димоғингизга урилади. Ойдиннисо опанинг ўзи ҳозир йўқ. Шайтонкўл массивидаги пахтадан хабар олгани кетибди.

Колхоз партия ташкилотининг секретари Абдуллажон Маҳкамов билан опа ва унинг бригада аъзолари ҳақида суҳбатлашиб ўтирдик. Ниҳоят, анчадан кейин, Ойдиннисо опанинг ўзи келди. Кўлидаги тугунни шийпон тахтасига қўйиб, неча йилдан бери таниб-билиб юргандек, мен билан кучоқ очиб кўришди: «Эсонмисиз! Хуш келибсиз!»

— Домла, омонмисиз, эшиклар тинчми?— сўрашди у партком билан ҳам.

— Мана яна келдик,— деди Абдуллажон,— ёки кузгача...

— Йўқ, домла, келган бўлсангиз хуш кўрдик. Бу дала, пахта фақат меники эмас. Унга ҳаммамиз баравар жавоб берамиз. Шунинг учун келиб туриш, камчиликни кўрсатиш — сизнинг ишингиз...

Назаримда, улар ўртасида бир гап ўтганга ўхшарди. Бирон сабаб билан партком қаттиқроқ койган-у, энди ўзи пушаймон. Ҳарҳолда, Абдуллажоннинг кўриниши шунақа эди.

Ойдиннисо опа парткомнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, наридаги скамейкани азот кўтариб салқинга олди, кўрпача тўшаб, ўтиришга таклиф қилди.

— Опа, ҳеч бўлмаса меҳмонлар олдида уялтирманг-да. Узимиз олиб келардик. Сиз ўтиринг, меҳмон суҳбатингизни олай, деб атай келибдилар. Ундан кейин, ярашганимиз шарофатига мен чой келтирай...

— Ярашганимиз деганингиз нимаси? Нима, отамнинг молини бўлишибмизмики, урушиқлик бўлсак?

Эндигана кўриб турган бу аёлни кузатарканман, қалбимда ўзимга таниш тўлқинланиш, кўтарилиш сезаман. Унинг ҳар бир сўзи, ҳаракати, қошининг ажабтовур гапмирилиб турганида кўзларининг кулиб туриши, парткомга айтган энгил қочириқнамо гаплари менга қандайдир яқин туюлиб, унга меҳрим ортади.

— Тонгда хамир қориб кетгандим. Қайтгунимча шошириб кўядиган даражада бўлибди... Қани олинглар... — Ойдиннисо опа узатган чой билан тандирдан янги узилган нондан бир бурда оламан.— Парткомни «домла» деганимга ҳайрон бўлманг. Ҳурматимдан. Ҳозирги ёшларнинг ҳаммаси ўқимшли, дипломли...

Орага бир нафасли сукут чўкди. Мен гап ташладим.

— Опа, баҳорда ғўзаларингизга шикаст етдими дейман, бўйи сал пастроқми, ёки менга, шахар одамига шундай туйиллатими?

— Ана, опа, ҳатто четдагилар ҳам пайқашаяпти, сиз бўлсангиз мендан хафа бўлаяпсиз,— парткомнинг овозида дашномдан кўра, узр оҳанги кучли эди.

— Сиздан хафа бўлишим ўринсиз, домла. Лекин туни билан ажриққа думалагандек ухлолмай, диққат бўлиб чиқдим. Иилда пахта экиб юрган еримиз. Ҳар қаричининг табиатини биламан-у, қани энди тинчий олсам,— деди у парткомга жавоб бериб ва менга юзланди:

— Табиий офатдан шикаст едимиз, деб сўрадингиз. Шу картаминини саратон бошида кўрган одам доим шундай фикрга келади. Табиати шунақа. Агроном сингари сабабини ҳижжалаб айта олмайман. Бошида кишининг юрагини уюштириб, мана шундай нимжон бўлиб кўринади-да, саратонда бир кўтарилиб берадики, ёмон кўздан асрасин деб мунчоқ тақинг келади. Йўқ, бу картани офат четлади. Лекин хавфи бор эди. Авжи лолақизғалдоқ вақт туни билан табиатни тўлғоқ тутди. Ғўзаларимиз энди икки қулоқ бўлиб, картага яшил чизиқлар тортган эди. Ярим тунда шамол кўтарилди. Қоронғида шамолнинг увуллаши бирам ваҳимали, бирам хунук туюларкан. Дарахтлар ерга теккудек эгилади денг.

Уша туни назаримда шамол ғўзаларимни илдизи билан суғуриб, ҳув, момақалди роқ қарсиллаб, чақмоқ чақабган жойга олиб чиқиб кўядигандек бўлаверди.

Саҳарлаб шу ерга етиб келдим. Йўқ, хайрият дўл четлаб ўтибди. Сел ҳам шикаст етказмабди. Лекин кўринишдан қаранг, ҳақиқатда қайта экилган ерга ўхшайди. Партком билан фикрлашганимизнинг боиси ҳам шунда. Кеча келганида ҳар эгатга бирма-бир кириб чиққанмиз. Еримизнинг табиатини билса ҳам, мен каби безовата—билиб турибман. «Опа, катта йиғинда катта сўз бериб қўйдингиз-а! Кузда қани ўша ваъдалар деб биздан сўраша ўзингизни рўпара қилаверамиз» деди. У ёқ бу ёғимдан ўтиб кетди бу гап! Сояпарвар эмасман. Қўлдан келганининг ҳаммасини қилаяпмиз. На звеноларда, на аъзоларда тиним бор. «Кузда ҳар гектардан 55 центнердан ҳосил олдик, мана рапорт, деб сиз билан шу ерда, далада гаплашамиз. Ойдин бахти, олтин тахтини осонликча бой берадиган Ойдиннисо эмасман!» деб юборибман. Кошки бу сўзлар билан кўнглим қанот ёзса. Ҳақиқатан ҳам кузда, иш битгандан кейингина ўзимизга келамиз-да.



— ...Отам ҳам, онам ҳам, бутун авлод-аждодимиз деҳқон ўтишган,— деди кейинги суҳбатимизда Ойдиннисо опа.— Пахтага тикилишган. Пахтадан тирикчилик тебратишган. Мен туғилганимда колхозлар эндигина тузила бошланган экан. Зўрға кун кечириб юрган ота-онам колхозга биринчилардан ёзилишган экан. Мен туғилган кеча сутдек ойдин бўлган эмиш. Доя кампир онамга: «Санамбиби, қизингнинг исми ўзи билан туғилди, Ойдиннисо бўлсин!» деган экан.

Октябрь революциясининг 60 йиллиги нишонланаётган йилда бригадамиз ҳар гектар ердан 60 центнердан «оқ олтин» етиштирди. Ўша йили менга Октябрь Революцияси ордени берилди. Оддий ўзбек қизининг ойдин қизлиги бу эмасми?!.

Ойдиннисо бахтини ўз қўли, ўз меҳнати билан яратди. У аввалига колхозчи аёл бажарадиган оддий юмушларни бажариб юрди. Бироқ Ойдиннисо кирган давра ўз-ўзидан қовушар, ўт юлишни, барг қирқишни, пахта теришни — нима иш қилишмасин, завқ аримасди бу дерадан. Ана шу хислати туфайлими, дугоналари кулишиб «катта бўладиган феълинг бор-да, Ойдин» дейишарди.

— «Катта бўлишим» олтининчи йилдан бошланди. Нима иш қилсам ҳам орқада қолмасдим. Шу хусусиятим учунми, ўша йили партия сафига қабул қилишди. Колхозимиз каттагина бўлса ҳам коммунист хотин-қизлар оз эди. Уйдан, оила машмашасидан ортиб аёлларнинг жамоат ишларида қатнашиши қийин эди-да. Бир куни раис бува «Сени боғчага қўйишни мўлжаллаяпмиз» дедилар. «Ўзим ёш болаликман, қолаверса турмуш ўртоғим нима деркин?» деб ўйладим. Жуда кўпни кўрган, расо деҳқон одам раисимиз. Мамаюнус Мадаминов деган. Танирсиз балки. У кишини билмаган одам йўқ. Орденлари бир дунё. Республикада хизмат кўрсатган пахтакор! Шундай бўлса ҳам, жуда кичик феъл, камтар. Катта занг эмас. Колхоздаги ҳамма катта-кичикнинг феъллини билади. Одам экан-ку, деҳқон уйдаги молининг ўти тамом бўлса ҳам билади. Менинг андишамни ҳам сезди шекилли, «Менга қара Ойдиннисо, эринг тили чечан, феъли тез бўлгани билан иш кўрса қочмайдиганлардан. Бундай одам доим элни ичида бўлади, сувнинг оқими билади. Ёрдами тегса тегадими, жамоатга, кўпчиликка тўғаноқ бўлмайди» дедилар. Шундай қилиб саккизтагина арқон беланчак солиб, боғча очиб беришди. Мудира бўлдим. Кейин пилла бригада-сига бошчилик қилдим...

Ойдиннисо шуҳрат кетидан қувмасди, шуҳратнинг ўзи уни қуварди.

— Унга ажратилган тутларда ҳам сەҳр борми, бутун бригадаси билан колхознинггина эмас, областнинг олдида юради-я!— дейишарди унинг бригадаси ҳақида одамлар.

Ўзи бўлса, одамлари билан қурт тарқатилгандан то мактаб болалари пилла теришга ҳашарга келгунигача тиним билмасди. Қишлоқда калакланмаган биронта тут қолмай, плани ошиғи билан бажардик, деб рапорт беришгандан кейин бир ҳафта мобайнида ўзида ажабтовур ҳорғинлик ҳис қилиб юарди. Қоронғида унча-мунча одамни чўчитадиغان бўлиб қолган яланғоч тутларга маънос, аммо миннатдор боқарди. Тутлар янги барг чиқариб, аввалги кўркини тиклаб олабошлагач, тобора суйгунчак бўла борган боласини кўрган аёл тўлғоқ дардларини унутгандай, Ойдиннисо ҳам пилла мавсумидаги чарчоқларини унутарди.

Пилланинг қисқа, аммо шитобли мавсуми, ғўзанинг нозу карашмасига ўхшамасди. Ғўзага сабр-тоқат, яна сўз билан ифодалаб бўлмайдиган ҳис-туйғулар, сезгилар ҳам керак экан. Буни у пахтачилик бригадасига бошлиқ этиб тайинланган йилиёқ ҳис қилди.

— Колхозчининг иши ҳаммага маълум. Эрта кетиб, кеч келаман. Бахтимга онам борлар. Ҳа, ҳали ҳам омонлар, минг шукр! Саксондан ошган бўлсалар ҳам, меҳнатда пишганлардан эмасмилар, ҳали ердан енгил кўчадилар. Болаларимни шу киши ортоқлаб катта қилдилар. Вақтида иссиғини бериб, мактабга кузатдилар. Бизларнинг давримизда ўқишга унча қаттиқ киришилмасди. Мана, ўзим тўлиқсиз ўрта мактабни битирганимча қолдим. Бориб-бормасак ҳам синфдан-синфга кўчириб қўйишаверарди. Далада ишлаш керак эди-да. Ҳозиргидақ техника қаёқда дейсиз. Йўқ, ҳозир ўқимаса бўлмас экан. Буни шу кунларда яхши ҳис қилиб турибман.

Пахтачилик бригадасига бошлиқ қилиб тайинлашган йили: «Чўл ерларда унча-мунча ўтнинг ўт дейишмас, унча-мунча пахта қолса, қолди дейишмас экан, деб эшитаман. Бизнинг ерларда ҳар қарич ергина эмас, ҳар бир туп ғўза ҳисобда. Ҳосилдорликни ошир дейсизлар, қандай оширамиз, ахир?!» деган эди у партком йўғилишида. Аммо ҳеч кимдан жавоб талаб қилмади. Гўё — бу саволини ўзига-ўзи берди-ю, кейин ўзи жавоб топшга ҳаракат қилди.



Кузда йўлим яна Фарғонага тушиб район марказидан Рапқонга бурилдим. Ойдиннисо опанинг ишлари қандай экан? Партия комитетининг секретарига «Сиз билан кузда гаплашаман» деган эди. Пахталари кутганидек бўлдимикан? Шу хаёл билан бўлиб етиб борганимда колхознинг данғиллама клуби одамлар билан лиқ тўла экан. Республикаимизнинг кино санъати усталари Фарғонанинг ана шу машъал колхозини меҳ-

наткашлари билан учрашувга келишибди. Клуб саҳнасида ёзувчи Улмас Умарбеков, СССР халқ артисти Наби Раҳимов, область раҳбарлари ўтиришган экан.

Бирдан сўзни Ойдиннисо Раҳмоновага беришди. У минбарга йўл олиши билан қарсақ бўлиб кетди. Уни далада этик, одми куйлақда кўриб ўрганган кишилар саҳнага кўтарилаётган қора ялтироқ туфлили, башанг кийинган бригада бошлиғига фахр билан боқишар эди. «Ҳа, санъаткорларга жавоб беришга энг муносиб киши шу Ойдиннисо!» деган маъно ҳам бор эди уларнинг қарашларида.

У минбарга чиқди-ю, чўғдек юзлари яна ҳам яллиғланиб аста сўз бошлади:

— XXV съезд бўлган йили, съезд делегати, ҳозир Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Иззатилла Уролов бригадаси билан мусобақа боғладик. Жуда бардам, бақувват бригадирлардан. Бу йилги планимиз гектаридан 50 центнердан. Лекин, сўрасангиз, аъзоларимизнинг ҳеч бири бу рақамни айтмайди. Негаки XXVI съезд шарафига 55 центнердан ҳосил кўтарамиз, деб мажбурият олганмиз. Бугун далаларимизни ўзларинг кўрдинглар, мўл ҳосил етиштирганмиз. Сизнинг колхозимизга келишингиз шарафига яна беш центнердан кўшиб — жаъми ҳар гектардан олтмиш центнердан «оқ олтин» топширишга ваъда берамиз.

Ойдиннисонинг сўнги сўзлари қарсақлар остида қолиб кетди. Зал тингач у яна гапида давом этди:

— Отам ҳам, онам ҳам, бутун авлод-аждодимиз деҳқон ўтишганини ҳамма билади. Биз ҳам янги иш қилаётганимиз йўқ. Улардан мерос қолган юмушни баҳоли кудрат бажаряпмиз, холос. Ғўзани худди болангдай оқ ювиб-оқ тарасанг юзингни ёруғ қилади. Бу ҳаммага маълум гап. Яна шуниси ҳам маълумки, ўзбекнинг азалий экини ҳисобланган пахта ҳеч қачон республикамиз шухратини шу кейинги йилларчалик оламга ёйгани йўқ.

Назаримда деҳқон кафтида пахта турган бўлса, пахта кафтида деҳқон турибди. Деҳқон уни эъозлаб қанча кўпайтирса, пахта ҳам деҳқонни булутдек мана шу паға-паға қанотларида осмонларга олиб чиқиб кўяпти. Баъзан эл-юртга номи танилган пахтапарварларни эшитсам — нега уларни пахта фарзанди дейишмайди деб ҳайрон бўламан. Ахир уларни пахта дунёга келтирди-ку. Узи дунёга келтиради, ўзи синайди, не куйларга солиб обдан пиштади. Ана шу синовларга дош беролганлар ҳақиқий пахта фарзандлари бўлиб қолаяпти. Кейинги вақтларда биз пахтакорлар ҳақида анча яхши китоблар чиқаяпти-ю бироқ киночиларнинг биздан қарзи кўп. Колхозларга чиқиб диққат қилинса, ҳар қишлоқда бўлмаганда биттадан Синчалик топилади. Ҳар даврнинг ўз синчалаклари бор, улар ҳақида, шарафли касбимиз ҳақида кинолар яратиб беришларингиз керак...

Зал яна олқишлади уни. Наби Раҳимов ҳам, Улмас Умарбеков ҳам ўринларидан туриб қўлларини кўксига қўйиб унинг сўзини тасдиқлашди, гўё ваъда беришди.

— Энди биз ҳам ўз ижодимизда олтмиш центнерчилар ҳаракатига қўшилмасак, уялиб қоламиз шекилли! — деди Наби Раҳимов. Залда гурр кулги кўтарилди...

Олтмиш центнер... Фарғона водийсида олтмиш центнерчилик ҳаракати мана шу аёл, Киров районидаги «Москва» колхозининг бригада бошлиғи Ойдиннисо Раҳмонова номи билан боғлиқ. «Октябрь революциясининг 60 йиллигига — 60 центнер!» деган чақириқни ўртага ташлаган ҳам мана шу забардаст аёл. Коммунистча сабот кўрсатиб кўпчиликка ўрнак бўлган ҳам мана шу Ойдиннисо Раҳмонова. Область газетасида унинг чақириғи эълон қилинган, кўпчилик қўллаб-қувватлади, унга ишонди, эргашди.

□

Ойдиннисо Раҳмонова эришганига қаноат қиладиганлардан эмас, доимо олдинни кўзлайдиганлардан. Худди шу гапни тасдиқлаб кузнинг қировли кунлари бошланмай туриб Фарғонадан хушхабар келди: Ойдиннисо Раҳмонова бригадаси ўз ваъдасининг устидан чиқиб, эллик гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан олтмиш центнердан ҳосил олибди!

Илӛс Фозилов

# МЕНИНГ КАЪБАМ—ВАТАНИМ

## САФАР ХОТИРАЛАРИ

*Гурбатда ғариб шодмон бўлмас  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас  
Олтин қафас ичра гар қизил гул  
Булбулга тикондек ошиён бўлмас*

Алишер НАВОИЙ.

**В**атаннинг меҳриғиёси, ишқ-муҳаббати, жозибаси бениҳоя улғудир, қолаверса дунёда ҳеч бир нарса она тупроқдан афзал бўла олмас керак. Ҳатто жон бериш, Ватанни беришдан минг маротаба осонроқ эканлиги айни ҳақиқатдир. Унга бўлган муҳаббат кишиларда умрбод қолаверади.

Лекин, кишилиқ ҳаёти — жуда мураккаб. Инсонни ҳар турли кунларга дуч келтиради. Шунинг учун бўлса керак: «Онадан бирга туғилиш бору, аммо ҳамма вақт бирга туриш бўлмайди», деган боболарнинг мақоли бор. Бунинг устига мамлакатимизда буюк ижтимоий ўзгаришлар рўй берди. Бутун дунё пролетар доҳийси В. И. Ленин раҳбарлигида Улуғ Октябрь инқилоби вужудга келди. Капиталистик давлат — остин-устун бўлиб, дунёда биринчи пролетар — социалистик давлат қурилди. Ун кун ичида Ер ларзага келди. Империалистик 14 давлат бир бўлиб, бизга қарши ҳужум қилдилар. Ички ва ташқи қўпоровчилар, зараркунандалар, талончилар юрт бошига қайғу солдилар.

Ана шундай оғир кунлар бошга тушгани сабаб бўлиб, баъзилар Ватанни ташлаб кетишга мажбур бўлдилар.

Шундай бахтиқароларни Афғонистон, Покистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Сурия, Саудия Арабистони, Хитой, Япония, ГФР, Франция, Канада ва бошқа мамлакатнинг турли бурчакларида учратиш мумкин. Уларнинг кўпчилиги юртимизни йўқлаб келишга орзиқадилар. Улкамиз ишқи, муҳаббати билан фахрланиб, уни эслайдилар.

Бугунги кунда дунё бўйича қудратли, буюк мамлакатга айланган Совет давлати ватандошларга нисбатан ҳеч қандай гина сақламайди. Уларга ҳамма вақт тинчлик, бахт-саодат тилайди.

1978 йилнинг октябрь ойи охириларида Маккага кетиш арафасида дўстим Жўра қори Бўтакўз бизга ташриф буюрдилар. Қадрдонимизни очиқ юз билан, хурсандчилик билан кутиб олдик. Чой ичиб ўтирганимизда Жўра қори гап бошладилар:

— Маккага борадиган бўлибсиз, менинг учун жуда ҳам зарур бир илтимосим бор эди,— деди у ийманиброқ.

— Қандай хизмат экан, эшитсак бўладими?

— Мени ҳаммадан кўп сиз яхши биласиз. Чет мамлакатларга уч ёшлик бола кетиб, ниҳоят Ватанга сочим оқарганда қайтиш шарафига эга бўлдим. Афғонистон-далигимда ота-онам ўлиб, тоғам тарбиясида қолдим. Уша ердаги кўшнимиз, асли кўқонлик Алимжон каллапаз ва унинг рафиқаси Ҳамронисо деган аёлнинг беш-олтита болалари билан бирга ўйнаб, бирга мактабга боришиб, худди бир оила фарзанди бўлиб ўсдик. Айниқса, Ҳамронисо она менга жуда меҳрибон эди. Мухаббат билан бошимни силаб, ҳатто ўз болаларидан ҳам мени аъло кўрар эди. Ҳозирги кунда Ҳамронисо онамиз 113 ёшда бўлиб, Маккада ўғиллари Маъруфжон билан истиқомат қиладилар. Афғонистон, Туркияда бўлганларида деярли тез-тез кўришиб турардик. Мана 10 йилдан бери кўриша олмадик. Жондан азиз, меҳрибон онамизга соғ-саломатлигимни билдириб, кичик бир хат, яна хотира учун қўлда тикилган ўзбек палагини ҳадя қилмоқчиман. Маккада ёру дўстлар сўраб қолишса, салом айтасиз.

— Бош устига. Ҳамронисо она каби 113 баҳорни кўрган табаррук кишининг зиёратларига мушарраф бўлиш — улуғ ишдир,— деб жавоб бердим унга.

Урни келганда, Жўра қори Бўтакўзни қимматли ўқувчиларимизга таништириб ўтишни лозим топаман.

Жўра қори Бўтакўз асли Андижонда туғилган, хорижда уч ёшга борганда ота-онаси ўлиб тоғасининг тарбиясида қолиб, қориликни тугатади. Зийрак, доно, истеъдодли бўлганидан, ҳар нарсани ўзида тез ўзлаштириб, камолотга етгандан кейин мустақил иш қила бошлади. У Афғонистон, Туркия, Сурия, Ироқ, Ҳиндистон, Саудия Арабистони ва Эронда кўп йиллар бўлиб, шу мамлакатларнинг ҳуқуқшунослик илмини ҳам ўзида мужассамлаштирган. Керак бўлганда ҳуқуқшуносликнинг ҳам урдасидан чиққан.

Покистон, Афғонистон, Туркия ва Хитойда яшаганда чақув-туҳмат билан қамоққа олинган кўп ватандошларни оқлаб чиқариб олган. Шарқ давлатлардаги ватандошлар уни ҳақиқий ватанпарвар Ватан шайдоси деб танидилар. У Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини йигирма минг доллар сарф қилиб ватандошларга бепул тарқатган. Бостиришдан олдин икки-уч йил араб ҳарфини қидириб уч-тўрт мамлакатларга борган. Ҳарф топганда ўзбек тилида ҳарф терувчи топилмаган. Ниҳоят, босмақонада ўзи ҳарф терган. Жўра қори Бўтакўз жуда кўп ватандошларнинг саводини чиқарган. Афғонистон, Покистон, Саудия Арабистонида ундан таълим олган кишилардан юзлаб-минглаб учратиш мумкин. Қарийб қирқ йил давомида ун тилни мукаммал ўзлаштирган олим.

Чет мамлакатларда юриб, ҳамма қийинчиликларни ўз бошидан кечирди. Капиталистик система халқларни бахтсизлик, бечоралик, хўрликка олиб боришини яхши англади. Фақат социалистик жамиятгина халқларни бахтиёр қилишга хизмат қилади, деб бутун ватандошларни қаерда бўлмасин Ватанга қайтишга ташвиқот-тарғибот қилди. Уйланса ватанга боролмай қолиш хавфида 40 ёшга киргунча оила қурмади. Бундан ўн йил муқаддам Ватанга қайтиб, оила қурди, ҳозир уч фарзанди бор. Бахтиёр ҳаёт кечирмоқда. Тошкентда ватандошлар учун чиқариладиган «Ойдин» газетасида ишлайди.

Қоҳира, Жадда шаҳарлари орқали, ниҳоят Маккага етиб келдик. Икки юз-уч юз минг аҳолиси бўлган Макка, зиёратчилар ҳисобига икки-уч миллион одамга паноҳ беради.

Жаддадан Маккагача бўлган 70 километрлик йўлнинг тикилинчлигидан машинада 15 соатда ўтганимизни айтиш кифоя қилади, деб ўйлайман, зиёратчиларнинг кўплигини кўрсатиш учун.

Маккада биз Каъба зиёратида, ватандошларнинг суҳбатида бўлдик. Уларнинг аксарияти бизни эшитиб ўзлари келишар, уйларига таклиф этишарди. Лекин биз уларнинг таклифларини қондирилмасдик. Акс ҳолда меҳмондорчиликдан бўшолмай қолардик. Фақат мен, врач бўлганим учун, бир-иккита беморларга ёрдам бердим. Улар менга анча-мунчагина пул берганларида олмаганимдан, айниқса бизнинг мамлакатимизда умуман тиб ёрдами бепуллигини эшитиб, жуда ҳайрон қолишарди. Кўп мусохабалар бўлди. Импералистик ташвиқот таъсиридаги ватандошлар билан мунозаралар ва тушунтиришлар олиб бордик.

Ниҳоят, бир кунни Жўра қори айтган Ҳамронисо онанинг ўғли Маъруфжон таклиф билан келди...

Пешин вақти, кун жуда иссиқ, машинада нафас олиш яна оғирлашди. Осмон бутунлай тиниқ — кўм-кўк, мусаффо. Тангадек ҳам булут йўқ. Кўчалар одамлар билан лиқ тўла. Бир соат уриниб, ҳайрият, бир оз четроққа чиқиб олдик. Оғзим қуриб, томоғим қақраб тоқатсизлана бошладим. Маъруфжон ҳожи кокка-кола деган сувдан олиб ичкизди. Кўз тиниши тўхтади. Юзимдан оққан терларни артар эканман, шу қадар иссиқда қандай чидаш бериш мумкин, деб сўрадим.

— Бошга тушганини кўз кўради деганлар. Кўнмасликни иложи қанча?!.. Узга юрт. Ватансизлик. Мусаффо ҳаво, кўм-кўк дарахтлару майса-ўтлар, чаман гуллар, шарқираб оққан сувлар, ширин-шакар мевалар, ширинликда тилни ёрадиган қовун, тар-

вузлар Ватанда қолди. Шунинг учун ҳам бечора онам 50 йилдан бери Ватан деб қон йиғлайди. Бизда нима бор? Кўриниб турган чўл-биёбон, унда-бунда хурмо дарахти, тикан еб кун қараётган туялардан бошқа ҳеч нарса йўқ. Худо бандасига сабр-қаноат берар экан. Бўлмаса, киши...

Гап билан бўлиб анчагина йўл юриб қўйганимизни сезмай қолибмиз. Машина бир эшик ёнига келиб тўхташи билан, у ерда тўдалашиб турган бир талай болалар бирдан бақриб юборишди. Машинадан чиқар эканмиз, улар кўриша кетдилар. Ичкаридан яна ўн беш-йигирма катта-кичиклар чиқиб саломлашиб «Хуш келибсизлар!» деб кўришдилар.

— Булар онахонимизнинг фарзандлари,— деб таништирди Маъруфжон.

Ҳаммамиз гурунглашиб ичкарига кирдик. Остонадан бошлаб оёқ остига узун поёндоз солинган эди, мени шу поёндоз устидан юрғазишди. Ҳовли хотин-қиз, ёш-яланг, эркаклар билан лиқ тўла. Кўришувчилар табаррук қилган бўлиб, устимдаги ихромнинг бурчини ушлаб ўлар эдилар. Бир вақт узун оппоқ кийим кийган, бошига оқ рўмол ўраган Ҳамронисо она, тўғримдан икки қўлтиғида икки аёл билан, секин-аста юриб келарди. Табаррук она кўзимга гўё фариштадек кўринди. Шу он марҳума онам кўз олдимда гавдаланди. Чопиб бориб оёқларига бош қўйиб, кўзимни суртгим келди. Кўзим тиниб, саросимага тушдим. Она қаршисига келиб, бош эгиб салом берганимни ўзим ҳам билмай қолдим.

— Ваалайкум ассалом, хуш келдингиз, азиз Ватанимнинг табаррук меҳмони!— деган юмшоқ, илиқ товушни эшитиб, кўзим очилди. Она икки қўллари билан бошимни ушлаб пешонамдан ўпдилар. Омин деб дуога қўл кўтаришлари билан жам бўлганлар омин тортишиб қўлларини кўтардилар. Ватанга шон-шараф тиладилар, тинчлик-омонлик сўралди.

— Жонлиқка аталган қўйни бўғизлашга фотиҳа беринг,— деди кимдир кўпчилик орасидан. Фотиҳага қўл кўтарилиши он, олдиндан ҳозирланган қўй бўғизланди.

Она бошлиқ катта уй томон йўл олдик. Қирқ-эллик киши кетадиган каттагина меҳмонхона, қип-қизил гиламлар ёзилган, ўртада катта хонтахта бўлиб, атрофига шохи кўрпачалар, пар ёстиқлар қўйилган. Хонтахта турли ноз-неъматлар, ширинликлар билан безатилган. Апельсинлар ва Тоиф-шарифдан келтирилган анорлар кўзга ташланди.

Махсус тайёрланган икки қаватли баҳмал кўрпачага, пар ёстиқ қўйилган. Ҳамронисо онамиз ўтирдилар ва ёнларидан менга жой бердилар. Бола-чақалар билан уй лиқ тўлди. Она меҳмон шарафига узоқ фотиҳа қилдилар.

— Доктор афанди! Утирганларнинг ҳаммаси онахонимизнинг фарзандлари,— деди Маъруфжон ҳожи.— Ҳали ҳаммалари етиб келишганлари йўқ. Агар ҳаммаси жам бўлишса, иккита катта уйга сиғишмайдилар. Онамнинг фарзандлари юздан ошадилар. Кичикларни кўрсалар ҳатто таниёлмай қоладилар. Санаб ҳисобигз етолмайдилар.

Ҳамма ўтирганлар онага қараб кулишди.

— Энди менинг ишим йўқ. Бахтимга омон бўлишса бас. Илойим умрлари узун бўлиб, ҳаммаларига менинг ёшимни берсин. Охириги ва ягона тилагим Ватанга етиб олиш. Ватан тупроғини ўпиб кўзга суртиш. Гуноҳларимга кечирим сўраб, омонатимни топшириш.

Шу вақт қўлларга сув келтирилди, нонлар ушатилиб, дастурхонга таклиф қилишди.

Меҳмондорчилик орасида ҳол-аҳвол сўрашдик, она Жўра қори Бўтакўзнинг ҳол-аҳволини муфассал сўраб чиқдилар. Мен унинг мактубини топширдим. Она қўлимдан хатни бисмилло деб олдилар-да, уч марта ўпиб ёшли кўзларига суртдилар. Шу ондаёқ конвертгни очиб, ойнаксиз, тезликда ўқиб чиқиб, «алҳамдулилло, яхши экан, узоқ вақт хабар бўлмай, қаттиқ қайғурган эдим», дедилар.

Она соғингандан бўлса керак, хатни уч марталиб ўқиб чиқди.

— Жўра қори ҳам менинг фарзандим. Барча болаларимнинг сараси эди. Вафодор, Ватанига, халқига садоқатли йигит. Пок она сутини эмган. Она сутини ана шу Ватанга бўлган садоқати билан оқлади. Ниҳоят Ватанга бориб, халқ хизматида. Мен ундан минг мартаба розиман. Туққан онасини худо раҳмат қилсин. Она рози — худо рози. Худо ҳар кимга ҳам Жўра қоридек фарзандни ато қилсин.

Мен Жўра қори бериб юборган, қўлда тикилган девор палакни топширдим. Она юм-юм йиғлаб, кўзларига қайта-қайта сурди.

— Жўра қорига ҳам раҳмат, олиб келганингиз учун сизга ҳам раҳмат. Бу палак биздек ғарибларга жуда ҳам табаррук. Маккада ҳеч кимда йўқ. Ҳар бир набира, аварра, чевараларимни турмушга чиқарганимда палакни қўшиб узатаман. Палак бахт бошлаб боради. Қизлар тўб қўйиб палак ёзадилар. Улганимда Ватандан табаррук қилиб тобутим кетидан ёптираман, раҳмат болам. Мени бир дунё шод қилдингиз. Қизларни узатганда палак эмас, атлас қўйлак ҳам топилмайди.

Кейин онага ўзимизнинг ва делегациямиз раҳбари Юсуфхон домданинг пахта гуллик чойнак, пиёла ва косаларимни тақдим этдим.

— Азиз Ватанимнинг ажойиб совғалари. Менга ватанимни кўтариб келгандек бўлдингиз, ташаккур. Энди тоғанлар сизларга Ватан аҳволларини гапириб берсалар, яхшилаб қулоқ солинглар,— деб менга қарадилар.

Мен, республикамизнинг бугунги аҳволи, босиб ўтган йўли, ҳужалик, маданият соҳасидаги ютуқлари ҳақида гапирдим. Инқилоб, инқилобнинг моҳияти, Ленин даҳоси, Лениннинг биринчи декретлари, уларнинг амалга оширилганлиги ҳақида батафсил сўзладим.

Айниқса, хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли эканликлари, 18 ёшга тўлмагунча қизларни зўрлаб турмушга чиқарилмаслиги, ҳамма нарса ризолик асосида бўлишини айтганимда, ўтирган қизларга жон киргандек бир-бирларига қараб, чеҳралари очилди. Мен яна давом этдим:

— Уйланиш, қиз узатиш ўзимизнинг урф-одатлар сақланиб қолган ҳолда, ниқоҳланиб, катта тўй-томоша, карнай-сурнайлар билан ёр-ёр айтиб ўтказилади.

Эшитиб ўтирган қизлар, бир-бирларига қараб, қандай яхши экан, деб кулимсираб қўйишди.

Хотинни уриш, ҳақорат қилиш қонун бўйича ман қилинади. Хотин устига хотин олиш йўқ қилинган. Бир эркакка бир хотин.

— Бу қонунни ҳам Ленин чиқарганми?— сўради она.

— Инқилобнинг биринчи кунидан бошлаб Ленин тузган Конституцияда тўлиқ кўрсатилган.

— Лениннинг отасига минг раҳмат! Ленин йўли абадий яшасин!— ўтирганларнинг ҳаммаси шодланиб чапак чалишди.

— Бизларда эса, тўрт хотинни ушлаб турган эркаклар кўп. Бечора хотинлар. Жўра қори бостириб чиққан «Ўтган кунлар» романида Кумуш биби кузи ёриб ётганда, кундоши Зайнаб аталага заҳар қўшиб Кумушни ўлдиради. Кундош балоси ёмон бўлади. Илоийм хотин устига хотин олган ҳам, кундош ҳам ўлсин. Шундан ўтиб, ўйилларимга, умуман ҳамма авлодларимга қиладиган насиҳатим битта. Хотин устига хотин олсалар, мен рози эмасман. Ўлганимда ҳам гўримда тикка тураман.

— Ҳамма иш билан таъминланган, — деб сўзимни давом эттирдим. — Биронта ишсиз одам йўқ. Халқ турмуши фаровон. Ейиш-ичиш етиб-ортади. Ҳар йили ўнг минглаб одамлар давлатдан бепул уй-жой билан таъминланадилар.

Фақат Ўзбекистон ўзида ишлаб чиқарган маҳсулоти билан ер юзида 80—90 та давлат билан савдо-сотиқ билан алоқа қилади. Ўзбекистонда етишган олий маълумотли ўғил-қиз ёшлар ҳатто Европа ва Шарқ мамлакатларига бориб, ёрдам берадилар.

— Бизда сиз айтган гапларнинг биронтаси ҳам йўқ ва айтишмайди. Кўпинча ёмонлаб ёзишади,— деди Маъруфжон хожи.

— Рост гап тикондек ботади, ўғлим. Буларга шундай — ёлғон гапиргани маъқул. Совет давлати тинчлик, ишчи-деҳқон, заҳматқашлар мамлақати. Омад совет давлатида. Иншоолло шундай бўлади.

Шу пайт суюқ ош келтирилди. Онанинг кўзи мен келтирган пахта гулли косага тушиб:

— Эллик йилдан бери Ватан косасида биринчи марта ош ичишим. Ўзимга ярим пиёла ош етади. Ватан ишқи билан энди ҳаммасини ичаман,— деди.

Ҳаммада кулги бўлди.

— Агар Ватанни ҳурмат қилсангиз, албатта ичиб қўясиз,— деб кулди Маъруфжон.

Кўпчилик ош ичсалар ҳам, фикр-хаёллари баён қилинган ватанда эди. Болалардан беш-олттаси Ватанга бориб, ўқиб, врач бўлишга ҳозир бўлишди. «Қай бирларинг яхши ўқисанг, уни юборамиз»,— деди она. Болалар хурсанд. Ҳозир кетаётгандек қувонишди. Ошни қандай тез ичганларини ўзлари билмай қолдилар.

Овқатдан кейин Ҳамронисо она дастурхонга фотиҳа бериб, ҳаммалари бошқа уйга чиқишларини сўради. «Меҳмон афанди чарчадилар. Энди бизни ҳоли қўйинлар. Маъруфжон қолса бас. Чой бериб туради».

Ҳаммалари уйдан чиқишди.

— Кўпчилик билан ортиқ ўтиролмайман. Бошим айланиб, қулоғим шанғиллайди. Гапимни йўқотиб қўяман. Кўпчиликда гап-гапга қовушмайди. Дунёда ғарибликдан ёмони йўқ экан. Биз илгари билмас эканмиз. Қариганда ёмон сезилади. Ҳамма ватандошларнинг асосий кемтик жойи — ватансизлик. Ўз она тилингда мактаб бўлмаса, китоб-газета бўлмаса. Кинотеатр, ҳуқуқ йўқ. Одам бўлиб сонда бўлмасанг, ўлик бўлиб гўрда бўлмасанг. Аро йўлдамиз!. Афғонистонда яшаган вақтимизда ўзбек болалари саводсиз қолишдан қўрқиб, Қобулда ўз ёнимдан мактаб очтирдим. Муаллим ёллаб, ойлик пулини ёнимдан тўладим. Уйимда бўлса ўзбек қизларини ўзим ўқитдим. Орадан уч-тўрт йил ўтгандан кейин ифлос кишилар душманлик қилиб, чақув билан муаллимни қаматишиб, мактабни ёптиришди. Ўзимиз бўлсак иш қидириб, Туркияга ўтдик. Туркияда ҳам бир бурда нонни топиш қиёматдан қийин экан. Шунинг учун ҳам боболаримиз: «Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тоштарозу», деган эканлар. Ноилож ўн беш-йигирма йил Истамбулда туришга мажбур бўлдик. Шу вақтларда ватанимизнинг остидан ўт ёққан босмачи, ўғри Кўршерматнинг Туркияда яшаб турган хабарини эшитиб ўт бўлиб ёндим. Ватанимизни ташлаб кетишимизга сабабчи бўлган ифлослардан бири мана шу эди. Алам олиш ҳасидида Кўршерматга ватандошлар номидан очиқ хат ёздим. Хатнинг қисқача мазмуни шундай эди:

«Бу хат ватансиз қолган ватандошлардан Кўршермет ўғри, қонхўр, виждонсиз, имони йўқ аблаҳга етиб маълум бўлсинки, сен инглиз бойларига сотилиб, муборак ватанимиз, Фарғона вилоятларига ўт қўйдинг. Халқларни хонавайрон қилдинг. Хотин-қизлар номусини ерга букдинг. Қиличнингдан қон томди. Ота-оналар болаларидан, болалар ота-оналаридан ажралди. Сен бошлиқ бўлган ўғри ва муттаҳамларнинг қилган виждонсизликларини ҳайвон, ҳатто ит ҳам қилмайди. Сен аслинг ўғри, босма-чисан. Лаънат бўлсин сенга. Фарғона халқлари сени ўлимга ҳукм қилган. Эй, ўлигинг итларга ем бўлсин, ифлос, ўғри Кўршермат», деб тамом қилдим. Кўршермат хатни олдию, узоқ яшай олмади, ўлди. Бизлар ҳам оз вақтдан кейин Саудия Арабистонига қараб йўл олдик. Болаларимнинг бир қисми, бош ўғлим Абдуллажон Туркиядда истиқомат қилиб қолди. Эзмалик қилиб сизни зериктириб қўймадимми? Ватан ишқи, ватансизлик мени савдойи қилиб қўйди. Гапириб юрагимни бўшатаман... Айтмоқчи, бир қизиқ воқеани айтиб бераман. Облоху аълам, бундан йигирмэ йил олдин бир қўлоғимга Ўзбекистондан Мисрга Мукаррамхоним бошлиқ артистлар келиб, концерт бериш хабари эшитилди. Эшитиб, юрагим уриб кетди. Тезлик билан ўғлим Маъруфжонга бола югуртириб дўкондан чақиртириб келдим. Воқеани унга тушунтирдим. «Мукаррамхонимни кўриб келаман. Ғурбатда юрагим қон бўлиб кетди. Бормасам ўламан», деб туриб олдим. Билетга деб қўлига пул тутқаздим. Ўзимизнинг машинада Жаддага бориб, Жаддадан Қоҳирага билет оламиз. Маъруфжоннинг оғиз очишига қўймадим. Агар мен она бўлсам, сўзимни қайтармайсан, деб туриб олдим.

Шу куни кечкурун Қоҳирага эсон-омон етиб келдик. Меҳмонхонага жойлашдик. Юрагим ошиқиб, кечаси билан тонг отишини пойлаб, ухлаёлмай чиқдим. Нарибери чой ичиб, Маъруфжонни билет олишга юбордим. У икки соат йўқ бўлиб кетди, бир вақт бўшашиб, билетсиз қайтиб келди. Одамлар, билет сотилиб бўлганига бир ҳафта бўлди-ю, сиз энди келдингизми, деб кулишибди. Диққатим ошиб, мен ҳам ўйланиб қолдим. Бошимга ақлли бир фикр келди. Совет элчихонасига бориб ўзимни таништираман. 90 ёшда бўлишимга қарамасдан, икки ярим минг километр масофадан Ватан ишқига ёнган, ғариб ватандош келади-ю билет бўлмаса. Шу гапларни айтиб, йиғлаб туриб олишни қасд қилиб, Маъруфжон билан совет элчихонасига йўл олдик. Элчихонада 25 ларга кирган ўзимизнинг бир ўзбек йигити очиқ юз билан, меҳрибонлик билан қабул қилди. Қўлимизга чой ўзатиб, қандай хизмат бор, деб сўради. Мен ўзимни яхшилаб таништирдим. Маккадан келганимизни, билетлар сотилиб бўлганини, ноилож қолиб сизлардан ёрдам сўраб келганимизни, бошқа арзимиз йўқлигини айтдим.

— Сизлар ўтириб туринглар, мен ҳозир келаман,— деб чиқиб кетди ва бир оздан кейин бизларни элчининг олдига бошлаб кирди. Катта уй, ўртада узун қизил гилам, тўрда Лениннинг сурати осиялиқ. Уйга киришимиз билан тўрдаги стулда ўтирган элчи ўрнидан туриб, биз билан самимий кўришди. Чой қўйди, ҳол-аҳвол, соғлиқ-саломатлигини сўради. Олиб кирган йигит таржимон бўлиб турди. Мен ҳамма гапни айтиб, юрагимни бўшатдим.

— Ёшингиз тўқсонга борса ҳам санъатга ишқибоз экансиз-да,— деди кулиб.

— Ватан ишқ-муҳаббати бошлаб келди.

— Раҳмат, онажон! Мен ҳозир, ҳаммасини битираман,— деб бир варақ қоғозга бир нималар ёзди, хатни конвертга солиб, — мана шу йигит сизларни бошлаб Мукаррамхон олдига олиб боради. Сизлар ҳозирдан бошлаб Мукаррамхонимнинг меҳмони бўласизлар.

Мен, кўрсатилган илик қабул учун ташаккур билдирдим. Идорадан чиқа туриб:

— Кўрдингми, совет давлатининг олийжаноблигини,— дедим ўғлимга.— Бўлма-са элчи биз билан гаплашадими. Биз киммиз? Ҳисобда йўқ, ватансиз бир ғарибмиз, холос.

Ҳовлига чиқиб, олдига қизил байроқча тикланган узун қора машинага ўтқазилди. Таржимон йигит билан Мукаррамхон тўхтаган меҳмонхонага келдик. Йигит бизларни машинада қолдириб, ўзи ичкарига кирди кетди. Оз вақт ўтмасдан товусдек қоматли, устида атлас, бошида ироқи дўппи, очиқ юзли чиройли жувон бизлар билан сўрашди. Қўлимдан ушлаб, ичкарига олиб кирди. Беш-олтита ўзбекча кийинган қизлар қарши олиб қучоқлашиб кўришдилар. Хурсанд бўлганимдан юрагим ёрила бошлади. Икки кўзимдан оқиб тушган ёшни артиб улгуролмай қолдим. Яна кетма-кет қизлар келиб кўриша бошлади.

— Кечирасизлар, азия ватан меҳмонлари, қайси бирларингиз Мукаррамхон бўласизлар?— деб сўрадим.

— Мен бўламан, онажон,— деди биринчи чиққан товусдек қоматлик жувон, келиб яна мен билан қучоқлашиб қайта-қайта юзимни ўпди. Майин, нозик, оппоқ, ипақдек юмшоқ қўллари билан тўзғиган, оқарган сочларимни силади. Атлас қўйлак, ироқи дўппи, қалам қош, узун киприк икки кўзига ўхшаган қуралай шахло кўзи чақмоқдек ёниб турарди. Қизил юзлари ой жамолини эслатади. Тишлари садафдек оппоқ терилиб турарди. Оёғида бежирим кафш. У ҳақиқатан осмондаги юлдуз, ер фариштаси эди. Мукаррамхоним мени ўзига мафтун қилди. Кўнглим тўлмаёй Маккадан олган хина, сурма тақдим қилдим. Жуда хурсанд бўлди. Гўё боши осмонга етди.



Шу он сурмани кўзига суртиб: «Онажон, кўрдингизми, сурма менга кетар эканми»,— деди кулиб. Бошим осмонга етди.

Яхшилаб овқатландик. Концертга машинада бирга кетдик. Мен билан ўғлим Маъруфжонни энг яхши жойга ўтқазиб қўйишди. Концертдан кейин ҳам ўзимиз бирга олиб кетамиз, дейишди.

Бир неча минг одам кетадиган катта концерт зали томошабинлар билан лик тўла. Концерт ҳар қандай мақтовдан ортиқ эди. Қизлар ўйинга тушганда тасаннолар айтар эдингиз. Бази жамшид ҳам бугунги ўйиннинг олдига тушолмас эди. Охирида Мукаррамхоним якка ўзи тановар рақсига тушди. Бутун зал оёққа туриб, давомли қарсақлар билан қарши олди.

Томошадан кейин бизларни меҳмонхонага олиб бориб, бошлиқ билан гаплашди.

— Булар менинг ватандош меҳмоним. Меҳмонхона кираси, емак-ичмак, овқатлар ҳаражати менинг устимда. Фақат яхшилаб меҳмон қилишингизни илтимос қиламан, деб хайрлашиб чиқиб кетди.

— Мана кўрдингми, олийжаноблик, ҳақиқий одамийликни, ўғлим,— дейман.— Сен бўлсанг ўз пулимга ҳам Маккадан зўр базўр олиб келдинг. Ватанни нима учун севганимни тушунган бўлсанг керак?..

Улар, ҳатто менинг шарафимга ресторанда катта зиёфат беришди. Бутун зиёфатнинг марказида бўлдим. Истаган куйимни чалишди, хоҳишимга қараб, Мукаррамхон «Тановар»га ҳам ўйнаб берди. Тўрт-беш кун ҳушчақчақлик билан ўтди. Кетар кунимиз Мукаррамхоним бир қанча қизлар билан кузатиб хайрлашди. Мукаррамхонимга боғланган меҳр-муҳаббатим ҳамон юрагимда сақланади. Йигирма йилдан бери кўз ўнгимда, худди тушимдагидек жилваланади...

Шу пайт Маъруфжон ҳожи ош тайёр бўлганини хабар қилди.

— Гап билан бўлиб, доктор афандини ҳам оч қолдирдим.

Катта лаганда палов олиб келишди. Палов жуда ҳам яхши дамланган эди.

— Энди, мен 113 баҳорни кўрдим,— гапида давом этди Ҳамронисо она,— ҳамон ақлим расо. Ёшимга қараганда ўзимни яхши сезаман. Ватанни соғинган чоғимда Нодирабегим, Бобир ғазалларини ўқийман. Туркияда бўлган вақтимда Жўра қори олтин пулга ўзбек мақомларини сотиб олиб, менга ҳадя қилар экан, йўқотманг, ватанни соғинганингизда сиз билан дардлашади, деган эди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Фақат мақомлар жонимга ором беради. Болалар ўсди-унди. Алҳамдуллило, дунё ҳам етарлик. Аммо ҳеч нарса юрагимга сиғмайди. Бир нарса етишмай туради. У ҳам бўлса — Ватан. Бош ўғлим Абдуллажон ҳозир 85 ёшга кирди. Истамбулда Истиқомат қилади. Ҳар икки-уч йилда мени кўргани Маккага келади. Ҳар келганда ялиниб-ёлбораман, мени Қўқонга олиб бориб қўйгин, деб. Хўп бўлади, дейди-ю, бир баҳона толиб яна Истамбулга кетиб қолади.

Ўтган йил келганда Қўқонга мени олиб бориб қўясан, деб қаттиқ туриб олдим.

— Онажон, қаерга кетасиз. Макка — ер юзида мусулмонлар учун энг азиз, энг муқаддас жой. Шундай азиз жойни ташлаб қаёққа борасиз?— деди.

Менинг жаҳолатим ошди. Икки кўзим ёшга тўлди. Ким истаса қолаверсин: Билиб қўй: **Менинг каъбам — Ватаним.** Она юртим, ватаним Қўқон. Қўқонда ўламан. Қўпларинг ўзларингга жаннат қидириб юрибсизлар. Жаннат онангнинг оёғи остида. Аввал мен рози бўлишим керак. Менинг розилигим — азиз, муқаддас Ватанга кетиш — у ерда омонатимни топшириш!..

— Доктор афандим,— деди Ҳамронисо она хайрлашар чоғимда,— сиз ҳам менга бола бўлиб қолдингиз. Сиздан яширадиган ҳеч нарсам йўқ.— у ёстиқ тагидан халтага солинган бир нарсани олди.— Шу халтада кафанга ўралган сочим бор. Жўра қорига етказиб, беринг. Жўра қори мени она деб билса, Қўқонга олиб бориб, Нодира бегим қабри ёнига қўйсин. Агар имконият бўлса «ғурбатда ғариб — Ватан доғида ўлган Ҳамронисо қабри» деб ёзиб қўйса бас. Жасадим Маккада қолса ҳам, руҳим азиз Ватанда бўлади.

Гулни олтун жом аро қўйса назарда жилвагар,  
Кўнгли нохуш айлағай у тикан бирла тупроғини.

Ҳамронисо она ғазални ўқиди-ю, хўнграб йиғлади.



Муҳсин Қодиров

## УСТА САНЪАТҚОР

ЎзССР ХАЛҚ АРТИСТИ ҚУДРАТ ХҲЖАЕВ 70 ЁШДА

Халқимизнинг санъат дорилфунуни саналмиш Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик театри деганда, аввало унинг бағрида вояга етган ёрқин истеъдодли актёрлар кўз ўнгимизда намоён бўлади. Зотан Ҳамза театри актёр театридир. Унда ижод қилган режиссёрларнинг аксарияти ҳам ўз билимлари ва маҳоратларини томошабинларга кўз-кўз қилмасдан, актёрларнинг ижроларига сингдириб юборишга интилиб келганлар.

Қудрат Хўжаев театр актёрларининг иккинчи авлодига мансуб бўлиб, театрга Олим Хўжаев, Шукур Бурҳонов, Наби Раҳимов, Амин Турдиевлар билан олдинмакейин кириб келган. Атоқли актёрларнинг ҳар қайсиси бир олам-жаҳон, беқиёс тароват, маҳорат ва гўзалликка эга. Қудрат Хўжаев шундай санъаткорлардан биридир.

У яратган ҳар бир образ, аввало пластик жиҳатдан аниқ ва тугал ишланиши билан эътиборни жалб қилади. Ижросида оний ҳолатлар, нигоҳлар ва рафторлар муҳим ўрин тутди. Бу хусусият актёрлик маҳорати ва техникасининг мукамал эгаллаганидан далолат беради. Шу сабабдан Қудрат Хўжаев қаҳрамонлари ҳар доим ёрқин, аниқ, кўзга яққол ташланувчи бўёқлар билан гавдаланади. Уларда, одатда, ҳиссиётлар, кайфиятлар ва кечинмалар силсиласининг нафис тасвири эмас, балки фикр эволюцияси, ғоявий мазмун етакчилик қилади. Ҳар бир ҳаракат, нигоҳ, рафтор пухта ўйланган, фикр оқимига, қаҳрамон ҳаётининг мазмунига бўйсундирилган бўлади. Қаҳрамон руҳи эса санъаткорнинг энг яхши ролларида фавқуллодда бой, тўлиқ ва бўлиқдир. Қудрат Хўжаев салбий-ижобий лигидан қатъи назар, қандай ролда чиқмасин, кучли, зиддиятли ва мураккаб характерлар яратади; эҳтирос, ғурур, мақсадига шиддат билан интилиш унинг қаҳрамонларига хосдир.

Кўзга яққол ташланадиган яна бир то-

мони шуки, актёр сўзни дона-дона қилиб, мағзини чақиб, жарангли ва чиройли оҳангларда етказишга алоҳида эътибор беради. Албатта, бу ўринда мақсад — сўз ёки жумлани чиройли талаффуз қилишгина эмас, балки маъно юкини, остида яширинган фикрни ёрқин ифода этиш ҳамдир.

Қудрат Хўжаев актёр ва режиссёр сифатида шаклланишида болалиги ва ўспириллигидаги қайноқ ижтимоий ҳаёт ҳам, ўғли она ва қаттиққўл ота қўлида шўх ва қайсар бўлиб ўсиши ҳам, кўпгина воқеаларни бошидан кечириши, чанқоқлик билан кўргани халқ санъати, сайиллари ва томошаларининг сеҳри ҳам, озарбайжон профессионал театри спектаклларининг таъсири ҳам роль ўйнаган.

Қудрат Хўжаев ажойиб санъаткор Лутфулла Назруллаев туфайли театрга астойдил кўнгил қўйган, Ҳамза театри остонасидан ҳатлаб, унинг спектаклларидаги оммавий саҳналарда қатнаша бошлаган. Уни Ҳамза театрининг филиали бўлмиш Ишчи театрига бошлаб олиб борган Лутфулла Назруллаев эди.

Саҳна сеҳри кучли, шўхрати лаззатли экан-у, бироқ унга эришмоқ машаққатли бўларкан. Қудрат Хўжаевнинг танлаган йўлининг тўғрилигига шубҳаланган онлари ҳам бўлган. Шунда уни тажрибали актёрлар, хусусан, ажойиб комик Ҳожи Сиддиқ Исломов руҳан қўллаб-қувватлайди, далда беради. Натижада Қудрат Хўжаев артист бўлишга астойдил аҳд қилиб, ўқиш ташвишига тушиб қолади. Орадан кўп ўтмай, Москвадаги театр институтига йўлланма олади. Беш йил давомида (1932 — 1936) рус актёрлари ва режиссёрлари қўлида таҳсил кўради, саҳна маҳорати сирлари, К. С. Станиславский «система»сини ўрганади. Аммо билимнинг ўзи билангина санъатнинг кенг йўлига чиқиб олиш қийин. Бунинг учун яна тажриба ҳам керак экан. Мана шу тажриба орттириш жараёнида

Қудрат Хўжаевга Аброр Ҳидоятлов, Саъди-хон Табибуллаевлар ибрат, Обид Жалилов, Лутфулла Назруллаев, Етим Бобожонов устоз, Шукр Бурхонов, Олим Хўжаевлар ҳамнафас бўлишди.

Ҳамза театрида ўйнаган биринчи роли — Лазртни Ҳамлет қиёфасидаги Аброр Ҳидоятлов билан ҳамнафас, Вурм ролини («Макр ва муҳаббат») эса Саъдихон Табибуллаев билан шерикликда ижро этиб, улардан ўрганади. Унинг дастлабки қадамларида, айниқса, Обид Жалиловнинг эътибори ва ғамхўрлиги аҳамиятли бўлган.

«1940 йил эди, — деб ҳикоя қилади Қудрат Хўжаев, — «Холисон» кўйиладиган бўлиб, Етим ака менга Норбойвачча ролини берди. Норбойваччага ўхшаган одамларни кўрмагандим. Шу сабабдан кўп ишлашим, кўп изланишимга тўғри келди... Шу ўринда бош қотириб юрган кезларимда, Обид Жалилов жонимга оро кирди. Орамида бўлиб ўтган диалог эсимда:

— Қудратхўжа, қалайсан? Ишларинг жойдими?

— Ишим юришмаяпти, Обид ака.

— Э, нимага? Норбойвачча роли тегибди-ку, нима, норозимисан?

— Нега норози бўлай? Жуда хурсандман. Бироқ бунақа бойваччаларни кўрмаганимданми, ҳеч тасаввур қилолмаяман-да.

— Бундай дегин. Мен кўрганман. Нонуқатиқ бўлмаганман-у, бироқ кузатганман уларни. Бир узоқ қариндошим бўларди, жуда бадавлат, сермаишат. Ҳар гал шаҳарга ишратхонага борадиган бўлса, мени ҳам ўзи билан бирга олиб кетарди. Зиёфатга эмас, албатта. Жонидан ҳам ортиқ кўрадиган бир тулпори бор эди, то ишратхонадан чиққунча отига қараб турардим.

Извонларда салла ўраган, жужунча камзул ёки банорас тўн кийган, шойи белбоғ боғлаган, кўша олтин-кўмуш соат тақиб олган одамлар келарди. Улар ишратхонага виқор билан кириб ундан гандираклаб чиқишарди. Мен ташқи кўринишидан художўй, бамаъни кўринган бу одамларнинг ичкарида маххўрлик қилиши, қимор ўйнаши, фаҳш ишлар билан машғул бўлишига ақлим етмай, ҳайрон бўлиб ўтирардим. Сенинг Норбойваччанг ўшаларнинг бири-да...

Обид Жалилов хотиралари билан бирдан хаёлим ёришиб кетди. Норбойваччани усти ялтироқ, ичи қалтироқ қилиб гавдалантиришни ният қилдим...».

Дарҳақиқат, Қудрат Хўжаевнинг бойваччаси қадди-қомати келишган, бир чимдим қора мўйлови ўзига ярашган, истараси иссиқ, ширин сўз, лекин аслида разил, бераҳм, ўта суллоҳ, фаҳш ва нафс бандаси сифатида гавдаланади. Томошабинлар маъсума бир қизни севган йигитидан айириб, разолат кўчасига улоқтирган бундай одамга лаянатлар ёғдирадилар. Актёр учун бу муқофот эди.

Аммо, бу — актёр ижоди силлиққина ривожланаверди, деган гап эмас. 1944 — 1952 йилларда Қудрат Хўжаев Янгийўл, Самарқанд ва Наманган театрларида ўзини режиссёр сифатида ҳам синаб кўрди. Қанчадан-қанча спектакллар яратди, қанчадан-

қанча ёш истеъдодларга сахна маҳоратидан сабоқ берди, мураббийлик қилди. Онда-сонда бўлса-да, актёр сифатида ҳам кўриниб турди, албатта. Аммо қаерда, қандай фойдали юмуш билан машғул бўлмасин, Ҳамза театри ва актёрлик санъати уни оҳанграбодек ўзига тортар эди. Натижада 1952 йилда Қудрат Хўжаев яна кадрдон даргоҳ — Ҳамза театрига қайтиб келди. Шавқ-завқ, ҳафсала билан ишга киришди. Эпизодик роллардан ҳазар қилмади. Чунки анча илдамлаб кетган тенгдошларига етиб олиши керак эди. К. Тренёвнинг режиссёр Александр Гинзбург томонидан сахнага кўйилган «Любовь Яровая» тарихий-инқилобий драмасида бира тўла икки ролда — полковник Қутов ва чўткачи ролларида чиқиб, нафақат томошабинларнинг, балки ҳамкасблари ва устозларининг диққатини ўзига жалб этади. Негаки, қисқа фурсатда бир қиёфадан иккинчи қиёфага ўтиш батамом бошқа-бошқа характерга эга икки қарама-қарши синф вакилини гавдалантириш осон эмас эди. Атоқли турк ёзувчиси Нозим Ҳикматнинг асари асосида яратилган навбатдаги «Туркия ҳақида ҳикоя» спектаклида журналист Комил образи билан Қудрат Хўжаев истеъдодли ва маҳоратли актёр эканини яна бир бор намойиш этиб, театрнинг тагин ўз одами бўлиб олди.

Санъаткорнинг ижодий қисмати шундай бўлдики, у сахнада ҳам, кинода ҳам кўпроқ салбий ролларда ўйнади. 1929 йилда ҳаваскорлик тўғарагида «Арслон» спектаклида ўйнагани Имом ролийёқ сатирик бўёқлар билан ишланган эди. Ушанда санъаткорларнинг оғаси — Маннон Уйғурнинг меҳрини уйғотган эди.

Шу-шу актёр гоҳ сатирик, гоҳ драматик салбий образлардан ажралмади. Бу ҳақда сўз борганида, Қудрат Хўжаев яратган: Вурм («Макр ва муҳаббат»), Анварпошша («Темур»), Норбойвачча («Холисон»), Франц Моор («Қароқчилар»), Бейли («Йўлчи Юлдуз»), Қори («Тобутдан товуш»), Юлий Цезарь (Шекспирнинг шу номли трагедияси), Аслзода («Қонли сароб»), Дарвиш («Ой тутилган тунда»), Искиердо («Ўлимдан кучли»), Саблин («Олтинчи июль») образлари кўз ўнгимизга келади. Буларнинг ҳар қайсиси махсус таҳлилга лойиқ образлардир.

Абдулла Қаҳҳорнинг жанр жиҳатидан сатирик комедия бўлган «Тобутдан товуш»да режиссёрлар А. Гинзбург ва А. Турдиев, ижрочилардан С. Табибуллаев (Сухсуров), И. Болтаева (Нетайхон), Ф. Аъзамов (Юсуф) кабилар сахна сатирасида муваффақият қозонган эдилар. Шулар қаторида Қудрат Хўжаев ҳам (Қори) ҳаётда кузатгани имом-домлаларнинг қироатхонлиги, виқорли, бежирим кўриниши ва баъзи бир нопок қилмишларини асос қилиб олган ҳолда гротеск воситалари билан қаҳрамонини фош этади, кескин қоралайди. Актёр бу тўғрида «Ўзаллик шайдосиман» деб номланган эсдаликларида шундай деб ёзди: «Мен уни зоҳиран ғоятда мулойим, шакарғуфтор, «қўй оғзидан чўп олмаган», ботинан ўлғудай разил, ҳаромтамоқ ва мак-

кор бир нусха қилиб ўйнадим. Бошимни бир елкамга хиёл эгиб, кўлимни кўксимга қўйиб, оёқ учида пилдираб юриб, одамларнинг оёзига термилиб, Нетайхон билан ишқибозлик устида қўлга тушганда ҳам ишшайиб тураман... Нима қилган бўлмай, Қорига ўхшаганларнинг ниқобини йиртиб ташлаш ниятидан келиб чиққан эдим». Актёр роль устида завқ билан ишлаб, бир талай кулгили ҳолатлар излаб топгани, қайсики образини ҳажвийлигини оширибгина қолмай, айни чоқда руҳияти нуқтаи назаридан асослашга хизмат қилган эди.

Мустай Каримнинг «Ой тутилган тунда» драмасининг иккинчи постановкасида (1972 йил) ҳам Қудрат Хўжаев яна руҳоний образига дуч келади. Бу — кўринишдан ғариб, художўй бўлса-да, аслида тошбағир, пок туйғуларни топтаб ўтувчи ва ўзгаларнинг алам-изтиробларидан роҳатланувчи Дарвишдир. Аммо актёр уни Қори образидан фарқли ўлароқ, драма воқеаларига ҳамоҳанг психологик воситалар билан гавдалантирди. Шу сабаб Дарвиш бирданга фош бўлмайди. Актёр унинг сохта зоҳидлиги, аслида худбин, шахватпараст бир кимсалигини аста-секин очиб боради. Натижада, Дарвишда сатира ва драматизм ўйғунлашиб кетган. Ижро принципи жиҳатидан Қори билан Дарвиш образлари аслида этгизак. Чунки иккаласида ҳам ташқи кўриниш асл моҳиятга зид қилиб кўрсатилади. Фақат бу зидлик Қорида дарҳол ва қуюқ бўёқларда ошкор бўлса, Дарвишда воқеалар давомида секин-аста ва нозик, психологик воситаларда рўйбга чиқади.

Сатира билан драма воситаларини боғлаб, мураккаб образ яратиш осон эмас. Бу — Қудрат Хўжаев истеъдоди ва маҳорати-дан далолат.

Аслзода Саидхон роли (Сарвар Азимов, «Қонли сароб») актёр олдига саҳнада янги характерни кашф этишдек оғир, лекин кизиқарли вазифа қўйди. Чунки шу пайтгача Саидхондек мураккаб характерли ватангадо образи бўлмаган эди. Аммо Қудрат Хўжаев ўзининг бой мимикаси, серифода ҳаракатлари, айниқса, зарбли, жарангли ва маънодор нутқини ишга солиб, ташқи тақаллуф, маданият остида яширинган худбин, маишатпараст, озодлик, тенглик, социализм душмани образини яратади. Актёр Саидхонни фош этишга дошолмайди, ҳатто уни бирмунча жозибали, қувноқ, кучайратга тўлиб тошган қилиб кўрсатади. Аммо вақти-вақти билан Саидхон — улжасига ташланишга тайёр турган йирткичини эслатади.

Қудрат Хўжаев ижод этган турли-туман зиёлилар образлари ҳам ана шундай хусусиятларга эга. Шу қатордаги биринчи иш — «Ҳалима» спектаклидаги жадид Зокиржон роли бўлиб, у 1930 йилда Ишчи театрида ўйналган эди. Шундан кейин икки-юзламачи доцент Муллажонов («Сўнги пушаймон»), хушомадгўй адабиётшунос Назаров («Кечирилмас гуноҳлар»), худбин профессор Серебряков («Ваня тоға»), ра-

зил илмий ходим Санжаров («Имон»), со-вет ҳокимиятининг ашаддий душмани Назирий («Ҳамза») каби зиёилик ниқобида юрган қатор қабиҳ одамларнинг образлари яратилди.

Аммо, зиёлилар образи ичида ижобийлари ҳам бўлдики, уларни актёр лирик туйғулар, романтик кайфиятлар, инсоний кечинмалар билан таъминлади. Бу ўринда Илҳом («Орак сирлари»), Саккокий («Мирзо Улуғбек»), Холендро («Истеҳком») каби образларни эслатиб ўтиш жоиздир. Афсуски, актёр истеъдодининг мана шу жиҳатини ривожлантиришга на саҳна, на кино режиссёрлари етарли эътибор бердилар.

Гарчи Қудрат Хўжаев кўпроқ салбий ролларда ўйнаган бўлса-да, уларни, баъзиларга ўхшаб, очиқдан-очиқ, ёқимсиз, хунук ёки совуқ қилиб гавдалантирмайди. Дабдурустандан фош этишга дошолмайди. Уларнинг салбийлиги воқеалар давомида ошкор бўла бошлайди. Актёр характер моҳиятини очиш, дунёқараш ва ҳаётий позицияни фош этиш орқали салбий қаҳрамонининг асл моҳиятини очиб ташлайди.

Кино санъатида ҳам Қудрат Хўжаевнинг ўз ўрни бор. «Асал» ва «Гуллар очилганда» фильмларда эпизодик ролларда чиқиб, кино спецификасига бир оз кўниккан ёш актёр «Алишер Навоий» фильмида маддоҳ ва жосус Наргизнинг яхшигина образини яратиб, режиссёр Комил Ерматовнинг эътиборини қозонди. Кейин ҳам у Комил Ерматовнинг «Абу Али ибн Син» фильмида элчи, «Икки дил дostonи» фильмида шоир Нақшибек образларини яратди. Латиф Файзиёвнинг «Бой ила хизматчи», «Ленин йўлланмаси билан» фильмларида пристав ва турк ролларида ўйнади. Аммо Қудрат Хўжаевнинг кинодаги икки роли — «Амирликнинг емирилиши»даги Эсонбой ва «Дорбозлар» фильмидаги Мирҳайдар кўрбоши образлари ҳам ғоявий мазмундорлик, ҳам ижро жиҳатидан эътиборли бўлди. Актёр бирида қишлоқ бойининг разиллиги, аксилинқилобий ҳаракатларини, иккинчисиде олифта кўрбошининг беҳуда чиранишларини фош қилди. Умуман олганда, санъаткор кинода театрда орттирган тажрибаларини ишга солди. Гарчи кинода у театрдагичалик даражага эришмаган бўлса-да, бунинг сабабини кинога кам тортилганлигидан кўриш мумкин.

Қудрат Хўжаев кенг кўламадаги иқтидорли санъаткор. Атоқли актёр қўлида қалами бор малакали режиссёр. (Ҳайитмат Расул, Ҳаким Зоҳидий билан қўшилиб, «Куёв омонати», «Гавҳарим» деган пьесалар ҳам ёзган). У ҳаваскорлик санъатининг ривожига ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Абурайҳон Беруний номли Тошкент Политехника институтини қошидаги ҳаваскорлик тўғрагида «Отелло» трагедияси ва «Алишер Навоий» драмасини саҳналаштирди. Аммо, бари бир, Қудрат Хўжаев бизга актёр сифатида азиз ва мўтабардир. Халқимиз қалбидан артист сифатида жой олгандир.

## СЎЗ ЛУТФИДА ЯГОНА ЛУТФИЙ

Мавлоно Лутфий Ҳиротда XIV аср иккинчи ярми ва XV аср ўзбек дунёвий адабий ҳаётида юксак ўрин эгаллаган улўф шоир ҳамда Алишер Навоийдек сўз санъаткорининг етишувида муҳим роль ўйнаган устоз сиймолардан биридир.

Алишер Навоий таъбири билан айтганда Лутфий ўз замонининг маликул-каломи, айниқса туркийда (ўзбек тилида) шуҳрати кўпроқ, азиз ва табаррук киши эди. Шоирнинг ўзбекча девони ўзи ҳаётлиги ва ундан кейинги беш аср давомида жуда машҳур бўлиб, халқ ўртасида кенг оммалашиб кетган эди. Бу фикрни шоир девони қўлёзмасининг бизгача етиб келган ва СССР ҳамда ҳорижий мамлакатлар қўлёзма фондларида сақланаётган йигирмадан ортиқроқ нусхаси ҳам тасдиқлайди.

Атоқли тарихчи олим Хондамир «Мақоримул-ахлоқ» («Яхши хулқлар») номли асарида сўз лутфида ягонаи даврон мавлоно Лутфийнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтлар ижод этганлигини ёзади. У шоирнинг ёш Навоий билан бизга маълум учрашуви вақтида таъсирланиб ҳаяжон билан айтган юқоридаги рақамни ҳам келтиради. Бу далил шоирнинг лирик мероси қанчалик бой эканлигини кўрсатиш билан бирга уни тинмай излаш лозимлигини тақозо этади. Чунки ҳозиргача Лутфийнинг фақат 4500 мисрадан ортиқроқ ўзбек тилидаги рубоий, ғазал, қитъа, туюқ, фард ҳамда айрим байтларигина маълум.

Шу жиҳатдан шоирнинг Париждаги «Миллий кутубхона»нинг туркий қўлёзмалар бўлимида 981 инвентарь рақами остида сақланаётган 96 варақли эски ўзбек тилидаги девони қўлёзмаси алоҳида илмий аҳамиятга эга.

Лутфийнинг ушбу девонини синчиклаб

қиёсий ўрганиш натижасида бу шоирнинг ҳозирча фанга маълум қўлёзма нусхалари орасида нодир ва ижодкор яшаган даврга яқин вақтда кўчирилганлигини англаш мумкин.

Лутфий девони қўлёзмасининг бу нусха-сидаги кўпгина ғазал, рубоий, туюқ, қитъа, фардлар янги эканлиги ва улар шоир шеърининг нашрларига кирмай қолганлиги муқояса усули билан аниқланди.

Унинг эълон қилинмаган меросидан ҳозирча етмишдан кўпроқ шеъри (ғазал, рубоий, туюқ, қитъа, фардлар) ушбу сатрлар муаллифи томонидан нашрга тайёрланиб, УзССР Фанлар академиясининг Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти олимларининг илмий тўплами «Адабий мерос»нинг бир неча сонларида чоп этилди. Бу ноёб лирик мероснинг ҳали нашр этилмаган қисми эса алоҳида китоб тарзида босмага тайёрланмоқда.

Лутфий йирик сўз санъаткори сифатида яратган ва бадийй етукликнинг ёрқин намунаси бўлган эҳтиросли, сермазмун мисраларида инсон қалбининг энг нозик туйғуларини ва инсонларварлиқни, илғор фикрлиқни, адолат ва ҳақиқатни, ҳаётга муҳаббатни, дунёвийликни, гўзал инсоний фазилатларни куйлаган, илми, мурувватни, эзгуликни улуғлаган, ўзбек ғазалиётининг мавзу доирасини ғоявий жиҳатдан кенгайтирган ижодкор тарзида ёрқин гавдаланади.

Лутфийнинг янги ғазалларидан қуйидаги намуналар биринчи марта нашрга тайёрланиб, ҳурматли журналхонлар ва шоир ижодининг кўпсонли муҳлислари эътиборига ҳавола этилмоқда.

**Эркин АҲМАДХУЖАЕВ,**  
филология фанлари кандидати.

\* \* \*

Ул сенинг жоду қароқинг ишва хандон айлади,  
Ким юз илғи муттақийни номусулмон айлади.

Килк қудрат дуди оҳимдин тугор эрди қаро,  
Кўзу қошинг нақшини ул дамки, яздон айлади.

Ташладинг оби даҳан ер узра истаб оқибат,  
Хизр они топтию отин оби ҳайвон айлади.

Лоф урур эрди магар гунча набот оғзинг билла,  
Оғзина ер урди андоқким тўла қон айлади.

Эй маломат гар нетонг ул юзга ошиқ бўлмайин,  
Ким Юсуфтек барча нозикларни ҳайрон айлади.

Юз минг олтунға баҳолар зарра хоки пойини,  
Офарин ким, нархи гавҳар асру арзон айлади.

То қиёмат сендин ўзга қилмағай Лутфий кўнгул,  
Ким азалда ишқ ила ул аҳду паймон айлади.

\* \* \*

Бўлди баҳору сенсиз йўқтур чаманда нури,  
Фирдавс бўлди гулшан йўқтур дариф ҳури.

Асбоби айшу ишрат бўлди тамом ҳосил,  
Сенсиз не чорадурким, топмас кўнгул ҳузури.

Ҳуру паридан ортуқ бордур жамолинг аммо,  
Меҳру вафодадур савр ҳусунгда йўқ қусури.

Ҳусунгға ишониб кўп жабру жафо қилурсен,  
Кўрклук киши бошинда ори бўлур ғурури.

Лутфий хаста бўлди жондин малул сенсиз,  
Бўлғай ҳаёт зоеъ чун бўлмаса сурури.

\* \* \*

То қазо тузди қошинг меҳробининг бунёдини,  
Кўрмади ҳеч ким асос зуҳднунг ободини.

Ошиқи ким нақд умрин қилди ёдинг бирла сарф,  
Не раво бўлғай ким, охир қилолмағайсен ёдини.

Сўнгра гар ширин лабиндин берса ҳалвони осиг,  
Чин фалак ҳасратта тупроқ айлади Фарҳодини.

Ё мунунгтек бўлма нозик, то сени эл севмағай,  
Ё агар бўлдунг жамолингдин бир элнинг додини.

Лутфийнинг уйқучи бахти уйқудин уйғонмади,  
Қудслар гарчи эшитти нолау фарёдини.

Рикобингизда менга салтанат ато бўлди,  
Бу йўл қисқалиғи жонима бало бўлди.

Ҳам ул замон ки қошинг тоқи бўлди меҳроби,  
Кўнгул муроди-ю жон ҳожати раво бўлди.

Сабо кетурмади ул турранинг шамомасини,  
Магар ки мен жилойин анда мубтало бўлди.

Не хуш чирой бўлур, ёраб, ул таол-оллоҳ,  
Ки ёди бирла кўнгул мазҳари сафо бўлди.

Сочинг салосили Лутфийни чекти ҳақ сори,  
Мажоз уланди ҳақиқатқа мунтаҳо бўлди.

\* \* \*

Кўздин мени солдинг, севарим, нетти не бўлди,  
Гар ҳуснунгга тушти назарим, нетти не бўлди,

Мендин садақангни аядинг, бир қиё боқмоқ,  
Эй кўзлари чўлпон қамарим, нетти не бўлди.

Бир кун сени кўрдум демадинг гарчи ўқунгга,  
Қалқон эди умри жигарим, нетти не бўлди.

Кўз ҳаққи агар бўлмаса сиз зарра сучукдур,  
Эй сўзи дудоғи шакарим, нетти не бўлди.

Дардингдин ўлуб арзимадим бир сўрорингга,  
Эй кўнгли қаттиқ ишвагарим, нетти не бўлди.

Ул тош киби кўнглунгда не ҳол дурурким,  
Қилмас асар оҳи саҳарим, нетти не бўлди.

Йил кечса бирор Лутфийнинг отин атамассен,  
Эй ўз қулидин беҳабарим, нетти не бўлди.

Нашрга тайёрловчи  
Эркин АҲМАДХУЖАЕВ,

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,  
филология фанлари доктори

## САРҲИСОБ

Мирмуҳсин бадиий ижоднинг узок, машаққатли ва самарали йўлини босиб ўтди. У ўз ўқувчиларига икки юздан ортиқ катта-кичик китоб ҳада этди, бу асарларнинг талайгинаси рус ва қардош халқлар тилларига таржима қилинди, чет тилларда босилди. Мирмуҳсиннинг халқ ва партия олдидаги хизматлари —ўзбек совет адабиётини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси юқори баҳоланди, унга уч марта «Хурмат белгиси» ордени, қатор медаллар берилди, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони ва «Умид» романи учун Ҳамза номидаги республика Давлат

мукофоти билан, «Дегрез ўғли» романи учун эса ВЦСПС мукофоти билан тақдирланди. У қирқ йилдан буён муттасил меҳнат қилади, изланади, аввал ўзига хос шоир кейин қиссанавис сифатида кўринди ва ниҳоят йирик романнавислар қаторидан ўрин олди.

Мирмуҳсин 60-йиллар охиригача асосан шоир сифатида танилган эди. «Жамила», «Оқ мрамор», «Чўри», «Тунги чақмоқлар» каби повестлари эълон қилингандан кейин Мирмуҳсинда насрий жанр имконияти мавжуд эканлигини китобхонлар ҳам, танқидчилик ҳам тан ола бошлади. Агарда Мирмуҳсиннинг илк ижодига ва айниқса шеър-иятининг шакли —йўналишига разм солинса, насрий туйғу унинг услубига, табиатига жуда яқин эканлиги ва ижоддаги биринчи қадамларидан бунга мойил бўлганлигини сезиш мумкин. Мирмуҳсиннинг биринчи шеъри «Эр йигит» босилган 1936 йилда («Совет адабиёти») «Ёш куч» журналида «Шералининг мардлиги» деган ҳикояси ҳам эълон қилинганди. 1942 йилда Мирмуҳсин билан Саид Аҳмаднинг «Эр юрак» деган ҳикоялар тўплами босилиб чиқади. Энг муҳими, Мирмуҳсиннинг аксари шеърлари конкрет бирор одам, воқеага бағишланади. Уларнинг заминида ҳар доим воқеий сюжет ётади ва шоир шу эпик элемент билан лирик ҳолат, лирик персонажнинг кечинмаси, кайфиятини узвий қўшиб таҳлил этиш орқали замондошларининг образини чизади. Мирмуҳсин оддий меҳнаткашлар тўғрисидаги фикр-туйғу, тасавурларинигина эмас, балки бевосита уларнинг жонли образини шеър-иятга олиб киришга интилди. Мана, турли даврда ёзилган шеърларнинг баъзиларини эслайлик: «Инкубатор», «Агитатор», «Зоотехник», «Селекциячи», «Қишлоқ врач», «Жолио-Кюри», «Чандралика», «Қора кўзойнак», «Ишчи», «Тожиқ қизига». Бу шеър-





лар Мирмуҳсиннинг ҳаёт қаҳрамонларини шеърга олиб кириш, замондошлар фази-лати ва руҳини бирор конкрет, қизиқ воқеа ва ситуация орқали, ҳам лирик персонажнинг ички коллизияларини таҳлил этиш, унинг руҳий ва ташқи портретини чизиш орқали акс эттиришга мойиллигини кўрсатади. Бу йўл — усул жуда мураккаб бўлиб, меҳнат ва маҳорат сусайган онда оддий, жўн, натуралистик ва схематик шеърлар туғилиши мумкин эди. Мирмуҳсиннинг бундай тажрибалари ҳар доим сабоқ бўлиб қолади. Аммо Мирмуҳсин шеърятининг, тўғрироғи повестлари, романларининг демак бутун ижодининг пафосини ўша «Эр йигит» шеъри ва «Эр юрак» китобининг сарлавҳасида таъкидланганидек халқ учун ҳаётини бахш этган ва катта орзулар сари интилган чин инсонлар — эр юракли одамларнинг образини яратishi ташкил этади. Мирмуҳсин бир шеърда «Ким меҳнатда доим ғолиб, курашда ёвқур, кўркмас, ким жангларда курбон бўлган, элга тушганда хатар?», деб савол беради ва ғурур билан «Коммунистлар деб айтаман, фахр этаман жаҳонда», дейди. У борлигини шундай одамларни куйлашга қаратди ва шунга интилди.

Мирмуҳсиндаги бу истак ва орзу уни йирикроқ жанрга — поэма жанрига қўл уришига олиб келди.

Мирмуҳсиннинг дастлабки поэмалари бир хил савияда ёзилмаганини айтиб ўтиш керак. «Карл Маркс» балладасида ҳам, «Ўзбекистон ёзувчилар союзининг кутубхонаси» сериясида алоҳида нашр этилган «Ватан қизи» поэмасида ҳам, маълум даражада «Яшил қишлоқ», «Абдулла Набиев» поэмаларида ҳам баёнчилик, жўнлик, сустлик бор эди. Аммо «Уста Ғиёс» поэмаси Мирмуҳсинни шоир сифатида элга танитди, бу асар адабий жамоатчилигини ҳам, ўқувчиларни ҳам қувонтирди. Мирмуҳсин унда давр—қишлоқнинг онгли, илғор янги руҳдаги кишининг ёрқин, жонли образини чизиб бера олди. Шоир воқеавийликка берилиб кетмади, ҳаётий сюжет билан лирик пардани узвий қўшиб олиб борди. У диққатини қаҳрамони Уста Ғиёснинг руҳий дунёсини, психологик ҳолатини таҳлил этишга қаратди, унинг ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларининг илдизлари, маънавий асосларини очди, оламга Уста Ғиёс кўзи ва қалби орқали боқишга муяссар бўлди. У оддий колхозчининг оддий ҳар кунлик фаолиятдан қаҳрамонона ҳолат топа олди. «Широқ» поэмаси кўтаринки руҳи, романтик йўналиши ва қаҳрамонлиқни улуғловчи пафос билан Мирмуҳсин ижодида яна бир ютуқ бўлди. Тўғри, материалнинг ўзи романтик. Широқ ҳақидаги афсонанинг ўзи қаҳрамонона руҳда. Мирмуҳсин бу асарда афсонани ҳаётий ўткир ғоя — озодлик, ватанпарварлик ғоясини ифодалашга хизмат эттира олган. Уткир драматизмга, кучли коллизияларга ва жиддий мушоҳада, умумлаштиришларга бу поэма Мирмуҳсинни янада йирикроқ асар ёзишга қурби етишидан далолат берди. Мирмуҳсинни кўпинча воқеавийлик-

эпик сюжет, персонаж — қаҳрамонларнинг кўп бўлиши, воқеа ва персонажлар фаолияти ўтадиган жой-макон ва вақтнинг кенг, узоқ бўлиши қизиқтиради. Қатор поэмаларида воқеавийлик, тавсифийликнинг чўзилиб кетиши ҳам шундан эди. Бу нарса унинг «Зиёд ва Адиба» деган шеърый романида ҳам яққол кўринди. Лекин Мирмуҳсиннинг замондошлар образини чизиш учун жанр соҳасидаги изланиши эътиборга лойиқ эди. У ўзбек совет шоирлари орасида шеърый роман жанрига биринчи бор қўл урди, кейинчалик Ҳусниддин Шарипов, Барот Бойқобилов, Мухаммад Али ҳам бу жанрда ўз куч-имкониятларини синаб кўрдилар. Аслида рус ва умуман жаҳон поэзиясининг синалган бу жанри ўзбек классик адабиётида қадимдан мавжуд эди. «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»лар шарқнинг шеърый романлари эди. Адабиётимизга насрий роман-реалистик роман жанри кириб келгач ва муқим ўрин олгач, юқоридагидек шеърый роман жанрини шундайлигича такрорлаш мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам Мирмуҳсиннинг жанр соҳасидаги илк изланишининг ўзи ижобий ҳодиса ҳисобланади.

Мирмуҳсин прозада ҳам шеърятдагидек кичикдан каттага, оддийдан мураккабга қараб борди: ҳикоянависликдан романчиликка кўтарилди. Унинг айниқса «Араб ҳикоялари» туркумидаги катта ҳаяжон ва синчковлик билан ёзилган психологик чуқур ҳикоялари ўзбек адабиётида хорижий мавзу талқинига қўшилган ҳисса бўлди. Буларда ёзувчи оддий халқнинг оғир аҳволи, маънавий юксаклиги ва айниқса мустамлақачиларга, зулмга қарши кураш туйғусининг уйғонишини кўрсатишга диққат қилади. Ҳикоялари учун фожиавий воқеалар, фожиавий тақдирли одамларни танлайди ва уларнинг ички кечинмасини, психологик ҳолатини чуқур таҳлил қилади («Али Маҳдий», «Жабрдийда», «Мона»). Мирмуҳсиннинг Миср, Сурия, Ҳиндистонга қилган сафарлари, шу «Араб ҳикоялари» туркуми устида ишлаб ортирган тажрибаси, йиққан фикр-хулосалари унинг кейинча Афғонистон сафари натижаси ўлароқ ёзилган «Чодрали аёл» повестининг дунёга келишига кўмак берди. Адиб афгон халқи тақдири мисолида озодлик учун курашган шарқ халқларининг ва шу жараёнда онги, руҳий дунёси ўзгарган меҳнаткаш инсонларни кўрсатади. Халқ ҳаётида буюқ бурилиш — Апрель революцияси воқеасини асар марказига қўйган Мирмуҳсин Сидқий ва Мадинанинг мураккаб тақдирлари мисолида кўрсатиб беради. Ёзувчи инқилоб арафасидаги халқнинг оғир, ночор ҳаёти, феодал тартибидан норозилигини тасвирлаш орқали уларнинг инқилоб сари қонуний юришини акс эттиради. Ёзувчи Сидқийни айниқса Мадинани шаклландувчи, инқилобий кураш жараёнида тобланувчи образлар тарзида талқин қилади.

Яна Мирмуҳсин ҳикояларига қайтсан, унинг ҳикоячиликдаги диққатни тортган иккинчи соҳаси болаларга бағишланган асарларининг китобхонларга маъқул бўлиши-

дир. Унинг кичик ёшдаги болалар ҳақидаги ҳикоялари қайта-қайта нашр қилинди, ҳатто ёзувчилар союзи йиғинларида Мирмуҳсинни болаларга бағишлаб ҳикоялар ёзишни давом эттиришга даъват этилган вақтлар ҳам бўлган. Бундай ҳикоялар ихчам, қизиқарли воқеа асосига қурилган, содда ёзилган. Уларда болалар характери ва руҳини, психологиясини очишга диққат қилинади. Адиб катта дунёни таниётган, ўқиш, табиат билан, одамлар билан муносабатга кириш жараёнида ўсиб, ўзгараётган болаларни кўрсатади («Лола», «Иқбол ва капалак», «Мўтиллаб» тўпламлари). Мирмуҳсиннинг «Ҳасан ва Ҳусан» китобининг Москвада икки топқир босилиши, «Слива и урюк» китобининг ҳам Москва, ҳам Киевда, «Маленький доктор» китобининг Киевда нашр этилиши ҳам бежиз эмас.

Ўзбек халқининг ўтмишидан олиб ёзилган «Оқ мармар», «Чўри», «Тунги чақмоқлар» повестларида Мирмуҳсин қизиқарли, ҳатто фожиавий воқеалар ва драматик тақдирли одамлар ҳаётини тасвирлайди. Меҳнаткаш халқ билан юқори табақанинг кескин тўқнашуви асосига қурилган бу повестлар китобхонни ўзига жалб қила олди. Буларда ёзувчи актив, курашчан қаҳрамонларни яратишга уринади. Севгис барбод бўлган Мардонкул билан Бибижон тақдир китобхонга ўша тузумга нисбатан нафрат уйғотади, «Оқ мармар» повестидаги бу қаҳрамонларнинг ҳаёти фожиали яқунланади: Мардонкулнинг ҳалок бўлганини эшитган Бибижон ўзини оловга ташлаб ёндириб юборади. «Чўри» повестининг қаҳрамонлари — Бибигул ва Ниёзмуродлар ҳам хонга қарши кўзғолонда қатнашиб ҳалок бўладилар. Бу повестларнинг сюжет чизиғи ва айниқса бош қаҳрамонларни талқин қилишда халқ дostonларига хос шартлилик принципи кенг қўлланган. Урта Осиёнинг Россияга қўшилишига бағишланган «Тунги чақмоқлар»да адиб тарихийлик принципига жиддий эмал қилиб, реалистик тасвир боида маълум муваффақиятни қўлга киритди. Бироқ бу повестларда тасвирда баъзан тиниқлик, теранлик етишмаслиги, баёнчилик, схематизм ва композицион тарқоқлик сезилади. Айрим шундай қусурлар «Чодрали аёл»да ҳам учрайди. Персонажлар ҳатти-ҳаракатини мантиқий, психологик асослаш ва уларнинг руҳий оламини етарлича теран таҳлил эта олмаслик каби нуқсонлар учраб туради.

Санаб ўтилган бундай етишмовчиликлар «Жамила» повестида ҳам мавжуд. Ёзувчининг насрдаги биринчи йирик асари, шунинг учун тажриба етишмаслиги турган гап. Бироқ ёзувчи унда ўз замондошининг образини чизишга интилади, бош қаҳрамони Жамиланинг мураккаб ҳаёт йўлини ишончли тасвирлайди, уни ҳаёт мактабидан ўтказиб, онги, психологияси ва характерига ўзгаришлар жараёнини конкрет кўрсатади. Жамила эскича оилавий қафасни ёриб чиқиб, катта коллектив орасида ўз ўрнини топади ва севгида ҳам бахтга эришади. Ёзувчи унинг аввалги эри Маннонжон ва қайнонаси Лутфинисо образини, ай-

ниқса меҳрибон ўғай онаси Қутбинисо образини ишонarli чизган. Жамиланинг ҳаёт йўли социалистик давримизнинг гуманистик кучини ифодалайди.

Мирмуҳсин романчилик соҳасида ҳам мураккаб эволюцияни бошдан кечирди. Албатта, «тор шилдироқ ариқчадан дарёга сузиб» ўтиш (адибнинг ўз ибораси — С. М.) яъни шеърятдан романчиликка ўтиш осонликча бўлмади. Биринчи романи «Чиниқиш»да, менинг назаримда, қисса жанрига хос хусусиятлар устунлик қилади. Бироқ Мирмуҳсин бу асари билан «тарбиявий роман» (роман воспитания) яратиш соҳасида маълум ютуққа эришди. Агар «Жамила»да бош қаҳрамоннинг ўзи уни ўраб турган қобикни — ғовни ёриб чиқишга интилган бўлса, «Чиниқиш»да ташқи муҳит, коллективнинг шахсни ўзгартирувчи, тарбияловчи қудрати очилади. Ёзувчи бош қаҳрамон Алижонни чиниқтирувчи ғовлар, лирик ва сатирик ситуацияларни ишонarli чиза олади. Мазкур асар Мирмуҳсиннинг йирик жанрда жиддий асар ёзажагига умид уйғотди.

Дарвоқе адибнинг «Умид» романи (1969) гогавий-бадий жиҳатидан аввалги барча прозаик асарларидан мукамал чиқди ва танқидчилик ижобий баҳолади. Асарда шу вақтгача ўзбек адабиётида диққат қилинмай келинаётган мавзу—олимларнинг пахтачиликни ривожлантиришдаги фаолияти масаласи асос қилиб олинади ва зиёлилар образи чизилади. Мураккаб ҳаётнинг конфликтлар орқали асарда иштирок этган қаҳрамонларнинг маънавий дунёси, психологияси, характери ёритилади. Ёзувчи бош қаҳрамони Умиднинг ҳаёт йўлини, вояга етиш жараёнини, пахтанинг вильтага чидамли янги навини топиш мақсадидаги изланишларини кенг, ишонarli тасвирлади, бошқа қаҳрамонлар образи ёрқин чиқиши учун ҳам катта меҳнат қилди.

Мирмуҳсин ҳар бир қаҳрамонининг ахлоқий позициясига, ҳаётга қараши ва ўз фалсафаси борлигига алоҳида диққат қилади: профессор Обидий топган илм-обрўйини фақат «давр суриш» учун хизмат эттиради, хотини эрининг касбидан харом-хариж бойлик тўплаш учун фойдаланади. Қизи эса шарм-ҳаёсиз юриш-туришга сажда қилади. Умид, унинг ёшлигидан тортиб бошини силаб келган Соқрат домла, профессор Шукур Каримов каби образлар катта мақсад ва юксак орзулар билан яшовчи, шулар учун интилувчи актив қаҳрамонлар сифатида кўринади. Романда мантиқий ва психологик далилланмаган ўринлар йўқ эмас. Унинг устига Мирмуҳсин ҳамма романида бирор тарихий воқеа, географик ҳодисага доир справка бериш усулини қўллайди. Бу нарса, «Дегрез ўғли»да ҳам, «Меъмор»да ҳам, «Чотқол йўлбарси»да ҳам бор. Бироқ бундай спрвакалар орасида асарнинг сюжетида, унинг руҳи ва ҳаво-сига, қаҳрамоннинг психологик ҳолати ва кайфиятига унчалик боғланмай қолган ўринлари учраб туради.

Адибнинг навбатдаги «Дегрез ўғли» романи «Умид» билан кўп жиҳатдан ҳам-

оҳанг. Бунда ҳам ёзувчи диққатини имон, эътиқод, виждоний поклик ва инсон тақдири учун кураш масаласига қаратади. Ширин турмуш ва инсон камолотига қарши тош отувчиларни ва уларга қарши турган илғор кучларни тасвирлайди. Мирмуҳсин тобора ҳаётни, воқелигимизни мураккаблиги, зиддиятлари билан кўрсатишга, ғоявий-маънавий кураш жараёнида вояга етган одамларнинг образини яратишга иштиёқ қўя борди. Оддий ишчиликдан райижроком раиси даражасига кўтарилган Арслон тақдири орқали ҳаётимизнинг — давримизнинг гуманистик моҳиятини очади. Ёзувчи романини бош қаҳрамонининг бугунги ҳаётини кўрсатишдан бошлайди: райижроком раиси Арслон Улмасбоевнинг ишдан бўшатилгандан кейинги изтиробли ҳолатини тасвирлаб, кейин Арслоннинг ёшлиги, заводга ишга келгунча ҳаётда йўл тополмай адашиб юриши ва отасининг дўстлари, заводнинг илғор одамлари Нишон ота, Нурғалиев, Матвеев, Ҳайитбой оқсоқоллар ёрдамида заводда ўрнини топиши, Барчин билан муҳаббат тарихи, тўхматга қолиши ниҳоят райком ҳамда юқорида тилга олинган дўстлари ёрдамида оқланиши — ҳақиқатнинг қарор топишини кўрсатади. Мирмуҳсин ўз прозасида шахснинг камол топишидаги ички ва ташқи омилларга, муҳитга, коллективга ҳамда оила билан катта ижтимоий ҳаётнинг узвий бирлигини акс эттиришга кўп диққат қилади. Оилавий майдон катта ҳаётни кўрсатувчи сюжет билан жипс боғланиб, асар конфликтининг кескин тус олишига фаол кўмак беради. Бу ҳол ёзувчининг «Меъмор» романида ҳам бор. Меъмор Нажмиддин Бухорий асарнинг бош қаҳрамонларидан. Унинг тақдири, оиласининг тақдири катта ҳаётни — XV асрдаги халқ ҳаётини, ўша даврдаги ижтимоий зиддиятни, зулм, жаҳолатга қарши туриб маърифатга адолат ва эркин турмушга интилувчи илғор кучларни кўрсатишга хизмат қилади. Мирмуҳсин бу асарида турли тақдирли одамларни — моҳир меъморлардан тортиб, юқори табақа вакилларигача, иғвогар — ҳасадчилардан тортиб, адолат учун ҳаётини бахш этган илғор фикрлилар — хуруфийларгача асарга олиб киради. Меъмор Нажмиддин Бухорий ҳам, хуруфийлар изидан бориб, осиб ўлдирилган ўғли Низомиддин ҳам, халқ дostonларидаги жасур қизларга ўхшаган кўрқмас, эркин ва доно қизи Бадиа ҳам, содиқ дўст, курашчи, хуруфийлардан бўлган Хорунбек ҳам китобхонда илиқ муҳаббат уйғотади. Ёзувчи ижо-

бий қаҳрамонга оқ, салбий қаҳрамонга фақат қора бўёқ ишлатишдан қочади (амалдорлар катта қурилишлар учун маблағ, куч ажратади, аслида бунинг заминиде шон-шухратга ўчлиги ётади, усталар ва халқ ҳам бунни билади, бироқ ўз орзу-истакларини санъат орқали келажак авлодларга қолишини билиб, виждонан ишлайди ва бутун маҳоратини ишга солади). Адиб ҳаёт, замон, келажак тўғрисида қаҳрамонлари тили, қалби орқали ўй-мушоҳида юрилади. Романдаги гўзаллик учун актив кураш руҳи замондошларимизнинг интилишларига тутшиб кетади.

Мирмуҳсиннинг кейинги романи «Чотқол йўлбарси»да уруш иштирокчиси, юзи чандиқ Қоражоннинг гўзал қалбини, ватанпарварлигини, меҳнатсеварлигини очишга аҳамият беради. Қоражоннинг бу фазилати амалпараст, шахсиятпараст Ҳазратовга қарши олиб борган кураш жараёнида кўрсатилади. Ҳозирги кунимиз, замондошларимиз ҳақида роман ёзиш мушкул, албатта. Романда учраган баъзи етишмовчиликлар ганқидчилик томонидан тўғри айтилди. Романда Мирмуҳсиннинг ҳаётий конфликт топишга ва асосий қаҳрамонлар зиммасига муҳим ғоявий вазифа юклай олишга, шу образларни типиклаштира ва индивидуаллаштира олишга муяссар бўлгани аниқ сезилиб туради. Ҳазратов типидеги хўжа кўрсинга, енгил-елпи иш қилиб, орден, юқори лавозимга интилган одамлар йўқ эмас, ҳаётда. У ҳатто ҳақиқатчи, принципал ва етук мутахассис Қоражонни ишдан олиб, маълум вақт қора ниятига ҳам эришади. Нуруний кекса академик Музаффаров, ҳам лирик ва бир оз юмористик бўёқда яратилган шоир Амир Равнақ ҳам, сатирик планда чизилган Сапчабошев ҳам ҳаётий образлар. Бошқа роман ва қиссаларидаги каби бунда ҳам бош қаҳрамонлар муроду-мақсадларига етадилар, ҳақиқат қарор топади. Албатта, ёзувчи ҳаёт ҳақиқатидан, орзу-идеалидан келиб чиқиб шундай қилади. Аммо шу нарса шубҳасизки, Мирмуҳсин шеърятда, ҳикоячилик, қиссачилик ва роман жанрларида халқимизнинг гўзал қалбини, адолат ва ҳақиқат, бахт ва саодат учун олиб борган курашларини, инсон камолоти ва жамиятимизнинг ривожига ғов бўлган кучларни бартараф этишга интилишини, уларнинг онги, психологияси, характерида туғилаётган янги белгиларни, халқдаги актив, курашчан руҳни акс эттириш учун ҳалол, сидқидилдан ва эътиқод билан қалам тибратиб келмоқда.

# ГҶЗАЛЛИК ШАЙДОСИ

1972 йилнинг кузида Қозоғистонда ўзбек адабиёти ва санъатининг ўн кунлиги ўтказилди. Биз бир гуруҳ шоир ва ёзувчилар билан, шу жумладан Мирмуҳсин билан Олтой ўлкасига сафар қилдик. Олмаотадан учган самолёт ниҳоят икки соатлар чамаси вақт ичида Усть-Каменогорск аэродромига келиб қўнди.

— Жуда гўзал ўлка экан, қаранг, бу тоғларни табиат қандай яратди экан-а?— деди Мирмуҳсин самолётдан тушиши биланоқ теварак-атрофга суқланиб боқиб.

Ҳа, Мирмуҳсин тоғлардан ҳам, боғлардан ҳам, шаҳарлару қишлоқлардан ҳам гўзаллик қидиради, уни яратган табиат ва инсон санъатини илғай олади. У Москвага борганимизда муҳташам Кремль саройидаги нақшин кошоналарни кўриб баҳра олса, тожик диёрига борганимизда осмон ўпар тоғлар ёнбағридаги қишлоқларга нур бериб турган Нурек ГЭСининг қудратидан олам-олам қувонч ҳисси туяди. Улардан гўзаллик топишга ҳаракат қилади, ўз шеърларига мавзу излайди. Унинг бу фазилатини мен бундан бир неча йил муқаддам «Уста Ғиёс» дostonини ўқиганимда пайқанган эдим. У билан дўст тутиниб, сирдош бўлганимдан кейин эса мен унинг бундай хислатини теранроқ тушундим. Буни қарангки, Мирмуҳсин санъаткор оилада таваллуд кўрибди. Унинг отаси уста кулол экан. Табиийки, у албатта ота касбига, санъатига қизиққан, унинг сир-асрорини билишга интилан...

Олтой диёрини кезиб, Иртиш дарёси бўйлаб Семипалатинскка келиб буюк Абай музейини томоша қилганимизда ҳам у фақат гўзаллик ҳақида, санъат ҳақида сўраб-суриштирар, гапирар эди:

— Абай шеърият санъатининг улкан даҳоси. У ҳам файласуф, ҳам сураткаш. У биз тушунган маънодаги сурат чизмайди; ўз шеърларида суврати билан кўша сийратини ҳам кўз олдимиизга келтириб кўя қолади. Бундай қараганимизда кенг далаларни, тоғу тошни кесиб оқиб, теварак-атрофига жон бағишлаб оқаётган Иртиш дарёси ҳам бамисоли бир буюк рассомга ўхшайди назаримда. Бизга гўзаллик бахш этиб, табиатни кўзимизга жаннат мисол қилиб кўрсатиб турган шу Иртиш-да. Сув бўлмасинчи!..

Ҳа, мен бугун етук шоир, адиб, жамоат арбоби дўстим Мирмуҳсиннинг ҳақиқий гўзаллик шайдоси эканини алоҳида таъкидлагим келади.

Мен унинг талай шеърларини қозоқ тилига ағдардим. Шунинг учун ҳам мен унинг

шеъриятини яхши қадрлайман, ижодкорнинг образларига, тиниқ фикрли мисраларига қойил қоламан.

Мирмуҳсин Семипалатинск меҳмонхонасида менга бир талай шеърларини ўқиб берди. Уша шеърлардан бир нечасини иккаламиз қозоқ тилига таржима қилиб тонг оттирдик. У ўзбекча мисраларни сўзма-сўз тушунтириб турди, мен эса, уни қозоқчага ўгирдим. Уша шеърларида ҳам санъаткорнинг диди, етук шоирнинг нафаси бор эди. Мен бугун ўша шеърларни қайта ўқирканман. дўстимнинг меҳнат кишиларини қанчалик эҳтирос билан тараннум этишини, дўстлик ва биродарликни ёниб куйлашини яна бир бор ҳис этдим.

Меҳнат — бу ҳаётдаги ҳамма нарсанинг негизи! Истеъдод билан санъатни ҳамisha сайқаллаб турадиган фазилат ҳам — меҳнат. Мана шу меҳнат туфайли Мирмуҳсин бугунги иззат ва эҳтиромга эга бўлди. У қанчадан-қанча шеърлар билан дostonларнинг, ҳикоя-ю қисса ва романларнинг таржималарининг, мақолаларнинг муаллифи. Шуларнинг ёзилишида у ҳормас-толмас меҳнаткашлигини кўрсатди. Унинг фикрий доираси кенг.

Мирмуҳсин Африка ва Осиё мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилди. Шунинг натижаси ўлароқ бу мамлакатлар кишилари ҳаётдан бир қанча ҳикоялар, қиссалар ёзди. Бу асарларда капитал ва феодал зулмидан эзилган кишиларнинг туриш-турмушига ачинаш ҳисси ва уларга нисбатан совет кишиларининг байналминал бурчи, қараш яққол сезилиб туради. У республикада юз бераётган қарийб барча ўзгаришлар, ишларга ўз асарлари билан муносабат билдирмай қолмайди. Шунинг учун ҳам унга Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти берилди. У Тошкент область партия комитетининг аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими деган фахрий унвонга сазовор бўлган.

Мирмуҳсин ёш ёзувчиларнинг ғамхўри. Мана, у чорак асрки, Ўзбекистон матбуотида ҳормай-толмай хизмат қилиб келяпти. «Шарқ юлдузи» журнаliga ҳам йигирма йилдан ошиқ вақт редакторлик қилди.

Мирмуҳсин талайгина шеърларида меҳнатни шарафлайди. Масалан, мен таржима қилган бир шеърида у қуйидагича куйлайди:

Умир қисқа ўткен кун  
ўралмайди,  
Қайғи бўлип журекке ўл  
ўрнайди.

Адамбиз-ғўй ўйға бир  
сунгийикши,  
Ўтген энгбек ўмирде  
жўғалмайди. —

дейди.

Халқлар дўстлиги Мирмуҳсиннинг севим-  
ли мавзуларидан бири ҳисобланади:

Адам журек тегинде,  
Теренг тамир жайилган,  
Ўни жалғиз ўмирде,  
Ўлимғана айирган.

Мен дўстим Мирмуҳсиннинг олтмишга  
кирганига ишонгим келмайди. Ҳали ўнинг  
ёзувчиси Максим Горькийнинг: «Ижодда  
қадамлари дадил, ҳушқомат, худди йигит-  
лик асносига энди қадам қўяётгандай.

Йигитлар назарида  
Қизлар мисол суюкли.  
Қизлар назарида-чи,  
Барно, танти, нуфузли.

Гапирар чертиб-чертиб,  
У асл шеър заргари.  
Гўё нақши кўчмаган  
Бухоро обидалари...

Ўйлари ҳўб салмоқли,  
Гаплари салобатли.  
Қаламидан тўкилар  
Шеърларки, тотли-тотли.

Юксақларга қил парвоз,  
Халқинг сендан шеър кутсин.  
Адабиёт боғида —  
Яша, боврим, Мирмуҳсин!

Одил Ёқубов

## ЮКСАҚ БАҲО

Ҳурматли адабимиз Мирмуҳсин ака тўғ-  
рисида ўйлаганимда мен буюк пролетар  
ёзувчиси Максим Горькийнинг: «Ижодда  
биргина истеъдоднинг ўзи кифоя қилмай-  
ди, истеъдод билан бирга ёзувчида улкан  
меҳнатсеварлик ва мустаҳкам ирода бўли-  
ши лозим», деган доно гаплари ёдимга ту-  
шади.

Мирмуҳсин ака ҳам назм, ҳам наср соҳа-  
сида баробар қалам тебратадилар. Ҳам  
назм, ҳам наср бобида баробар ижод қи-  
лиш адабиётимизда бобомерос бир анъ-  
ана. Ҳазрати Навоийдан устоз Фафур Гу-  
ломгача, Бобирдан Ойбек домлагача шун-  
дай қилишган. Бугунги кунда ҳам бу яхши  
анъана самарали давом этмоқда. Ҳамид Гу-  
лом, Асқад Мухтор, Шухрат, Шукрулло...  
Таниқли ёзувчилар Мирмуҳсин ҳам бу ях-  
ши анъанани давом эттириб, ҳам прозамиз,  
ҳам поэзиямизни яхши асарлар билан  
бойитаётган адибларимиздандир. Шундай  
бўлса ҳам, каминани камтарин носир сифа-  
тида Мирмуҳсиннинг насримиз бобидаги  
хизматини алоҳида таъкидлаб ўтишни ис-  
тардим.

Сўнги ўн-ўн беш йил давомида Мирмуҳ-  
син ўзини етук ноир сифатида намоён  
қилди. Шу йилларда Мирмуҳсин ёзган  
йирик насрий асарларни бир эслайлик:  
«Дегрез ўғли», «Умид», «Меъмор», «Чотқол  
йўлбарси», «Илдизлар ва япроқлар» каби  
романлар, «Чодрали аёл» каби қиссалар...

Ҳазрати ишчилар тўғрисида ёзилган  
«Дегрез ўғли» романи СССР ёзувчилар  
союзи ва ВЦСПСнинг юксақ мукофоти-  
га сазовор бўлди. «Умид» романи эса  
Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат му-  
кофоти билан тақдирланди. Бу романлар  
туфайли адабиётимиз Арслон ва Умид

Қоражон ва Гулгун каби китобхонни ўзига  
ром этган жонли ва ҳаётий образлар би-  
лан бойиди.

Мирмуҳсин яратган йирик насрий асар-  
лар орасида «Меъмор» романи алоҳида  
ўрин тутати. Мен бу роман тўғрисида  
ўйлаганимда бултур Москвада, СССР  
ёзувчилар союзи даргоҳида бўлиб ўтган  
катта кенгаш ёдимга тушади. Кенгаш сўн-  
ги йилларда яратилган ўзбек тарихий ро-  
манларига бағишланиб, унда таниқли рус  
ёзувчилари ва танқидчилари иштирок этди.

Маълумки, устоз Абдулла Қодирий асос  
солган ўзбек тарихий романчилиги кейин-  
ги ўн-ўн беш йилда салмоқли муваффақи-  
ятларни қўлга киритди. Энг яхши тарихий  
романларимиз Бутуниттифоқ миқёсига чиқ-  
ди, рус ва бошқа қардош халқлар тилла-  
рига таржима қилинди, айримлари эса  
ҳатто хорижий мамлакатларда чоп этил-  
ди ва чоп этилмоқда.

Адабиёт аҳли камтар бўлиши керак,  
албатта. Нокамтаринлик ҳеч қачон яхши-  
ликка олиб борган эмас. Лекин камтарлик  
ниқоби остида эришган муваффақиятлари-  
мизни назарга илмаслик, яхши асарлари-  
мизни камситиб юришлар ҳам фазилат  
эмас. Чунки адабиёт ва санъатда танқид  
билан рағбат ёнма-ён туриши керак. Кам-  
чилик ва нуқсонлар дўстона танқид қи-  
линса, қўлга киритилган ҳар бир ютуқ  
қувонч билан эътироф этилиши лозим.  
Акс ҳолда ижод аталмиш оғир ақлий меҳ-  
нат билан шуғуланувчи санъаткорнинг  
руҳига қаттиқ зарба берилади.

Шу маънода ўзбек тарихий романчили-  
гига бағишланган Москва кенгаши катта  
аҳамиятга моликдир. Бу кенгаш ҳозирги  
ўзбек тарихий романчилиги тўғри йўлдан

бораётганини яна бир бор эътироф этди. Кенгашда тарихий романчилигимизнинг гуманистик йўналиши, улар халқимизнинг улуғ фарзандлари, буюк мутафаккир шоирлар, олимлар, бунёдкор инсон ҳаётига бағишланаётганлиги юксак баҳо олди. Яхши баҳо олган асарлар ичида Мирмуҳсиннинг «Меъмор» романи ҳам бор эди. Москва танқидчиларига айниқса уста Нажмиддин Бухорий образи маъқул бўлди. Уста Нажмиддин образида ўзбек халқининг энг яхши фазилатлари, меҳнатсеварлиги, камтарлиги, бунёдкорлиги мужассамланган,

дейишди улар. Мен «Меъмор» романига берилган бу юксак баҳога тўлиқ қўшиламан. Мирмуҳсин ака — тиниб тинчимас, меҳнатсевар ёзувчи. Унинг ўз тили, ўз услуби, ўз йўли бор. Ёзувчи ҳозир пахтакор халқимизнинг ҳаёти ва қаҳрамонона меҳнатини акс эттирувчи улкан эпик асарга қўл урган. Яхши ният билан қўл урган. Бу оғир, лекин шарафли ишда мен ҳурматли адибимиз Мирмуҳсин акага катта ирода ва улкан зафар тилайман. Ҳорманг, Мирмуҳсин ака. Белингиз доим бақувват, қаламингиз доим ўткир бўлсин!

Ғуллом Каримов

## ЖАЖЖИ ЛАВҲАЛАРДАН ЙИРИК ПОЛОТНОЛАРГА

Мирмуҳсин ўзбек совет адабиётининг чинакам жонкуярларидан, сабот-матонат билан меҳнат қилиб келаётган заҳматкашларидан бири. Унинг ўзига хос ижодий қиёфаси, адабиётимиз тарихи тараққиётида алоҳида ўрни бор.

Фикримча, Мирмуҳсин учун характерли энг муҳим хусусият шуки, у «бадий ижод» деб аталган сирли қасрнинг дастлабки, энг биринчи зинопаяларидан одим ташлаб, аста-секинлик билан унинг муҳташам кошоналарига кўтарилди, бу қасрнинг сирларига ошно бўлди. Қарийб бундан қирқ беш йил муқаддам болалар учун ёзилган ва «Ёш куч» журналида нашр этилган ҳикоялари ўша қасрнинг дастлабки зинопаяларига қўйилган ilk ижодий қадам эди. Бу ҳодисанинг диққатга сазовор нуқтаси шу эдики, болалар учун жажжи бадий лавҳалар яратиш билан адабиёт оламига қадам қўйган Мирмуҳсин узлуксиз меҳнат қилиб, тўхтовсиз камолот сари интилди ва «Уста Ғиёс», «Яшил қишлоқ» каби поэмалар, «Чўри», «Тунги чақмоқлар» каби повестлар орқали йирик прозаик полотнолар—«Чиниқиш», «Умид», «Дегрез ўғли», «Меъмор», «Чотқол йўлбарси» каби романларни яратишга кўтарилди. Бу ажойиб ижодий йўл бир томондан Мирмуҳсиннинг меҳнатсеварлик иродасини кўрсатиб турса, иккинчи томондан унда яққол кўзга ташланиб турган бадий талантдан дарак берар эди.

Мирмуҳсин ижодининг асосий темаси ҳозирги замон бахтли ҳаётимиз, унинг қаҳрамонлари эса меҳнат frontiда жавлон ураётган ва ўз ғайратлари-шайхоатлари билан бунёдкорлик соҳасида мўъжизалар яратаётган пахтакорлар, қурувчилар, ишчилар — умуман бахтиёр ва ижодкор совет кишиларидир. Социалистик воқеликни тасвир этиш, уни мадҳ этиб куйлаш Мирмуҳ-

син ижодининг мазмунини ва моҳиятини ташкил қилган эди, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Мирмуҳсин ҳозиржавоб ёзувчи. Унинг асарлари мазмун жиҳатидан бой, шакл жиҳатидан ранг-баранг. Унинг ижодиди адабиётимиз дўстлик алоқалари учун муҳим бўлган хорижий шарқ темаси ҳам анча кенг ишланган. Ёзувчининг хорижий шарқ мамлакатларига қилган саёҳати натижасида Араб, Ҳиндистон ва Афғонистон ҳақида қатор шеърлар, балладалар, ҳикоялар, повестлар майдонга келди. Булар ўзбек совет адабиётини янги ранг — бўёқ билан бойитиб турадилар, ўзгача колорит бахш этидилар. Қўшни дўст мамлакат Афғонистоннинг Апрель инқилобига бағишлаб ёзилган ёзувчининг «Чодрали аёл» номли повести сиёсий жарангдорлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. 1958 йилда ёзувчининг Арабистонга қилган саёҳати даврида майдонга келган ҳикоялари реалистик ҳаққонийлиги, ёзувчининг араб халқига бўлган ҳурмат ва муҳаббат ҳислари билан ажралиб туради. Айниқса, «арабул-асвад» деб ном қозонган «Ал-Маҳдий» ҳикоясидаги мискар ал-Маҳдий ва унинг набираси Субҳ қиёфаси тасвирий бўёқдорлиги, таъсирчанлиги билан ажралиб туради. «Венесуэлалик Тереза хоним», «Ҳинд раққосаси Тара Чандра», «Нил устида ой», «Искандария кўрфази» каби баллада ва ҳикоялар ўзбек совет адабиётининг чет эл тематикасида ёзилган яхши намуналари ҳисобланади. Мирмуҳсин социалистик болгар адабиёти билан ҳам ижодий ҳамкорликда бўлди. Унинг «Болгар дўстларим», «Болгар шоири Матевга жавоб хат» номли шеърлари унинг ижодидида янги саҳифа бўлиб қолади.

Мирмуҳсиннинг ўзбек совет адабиёти ол-

дидаги хизматларидан яна бири унинг тарихий романчилик жанри ривожига кўшган ҳиссаси бўлди. Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», Пиримқул Қодировнинг «Юлдуз-ли тунлар» тарихий романлари қаторида Мирмуҳсиннинг «Меъмор» романи ўзбек совет адабиётининг 70-йиллардаги муҳим ижодий ютуғи ҳисобланади.

Тарихий роман жанрида бундай катта ижодий ютуққа Мирмуҳсин бирдан келма-

ди, албатта. У маълум тайёргарлик даврини ўтказди. «Тунги чақмоқлар» повести, «Карл Маркс», «Широқ» поэмалари ва бошқалар бу соҳадаги ижодий тажриба босқичларидир.

Шоир ва ёзувчи Мирмуҳсиннинг олтмиш ёшлик қутлуғ кунига унга сихат-саломатлик ва ижодий ишларида катта омад, поёни йўқ камолот тилаймиз.

## Носир Фозилов

# МИР АКА

Қозоқ биродарларимизда бир яхши одат бор: киши улгайиб, элу юрт эътиборини қозонгандан сўнг уни ҳурматлаб, эъзозлаб, масалан; унинг исми Маҳкамбой бўлса — «Маке», Салимбой бўлса «Саке» деб аташади. Худди Собит оғани Саке, Мухтор оғани Муқа деган каби. Мана, Мирмуҳсин ака ҳам кўз очиб юмгунча олтмишга кириб, адабиётимизнинг оқсоқолларидан бири аталиб ўтирибди. Мен оғанинг элу юрт эъзозига, ҳурматига сазовор бўлганининг гувоҳи тарзида, табиатида қозоқ биродарларимизга қалбан яқинлигини, уларнинг яқин дўсти эканини ҳисобга олиб, уни Мир ака деб атагим келди.

Мен Мир акани «Уста Ғиёс»ни қачон ўқиган бўлсам, ўшандан бери билмаман. Мана шунга ҳам ўттиз йилдан ошиб кетибди. Мир акани ўша пайдан бери кузатаман. У кишининг мени ҳайрон қолдирадиган бир фазилати шундаки, бирон марта ҳам ишламай, бекор юрганини ёки бўлмаса баъзи ёзувчиларимиздай уч ойлаб, олти ойлаб ижодий командировка олиб, асар ёзгани бирон жойга борганини эслай олмайман. У ижод қилишни ишдан ажратиб қараганини ҳам билмайман. Баъзан тенгқур ўртоқларимизнинг: «Асар ёзай десам, вақт йўқ», деган гапларини тез-тез эшитиб тураман. Мир аканинг оғзидан бунақа гапларни бирон марта бўлса ҳам эшитмаганман. У ишлаб юриб ёзишни маъқул кўради. Буни мен у кишидан ўрганса бўладиган фазилат деб ҳисоблайман.

Шу йиллар давомида Мир ака билан ака-ука бўлиб кетдик. Бизнинг ака-укаликимиз шунчаки эмас. Бу ака-укалик мутлақо адабий жараён билан боғлиқ. Мен у кишининг бир талай асарларини таҳрир қилганман. Олтмишинчи йилларда «Ёш гвардия» нашриётида ишлаб юрган кезларимда унинг «Чўри», «Оқ мармар» қиссаларига муҳаррирлик қилдим. Кейинчалик, «Шарқ юлдузи»да ишлаётганимда эса «Умид», «Дегрез ўғли», «Меъмор» романларига муҳаррир бўлдим.

Ўзингизга маълумки, Мир аканинг бу асарлари, ҳар хил мавзуда: дастлабки «Чў-

ри», «Оқ мармар» қиссалари тарихий мавзуга бағишланган. «Умид» эса республика-миздаги селекциячи олимлар изланишларидан олиб ёзилган, «Дегрез ўғли» романида ишчилар синфи ҳаётининг манзаралари жонлантирилади. «Меъмор»да эса, Мир ака, узоқ ўтмишимизни қаламга олади; тарихий обидаларимиз ва уларнинг қандай қилиб бунёд этилганини завқ-шавқ билан ҳикоя қилади. Яқингинада муҳаррирлик қилганим «Чодрали аёл» қиссаси эса, афғон халқининг савр инқилобига бағишланган. Кўриниб турибдики, бу асарлар мутлақо бир-бирини такрорламайди. Мавзулари турли-туман. Биз адабиётшуносликда «диапазони кенг» дегам иборани тез-тез учратамиз. Диапазони кенг ёзувчи, деб Мир акага ўхшаган ёзувчиларни айтсалар керак-да!

Бир неча йиллар мобайнида Мир ака билан бирга ишлаш насиб бўлди. У киши ниҳоятда талабчан; ишда тартиб-интизом бўлишини, аниқликни, ростгўйликни, ишчанликни, умум иши учун жон фидоликни яхши кўради. Вақти келганда уришишни ҳам, ишни дундириб қўйганда, ходимларнинг бошини силашни ҳам жойига қўядиган, ажойиб бир инсон.

«Шарқ юлдузи» журналида Мир аканинг чорак аср умри ўтди, десак янглишмай-миз. Бу катта гап. Бунга чидаган одам чидайди, умум ишини ўз ишидек билган одамгина бардош қилади.

Журналимизни ўзбек адабиётининг ойнаси дейишади. Шу чорак аср мобайнида ўзбек адабиётининг ютуқларига ҳам, агар бор бўлса, нуқсонларига ҳам Мир ака гувоҳ. Бугун ўша адабиётимизнинг жонкуяри ўзининг олтмиш йиллик таваллудини нишонламоқда. Мен Мир акани бу қутлуғ кунини билан чин қалбимдан муборакбод қилиб, унга ўзининг қахрамонлари — Нажмиддин Бухорийнинг узоқ умрини, Умиднинг жўшқинлигини, Чотқол йўлбарсининг саломатлигию Уста Ғиёснинг камолини тилайман.

Хорманг, кўп яшанг, МИР АКА!

## ЕТУК ВА ФАОЛ АДИБ

Халқимиз бирон адиб ҳақида гапирганида: «Бу — бўйи баравар китоб ёзган» деб таъриф беради. Шу кунларда олтмиш йиллиги нишонланаётган етук ва фаол адиб, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Мирмуҳсин ҳақида ҳам халқимиз ана шундай дея олади. Адибнинг шеърлари, дostonлари, ҳикоялари, қиссалари, романлари ўқувчиларнинг севиб ўқийдиган асарларига айлангандир.

Китобни, дoston ёки романни, қиссани шаҳарга, ё кентга, қишлоққа қиёслагим келади. Бу шаҳарда турли одамлар истиқомат қилишади. Ёзувчининг ҳаёлотини кучи билан барпо этилган бундай «шаҳар», китобни ўқиш чикишингиз билан сизники бўлиб қолади. Бу шаҳарнинг ўз ҳаёти, ўз тарихи, қувонч ва изтироблари, чаман боғи, баъзан қаровсиз кўчалари, буюк кишилари, турфа одамлари бор. Бошқача айтганда, уларни бадий аҳоли ҳам деймиз. Ёзувчи-юбиляримиз Мирмуҳсин ҳам ана шундай обод ва муҳташам шаҳарлар қурган ва бу шаҳарларни ўқувчиларга тақдим қилиб хушнуд эта олган адибдир. Унинг шаҳарларида ажойиб қалбли кишилар — тарихимизнинг заҳматкаш меъморлари, замонамизнинг етук олимлари, пахтакорлари, инженерлари, яқин ва ўрта шарқдаги зиёга муҳтож бўлган эркак ташна инсонлар яшайдилар, эртасига умид боғлайдилар. «Умид», «Дегрез ўғли», «Меъмор», «Чотқол йулбарси», «Илдизлар ва япроқлар», «Зиёд ва Адиба» каби романлар, «Уста Ғиёс» «Широқ», «Невара», «Дўнан» каби дostonлар, «Оқ мрамар», «Чўри», «Искандария кўрфазини», «Тунги чақмоқлар», «Чодрали аёл» каби қиссалар, кўпгина ҳикоялар, айниқса шарқ халқлари ҳаётдан олиб ёзилганлари, ана шундай асарлардир. Ёзувчи яратган «бадий аҳоли» ҳамиша ёруғ идеаллар учун курашади, ҳақиқатнинг тантана қилиши учун ўзидаги бор шижоатини бахшида эта олади, керак бўлса жонини ҳам аямайди. Улардан бири — Уста Ғиёс. Жуда ҳам ҳаётини чиққан бу образ шеърятимиздаги мағзи тўқ образлардан биридир. Мен Уста Ғиёсга ўхшаган кишиларни кўп учратганман, бундай фидокор кишилар халқимизнинг асосини ташкил этади. Халқнинг типик вакили тасвирлангани учун ҳам ушбу дoston ҳали ҳануз диққат-этиборда бўлиб келмоқда. Бу шоирнинг кўзи ўткирлигидан, ҳаётга фаол аралаша билишидан бир далолатдир.

Умуман, адибнинг фаоллиги ҳақида гапирадиган бўлсак, Мирмуҳсин ҳақида жуда илиқ гапларни айтишимиз керак. Мирмуҳсин адабиётимиздаги энг фаол, ҳозиржавоб ёзувчиларимиздан бири. Пахтакорларнинг зафарини, олимларнинг кашфиётини ёки империализм малайларининг машъум кирдикорини — барчасига ҳам адиб қалбидан ақс садо қайтади: ё бир шеър туғилади, ё ҳикоя. Мана адибнинг фаоллигини кўрсатувчи энг сўнгги мисоллардан бири. 1978 йилда кўшни Афғонистонда савр инқилоби ғалаба қозонди. Ҳокимиятнинг меҳнаткаш халқ ўз қўлига олди. Бу афғон халқи учун оламшумул ҳодиса эди, қадим тупроқда ҳуррият насими эса бошлади. Ҳозиржавоб адиб Мирмуҳсин бу воқеадан руҳланиб асар ёзмоқни дилга туғди. Шу ниятда Афғонистонга ҳам бориб келди. Натижада афғон халқининг инқилобий йўлини кўрсатиб берган, адабиётимизда шу мавзуда ёзилган биринчи асар «Чодрали аёл» қиссаси дунёга келди. Ойбекнинг «Нур қидириб», Сарвар Азимовнинг «Қонли сароб» асарлари каби. «Чодрали аёл» ҳам адабиётимизни мавзу жиҳатидан тўлдирадиган байналминал руҳдаги асарлардан бўлиб қолди.

Академик-шоир, Ленин мукофоти лауреати Ғафур Ғулом ўзининг Мирмуҳсин ҳақидаги бир мақоласида, — мақола «Суюнғудай тоғларим бор» деб аталади, — адабиётимизнинг Мирмуҳсин мансуб бўлган иккинчи бўғини ҳақида фахр билан бундай деб ёзган эди: «Суюнғудай тоғларим бор, деб қувонаман. Давомим бор, деб қалбимга тасалли бераман. Шу соғлом ижодий плеяданинг (яъни иккинчи бўғиннинг — М. А.) пўлат занжирдай мустаҳкам силсиласида бир кўзанақ бўлиб шоир Мирмуҳсин туради. Бу шоир адабиётда туғилгандан буён ўз муборак касбига ихлоси билан, тинмағурлиги билан, ҳақиқийлиги билан, қаноати билан ажралиб туради».

Отаҳон шоирнинг айтган ушбу фикрларига қўшилмай илож йўқ. Дарҳақиқат, ўз муборак касбига ихлос қўйган тинмағур адиб Мирмуҳсин заҳматкеш қалъами билан адабиётимизни бойитадиган асарлар ижод этди. Буни юбилейнинг ижодий сарҳисоби намоён этиб турибди. Биз етук ва фаол адибимизга унинг олтмиш ёшга тўлган кунини, Ғафур Ғулом айтмоқчи, тинмағурлик, фаоллик ва илҳом ҳамиша ёр бўлсин, деймиз.





## ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

Муҳаббат Тўлахўжаева

# САҲНА АСАРНИНГ УМРИ

Кейинги йилларда яратилган уруш ҳақидаги пьесаларни кузатар эканмиз, уларда совет кишининг кўп қиррали характери социал-психологик жиҳатдан чуқурлашганлигини кўрамиз, уларда кўпроқ шахснинг ички дунёсини тадқиқ этиш жараёни кучайганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу тенденцияни ҳаётнинг ўзи, кишилар тақдирдаги ижтимоий ва руҳий жараёнлар юзага келтирганлиги диққатга моликдир. Агар ўттизинчи йилларда, биринчи беш йилликлар даврида драманинг поэтик асосини, негизини, бош илҳомбахш мавзусини, театр тарихида биринчи марта, бунёдкор меҳнат ташкил этган бўлса, олтишинчи-етмишинчи йилларга келиб, уни инсоннинг фикр-ўйлари, эҳсиётлари ташкил эта бошлади ва бу унсурлар пьесаларнинг бадий жиҳатдан ўзига хослигини таъмин этади.

Шунга ўхшаш жараёнларни ўзбек драматургиясида ҳам кузатиш мумкин: драматургиямизда уруш ва инсон мавзусини ёритиш борасида олиб борилаётган ишларда замонамиз кишининг ақлий фаолияти ва маънавий қиёфаси ҳақида баҳс юритилади. Нисбатан кейинги йилларда драматургия жанрига қўл урган Улмас Умарбеков ҳам шу йўналишда ўз услубини излаётди.

Улмас Умарбеков ўз асарларида воқеа ва ҳодиса замирига чуқур кириб бориш, шахснинг хатти-ҳаракатлари мотивлари орқали бунини томошабинга етказишни биринчи планга олиб чиқишга интилади. Замонамиз кишилари ўз атрофида рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга қандай муносабатда бўладилар? Уларни қандай қабул қиладилар? Ҳаётда дуч келган қийинчиликларни енгиб ўтиш учун қандай курашадилар? Мана, драматургларни ҳаяжонлантираётган саволлар ҳалқаси.

Қуйида биз фикр билдирмоқчи бўлганимиз «Комиссия», «Қиёмат қарз», «Шошма, қуёш» каби пьесаларда драматург инсон ҳамда урушни бевосита тўқнаш келтирмайди. Балки асарларда уруш воқеалари бевосита иштирок этади, уларни юргизувчи асосий кучга айланади ва бош мундарижасини ташкил этади. Инсон ва уруш мавзуси муаллиф томонидан «жонлантирилади» ва у ўтмиш ва бугунги кунни боғловчи восита сифатида тасвирланади, унинг замирида

драматург ўтмиш ҳамда бугунги кунни боғлаб тургувчи нуқтани кўради. Драматург шахснинг маънавиятини таҳлил қилиш йўлидан боради, танланган драманинг социал-психологик жанри инсоннинг ички дунёсини тадқиқ этиш имконини беради. «Комиссия»даги Каримов, «Қиёмат қарз»даги Сулаймон ота, «Шошма, қуёш»даги Камоловалар — бурч ва виждон орасидаги уйғунликни қидиради. Бу изланиш, идеалга қараб интилиш — ҳар учала пьесанинг моҳиятини ташкил қилади.

Ҳар даврнинг ўз қарама-қаршиликлари, қаҳрамонлари, характерлари мавжуд. Бугунги кунда қаҳрамонлар тақдирда ички драматизм (виждон азоби, шубҳа-ғумон, ишонч-эътиқод туйғулари) ва уларнинг бир-бирлари билан тўқнашуви асосий роль ўйнай бошлайди. Драматург ўз асарларида инсоний бурч, виждон ва ор-номус каби тушунчалар ҳақида баҳс юритишни хуш кўради. Бу ахлоқий категориялар илгари қалам тебратган адиблар ижодида ҳам ўз аксини топган эди. Умарбеков пьесаларида бу кураш икки киши ўртасида эмас, балки қаҳрамоннинг ўзи билан ўзи орасида рўй бериб, пировардида қаҳрамон ўз устидан ўзи ғолиб чиқади, бошқача қилиб айтганда, ўзининг асл қиёфасини топади. «Комиссия» пьесасида драматургни шахснинг ўзи, шахс юрагида кечаётган маслақлар жанги қизиқтиради. «Ўзининг кимлигини билмай туриб, одам бўлиш қийин», — дейди драматург. «Комиссия»даги Саид Каримов худди шу гапни чуқур англайди ва ҳаётда ўз ўрнини топишга уринади. Пьесанинг «Комиссия» деб аталиши ҳам бежиз эмас. Драматург бу тушунчага аниқ ижтимоий мазмун юклайди. Пьеса замирида инсоннинг ўзи ҳамда атрофини ўраган кишиларнинг қадрига етиш ва жамият олдидаги бурч ҳиссини ўйлаш ётади.

Драматургнинг яратган қаҳрамони ўтмишдан бутунлай кўз юмиб, оний ва ўткнчи шодлик-хуррамликдан, завқланишлардан жирканади, машъум уруш воқеаларини унутишни ўзига гуноҳ билади, хотиралар гирдобиде қийналиб яшайди.

Мазкур пьесада биз Улуғ Ватан урушида ожизлиги, виждонига хилоф иш тутганлиги, Ватан олдидаги, халқ олдидаги бурчини

унутганлиги туфайли тўрт аскар йигитнинг ўлимига сабабчи бўлган кимсага дуч келамиз. Жангда у кўрқоқлик қилиб, талвасага тушади ва зарур пайтда ҳужумга ўтмайди. Ярадорлигини баҳона қилиб, ўз-ўзини юпатади: «Мен ярадорман, бурчимни бажара олмаймаман!».

Автор учун юқоридоғи вазиятда қаҳрамоннинг ички дунёсидаги курашлар ва бу курашларнинг давомлилиги аҳамиятли. Орадан ўттиз йил ўтгач, қаҳрамон ўз ҳатти-ҳаракатларини қандай баҳолайди? Драма-тург асарда шу саволга жавоб излайди.

Драма сюжети шундай воқеа асосига қурилган: қаҳрамон директорлик қилаётган заводга комиссия келиши керак. Шу воқеа пьесанинг кейинги йўналишини белгилайдиган нуқта вазифасини ўтади. Бироқ юқоридоғи воқеа қаҳрамон тақдирини у қадар муҳим роль ўйнамайди. Муаллиф, Каримов каби биринчи сўзларини айтмай туриб асарнинг асосий психологик йўналишини белгилаб қўяди — инсон ички психологиясидаги зиддиятлар, тўқнашувлар ўзининг охириги нуқтасига етади. Муаллиф Каримовни ўз юрагига қулоқ солдиртиради. Ҳаётим қандай ўтди, виждоним олдида покманми, кишилар кўзига ёруғ юз билан қарай оламанми, каби саволлар билан мурожаат этади у ўзига-ўзи. Бу каби саволларга ҳолис, одилона жавоб бериш қийин. Жилла курси бир оз покиза яшадим, деб ўйлайди киши ўзи ҳақида, ва кўнглига таскин беришга, руҳий хотиржамликка интилади.

Фавкулудда бир вазиятга тушган киши, албатта, қатъий қарорга келиши керак ва шу фикр унинг маънавий қиёфасини белгилайди. Киши ўз жонининг тинчини кўзлаб жим юриши керакми ёки нима бўлса ҳам ҳақиқатнинг юзига тик қараши керакми? Каримовнинг қарори битта, у ҳам бўлса одамларга ҳақ гапни айтиш.

Пьеса воқеаси сиққи ва мазмунли. У бир кечада бўлиб ўтади. Асарда Каримов кўнглидан кечган кучли руҳий ҳолат қаламга олинган. Ўтмиш воқеалари саҳна узра ҳоким бўлиб, қаҳрамонни айбини бўйнига олишга мажбур этади.

Турли тақдирли кишилар билан учрашиш жараёни Каримов ички дунёсида рўй бераётган қарама-қаршилиқларни ечимга томон боришини тезлаштиришга ёрдам беради, унинг қарорини тасдиқлайди. Бу учрашувларнинг ҳар бири мазмун эътибори билан бир драматик новелла. Улар муаллифнинг маълум бир фикри воситасида ўзаро чамбарчас боғланган бўлиб, Саид Каримовнинг маънавий ва гражданлик бурчларига садоқат ҳисларини таркиб топтиради.

Каримовнинг ўз-ўзи билан баҳси асосига қурилган бу пьеса тузилиш жиҳатидан монологикдир. Саҳнавий ҳаракатларни қаҳрамоннинг ички нуқти ташкил этади, улар ҳаёт, виждон ва ор-номус ҳақидаги ўйлар, мулоҳазаларни тўғдиради. ҳалок бўлган жангчилар ҳақидаги хотиралардан, бегоналар билан бўлган суҳбатлар замиридан сизиб чиқади.

Муаллиф асарда ўтмишга мурожаат этиш (ретроспекция) усулидан фойдаланиб, во-

қеалар тартибини «аралаштиради». Бугунги кунни тадқиқ этиш учун ўтмиш тирилтирилади. Қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатини изоҳлаш, ҳақиқатни очиш учун ўтмиш ўрганилади, текширилади. Адиб буларни тасвирларкан, ёш авлодни тарбиялаш, виждонларини олдида ҳамisha пок ва кишилар олдида ёруғ юзли бўлишга чорлашни назарда тутди.

Муаллифнинг бу нияти қаҳрамонни айблаш ақида кўзага яққол ташланади. Каримов ким билан учрашса, барча уни айбдор санайди. Ниҳоят, қаҳрамонни айбловчиларнинг асосийси унинг ўзи. Муаллифнинг худди шу — онгли равишда диққатини қаҳрамонни ўзини қоралашга жалб этиши, руҳий мувозанатини белгилайди. Зеро, Каримов ўзини айбли билиши сари босган қадамга бутун умр тайёргарлик кўрган эди, изланишлари, шубҳа-гумонлари, раддия ва тасдиқлари, кўнгли тажрибаларидан ташкил топган эди бу қадам.

Драматик асар қаҳрамонини у ёки бу тарздаги ҳаракатларсиз тасаввур этиш қийин. Ҳар қандай ҳаракат асосида эса маънавий масалалар ётиши равшан. «Комиссия»даги асосий қаҳрамон ўз ҳаловатидан кечиб, оғир йўлни танлайди ва қатъий бир қарорга келади. «Қиёмат қарз»даги қаҳрамон — қария Сулаймон ота эса бутунлай бошқа воқеалар марказига қўйилади. Унинг пировардида «Комиссия»даги қаҳрамон Каримов каби бир қатъий қарорга келиши шарт эмас ва буни томошабинлар ҳам истамайди. Каримовдаги узокдан-узок ўзини-ўзи излаш жараёни энди муаллиф учун босиб ўтилган йўл. «Қиёмат қарз»даги қаҳрамоннинг ахлоқий принциплари муаллиф томонидан аввалдан белгилаб қўйилган. Агар «Комиссия»да ахлоқий қонунлар тадқиқ этилган бўлса, «Қиёмат қарз»да бу принциплар тасдиқланади.

Шунингдек, асарда ҳам драматург қаҳрамонни уруш билан бевосита тўқнаштирамайди. Уруш ва инсон масаласига шу жиҳатдан ёндашиш муаллифга қўл келишининг боиси шундаки, бунда томошабинга ички, яширин, психологик дунёсига назар солишга, ҳаётий тажрибаларини мулоҳаза қилишга имконият яратилади. Сулаймон ота автор томонидан ғалати бир ҳолатга солиб тасвирланади. У урушга кетиб, уруш тугагач, албатта, қошингизга қайтиб келаман, деган йигитнинг фронтдан қайтишини ўттиз йил кутади. Унинг қайтиб келиши умиди билан яшайди ота.

Худди шу ғайри табиий ҳодиса пьесанинг ички зиддиятларини келтириб чиқаради, воқеалар занжирини ташкил этади. Маълум бўлишича, ўша йигит, фронтга кетиши олдида отага иккита қўй қолдирган экан. Ўттиз йил ичида қўйларнинг сони тўрт юзтага етибди. Қария қўйларни колхозга топшириб, ўша йигитни излаб топмоқчи ва агар йигит тирик бўлса, қиёмат қарзини эгасига топширмоқчи бўлади.

Бироқ асар воқеасидаги бу гаплар авторнинг асосий мақсади эмас. Уни қизиқтирган нарса — Сулаймон отани бу йўлга бошлаган куч, бу одамнинг қайси принципларга

бўйсуниб яшаши, ҳаёт кечириши. Драматург аста-секин қаҳрамон ҳаёти билан таништириб, характери ни оча боради. Шу йўсинда муаллиф томошабинни инсонга хос самимият дунёсига бошлаб киради.

Пьеса воқеалари шундай тизилганки, гоҳ таҳликали Улуғ Ватан уруши йилларига, гоҳ бугунги кун ҳодисаларига томошабин диққати жалб қилинади. Хотирот саҳналари аниқ, тиниқ ёритилган бўлиб, воқеа ривожига ҳалал бермайди, балки пьеса мазмунига теранлик ва шиддат, бошқача қилиб айтганда поэтик руҳ бағишлайди.

Сулаймон отанинг дунёқарашини икки-уч саҳнадан кейинроқ ойдин бўлиб қолади, у саҳий ва покиза қалбли, одамларга ишонувчан, самимий дўст сифатида гавдаланади. Умарбеков ўзининг бу қаҳрамони характериға умид билан ўйлаш, ҳаёт гўзалликларини кўра билиш ва уларни қадрлаш каби хислатларини инъом этган. Сулаймон ота узоқ умр кўради. ҳаётини қайғу ва қувончларини тотиб яшайди. Энг яқин кишилари — ўғли ва умр йўлдошининг ўлими ҳам унинг қаддини бука олмайди. Ногихонда урушга кетиб қайтиб келаман, деган йигитни кутиш унга иккинчи баҳорини бахш этади. Ота ўша йигитни ўғил қилиб олишни. уни уйлантиришни, келинлик, неваралик бўлиб яшашни орзу қилиб кун ўтказиб бошлайди. Унинг инсоний қиёфасида шу тарика жозиба ўз ифодасини топади.

Драматург қаҳрамон характерида юқоридеги каби фазилатларни таркиб топтиради, унинг позицияси мустақамлигини кўрсатиш учун, пьеса воқеаларини кутилмаганда қайиради, воқеалар оқимининг маромини бузади. Қария йигит билан учрашади.

Пьеса воқеалари ривожига икки финал кўзда тутилади. Улардан бири — пьесадаги йигит Улуғ Ватан урушида қаҳрамонларча ҳалок бўлади, иккинчиси — ўша йигит сотқин бўлиб, тирик қолади. Юзага чиққан масаланинг мураккаблигини, оғирлигини адиб асар қаҳрамони Сулаймон отанинг зиммасига юклайди. Мазкур саҳнада конфликт шиддат билан ривожланади, кескинлашади ва ўзининг кульминацион нуқтасига етади. Кучли эмоционал қувват ҳақиқий драматизмни келтириб чиқаради, инсоннинг ҳақиқат сари илгарилашини таъмин этади.

Ҳа, орадан ўттиз йил ўтгач, кишини таниб олиш қийин, бироқ саховатини унутиб бўлармикан? Шу муддат давомида Сулаймон ота кўнглидан кечган гапларни-чи? Ҳаяжон, ҳис-туйғуларни-чи?

Отанинг орзулари чил-чил синади. У нимагаки умид қилган бўлса, ҳаммаси қандайдир дақиқада елга соврилади. Қанчадир фурсат ноқулай аҳволга тушиб юради.

Ўз қаҳрамонини гўё ҳимоя қилгандай муаллиф уни Анвара исмли орзуси топталган аёл билан тўқнаштиради. Анвара билан боғлиқ сюжет линияси Сулаймон ота фикрини тўлдирди, кўнглидаги қарорни тасдиқлайди. Анваранинг бахтсизлигини эшитиб, Сулаймон ота унинг қайғу-аламларини бутун қалби билан ҳис этади ва кўнгли ҳукмига бўйсунди. Умрида балки илк марта но-

мардлик билан юзлашиб, қон-қақшаган инсонга ёрдам учун шошади.

«Комиссия»да асарнинг финал қисмини очиқ қўйган ва масала ечимини томошабиннинг ўзига ҳавола қилган бўлса, «Қиёмат қарз»да у шунга нуқта қўяди. Сулаймон ота юқоридеги йигитдан олган икки қўй — қиёмат қарзини, тўрт юз қилиб колхозга топширгач, пулини тўрт номаълум солдат қабри ёнида мактаб қурилиши учун сарфлайди ва пьеса унинг дўсти Мамасоли чўлоққа қарата айтган қўйидаги сўзлари билан якун топади:

«Мен, Сулаймон Йўлдошев, Нўъмонжонни топдим. Уч баҳорид дўсти билан бирга у Киев шаҳрида ором топмоқда... Уларни бутун Украина танийди. Энди кўнглим жойига тушди. Сен ҳам хотиржам бўл...»<sup>1</sup>

Сулаймон ота ўз «мағлубияти»ни жиддий ҳаётий ғалабага, маънавий тантанага айлантиришга ўзида куч-қувват топа олади. Бегона бир йигитнинг фронтдан қайтишига кўз тутган қариянинг оғир қисмати, ўй-кечинмалари орқали инсоннинг руҳий поклиги масаласи тадқиқ этилади. Асар қаҳрамонининг ҳаётга теран муҳаббати ва умрдан миннатдорлиги шу билан изоҳланадики, жаҳонда тинчлик, бахт-саодат барқарор бўлиши учун жон олиб жон берган ёшлар бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Муаллифнинг бу фикри, драматургининг, нисбатан кейинроқ ёзилган, «Шошма, қуёш» пьесасида ҳам яққол ифодасини топган.

Асар воқеаси 20-йилларнинг охири — босмачиликка қарши кураш авж олган даврлардан, бугунги кунларгача бўлган қарийб қирқ йиллик даврни ўз ичига олади. Унда республикаимиз ҳаётидаги бурилиш йиллари қаламга олинган. Бироқ асарда тарихга саёҳат йўқ. Умарбеков пьесада тарихий-революцион ҳаракатдаги қандайдир полатно яратилган фикрида ҳам бўлмаган. Бир қарашда шундай катта даврни бир пьесага, социал психологик драмага সিғдириш мумкин эмасдек кўринади. Бироқ драматург юқоридеги даврни асар қаҳрамони тақдирда, инсон шахсида жамлаш орқали бунинг урдасидан чиқади. Умарбеков саҳна имкониятидан кенг-мўл фойдаланади, хусусан у ўтмишни томошабин кўзи ўнгиде актёрлар ижросида жонлантириш йўлини тутди: 60 ёшлик Санобар ўз-ўзи билан учрашади, у аввал йигирма ёшлик, кейин қирқ ёшлик Санобарлар билан суҳбатда бўлади. Бу усул ўзбек драматургияси тарихида янги усул бўлиб, ҳеч бир ортиқча ҳодиса ва воқеасиз, саҳнада кўп актёр иштирок этмасдан туриб, томошабин кўзи ўнгиде республикаимизнинг урушдан аввалги ва уруш йиллари воқеалари жонланади, ўша даврларда яшаган оталаримиз ҳис-туйғулари, орзу-армонлари таҳлил қилинади. Натижада, пьеса қаҳрамонининг характери очилади. Топилган бу усул асар услубини ҳам белгилайди. Воқеаларни тадрижий тарзда беришдан қочиб, драматург характери тадқиқ этиш йўлидан боради ва

<sup>1</sup> У. Умарбеков асарларидан келтирилган мисоллар саҳна нусхасидан олинди.

пъесани бугунги кундан — олтмиш ёшлик колхоз раисаси Санобар Камоловнинг оддий иш кунидан бошлайди.

Кўз ўнгимизда иродали, жасур аёл намоён бўлади. Ҳар хил характердаги ва кайфиятдаги кишилар билан ўзаро мулоқотда бўлиб, турмушнинг турли масалаларини ҳал қилар экан, у босиқлик ва ички шиддат билан ақл ва ҳис ҳукмига тенг бўйсуниб, ҳар бир инсон тақдирига чуқур кириб боришига интилади.

Бу у қадар узоққа чўзилмайдиган кўринишлар қаҳрамоннинг ички дунёсига назар ташлашга, Камоловнинг ҳозир, бугунги кунда қандай яшаётгани ҳақида тасаввур уйғотади. Қаҳрамон неварасининг ҳалок бўлганлиги ҳақидаги хабар асар воқеалари ривожига қаттиқ таъсир кўрсатади. Драматик конфликтни келтириб чиқаради.

Тинч бир даврда, Ватанимиз чегараларининг даҳлсизлигини ҳимоя қила туриб, Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтаб юрган бир пайтда ўн етти яшар йигит ҳалок бўлади. Бир қарашда қаламга олинган бу воқеа тасодифий, бироқ шу тасодифий воқеа асосида Ватанга бўлган чексиз муҳаббат, халқ хизмати йўлида керак бўлганда жонни ҳам аямаслик, олижаноблик, адолат иши учун керак бўлганда қурбон бўлиш керак, деган фикрлар ётадики, бу ғояларнинг барчаси пьесада қизил ип бўлиб ўтади.

«Қиёмат қарз» асаридаги Сулаймон ота ахтарган йигитнинг қўлидан келмаган иш ўн етти ёшлик йигит — Камолова набирасининг қўлидан келади, Илҳом Ватан эл-юрт олдидаги бурчини бутун қалби билан англаб етади ва бу йўлда қурбон бўлади ҳам. Камолова ҳам набирасининг қисматини ўйлар экан, шундай ёруғ ўйларга боради.

Бироқ набирасининг ўлими Камоловага қаттиқ таъсир қилади, у ўз қисматига ўзи қониқмасдан қарай бошлайди. Ҳаётда тўғри яшадими у? Шу қаби кўплаб мулоҳазалар асарнинг ўзига хос устунини ташкил этади. Шу устун атрофида драматик воқеалар тизилади. Пьесадаги мазкур мотив олдинги планга чиқади. Шу таҳлит курашларни «Комиссия»даги Каримов ҳам бошидан кечирганини кўрган эдик. Камолова эса ўз ҳаётининг принципларини беомон ҳимоя қилади, йилма-йил орттирган, кейинчалик ҳаётини заруратга айланган маънавий бойликларига содиқ қолади.

Камоловнинг ҳаёт йўлини янада ёрқинроқ гавдалантирмоқ ниятида драматург асар бошланғичидаги воқеаларни ўтмишга қайиради. Томошабин кўз ўнгида қаҳрамоннинг хотиралари занжир намоён бўлади. Бирин-кетин унинг қаршисида қаҳрамон яшаб ўтган умрнинг ёрқин лавҳалари жонлана бошлайди: улардан бири сотқин эрнинг хоинлиги, бири эса ўғли билан учрашув. Буларни хотирлар экан, Камолова, юқоридаги лавҳаларда айби нима-ю, ҳақлиги нимада эканлиги ҳақида ўйга толади.

Ёлғизлик дардидан қўриқиб, балки ор-номусини оёқ-ости қилган инсонлигини хўрлаган эрга кўниб яшashi керакмиди? Эҳти-

мол ўғлини урушдан олиб қолиши керакмиди? Ахир бундай иш унинг қўлидан келар эди-ку?! Нега набирасини аскарликдан олиб қолмади? Бунинг ҳам иложини қила оларди. Шундай иш кўрганида, балки бундай даҳшатли кунга қолмасмиди?! Шунда ёнида эри ҳам, ўғли, набираси ҳам... Хулласи, оиласи бут бўлар эди-ку?!

Пьеса замиридаги мантқиқ оддий турмуш ҳақиқатига у қадар мос келмайдиган, бироқ унинг моҳиятини кенгайтирувчи, ўзгартирувчи, юксак гражданлик бурчига мос ҳақиқат, мантқиқдир. Камолова уруш даври ва урушдан кейинги оғир йиллар қийинчиликларини зиммага ола билган, бугдой экиб, пахта ундириб, тинч ҳаёт қуриш ишларига ўзининг муҳим ҳиссасини қўшишга ўзида куч-қудрат топа олган жасур аёллардэн. Бу оддий ўзбек аёли бутун ҳаётини ерга, одамларга бахшида этган. Юқоридаги «оддий турмуш ҳақиқати ва унинг моҳиятини кенгайтирувчи, ўзгартирувчи, юксак гражданлик бурчига мос ҳақиқат, мантқиқ» ҳақидаги фалсафани ўртага ташлар экан, қаҳрамондан жавоб талаб қилади. Жавоб битта: аччиқ, бироқ англаган қатъий қарорга келади Камолова. Унинг маънавий етуқлиги бошқача йўл тутишни тақозо этмайди ҳам. Агар ҳаётини қайтадан бошлаш керак бўлса, у яна, албатта, шундай яшаган бўларди.

— Сиз мени бахтсиз деб атадингиз, — дейди Санобар Камолова пьеса финалида ўзининг аввалги эрига. — Йўқ, мен бахтлиман! Менинг бахтим одамларда! Мен чўлга ҳаёт бахш этдим, унга сув чиқардим, қақраган ерларда пахта ўстирдим. Ҳаммининг мен азиз меҳмониман! Фақат умрим ўтиб кетяпти, шунга афсусланаман! Ишлар эса ҳали бошдан ошиб ётибди! Зеро мен ўғлим ва набирам учун ҳам меҳнат қилишим керак! Ҳар оқшом қуёш ботаётган палла, мен уни тўхтатиб қолгим келади, шошма, қуёш, ўз нурларингдан менга яна бир оз ҳаёт эт, дегим келади.

Камоловнинг асосий қудрати, ишончи — унинг халқ билан, омма билан бирга эканлигида. Энг яқин кишиларидан жудо бўлиб ҳам, у яшашга ўзида куч-қудрат топа олди. Ҳаётининг принциплари, маънавий идеали учун курашдан тоймади. Пьесаниннг қиммати ҳам мана шунда. Муаллиф асарда инсоннинг маънавий юксаклиги, ижтимоий етуқлиги учун замин эканлигини тасдиқ этади.

Ушбу мақолани Умарбеков драмаларининг тўлиқ таҳлили деб тушунмаслик керак. Юқоридаги пьесаларнинг ижобий жиҳатлари билан бирга камчиликлари ҳам маъжуд. Хусусан, асарлардаги персонажларнинг баъзилари тасодифий ва сунъийроқ ёритилган. Пьесадаги асосий воқеани боғлаш учунгина келтирилгандай таассурот уйғотадиган сахналар ҳам йўқ эмас.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчимизки, драматург юқорида таҳлил этилган асарларида ўзи қаламга олган мавзуну янги қирраларини драматик ҳолатларда бадий ақс эттириб, ўзбек театр сахнасини бойитишга маълум ҳисса қўшди.



## МЕҲНАТНИ ШАРАФЛОВЧИ ТАДҚИҚОТ

**Асил РАШИДОВ. ҲЗ-  
БЕК ҚИССАЛАРИДА  
МЕҲНАТ ТАСВИРИ.  
«Фан» нашриёти, Тош-  
кент — 1980.**

Ўзбек совет адабиётида меҳнат ва меҳнаткаш инсон мавзусини бадий тадқиқ этиш ўзининг оригинал тараққиёт йўлини босиб ўтди. Меҳнат жараёнларини, меҳнаткаш инсон психологияси ва тақдирдаги ўзгаришларини, эволюцияларни турли жанрларда бадий гўзал ва ҳаққоний акс эттирган кўплаб асарлар яратилди. Истеъдодли адабиётшунос олим, моҳир таржимон Асил Рашидов мазкур мавзунинг узоқ йиллардан бери тадқиқ этиб келмоқда. Унинг шу мавзу асосида ёзилган мақолалари адабий жамоатчиликнинг диққат-эътиборини тортмоқда. Яқинда мунаққиднинг «Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири» монографияси босилиб чиқди. Унда меҳнат ва меҳнаткаш инсоннинг ўзбек адабиётидаги бадий талқини масаласи адабиётшунослигимизда биринчи бор кенг кўламда илмий тадқиқ этилган.

Китобда адабиётимиз тараққиётининг ярим асрлик тарихи, асосан қиссачилик материаллари мисолида ёритилади. Тадқиқотчи шу давр ичиде яратилган барча қиссаларни бирма-бир ўрганиб чиқишни мақсад қилмайди, балки масалани ўки бу даражада ёритиш учун материал берадиган, турли хилдаги меҳнат жараёнлари тасвир-

ланган, турли давр ва турли тоифадаги меҳнат кишилари образлари яратилган, шунингдек адабиётимиз тараққиётида муайян роль ўйнаган, китобхонлар хотирасида маълум ижобий из қолдирган қиссаларнигина таҳлил этади. Ўрни келганда ўзбек классик адабиётига, бошқа жанрларга, қардош халқлар адабиёти асарларига ҳам муурожаат қилади.

Тадқиқотда ҳар бир адабий ҳодиса муайян даврга хос ҳаётий фактлар билан қиёслаб ўрганилади, асарнинг ва даврнинг руҳи, проблемалари ўзаро солиштириб тадқиқ қилинади. Адабиётимизнинг узоқ ўтмишига ўки халқ поэтик ижоди намуналарига муурожаат этар экан, тадқиқотчи ўки бу турдаги меҳнатнинг, меҳнат кишининг бадий инъикосини ўша даврнинг меҳнат ҳақидаги, меҳнаткаш инсон ҳақидаги тушунчалари, ҳақиқатлари ва унга муносабати билан боғлаб текширади.

Мунаққид адабиёт тарихининг ўки бу даврида яратилган асарларни бутун адабий жараённинг муҳим ҳалқалари сифатида талқин этади. Масалан Навоий асарларидаги меҳнат ва меҳнаткаш образи талқини ҳам ана шундай ўзига хос босқични — ҳалқани ташкил этади. Лекин бу мавзунинг Алишер Навоий ўз даври адабиётига хос бўлган шакл ва жанрларда, Муқимий, Фурқат ва бошқалар эса бошқачароқ шакл ва жанрларда бадий талқин қилади. Бу мавзунинг Садриддин Айний, Ғафур

Ғулومнинг қиссаларидаги талқини билан Ҳамза, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун ва бошқаларнинг шеърини асарларидаги ифодаси мазкур мавзу эволюциясида тамомила ўзига хос, бошқа-бошқа босқичлардир. Асил Рашидов ўки тадқиқ этаётган проблемани унинг ўки босқичлари билан текширади. Китобда бундай босқичларнинг ўзаро изчил бирикуви туфайли ўзбек адабиётида меҳнат ва меҳнат киши тасвирининг бутун тарихи ўзининг чуқур илмий, асосли ифодасини топади. Мунаққид 20—30-йиллардаги ўзбек қиссачилигининг «Одина», «Судхўрнинг ўлими», «Нетай», «Шум бола», «Тирилган мурда», «Мармар лавҳа» сингари муҳим намуналарини таҳлил қила туриб, диққатини бу давр адабиётининг қатор масалаларига қаратади: жумладан, социалистик мазмунни бутун борлиги билан ифодалашда анъанавий жанр — поэзиянинг торлик қилиб қолаётганлиги, адабиётимизга очерк, повесть, роман, драматургия сингари янги жанрлар кириб кела бошлаганлиги, бу жанрларни ўзлаштириш борасидаги қийинчиликлар, яъни ёзувчиларимизнинг проза сирларини эгаллаш йўлидаги изланишлари, қиссачиликнинг жанр сифатида шаклланиши, унда меҳнат жараёнлари, меҳнат киши образининг яратилиши хусусида оригинал мулоҳазалар билдиради. Улкада озодлик ва инқилоб ҳақидаги тушунчаларнинг кенг ёйилиши, рус революционерлари

ва биринчи ўзбек ишчи-инкилобчилари ҳаёти ҳамда революцион воқеалар бу типдаги қиссаларнинг мавзу йўналишини белгилашини кўрсатади. Китобнинг «Ишчи синфи — замон дарғаси» қисмида «Оқин ҳукми» (Файратий), «Сиртмоқ қирқилди» (Аҳмад Жўра), «Дип» (Мажид Усмон) каби қиссаларда ўлкамизда шаклланиб келаётган ишчилар синфи ҳаётини ва меҳнатини тасвирлаш орқали ишчи образини яратиш, саноят мавзусининг характерли томонларини очишга интилиш билан ёзувчиларимиз адабиётга янги мавзу, янги қаҳрамон ва янги мазмун олиб кирганлигини таъкидлайди. Ишчи синфининг шаклланиш жараёнини кўрсатиш ва ишчи характерини очишда ёзувчилар маҳоратининг ўзига хос томонларини очишга эътибор беради. Монографиянинг «Коллектив меҳнат пафоси», «Характерларнинг шаклланиши» қисмларида эса коллектив ҳужалиқнинг вужудга келиши ва янги типдаги деҳқоннинг шаклланиш жараёнларини акс эттирувчи «Қишлоқ ҳукм остида» (Абдулла Қаҳҳор), «Зафар нишони» (Акмал Пўлат, Илём Муслим), «Қор ёғди, излар босилди» (Шариф Ризо) ва бошқа қиссалар атрофлича таҳлил этилади; буларда синфий кураш, қарама-қарши кучлар тўқнашуви биринчи планга қўйиб тасвирланганлигига, шунингдек меҳнат мавзуи ички душманларга қарши кураш ғояси билан уйғун ёритилганлигига алоҳида эътибор берилади.

«Обид кетмон» (Абдулла Қодирий), «Тирилган мурда» (Ғафур Ғулом) каби қиссаларда социалистик қишлоқ кишилари турмуши ва онгда рўй бераётган чуқур революцион ўзгаришлар, янгиликлар бевосита меҳнат жараёнларини тасвирлаш, социалистик меҳнатнинг инсон психологиясига кўрсатган таъсирини ёритиш орқали содир бўлганлиги ҳам китобда кенг таҳлил этилади.

20- ва 30-йиллар ўзбек қиссачилиги ҳақидаги фикрларини хулосалаб тадқиқот-

чи бу даврда яратилган ўзбек қиссалари эпик жанр сирларини эгаллаш йўлидаги дастлабки тажриба, ўзига хос босқич бўлганлигини, уларнинг маълум ютуқлари билан биргаликда, баъзи камчиликлари ҳам борлигини қатор фактлар билан исботлайди. Қаҳрамоннинг меҳнат ёки кураш жараёнидаги фаолиятини унинг руҳий олами билан боғлаб кўрсата олмаслик, бадий умуллаштириш ва типиклаштириш маҳоратининг камлиги, баъзи ҳолларда бадий конфликтнинг суст ёки юзаки бўлиши, ечимининг сунъийлиги ва ҳоказоларни бу давр қиссаларига хос асосий камчилик сифатида кўрсатади. Бундай камчиликлар қисса жанрининг шаклланиш ва тараққий этиш қийинчиликлари ҳамда мураккабликлари билан боғлиқ табиий ҳол эканлигини ҳам мунаққид тўғри изоҳлайди. Шунга қарамай, уларда социалистик меҳнат кишиси характерини яратишда ва меҳнат эстетикасини кўрсатишда жиддий ютуқларга эришилганлиги, бу ютуқлар, ўз навбатида, ўзбек адабиёти тараққий этишнинг кейинги босқичларига, айниқса, повесть, роман сингари эпик жанрлар ривожига самарали таъсир этганлиги кўрсатиб ўтилади.

Китобнинг «Алангали йиллар қиссаси», «Жангли характерининг тобланиши» қисмларида совет ва ўзбек совет адабиётининг уруш даври воқеаларини акс эттирувчи қатор асарлари таҳлил қилинади. «Меҳнат пафоси адабиётимизда оғир уруш йилларида ҳам аввалгидай давом этди», — деб ёзди мунаққид. — Бу эса мутлақо табиий эди. Чунки Ватанимиз тақдири фақат жанг майдонларидагина эмас, балки завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхоз далаларида, катта ғалаба учун қурол-яроғ ва озиқ-овқат тайёрланаётган фронт орқасида ҳам ҳал этилаётган эди. Бошқача айтганда, совет кишиларининг қудрати, мислсиз жасорати мамлакат ичкарисиде ўзига хос жанг майдонига айланган меҳнат жаб-

ҳасида ҳам ёрқин гавдаланди». Шунга қарамай уруш даври ўзбек адабиётида меҳнат ҳақида ҳарбий-ватанпарварлик мавзуи ўзининг тўла ва мукамал ифодасини топмай қолганлигини, шунинг учун ҳам бу давр воқеалари кейинги йиллар адабиётида ҳам етакчи мавзу бўлиб келаётганлиги китобда батафсил ёритилади.

Урушдан кейинги ўзбек қиссачилиги мавзу доирасининг кенглиги ва даврнинг долзарб муҳим проблемаларини бадий тадқиқ этишга мойиллиги билан ажралиб туради. 50-йилларга келиб қиссачилик адабиётимизнинг етакчи жанрига айланди. Тадқиқотчи бу давр қиссаларининг аксариятида уруш туфайли чўкиб қолган халқ ҳўжалигини тиклаш ва янада ривожлантириш йўлида жонбозлик кўрсатаётган меҳнат аҳллари, партия ходимлари ва зиёлиларнинг тўлақонли образларини яратишга интилиш кучли бўлганлигини қатор қиссалар таҳлили мисолида кўрсатади. Шу билан бирга қиссачилигимизнинг ўзига хос камчиликлари, ўсиш қийинчиликлари ҳали ҳам сезилиб турганлигини айтади: «Айрим қиссаларда қаламга олинган ҳарбий воқеалар жараёни бир томонлама, нурсиз ва сийқалашган ҳолда тасвирланади, янгилик билан эскилик ўртасидаги кескин кураш асар сюжетини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида изчиллик билан давом эттирилмайди ёки жуда суст ривожлантирилади, қаҳрамонларнинг ички дунёси, қалб диалектикаси чуқур, атрофлича очилмайди. Баъзи бир асарларда конфликтсизлик «назариясининг зарарли таъсири... сезилади».

Китобнинг «Сувсизликни енгган ғолиблар» қисми урушдан кейинги ўзбек қиссачилигининг муҳим ютуқларидан бири бўлган Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар» повести таҳлилига бағишланган.

Мунаққид асардаги образларнинг ҳаётлигини, тўлақонлигини, китобнинг замонавийлигини таъминла-

ган қатор воситалар устида тўхталади ва ҳарактерли, конкрет мисоллар, далиллар асосида ёзувчи маҳоратининг ўзига хос ва ибратли томонларини очиб кўрсатади. У «Ғолиблар»даги меҳнат жасоратининг туб асослари, кишиларни фидокорона меҳнатга илҳомлантирувчи манбалар асар қаҳрамонларининг халққа, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатидан, зўр эътиқодидан эканлигини таъкидлайди. Асар қаҳрамонлари ўз меҳнатлари билан табиатни ўзгартирадилар, жамиятни ривожлантирадилар. Шу жараёнда уларнинг ўзлари ҳам жисмоний ва маънавий камол топадилар. Бу ҳақда тадқиқотчи шундай ёзади: «Ёзувчи кишиларнинг яратувчи—ижодий меҳнатдаги фаоллигини тасвирлар экан, шу билан бирга меҳнат жараёнида улар онгининг ўсишини, маънавий бойиши, характерининг тобланишини кўрсатишга ҳаракат қилган».

Асил Рашидов тадқиқотида хос муҳим хусусиятлардан бири мунаққиднинг таҳлил услуби, бадий асарга муносабатдаги ўзига хос принципларида кўринади.

Тадқиқотчи ҳамма ўринларда ҳам танланган бадий асарни бошдан-оёқ, мирдан-сиригача таҳлил этиб чиқишни мақсад қилмайди. Чунки бундай асарларнинг аксарияти ҳақида матбуотда турли муносабатлар билан маълум фикрлар айтилган. Асил Рашидов кўпинча, асарга ўз мақсади, олдига қўйилган проблема нуқтаи назаридан, шунингдек муайян асарнинг табиатидан, ёзувчи ижодининг характерли хусусиятидан келиб чиқиб ёндашади. У ёзади: «Биз бу ўринда «Чўлга баҳор келди» повестини умуман таҳлил этмасдан, балки эътиборни биргина масалага, яъни асарда меҳнат картиналарини, меҳнаткаш инсон фаолияти ва руҳиятини ўзида ифода этган пейзаж тасвирига жалб этмоқчимиз. Матълумки, ёзувчи ўзининг барча ҳикояларида бўлмасин, очеркларида бўлмасин, ҳаётимиз гўзаллиги-

ни, кишиларимизнинг қувноқ турмуши, қайноқ меҳнати романтикасини табиат лавҳалари фонида беришга интилади ва бу борада ҳассос расмом сифатида иш тутади». Мунаққид «Чўлга баҳор келди» қиссаси таҳлилига тўхтар экан, пейзажнинг асар тўқимасидаги муҳим ўрни, катта ғоявий-бадий юкка эга эканлиги ҳақида гапиради. Қиссадаги воқеалар ривожининг пейзаж билан мустаҳкам боғлиқликда тасвирланишига аҳамият беради. Қаҳрамонларнинг меҳнат билан банд бўлган картиналарида, ўзлаштирилаётган Мирзачўл манзараси ва Фарғона водийсининг сўлим табиати билан меҳнат кишиси ўртасидаги мутаносибликни, ўзаро табиий алоқаларни топиб тасвирлаш маҳорати ҳақида фикр юратади. Тадқиқотчи масалага чуқурроқ разм солади ва повестдаги чўл манзараси ўзгаришларида, табиат манзаралари янгиланишларида, меҳнат қишиси ҳаётида, унинг маънавий-руҳий дунёсида содир бўлаётган ўсиш ва янгиликларни ҳам кўра олади. Бу эса, ўз навбатида тадқиқотга чуқур илмийлик ва мазмундорлик бахш этади.

Мунаққид КПСС XX съезидан кейинги давр, айниқса 60-йиллар ўзбек қиссачилигининг юқори босқичга кўтарилган даври бўлганлигини алоҳида таъкидлайди. Қиссанавислар сафи Асқад Мухтор, Иброҳим Раҳим, Сарвар Азимов, Раҳмат Файзий, Мирмуҳсин, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Миркарим Осим, Суннатулла Анорбоев, Ҳабиб Нуъмон, Саида Зуннунова, Комил Икромов каби истеъдодли ижодкорлар билан бойиганлигини кўрсатади. Бу даврга келиб тарихий, тарихий-саргузашт, замонавий, илмий-фантастик, автобиографик, мемуар, ҳужжатли повест, киноповестлар яратилди. Қисса даврнинг энг сезгир, оммабоп ва халқчил жанрига айланди. Муҳим ижтимоий, ахлоқий проблемаларни, коммунистик жамият қураётган совет кишиларининг меҳнатдаги жасоратини,

маънавий-руҳий оламини кўрсатишни диққат марказида тутди. Актив ҳаракат ва қизғин фаолият билан боғлиқ фаол кишилар образини яратиш, жамият ҳаётининг янги томонларини, муҳим проблемаларини акс эттириш бу даврдаги қиссаларнинг характерли хусусияти бўлди.

Бу даврда яратилган қиссаларнинг адабиётимизга ғоявий-тематик янгилик олиб кирганлигини ва ишчи темасини, ижобий қаҳрамон сиймосини ёритишда ўзига хос босқични ташкил этганлигини белгилаб ўтади. Бироқ 60-йиллар ўзбек қиссачилигида ҳам айрим етишмовчиликлар мавжудлигини, баъзи асарларда ҳаётдаги ижобий ва салбий кучлар пропорциясини тўғри кўрсата билмаслик, жамиятимизнинг етакчи тенденцияларини аниқ илғай олмаслик, ҳаётдаги ўткинчи, тасодифий, салбий ҳодисалар тасвири билан ўралашиб қолиш ҳоллари содир бўлганлигини ҳам мунаққид тўғри қайд этади.

Социалистик қишлоқ кишилари ҳаётидаги ва психологиясидаги чуқур ўзгаришлар, ўзбек аёлининг камолоти «Синчалак», «Ҳилола», «Узоқни кўзлаган қиз» кеби қиссалар таҳлилида атрофлича ўрганилади. Хотин-қизлар орасидан етишиб чиққан янги типдаги қаҳрамонлар, илғор, ташаббускор кишилар образи яратилганлигини адабиётимизнинг муҳим ютуқларидан бири сифатида белгилайди. Янгиликларни журъат билан кўтариб чиқиш, уларни ёрқин ифодалашга интилиш, янги кишиларнинг оригинал образларини бутун мураккаблиги билан гавдалантириш — булар ҳаммаси янги даврнинг муҳим белгилари сифатида қаралади: «Саида, Ҳилола ва Турсунотининг актив фаолиятини, ирода йўналишини белгилайдиган бош критериялардан бири — муайян даврда социалистик демократиянинг кучайиши ва унинг янги типдаги инсоннинг гражданлик туйғусига фавқулодда таъсир этишидир. Даврнинг бу характерли хусусияти ҳар

бир шахснинг эркин, мустақил ташаббусига кенг йўл очди ва уларнинг шахсий фаолиятида ижтимоий манфаат учун кураши сезиларли даражада кучайди».

Мунаққид ўзбек қиссачилиги тараққиётида рус ва бошқа совет ёзувчилари аъноларининг беқиёс катта роли борлигини ҳам китобнинг кўп ўринларида мисоллар билан исботлайди.

Монография, гарчи «Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири» деб аталса-да, унда ўзбек қиссаларида меҳнат ва меҳнат кишиси тасвири қай аҳволда эканлигига кўпроқ диққат қилинса-да, муаллиф бадий асарда фақат меҳнат тасвири билангина иш битмаслигини, ҳаётни бутун тўлалиги билан тасвирлаш учун яна талай нарсаларга эътибор бериш лозимлигини уқтириб ёзади: «...кишиларни фақат меҳнат процессида тасвирлашнинг ўзи етмайди, албатта. Турмушнинг бошқа заруратларисиз меҳнатнинг ўзи завқсиз ва зерикарли бир нарсага айланиб қолиши мумкин». Ўзбек қиссанавислари масаланинг бу томонига ҳам етарли даражада эътибор бераётганликларини, қиссаларимизда оила, ахлоқ, муҳаббат, халқлар дўстлиги масалалари ҳам ўзининг чуқур ифодасини топаётганлигини айтади.

Асил Рашидовнинг монографиясида шу нарса кўзга яққол ташланадигани, унда мунаққид ҳаётни реал ва ҳаққоний тасвирлашнинг, қаҳрамоннинг ички, маънавий дунёсини янада тўлароқ, жонли ва таъсирчанроқ кўрсатишнинг қулай имкониятларини, муҳим воситаларини ёзувчи билан биргаликда изланади. Унинг таҳлил услубида, бадий ижод ҳақидаги фикр-мулоҳазаларида санъаткор билан ана шундай маслаҳатдошлик тўғриси, ёзувчи эътиборини бадий ҳодисанинг илмий томонларига ҳам қаратишга интилиши сезилиб туради. Шу маънода мунаққиднинг бу тадқиқотини, умуман танқидий фикрнинг кўплаб бошқа яхши намуналари қаторида

бадий изланишларнинг маълум даржадаги давом, ривожидейиш мумкин.

Тадқиқот ҳақидаги фикримизни яқунлаётиб яна бир нарса ҳақида тўхталишни истардик. Асил Рашидовнинг «Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири» ва «Ишчи — қиссаларимиз қаҳрамони» монографиялари ҳақида матбуотда бир қатор тақризлар эълон қилинди. Назаримизда, бу тақриزلарга хос иккита умумий хусусият бор: биринчиси шуки, уларда Асил Рашидовнинг монографиялари ҳақли равишда адабиётшунослигимизда воқеа эканлиги айтилади, муайян мавзунини, проблемани ёритишда муаллиф ўзининг ёрқин тадқиқотчилиги истеъдодини, олимлик маҳоратини яққол кўрсатганлиги тўғри таъкидланади. Иккинчи хусусият шуки, тақриزلарда китобларнинг туб моҳиятига чуқурроқ кириб бориш, уларнинг аҳамиятини конкрет фактлар ва мисоллар билан очиш етишмайди. (Бундан А. Абдурахмоновнинг «Ишчи образи таҳлилда» деб номланган («Ёш ленинчи» 14 октябрь, 1980) тақризини қисман мустасно дейиши мумкин). Айрим ҳолларда тадқиқотчи маҳоратининг ва монографияларнинг энг муҳим томонларига эътибор бериш ўрнига, тақризлар муаллифлари иккинчи, учинчи даражали масалалар билан ўралашиб қоладилар. Шу боисдан ҳар иккала китобнинг адабиётшунослигининг ютуғи сифатида баҳоланадиган кўплаб конкрет фазилатлари эътибордан четда қолади. Тақриزلарда айрим эътирозли ўринлар ҳам бор. Масалан, Ҳ. Абдусаматов ва С. Тўрабекова («Меҳнат мадҳи»), («Тошкент оқшоми», 8 октябрь 1980) ёзадилар: «Ҳар икки китоб... ўзбек совет адабиётида инсон фаолияти (курсив бизники — П. Т.) ва меҳнатнинг тасвири ҳақида кенг маълумот беради». Инсон фаолияти жуда серқиррадир. Китоблар адабиётимизда инсон фаолиятининг ҳамма томонлари тасвири ҳақида кенг маълумот беришни мақсад қилмайди, балки эътиборни инсоннинг,

асосан меҳнатдаги фаолиятининг бадий тасвирига қаратади. Ҳ. Расулов ва М. Нурматов («Меҳнатнинг эстетик моҳияти», «Совет Ўзбекистони», 21 ноябрь, 1980) тақризида шундай бир ўрин бор: Мунаққид «...ўзбек халқининг минг йиллик меҳнат ва нафосат аъноалари, инқилобий (курсив бизники — П. Т.) ва гуманистик традициялари тобора камол топиб, янги мазмун ва сифат касб этаётганлигини муқаррар суратда кўрсатиб беради». Бизнингча, халқимизнинг «минг йиллик меҳнат ва нафосат аъноалари, гуманистик традициялари» жумласига инқилобий ҳаракатларни ҳам қўшиб юбориш тўғри бўлмайди.

Ҳолбуки, инқилобий ҳаракатлар тарихи, аъноаси анча кейинги асрлар билан боғлиқдир.

Хуллас ҳар учала тақризда ҳам бундай қиёмига етказилмаган жумлалар учраб туради.

Танқидий фикрни бадий ижод оламида китобхон қўлидаги компасга қиёс этса бўлади. Бундай компас ёзувчи дамида ўқувчи бадий ижоднинг, хоҳласа, узоқ ўтмишига, хоҳласа яқин тарихи ёки бугунги кунига, хоҳласа келажакка «саёҳат» қилиши мумкин. Асил Рашидовнинг «Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири» монографияси адабий ҳаётимизнинг муайян томонларига «саёҳат» қилиш учун адабиёт мухлислари қўлида ишончли компас вазифасини ўтайди. Бу китоб истеъдодли адабиётшунос олимнинг бадий фактларни ҳаёт ҳодисалари билан узоқ йиллардан бери ўрганиб, қиёслаб илмий тадқиқ этиши натижасида унинг бадий ижод ва ҳаёт ҳақидаги объектив, мустақил ва оригинал қарашлари сифатида майдонга келган асар. У ўзининг кўп ибратли томонлари билан ҳали бу соҳада ўрганилиши лозим бўлган ишлар, янги илмий тадқиқотлар ва ижодий изланишлар учун қимматли манба бўлиб қолади.

**Пўлат ТУРАЕВ,**  
филология фанлари кандидати.



## ОЛАМЛАРДАН ОЛАМ ЯРАТАДИ

**Матёқуб ҚУШЖОНОВ.** Қалб ва қиёфа, Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978; Ҳаёт ва қаҳрамон, Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979; «Қўриқ» сабоқлари, УзССР «ФАН» нашриёти, 1979; Ижод масъулияти, Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.

Инсон ҳаётидан, воқеликдан, фикрлар, туйғулар силласидан ўзига хос янги олам — образлар, бадий типлар, характерлар олами яратган ва шу орқали давр руҳини, замон тараққиёти моҳиятини ёритган ёзувчи онгу тафаккуримизни ўзгартиришга, маънавий қудрат беришга қодирдир.

Мунаққид эса, ёзувчи яратганини ўқувчиларга етказиш билан чекланмасдан ўзгалар англамаганларини англатиб, сезмаганларини сездиришга, ёзувчи нияти, ғоясини чуқур ёритишга ва шу йўл билан ҳаёт, онг, тафаккур тараққиётга сезиларли таъсир кўрсатишга сафарбар этилгандир.

Илмий-эстетик камолот сари дадил илгарилаётган адабий танқидчилигимиз кўлга киритаётган салмоқли муваффақиятлар ҳам, гоҳида йўл қўяётган нуқсонлар ҳам ҳалол, ҳаққоний, чуқур таҳлилдан ўтказилишини тақозо қилади. Бундай хусусиятлар ҳақида гап кетганда, бадий ижод сеҳри, сирини, моҳиятини бутун қалби билан ҳис қилиб, унинг ўсиш-ўзгариши, равнақ топишига сезиларли таъсир кўрсатаётган пешқадам мунаққидларимиздан бири Матёқуб Қўшжонов фаолияти, изланиш-интилишлари, тадқиқотлари алоҳида диққат-эътиборни тортади.

Негаки, етук мунаққид олим қарийб чорак асрдан буён ўзининг илмий фаоллигини, ижодий жасоратини, ҳақиқий курашчанлигини мантикий изчиллик билан мутасил намойиш қилиб келмоқда.

Тўғри, бу изчиллик, фаоллик ва жасорат ҳамма вақт фақат юксак натижалар билан яқунланди демоқчимасмиз, бундай бўлиши мумкин ҳам эмас. Чунки, ҳар қандай яратувчи доимо изланиш, кураш, меҳнат қучоғида яшайди.

Матёқуб Қўшжонов нимани кўллаб-қувватламасин, тасдиқламасин ёки танқид қилиб, инкор этмасин, барчасида ўз қалб кўрини, юрак ҳароратини, мустақил кузатишларини, эътиқодини ифодалашга интилади. Зотан, яратиш, кашф этиш ижодкорнинг мустақил фикрлашдан бошланади. Ахир, ўз эътиқоди, шахсий мулоҳазаси, ўй-орзусига эга бўлмаган кимса қалам тебратганда ҳеч қандай маънавий бойлик яратолмайдику! Аммо бундай ўйлар, мулоҳазалар, кузатишлар қанчалик такрорланмас ўзига хос шахс онги, тафаккури, маънавий оламига мансуб бўлмасин, борди-ю, улар ҳам ижтимоий-маънавий ҳаёт, ҳам адабий-бадий тараққиёт моҳиятини ёритадиган янги, оригинал маъно, ғоятда салмоқли мазмун касб этмаса, қадриқимматини йўқотади. Бинобарин, ҳал қилувчи омил мунаққид шахсиятига бориб тақаладики, бундан кўз юмиш асло мумкин эмас. Дарвоқе, мақола, тақриз ёзувчилар сони ортиб борапти, бироқ ўз қиёфасига, услубига эга бўлган мунаққидлар ҳали жуда озчиликни ташкил этади. Ҳолбуки, истеъдод «муҳри» босилмаган адабий-танқидий

мақолалар, тақризлар жуда зўр деганда шарҳлаш, изоҳлаш вазифасини ўтаб, илмий-эстетик тафаккур ривожига сезиларли таъсир кўрсатолмайди.

Матёқуб Қўшжонов бутун фаолияти давомида сўз санъати тараққиётига, танқидчилик, адабиётшунослик равнақига монелик қилаётган, ҳар хил шаклда намён бўлувчи баёнчиликка илмий асосда зарба бериб келаяпти. Унинг ўзбек адабиётшунослигида ўзига хос йўналиш яратгани бежиз эмас. Бу йўналиш мевалари сифатида Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор ижодига бағишланган тадқиқотлари, ҳозирги замон адабиёти намуналарининг таҳлилинини ўз ичига олган қатор мақолалари жамоатчиликка манзур бўлди. Шу ўринда Матёқуб Қўшжонов ижодининг энг нурли, ёрқин саҳифалари билан айрим чигал, мураккаб нуқталарига диққатингизни жалб этиш ниятида унинг икки тақризини кўриб чиқишни лозим топдик. Бири Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар» романига бағишланиб, «Ўзбек аёлининг уйғониши» (1956) деб номланган, иккинчиси Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романи ҳақидаги «Ҳаётнинг ички тўлқинлари» (1977) тақризларидир. Агар ҳар иккаласи таққосланса, кейинги тақризнинг ҳар жиҳатдан бақувват эканлиги сезилади. Улар орасида йигирма йилдан ортиқ вақт турибди. Бу муддат мобайнида Матёқуб Қўшжонов истеъдоди шаклланиш давридан ўтиб, етуклик босқичига кўтарилди. Шунга қарамастан ҳар иккала тақризнинг муштарак жиҳатлари мавжудки, бу биринчи галда муаллифнинг ҳам «Опа-сингиллар»ни, ҳам «Диёнат»ни юксак талаб-

чанлик билан таҳлил қилишга интилишида ўз аксини топган.

Маълумки, Асқад Мухторнинг мазкур романи машъум «конфликтсизлик назарияси» ҳали ўз макъени йўқотмаган пайтда юзага келган бўлиб, насримизда реалистик анъаналарни ривожлантиришга қаратилган янги тўлқиннинг ифодаси сифатида муҳим аҳамият касб этганди.

Матёқуб Қўшжонов тақризда романнинг чуқур ҳаётий асосга эга эканлигини мамнуният билан таъкидлаб, ёзувчи ҳали характер яратиш маҳоратини мукамал ўзлаштирмаганини рўйи рост кўрсатади. Иккинчи тақризда у Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романи етмишинчи йиллар ўзбек адабиётида ўзига хос воқеа бўлганини тўлқинлиб сўзлайди, асар фазилатларини конкрет таҳлил орқали намоен қилишга алоҳида эътибор беради. Айни чоқда мавжуд нуқсонлардан кўз юммайди. Ҳар иккала тақризда ёзувчиларнинг бундан ҳам юксак довларни забт этиши учун нималар монелик қилганини ёритишга интилгани махсус изоҳларсиз англашилиб туради. Натижада шундай хулосалар, мулоҳазалар, кузатишлар юзага келадикки, уларда фақат Матёқуб Қўшжонов истеъдодининг ўзига хос хусусиятлари, тақрирланмас аломатлари намоен бўлади. Тўғри, баъзан мунаққиднинг қалбдан отилиб чиққан ҳароратли нафаси, талабчанлик ва адолат туйғуси билан йўғрилган овози «Ефим Данилович, София Борисовна ва қисман Жўраҳон сингари бир группа коммунистлар образи романга ўз дунёқарашлари ва ҳаёт тажрибаларига эга бўлиб, шаклланган революционерлар сифатида киритилгандирлар. Улар Собиржон, Онахон, Эргаш каби ёшларга устоз сифатида талқин қилинади. Автор бу образларнинг шаклланиш процессини кўрсатиб ўтирмайди, шунинг учун ҳам бу образлар асарда юзаси қараганда қандайдир статик, тайёр ҳолда берилган образларга ўхшаб қолади, би-

роқ моҳиятда улар ҳам бора-бора ўсадилар, ўзгарадилар» сингари конкрет таҳлил билан исботланмаган, оқибатда илмий ахборотдан иборат бўлиб қолган мулоҳазаларга кўмилиб кетади.

Шунга ўхшаш вазиятни «Диёнат»га бағишланган тақризда ҳам учратамиз. Лекин унда ахборотнома мулоҳазалар, кузатишлар ниҳоятда кам бўлиб, бир оз бошқачароқ шаклда кўринади: «У асарнинг биринчи бобларидан бошлаб то охиригача ўзини «ёшини яшаб, ошини ошаган қари тулки» ҳисоблайди. Асарнинг охириги бобларида бу иборага «хўкиз феъл одам» сўзлари қўшилади. Ундан кейин ўзига нисбатан «қари бўри», «мяси суюлган» ибораларини ишлатади. Бу хилдаги иборалар Нормурод Шомуродовнинг ўзига ҳақорат сезилмаслиги мумкин. Бироқ, улар илм-фан фидойисига нисбатан пайдо бўлган китобхон муҳаббатини ҳақоратламасмикин!»

Агар синчиклаб қаралса, масалага жиддий ёндашилса, гап у ёки бу иборанинг ишлатилиши ёки ишлатилмаслигида эмаслигини ўқиб оламиз. Ахир, илм-фан фидойиси ҳам одам-ку! Одам бўлгандан кейин баъзан шароит тақозоси билан қўпол, дағал иборалар, сўзларни четлаб ўтолмайди-ку! Борди-ю, четлаб ўтганда биз ёзувчига таъна қилиб: «нима учун қаҳрамоннинг жиловини зўрлик билан тугиб турдингиз, айтадиганини айттирмадингиз, қиладиганини қилдирмадингиз»,— дейишимиз мумкин-ку!

Шундай баҳсталаб, изоҳнома гаплар, фикрлар Ҳамид Фуломнинг «Мангулик», Саид Аҳмаднинг «Қирқ беш кун», Йўлдош Шамшаровнинг «Чироқ» романларининг таҳлилига бағишланган тақризларга ҳам тегишлидир. Чунки, хилма-хил савия ва услубда ёзилган бу асарлар кўпинча таҳлил қилинмасдан тавсифланади, холос. Оқибатда Матёқуб Қўшжоновга хос талабчанлик туйғуси бирқанча ўринларда сезилмай қолади.

Мунаққиднинг бошқа тақриزلари, мақолаларида ҳам

гоҳида нималардир етишмай қолганини, нималардир ошиб кетганини, нималардир меъёрида ифодаланмаганини кўрамай, бироқ улардан бевосита ёки бевосита шу нарса англашиладики, Матёқуб Қўшжонов сўз санъатини, бадий ижодни жуда муқаддас, бениҳоя ўткир ғоявий-бадий қурол деб билади ва уни ким оқилона моҳирлик билан ўз пайтида топиб ўринли ишлатса, нишонга тўғри йўналтирса, ўшанга меҳр-муҳаббатини илмий таҳлил орқали изҳор этади, аксинча, унга ким доғ туширса, хиёнат қилса, тўғри муносабатда бўлмаса, уни асосланган адолатли танқид билан «даволашга киришади», камчиликларини тугатишга бутун иқтидорини сарфлайди.

Матёқуб Қўшжоновнинг қайси бир мақоласи, тақризи, тадқиқотини олиб кўрмган, уларда сизни ўйлатиб юрган муаммоларнинг бирор жиҳати ёритилганига қаноат ҳосил қиласиз. Ойбекнинг «Қутлуғ қон»ига бағишланган «Характер эволюцияси», Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб»ини таҳлил қилган «Адашганлар фожияси», «Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати» (бу тадқиқот «Ҳаёт ва қаҳрамон» китобига «Шахс ва муҳаббат қисмати» деган ном билан киритилган), шунингдек, «Ижод масъулияти» тўпламидан ўрин олган «Очиқ хат» (Иброҳим Раҳимнинг «Одам қандай тобланди» романининг таҳлили), «Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа» (Сайёрнинг «Хулқ» деб аталган қиссалар мажмуасининг танқиди) каби мақолалари шундай фикрни дадил айтишга асос беради.

Ҳа, мунаққид асарлари деган иборага алоҳида урғу бераёلمиз. Зотан ҳар бир тақриз, мақола, тадқиқот ўзига хос адабий-танқидий асар сифатида дунёга келса, узоқ яшайди ва ўқувчига илмий-эстетик сабоқ беради. Ваҳоланки, ҳозир тақриз ёки мақола деган тушунчани жўн маънода тушунадиган қаламқашлар ҳам, ўқувчилар ҳам йўқ эмас. Бунинг сабаби

шундаки, кўпгина мақолалар, тақриزلарда ижодкорлик руҳи бўлмади. Оқибатда адабий танқидчилик ғоятда энгил ҳунар экан, деб шоирликни ҳам, носирликни ҳам, драматургликни ҳам эплай олмаган, айрим тасодифий кишилар ҳам бу соҳага кириб қолмоқда. Матёқуб Қўшжонов эса чинакам изланувчан танқидчи сифатида фаолият кўрсатаётган ижодкорлардан биридир. Мисолларга мурожаат қилайлик.

Олим «Характер эволюцияси» мақоласида кўп адабиётшунослар томонидан таҳлил қилинган «Қутлуғ қон» романига ўзига хос оригинал нуқтаи-назардан ёндашади. Натижада ёзувчи образлари қайтадан кашф этилади. Кашф этилади деганда шуни айтмоқчимизки, қаҳрамонлар онги, ҳаёти, хатти-ҳаракатлари, фаолиятлардаги ўзгаришларни, хусусан, йўлчининг оддий, итоаткор одамдан исёнкор инқилобчига айланиш жараёни асар воқеаларининг чуқур таҳлили асосида мантиқий изчиллик билан ёритилади.

Мантиқий изчиллик иборасини бир неча бор такрорлаб ўтаётганимизнинг боиси шундаки, у юксак талабчанлик руҳи билан бирлашган ҳолда Матёқуб Қўшжонов истеъдодининг таркибий қисмини ташкил этади. Мунаққид қаламига мансуб мақолалар ва тадқиқотларнинг деярли барчасида ана шу мантиқий изчиллик билан юксак талабчанликнинг бирикуви сезилади.

Мунаққиднинг «Адашганлар фожиаси» мақоласида бунинг ажойиб намунасини кўрамиз. Олим кўп баҳслар, мунозараларга сабаб бўлган Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романига мурожаат этар экан, унинг очилмаган қирралари, ёритилмаган хусусиятларини топишга муваффақ бўлади. У асарнинг ғоявий-бадий моҳиятини ҳаққоний таҳлил орқали ёритиб, ўзининг чинакам илмий-ижодий мустақиллигини намоён қилади. Шунингдек, у айрим мунаққидлар билан бирга ўзи ҳам бир пайтлари «Са-

роб»га нотўғри муносабатда бўлганини очиқчасига эътироф этади.

Ўз хатосини рўйи-рост тан олишга эса ҳар қандай мунаққид журъат этавермайди.

Айтиш мумкинки, ўзбек халқининг маънавий дунёси, онги, тафаккурини ўзгартириш йўлида қалам тебратётган кўпгина қалам соҳиблари Матёқуб Қўшжонов нигоҳидан четда қолмаган.

Аmmo Ойбек билан Абдулла Қаҳҳор ижодининг бошқа мунаққидлар, олимлар кўрмаган, сезмаган қирралари, хусусиятлари, фазилатлари ҳамда мавжуд нуқсонларини кенг миқёсда барча тафсилотлари билан ёрқин гавдалантиришга эришган.

Олим Ойбек ва Абдулла Қаҳҳорларнинг ижодий зафарлари тўғрисида тўлқинланиб гапириш билан бирга «Олтин водийдан шабадалар» ёки «Қўшчинор чироклари» сингари эллигинчи йиллар адабий ҳаётида муайян аҳамият касб этган, бироқ «конфликtsizлик назарияси»нинг машъум таъсирига тушиб қолиб, турмуш мураккабликлари, зиддиятларини маълум даражада силлиқлаштириб кўрсатган романлар ҳақида танқидий фикрлар билдиради, уларнинг айрим фазилатларини ҳам, жиддий камчиликларини ҳам ошириб-тоширмасдан қайд этади, адолат «тоши» билан ўлчайди, бўлғуси зафарларга замин ҳозирлаш талабидан келиб чиққан ҳолда иш кўради.

«Очиқ хат» ва «Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа» мақолаларида ҳам мана шундай рух, кайфият ҳукмронлик қилади ва фикрлар, кузатишлар, хулосаларнинг бутун салмоғини, йўналишини белгилайди.

Олим бу мақолаларда Иброҳим Раҳим билан Сайёрнинг муҳим ижтимоий аҳамият касб этган салмоқли муаммоларни кўтариб чиққанлигига қарамасдан жамият, замон тараққиётига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатувчи шахслар тақдир, драмаси, кечинмалари, шахсий ва ижтимоий фаолиятини бадий тадқиқ

этишга эришолмаганини мантиқий изчиллик билан ёритади. Бу ўринда мунаққиднинг ёзувчига кўмаклашиб, унинг келажақда ижодий муваффақият қозоншини кўзлаб мулоҳаза юритаётгани англаб туради. Жумладан, у мазкур асарлардаги ютуқларни астойдил кўллаб-қувватлайди, фазилатларни хайрихоҳлик туйғуси билан ифодалайди.

Айни замонда у ҳаёт мантиқи, воқеалар мантиқи, характер мантиқиغا риоя қилмаган қаламкаш ҳар қандай шароитда ҳам муваффақиятсизликка учрашини раддия талаб этмайдиган исботлар билан кўрсатади ва бунинг бадий ижод қонуниятларини белгилловчи муҳим негиз, ўзак эканлигини алоҳида уқдиради.

Олим бадий асарнинг сюжет, конфликт ҳамда композицияси хусусида ҳам назарий йўналишда ёзилган бир қанча мақолалар эълон қилган. Бу мақолалар ҳам Матёқуб Қўшжоновнинг забардаст олим, ўткир мунаққид, кенг миқёсда мушоҳада юритувчи истеъдод соҳиби эканлигини намоён қилади. У бадий маҳорат тушунчасини жуда кенг миқёсда ёритиб, сўз санъатининг бутун сеҳри-ю сирларини теран тадқиқ этади.

Олим жаҳон ва рус классик ёзувчилари, мунаққидларига таяниб, сюжет, композиция фақат шакл эмас, балки мазмун билан бевосита боғлиқ ҳодиса эканини алоҳида таъкидлайди.

Хусусан, композиция муайян асардаги воқеалар, фикрлар, деталларни муҳим, салмоқли ғоявий мақсад асосида ташкил этишдан, уюштиришдан, сюжет эса у ёки бу характер, образ (лирик, поэтик, эпик, драматик образнинг ўсиш, шаклланиш, камолотга етиш тарихидан иборат эканлигини хилма-хил, ранг-баранг фактлар таҳлили билан ишонарли кўрсатади. Конфликт талқинида ҳам Матёқуб Қўшжонов янги, оригинал йўлни танлайди.

Шу тариқа у ўзининг олимлик салоҳиятини яна бир қарра намоён қилади.

Сюжет, композиция, конфликт ҳақидаги ишларининг бир неча бор нашр этилиши, ниҳоят, икки жилдлик «Адабиёт назарияси»га мустақил бўлбар сифатида киритилиши бежиз эмас.

Табийки, Матёқуб Қўшжоновнинг барча мақолалари, тақризлари, тадқиқотлари юқорида тилга олинганларидек, жуда юксак, савияда ёзилган деёлмаймиз. Айрим мақолаларида ҳам баъзан юзакилик, баъзан бирёқламалик учрайди. Жумладан, «Қутлуғ қон» ҳақида сўз кетганда у Ҳомил Ёқубовнинг «Йўлчининг турмада Петров билан танишиши кенгайтириб, ривожлантириб берилмаган. Петров образининг асардаги воқеаларга бевосита қатнашиб, унга кучли таъсир кўрсатиши ёрқин ифодаланмаган. Натижада бу образ «анча схематик бўлиб чиққан» деган фикрини рад этади ва Ойбек Йўлчининг Петров билан учрашуви эпизодини юзларча саҳифага чўзиши мумкин эмас эди, бу қаҳрамон характери мантиқига, воқеалар ривож мантиқига зид келади, деган тўғри фикрни илгари суради. Айни чоқда Ҳомил Ёқубовнинг Петров образи «анча схематик бўлиб чиққан» деган мулоҳазасида жон борки, бунини Матёқуб Қўшжонов эътибордан соқит қилади. Бу қаҳрамон «Қутлуғ қон»да ўз қиёфаси, индивидуал хусусиятларига эга бўлган образ сифатида эмас, балки муайян ғояни ифодалашга қаратилган бир восита бўлиб қолган. Жонли, ҳаётий образ бўлиши учун юзларча саҳифани эгаллайдиган тасвир эмас, балки қандайдир имо-ишора, детал, штрих, бир-икки ҳаракат, ҳолатнинг ўзини кўрсатиш кифоя қилиши санъаткорга сир эмас.

Матёқуб Қўшжоновнинг «Қалб ва қиёфа» китобидаги «Шакл ва мазмун бирлиги», «Бадийлик — фикрий тиниқликда», «Шеърятда жўнлик — қусур, чигаллик-чи?», «Танқидчиликдаги ҳалоллик-поклик рамзи», «Уйчан» проза» сингари этюднамо лавҳалари «Очиқ хат» ёки «Хаёл бош-

қа, ҳаёт бошқа» сингари қалбларимизни тўлқинлантириб, тасаввуримизни жиддий ўзгартирадиган даражадаги салмоқ касб этган эмас. Шунга қарамасдан, уларда ҳозирги наср, шеърят ва адабий танқидчиликда рўй бераётган сифат ўзгаришлари, йўл қўйилаётган айрим жиддий камчиликларнинг моҳияти тўғри ёритилади. Чунончи, мазмун ва шакл бирлиги, яхлитлигини таъминлаш йўлида Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор аъналарини ижодий ўзлаштириб, ўзига хос янги образлар, янги характерлар яратаётган адиблар қўллаб қувватланади. Бунинг ёрқин мисоли сифатида Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар» ҳамда Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романларининг ғоявий-бадий хусусиятлари тўғрисида мулоҳаза юритилади. Асқад Мухторнинг «Бўронларда бордек ҳаловат», Одил Ёқубовнинг «Биллур қандиллар» деб номланган қиссалари асосан танқидий йўналишда текширилади. Хусусан, «Бўронларда бордек ҳаловат»нинг мавжуд фазилатларини қайд этгандан кейин мунаққид қуйидагиларни ёзади: «Бироқ, афсуски, Асқад Мухтор қиссининг шакли хусусида мукамалроқ ўйлаб кўрмаган, мазмуний изланишларга мувофиқ шаклий изланишлар устида қунт билан ишламаган. Шу сабабга кўра қисса яхлит асардан кўра кўпроқ сочма эпизодлар йиғиндисига ўхшаб кетади... «Бўронларда бордек ҳаловат»да образлар жуда кўп, улар шу даражада усти-устига қалаб ташланганки, буларнинг зарурини нозоридан ажратиб олиш қийин бўлиб қолади».

«Биллур қандиллар»да мунаққид бошқачароқ йўналишдаги нуқсонни кўради. Дастлаб Одил Ёқубовнинг қисса сюжетини ҳаракатга келтирувчи «уч қаҳрамон дунёқарашини, уларнинг ҳаёт ва ахлоқ принципларини шу асосда уларнинг хатти-ҳаракатларини бир нуқтага йиғиб, яхлит ҳаёт материали сифатида акс эттирилганини таъкид-

лаб, ўша яхлит ҳаёт материалининг баъзи ўринларда чуқур тадқиқ этилмаганини, ҳоҳида мантиқсизликка йўл қўйилганини исботлашга интилади. Интилиш чоғида эса бундай вазиятнинг фақат Одил Ёқубов эмас, балки бошқа ўзбек адиблари ижодида ҳам учраётгани тўғрисида сўз юритиб, масалани анча кенг ва чуқур ёритади.

«Ҳақиқий ёзувчи қайси даврни акс эттирмасин, образларни қай тарзда танла-масин, у яратган қаҳрамонлар китобхон дилида муҳим ва янги ҳис-туйғулар уйғотади. Асарни ўқиган ҳар бир киши қаҳрамонни ўзининг доимий шеригидек, ҳаёт йўлдошидек ҳис қилади. Оғир кунларда у билан маслаҳатлашгандек, хурсандчилик пайларда китобий йўлдошини ўзи билан бирга кўраётгандек бўлади. Қаҳрамоннинг ҳаёт йўли компас сингари доим унга йўл кўрсатиб тургандек бўлади»,— деган нуқтаи назар остида Мақсуд Қориевнинг «Турналар Ҳалод учади», «Афросияб гўзали» қиссаларини кўздан кечирилади. Шу билан бирга Мақсуд Қориевнинг «Айиқчалар» деган ҳикояси анча ҳаётий чиққанлиги хусусида мулоҳаза юритиб, агар бу ижодкор ўз изланишлари, интилишларига юксак талабчанлик билан ёндашса, самарали натижаларга эришиши мумкин, деган хулосага келади.

Шеърятимиздаги ўсиш-ўзгаришлар, изланишлар хусусида сўзлаганда ҳам Матёқуб Қўшжонов ўз ижодий принципларига содиқ қолади.

Тўғри, бу борада у наср таҳлилидагидек юксакларни забт этаётгани йўқ. Шунга қарамасдан унинг шоирларимиз ижодида бўлаётган ўсиш-ўзгаришлар, изланишлар моҳиятини синчковлик билан илғаб олишга қодир эканлигини кўра-миз. Чунончи, ҳозирги аруз ҳақидаги мунозаралар қўшилиб, бу вазнда айрим истеъдодли шоирларимиз мазмунли шеърлар ёзганини қайд этиб, қуйидагиларни уқтиради: «Бироқ аксе-

рият пайтларда шоирларимиз арузда яратаётган шеърлар анча заиф. Одатда аруз социал психологик мотивларни лирик қаҳрамоннинг интим ҳаёти орқали ифодалашга мойил. Демак, арузда маълум бир шакл чегараси бўлгандек, маъно чегараси ҳам бор... Шоирларимиз яна шуни ҳисобга олишлари керакки, аруз — кўпроқ араб ва форс тили қонуниятларига асосланган вазндир».

Бу фикрларнинг қайси бир нуқталари илмий жиҳатдан чуқур асосланган ёки асосланмагани, шеъриятнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалагани ва ифодаламагани тўғрисида баҳслашиш мумкин, бироқ уларга бепарқ қараб бўлмайди.

Олимнинг Абдулла Орипов ва Шукур Холмирзаев, Эркин Воҳидов ва Ўткир Ҳошимов сингари ёш шоирлар ва насрнавистларнинг изланишларига доир

кузатишлари ҳам шундай таассурот қолдиради. Тўғри, мунаққид баъзан хотамтойлик қилиб, улардан айримларининг асарларини бир оз ошириб баҳолайди. Бу ҳол айниқса жиддий танқидга учраган Омон Мухторнинг «Йиллар шамоли»га оид конкрет, етук таҳлилдан келиб чиқмаган, чуқур исботланмаган мулоҳазаларида кўринади.

Матёқуб Қўшжоновда бундан бошқа ҳам эътироз талаб, баҳсли фикрлар, кузатишлар учраб туради. Жумладан, фикрлар, кузатишлар, мулоҳазалар ифодасида баъзан ғализликларга йўл қўйилади, чинакам мунаққид истеъдоди талаб қиладиган образлилик етишмаётганлиги сезилади, лекин Матёқуб Қўшжонов аксари ҳолларда илмий-баддий ҳақиқатни намоён қилганлиги учун бундай вазият унинг ижодига салбий таъсир этмайди. Аниқроғи, адолат руҳига йўғрилган

тадқиқотчилик санъатини тўла эгаллаган мунаққиднинг ўзига хос иқтидори образли ифодаларга эҳтиёж сезавермайди.

Матёқуб Қўшжонов адабий-танқидий асарларининг мазмундорлигини таъминловчи яна бир муҳим хусусият шундаки, фақат ўзбек адабиётшунослиги, танқидчилиги эришган ютуқларни ижодий ўзлаштириш билан қониқмайди. Мунаққид адабиётшунослик фанининг бутуниттифоқ миқёсини эгаллаб, ўша миқёс талаблари даражасида қалам тебратди.

Бу айтилганлардан унинг кўп сонли ўқувчилар эътиборини қозонганлиги табиий ва қонуний бўлиб, бу мунаққидга ҳам алоҳида масъулият юклайди, ҳам янада баркамол адабий-танқидий асарлар яратиб, ўз илмий-эстетик оламини бойитишга, мустақамлашга даъват этади.

**Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ.**



## ТАРИХИЙ МАНБАЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

Бинони пойдеворсиз тиклаш мумкин бўлмаганидек, манбасиз тарихни ҳам, хоҳ у узоқ ўтмиш, хоҳ янги замон тарихи бўлсин, яратиш қийин. Айниқса ўтмиш ҳақида бадий асар ёзиш мушкул, чунки, орадан кўп вақт ўтган, қолаверса, узоқ ўтмиш воқеалари ҳақида жуда кам ахборот сақланиб қолган бўлади. Тарихий манбанинг турлари ҳам кўп. Улар турли нарсалардан (суяк, тош, темир ва бошқалар) ясалган қурол-аслаҳалар, уй-рўзғор буюмлари, зеб-зийнат ашёлари, қадимги одамларнинг турар жойлари, сугориш ва мудофаа иншоотларининг қолдиқлари, ниҳоят, тош, папирус, тери ва қоғозга битилган ёзувлар бўлиши мумкин. Буларсиз ўтмиш билан боғлиқ тарихий масалаларни ечиб бўлмайди. Масалан, ибтидоий одамлар тарихини олиб кўрайлик. Маълумки, ерда ҳаёт пайдо бўлганидан бери жуда кўп вақт ўтди. Фандаги янги маълумотларга кўра, энг қадимги, ибтидоий одамлар бундан икки миллион йил муқаддам пайдо бўлган. Ҳозирги замон типидagi одамлар эса тош даврининг юқори босқичида, яъни 35—10 минг йилликлар орасида шаклланган. Уларда фикрлаш қобилиятининг пайдо бўлиши ва ривожланишига қадар эса яна кўпдан-кўп замонлар ўтди. Хўш, бу одамлар қандай ҳаёт кечирган? Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланиш тарихи қандай кечган? Бу саволларга фақат улардан қолган меҳнат қуроллари ва юқорида зикр этилган ашёвий далилларгина жавоб бериши мумкин. Қисқаси, инсоннинг ибтидоий жамоа ва қулдорлик тузumi давридаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётини улардан қолган ашёвий далилларсиз фараз қилиб ҳам бўлмайди. Буни ўрганиш ва аниқлашда тарих фанининг асосий ва муҳим тармоқларидан бири бўлган археологиянинг роли ва хизмати бениҳоя каттадир.

Ёки ўзбек халқининг келиб чиқиши ва шаклланиш тарихи масаласини олиб кўрайлик. Бу масала кўпдан бери илмий жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ўзига тортиб келмоқда, бу ҳақда йirik тарихчи олимларнинг (Н. А. Аристов, А. Ю. Якубовский, П. П. Иванов, А. А. Семенов,

Г. Вамбери, Г. Ховорс, М. П. Пельо, М. А. Чапличка ва бошқалар) озми-кўпми айтган фикрлари ҳам бор. Шунга қарамай, бу масала хусусида ҳозиргача қатъий бир илмий фикр айтилганича йўқ. Аллақачонлар ечилиши мумкин бўлган бу масала ҳануз муаммолигича қолиб келмоқда. Уни ечиш учун ўтмишдан қолган барча ёдгорликларни, археологик топилмаларни ҳам, қадимий афсоналар ва қиссаларни ҳам, шунингдек, турли тилларда битилган ва бизнинг замонамизгача келган ёзма ёдгорликларни ҳам қўнт билан атрофлича ўрганиш талаб қилинади. Бунинг учун етук археологлар, этнографлар, географлар, антропологлар, тилчи ва адабиётчилар, шунингдек шарқ тиллари ҳамда қўлёзма манбаларни яхши биладиган олимларнинг ҳақиқий бир уюшмасини тузишга тўғри келади.

Урта Осиё, шу қатори ҳозирги Ўзбекистон замини ҳам кўҳна ўлкалардан ҳисобланади. Шундай экан, Урта Осиё халқлари, шунингдек, ўзбек халқининг тарихи ҳам қадимий. У яқинда пайдо бўлган халқ эмас, албатта. Унинг тарихи ўлкамиз тарихи каби қадимийдир. Хоразмда, Ўзбекистоннинг жанубий районларида, шунингдек Шош (Тошкент) ва Фарғона воҳаларида олиб борилган археологик тадқиқотлар ва кузатишлар Ўзбекистонда милоддан аввал, аниқроғи IV—II минг йилликлар орасида одам яшаганлигини кўрсатди. Археолог олимларимиз уларнинг ижтимоий ва маданий ҳаётига оид бир қатор ёдгорликларни очдилар. Республикамиз жанубидаги Кўхитанг тоғларидаги ғорларда, Самарқанд яқинида жойлашган Илсонсой, Оқсой, Тошкент вилоятига қарашли Хўжакент қишлоғида, шунинг каби Фарғона воҳасидаги Фалактош манзилида топилган тошга ўйиб ишланган ов манзаралари, кўҳна Хоразмда (Жонбос қалъа ва бошқалар) топилган суяк ва тошдан ишланган аслаҳалар, уй-рўзғор ва зеб-зийнат буюмлари шулар жумласидандир. Бу топилмалар шак-шубҳасиз узоқ аждодларимизнинг ижтимоий ва маданий турмуши қай даражада бўлганлиги ҳақида умумий хулоса чиқаришга ёрдам беради. Модомики шундай экан, бу ёдгорликлар ўзбек халқининг

қелиб чиқиши, шаклланиш тарихини ўрганишда ҳам муҳим манбалардан бири ва-зифасини ўташи мумкин.

Ушбу мақолада мазкур масалани ечишда ўтмишдан қолган турли тиллардаги қўлёзма асарлар ва солномаларнинг роли ҳамда ўрни ҳақида қисқа фикр юритмоқчимиз. Аввало шунини айтиш керакки, биринчидан, ўзбек халқининг аجدодлари бўлган қадимий қабила ёки элатлар ҳақидаги маълумотлар мавжуд асарларда аниқ бир жойда, маълум бир бобда келтирилмаган, балки бутун асар бўйлаб «сочилиб» ётади. Демак, бутун асарни аввалдан охиригача кунт билан ўқиб чиқиш ва бу маълумотларни бошоқ тергандай битталаб териб олишга тўғри келади. Иккинчидан, бу маълумотлар мукамал бўлмай, жуда-жуда қисқадир. Учинчидан эса, бир муаллифнинг келтирган маълумоти иккинчи бир асарда учрайдиган маълумотга тамоман зид бўлиш ҳоллари ҳам учраб туради. Демак, бир эмас, балки ўнлаб асарларни диққат билан ўқиб чиқиш, уларда келтирилган маълумотларни бир-бирига солиштириш ва уларни танқидий нуқтаи назар билан ўрганишга тўғри келади.

Маълумки, қадимдан Амударё (унинг қадимий туркийча номи Укуз) ва Сирдарё (қадимий номи Хашрат)<sup>1</sup> оралиғида ва унинг шимолий ҳамда шимолий-шарқ тарафида истиқомат қилган саклар, массагетлар, тохарлар (хитой манбаларида юзжчи), кангюйлар, узлар ҳамда усунлар ўзбек, туркман, қозоқ ва қирғиз халқларининг аجدодларидир. Булар ҳақидаги маълумотлар қадимги юнон олимларининг асарларида, қадимги Эрон манбаларида, Муғ қалъаси (Тожикистон ССРнинг Айни райони)дан топилган сўғд тилидаги ҳужжатларда, шунингдек, Қаюмарс, Жамшид, Сиёвуш, Афросиёб, Кайхусрав ҳақидаги афсоналарда, Аморг ва Спаретра, Тўмарис, Широқ қиссаларида кўплаб учрайди.

Қадимги юнон манбаларини олиб кўрайлик. Геродот (милоддан аввалги V аср), Страбон (милоддан аввалги I аср), Эфор (милоддан аввалги 405—330 йиллар), Дионисий (милоднинг II асри) каби тарихчи ва географ олимларнинг асарларида саклар ҳамда массагетлар ҳақида хусусан уларнинг аниқ яшаган жойлари, урф-одати ва турмуши ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Масалан, Эфорнинг «Умумий тарих» деб аталган 30 жилдлик асарида мана буларни ўқиймиз: «Қўйбоқар саклар — скифлар таркибига кирувчи қабилалардан. Улар одил кўчманчилар тоифасидан бўлиб, дон етиштириладиган Осиёда истиқомат қилганлар... Саклар бир жойдан иккинчи бир жойга аралаларда кўчиб юрадилар ва

бия сути билан тирикчилик ўтказадилар...» Ёки Клавдий Эллианнинг кўп жилдлик «Ҳар хил ҳиқоятлар» асарида келтирилган қуйидаги маълумотга эътибор берайлик: «Саклардан бирон шахс бир қизга уйланоқчи бўлса, аввало у билан кураш тушмоғи зарур. Бордию бу курашда енгилгудек бўлса, йигит тамоман унинг ихтиёрига ўтади, асири ва қулига айланади. Йигит фақат ғолиб келган тақдирдагина қизни хотинликка олиши мумкин». Қадимги юнон ва Рим олимларининг асарларида шунга ўхшаш маълумотларни кўплаб учратиш мумкин. Страбоннинг 17 китобдан иборат «География» асарида, шунингдек, милоддан аввалги I аср охири ва милоднинг бошларида ўтган Помпей Трогнинг 44 жилдан иборат «Умумий тарихи» («Филиппин тарихи» деб ҳам аталади) саклар ва массагетларнинг умуман қайси халққа мансублиги, улар яшаган территория ҳақида кўп ажойиб маълумотлар учратамиз. «Каспий денгизи (унинг шарқий қисми)дан бошлаб — скифларнинг катта қисми,— деб ёзади Страбон,— дайлар (дайлар ва дербиклар асосан ҳозирги Қорақум ўрнида истиқомат қилганлар — Б. А.) улардан шарқда яшовчи қисмлари эса массагетлар ва саклар деб аталади...» Скифлар хусусида Помпей Трог айтган мана бу гаплар ҳам диққатга сазовордир. «Скифларни ҳамма вақт энг қадимий қабила деб ҳисоблаб келганлар. Қадимийликда улар мисрликлардан қолишмайдилар».

Шарқ манбаларини олиб кўрайлик. Оташпарастларнинг (бу диний эътиқод милоддан аввалги VI асрда Балх ва Урта Осиёда юзага келган) муқаддас китоби «Авесто»да Ахамонийлар (милоддан аввалги 559—330 йиллар) ва сосонийлар (милоднинг 224—651 йиллари) асоратида тушиб қолган мамлакатлар ва халқлар, шунингдек, Урта Осиё халқлари ҳақида маълумотлар бор. Бу халқлар ичида турклар ҳам тилга олинади. Бу ўринда шунини ҳам айтиш керакки, шарқ манбаларида Амударё билан Сирдарё оралиғида, Хоразм ва Фарғонада, шунингдек, мазкур территорияга туташ ўлкаларда яшаган халқлар умумий ном билан «турк», уларнинг мамлақати эса «Турон» аталиб келган. «Авесто»да баён этилган маълумотларга ўхшаш хабарлар сосонийлар ҳукмронлиги даврида яратилган «Хвадайнамак» («Илохийнома») асарида ҳам келтирилган. Тўғри бу асар бизнинг замонамизгача етиб келмаган. Унинг Ибн Муқаффаъ (757 йилда ўлдирилган) тарафидан қилинган арабча таржимаси ҳам сақланмаган. Лекин, бу асар Ибн ал-Қутайба (889 йилда вафот этган) ҳамда Табарий (838—923)ларнинг асарларига манба бўлган. Хусусан Табарий «Хвадайнамак»дан кенг фойдаланган; унинг маълум қисмларини деярли ўзгартиришсиз ўз китобига киритган.

Урта Осиё халқларининг қадимий тарихи, хусусан мамлакатнинг араб истилоси арафасидаги аҳволи, шунингдек унинг VII—IX асрлардаги тарихи араб, форс ва

<sup>1</sup> Қадимги юнон олимлари ва ёзувчилари ўз тилига мослаштириб, буларнинг бири Ибн Оксус, иккинчисини Яксарт деб атаганлар.

туркий тилларда ёзилган яна бир қатор асарларда баён этилган. Умар ал-Воқидий (747—823)нинг «Китоби мағазий» («Урушлар ҳақида китоби»), Аҳмад ибн Вадиҳ ал-Яъқубий (892 йилда вафот этган)нинг икки жилдлик «Тарих» китоби, номи юқорида зикр этилган Табарийнинг «Тарих ар-расул ва-л-мулк ва-л-хулафо» («Пайғамбар, подшолар ва халифалар тарихи») номли йирик асари, Ибн Мискавейх (1030 йилда вафот этган)нинг «Китоб тажориб ул-умам» («Халқлар бошига тушган имтиҳон»), Абулқосим Фирдавсий (932 ёки 936 — тахминан 1020)нинг буюк «Шоҳнома»си, Абу Наср Муҳаммад Утбий (961—1036)нинг «Тарихи Яминий» («Султон Маҳмуд Газавий тарихи»), Абу Саид Абдулҳай Гардизий (XI аср)нинг «Зайн ул-ахбор» («Хабарлар бе-заги»), йирик энциклопедист олим Маҳмуд Қошғарий (1029—1038 йиллар орасида туғилган)нинг «Девон луғат ат-турк» («Туркийча сўзлар девони»), шунингдек, Ибн ал-Асир (1160—1234)нинг «Ал-юмил фи-т-тарих» («Мукаммал тарих») асарлари шулар жумласидандир.

Бу асарларнинг кўҳна саҳифаларида Урта Осиёнинг қадимий туркий тилли аҳолиси ҳақида қимматли маълумотлар сақланган. Масалан, Табарийнинг юқорида қайд этилган асарида араб истилочилари Кутайба ибн Муслим бошчилигида Урта Осиёга бостириб кирган (VIII аср бошлари) вақтида туркий қабиалар Фарғонада, Марвада, Термизда, Хутталонда, Бодғис ва Балхда, Боб ал—абвоб (Дербент)да, шунингдек Самарқанд ва Бухоронинг тева-рак-атроф районларида истиқомат қилган-ликлари ва истилочиларга қарши мардлик билан кураш олиб борганликлари ҳақида маълумотлар келтирилган. «Девон луғат ат-турк»да ҳам диққатга сазовор маълумотлар бор. Мана шулардан бири: «Қаз—Афросиёб қизининг исми. Қазвин шаҳрини шу қурғандир. Бу сўзининг (Қазвин —Б. А.) асли «Қоз ўйини»—қоз ўйналадиган жой демакдир. Чунки у шу ерда турар ва шу ерда ўйнар эди. Шунинг учун баъзи турклар Қазвинни турк шаҳарларидан ҳисоблаганлар. Шунингдек, Қум шаҳри ҳам чегара ҳисобланади. Чунки қум туркча сўздир. Афросиёбнинг қизи бу ерда ов қилар ва ўйнар эди. Баъзилар турк шаҳарлари чегараси Марв Шоҳижаҳондан бошланишини сўзлайдилар. Чунки Қазнинг отаси Танга Алп эр — Афросиёбдир. У Таҳмуросдан (қадимги Эрон подшоларидан, Пешдодийлар сулоласидан иккинчи ҳукмдор —Б. А.) уч юз йил кейин Марвини бино қилгандир. Баъзилар бутун Мовароуннаҳрни турклар ўлкаларидан деб ҳисоблаганлар. У Янқандан бошланган. Унинг (Янқанднинг — Б. А.) бир оти Дизруйиндир. У сариклиғига кўра мис шаҳри демакдир. Бу Бухорога яқиндир. Бу ерда Афросиёбонинг қизи — Қазнинг эри Сиёвус ўлдирилгандир. Маъжусий — оташпарастлар ҳар йили бир кун бу ерда келиб Сиёвус ўлган жой атрофида йиғлайдилар. Моллар сўйиб, қурбонлик қиладилар. Сўйилган мол қонини унинг

мозори тепасига тўкадилар. Уларнинг одалари шундай. Бутун Мовароуннаҳр, Янқанддан шарққача бўлган ўлкаларни турк шаҳарларидан деб ҳисоблашнинг асоси шуки, Самарқанд — Самизқанд, Шош — Тошқанд, Ўзқанд, Тунқанд номларининг ҳаммаси туркчадир. «Канд» туркча шаҳар демакдир. Улар бу шаҳарларни қурдилар ва шундай ном қўйдилар. Ҳозиргача ҳам шундай келмоқда. Бу ерларда фарслар кўпайгач (Бу Аҳамонийлар замонида содир бўлди — Б. А.) сўнг улар Ажам шаҳарлари каби бўлган. Ҳозир турк ўлкаларининг чегараси Абисқун денгизи (Каспий денгизи — Б. А.) билан ўралган. Рум ўлкасидан ва Ўзқанддан Чингача чўзилади. Узунлиги беш минг Фарсах, эни уч минг фарсах, ҳаммаси саккиз минг фарсахдир». (Учинчи том 163—164). Афросиёб, унинг қизи ва Сиёвус воқеаси Абубакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий (X аср)нинг «Бухоро тарихи» асарида ҳам келтирилган. «Бу гаплар бўлганига,— дейди Наршахий,— ҳозир уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди». Демак, Маҳмуд Қошғарий келтирган бу маълумотлар фақат X—XI асрларга тааллуқли бўлмай, балки унинг замонидан қарийб уч минг йил муқаддам содир бўлган воқеалардир.

«Девон луғат ат—турк»нинг яна бир муҳим қиммати шундаки, унда Амударё ва Сирдарё оралиғи ҳамда унга туташ ўлкаларда қадимдан истиқомат қилган туркий тилли қабила ва уруғларнинг номлари бирма-бир келтирилган, уларнинг турар жойлари доира шаклида чизилган махсус харитада ҳам кўрсатилган. Булар орасида ўзбек ва бошқа Урта Осиё ҳамда қозоқ халқларининг этник таркибига кирган қипчоқ, ўғуз, бошқирд, ябаку, тотор, қирғиз, шунингдек, чигил, тухси, яғмо, жумул, уйғур, тангут ва бошқа қабиалар бор.

«Девон»да «ўкуз» топоними хусусида келтирилган мана бу маълумот ҳам диққатни ўзига жалб қилади: «Ўкуз — Жайхун, Фирот (Ефрат) каби дарёларга берилган ном. Ўғузлар бу сўзни ўзларининг шаҳарлари жойлашган Банокат водийси маъносида қўллайдилар. Уларнинг кўчманчилари ҳам шу дарёнинг икки қирғоғига жойлашгандир. Турк мамлакатларидаги бир қанча бошқа дарёлар ҳам шу ном билан юритилади» (Биринчи том, 91-бет).

Гардизийнинг «Зайн ул-ахбор» асари ҳам Урта Осиё ҳамда Қозоғистон халқларининг этник тарихини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур асарда халлхулар (қорлуқлар), қимоқлар, қирғизлар, тўқизғузлар, чигил ва тургашлар ҳақида, уларнинг яшаган ерлари ва унга бориладиган йўллар ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган.

Ёки Рашидуддин (1247—1318) ва Шарофуддин Али Яздий (1454 йилда вафот этган)ларнинг асарларини олиб кўрайлик. Рашидуддин ўзининг машҳур «Жомеъ ут-таворих» («Солномалар мажмуаси») номли кўп жилдлик асарида XI—XII ва XIII аср бошларида жанубий Сибирь,



Мўғулистон, Олтой ва Еттисув ўлкасида истиқомат қилган ва кейинчалик жаҳонгир Чингизхон қўшинининг асосини ташкил этган жуда кўп турк ва мўғул қабилалари ҳақида ҳам зўр маълумот беради. Булар орасида кейинча ўзбек, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ, татар, бошқирд ва бошқа туркий тилли халқларнинг этник таркибига кирган қорлуқ, қипчоқ, бахрин, нукуз, қиёт, кўнғирот, силтуз, уйғур, боёвут, чинос, манғит, барлос, дуғлот, жалоир, маркит, қурловут, уйрот, булғочи, керойит, найман каби туркий қабилалар ҳам бор.

«Зафарнома»да Урта Осиё ва у билан қўшни ўлкаларда XIV—XV асрнинг биринчи ярмида яшаган 44 нафар туркий қабилла ва уруғларнинг номлари келтирилган. Шуниси диққатга сазоворки, булар ичида Урта Осиёга XIII асрда Чингизхон ва XVI аср бошида Шайбонийхон бошчилигида кўчиб келиб ўтириб қолган қабила-лар орасида учрамайдиган 10 дан ортиқ қабилалар (қонглилар, лочинлар, олчинлар, қатағонлар, беш юзлар ва бошқалар) бор. Булар шак-шубҳасиз бу территорияда қадимдан истиқомат қилиб келган қаби-палардир.

Урта Осиё ва Қозоғистоннинг туркий халқлари этник тарихини ўрганишда му-қим манба ролини ўташи мумкин бўлган


асарлар ўнлаб топилади. Камолиддин Биноий (1453—1512)нинг «Шайбонийнома», Руз-бехоннинг 1509 йили ёзилган «Меҳмон-номаи Бухоро», Масъуд ибн Усмон ибн Кўхистоний (XVI аср ўрталари)нинг «Тари-хи Абулхайрхоний», Заҳириддин Муҳам-мад Бобир (1483—1530)нинг «Бобирнома» асари, шунингдек Ҳофиз Таниш Бухорий (XVI аср) ҳамда Маҳмуд ибн Вали (XVII аср)ларнинг «Абдулланнома» ва «Баҳр ул-асрор» («Сирлар денгизи») номли йирик асарлари, Абулғозихон (1603—1664)нинг «Шажарайи турк» асари шулар жумласи-дандир. Бу асарларда тарихнинг маълум даврларида ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, татар ва бошқирд халқла-рининг этник таркибига қўшилган қабила-лар ва айрим ҳолларда улар истиқомат қилган ўлкалар ҳақида зўр илмий ва ама-лий қимматга эга бўлган маълумотлар келтирилган.

Бу ва бошқа тарихий манбаларни чуқур, атрофлича ўрганиш ўзбек халқи ҳамда Урта Осиё ва Қозоғистоннинг туркий халқларининг келиб чиқиши, уларнинг эт-ник ривожланиш тарихини яратишга яқин-дан ёрдам беради.

**Бўрибой АҲМЕДОВ,**

тарих фанлари доктори

# Тўққайчи



## Хандалар

— Нега хафа кўринасиз? — сўради ёзувчи дўстини учратиб қолиб.

— Нега хафа бўлмай! Бир одамни учратдим, ҳалигача Навоийнинг кимлигини билмас экан.

— Бунинг нимасига хафа бўласиз?

— Ие, қизиқ экансиз-ку, бугун Навоийни танимаса, эртага мени ҳам танимай қўйиши мумкин-да, ахир!

□

Китобхонлар билан учрашув пайтида берилган саволларга муаллиф ўрнига редактор жавоб қайтарарди:

— Нега муаллифнинг ўзи жавоб бермаяпти? — сўрашди ундан.

— Чунки, китоб тахрир қилинган пайтда муаллиф сафарда эди...

□

Редакция бир авторнинг қўлёзмаси ҳақида танқидчининг шундай фикр-мулоҳазасини олди: «Бу асар ҳақида принципиал тарзда шундай дейиш мумкин: унинг чоп этилишига эътироз билдирса ҳам бўлади, билдирмаса ҳам бўлади. Лекин асосий гап шундаки, чоп қилишга лойиқ кўрилган тақдирда чоп этишга лойиқ кўрилмаганликнинг сабаблари эсдан чиқарилмаса ёмон

бўлмайди. Бу, энг тўғри йўл бўлганлиги учун қатъий фикримни билдираман!..».

Бўлимдагилар рецензентнинг нима демоқчи бўлганлигини аниқлаш учун унга телефон қилишга мажбур бўлдилар.

— Демак, сиз асарни чоп этишни таклиф қиласиз?

— Нималар деяпсиз, азизим?!.

— Балки чоп этилмаслигини таклиф қиларсиз?

— Сизга ким шунақа деяпти?

— Ахир аниқ фикрингизни айтинг бўл-маса?

— Мен ёзма маълумотимда ўз принципиал фикримни ёзганман. Қўшимча маълумот бермайман!..

□

Икки ёзувчи учрашиб\* қолишди:

— Мени худо урди, адои-тамом бўлдим, — деди биринчиси. — Уғлим янги ёзган асарини ўчоққа ташлаб юборибди.

— Уғлинг неча ёшда?

— Тўрт ёшда.

— Ие, нима, у ўқишни биладими?

Хандаларни  
М. УРИНБОЕВ  
тўплаган.

## Конвертларни қайчилаганда

«Кичкинагина бошини, ингичка бўйнининг ичига тортди».

□

«Унинг қўл билаклари ҳам оғирди. Оёқ билакларини эса... айтмаса ҳам бўлади».

□

«Петя қараса, Самаднинг юзи ёришиб кетган, гўё ичига прожектор ёқилгану қал-

би нурда яшнаб, аксини унинг юзига сочмоқда эди».

□

«Саматовнинг дами ичига тушиб, коптоқдай шишиб, уф тортди».

□

«Қимматхоннинг вужудига муз югурди, пешонасига чиқиб эриди...».

9 апрелда Ҳамид Олимжон номидаги адабиётчилар уйида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг II пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда КПСС XXVI съезди ёзувчилар олдига қўйган вазифалар ва ташкилий масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари **Сарвар Азимов** доклад қилди.

Муҳокамада **К. Яшин, А. Удалов, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, А. Дементьев, Р. Бобожон, Т. Қайлбергенов, Т. Тўла, Э. Воҳидов, С. Сирожиддинов, Р. Файзий, Г. Владимиров** ўртоқлар КПСС XXVI съезди қарорларининг моҳияти ва аҳамияти ҳақида гапирдилар.

Пленум ташкилий масалани ҳам кўриб чиқди.

**Асқад Мухтор** «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталик газетасининг бош редактори этиб тайинланди.

Ўзбекистон халқ шоири **Туроб Тўла** ва **Ҳаким Назир** Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси секретариати аъзолигига сайландилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети бўлим мудир **А. О. Тўраев**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходимлари **Б. Т. Бойқобилов, У. И. Усмонов**, Ўзбекистон ССР Радио ва телевидение давлат комитетининг раиси **У. Ё. Иброҳимов**, Ўзбекистон ССР полиграфия ва китоб савдоси давлат комитетининг раиси **З. И. Есенбоев**, Ўзбекистон ССР Кинематография ва Композиторлар союзларининг биринчи секретарлари **М. Қаямов** ва **Э. Солиҳов**, Ўзбекистон театр жамиятининг раиси **С. Эшонтўраева** ва Ўзбекистон ССР Маданият министрининг биринчи ўринбосари **Р. Н. Назаровалар** қатнашишди.

## ЗВЕЗДА ВОСТОКА

май сонида

Журналнинг мазкур сони Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган тожик адабиёти ва санъати ҳафталигига бағишланган.

СССР Ёзувчилар союзининг VIII съезди

олдидан **У. Норматов**нинг мақоласи босилган.

Проза бўлимида **Уктам Усмонов**нинг «Гирдоб» романининг давоми, **Одил Ёкубов**нинг «Меҳрибонлик» ҳикояси, поэзия бўлимида эса **А. Ҳамдам, А. Ивановлар**нинг шеърлари босилган.

Шунингдек журналда публицистика, адабий танқид, санъат ва бошқа рубрикалар остида ранг-баранг материаллар берилган.

Бош редактор ўринбосари: Ҳ. НИЕЗОВ

Редколлегия: УЙҒУН, ЗУЛФИЯ, ҲАМИД ҒУЛОМ, САРВАР АЗИМОВ, МИРМУҲСИН, ИБРОҲИМ РАҲИМ, И. ЮСУПОВ, РАҲМАТ ФАЙЗИЙ, Н. НАРЗУЛЛАЕВ, ТУРОБ ТУЛА, Ҳ. АБДУСАМАТОВ, Ш. ШОМУҲАМЕДОВ, У. УМАРБЕКОВ, У. УСМОНОВ, Ш. ХОЛМИРЗАЕВ, У. НОРМАТОВ, Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ҳ. ШАРИПОВ, НОСИР ФОЗИЛОВ (масъул секретарь).

---

© Шарқ юлдузи, 1981.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

---

На узбекском языке

**«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»**

(Звезда Востока)

№ 5

Орган Союза писателей Узбекистана  
Ордена Трудового Красного знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,  
Ташкент—1981.

---

Рассом Э. Рўзиев. Техредактор М. Мирражабов. Корректор А. Билолов.

---

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга, «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

---

Теришга берилди 6.03.81 й. Босишга рухсат этилди 22.04.81 й. Р-02935. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Қабарик босма. Физ. листи 15. Шартли босма листи 22,0+0,35 (вкл.). Нашриёт ҳисоб листи 23,06+03 (вкл.). Тиражи 210.000. Заказ № 225.

---

Ўзбекистон Компартияси Маржазий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент—700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

**БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:**  
700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КУЧАСИ, № 1.  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР УРИНБОСАРИ — 320828,  
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ — 330918, ПРОЗА — 332181, ПОЭЗИЯ, ТАНКИД ВА  
АДАБИЁТШУНОСЛИК — 332479.